ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ



“Илм-фан ва илмий фаолиятда коррупция ва бюрократия: муаммо ва унинг ечимлари” мавзусидаги республика илмий-амалий давра суҳбати материаллари ТЎПЛАМИ

СБОРНИК Материалов научно-практического круглого стола “Коррупция и бюрократия в науке и научной деятельности: проблема и пути ее решения”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

“Илм-фан ва илмий фаолиятда коррупция ва бюрократия: муаммо ва унинг ечимлари” мавзусидаги республика илмий-амалий давра суҳбати материаллари

ТЎПЛАМИ

СБОРНИК
Материалов научно-практического круглого стола “Коррупция и бюрократия в науке и научной деятельности: проблема и пути ее решения”

Тошкент-2024

ББК: 67.4
УДК: 34

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Кенгашининг 2024 йил 26 апрелдаги 5–сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

“Илм-фан ва илмий фаолиятда коррупция ва бюрократия: муаммо ва унинг ечимлари” мавзусидаги республика илмий-амалий давра суҳбати материаллари тўплами // Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов, ю.ф.ф.д., доц. Ш.И.Шайзаков – Тошкент. 2024. – 552 б.

Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. **М.М.Мамасиддиқов**
ю.ф.ф.д.,доц. **Ш.И.Шайзаков**

Нашрга тайёрловчилар: ю.ф.ф.д. доцент **Ш.И.Шайзаков,**
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти **Г.А.Расулова**

Тўпламда 2024 йил 25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бўлиб ўтган **“Илм-фан ва илмий фаолиятда коррупция ва бюрократия: муаммо ва унинг ечимлари”** мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари ўрин олган. Унда юридик фан йўналишида: Ўзбекистон Республикасида юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқшуносликка оид илмий ишларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, илмий фаолиятда бюрократия ва коррупцияни олдини олиш истиқболлари; давлат бошқарув йўналишида: давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, бунда прокуратура органларининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш, суд амалиётида қонунчилик ҳужжатларини қўллаш жараёнидаги муаммолар; жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси йўналишида: жиноят ҳуқуқи соҳасидаги илмий-назарий билимларни амалда қўллашнинг долзарб муаммолари, жиноят процессида шахсни реабилитация этиш соҳасидаги халқаро стандартлар, терговчининг процессуал мустақиллигини таъминлаш истиқболлари каби қатор долзарб масалалар бўйича юридик фанлар соҳасида кўзга кўринган етук олимлари, профессор-ўқитувчилари, мустақил изланувчилар, докторант ва бошқа ёш олимларнинг мақола ва тезислари ўз ифодасини топган.

Тўплам фан ва таълим соҳасини бошқаришга ваколатли давлат органлари, юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ мутасадди ташкилотлар, хусусан, суд, прокуратура, адвокатура ходимлари, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил изланувчилар, магистрлар ҳамда ушбу масалаларга қизиқувчи мутахассислар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик ва бошқа маълумотлар, меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдир.

© Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2024

I. ЮРИДИК ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ, ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

МАМАСИДДИҚОВ МУЗАФФАРЖОН МУСАЖОНОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлиғи ўринбосари, ю.ф.д., профессор

ЮРИДИК ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Юридик фанларнинг муҳим соҳаси ҳисобланган фуқаролик процессуал ҳуқуқи ҳам давлат-ҳуқуқий фаолиятининг алоҳида тури сифатида одил судлов институтини ўрганади, уни ривожлантириш ва янада такомиллаштириш, жамият учун тўлиқ ва самарали хизмат қилиш йўлларини белгилаб берадиган фан сифатида майдонга чиқади.

Дарҳақиқат, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг ёрдами ва кўмагисиз одил судловнинг моҳиятини тўғри тушуниш ва уни тўлиқ амалга ошириш, судларнинг одил судлов фаолиятини амалга ошириш давомида юзага келувчи қоидаларга тўлалигича риоя қилишларини таъминлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани юридик фанларнинг асосий ва муҳим соҳаларидан бири ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уни амалиётда қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани шунингдек, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, жамиятимизда амалга оширилиб келинаётган кенг кўламдаги иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштиришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, уларнинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишга хизмат қилувчи муҳим соҳа сифатида ҳам аҳамияти беқиёсдир.

Мамлакатимизда мустақилликка эришганимиздан то ҳозирги кунгача бўлган юридик фанлар бўйича ҳимоя қилинган диссертация ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, қарийб 33 йил давомида 12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослиги бўйича **6 нафар фан доктори** (DSc) **(Ш.Шорахметов,**

Э.Эгамбердиев, М.Мамасиддиқов, З.Эсанова, О.Пирматов ва А.Ҳақбердиев) ва **19 нафар** фалсафа доктори (PhD) ҳимоя қилинган бўлса, шундан 2 нафар DSc ва 12 нафар PhD сўнгги 3-4 йил оралиғида ҳимоя қилган.

Ҳозирги кунда ушбу ихтисослик доирасида диссертация мавзуларини олиб, тадқиқот ишлари билан шуғулланиб келаётган мустақил изланувчиларнинг сони биргина Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида 19 нафарга етган, шулардан 6 нафари юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун талабгорлар ҳисобланади. ТДЮУ да бу кўрсаткич 2 та докторантни, 10 нафар мустақил изланувчини ташкил этса, Судьялар олий мактабида 3 та докторант ва 18 та мустақил изланувчи ушбу ихтисослик доирасида тадқиқот иши билан машғул бўлса, Жамоат хавфсизлиги университетида эса 1 та мустақил изланувчи ушбу ихтисослик доирасида тадқиқот ишини амалга оширмоқда. Шундай қилиб, ҳозирги кунда мамлакатимизда 12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослиги бўйича **44 нафар мустақил изланувчи** ва **5 нафар таянч докторант** диссертация иши устида ишламоқда.

Замонавий фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани олдида турган долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида қисқача яна қуйидагиларни кўрсатиб ўтишни лозим топдик:

1) Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани бўйича чуқур фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ишлари талаб даражасида эмас. Дарҳақиқат, замонавий ҳуқуқ назариясида фуқаролик процессуал ҳуқуқи фундаментал-базавий ва ихтисослашган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланишини қатор ҳуқуқшунослар ўз асарларида эътироф этиб келишади.

Бу каби тадқиқот ишларини кучайтириш мақсадида илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амалга ошириладиган давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси ҳисобланган Инновацион ривожланиш агентлигига илмий лойиҳаларни тақдим этиш ишини фаоллаштириш ва унда иштирок этадиган муассасалар фаолиятини ва ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш талаб этилади.

2) Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани ҳамда процессуал ҳуқуқ назарияси билан амалиётнинг ўзаро алоқасини кучайтириш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратура билан ушбу ихтисослик бўйича олимларнинг узвий алоқаларни мустаҳкамлаш имкониятларини яратиш (масалан, ҲМҚА, ТДЮУ, СОМ, ЮМОМнинг фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи йўналишидаги кафедраларининг профессор-ўқитувчиларини Олий суд, Судьялар Олий кенгаши ва Бош прокуратуранинг эксперт гуруҳига мунтазам жалб этиб бориш ёки Олий суднинг Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолигига қабул қилиш. Судьялар Олий кенгаши ва Бош прокуратурада ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқиш ва қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича кўрсатмалар бериш. Шуниндек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш каби масалани кўриб чиқишга ихтисослашган

Илмий-маслаҳат кенгашини ташкил этиш ва ушбу Кенгашга ҳуқуқшунос олимларни жалб қилиш) орқали фаннинг амалиёт билан узвий алоқадорлигини таъминлаш.

3) Профессор-ўқитувчиларнинг Судьялар Олий кенгаши, Бош прокуратура ва Олий суднинг статистик-таҳлилий ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва таъминлаб боришни йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш. Шу асосда келажакда “Фуқаролик ишлари бўйича суд статистикаси” деб номланган мавзуни “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” фани дастурига киритиш.

4) Бошқа хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб**, “Фуқаролик ва иқтисодий процесс”** деб номланган алоҳида журнал ташкил этиш ва унда фуқаролик ҳамда иқтисодий процесснинг долзарб илмий-амалий масалаларига бағишланган туркум мақолалар, давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуман материаллари ва бошқаларни мунтазам равишда бериб бориш. Мазкур журналда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган юридик олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасалари профессор-ўқитувчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Бош прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг, тадқиқотчилар ва талабаларнинг илмий мақолаларини чоп этиб боришни ташкил этиш.

5) Юридик олий таълим муассасаларида “Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг долзарб муаммолари” деб номланган махсус курс ташкил қилиш, ўқув режасига киритиш ва юридик олий ўқув юртларининг магистрлари учун ўқитишни ташкил этиш.

6) Мамлакатимизнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқи бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ҳуқуқшунос олимлар ва тадқиқотчилардан иборат доимий фаолият кўрсатадиган Мувофиқлаштирувчи гуруҳ ташкил этилиб, ушбу гуруҳ аъзолари томонидан “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг долзарб муаммолари” деб номланган дарслик тайёрлашни ташкил этиш.

7) Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослигига доир муаммоларни бошқа турдош ихтисосликлар билан бирга тадқиқот олиб бормасдан комплекс тадқиқ этиш имконсиз бўлиб бормоқда. Айниқса, сўнгги йилларда фуқаролик суд ишларини юритишда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш, судга оид далиллар ва бошқа муҳим ҳужжатларга нисбатан кибер ҳужумларнинг олдини олиш, фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида бюрократик ва коррупцион нормаларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ва шу каби долзарб масалаларни фақат комплекс, тармоқлараро, соҳалараро ёндашув асосидагина атрофлича ўрганиш ва унга ечим топиш имконини беради.

Бунинг учун нима қилиш керак?

Маълумки, мамлакатимизда биргина юридик фан тармоғининг ўзида 14 та ихтисослик мавжуд бўлиб, ихтисосликларнинг кўплиги диссертация

тадқиқоти мавзуларининг тор доирада бўлишига, соҳалараро, тармоқлараро ёндашувлар мавжуд бўлмаслигига, ҳуқуқ соҳалари ўртасида “тўсиқ” пайдо бўлишига ва уларни бир-биридан чегаралаб қўйишга, диссертация мавзуси комплекс бўлганда эса иккита ихтисослик бўйича ҳимояни ташкил этишга олиб келади. Бу каби “тор” ёндашув, таҳлил қилинаётган масалаларни, уларнинг ўзаро боғлиқлигини инобатга олмаган ҳолда бир тарафлама, хато англашга олиб келиб, оқибатда эса, тадқиқот ишида ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятига нафақат нотўғри баҳо берилиши, балки қонунчиликни такомиллаштиришга оид хато таклифларни илгари сурилишига сабаб бўлади.

Шундай экан, фикримизча, ОАК ҳузуридаги Эксперт кенгаши ҳамда бутун илмий жамоатчилик олдида янги илмий ихтисосликларнинг номенклатурасини ишлаб чиқиш масаласи долзарб ҳисобланади. Шу мақсадда, масалан, юридик фанда илмий ихтисосликларни умумлаштириш ва уларни қуйидаги бешта муҳим йўналишга ажратиш таклиф қилинади:

- Назарий-тарихий юридик фанлар;

- Оммавий-ҳуқуқий (давлат-ҳуқуқий) фанлар;

- Хусусий-ҳуқуқий (цивилистик) фанлар;

- Жиноий-ҳуқуқий фанлар;

- Халқаро-ҳуқуқий фанлар йўналиши.

Ўз навбатида муайян фан тармоғининг (тармоқларининг) тегишли ихтисосликларини умумлаштириш ва кенгайтириш тадқиқотчиларга қўшимча имкониятлар эшигини очади, ихтисослик доирасида чегараланиб қолмай, масалани комплекс, ҳар томонлама тадқиқ этиши учун “тадқиқот майдони” яратилади. Шунда аксарият диссертациялар ҳимояси пайтида айтиладиган “иш қизиқарли, лекин ихтисослик шифрига мос келмайди” деган эътирозларга ўрин қолмайди.

8) Ҳозирги кунда Европа ва Америка, Осиё ва Евроосиёнинг айрим мамлакатларида фуқаролик процессуал ҳуқуқи ислоҳот арафасида эканлигини кўриш мумкин.

Ушбу ўзгаришларнинг асосий сабабларидан бири транспорт, алоқа, телекоммуникация тармоқларининг ривожланиши натижасида халқлар ва мамлакатларнинг барқарор яқинлашуви ётади. Ўз навбатида, ушбу яқинлашув натижасида глобал мафкуранинг шаклланиши, турли жамиятларнинг мавжуд зиддиятларни ҳал қилишга қаратилган воситаларни бирлаштириш ва уйғунлаштириш жараёнлари юзага келмоқда.

Чет эллик процессуалистлар низоларни ҳал этишнинг камроқ расмий ва муқобил тартиб-қоидаларини жорий этиш орқали одил судловга эришишни таъминлашга қаратилган фуқаролик процессуал моделларини жадал суръатларда излаш ва тадқиқ этишда самарали иш олиб бормоқдалар.

Шундай экан, юқорида санаб ўтилган масалаларни илмий жамоатчилик билан ҳамоҳанг тарзда ҳал этиш ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади деган умиддамиз.

ШАЙЗАКОВ ШОДИЯР ИБРАГИМОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Илмий инновацион тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий ходимларни тайёрлаш маркази бошлиғи, ю.ф.ф.д. (PhD), доцент

ЮРИДИК ФАН ВА ТАЪЛИМ: ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Мустақил Ўзбекистонда сўнги йилларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Дунё ҳамжамияти буни ижобий баҳолаб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар устувор йўналишларнинг бир бўлаги ҳисобланади.

Зеро Ш.М.Мирзиёев президентлик лавозимига киришган дастлабки йиллардан “биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз” деб биламиз - дея таъкидлаган эдилар[1].

Дарҳақиқат кенг кўламли ислоҳотларни илм-фансиз, таълим сифатини оширмасдан, унга ахборот коммуникация технологияларини жорий этмасдан ривожлантириш мушкул вазифа ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, Тараққиёт стратегиясининг бир қатор мақсадларида халқ хўжалигининг қатор соҳаларига илм-фан, амалиёт ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш, инновацияларни кенг жорий қилиш, ишлаб чиқариш билан илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш каби масалалар ўрин олган[2].

Ҳозирги кунда илм-фанни, хусусан юридик фанни кенг ривожлантириш, унинг ютуқларидан қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, юридик таълимни ривожлантиришда имкониятлар кенгайди. Мустақил давлатимиз тарихида биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли эканлиги, олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди[3].

---

[1]Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимадаги маърузаси. 2016 йил 7 декабрь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

[3] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. / https://lex.uz/docs/6445145. Қаралган вақти: 28.04.2024 й.

Мамлакатимизни 2017 - 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”, 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида таълим тизимини ривожлантириш юзасидан қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан биргаликда, мамлакатимизда юридик таълим тизимини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сонли Фармони алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу Фармон билан Тошкент давлат юридик университети “юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим ва илмий-методик муассасаси этиб белгиланди[1]. Бу эса академик ҳуқуқий тадқиқотлар даражасини ошириш, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг кейинги истиқболларини белгилашга оид ҳуқуқий илмий ишланмалар самарасини ошириш, юридик фанлар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш масалалари каби муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатнинг янада ривожлантириш, айниқса, Янги Ўзбекистон шароитида жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, илғор халқаро стандартлар ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрда “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-257-сонли Фармони[2] қабул қилиниши мамлакатимизда тергов фаолиятида “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқаришга замин яратмоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сонли Фармони / https://lex.uz/docs/4802181 / Қаралган вақти: 28.04.2024 й.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрда “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-257-сонли Фармони / https://lex.uz/ru/docs/6299077 / Қаралган вақти: 28.04.2024 й.

Мазкур Фармон билан Бош прокуратура Академияси негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил этилди. Энг эътиборли жиҳати Академия ҳузурида жиноятларни тергов қилиш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш билан боғлиқ юридик фанлар ихтисосликлари юзасидан Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш ташкил этилган. Бу эса юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг узвулийгини таъминлашга ҳамда “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да белгилаб берилган вазифалар ижросини, юридик фаннинг ривожланиши, ҳуқуқий муаммоларнинг илмий-амалий ва инновацион ечимларини ишлаб чиқишда муносиб ҳисса қўшмоқда. Масалан, прокуратура тарихида биринчи бор Академия қошида 12.00.07 (Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти. Адвокатура), 12.00.09 (Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси) ва 12.00.12 (Коррупция муаммолари) йўналишлари бўйича илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ташкил этилди. Диққатга сазовор жиҳати Академиянинг 12.00.12 ихтисослиги республикада доимий фаолият кўрсатувчи ягона Илмий кенгаш бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, “12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ”, “12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация”,“12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи”,“12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи ва криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи” ихтисослиги бўйича бир марталик Илмий кенгаш фаолият юритиб келмоқда.

Кенгаш таркибига республикамизда юридик соҳанинг кўзган кўринган етук вакиллари, суд, прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали амалиётчи ходимлари жалб қилинган. Юқоридаги Президентнинг ПФ-257-сонли Фармони билан Академия бошлиғига илмий кенгаш таркибига жалб этилган малакали мутахассисларни моддий рағбатлантиришни амалга ошириш ҳуқуқини берилганлиги юртимизда илм-фанга бўлган муносабат тубдан ўзгарганлигидан далолат беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 12.00.07 (Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти. Адвокатура) ихтисослиги йўналишида илмий ва услубий таъминлаш ишлари эътибордан четда қолганлиги оқибатида 1991-2018 йиллар оралиғида атиги бир дона диссертация иши 2004 йилда бир марталик Ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилинган бўлса, охирги беш йил ичида Академияда 12.00.07 (Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти. Адвокатура) ихтисослиги йўналишида 22 нафар тадқиқотчи диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилган. Бундай ижобий ўзгаришлар мамлакатимизда юридик илм-фанни ривожлантиришда замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий базаларнинг шаклланганлиги, уларнинг диссертациялар сифати ва самарадорлигини оширишга, экспертиза сифатини янада яхшилашга, самарали фаолиятни рағбатлантиришга ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Таҳлиллар Академияда биргина 2023 йилда тадқиқотчиларнинг 15 нафари илмий тадқиқот ишини муваффақиятли ҳимоя қилганлигини кўрсатади.

2024 йилнинг ҳисобот даврида 7 нафар мустақил изланувчи фалсафа доктори (PhD) ва 1 нафар Академия ходими фан доктори (DSc) илмий тадқиқот ишларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ҳозирда Академияда 4 та юридик ихтисослик бўйича 16 нафар таянч докторант ва 222 нафар мустақил изланувчи (137 нафар прокуратура ходимлари) илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширмоқда.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозимки, Стратегиясининг "Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш" йўналишида ўтган давр мобайнида амалга оширилган ислоҳотлар замирида 2017 йилдан бошлаб фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари бўйича 2021-2024 йилларда жами 10.321 нафар талабгор илмий даражаларда тасдиқланди[1]. Ҳимоя қилинган диссертациялар фан тармоқлари кесимида таҳлил қилинганида 31,9 фоиз аниқ, табиий ва техника фанлари, 54,7 фоиз ижтимоий-гуманитар ва 13,4 фоиз тиббиёт фанлари ҳисобига тўғри келади.

М.М.Мамасиддиқов олий таълимдан кейинги таълимнинг юридик йўналишида илмий тадқиқотлар бўйича чуқур таҳлиллар ўтказиб, 2013-2022-йилларда фалсафа доктори ва фан доктори илмий даражасида тасдиқланган ихтисослар улушида юридик фан соҳаси бироз оқсаётганини, мазкур давр мобайнида юридик соҳада фалсафа доктори ва фан доктори илмий даражасини олган мутахассисларнинг улуши 3.4 фоизни ташкил қилган бўлиб, кўплаб бошқа соҳаларга нисбатан (кимё – 8.5 фоиз, техника – 11.7 фоиз, иқтисодиёт 9.3 фоиз, филология – 10.7 фоиз, педагогика – 10.1 фоиз, тиббиёт – 14.5 фоиз) анча орқада эканлигини таъкидлайди[2].

Бизнингча, бу соҳада бюрократик тўсиқлар ва қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, олий таълим муассасаларида ўқув юкламалари ҳажми юқорилиги ва профессор-ўқитувчилар илмий фаолиятига етарли вақт мавжуд эмаслиги. Бунинг асосий омили, профессор-ўқитувчиларнинг 85-90 фоизи ўқув юклама билан банд бўлишидир. Ривожланган ғарб давлатларида профессор-ўқитувчилар илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилиб, талабаларнинг мустақил таълим олишларига кенг имконият берилади.

Иккинчидан, олий таълим муассасаларининг илмий Кенгашларида раис сифатида таълим муассасаси раҳбарлари фаолият олиб боради. Назаримизда, бундай амалиётга чек қўйиш, бундай вазифаларни алоҳида профессор кенгашларига топшириш вақти келди.

---

[1] Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасида юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш. "Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалалари" мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов, ю.ф.ф.д., доц. Ш.И.Шайзаков. – Т.: "Lesson press". 2024 й. 7 б.

[2] Қаранг. Ўша манба.

Учинчидан, мустақил изланувчилар ва докторантларнинг диссертация авторефератларини илмий Кенгаш аъзоларига тарқатиши, расмий оппонентлар билан бевосита учрашиш амалиётига чек қўйиш лозим. Бу жараёнларнинг барчасини онлайн шаклда амалга ошириш, ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш зарур.

Тўртинчидан, диссертация ишини етакчи ташкилотда муҳокамадан ўтказиш билан боғлиқ процедурани бекор қилиш лозим. Етакчи ташкилотнинг диссертация иши бўйича берган тақризи тавсиявий тусга эга, тақризда диссертацияни ҳимояга тавсия этмаслик ҳақидаги хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ҳам Кенгаш аъзоларининг ижобий яширин овоз бериши диссертация ҳимоясини ҳал этади.

Бешинчидан, докторантурага қабул қилиш жараёнларида чет тили сертификатига бўлган талабни босқичма-босқич бекор қилиш лозим. Сабаби, тадқиқотлар жараёнларида аксарият докторантлар ўзбек тилида ҳимоя қилишади ҳамда ўзбек тили билан боғлиқ жуда кўп муаммоларга дуч келишади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6084-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб, ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш мақсадида докторантурага қабул қилиш жараёнида ўзбек тили сертификатларини олиш талабини жорий қилиш мақсадга мувофиқ;

Хулоса сифатида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясини ислоҳ қилиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 304-сон Қарори ҳамда тасдиқланган Низом талабларини ҳозирги давр талабларига мослаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ИБРАЙМОВ АСКАР ЕСБОСЫНОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг электрон таълим бўлими бошлиғи, педагогика фанлари доктори, доцент

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИ МАСОФАВИЙ ВА АРАЛАШ ШАКЛЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси негизида ташкил этиладиган малака ошириш курсларини масофавий ва аралаш шакллар асосида такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: малака ошириш, масофавий ва аралаш курслар, замонавий усуллар, натижадорлик, самарадорлик.

Аннотация: В данной статье описаны вопросы совершенствования учебных курсов, организуемых на базе Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан на основе дистанционной и смешанной форм.

Ключевые слова: обучение, дистанционные и смешанные курсы, современные методы, результативность, эффективность.

Annotation: This article describes the issues of improving training courses organized on the basis of the Academy of Law Enforcement Agencies of the Republic of Uzbekistan on the basis of distance and mixed forms.

Key words: training, distance and mixed courses, modern methods, effectiveness, efficiency.

Ҳозирги кунда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси негизида ташкил этилаётган малака ошириш курсларини масофавий ва аралаш таълим шакллари асосида такомиллаштириш ходимларнинг касбий фаолияти давомида узлуксиз малака оширишни ташкил этиш ва ўқув жараёнининг амалиёт билан ўзаро интеграциясини таъминлаш, ходимларга касбий эҳтиёжлари асосида малака ошириш шакллари ва ўқув модулларини мустақил равишда танлаш орқали индивидуал таълим траекториясини шакллантириш имкониятини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари модулли жамғарилувчи тизими асосида белгиланган даврийликка (уч йилда бир марта) ва ўқув юкламаси ҳажмига (144 соат) риоя қилган ҳолда, тингловчиларнинг малака ошириш шакллари ва ўқув модулларини мустақил равишда эркин танлаш орқали ўзининг малака ошириш траекториясини шакллантириш имконини берадиган таълим олиш шакли амалга оширилади[1].

Бунда масофавий малака ошириш тингловчиларнинг иш жойидан ажралмаган ҳолда, машғулотлар жадвалида белгиланган муддатларда синхрон режимда интерфаол машғулотларда иштирок этиши ва асинхрон режимда электрон ўқув ресурсларини мустақил ўзлаштириши орқали амалга ошириш назарда тутилади. Шунингдек, масофавий малака ошириш тингловчиларнинг оммавий очиқ онлайн курсларда иштирок этиши ҳамда, Академиянинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали аниқ мақсадга йўналтирилган кундалик ҳаётда олиб бориладиган информал таълим ва бошқа қисқа муддатли курслар, тадбирлар шаклида ҳам амалга оширилади.

Аралаш малака ошириш тингловчиларнинг иш жойидан қисман ажралган ҳолда, малака оширишнинг бир қисмини Академия ўқув аудиториялари ҳамда, уларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш учун махсус жиҳозланган хоналарда (криминалистика полигони, имитация заллари ва бошқаларда) йўналтирувчи, мувофиқлаштирувчи машғулотлар ўтказиш орқали ташкил этилади. Аралаш малака ошириш дуал таълимга асосланган ҳолда, тингловчиларнинг Академиядаги таълим жараёнида

[1] Ибраймов А.Е. Масофавий малака оширишнинг педагогик дизайни. Услубий қўлланма. – Т.: “Lesson press”, 2020. – 108 б.

зарурий назарий билим, малака ва кўникмаларни эгаллашлари ва уларни иш жойида амалда қўллашлари орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Масофавий ва аралаш шаклдаги малака ошириш курсларида ўқиши режалаштирилган тингловчилар контингенти электрон тизим орқали шакллантирилиши ёки тингловчилар ўзнинг касбий эҳтиёжи, малака даражаси, билими, салоҳияти, иш тажрибаси, психологик тайёргарлиги, имконияти, шароити ва бошқа омилларидан келиб чиқиб, масофавий ва аралаш малака ошириш курсларига мустақил ёзилиши мумкин.

Масофавий ва аралаш малака ошириш тингловчиларнинг асосий иш жойидан ажралмаган ёки қисман ажралган ҳолда тўлиқ ёки қисқа муддатли курслар шаклида қуйидаги тартибда ташкил этилади[1]:

Масофавий малака ошириш курслари:

“1+0” шаклидаги 36 соатлик масофавий малака ошириш курслари (жами ўқув юкламасининг 25 фоизи);

“2+0” шаклидаги 72 соатлик масофавий малака ошириш курслари (жами ўқув юкламасининг 50 фоизи);

“3+0” шаклидаги 108 соатлик масофавий малака ошириш курслари (жами ўқув юкламасининг 75 фоизи);

“4+0” шаклидаги 144 соатлик масофавий малака ошириш курслари (жами ўқув юкламасининг 100 фоизи).

Аралаш малака ошириш курслар:

“1+1” шаклидаги 36 соат (жами ўқув юкламасининг 25 фоизи) масофавий, 36 соат (жами ўқув юкламасининг 25 фоизи) Академияда малака ошириш;

“2+1” шаклидаги 72 соат (жами ўқув юкламасининг 50 фоизи) масофавий, 36 соат (жами ўқув юкламасининг 25 фоизи) Академияда малака ошириш;

“2+2” шаклидаги 72 соат (жами ўқув юкламасининг 50 фоизи) масофавий, 72 соат (жами ўқув юкламасининг 50 фоизи) Академияда малака ошириш;

“3+1” шаклидаги 108 соат (жами ўқув юкламасининг 75 фоизи) масофавий, 36 соат (жами ўқув юкламасининг 25 фоизи) Академияда малака ошириш.

Аралаш малака ошириш ўқитишнинг дуал таълим шакли асосида тингловчиларнинг дастлаб Академияда керакли назарий билим, малака ва кўникмаларни эгаллашлари ва уларни иш жойларида амалда қўллашлари орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Дуал таълим шаклида малака ошириш тартиби прокуратура органларида ишни ташкиллаштириш ва касбий фаолиятни амалга ошириш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, Академия бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Қисқа муддатли курслар қуйидагилардан иборат[2]:

---

[1] Ибраймов А.Е. Масофавий малака оширишнинг педагогик дизайни. Услубий қўлланма. – Т.: “Lesson press”, 2020. – 108 б.

[2] Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этишнинг асослари. // Услубий қўлланма. – Тошкент: “Lesson press”, 2020, 181-бет.

мақсадли курслар – прокуратура органлари фаолиятига оид қонунчилик ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгаришларни амалиётга жорий этиш, ҳамда янги фаолият йўналишлари бўйича ходимларнинг амалий кўникмаларни шакллантириш масалалари юзасидан ташкил этилади;

муаммоли курслар – прокуратура органлари фаолиятидаги, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд тизимли муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш масалалари юзасидан ташкил этилади;

муаллифлик курслари – прокуратура органлари фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш юзасидан ўтказилган фундаментал, амалий, инновацион ва бошқа илмий тадқиқотлар, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган муаллифлик илмий хулосалари, ҳамда тавсияларини амалиётга жорий этиш мақсадида ташкил этилади;

аниқ мавзуни чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш курслари – прокуратура органлари фаолиятининг хусусиятидан ҳамда тингловчиларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб, танлаб олинган муайян мавзу доирасида чуқурлаштирилган тарзда билим ва кўникмаларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилади.

Информал малака ошириш масофавий ва аралаш малака ошириш курслари ҳамда, ундан ташқари вақтларда мунтазам равишда тингловчилар учун Академиянинг ўқув портали, расмий веб-сайти, мессенжерлар, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали аниқ мақсадга йўналтирилган маълумотлар информал шаклда амалга оширилиши мумкин. Информал малака ошириш бир неча дақиқалар ичида ўзлаштириши мумкин бўлган қисқа янгиликлар, муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимлари, савол-жавоб, ҳамда турли хил синовлар ўтказиш орқали амалга оширилиши назарда тутилади. Информал малака оширишни амалга ошириш ва унинг натижаларини ҳисоблаш тартиби Академия раҳбарияти томонидан белгиланади.

Оммавий онлайн очиқ курслар масофавий ва аралаш малака ошириш оммавий онлайн очиқ курслар шаклида тьютор ва бошқа соҳанинг малакали мутахассислари иштирокида ёки тьютор иштирокисиз тингловчилар томонидан электрон ўқув ресурсларини мустақил ўзлаштириш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин[1].

Оммавий онлайн очиқ курслар Академиянинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари воситаларида эълон бериш орқали ташкил этилади.

Бу шаклларда амалга оширилган масофавий ва аралаш малака ошириш курсларининг сифати ва самарадорлиги мунтазам равишда мониторинг қилинади ва комплекс баҳолаб борилади. Бунда курсни ташкил этишдан аввал эҳтиёжларнинг ўрганилганлиги, курсларни режалаштириш, ўқув-

[1] Ибрагимов И.М. Информационные технологии и средства дистанционного обучения. – М.: Академия, 2008. – 329 с.

методик материалларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш, тингловчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш ва мониторинг қилишга оид ҳолатлар таҳлил қилинади. Комплекс баҳолаш натижаларига кўра, масофавий ва аралаш малака ошириш курсларининг сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий стандартлар ва илғор тажрибаларни жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Хулоса. Умуман олганда, юқорида қайд этилган масофавий ва аралаш малака ошириш, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси негизида ташкил этиладиган масофавий ва аралаш малака ошириш жараёнида муваффақиятли қўлланилмоқда, ҳамда ўз навбатида кўзланган самарадорликка эришилмоқда.

АВЛИЯҚУЛОВ СУННАТУЛЛА ХОЛМУРОД ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим факультети таянч докторантура докторанти

ОЛИЙ ҲАРБИЙЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУРСАНТ(ТИНГЛОВЧИ)ЛАРИГА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОЛАР ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: Мақолада олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари курсант(тингловчи)ларига берилаётган интизомий жазоларнинг берилиш тартиби. Интизомий жазо кимларга берилиши, ҳамда қайси норматив-ҳуқуқий асос асосида берилиши кўзда тутилган. Интизомий жазоларни беришда курсант(тингловчи)ларга ортиқча муаммолар, шунингдек, уларнинг психологик ҳолатларида салбий характер уйғотмаслик таклифлари юзасидан фикр мулоҳазалар билдириб ўтилган.

Таянч сўзлар: курсант(тингловчи), бакалавр, магистр, интизомий жазо, президент қарори, интизомий жазо турлари.

Аннотация: В статье рассмотрено порядок применения дисциплинарных взысканий к курсантам (слушателям) высших военных учебных заведений. Дисциплинарное взыскание кому и на каком правовом основании назначается. Были высказаны замечания по поводу чрезмерных проблем курсантов (студентов) при применении дисциплинарных взысканий, а также предложения не вызывать негативного характера в их психологическом состоянии.

Ключевые слова: курсант (студент), бакалавр, магистр, дисциплинарное взыскание, решение президента, виды дисциплинарного взыскания.

Abstract: In the article, the order of disciplinary punishments given to cadets (students) of higher military educational institutions. Disciplinary punishment is provided to whom and on what legal basis. Comments were made regarding excessive problems of cadets (students) in giving disciplinary punishments, as well as suggestions not to arouse negative character in their psychological state.

Key words: cadet (student), bachelor, master, disciplinary punishment, presidential decision, types of disciplinary punishment.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларда янги олий таълим муассаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий ҳарбийлаштирилган таълим муассаларида қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислоҳотлардан бири саналадаи.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон қарорига мувофиқ, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари фаолиятини тартибга солиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси қарорида олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш механизмлари, ҳамда таълим муассасаларининг асосий мақсади ва вазифалари, мутахассис кадрларни тайёрлаш тартиби, таълим муассасалари курсантлари, тингловчилари ҳамда раҳбар ва ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, таълим муассасаларининг молиявий, мулкий ҳамда халқаро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солиш кўзда тутилган[1].

Барча олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларида ўзларининг курсант (тингловчи)ларни идора қилиш тизими мавжуд бўлиб фан, маданият, спорт ахборот технологиялари ва турли соҳаларда ўзларини ижобий томондан кўрсатаётган курсант (тингловчи)ларни рағбатлантириш билан бир қаторда олийгоҳда ўрнатилган интизомни, ички тартиб қоидаларини бузган курсант (тингловчи)ларга тегишли чоралар кўрилиши сир эмас. Интизом-кишилар, жумладан меҳнат жамоаси аъзоларининг жамиятда таркиб топган хуқуқ ва ахлоқ меъёрларига, шунингдек бирон-бир ташкилот талабларига жавоб берадиган муайян хулқ–атвор ва ўзини тутишга оид тартиб қоидалардир[2].

Биринчи навбатда Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларида кимлар таҳсил олиши ҳақида маълумотга эга бўлишимиз лозим. Жумладан:

курсант — таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналиши кундузги таълим шаклига белгиланган тартибда ўқишга қабул қилинган шахс;

тингловчи — таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишининг сиртқи таълим шаклига ва магистратура босқичига ўқишга қабул қилинган шахс;

---

[1] “Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.10.2021 йилдаги 655-сон қарори

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли қарори

Бакалавр — олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, ўқиш давомийлиги камида уч йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистр — тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича ўқиш давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир[1].

Юқоридаги курсант, тингловчи, магистрларга “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йилнинг 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сонли, ҳамда “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-10-сон қарорлари[2] асосида интизомий жазолар берилади.

Таълим муассасасининг устави, ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидаларини бузган таълим олувчиларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган интизомий чоралар кўрилади[3].

Интизом бор жойда интизомсизлик, интизом бузиш ҳолатлари содир этилмаслиги ва уни олдини олиш учун жазо ва жазолаш тизими ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг Интизом устави ички ишлар органлари ходимлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари курсант (тингловчи)ларининг (кейинги ўринларда — ходимлар) хизмат интизомига қўйилаётган талаблар ва одоб-ахлоқ қоидаларини белгилайди, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини, шунингдек рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларининг қўлланилишини тартибга солади[4]. Интизомий жазо – бу таълим олувчининг хатти-ҳаракатига салбий бахо бериш, талабларни қўйиш ва меъёрларга риоя қилишга мажбурлаш, айбдорлик, пушаймонлик туйғусини шакллантириш орқали унинг салбий кўринишининг олдини олиш усулидир. Интизомий жазо - жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор талаблари ва меъёрларига риоя қилмаган тақдирда қўлланиладиган таъсир кўрсатиш чораси ҳисобланади. Унинг ёрдами билан курсант ва тингловчиларнинг содир этган ҳуқуқбузаликлари ва унинг оқибатларини, келгусида яна шундай тартиббузарлик содир этилишининг олди олинади ҳамда тегишли хулоса қилишига ундайди. Интизомий жазо асосли, муносиб, қилмиш даражасига мос бўлиши керак. Агар бир вақтнинг ўзида бир нечта хуқуқбузарликлар содир этилган бўлса жазо оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши керак, лекин бир вақтнинг ўзида барча интизомсизликлар учун фақат битта жазо

---

[1] “Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.10.2021 йилдаги 655-сон қарори

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.01.2023 йилдаги ПҚ-10-сон қарори

[3] “Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.10.2021 йилдаги 655-сон қарори, 43-банди

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги 1572-сон Фармони Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми // Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.15-16.

қўлланилади. Бир интизом бузилишига шахс икки марта жазоланиши мумкин эмаслиги белгилаб ўтилган[1]. Унинг содир этган қилмишига ишонч ҳосил бўлмагунича жазога шошилмаганлик маъқул.

Шунингдек, ҳозирги кунда ИИВ таълим муассаларида қуйидаги интизомий жазолар мавжуд:

а) танбеҳ;

б) ҳайфсан;

в) қаттиқ ҳайфсан;

г) лавозим маошининг эллик фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима;

д) махсус унвонини бир поғона пасайтириш;

е) эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;

ж) гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш;

з) ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш.

ИИВ таълим муассасаларида Кодекснинг 34-бандида кўзда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари, таълим муассасаларининг белгиланган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув дастурини қониқарсиз ўзлаштирган курсантлар (тингловчилар)га нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари ҳам қўлланилиши мумкин:

а) навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш;

б) бир ой муддатгача таълим муассасаси ҳудудидан навбатдаги чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;

в) курсантлар (тингловчилар) рўйхатидан ўчириш.

Ушбу банднинг “а” ва “б” кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо чоралари ИИВ таълим муассасалари магистратура босқичи тингловчиларига нисбатан татбиқ этилмайди[2].

Ҳозирги кунда курсант (тингловчи)ларга интизомий жазо белгилашда, олий ўқув юртининг раҳбарияти ёки ушбу таълим муассасасининг бошқа мансабдор шахслари томонидан қатор камчилик ва хатоларга йўл қўйилмоқда.

Таклиф ва тавсиялар: Юқоридагилардан келиб чиқиб, хориж тажрибаларида ходим ва хизматчиларга нисбатан содир этган ҳуқуқбузарликлари ва тартиббузарликлари юзасидан жазо чораларини ўрганиб чиқадиган бўлсак; Япония қонунчилигида ходим ва хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган қуйидаги интизомий жазо турлари мавжуд бўлиб, ишдан бўшатиш, ходимлар ва ҳарбий хизматчиларга бир кундан бир йилгача муддатга вақтинча пул мукофоти тўламаслик, огоҳлантириш (ёзма равишда), иш ҳақидан камайтириш бир йилгача муддатга ушлаб қолиш каби жазоларни

[1] “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.01.2023 йилдаги ПҚ-10-сон қарори

[2] “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.01.2023 йилдаги ПҚ-10-сон қарори, 34-35-бандлари

қамраб олиб, ходим ва хизматчилар томонидан қонун ҳужжатлари, ваколатли органларнинг расмий ҳужжатларида белгиланган норматив талабларини бузиш интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Деярли барча хориж давлатлари ва жаҳонда тан олинган олий таълим муассасаларида, олий ўқув юртида таҳсил олаётган курсант ва тингловчилар томонидан белгиланган кун тартиби, юриш-туриш ва бошқа қоидаларини бузганликлари учун, асосан уч хил интизомий жазо турлари қўлланилади. Интизомий жазолар рўйхати қуйидагича: танбех (огоҳлантириш), ҳайфсан (турлари мавжуд) ва олий ўқув юртидан четлаштириш.

Курсант (тингловчи)лар учун белгиланган жазо турларининг рўйхати шу даражада кам бўлганининг сабаби, курсант (тингловчи)га белгиланган жазо тури, курсантларнинг ўқиш жараёнига ортиқча муаммо туғдирмаслигидир. Бироқ, бугунги кунда бизни олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларимизда эса курсант ва тингловчиларимиз учун белгиланган интизомий жазолар ҳаддан ташқари кўп. Шунингдек, жазо тайинланган курсант қатор рағбатлантиришлардан ҳам маҳрум бўлмоқда. Бунинг оқибатида Кодексда бир қилмиш учун битта жазо бўлса, амалда эса бир қилмишга битта асосий ва бир нечта қўшимча жазо тушунчаси мавжудлиги юзага келмоқда. Бу ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида, интизомий жазо тайинланган шахс (орган) томонидан, қонунчилигимизда мавжуд бўлган бир қатор рағбатлантиришларни, курсант (тингловчи)нинг ўзи билан бевосита, маъсул шахслар томонидан профилактик ишларни олиб борилганлигидан кейин, ушбу рағбатлантириш нормаларини кўпроқ ва мунтазам қўллаши лозим деб ҳисоблаймиз.

Психологик нуқтаи назардан қарасак, юқоридаги хат бошида айтиб ўтилган кўринишда тайинланган жазо, курсант (тингловчи)нинг ўқишига, жамиятга, ўзининг келажагига бўлган қизиқишини сўндириб қўяди ва давлат учун керак бўлган яна бир мутахассисларимизнинг кейинги келажакдаги хатти-ҳаракатларига салбий таъсир кўрсатиб қўйишимиз мумкин. Бунга асосий сабаб, курсант (тингловчи) олган жазосини мазмунини тўғри тушуна олмаслигидир. Жазони белгилаган шахслар бу ҳолатга йўл қўймасликлари зарур, чунки, ҳар бир киши ўзининг дунё қарашига, феъл-атворига эга ва шуларга таяниб ҳар бир инсон шахсий хулоса қилади.

Бу вазиятда курсант (тингловчи) ўқув муассасасига, жамиятга, хаётга нисбатан фикри салбий томонга ўзгариб қолишига сабабчи бўлиб қолишимиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Бунинг олдини олиш мақсадида интизомий жазо тайинлаган шахс бевосита, ёки махсус тузилган комиссия ходимлари орқали курсант (тингловчи)га жазони тўғри ва тўлиқ мазмуни, унинг мақсади, курсант(тингловчи) қай турдаги рағбатлантиришларга ҳақли экани, тайинланган интизомий жазо қайси ҳолатларда муддатидан олдин ечилиши ва уни амал қилиш тартиби тушунтирилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Хулоса. Юқорида кўриб чиқилган муаммолар, фикримизча, энг асосий ва долзарблиги билан ажралиб туради. Унга берилган таклифлар, ҳарбийлаштирилган олий таълим муассасаларида курсант ва тингловчиларга

интизомий жазо тайинлашнинг мақсадига эришишда бир қатор қулайликлар яратиб беради деб ҳисоблаймиз. Чунки, тайинланган жазонинг ягона мақсади, жазолаб жамиятдан ажратиб қўйиш эмас, балки тарбиялаш ва турли хил ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишдир.

II. ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

АМИНЖОНОВА МАТЛУБА АХМЕДОВНА
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси кафедра бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада хотин қизларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашга доир ҳуқуқий ислоҳотлар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Хотин қизлар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар меҳнати.

Жаҳондаги барча ривожланган давлатлар ўзининг тараққиёт даражасига аввало, аёллар ва эркаклар ўртасидаги ҳуқуқий тенгликни яъни маънавий камолот учун барча шарт-шароитларни ярата олганликлари боис эришдилар, тараққиёт жиҳатдан янада юксак чўққиларга кўтарилмоқда.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини жумладан, аёл ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини халқаро мезонлар доирасида таъминлаш борасида муайян тадбирлар амалга оширилди.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1967 йил 7 ноябрда “Аёлларни камситишни тугатиш тўғрисида” Декларация, 1979 йил 18 декабрда “Аёлларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида” Конвенция қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатлар ҳалқаро ҳуқуқнинг муҳим манбаи сифатида барча давлатлар миллий қонунчилиги учун муҳим меъёр бўлди. Уларда аёлнинг мамлакат равнақи, жамият ва оила тараққиётидаги роли эътироф этилиб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан фойдаланишда эркаклар билан тенглигини таъминлаш, бу борада хотин-қизлар ҳуқуқларини реал рўёбга чиқариш механизмларини вужудга келтириш, уларнинг манфаатлари камситилиши ва ҳуқуқларини чекланишига йўл қўймаслик талаби илгари сурилган.

Барчага яхши аён бўлган, Ўзбекистон 1995 йил 6 майдан “Оналикни муҳофаза этиш тўғрисида”ги Конвенциясига, 1997 йил 30 августдан “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциясига қўшилди. Бу Конвенцияларга кўра, хотин-қизларнинг барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги кафолатланди.

“Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 3-моддасида “Аёллар эркаклар билан бир хил шароитларда ва ҳеч қандай камситишсиз жамоат-давлат хизматида лавозим эгаллаш ва миллий қонунчилик билан белгиланган жамоат-давлат вазифаларини бажариш

ҳуқуқига эгадирлар”, – деб қайд қилинди, ҳамда уларни давлатнинг сиёсий ҳаётидаги ўрни белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзига хос бўлиб, ҳалқаро ҳуқуқ меъёрларидан маълум жиҳатлари билан ажралиб турадики, бу фарқлар миллий қадриятларимиз билан боғликдир. Республикамизнинг асосий Қонуни бўлмиш Конституцияда ва бошқа қонунларда фуқароларнинг ирқи, жинси, миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар тенг ҳуқуқлиги белгилаб қўйилган. Конституцияда “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар” - деб ёзиб қўйилган.

Конституцияда белгиланган хотин-қизларнинг бу ҳуқуқлари билим олиш, касб-ҳунар танлаш, меҳнат қилиш ва иш ҳақи олиш, ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётда эркаклар билан тенг имкониятлар берилиши, меҳнатда оналарга шароит яратилиши оналик ва болаликнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, жумладан ҳомиладор аёл учун ҳақ тўланадиган таътил ва бошқа имтиёзлар берилиши, ёш болали оналарнинг иш вақтини аста-секин қисқартириб борилиши каби ҳуқуқларини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 мартдаги қарори билан “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1919 йилда Женевада қабул қилинган ва 1952 йил 28 июнда қайтадан кўриб чиқилган конвенцияга Ўзбекистоннинг қўшилиши мустақил Ўзбекистон давлатининг оналик ва болаликка бўлган катта эътибори, ғамхўрлигидан далолат беради.

Аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда унинг мулкий ҳолати ҳам алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган бобида уларнинг никоҳи давомида орттирган мулки шунингдек, никоҳга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади, - дейилган. Бундан кўриниб турибдики, аёл никоҳ давомида бирор меҳнат фаолияти билан шуғулланмасдан уй-рўзғор ишлари ёки бола тарбияси билан банд бўлган ҳолларда ҳам оилада орттирилган мол-мулкка тенг ҳуқуқли ҳисобланади.

Хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш, уни ишга қабул қилиш вақтида чеклашларга йўл қўймаслик, ҳомиладор, ёш болали аёлларга имтиёзли ҳуқуқлар белгилаш, яъни оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда 1999 йилни “Аёллар йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 18 февралдаги Қарори билан “Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан чора тадбирлар давлат Дастури” тасдиқланди.

Шунингдек, 1999 йил 14 апрелда “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Унда фарзанд тарбияси учун шароит

яратиш ҳамда, аёлларнинг меҳнат манфаатдорлигини ошириш мақсадида 3 ёшгача болалари бор, бюджет муассаса ва ташкилотларида ишлаётган аёлларга иш ҳақини камайтирмасдан ҳафталик иш вақти қисқартирилиб 35 соатдан ошмайдиган муддат белгиланди. Аёлларга камида 20 йиллик иш стажи билан 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқи кафолатланди.

Бир қатор ривожланган хорижий давлатлардаги хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш амалиёти ўрганилганда, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган аёллар учун яратилган меҳнат муносабатларидаги бундай имтиёзли ҳуқуқ ҳеч қайси давлатда мавжуд эмаслиги аниқланди. Хаттоки, энг ривожланган Америка, Германия, Англия ва Франция каби давлатларнинг қонунчилигида ҳам аёллар учун бундай имтиёзли ҳуқуқлар ўз аксини топмаган.

Бу давлатларда эркак ва аёл тенглиги белгиланиши билан нуқта қўйилган. Бизнинг миллий қонунчилигимизда эса юқорида қайд этилганидек, хотин-қизлар учун имтиёзли ҳуқуқлар белгиланганлиги билан таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларни турмуш шароитини яхшилаш, жамиятдаги фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир мукаммал ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир бундай муҳим ҳуқуқий ислоҳотлар бирор–бир ривожланган мамлакатларда амалга оширилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиеёвнинг “Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз” деб биламиз”-деган сўзлари юртимизда аёл қадри қанчалик юксак эканлигидан далолат беради.

Юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор кундан-кунга ошиб бораётганлиги Юртбошимиз томонидан 07.03.2022 йилда тасдиқланган “Оила ва хотин қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ҳам тўлиқ ўз аксини топди.

Ушбу фармонга кўра, 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича **Миллий дастур**и ва 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган **комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.**

Фармонга кўра, 01.09.2022 йилдан бошлаб бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охирги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга **ҳар ой учун** минимал истеъмол харажатлари миқдоридан

келиб чиққан ҳолда, **Давлат бюджети** маблағлари ҳисобидан **ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси** тўланиши белгиланди.

Шунингдек, хотин-қизларга таълим олишлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш мақсадида, **2022/2023 ўқув йилидан** бошлаб олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун **7 йил муддатга фоизсиз** таълим кредитларини молиялаштирилди.

Шу билан бирга давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган **барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини** қайтариш шартисиз қоплаш мақсадида, **Давлат бюджетидан ҳар йили камида 200 миллиард сўм** молиялаштирилиши белгиланди.

01.09.2022 йилга қадар давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизларнинг давлат олий таълим муассасалари кесимида рўйхатини шакллантирган ҳолда, 01.10.2022 йилга қадар контракт тўловларини қоплаб бериш тегишли органларнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

Хорижий олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим дастурлари бўйича – **50 нафар**, магистратура таълим дастурлари бўйича – **10 нафар** хотин-қизларга **ҳар йили "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали қўшимча грантлар** ажратиб борилиши, ушбу тадбирларни молиялаштириш учун "Эл-юрт умиди" жамғармасига **ҳар йили** Давлат бюджетидан камида **6 миллиард сўм** ажратилиши белгиланди.

Ҳар йили **Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси** тавсияларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан **150 нафардан** жами **100 нафар** ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг **таълим контрактлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари** ҳисобидан қайтариш шартисиз қоплаб борилиши белгиланди. Ушбу вазифани ижросини таъминлаш бўйича ҳам тегишли идораларга, яъни қўмита ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **икки ой муддатда** эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизлар рўйхатини шакллантириши, уларга тавсиялар бериш ва таълим контрактларини қоплаб бериш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган **500 нафар хотин-қизларни ҳар йили** Қўмита тавсияномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига

мувофиқ **тўлов-контракт асосида** ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилди.

Ушбу вазифаларни ижросини таъминлаш юзасидан Қўмита ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда вазирликнинг **Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги**га **бир ой муддатда** алоҳида квоталарни давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш, хотин-қизларга тавсиялар бериш, алоҳида тест синовларини ўтказиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилди.

Давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари **докторантурасига** хотин-қизлар учун **ҳар йили камида 300 тадан** мақсадли квоталар ажратиб борилиши юклатилди.

Фармонга кўра, хотин-қизларга дизайн, тўқимачилик, ахборот технологиялари, тармоқлар иқтисодиёти, маркетинг ва талаб юқори бўлган бошқа таълим йўналишлари бўйича таълим берадиган **алоҳида университет,** ушбу университет ҳузурида пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида босқичма-босқич **ҳудудий техникумларни** ташкил этиш белгиланди.

Хотин-қизларни **илмий ва инновацион фаолият** билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида, Инновацион ривожланиш агентлиги ва Қўмита биргаликда **ҳар йили март ойида** амалий инновацион лойиҳалар бўйича **“Олима аёл” танловини** ўтказиб бориши, **икки ой муддатда** “Бўлажак олим” танлови доирасида **“Аёллар бизнеси учун биринчи қадам” танловини** ўтказиш учун Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан камида **10 миллиард сўм** ажратилиши белгиланди.

Қўмита, Инновацион ривожланиш агентлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг хотин-қизлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш, стартап лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида, Қўмита ҳузурида **“Олима аёллар жамияти”**ни тузиш ҳақидаги таклифига розилик берилди.

Фармонда хотин-қизларни нафақат олий маълумотли бўлишларини таъминлаш, балки уларни бирор-бир касбга йўналтириш бўйича ҳам тегишли вазифалар белгиланди.

Жумладан, Фармонга кўра, 01.06.2022 йилдан бошлаб давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитишнинг янги тартиби жорий этилиши, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳузурида **малакани баҳолаш марказлари** ташкил этилиши, малакани баҳолаш марказлари касбий малака талабларини ишлаб чиқиши ва салоҳиятли таълим муассасаларига **давлат буюртмасини** бериши, ўқув курсларини тугатган хотин-қизлар билими даражаси **малакани баҳолаш марказлари томонидан аниқланиши ва шу асосда уларга малака сертификатлари берилиши белгилаб берилди.**

Шунингдек, малака сертификатини олган хотин-қизларга меҳнат фаолиятини бошлаши учун **ўқиш ҳаражатларига тенг миқдорда** малакани баҳолаш марказлари томонидан **субсидиялар берилиши,** малакани баҳолаш марказлари томонидан умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар мактаблари, академик лицей ва коллежларнинг битирувчи синф **ўқувчи-қизларини ахборот технологиялари** йўналишларида қўшимча курсларда ўқитиш бўйича **давлат буюртмаси** берилиши белгиланди.

Фармонда қишлоқда яшовчи хотин-қизларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга доир имтиёзлар ҳам белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикасидаги хотин-қизларни нафақат ижтимоий ҳимоялашга доир вазифаларни балки аёлларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини ва салмоғини ошириш юзасидан ҳам тегишли идораларга қатъий вазифалар белгиланди.

Жумладан, Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича **республика комиссияси таркибини тасдиқлаб ушбу комиссияга бир ой муддатда "Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастури"**ни тасдиқлаш ва ижрога қаратиш вазифаси белгиланди.

а) Юқорида қайд этилган дастурни тасдиқлашда, Давлат бошқаруви академиясида раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ҳар йили камида **100 нафар** хотин-қизларни ўқитиш, шунингдек 01.01.2024 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар ходимлари орасида хотин-қизларнинг **улушини камида 30 фоизга етказиш,** барча давлат органлари ва ташкилотлари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг камида **1 нафар ўринбосарини** хотин-қизлар орасидан тайинлаш. Бунда мазкур талаб тегишли ташкилот раҳбари хотин-қизлар орасидан тайинланганда ёки унда фақат бир нафар ўринбосар бўлган тақдирда мажбурий ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилди.

Фармонга кўра, тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга ажратилаётган **субсидия миқдори 7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга** оширилиши "Ҳунарманд" уюшмаси қошидаги ҳунармандчилик марказларида камида **40 фоиз** тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жойлаштирилиши, Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ

қўмитаси **икки ой муддатда 2022-2024 йилларга мўлжалланган "Бизнес аёллар" дастури** лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиши белгиланди.

Мазкур дастур лойиҳасини тайёрлашда тадбиркорлик субъектлари орасида хотин-қизларнинг улушини **40 фоизгача** етказиш;

хотин-қизларга ўз томорқасида гул ва мева-сабзавот етиштириш учун иссиқхона қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни йўлга қўйиш учун **35 миллион сўмгача** имтиёзли кредитлар ажратиш назарда тутилиши қайд этилди.

Мазкур фармон билан **01.06.2022 йилдан** бошлаб маҳаллаларда **хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари** ташкил қилиниши аёллар учун кўрсатилган ғамхўрликнинг яна ҳам қадрлиси бўлди.

Фармон билан хотин-қизларнинг **уй-жой шароитларини яхшилаш** мақсадида, **2022 йилда** ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида **40 фоизи** хотин-қизларга йўналтирилиши мустаҳкамланди.

01.04.2022 **йилдан** бошлаб уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган, шу жумладан, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтар"га киритилган, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун ижтимоий уй-жойларни "Халқпарвар" комиссиялари билан келишган ҳолда иккиламчи уй-жой бозоридан сотиб олишга рухсат берилиши, уй-жойга муҳтож, жумладан, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган "Аёллар дафтари"га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга улар томонидан тўланадиган ойлик **ижара тўловининг 50 фоизи**, лекин кўпи билан **500 минг сўмгача** бўлган қисми "Аёллар дафтари" жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши кафолатланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу фармони билан боқувчисини йўқотган хотин-қизларнинг **ижтимоий ҳуқуқлари кафолатланди. Яъни, 01.04.2022 йилдан бошлаб,** фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотларига борадиган оилалар **ота-оналар бадалидан озод қилинди, 3 ёшгача** бўлган фарзандлари учун нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига **Давлат бюджетидан субсидиялар** белгиланган тартибда ажратилиши белгиланди.

Фармонда меҳнат фаолияти билан банд бўлган хотин-қизларни қўллаб қувватлаш бўйича белгиланган имтиёзлар барча хотин-қизларнинг кўп йиллар давомидаги орзуларини амалга оширишга хизмат қилди.

Яъни, кечки сменада хотин-қизлар ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ўз ҳузурида мактабгача таълим ташкилотини ташкил қилганда**, улардаги** тарбиячиларнинг иш ҳақи давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилишини белгиланиши, бир жиҳатда хотин-қизлар учун қўшимча иш ўринлари ташкил этилишини таъминласа, иккинчи жиҳатдан сменали

ишлаётган аёлларни фарзандларини қаровсиз қолишининг олдини олишга, хотин-қизларнинг фарзандларини парваришидан хавотирсиз хотиржам ишлашига имкон яратди. Шунингдек, Хотин-қизларнинг барча муаммолари қамраб олинганлиги ва уларнинг ечими бўйича чоралар белгиланганлиги Ўзбекистон Республикаси барча хотин-қизларининг чексиз қувончига сабаб бўлди.

Айниқса, фарзандига алимент ундирилиши лозим бўлган хотин-қизларга фарзандлари учун алиментларнинг қарздорлар томонидан турли баҳоналар билан ўз вақтида ёки умуман тўланмаслиги оқибатида фарзандлари таъминотида қийинчиликка учраган аёлларнинг ҳам муаммоларини ҳал этиш чоралари белгиланди.

Яъни, фармонга кўра алимент тўловчининг бошқа ижро ҳужжатлари бўйича мажбуриятлари мавжуд бўлганда, қарздордан ундирилган маблағлар **алимент тўловлари бўйича қарздорлик тўлиқ қопланган сўнг** қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва навбатда тақсимланиши ва ижро ҳаракатлари давомида қарздорга солинган жарималар ва ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари ҳам **алимент тўловларидан жорий қарздорлик тўлиқ қопланганидан сўнг** ундирилиши белгиланди.

Шунингдек, алимент мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаб келаётган ва қидирувга эълон қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотларни мажбурий ижро органларининг **расмий веб-сайтларида жойлаштириш**, шунингдек, давлат оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш амалиёти жорий этилди. Бунда ушбу манбаларда қидирувдаги шахслар ва уларнинг мол-мулки тўғрисида маълумотга эга бўлган фуқароларга мажбурий ижро ва ички ишлар органларига хабар бериш имконияти яратилди.

Шу билан бир қаторда алимент қарздорлигини сўндириш бўйича алимент бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда қарздорлик тўлиқ бартараф этилгунига қадар: қарздорнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини вақтинча чеклаш; қарздорга лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга бўлган давлат хизматларини вақтинча кўрсатмаслик; алимент бўйича қарздорлик мавжудлиги никоҳ тузиш учун монелик қиладиган ҳолат сифатида қонунчиликда белгиланиши назарда тутилди.

Фармонда суд қарори билан алимент тўлаш мажбурияти юклатилган шахслардан белгиланган маблағларни **уч ой** ичида ундириш имкони бўлмаган ҳолларда “Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси маблағлари алимент тўловлари бўйича шаклланган **қарздорликни бир йўла тўлаш учун йўналтирилади,** ҳамда кейинчалик алимент тўлаш мажбурияти юклатилган **қарздордан суд қарорисиз мажбурий тартибда ундириб олинишининг белгиланиши Ўзбекистон давлатининг чинакам халқпарварлигидан далолат беради.**

Фармонда ҳомиладор аёлларни соғлиғини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор имтиёзли ҳуқуқлар белгиланди. Бугунги кунда аёллар учун ҳамма соҳаларда устувор имтиёзли ҳуқуқлар белгиланган. Лекин, хотин-

қизларнинг бундай ҳуқуқ ва эркинликлари барча корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан бир хилда ижро қилинмаётганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, баъзи вилоятлар ва туманларда уларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилганлиги яъни, иш ҳақини вақтида берилмаганлиги, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун баъзи бир шахсларнинг тўсқинлик қилиши ва шу каби бошқа ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйилганлигини учратишимиз мумкин.

Шу жиҳатдан ҳам хотин қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. **Зеро, Аёллари эъзозланган юртдагина ривожланиш бўлади.**

ХУДОЙБЕРДИЕВ БАҲОДИР КАРИМБЕРДИЕВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

ПРОКУРАТУРАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ, УНИНГ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Аннотация: Мазкур мақолада ҳозирги кундаги прокуратура тизимларининг тадрижий шаклланиш босқичлари, ўтмишда ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юзага келишининг тарихий илдизлари ҳақида фикр юритилган. Шу жумладан, мусулмон ҳуқуқида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган шариат нормалари ижросини назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: Мусулмон ҳуқуқи, адлия, жазо, прокуратура, қонун устидан назорат, Ўзбекистон прокуратураси.

Аннотация: В данной статье рассматриваются этапы постепенного формирования сегоднящних систем прокуратуры, исторические корни их возникновения в прошлом на территории нынешней Республики Узбекистан. В частности, обсуждались особенности мониторинга реализации норм шариата, направленных на обеспечение прав и свобод граждан в мусульманском праве.

Ключевые слова: Мусульманское право, юстиция, наказание, прокуратура, контроль над законом, прокуратура Узбекистана.

Abstract: This article discusses the stages of the gradual formation of today’s prosecution systems, the historical roots of their emergency in the past on the territory of the present Republic of Uzbekistan. In particular, specific features of monitoring the implementation of Sharia norms aimed at ensuring the rights and freedoms of citizens in Muslim law were discussed.

Keywords: Muslim law, justice, punishment, prosecutor, control ower the law, prosecutor of Uzbekistan.

Мусулмон ҳуқуқида қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш институти азалдан мавжуд. Мусулмон (Ислом) маданиятида асрлар давомида олиму фузалоларнинг таҳлил предмети ҳисобланган бу функция, афсуски,

ғарб маданиятида аниқ шаклланмаган ва тартибга солинмаган эди.[1] Бу ерда, жумладан X асрдан XX аср бошларигача мусулмон давлатчилиги институтларидан бири ҳисобланган муҳтасиб ёки ҳисба ҳақида сўз юритилмоқда[2].

Буюк аждодимиз Бурҳониддин Марғиноний ўзининг "Ҳидоя" асарида тарози ва ўлчов қонунчилиги билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштирувчи "Рибо ёки судхўрлик"[3] масалаларига алоҳида тўхталади. "Ҳидоя"да ун буғдой эвазига сотилиши мумкин эмас, дейилган[4]. Шундай қилиб, ўлчов ва тарози билан боғлиқ ишлар алоҳида мувофиқлаштирилганини тан олмай бўлмайди. Бу ҳақида юридик фанлар доктори, профессор Г.Р.Маликова мусулмон ҳуқуқида фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг ижросини назорат қилиш, савдогарлар фаолияти устидан назорат институти сифатида вужудга келгани ҳақида хулоса қилиш мумкинлигини, бу соҳани муҳтасиблар мувофиқлаштирганлар[5] деб фикр юритади.

Муҳтасиблар алоҳида иззат-икром қилинадиган, мўътабар шахслар бўлгани боис, бу лавозимга тайинланадиган номзодлар саййидлардан ва хўжалардан танланган.

Шариатга мувофиқ, Мовароуннаҳр подшоҳлари давлат арбоблари лавозимларидан ташқари, олиму фузалолар ва саййидларнинг тўрт лавозимларини ҳам жорий этганлар. Бу тўртликни: қози, муфтий, муҳтасиб ва муаллимлар ташкил этган[6].

Буюк бобокалонимиз Амир Темур ўзининг "Тузуклари"да, садрлар (вақф этилган ерлар ва вақф этилган бошқа мулкларнинг ҳисоб-китобини олиб борувчи мансабдор шахс) фаолиятига оид тавсиялар берар экан, ҳар бир ўлка ва шаҳарда садр томонидан тайинланадиган муҳтасиблар фаолиятига тўхталиб ўтади[7]. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, Темурийлар даврида муҳтасиблар олий адлия суди мақомига тенглаштирилган[8].

---

[1] Кук М. Шестой столп ислама. Запрещение осуждаемого / Пер. с. анг. СП6. 2008 / Пер. С анг. СПб. 2008. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б.13.

[2] Мухтасиб-ҳасаба-ҳисоб сўзидан. Ҳасаба-махсус атама сифатида, муносиб мукофотга эга бўлишни билдириш учун қўлланилади. Ҳисба-от сифатида, "мукофот", "тўлов" маъноларидан ташқари, шариат томонидан рухсат этилмаган ҳаракатларни таъқиқлаш маъносида ҳам ишлатилади. Диний нуқтаи назардан, ҳисба-Аллоҳ томонидан ҳисобга олинадиган ишни Аллоҳ ризолиги учун бажариш тушунилади. Қаранг. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в 7-15 веках. Л. 1966. С. 195. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 13.

[3] Бурхануддин Маргинани. Хидоя.-М: Волтер Клувер. 2008. Б.635. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 14.

[4] Бурхануддин Маргинани. Хидоя.-М: Волтер Клувер. 2008. Б.636. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 14.

[5] Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 14.

[6] Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей в средневековой Бухаре. М: 1948. С.140. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 15.

[7] Темур тузуклари. (Уложения Тимура). Т: Шодлик нашриёти. 2019. Б.76. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 16.

[8] Х.Ш.Арслонов. Проблемы казейских судов досветского и советского Таджикистана. Автореф. Кандидата историч.наук. Душанбе.2018. С.13. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 16.

Таъкидлаш лозимки, кўпгина мусулмон давлатларида муҳтасиблик лавозими қозилар ихтиёрида бўлиб, номзодларни бу лавозимга улар ўз хоҳишлари бўйича тайинлаганлар. Кейинчалик султонлик мансаби (вазифаси) халифаликдан ажратилганидан сўнг, муҳтасиб лавозими ҳукмдор тасарруфига олиниб, алоҳида бошқарувга ўтди[1].

Бинобарин, улар бевосита давлат раҳбари томонидан тайинланиб, ижро ҳокимияти ваколатларига эга бўлдилар. Муҳтасиблар, апелляция (шикоят) инстанцияси ҳисобланиб, Қози-ал-қуззот (Бош қози) билан параллел равишда иш юритганлар[2].

Вақтлар ўтиб, муҳтасиблар зиммасига жамоатчилик тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза этиш, шунингдек, халқ маънавиятини назорат қилиш ва диний меъёрларга оид мажбуриятларнинг қатъий ижросини таъминлаш каби вазифалар ҳам юклатилди[3].

Муҳтасиблар жамоатчилик ҳуқуқларига оид, даъвогари бўлмаган барча масалаларни кўриб чиқиб, ҳал этган. Таъкидлаш керакки, муҳтасибларнинг маъмурий ва суд доирасидаги ваколатлари муҳим аҳамият касб этган. Муҳтасиб айб эълон қилган, иш қўзғатган ва ишни қозилик судига оширган. Шунингдек, шахсий айблов бўйича ҳам иш қўзғатишга ҳақли бўлган[4].

Темурийлар ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги (1405-1447) даврида “Ҳиротда дин томонидан ман этилган кўнгилхушликлар қатъий таъқиб қилинар эди. Шаҳарнинг икки муҳтасибига жуда кенг ваколатлар берилган эди, шахсий хонадонлар ичида бўлаётган ишларга муҳтасибнинг аралашмаслиги ҳақидаги қоидага ҳам амал қилинмас эди, Ҳирот муҳтасиблари зодагонларнинг ҳам уйларига бемалол кириб борардилар, шароб топсалар тўкиб ташлар эдилар”[5].

Муҳтасиблар белгилайдиган жазолар айбдорнинг қилмишига яраша фарқ қилиб, “аҳлоқ тузатиш”[6] таъзир категориясига тегишли бўлган. Уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин, яъни:

-огоҳлантириш ва танбеҳ бериш;

-“дарра” (қамчи ёки новда) билан жисмоний жазолаш;

-ташҳур ёки шаҳар кўчалари бўйлаб эшакка тескари миндириб ўтиш:

---

[1] Бухарский мухтасиб в начале XX века. / googleweblight.com. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 16.

[2] Абу Юсуф Йакуб Ибрахим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж (мусульманское налогообложение) Санкт Петербург. 2001. Б.29. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 17.

[3] Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркистане. Петроград. 1916. Б.55. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 17.

[4] Петрушевский И.П. Танланган асарлар. С.196. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 20.

[5] Бартольд В.В. Сочинения. 2 том. Работы по отдельным прблемам истори Средней Азии. М.: Наука. 1964. Б.120. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 20.

[6] Петрушевский И.П. Танланган асарлар. Б.196. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 20.

-жарима. Уларни қўллаш учун муҳтасибнинг шу одам ёки гуруҳ томонидан ислом қонунларининг бузилганлиги ҳақида аниқ далил-исботга эга бўлиши зарур бўлган[1].

Муҳтасиблар ўз ваколатларини нафақат тинч аҳоли орасида, балки қўшинлар орасида ҳам амалга оширганлар[2]. Олима Г.Р.Маликова эҳтимол, айнан мана шу вазифа келажакда ҳарбий прокурорлар институтининг шаклланишига асос бўлган деб ҳисоблашимизга асос бўлади деб фикрлайди[3].

Қайд этиб ўтиш керакки, олим О.М.Мадалиев муҳтасиблар институти билан прокуратура ўртасидаги мантиқий ўзаро боғлиқликни кўра билиб, улар зиммасидаги муайян ваколатларда эса айрим ўхшашликларни кузатган[4].

Этимологик жиҳатдан “прокуратура” ибораси лотинча “procurare” сўзидан олинган бўлиб, “ғамхўрлик қилмоқ” деган маънони англатади ва ҳозирги дунёда кенг тарқалган[5]. Роман-герман ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатларда бу институт кўпинча “оммавий вазирлик” (Ministerio Publico, Minestere public) ёки “фискалия”, Германияда “давлат вакилининг хизмати” (Staatsanwaltschaft), Чехияда эса “давлат ҳимоячиси” деб номланади. Америка Қўшма Штатларида прокуратура вазифасини бажарувчи институт “атторнейлик хизмати” деб аталади.

Келтирилган атамаларга қараб, “прокуратура” сўзининг икки хил маъноси ҳақида фикр юритиш мумкин. Яъни бу сўзни кенг маънода назоратни амалга оширувчи давлат органи ёки мансабдор шахс ёхуд давлат органининг алоҳида тури сифатида тушуниш мумкин. Тор маънода эса, бошқа ҳокимият тармоқларига кирмайдиган, назорат функциясини амалга оширишга мўлжалланган махсус давлат органлари тизими тушунилади.

Прокуратура ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишга мўлжалланган давлат органларидан биридир. Бироқ бу функция унинг бутун фаолиятини қамраб олмайди[6]. Профессор Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, прокуратурага давлат ҳокимиятидаги уч тармоқнинг ҳеч бирига кирмайдиган мустақил давлат органи сифатида қараш зарур. Бу эса прокуратура органлари самарали ишлашининг асосий шартидир[7].

Қадимги Греция ва Шарқ давлатларида прокурорнинг энг асосий ижтимоий функцияси қонунийликни таъминлашдан иборат бўлган. Давлат вакили сифатида у судда айбловни амалга оширган. Кейинчалик бундай

---

[1] Буриев И.Б. Танланган асарлар. Б.155. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 21.

[2] Исламский энциклопедический словарь. Москва. Ансар.2007. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 21.

[3] Маликова Г.Р. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси.Тошкент-2022, Б.21.

[4] Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Т.2009. Б.68-71. Г.Р.Маликова. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси. Тошкент 2022, Б. 27.

[5] Modern legal systems cyclopedia. Baffal NY 1994; Бельсон Я.М. Суд, прокуратура и тюрьмы в современном буржуазном государстве.-М., 1972. З.С.Ибрагимов. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент-2011. Б.21

[6] Галузо В.Н. Система правоохранительных органов России. Учебник для вузов.- М.2000.-с. 10-14; Рахлин В.И. Сидарук М.М. Правоохранительная функция прокуратуры. – С.Петербург, 2000.-С.20-24. Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Тошкент-2009, Б.8

[7] Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Тошкент-2009. Б.-8.

тартиб қадимги Римга ҳам ўтган. Европада прокуратура органлари дастлаб XIV асрда Францияда ташкил этилган. Бу даврда прокуратура биринчи навбатда жазолаш, айблаш чораларини амалга оширишга мўлжалланган эди.

1506 йилда Францияда қабул қилинган “Прокуратура фаолияти ва уни ташкил этиш тўғрисида”ги қонун унинг бошқа давлат органлари тизимидаги ўрнини белгилаб берди. Унга кўра, прокурор назоратининг ваколат доирасига: прокурорнинг маъмурий-сиёсий тавсифдаги фаолияти, тергов устидан назорат ва суд-ҳуқуқ фаолияти кирар эди.

Кейинги даврларда Францияда прокуратура муҳим қайта ташкил этилишларни ўз бошидан кечирди. Бироқ, унинг давлатдаги жазоловчи функцияси, олий ҳокимият бошқарувчисининг барқарорлигини таъминлаши ўзгармасдан қолди.

Прокуратура Францияда давлат айбловини қувватловчи махсус орган сифатида (officiers du roi) шаклланган. Бу орган зиммасига қонунийликни кузатиш мажбурияти юклатилган. Прокуратура институти кейинчалик бошқа мамлакатлар (Австрия, Германия) да пайдо бўла бошлаган ва XIX аср бошига келиб Европа минтақасида прокуратурани ташкил қилишнинг ҳукмрон шаклига айланган[1].

Россияда прокуратура мансабдор шахслар ҳаракатларининг қонунийлигини кузатиш ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш органи сифатида 1722 йилда (Пётр 1 нинг 1722 йил 12 январь куни қабул қилган фармони билан) ташкил топган. Бу фармонда “прокуратура давлатни ва бошқа фуқароларни қўриқлаши керак”лиги таъкидланган[2]. Пётр 1 бу ҳақида “Прокуратура давлатни ва барча фуқаролар манфаатларини қўриқлаши керак, генерал-прокурор эса, унинг ибораси билан айтганда, давлат ишларида бизнинг кўзимиз ва иш бошимиздир”[3] деган эди. Генерал-прокурорнинг зиммасига Сенат, кейинчалик эса бошқа давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиш вазифаси юклатилган. У қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаганида, хатони тузатишни таклиф қилиши шарт бўлган, унга бўйсунмаганларида эса “протест (эътироз) билдириш ва бу ишни тўхтатиш”[4] ҳуқуқига эга бўлган. Қуйи даражадаги прокурорлар Сенат томонидан сайланган.

Улар марказий ва маҳаллий муассасалар фаолиятини назорат қилганлар. Аниқланган камчиликлар ҳақида генерал-губернаторларга хабар берганлар. Прокурор қонун бузилишини аниқлаганида, дастлаб буни бартараф этишни оғзаки тарзда таклиф этган, оғзаки буйруққа бўйсунилмаган тақдирда

---

[1] Давид Р. Основные правовые системы современности.-М., 1967.-С.67. З.С.Ибрагимов. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. Тошкент-2011, Б.22

[2] Прокуратура Санкт-Петербурга.-СПб., 1987.-С.6. З.С.Ибрагимов. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. Тошкент-2011, Б.22

[3] Прокуратура Санкт-Петербурга.-СПб., 1987.-С.6. З.С.Ибрагимов. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. Тошкент-2011, Б.22

[4] Гуценко К.Ф, Ковалев М.А. Провоохранительные органы. Учебник.-М.1997.-С.293 З.С.Ибрагимов. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. Тошкент-2011, Б.22

қонунни бузган органга, сўнгра эса тегишли ҳайъат ёки Сенатга ёзма протест билдириши мумкин бўлган. Ғайриқонуний ҳужжат юзасидан протест билдириш унинг амал қилишини тўхтатган. Агар қонун бузилиши ҳақидаги маълумотлар юқори турувчи прокурорга келиб тушса, у ишни тез ва тўғри ҳал қилиш чорасини кўриши шарт бўлган.

Саксон йил ўтгач, тизим такомиллаштирилиб, Адлия вазири айни пайтда генерал-прокурор лавозимини эгаллай бошлаган. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги суд ислоҳоти (1864 йил) прокуратура институтини янада жиддий ўзгартириб, уни умумий назорат қилиш ваколатларидан маҳрум этди. Ислоҳотдан кейинги прокурорлар жиноий-ҳуқуқий судлов ишларини юритиш уставига биноан давлат айбловни қувватлаш функциясидан ташқари, суд терговчиларининг фаолиятини кузатиб борганлар, барча тергов ҳаракатларида иштирок этишлари, терговчига топшириқлар беришлари, айбланувчининг қамоққа олинишини назорат қилишлари, қўшимча тергов қилинишини талаб қилишлари мумкин бўлган. Ҳукм чиқарилганидан кейин прокурор апелляция ёки кассация протестини билдириш ҳуқуқига эга бўлган[1].

1864 йил 20 ноябрда суд қоидаларининг таъсис этилиши билан судларда прокурор назоратини амалга ошириш ваколати обер-прокурорлар, прокурорлар ва уларнинг ўринбосарларига берилди. Ўз навбатида, улар генерал-прокурор бўлмиш Адлия вазирининг олий кузатувида бўлганлар. Ана шу даврда иерархик интизомга асосланадиган, битта бошлиққа бўйсунадиган ҳамда маҳаллий маъмурият ва суд органларидан мустақил бўлган институт сифатидаги прокуратурани ташкил этиш асослари пайдо бўлган[2].

Прокуратуранинг Европа давлатларида, айниқса Франция ва Россияда ривожланиши, ташкил топиши тўғрисидаги тарихий маълумотлар В.И.Басковнинг олий ўқув юртлари учун чиқарилган “Прокурор назорати курси” дарслигида кенг ёритиб берилган[3]. Китобда прокуратуранинг 1917 йилгача реакцион давлат тузумини ҳимоя қилувчи, қаттиқ жазоловчи орган ҳисобланганлиги, чор Россияси билан бирга унга барҳам берилганлиги кўрсатилган.

1922 йил 22 майда ВЦИК қарори билан “Прокурор назорати тўғрисида”ги Низом тасдиқланган бўлиб, унда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг асосий принциплари ўз ифодасини топган. Жумладан, прокуратура органининг ягона ва марказлашганлиги, қуйи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга қатъий бўйсуниши,

---

[1] Додонов В.Н, Крутских В.Е. Прокуратура в России и зарубежом. Сравнительное исследование // Подред.Герасимова С.И.-М.2001.-С.4. З.С.Ибрагимов. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. Тошкент-2011, Б.23

[2] Басков В.И. История прокуратуры Российской империи // Вестник Московского института. Сер. №11. Право, 1998.-№2-С.3-13. З.С.Ибрагимов. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. Тошкент-2011, Б.23

[3] Басков В.И. Курс прокурорского надзора. Учебник для вузов. - М.Зеркало, 1999, -С. 15-19. Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Тошкент-2009. Б.12.

маҳаллий таъсирдан мустақиллиги прокуратура органлари кенг жамоатчиликка ёрдам беришда таянч бўлиб хизмат қилиши каби принциплар ҳам батафсил баён этилган.

Бу Низом қонунларга қатъий риоя қилиш устидан назоратни амалга оширишда прокурорларнинг ваколати ва назорат предметини ҳам аниқлаб берди. Хусусан, давлат номидан ҳокимият органларининг, хўжалик ташкилотлари, муассасалар, жамоат бирлашмалари ва жисмоний шахсларнинг, айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш орқали бутун фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириши кўзда тутилади. Шунингдек, прокуратура органларининг суриштирув ва ОГПУ[1] - органлари фаолияти устидан бевосита кузатувни амалга ошириши, судда айбловни қўллаб-қувватлаши, маҳкумларни қамоқда сақлаш қоидаларига риоя қилинишини кузатиши лозимлиги ҳам айтилган.

Маълумки, илгари Ўзбекистонда иттифоқдош республика сифатида собиқ СССР қонунчилик тизими, шу жумладан прокуратура органлари фаолияти ва уни ташкил этишнинг асосий принциплари ҳам татбиқ қилинган. Прокуратура органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари таҳлил этилса, шундан далолат берадики, 1923 йилдан 1938 йилгача СССР ва иттифоқдош республикалар прокуратура органлари тизими, вазифаси ва прокурорларнинг ваколатлари “Суд тузилиши тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган. Прокуратуранинг ташкилий органлари марказда ҳам, жойларда ҳам мустақил давлат органи эмас эди. Прокуратура бўлим сифатида Адлия Халқ Комиссариати тизимига киритилиб, Адлия комиссари бир вақтнинг ўзида Республика прокурори ҳам ҳисобланган.

1923 йил 23 ноябрда қабул қилинган “СССР Олий суди тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, прокуратура Олий суд таркибига киритилди. Прокуратура ваколатлари “СССР Олий суди тўғрисида”ги ги Низом ва 1926 йил 24 июлда қабул қилинган “СССР Олий суди ва СССР Олий суди прокуратураси тўғрисида”ги Низом билан анча кенгайтирилган. Булардан келиб чиқиб, прокурор қонунчилик ташаббуси билан чиқиш, ОГПУнинг қарор, фармойишлари ва ҳаракатларини, шунингдек СССР Олий суди коллегияси ва махсус коллегияларининг, СССР ва иттифоқдош республикалардаги барча бошқа суд муассасаларининг ҳал қилув қарори, ҳукм ва ажримларини тўхтатиш каби ҳуқуқларга эга бўлди.

Бундан ташқари, у СССР Олий суди прокуратураси назорат фаолиятининг асосий қисми бўлмиш конституциявий назорат ҳамда ОГПУ фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни ҳам амалга оширган. Бевосита ўзининг Ҳарбий прокуратура ва СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси бўйича катта

[1] 1917 йилнинг декабрь ойида Ф.Э.Дзержинский бошчилигида антиинқилоб ва саботажга қарши курашиш мақсадида Бутунроссия фавқулодда комиссияси (ВЧК) ва 1918 йили унинг жойлардаги органлари тузилган. ВЧК 1917-1922 йиллар давомида фаолият кўрсатган. 1922 йили ВЧК негизида Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) қайта тузилган ва жойларда унинг бўлимлари (ОГПУ) фаолият кўрсатган. Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Тошкент-2009. Б.12.

ёрдамчиси орқали бутун СССР ҳудудида ҳарбий прокуратура фаолиятини бошқарган ва шу билан бир қаторда ҳарбий требунал суд ҳужжатларининг қонунийлиги устидан ҳам назоратни юритарди[1]. Ўша даврда прокуратура органларининг ягона марказлашган тизими шаклланмаган бўлиб, республика прокуратураси Адлия Халқ Комиссарлиги тизимига кирар эди. 1925 йилнинг 6 май куни Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитаси "Адлия тўғрисида"ги Низомни тасдиқлади, унга мувофиқ адлия халқ комиссари бир вақтнинг ўзида Республика прокурори вазифасини ҳам бажарган.

Республика прокурори бир вақтнинг ўзида адлия халқ комиссари сифатида Республика ҳукумати таркибига кирган. У бу вазифага Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитаси томонидан тайинланса ҳам республика ХКС (Халқ Комиссарлар Совети) олдида ҳисобот берар эди. Республика прокурори қонунлар ижроси устидан назорат қилиш билан бир қаторда бошқарув функциясини ҳам амалга оширган. Бу эса назорат функциясини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатган.

1933 йил 20 июнда СССР МИҚ ва ХКС қарори билан СССР прокуратураси ташкил этилди. 1933 йилнинг декабрида қабул қилинган "СССР прокуратураси тўғрисида"ги Низомда СССР прокуратураси функциялари яхлитлаштирилиб, республика прокурорлари билан ўзаро муносабатларга аниқлик киритиб берилган. СССР МИҚ ва ХКСнинг 1936 йил 20 июндаги "СССР Адлия Халқ Комиссариатини шакллантириш тўғрисида"ги қарори прокуратура ва тергов органларини Иттифоқ ва автоном республикалар Адлия халқ комиссариати тизимидан чиқарилиб, 1936 йилда прокуратурани марказлаштириш ва ягона тизимга айлантириш жараёни ниҳоясига етди[2].

"СССР прокуратураси тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, СССР прокурори иттифоқдош республикалар прокурорларига уларнинг фаолиятига тегишли масалалар бўйича кўрсатмалар бериш, иттифоқдош республикалар прокурорлари фаолиятини муҳокама қилиш учун прокурорлар йиғинини чақириш ва улар ишини ўрганиш, текширишлар ўтказиш, иттифоқдош республикалар прокуратура органлари фаолиятини текшириш ва улар фаолияти тўғрисида ахборотлар олиш ҳуқуқига эга бўлган.

1936 йилда қабул қилинган СССР Конституцияси ва 1937 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституцияси прокурор назоратининг аҳамияти ва ўрнини давлат фаолиятининг мустақил тури сифатида юқори поғонага кўтарди. Бунга кўра, СССР прокуратураси Олий Совет томонидан тайинланадиган СССР прокурори бошчилигидаги ягона ва марказлашган тизим кўринишида мустаҳкамланди.

Иттифоқдош ва автоном республикалар, вилоятлар прокурорлари 5 йил муддатга шу республика давлат ҳокимияти органлари билан келишилмай туриб, тўғридан-тўғри СССР прокурори томонидан тайинланган. Туман ва шаҳар прокурорлари эса, иттифоқдош республикалар прокурорлари

[1] Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Тошкент 2009. Б.13.
[2] Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Тошкент 2009. Б.14.

томонидан 5 йил муддатга тайинланиб, уларнинг бу ҳақидаги буйруқлари кейинчалик СССР прокурори томонидан тасдиқланган. Прокуратура органларининг марказлашуви шу тарзда мустақил иттифоқдош республикаларнинг кучсизланиши ҳисобига кучайган. Конституция прокуратура органларига қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши ва риоя этилиши устидан давлатнинг асосий ҳуқуқий олий назорат функциясини амалга ошириш вазифасини юклади. Шунингдек, уларнинг маҳаллий органлардан мустақиллиги ва фақат СССР прокурорига бўйсуниши тамойили мустаҳкамлаб қўйилди[1].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида прокуратура органлари фаолияти фашизм устидан ғалаба қозониш мақсадига йўналтирилган десак тўғри бўлади. Мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилингач, СССР Олий Советининг 1941 йил 22 июндаги Фармонига кўра, прокуратура органлари фаолияти ҳарбийлаштирилди. Уларнинг асосий фаолияти ҳарбий вақтдаги қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек жамоат тартиби, меҳнат ва давлат интизомини ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат мулкини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишдан иборат бўлган.

Иккинчи жаҳон уруши бўлиб ўтган оғир йилларда Ўзбекистон прокуратураси органларига юклатилган вазифалар ниҳоятда ошиб кетган, мамлакатимизга 100 га яқин саноат корхоналари, 10 га яқин ҳарбий ўқув юртлари, госпиталлар, илмий муассасалар кўчирилиб келтирилган. Республикага бир миллиондан зиёд эвакуация қилинган одамлар қабул қилинган, улардан 200 мингтаси болалар бўлган. Уруш йилларида Ўзбекистонда кўплаб собиқ иттифоқ армияси қўшилмалари, шу билан бир қаторда миллий ўзбек ҳарбий қисмлари ҳам ташкил этилган. Республика собиқ Иттифоқнинг муҳим озиқ-овқат базаси бўлиб колган. Ўша даврларда Ўзбекистон прокуратурасининг асосий фаолияти ҳарбий вақтдаги қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилишга йўналтирилган эди.

СССР Олий Совети Президумининг 1943 йил 16 сентябрдаги Фармони билан прокуратура органларининг прокурор-тергов ходимларига мансаб даражаси унвони берилиши тартиби ўрнатилди ва СССР прокуратураси органлари прокурор-тергов ходимларининг фуқаровий мансаб даражаси билан ҳарбий унвонлари қиёсий жадвали тасдиқланди. Профессор Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, мансаб даражалари унвон ўрнатилиши ва янги махсус касбий либоснинг киритилиши прокурорларга расмий, жиддий кўриниш берди. Бу эса, меҳнат ва ижро интизомининг мустаҳкамланишига ёрдам берди[2].

Урушдан кейинги йилларда прокуратура органлари мамлакат иқтисодиётини тиклашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан

[1] Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Тошкент- 2009. Б.15.
[2] Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Тошкент- 2009. Б.16

назоратни амалга оширган. Шаҳар ва қишлоқлар қайтадан қурила бошланди, завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар тиклана бошланди. Бу эса ўз навбатида, давлат мулкининг бутлигини, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қонунларнинг ижроси устидан назоратни кучайтиришни талаб қилган.

1946 йил 19 мартда СССР Олий Совети давлат ва хўжалик қурилишидаги вазифаларни ҳал қилишда прокуратура органларининг нуфузини ошириш мақсадида, СССР прокурорига Бош прокурор мақомини бериш тўғрисидаги қонунни қабул қилди. 1955 йил 24 майда эса СССР Олий Совети Президиуми Фармони билан "СССРда прокурор назорати тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Бу прокуратура органлари ваколатини бир мунча кенгайтирди, ҳамда прокурор назоратининг асосий вазифалари ва уни амалга ошириш услубларини қонун билан мустаҳкамлади.

Низомда СССР Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларга СССР, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида маҳаллий таъсирлар ва фарқлар бўлишидан қатъий назар, аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилиш шартлиги кўрсатилган.

1977 йилда қабул қилинган СССР Конституцияси асосида 1979 йил 30 ноябрь кунида "СССР прокуратураси тўғрисида"ги қонун қабул қилинди, у иттифоқ прокуратураси тарқалиб кетгунига қадар амалда бўлди. СССР прокуратураси собиқ иттифоқ тарқалиб кетганидан кейин мустақил давлат органи сифатида ўз фаолиятини тугатди[1].

Прокуратуранинг ривожланиш тарихи ўтмишда у давлат органи сифатида давлат белгилаган функциялар доирасида барчани, жумладан, фуқароларни ялпи назорат қилишдан тортиб, хусусий ва оммавий манфаатларни ҳимоя қилишгача бўлган вазифаларни бажарганлигидан далолат беради[2]. Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда дунё ҳамжамиятига ўзининг Мустақил Давлат эканини эълон қилгач, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли туб ислоҳотлар бошланган. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини зудлик билан ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этарди. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ва давлатчилиги асосларини вужудга келтириш учун, миллий ҳуқуқий тизим шакллантирилиши ва давлатимизнинг қонунчилик базаси ишлаб чиқилиши, мамлакатда бозор муносабатларини шакллантиришда, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийлик мувофиқлаштирилиши талаб этилар эди.

Бу борадаги дастлабки қадам сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги Ўзбекистон ССР прокуратурасини мустақил Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилишини белгиловчи

[1] Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Тошкент- 2009. Б.16.

[2] Вицин С. Прокуратура в правовом государстве. – М., 1997. З.С.Ибрагимов. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. Тошкент-2011, Б.23.

“Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги Фармони[1] қабул қилинганини мисол қилсак бўлади. Айнан шу Фармон асосида мустақил Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ташкил этилган. Мустақилликка эришилгунига қадар мамлакатимизда прокуратуранинг ташкил этилиши, унинг шаклланиши ва ривожланиши, фаолиятига бир назар ташласак, гарчи бугунги кунга келиб судлар томонидан айбсиз деб топилиб, оқланган бўлсаларда, шўролар қатағонларининг даҳшатли даврида минглаб бегуноҳлар қаторида прокуратура тизими вакиллари ҳам кўплаб мусибатларга дучор бўлган.

Ори ва номусини ҳар нарсадан устун қўйиб, ноҳақликларга қарши борган, қатъият кўрсатган, чин маънода довюрак ва ватанпарвар маҳаллий ходимларнинг 150 нафарига жиноят иши қўзғатилган, 30 нафари эса отиб ташланган. Аламлиси шундаки, қатағонга учраганларнинг аксарияти нафақат суд-ҳуқуқ тизимининг фидойи вакиллари, балки эл-юрт тақдири учун куюнган, унинг саодати йўлида борини беришга тайёр бўлган миллатимизнинг садоқатли, салоҳиятли, ноёб истеъдодли фарзандлари эди[2].

1920-1930 йилларда Адлия халқ комиссари ва бир вақтнинг ўзида Республика прокурори лавозимларида, шу билан бирга прокуратурада масъул лавозимларда хизмат қилган бир қатор ходимлар, яъни Бўтабой Дадабоев, Исҳоқ Ғозиев, Мукаммал Бурхонов, Абдурахим Юсуфзода, Азимжон Шарипов, Бобоохун Салимов, Султонқори Жуманиёзов, Ахмадбек Мавлонбеков, Муҳаммаджон Мўминов, Шамсиддин Бадриддинов, Давронбек Ахмадбеков, Муҳаммад Расул Замонбоев, Дилоро Юсупова, Қорабой Эрмонов, Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода ва бошқалар турли хил туҳмат ва бўҳтонлар билан отиб ўлдирилганлари, ёки узоқ муддатларга Россиянинг совуқ ўлкаларига сургун қилинганлари ҳақидаги маълумотларга эгамиз, энг муҳими, бундай манбалар тарихимизни, ўзлигимизни англашга, жамиятда шаклланиб қолган “прокуратура органлари фақат жазоловчи орган”, деган тасаввур ва тушунчаларнинг ўзгаришига хизмат қилади. Зеро, бугунги дориломон кунларга халқимиз осонлик билан етиб келмаганини, бугун Янги Ўзбекистонда яшаб, прокуратура органлари тизимида хизмат қилар эканмиз, ҳар биримиз ўзимизга юклатилган вазифаларга сидқидилдан ёндашиб, ватанпарвар бўлиб, халқимизга, Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз эканини англаб етамиз.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январь кунги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги ПФ-313-сонли Фармони. З.С.Ибрагимов. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. Тошкент-2011, Б.299.

[2] Тарихий хотира беқиёс. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. Тошкент-2023. Б.7.

БОЛТАЕВ ҲАЛИМ ХУСАНБОЕВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Янги Ўзбекистон шароитида қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан давлат назоратини такомиллаштириш масалалари, шу жумладан амалиётда мавжуд муаммолар муҳокама қилинган ҳамда ушбу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Конституция, қонунчилик, давлат назорати, прокурор, прокурор назорати, назорат-текширув идоралари, прокурор назорати шакллари, прокурор назорати тадбири.

Аннотация: Рассмотрены вопросы совершенствования государственного контроля за исполнением законодательных актов в условиях нового Узбекистана, в том числе существующие на практике проблемы, а также проанализированы правовые акты, регулирующие данную сферу.

Ключевые слова: Конституция, законодательство, государственный контроль, прокурор, прокурорский надзор, контролирующие органы, формы прокурорского надзора, мероприятие прокурорского надзора.

Abstract: Issues of improving state control over the implementation of legislative acts in the conditions of the new Uzbekistan are considered, including problems existing in practice, and legal acts regulating this area are analyzed.

Keywords: Constitution, legislation, state control, prosecutor, prosecutor supervision, controlling authorities, forms of prosecutorial supervision, prosecutor's supervision event.

Мустақилликни қўлга киритгач, Ўзбекистон халқи ўз тараққиёт йўлини танлади ва бу йўлда барқарор ва дадил одимламоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётини янгилаш, иқтисодиётнинг барча жабҳаларини тубдан модернизация қилиш, одамлар турмуш даражаси ва тафаккурини ўзгартиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Айниқса, миллий давлатчилигимиз тараққиётининг янги босқичи – **"Янги Ўзбекистон"** шароитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистон миллий тикланишдан миллий юксалиш сари юз тутди.

Янги тарихий босқич инсон қадру-қимматини улуғлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини амалда рўёбга чиқариш сари узоқ кутилган қадамлар ташлангани билан ҳам аҳамиятлидир.

Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак, деган тамойил жамиятдаги устувор қоидалардан бири сифатида белгиланди. Мазкур органларнинг фаолиятида халқ билан мулоқот

энг асосий мезонга айланди. Бироқ, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “...бошқарув тизими сифатини оширишда: “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур”[1].

2023 йил 30 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олиниши, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга эканлиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил қилиши мустаҳкамлаб қўйилди[2].

Дарҳақиқат, қонун устуворлиги кафолатланган ҳуқуқий давлатчилик ҳар қандай мамлакатда иқтисодий фаровонлик ва сиёсий-ҳуқуқий барқарорликни таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Бинобарин, ҳуқуқий давлатда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш орқали жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти кафолатланади.

Бу борада, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2023 йил 7 декабрь куни Конституциямизнинг 32 йиллигига бағишланган байрам табригида Конституция ва қонун устунлиги тамойили – бу барқарор тараққиётнинг асосий мезони эканлиги, биз инсон қадр-қиммати ва манфаатларини таъминлаш бўйича бошлаган ислоҳотларимизни янги конституциявий маконда янада қатъий давом эттиришимиз, халқимизнинг хоҳиш-иродасига биноан **Асосий қонунимизда ўз аксини топган тамойилларни тўлиқ рўёбга чиқаришимиз ва ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз** лозимлигини алоҳида таъкидлади[3].

Албатта, ҳуқуқий давлатчиликни амал қилишида қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан давлат назорати ғоят долзарб ва муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, давлат назорати қонунийлик ва мамлакатимизнинг хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги, уларнинг мол-мулкини муҳофаза қилиш, атроф-муҳит хавфсизлиги, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон қонунчилигида парламент назорати, конституциявий назорат, прокурор назорати, бюджет, молиявий, валюта, божхона, экспорт, солиқ, экология, санитария, фитосанитария назорати каби қатор тушунчалар қўлланилади.

Чунончи, ижро ҳокимияти тизимига кирувчи, назорат-текширув ваколатига эга идоралар томонидан муайян соҳаларга ихтисослашган ҳолда

---

[1] Шавкат Мирзиёев: Халқимиз ҳаммадан зийрак ва улуғдир // https://president.uz/uz/lists/view/3314

[2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган // https://lex.uz/docs/6445145

[3] [Электрон манба]. URL: https://www.norma.uz/uz/muhim_voqealar/qonun_ustuvorligi_va_inson_manfaatlarini-_taminlash_-yurt_taraqqiyoti_va_xalq_faravonligining_garovi. (мурожаат вақти: 24.04.2021 й.)

қонунийликнинг таъминланиши, шу жумладан, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги, уларга юклатилган вазифаларнинг ижроси юзасидан давлат назорати (контрол) амалга оширилади.

Маълумки, республикамизда ҳар бир соҳада қонунчилик ҳужжатлари ижросини назорат қилишга ихтисослашган **40 тага яқин** давлат назорат-текширув идоралари фаолият кўрсатади.

Улар томонидан мамлакатимизда қонунийликни таъминлаш, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ҳам дастурлар ижросини таъминлаш борасида кўп ишлар қилинган ва қилинмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ислоҳотлар натижадорлиги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишига, уларнинг талабларига аниқ риоя этилишига, соҳада юзага келаётган муаммолар тизимли аниқланиб, ўз вақтида бартараф этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг давлат бошқаруви органлари фаолиятини “Халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида ташкил этишга доир 78-мақсадида,[1] давлат назорат функцияларини фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини қатъий таъминлашга йўналтириш белгиланган ҳам шундан далолат беради.

Дарҳақиқат, бугунги кунда давлат назоратини ташкил этиш, шу жумладан назорат-текширув идоралари фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган айрим ташкилий - ҳуқуқий муаммолар мавжуд.

Биринчидан, давлат назорати тушунчаси, унинг шакллари, давлат назоратини амалга оширувчи органлар, давлат назорати механизмларини қонун даражасида белгилаш, давлат назорати тизимида прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириб олиш зарурияти юзага келган.

Назорат-текширув идоралари фаолияти, назорат тадбирларини амалга ошириш механизмлари яхлит қонун ҳужжатида тартибга солинмаганлиги, ваколатлари ва функцияларининг аниқ чегаралари белгиланмаганлиги давлат назорати тизимини самарали ташкил этиш имконини бермайди.

Хусусан, давлат назорати ҳуқуқий асосларини яратиш борасида Россия қонунчилигида ижобий тажрибасини кўрсатиб ўтиш жоиз. Мазкур давлатда “Россия Федерациясида давлат назорати ва ҳудудий назорат тўғрисида”ги Федерал қонуни[2] қабул қилиниб, унда назорат органларининг вазифа ва

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида” ПФ–158-сон Фармони 1-иловаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон

[2] Федеральный закон “О государственном контроле (надзоре) и муниципальном контроле в Российской Федерации” от 31.07.2020 N 248-ФЗ // [Электрон манба]. URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_358750/

функциялари, тегишли механизмлар, назорат органлари рўйхати аниқ белгиланган.

Иккинчидан, бугунги кунда мамлакатимизда назорат - текширув ваколатига эга бўлган идораларнинг ярмидан кўпи (36 тадан 19 таси) бевосита ўзи назорат қиладиган вазирлик таркибида фаолият кўрсатмоқда.

Назорат қилувчи ва назорат қилинувчи идоранинг бир раҳбар қўл остида тўпланиши кутилган натижага эришишга имкон бермайди, давлат назоратининг холислиги ва мустақиллигига путур етказади.

Таҳлилларга кўра, биргина 2023 йилда давлат назорати олиб бориладиган соҳаларда аниқланган жами **7,4 трлн. сўмлик** молиявий қонун бузилишларнинг қарийб **40 фоизи** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳиссасига тўғри келиши шундан далолат беради.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида **Маъмурий ислоҳотлар концепциясининг**[1] Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтиришга доир III-бўлими 4-бандида, назорат ваколатига эга ижро этувчи ҳокимият органларини уларнинг назорати остидаги хўжалик бошқаруви органлари ҳисобидан молиялаштириш амалиётидан воз кечиш белгиланган эди.

Учинчидан, қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати – махсус ваколатлар билан амалга ошириладиган давлат назоратининг муҳим шакли ҳисобланади. Прокуратуранинг мавжудлиги бу – қонунийлик эҳтиёжидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конституция ва қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати бу мустақил фаолият бўлиб, фақатгина прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.

Мазкур фаолиятни прокуратура органларидан ташқари, бошқа ҳеч қандай давлат ва нодавлат органлари, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар бажариши мумкин эмас.

Прокуратура давлат назорати органи экан, ўз вазифаларини амалга оширишда мавжуд назорат-текширув идоралари билан ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият юритади.

Ҳозирда прокуратура органлари ва 30 га яқин назорат-текширув идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича Тартиблар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Шундай бўлсада, прокуратура ва давлат назорат-текширув идораларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятининг аниқ чегаралари ва шакллари аниқ белгиланмаганлиги амалиётда кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, муайян соҳада қонунлар ижроси билан боғлиқ нуқсон ва камчиликлар юзасидан мурожаатларни кўриб чиқиш, муаммоларни бартараф этиш мажбуриятини юклаш, умуман олганда муайян соҳа назоратига масъул ва жавобгар органни белгилашда кўплаб чалкашликлар мавжудлиги айни ҳақиқат.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиз талабларини инобатга олганҳолда, **“Давлат назорати тўғрисида”ги** қонунни қабул қилиш, ундадавлат назорати турлари ва шакллари, амалга ошириш асослари ва механизмларини, ваколатлар чегараларини аниқ белгилаб қўйилишигакучли эҳтиёж юзага келган деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида, “Давлат назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиниши давлат назорати соҳасида ягона ёндашувларни жорий этиш, давлат назоратининг умумий мақсад ва вазифаларини, принципларини ва асосий йўналишларини белгилаш, назорат органлари ишидаги ўзаро такрорлашларнинг олдини олиш ва фаолиятини оптималлаштириш, энг муҳими давлат назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, мазкур қонуннинг қабул қилиниши “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда давлат назоратининг муҳим шаклларидан бири сифатида прокурор назорати вазифаларини тўғри англашга имкон беради.

Бундан ташқари, қонунчиликда **прокурор назоратига доир нормаларни ҳам такомиллаштиришга эҳтиёж** юзага келган.

Жумладан, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни прокурор назоратини амалга ошириш шаклларини тўла акс эттирмайди. Қонуннинг 21-моддасида қонунлар ижросини текшириш прокурор назоратининг ягона шакли сифатида қайд этилган бўлсада, амалиётда прокурор назоратини амалга оширишнинг бошқа шакллари ҳам кенг қўлланмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва “рақамли энергоназорат” тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-77-сонли Фармони[1] 5-бандида, **прокурор мониторинги** ва **ахборот-таҳлил фаолиятини юритиш** асосларини белгилаш назарда тутилди.

Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда прокуратура фаолиятини ҳам рақамлаштириш, замонавий ахборот дастурларини жорий этиш борасида кўплаб ютуқларга эришилди, прокуратуранинг ахборот тизимлари бошқа давлат идораларининг кўплаб ахборот базаларига интеграция қилинди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва “рақамли энергоназорат” тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-77-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.05.2023 й., 06/23/77/0298-сон.

Бу эса, эндиликда прокурор назоратини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда назорат объектида текшириш ўтказмасдан, реал вақт режимида ўтказиш имконини бермоқда.

Шу жиҳатдан, қонунда “прокурор назорати тадбири” тушунчасини белгилаб, қонунлар ижросини текшириш билан бирга, **прокурор мониторингини ўтказиш, ахборот-таҳлил фаолиятини юритиш, назорат қилувчи органларнинг қонун бузилиши тўғрисидаги материалларини кўриб чиқишни** прокурор назорати тадбирлари шакллари сифатида белгилаш ва уларни ўтказиш асосларини қонунда назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, назорат тадбирлари устидан шикоят қилиш тартибини киритиш прокурор назорати фаолиятида қонунийликка риоя этишга хизмат қилади.

Яна бир масала. Прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа соҳаларга оид қонунларда ҳам турли номувофиқликлар мавжуд.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни 23-моддасида, “хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни қонунларга мувофиқ прокуратура органлари амалга оширадилар.

Бу органлар айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар”[1], деб белгиланган.

Ҳолбуки, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар устидан бу тахлит назорат прокуратура органлари ваколатларидан аллақачон чиқарилган ва ҳуқуқий амалиёт сифатида ҳам барҳам топган.

Бинобарин, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасида, хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашишига, шунингдек, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришига йўл қўйилмайди”[2], деб кўрсатилган.

Бошқа қонун ҳужжатларида ҳам, жумладан, хўжалик юритиш соҳасида, тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишдаги прокурор назоратининг иштирокини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда жиддий муаммоларсақланиб қолмоқда.

Масалан, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасига кўра, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан прокурор назорати тартибида амалга

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни 23-моддаси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2024 й., 03/24/911/0142-сон.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 23-моддаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.02.2024 й., 03/24/909/0133-сон.

ошириладиган давлат назорати тегишли қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади[1].

Бу соҳада прокурор назоратини аввалгидек кенг талқин қилиш иқтисодиётга давлат аралашувини камайтириш, бизнес ривожига халақит қилмаслик, суиистеъмолчилик ва коррупцияни олдини олиш, ортиқча ватакрорланувчи функцияларни бартараф этиш нуқтаи назаридан мутлақомақбул бўлмаган ҳолатдир.

Чунки, қонунчиликка мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги ўзаро алоқалари прокурор назоратининг объекти ёки предмети ҳисобланмайди. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини назорат қилиш тартиби, асослари ва шакллари назарда тутилмаган.

Қолаверса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишга масъул соҳа назорат-текширув идоралари мавжуд бўлиб, прокуратуранинг ушбу идоралар фаолиятини такрорлаб, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан у ёки бу шаклда назоратни амалга ошириши давлаткуч ва ворситаларини ноўрин ва беҳуда сарфланишини англатади.

Бу масалаларни, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, **“Давлат назорати тўғрисида”ги** қонунни қабул қилиш орқали ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

ТОШҚУВВАТОВ СИНДОР ЯНГИБОЙ ЎҒЛИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Дастлабки тергов ва суриштирув кафедраси ўқитувчиси

ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

Ҳозирги кунда кишилик жамияти ривожига кучли таъсир кўрсатаётган ва ўзига хослик намоён этаётган ижтимоий омиллар қаторида диний омил ҳам алоҳида ўрин тутади. Диннинг яратувчанлик ва бунёдкорлик, уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳиятидан фойдаланиш ҳамиша жамият ривожи ва инсоният камолоти учун хизмат қилган.

Ўз навбатида, инсониятнинг кўп асрлик тарихида диндан ниқоб сифатида фойдаланиш, унга сиёсий тус бериш, ундаги ғоялардан ғаразли, жиноий мақсадларда фойдаланиш бўйича кўплаб мисоллар ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда ҳам диндан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиш давом

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни 2-моддаси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2024 й., 03/24/911/0142-сон.

этиши билан бирга, ўта нозик ва хавфли тус олаётганини кўриш мумкин. Турли шаклларда намоён бўлаётган миссионерлик ҳаракатлари ва прозелитизм, эса бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ҳозирги кунда диний келишмовчиликлар ва урушларнинг вужудга келишида миссионерлик ҳаракатлари ва прозелитизм асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Бундай оқибатларни олдини олиш мақсадида, дунёнинг 33 та давлатида прозелитизм ҳаракати умуман ман этилган бўлса, 81 та давлатда хорижий миссионерлар фаолияти чекланган ва 36 та мамлакатда бир диндан бошқа динга ўтиш ҳамда дунё миқёсида мавжуд давлатларнинг 40 фоизида қонунга зид равишда диний адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тақиқланган[1].

Глобаллашув шароитида эса, ахборот оқимининг суръати ва кўлами ошганлиги, ҳар қандай ахборот жамиятнинг хоҳлаган қатламига қисқа вақт ичида ва катта тезликда етиб бориши, ҳар қандай деструктив ғояларни тарқатишни янада осонлаштирганини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ўз мақсадларини белгилаб олган бўлиб, халқаро майдонда ўз ўрнига эга. Бизнинг асосий стратегик мақсадларимиздан бири - юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Диний ташкилотлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар ҳақида гап кетар экан, энг аввало, унинг ҳуқуқий асосларига алоҳида тўхтаб ўтиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2018 йил 31 майдаги 409-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида дин ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Жумладан, БМТ томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 18-моддасида “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга”[2], эканлиги қайд этилган. Шунингдек, БМТ томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 18-моддасида таъкидланганидек, “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин

[1]В.Еленский. Религиозная свобода: глобальные измерения. http://tatpolit.ru/category/zvezda/2011-06-21/6008.

[2] Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик.-Т., 2012.-214 б.

эркинлиги ҳуқуқига эга. Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиниши мумкин.”[1] .

Хусусан, Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.”[2], деб белгилаб қўйилган бўлиб, 71-моддасида эса, Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланиши кўрсатиб ўтилган.[3]

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 75-моддасида шундай дейилади: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”[4].

Мазкур моддада муҳим қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Аввалло диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъий назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар.

Шу ўринда, диний ташкилот тушунчасига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. 1998 йилнинг 1 май куни қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасида **диний ташкилотлар** тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар” [5], деб эътироф этилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.

---

[1] Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. - Т.,2012.-224 б.
[2] https://lex.uz/acts/20596
[3] https://lex.uz/acts/20596
[4] https://lex.uz/acts/20596
[5] https://lex.uz/acts/65108

Шу билан бирга, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, бу диннинг жамиятдан ажратилганини англатмаслигини таъкидлаш зарур. Зеро, бирор динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз мавқеига эга бўлади. Дин ва жамият ҳаётидаги диалектик алоқадорликдан дин ва дунёвий давлат муносабатини белгилаб берувчи бошқа бир тамойил - дин соҳасида кечаётган ўзгаришларни холис ва илмий ўрганиш, башорат қилиш ва шундан келиб чиқиб, ижобий жараёнлар ривожига янада кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишдир.

Ўзбекистонда диний ташкилотларни шартли равишда икки гуруҳга, яъни **исломий** ва **ноисломий диний ташкилотлар**га ажратиш мумкин.

Ноисломий диний ташкилотлар тушунчасини мамлакатимизда фаолият юритаётган, ислом динига алоқаси бўлмаган барча конфессияларга нисбатан ишлатиш мумкин. “Ноисломий диний ташкилотлар” атамаси асосан аҳолисининг аксарият қисмини ислом динига эътиқод қиладиган давлатларда ишлатилади.

Жумладан, Ўзбекистон аҳолисининг 93 фоизидан ортиғи ислом динига эътиқод қилишлиги ҳамда диний озчилик ташкил қилувчи аҳолининг ҳам ҳуқуқларини ҳисобга олиб, ислом дини билан боғлиқ бўлмаган конфессияларга нисбатан ноисломий конфессиялар тушунчаси қўлланилади.

Ҳозирги кунда Республикамизда ислом дини билан бир қаторда ноисломий диний ташкилотларнинг фаолият юритишлари учун ҳам кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб қўйилган.

Шу ўринда, 2018 йилнинг 28 декабрь кунидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир”[1] – деб таъкидлаган сўзлари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда республикада 16 та диний конфессия рўйхатдан ўтган бўлиб, 15 та ноисломий конфессияга мансуб 183 та диний ташкилот эркин фаолият юритиб келмоқда. Бироқ, ҳозирги кунда айрим конфессияларнинг аъзолари томонидан диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар ҳам содир этилмоқда.

Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар деганда, нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар

[1] https://president.uz/uz/lists/view/2228. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 йил.

аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўгараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тарғибот-ташвиқот қилиш, эътиқод қилувчини виждон эркинлигига қарши мажбуран бошқа конфессияга киритиш каби қилмишларни содир этиши тушунилади.

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш деганда, қонун билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ва диний фаолиятни тегишли рухсат олмасдан амалга оширувчи турли диний ташкилотларнинг ташкил этилиши ёхуд ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари ёки диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган мақсад, вазифалар ва фаолият билан шуғулланишни тушуниш лозим.

Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятлари маъмурий преюдицияга эга бўлиб, бундай хатти–ҳаракатларни содир этганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс томонидан ушбу қилмиш 1 йил мобайнида қайтадан содир этилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар Ўзбекистон Республикасида кам тадқиқ этилган бўлиб, ушбу жиноятларни аниқлаш, уларни фош этишнинг криминалистик тактикаси ва методикасини ишлаб чиқиш, криминалистик усулларини такомиллаштириш лозим бўлади.

СУЛТАНОВ БАҲОДИР НАЗИРОВИЧ
Тошкент шаҳар прокуратураси 7-бўлим бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА АМАЛДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида археология мероси объектларини муҳофаза қилишга оид фаолиятни тартибга солиш бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, мақолада муаллиф томонидан Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари Миллий рўйхати хусусиятлари, маданий мероснинг бир тури бўлган археология мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида амалдаги, асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзига хос хусусиятлари, улардаги камчиликлар ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар илмий жиҳатдан мунозара қилинган.

Калит сўзлар: Археология мероси объектларини муҳофаза қилишга оид фаолиятни тартибга солиш бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари Миллий рўйхати.

Аннотация: Данная статья посвящена анализу действующих нормативных правовых документов по регулированию деятельности, связанной с охраной объектов археологического наследия в Республике Узбекистан, особенностям действующих, основных нормативных правовых документов, их недостаткам и предложениям по устранению правовых пробелов были научно обсуждены.

Ключевые слова: Действующие нормативные правовые документы по регулированию деятельности, связанной с охраной объектов археологического наследия, Национальный список недвижимого имущества, объектов материального культурного наследия.

Annotation: This article is devoted to the analysis of current regulatory legal documents on the regulation of activities related to the protection of archaeological heritage sites in the Republic of Uzbekistan; the features of the current, basic regulatory legal documents, their shortcomings and proposals for eliminating legal gaps were scientifically discussed.

Key words: Current regulatory legal documents to regulate activities related to the protection of archaeological heritage sites, the National List of Real Estate, Tangible Cultural Heritage Objects.

Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланган маданий мероси, шу жумладан, археология меросини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва ундан фойдаланиш борасида мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига, “Бойсун маданий муҳити”, “Шашмақом мусиқаси”, “Наврўз”, “Катта ашула”, “Аския”, “Палов маданияти ва анъаналари” номзодлари Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига, Усмон Қуръони, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар тўплами, Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари Жаҳон хотираси рўйхатига киритилгани юртимиз маданий меросининг дунё миқёсида эътироф этилганига ёрқин мисол бўла олади[1].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.10.2019 йилги “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 846-сонли қарори билан Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари Миллий рўйхати тасдиқланган.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси бўйича моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари жами сони 8.210 та, шундан археология ёдгорликлари сони 4.748 та, архитектура ёдгорликлари сони 2.252 та, монументал санъат ёдгорликлари 678 та, диққатга сазовор жойлар 532 тани ташкил этган[2].

[1] Бош прокуратура Академиясининг “Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати” Услубий қўлланмаси. Тошкент, 2021 йил.

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.10.2019 йилги “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 846-сонли қарори // http://www.lex.uz

Аввало, маданий мероснинг бир тури бўлган археология мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида амалдаги, асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилсак.

1. Ўзбекистон Республикасининг 30.08.2001 йилдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги 369-II-сон Қонуни маданий мерос, шу жумладан археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид фаолиятни тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжати ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг 13.10.2009 йилдаги “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎРҚ-229-сон Қонуни, археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид фаолиятни тартибга солувчи асосий қонун ҳужжати ҳисобланади.

3. 29.07.2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 269-сон Қарори имзоланган бўлиб, у билан Ўзбекистон Республикаси моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом қабул қилинган.

4. Ўзбекистон Республикасининг 21.07.2014 йилдаги “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 200-сон Қарори қабул қилиниб, 2014-2018 йиллар давомида моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча **чора-тадбирлар** белгиланган.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 30.03.2019 йилда “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 265-сон Қарори қабул қилинган.

Қарор билан Маданий мерос агентлигининг Илмий-эксперт кенгаши таркиби, агентликнинг Илмий-эксперт кенгаши тўғрисидаги низом; агентликнинг Маданий мерос жамғармаси тўғрисидаги низом, Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши, асралиши ва улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом, Моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган тегараларини белгилаш ва уларни сақлаш тартиби тўғрисида низом, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларни ташкил этиш ва уларни сақлаш тартиби тўғрисидаги низом, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекторлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомлар **тасдиқланиб**, ҳозирги кунга қадар амалда қўлланилмоқда.

Шунингдек, ушбу қарор билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, айримлари эса ўз кучини йўқотган[1].

Бундан ташқари, алоҳида археология объектларини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ва оқилона фойдаланиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг **4** та қарори қабул қилинган. Жумладан:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2017 йилдаги "Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида "**Ахсикент**" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида"ги 831-сон Қарори билан "Ахсикент" археология мероси объекти;

2. Вазирлар Маҳкамасининг 02.10.2018 йилдаги "Наманган вилоятининг Косонсой туманида "**Муғтепа**" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида"ги 788-сон Қарори билан "Муғтепа" археология мероси объекти;

3. Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.2018 йилдаги "Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги "**Мингтепа**" археология мероси объектини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги 1059-сон Қарори билан "Мингтепа" археология мероси объекти;

4. Вазирлар Маҳкамасининг 07.06.2022 йилдаги ""**Узундара**" археология ёдгорлигини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 308-сон Қарори билан Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани ҳудудида жойлашган "Узундара" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш тартиблари белгиланган.

Соҳани ҳуқуқий тартибга солиш борасида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, бу борада бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, археология мероси объектларига оид фаолиятни тартибга солувчи қонун 15 йил аввал, яъни 2009 йилда қабул қилинган бўлиб, унинг:

5-моддасида, Вазирлар Маҳкамаси археология ашёлари давлат каталоги тўғрисидаги низомни тасдиқлаши, археология ашёларини давлатга топшириш ҳамда фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириш, ашёларидан фойдаланиш тартибини белгилаши;

6-моддасида, Маданият вазирлиги археология ашёларини ҳисобга олиши ва сақлаши, давлат каталогини юритиши, ашёларни давлат каталогида рўйхатдан ўтказиши;

7-моддасида, Маданий мерос агентлиги археология қидирувлари, археология қазишмалари ва археология назоратини амалга ошириш, археология объектларида махсус асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартибини белгилаши назарда тутилган бўлсада, шу кунга қадар ушбу ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган.

---

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 30.03.2019 йилда "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 265-сон Қарори // http://www.lex.uz

Оқибатда, 15 йил давомида қанча археология тадқиқотлари ўтказилгани, қанча археология ашёлари топилгани назорат қилиб борилмаган, топилган ашёлар тўлиқ ҳисобга олиниши ҳамда сақланиши таъминланмаган.

Юқорида келтирилган ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тўлиқ ва аниқ таъминлаш мақсадида, миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш юзасидан янги таҳрирдаги археология мероси объектларига оид фаолиятни тартибга солувчи Қонун ишлаб чиқилиши, мазкур Қонун билан махсус орган сифатида Маданий мерос агентлигини белгилаш орқали ягона марказлашган тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

УРИНБОЕВА МУХЛИСА МАЪРУФОВНА
Слушатель магистратуры Правоохранительной Академии Республики Узбекистан

СУЩНОСТЬ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОНЯТИЙ “ГЕНДЕР” И “ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО” В ПРАВЕ

Аннотация: Данная статья освещает важность определения понятий “гендер” и “гендерное равенство” в контексте правового регулирования. Автор анализирует эволюцию понимания этих терминов в правовой сфере и их ключевое значение для обеспечения равенства полов перед законом. Обсуждается влияние гендерных нормативов на различные аспекты общественной жизни. Кроме того, подчеркивается важность четкого и единообразного толкования этих понятий для эффективной реализации гендерной политики и принятия законодательства, направленного на устранение дискриминации по гендерному признаку. В заключение статьи делается акцент на необходимости дальнейшего исследования и совершенствования правового понимания гендерной проблематики с учетом изменяющихся социокультурных реалий и вызовов современного мира.

Ключевые слова: гендер, гендерное равенство, дискриминация, гендерная политика.

Annotasiya: Ushbu maqolada “gender” va “gender tengligi” tushunchalarini huquqiy tartibga solish nuqtai nazaridan aniqlash muhimligi ta’kidlangan. Muallif ushbu atamalarni huquqiy sohada tushunish evolyutsiyasini va ularning qonun oldida gender tengligini ta’minlashdagi muhim ahamiyatini tahlil qiladi. Gender me’yorlarining jamiyat hayotining turli jabhalariga ta’siri muhokama qilinadi. Bundan tashqari, gender siyosatini samarali amalga oshirish va gender asosidagi kamsitishlarga barham berishga qaratilgan qonun hujjatlarini qabul qilish uchun mazkur tushunchalarning aniq va bir xil talqin qilinishi muhimligi ta’kidlanadi. Xulosa qilib aytganda, maqola zamonaviy dunyoning o’zgaruvchan ijtimoiy-madaniy voqeliklari va muammolarini hisobga olgan holda gender muammolarini huquqiy tushunishni yanada tadqiq qilish va takomillashtirish zarurligiga qaratilgan.

Kalit so’zlar: gender, gender tengligi, diskriminatsiya, gender siyosati.

Abstract: This article highlights the importance of defining the concepts of “gender” and “gender equality” in the context of legal regulation. The author analyzes the evolution of the

understanding of these terms in the legal sphere and their key importance for ensuring gender equality before the law. The influence of gender norms on various aspects of public life is discussed. In addition, the importance of a clear and uniform interpretation of these concepts is emphasized for the effective implementation of gender policies and the adoption of legislation aimed at eliminating gender-based discrimination. In conclusion, the article focuses on the need for further research and improvement of the legal understanding of gender issues, taking into account the changing sociocultural realities and challenges of the modern world.
Key words: gender, gender equality, discrimination, gender policy.

В современном обществе вопрос гендерного равенства становится все более актуальным и значимым. Понятие гендерного равенства выступает важным аспектом социальной динамики, обуславливая справедливое распределение ресурсов, возможностей и влияния между мужчинами и женщинами. Гендерное равенство в праве является ключевым принципом, обеспечивающим справедливость и равноправие между мужчинами и женщинами в рамках законодательной системы общества.

Сущность определения гендерного равенства в праве заключается в создании определенных “рамок”, которые гарантируют, что права и обязанности распределяются справедливо и равномерно, независимо от пола. Это важное понятие обеспечивает инклюзивность, а также способствует устойчивому развитию общества. Гендерное равенство представляет собой комплексный и многогранный концепт, который отражает стремление к установлению равенства прав, возможностей и статуса между гендерами, а именно мужчинами и женщинами. В основе гендерного равенства лежит признание того, что различия в социальных ролях и стереотипах, основанных на половой принадлежности, не должны служить основанием для дискриминации или неравенства.

Целесообразным считаем начать анализ с понятия “гендер”. В Кембриджском словаре слову гендер даётся следующее описание: “гендер-это группа людей в обществе, которые разделяют определенные качества или способы поведения, которые в этом обществе ассоциируются с мужской, женской или другой идентичностью”[1]. Во второй половине XX века американский психоаналитик Р. Столлер ввел термин “гендер” для обозначения социального пола, отличая его от “биологического пола”, который выражает физиологические различия между женщинами и мужчинами[2]. Необходимо понимать, что понятия “пол” и “гендер” отличаются друг от друга тем, что “пол” предусматривает универсальные отличия между мужчинами и женщинами с точки зрения биологии. Словарь русского языка С.И. Ожегова даёт следующую интерпретацию слова пол: “пол - каждый из двух разрядов живых существ (например, мужчин и женщин…)”[3]. В то время как гендер считается доминирующей категорией, которая означает

[1] https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/gender
[2] Гендер и право: учебное пособие / Е. Г. Абраменко [и др.]; под ред.
Т. В. Телятицкой. – Минск: ЮНИПАК, 2020. – 340 с.
[3] Ожегов С. И., Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка. 4-е изд., М., 1997.

социальный пол как культурную и социальную конструкцию. Как справедливо отмечает И. Кон: "…называть гендер – полом …, на мой взгляд, не следует. Это лишь увеличивает терминологическую путаницу".

Согласно мнению кандидата социологических наук - Здравомысловой Е.А., "гендер - это смоделированная обществом и поддерживаемая социальными институтами система ценностей, норм и характеристик мужской и женской модели поведения, стиля жизни, ролей и отношений женщин и мужчин, приобретенных ими как личностями в процессе социализации, которая определяется социальным, политическим, экономическим и культурным контекстами общественной жизни. Гендер относится не просто к женщинам или мужчинам, а к отношениям между ними, к способу социального конструирования этих отношений, т.е. к тому, как общество "выстраивает" эти отношения взаимодействия полов в социуме"[1].

Гендер признает, что, хотя биологические различия между мужчинами и женщинами не меняются, их социальные роли, однако, различаются в разных обществах и культурах в разные периоды истории. Уайтхед указывает, что "гендерные различия формируются идеологическими, историческими, религиозными, этническими, экономическими и культурными факторами и процессами, которые формируют их жизнь"[2]. Другими словами, гендер - это социально -сконструированное значение различий между женщинами и мужчинами, которое распределяет неравную социальную власть и привилегии между женщинами и мужчинами и формирует их идентичность и восприятие, практики взаимодействия и формы создаваемых институтов.

Вследствие развития понятия гендер в обществе, развивались и аспекты касательно гендерного равенства. Существенную роль для определения гендерного равенства имеет соотношение понятий юридического и фактического равенства, равенства стартовых возможностей и равенства результатов. Правовое равенство предполагает равенство субъектов права перед законом, закрепляет равные юридические средства реализации их субъективных прав, равную защиту и равную юридическую ответственность за их нарушение. Она носит формальный характер, поскольку не создает фактического равенства между субъектами права, которые существенно различаются по своим способностям, природным, физическим и социальным возможностям, семейному положению, интеллектуальному развитию и т.д. При таких условиях равное право для неравных людей становится фактически неравным и для преодоления такого недостатка право "вместо того, чтобы быть равным, должно быть неравным"[3]. Гендерное равенство - составная общего принципа равенства как принципа демократического построения общества. Право понимается сегодня как равная мера свободы

---

[1] Здравомыслова, Е.А. Социология гендерных отношений и гендерный подход в социологии / Е.А. Здравомыслова, А.А. Темкина // Социологические исследования. М., 2000. No 11. С. 15–24.

[2] Ann Whitehead «Some Preliminary Notes on the Subordination of Women»,1979

[3] Дашковська О. Гендерна рівність у системі демократичних принцитв оргаызацп сусптьства // Право Укра'ши. - 2009. - №12. - С. 134-139.

всех и каждого - женщин и мужчин. Конструкция гендерного равенства раскрывается через категорию прав человека как универсального стандарта, который является единым для обоих полов[1] .

Гендерное равенство как проблема прав человека является предварительным условием и индикатором устойчивого развития, ориентированного на человека. Он касается "равных прав, обязанностей и возможностей женщин и мужчин, девочек и мальчиков и подразумевает, что интересы, потребности и приоритеты как женщин, так и мужчин принимаются во внимание, признавая разнообразие различных групп женщин и мужчин"[2].

Гендерное равенство предусматривает право на различия между женщинами и мужчинами. Различия не должны отрицательно влиять на условия жизни человека, как мужского пола, так и женского, не должны быть причиной их дискриминации, вести к неравенству. Различия, касающиеся репродуктивной сферы женщин и мужчин, не приводят к неравенству, которое может возникнуть под влиянием тех или иных социальных факторов, ситуаций, действий (правовые гарантии защиты здоровья беременной женщины). Физиологические различия нельзя принять или отменить законом, поэтому способность женщины рожать ребенка является отличием, что не меняется во времени, а факт защиты не ведет к неравенству.

Однако право на различия не должно стать основой для злоупотреблений и дискриминации, поскольку, как отмечает Н. Исаева, "стереотипное мышление о правах женщин как о совокупности льгот, обусловленных физиологическими особенностями пола и репродуктивной функцией, в условиях игнорирования принципа гендерного равенства приводит к нарушению равных возможностей мужчин, оказавшихся в одинаковых условиях в трудовых, семейных и других отношениях". Следовательно, между правом на различия и дискриминацией существует тонкая грань, не перейти которую позволяет гендерный подход. Гендерный подход в правовой сфере невозможен без отражения права на различия мужчины и женщины на законодательном уровне. Право на различия охватывает биологические особенности мужчины и женщины, которые не должны нивелироваться в законодательстве путем создания привилегий мужчинам или женщинам, а должны учитываться путем обеспечения адекватного отношения общества к природным особенностям мужчины и женщины.

По мнению профессора, специалиста в области прав человека, Анны Ивановой, "гендерное равенство – это не только моральная необходимость, но и юридическое требование. Отсутствие равенства между полами приводит к систематической дискриминации, нарушению основных принципов прав человека. Задача юридического сообщества – активно участвовать в формировании и укреплении законов, которые гарантируют гендерное

[1] Оыщенко Н. Права людини в правових реаліях: гендерний вимір // Філософія права і загальна теорія права. - 2012. - №1. - С. 159-166.

[2] Средиземноморский институт гендерных исследований, Интернет-источник, 2005 г.

равенство, а также в борьбе с нарушениями этого принципа". Профессор Лидия Новикова, эксперт по политическому праву, утверждает, что: "гендерное равенство необходимо не только на бумаге законов, но и в реальной политической практике. Юристы должны активно участвовать в формировании политических структур, обеспечивающих представительство обоих полов на всех уровнях власти. Это не только вопрос справедливости, но и эффективности принятия решений, учитывающих разнообразные интересы общества". Марта Миноу - американский ученый-юрист, профессор Гарвардского университета отмечает, что "гендерное равенство - это не только юридический императив, но и моральный долг, требующий постоянных правовых реформ для устранения системных барьеров и обеспечения справедливости для всех полов". Согласно Руту Бейдер Гинзбургу, бывшему судье Верховного суда США, "истинное равенство находится в стадии разработки, и юридическое сообщество обязано внести свой вклад в эти постоянные усилия посредством толкования и применения законов, которые бросают вызов гендерному неравенству". Обобщая все вышеизложенные рассуждения, мы можем определить, что мнения вышеуказанных ученых подчеркивают важность гендерного равенства в контексте прав человека, семейного и трудового права, а также его незыблемой роли в политической жизни общества.

Концепция гендерного равенства рассматривалась во многих документах международных организаций. К примеру, общее определение гендерному равенству дано в документе ЮНЕСКО по учету гендерной проблематики: "Гендерное равенство означает, что женщины и мужчины имеют равные условия для полной реализации своих прав человека и для вклад и получение выгоды от экономических, социальных, культурное и политическое развитие. Гендерное равенство, следовательно, равная оценка обществом сходств и различия мужчин и женщин, и роли, которые они играют. Он основан на том, что женщины и мужчины являются полноправными партнерами в их дом, их община и их общество".[1] По данным МОТ: "Гендерное равенство означает пользование равными правами, возможности и обращение со стороны мужчин и женщин, а также со стороны мальчики и девочки во всех сферах жизни. Он утверждает, что люди права, обязанности, социальный статус и доступ к ресурсам не зависят от того, рождаются ли они мужчиной или женщиной. Гендерное равенство подразумевает, что все мужчины и женщины имеют право развивать свои личные способности и делать жизненный выбор без ограничений, установленных стереотипы или предрассудки относительно гендерных ролей или характеристики мужчин и женщин"[2].

Расширение прав и возможностей женщин является одним из наиболее часто используемых терминов развития. Хотя оно имеет несколько значений, в основном, оно относится к расширению экономических прав и

[1] https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000131854
[2] https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---gender/documents/publication/wcms_087314.pdf

возможностей женщин по сравнению с теми, которые связаны с участием женщин в политике и их роль в этих процессах. Равенство – это не только женская проблема. Скорее, это должно касаться и вовлекать как мужчин, так и женщин. Однако равенство не означает, что мужчины и женщины станут одинаковыми. Права, обязанности и возможности женщин и мужчин не будут зависеть от того, родились они мужчиной или женщиной. По мнению ООН, для того, чтобы истинное равенство стало реальностью для женщин, разделение власти на равных условиях с мужчинами должно стать основной стратегией.

Равенство можно рассматривать как с количественной, так и с качественной точки зрения. Качественные аспекты связаны с расширением прав и возможностей, тогда как количественные аспекты касаются необходимости придавать равный вес ценностям, знаниям и опыту как женщин, так и мужчин, как средства искоренения и направления всех областей общественного развития.

Многие учреждения, работающие над обеспечением равенства, в большинстве случаев склонны уделять больше внимания количеству людей, на которых они нацелены и охватывают вмешательства, в ущерб фактическому воздействию вмешательства. Поэтому стремление к гендерному равенству является мощным катализатором трансформации отношений неравенства и власти во всех аспектах жизни для достижения устойчивого человеческого развития.

На сегодня одной из основных ценностей права является равенство мужчин и женщин. Внедрение гендерного равенства - не только требование элементарной социальной справедливости и необходимая составляющая демократии, но и реализация возможности приближения к цели устойчивого человеческого развития, организации общественных отношений на принципах справедливости, добросовестности и толерантности. Гендерное равенство требует кардинально нового мышления, при котором развитие рассматривается как процесс расширения свободы выбора для представителей обоих полов. Гендерное равенство как ценность права - решительный шаг вперед на пути развития демократического, гендерно ориентированного общества.

USMANOV ABDUMO’MIN
XOLMO’MIN O’G’LI
Toshkent davlat texnika universiteti
“Falsafa va milliy g’oya” kafedrasi assistenti

YOSHLARNI HARBIY VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHNING AHAMIYATI

Annotatsiya: Ushbu maqolada yoshlarni harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning axloqiy va huquqiy asoslari, ona Vatani va xalqiga, xizmat vazifasiga sadoqat tuyg'ularini shakllantirishda burch va adolat tamoyillarining ahamiyati hamda buyuk sarkarda ajdodlarimizning shonli tarixini o'rganish haqida so'z yuritiladi.
Kalit so'zlar: harbiy vatanparvarlik tushunchasi, burchga sadoqat, adolat, axloqiy tarbiya, huquqiy ong, harbiy xizmat axloqi.
Abstract: This article discusses the moral and legal foundations of educating young people in the spirit of military patriotism, the importance of the principles of duty and justice in the formation of feelings of loyalty to the Motherland and people, as well as the study of the glorious history of our ancestors as a great leader.
Key words: the concept of military patriotism, loyalty to duty, justice, moral education, legal consciousness, ethics of military service.
Аннотация: В данной статье рассматриваются нравственно-правовые основы воспитания молодежи в духе воинского патриотизма, значение принципов долга и справедливости в формировании чувства верности Родине и ее народу, изучение славного история наших предков как великий вождь.
Ключевые слова: понятие воинского патриотизма, верность долгу, справедливость, нравственное воспитание, правосознание, этика воинской службы.

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgan ilk yillardan boshlab, bugungi kunga qadar yosh-avlod tarbiyasini takomillashtirishning vazifa va maqsadlari, milliy istiqlol g'oyasining yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash mazmun-mohiyati, metodi hamda vositalari muntazam tahlil etib borilmoqda. Yoshlarda habriy vatanparvarlik va burchga sadoqat tuyg'ularini kamol toptirish – milliy qadriyatlarimiz va axloqiy tarbiyaning asosi hisoblanadi. Bu jarayonda fuqarolik tarbiyasining o'rni va ahamiyati ham muhim o'rin tutadi. Yosh avlodda fuqarolik tarbiyasini shakllantirish mobaynida yoshlarda vatanparvarlik (lotincha "patriotes" – vatandosh, "patris" – vatan, yurt) tuyg'usini kamol toptirishga alohida e'tibor qaratiladi. Har bitta fuqaro ma'lum bir davlatning a'zosi sifatida vatan sha'ni, obro'-e'tiborini mustahkamlashi, ona yurt manfaatlarining yuksalishiga xizmat qila olishi zarur. Ma'lumki, "Vatan" atamasi arabcha so'z bo'lib, ona yurt ma'nosini ifodalaydi. Vatan tushunchasi keng hamda tor ma'nolarda qo'llanib kelinadi.

Vatanparvarlik bu – o'z taqdirini vatan va millat taqdiri bilan chambarchas bog'lagan barcha kishilarga xos fazilatdir. Millat taraqqiyotining imkoniyatlari, shon-shuhrati, obro'-e'tibori ham shu millat kishilaridagi vatanparvarlik tuyg'usining darajasi bilan belgilanadi. Fuqarolarning vatanparvarlik tuyg'usi quyidagi muhim sifatlar orqali namoyon bo'ladi:

- Vatanga bo'lgan cheksiz mehr-muhabbat va unga sadoqat.
- millat o'tmishi, urf-odatlari, an'analari va qadriyatlariga sodiqlik.
- Vatan va millat tarixidan g'ururlanish va unga munosib bo'lish.
- Yurtning moddiy, shuningdek, millat tomonidan yaratilgan ma'naviy boyliklarini asrash, ularni ko'paytirish borasida g'amxo'rlik qilish.
- Vatan ozodligi va millat erkiga qilinayotgan har qanday tahdidga qarshi kurashish.
- Vatan va millat obro'si, sha'ni, or-nomusini himoya qilish.
- Vatan ravnaqi va millat taraqqiyotiga nisbatan ishonchga ega bo'lishi.

Yoshlarni harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalash o'zining tarixiy ildizlariga ega. Shiroq, To'maris, Spitamen, Dalvarzintepa afsonalari, Go'ro'g'li va Alpomish dostonlarida, Vatan uchun jon fido qilishga tayyor bo'lish, jasorat, matonat va vatanga sadoqat tuyg'ulari ulug'langan. Sharq mutaffakkirlari (Abu Nasr Farobiy, Abu Rayhon Beruniy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Alisher Navoiy) ijodlarida ham vatanparvarlik go'yasi alohida tarannum etilgan. Jumladan, Abu Nasr Farobiy inson kamolotini vatanparvarlik bilan bog'laydi va "Olloh in'om etgan aql ne'matidan mavjud imkoniyat darajasida foydalanmasdan turib, yetuk inson martabasiga erishib bo'lmaydi chunki, inson taraqqiyotining eng mukammal va yetuk yakunidir" deb e'tirof etadi.[1] Shunday ekan, haqiqiy vatanparvarlik faqat yetuk insongagina xos bo'lishi mumkin. Zahiriddin Muhammad Boburning o'zga yurtda vatan tuyg 'usini chuqur his qilgani uning asarlarida ham ifodalangan.

Erkka intilish, ozod yashashga bo'lgan ehtiyoj insonga xos bo'lgan tuyg'udir. Inson o'z vatanidagina ozod va erkin yashay oladi. Shu bois vatan ozodligi uchun kurashish masalasi qadim-qadimdan allomalarning asarlari hamda ezgu g'oyalarni ifoda etuvchi ta'limotlarning bosh mavzusi bo'lib kelgan. Chunonchi, hadisi sharifda vatanni sevish iymondan ekanligi ta'kidlanadi. Abdulla Avloniy o'z asarlarida "vatan" tushunchasiga ta'rif berib, uning ravnaqi uchun kurashish vatanparvar insonga xos xususiyat ekanligi quyidagicha qayd etadi: "Har bir kishining tug'ulub o'sgan shahar va mamlakatini shul kishining vatani deyilur. Har kim tug'ilgan, o'sg'on yerini jonidan ortiq suyar. Hatto bu vatan hissi – tuyg'usi hayvonlarda ham bor. Agar bir hayvon o'z vatanidan – uyuridan ayrilsa, o'z yeridagi kabi rohatda yashamas".

Yoshlarda vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirishda harbiy vatanparvarlik tarbiyasining ham ahamiyati beqiyosdir. Harbiy vatanparvarlik tarbiyasi yoshlarni vatan himoyasi hamda harbiy mudofaaga tayyorlash, ularda favqulodda holatlarda harbiy mudofaani tashkil etish ko'nikma va malakalarini shakllantirishga yo'naltirilgan pedagogik jarayon bo'lib, mazkur jarayonda quyidagi vazifalar amalga oshiriladi:

1. Fuqaro mudofaasi hamda harbiy bilim asoslari bo'yicha dastlabki nazariy bilimlarni berish va amaliy ko'nikmalarni hosil qilish;

2. Yoshlarni milliy mustaqillik, O'zbekiston Respublikasining davlat qurilishi hamda konstitutsiyaviy tuzumiga qarshi uyushtiriluvchi tahdidlarning oldini olishga tayyorlash; g'oyaviy onglilikni tarbiyalash asosida, ularda terrorizm va diniy ekstremistik g'oyalarga qarshi nafrat tuyg'usini tarbiyalash;

3. Vatan himoyasini ta'minlash borasidagi harbiy-texnik tayyorgarlikka ega bo'lishlari uchun zarur shart-sharoitni yaratish;

4. Favqulodda vaziyatlarda tegishli chora-tadbirlarni ko'ra olish, shuningdek, qurolli hurujlardan himoyalanish ko'nikma va malakalarini shakllantirish, ularda hushyorlikni oshirish va hokazolar shular jumlasidandir.[2]

Harbiy-vatanparvarlik tarbiyasini tashkil etishda ta'lim muassasalarida o'qitilishi yo'lga qo'yilgan boshlang'ich harbiy tayyorgarlik mashg'ulotlari hamda

[1] Abu Nasr Farobiy. "Baxt-saodatga erishuv haqida". (Majmu ar-rasoil al-hukamo.) O'zbekiston Fanlar akademiyasi Sharqshunoslik instituti qo'lyozmalar fondi.

[2] O. Mamatov. "Vatanparvarlik - milliy istiqlol mafkurasining muhim tarkibiy qismi". Toshkent-2000-yil.

huquqiy tarbiya darslari muhim ahamiyatga ega. Huquqiy ta’lim va tarbiya o’zaro bog’liqlik, uzviylik, aloqadorlik hamda dialektik xarakterga ega bo’lib, shaxs huquqiy madaniyatini shakllantirish garovi hisoblanadi. Zero, huquqiy ta’lim o’quvchilarga huquqiy me’yorlar, qonunlar hamda ijtimoiy-huquqiy munosabatlar mohiyati to’g’risida tizimlangan bilimlarni berish, ularda huquqiy bilimlarni egallashga bo’lgan ehtiyojni yuzaga keltirish, huquqiy ongni shakllantirish jarayoni bo’lib, u izchil, uzluksiz, tizimli tarzda tashkil etilishi lozim. Yoshlar ona Vatanni sevish va unga sadoqat bilan xizmat qilishlarida vatanparvarlik oyligi doirasida o’tkazib kelinayotgan turli ma’rifiy tadbirlar ham ularning harbiy vatanparvarlik tuyg’usini yanada yuksaltirishga o’z hissasini qo’shadi

Xulosa qilib aytganda, O’zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tizimidagi ta’lim muassasalaridagi tinglovchi va kursantlar hamda yurtimizning barcha navqiron yoshlarini harbiy vatanparvar etib tarbiyalash barcha tadbirlarning bosh maqsadidir.

Yoshlarda vatanparvarlik e’tiqodini shakillantirishda halqimizning boy tarixiy me’rosi va an’analarini bilish muhimdir. Bu boradagi an’analarning mohiyatini uzoq va yaqin o’tmishda Vatan va millat manfaatlari yo’lida fidoiylik ko’rsatgan xalq qaxramonlarining faoliyati, O’zbekistonning mustaqil taraqqiyot yo’lidagi yutuqlari misolida ochib berish maqsadga muvofiq. Buni amalga oshirish uchun quyidagi asosiy vazifalarni:

- yoshlarning ma’naviyati va intellektual salohiyatini yuksaltirish hamda boy madaniyatimiz, azaliy qadriyatlar va an’analarimizga asoslangan dunyoqarashini shakllantirishga yo’naltirilgan zamonaviy multimediya dasturlarini ko’paytirish;

- yosh-avlodning ongu tafakkuriga Vatan va xalq manfaatlariga xizmat qilish sharafli va muqaddas burch ekanini anglatish, milliy davlatchiligimiz tarixi va faxriy harbiylarimiz timsollari bilan faxrlanib, qasamyodiga sodiq bo’lish hamda kasbiy burchini bajarishda qonuniylikka qat’iy rioya etish tuyg’usini chuqur singdirish orqali xalqning ularga bo’lgan ishonchi va hurmat hissini yuksaltirish;

- yoshlarning ongi va qalbiga “Yangi O’zbekiston — uchinchi Renessans sari!” g’oyasining mazmun-mohiyatini singdirish asosida ularning Vatan va xalq taqdiriga, davlatimiz hamda islohotlar talablariga daxldorligini yanada oshirish;

- yoshlarga mamlakatda amalga oshirilayotgan siyosiy, huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar, qonunchilik hujjatlari mazmun-mohiyatini tizimli tushuntirish hamda dunyoda va yon-atrofimizda sodir bo’layotgan globallashuv jarayonlariga nisbatan ularning ongli munosabati hamda faol hayotiy pozisiyasini shakllantirish;

- milliy merosimizning tarixiy ildizlarini o’rganish hamda tahlil qilish, Vatanimiz ozodligi va tinchligi yo’lida qahramonlik ko’rsatgan buyuk ajdodlarimiz va jasur zamondoshlarimizning ibratli hayotini keng targ’ib etish asosida yoshlarda o’z xizmat burchini bajarish borasidagi qat’iy hayotiy e’tiqodni qaror toptirish;

- yosh avlodning axloqiy va estetik tarbiyasini kuchaytirish, ularning madaniyat va san’atning turli sohalariga bo’lgan qiziqishlarini oshirish, ushbu maqsadda adabiyot, kino, teatr, tasviriy san’at imkoniyatlaridan keng foydalanishni tizimli asosda yo’lga qo’yish lozim deb hisoblaymiz.

ЖЎРАЕВ ШЕРАЛИ АЛИШЕР ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти

МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ПРЕДМЕТИ, АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакат ҳудудида қонунларнинг бир хилда ва тўлиқ ижро қилиниши устидан назорат қилиш прокуратура органларининг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Прокуратура деярли барча давлатларда мавжуд бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан бири ҳисобланади. Унинг фаолияти давлатнинг эрки, тузуми, мафкурасини ўзида ифода этувчи қонунлар моҳияти билан белгиланиб келинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”[1].

М.О. Мадалиев айтганидек, прокуратура органларининг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳамма ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи органлар чекланган ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунларга - риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Прокуратуранинг ваколатлари универсал характерга эга бўлиб, ҳуқуқий муносабатларнинг бутун соҳасига қўлланилади[2].

Ўзларига юклатилган мазкур масъулиятли вазифани амалга оширишда прокуратура органлари фаолиятининг бир йўналиши бўлган прокурор назорати муҳим ўрин эгаллайди.

“Прокурор назорати дейилганида, Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолияти тушунилади”[3].

Прокурор назоратининг предметини аниқлашда аввало, ушбу сўзнинг луғавий маъносини билиб олишимиз керак. “Предмет” атамаси қуйидагича маънони англатади: предмет – “бирор-бир ҳатти-ҳаракат йўналтирилган нарсадир”[4].

Профессор Б.В.Кобейников прокурор назорати предмети тушунчасига аниқлик ва тўлиқлик киритиш ҳақида тўхталиб, “прокурор назорати предметининг тушунчаси масаласида юридик адабиётларда турли хил

[1] Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Умумий қисм.) Т.: «ILM ZIYO», 2012. – Б. 42.
[2] Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б. 48.
[3] Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.10.
[4] Ожегов С.И. Словарь русского языка. М.: 1975. – С. 401.

тушунчалар ва хилма-хил фикрларнинг мавжудлиги прокурор назоратини тўғри тушунишда қийинчиликларни вужудга келтиришини таъкидлаган”[1].

Шунингдек, профессор А.П.Сафонов прокурор назорати предмети тушунчасини қуйидагича тушунтиради: “прокурор назоратининг предмети унинг функциялари каби бўлиши керак. Прокурор назоратини предметини аниқлаштириш прокуратура фаолияти ва у қамраб оладиган масалалар характерини кўрсатишни англатади”[2].

С.А.Емельянов прокурор назоратининг предмети ҳақида ўз нуқтаи назарини илгари суриб, “прокурор назоратининг предмети – қонун бузилишларини ва уларга сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонунийликни тиклаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш, қонун бузилишларнинг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирларни қабул қилишни ташкил қилади”[3].

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, Б.М.Спиридов, “назорат предмети – прокурор ўз вазифаларини самарали бажариши учун қилиши керак бўлган нарса”[4], деган фикрни илгари сурган. Ушбу назарияга яқин фикрларни В.Г.Велкумов[5] ва бошқа олимлар ҳам тасдиқлашган.

А.Х.Казарина прокурор назоратининг предмети тўғрисидаги турлича нуқтаи назарларни умумлаштирган ҳолда, “...баъзи илмий адабиётларда; прокурор назоратининг вазифалари билан прокурор назоратининг предметини ва шунингдек, прокурор назоратининг предмети билан объектини аниқлаштиришда чалкашликларга йўл қўйишади”[6].

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда берилган прокурор назорати субъекти билан ушбу соҳадаги кўпчилик тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарлари бир-бирига жуда яқиндир.

Прокуратура тўғрисидаги қонунчилик прокуратуранинг назорат функцияси билан қонунларнинг ижро этилишидаги ўзаро боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Прокурор назорати соҳасидаги айрим мутахассислар томонидан ижро устидан назорат предмети фақатгина қонунларга тааллуқлиги, қонуности ҳужжатларига татбиқ қилинмаслиги ҳақидаги фикрлар ҳам айтиб ўтилган[7].

Лекин олимлар орасида қонуности ҳужжатлар (ҳукумат қарорлари, вазирлик ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ва бошқалар) ижроси прокурор назоратининг предметига кириш-кирмаслиги борасида ягона фикр мавжуд эмас. Бир гуруҳ олимларнинг фикрига кўра, прокурор назорати Низом

---

[1] Коробейников Б.В. Правовое регулирование предмета общего надзора. В кн. “Совершенствование правового регулирования прокурорского надзора в СССР”. М. 1976. – С. 96.

[2] Сафонов А.П. Сущность и пределы прокурорского надзора за соблюдением законодательства в местах лишения свободы. Сб. “Вопросы прокурорского надзора”. М. 1972. – С. 141, 156

[3] Емельянов С.А. Предупреждение правонарушений средствами общего надзора прокуратуры. М. 1980. – С.17

[4] Спиридонов Б.М. Прокурорский надзор за исполнением законности в исправительно-трудовых учреждениях. М. 1978. – С. 127.

[5] Мелкумов В.Г. Советская прокуратура и проблемы общего надзора. Душанбе. 1970. – С. 112.

[6] Козлов А.Ф. О пределах общего надзора. Социалистическая законность. 1975. №5. – С. 51.

[7] Ястребов В.Б. Прокурорский надзор. Учебник. М. 2001. – С. 168.

ва бошқа идоравий низомлардан бирортасини ижро этишга татбиқ этилмайди. Уларнинг ижросини назорат қилиш бошқа органлар томонидан назорат қилиниши керак, прокуратура томонидан эмас, деган фикрлар мавжуд[1].

Бошқа гуруҳ тарафдорлари эса, агар қонуности ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун асосида амалга оширилса ва ўзида қонунда назарда тутилган нормаларни қўллаш механизмини ифода этса, қонуности ҳужжатлари ижроси устидан ҳам прокурор назорати ўрнатилиши қонуний бўлиши ҳақидаги фикрни олға суришади[2].

Профессор А.Ю.Винокуровга кўра, “баъзида Президент ва Ҳукумат томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий ва ягона манбаси бўлади. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, унинг фикрига кўра, прокурор назоратидан четда қолдириб бўлмайди[3].

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар”, деган нормадаги “қонунларнинг” деган сўзни нафақат қонунларга нисбатан, балки умумий маънода қонунчиликка нисбатан деб тушуниш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аслида, прокурорлар қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишади.

Тадқиқот ишини ёзиш давомида ўрганилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда прокурор назорати амалиёти Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларини кенг шарҳлаш орқали шаклланган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 24.11.2017 йилдаги **166-сонли** буйруғи, “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 11.09.2017 йилдаги **139-сонли**, “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 25.09.2017 йилдаги **143-сонли**, “Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 07.11.2017 йилдаги **160-сонли** Буйруқларида

---

[1] Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М. 2006. С. 187; Комментарий к закону “О прокуратуре Российской Федерации”, под ред. Ю.И. Скуратова. М. 2001. – С. 102.

[2] Чувилев А.А. Прокурорский надзор: вопросы и ответы. М. 1999. С. 7-8; Чурилов А., Лукашев В. О новых подходах к организации прокурорских проверок. Законность. 1993. №8; Козлов А.Ф. О сущности прокурорского надзора в СССР. Свердловск. 1979. – С. 14.; Даев В.Г. Задачи и объект прокурорского надзора в условиях перестройки. Материал заседания координационного бюро по проблемам прокурорского надзора. М. 1990. – С.13-15.

[3] Винокуров А.Ю. Проблемы прокурорского надзора за исполнением природоохранного законодательства. Дис. ... докт. юрид. наук М. 2007. – С. 29-30.

“қонунчилик ижроси устидан назорат” тушунчаси кенг қўлланилганлигини кўришимиз мумкин.

Прокуратура амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, қонунлар ижросини текшириш вақтида қонунлар асосида ва уларнинг ижро қилиниши юзасидан қабул қилинган қонуности ҳужжатларига эътибор қаратиш миграция қонунчилиги талабларини бажариш бўйича назорат текширувларини тўлиқ ва юқори даражага етказишнинг кафолатидир. Маълумки, прокурор назоратининг предмети “қонунлар” билан чекланган. Шу сабабдан, прокурор назорати фанида кўп бора “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокурор назоратининг предметини кенгайтириш фавқулотда муҳим эканлиги ҳақида кўп бора таъкидланади[1].

Фикримизча, “қонунлар ижроси” тушунчасининг ўрнига “қонунчилик ижроси” тушунчасини қонунчиликка киритиш прокуратура органларига уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун уларга янада кўпроқ ваколатлар беради.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, прокурор назоратининг предметини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси 2-қисмида “қонунларнинг ижроси” сўзларидан кейин “шунингдек, тегишли муносабатлар соҳасини тартибга солувчи қонунлар асосида ва уларнинг ижро эттириш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив хусусиятдаги Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг бошқа қонуности ҳужжатлари” деган сўзларнинг қўшилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида прокурор юридик адабиётларда прокурор назоратининг “соҳаси” деб номланадиган чегарада ҳаракат қилишади. Ушбу доирада амал қилиш ва ундан чиқиб кетмаслик жуда муҳимдир. Сабаби, ушбу чегарадан чиқиш прокурорлар ишини ташкил қилишда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаришади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари қуйидаги йўналишларда ўз фаолиятларини амалга оширишлари кўрсатилган:

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

- фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

- тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг

[1] Басков В.И., Коробейников Б.В. Курс прокурорского надзора: Учебник для ВУЗов. М.; 2001. – С. 109.

ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

- судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

- солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

- қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Профессор Б.Х.Пўлатов, ушбу санаб ўтилган прокуратура фаолияти йўналишларининг аксарияти прокурор назорати соҳалари ҳисобланади ёки прокуратуранинг мустақил функциясини ташкил этишини, айтган.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг (янги таҳрири) 3- ва 4-бўлимларида қайд қилинган прокурор назорати соҳалари, унинг давлат фаолияти органлари ва мансабдор шахслар томонидан бажариладиган махсус функциялар ва ҳар бир соҳадаги ҳал қилинадиган вазифаларнинг ҳусусиятларидан келиб чиқади[1].

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети билан прокурор назоратининг соҳаси тушунчаси амалий ва назарий жиҳатлардан кўп томонлама узвий боғлиқдир.

Прокурор назоратининг соҳаси масаласида якдиллик йўқ. Прокурор назорти соҳасининг ўзи прокурор томонидан ўз ваколатларини амалга оширишга асос бўлиб, қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа хабарлар хизмат қилиши кераклигини айтиб турибди[2].

В.Г.Даев ва М.Н.Маршуновларнинг фикрига кўра эса, прокурор назоратининг соҳаси - прокурорларнинг ваколатларини ҳажмини аниқлаб берувчи категория[3].

Фикримизча, ҳозирги шароитда ушбу муҳим масалага аниқ ва мақбул таъриф профессор А.Д.Берензоном томонидан берилган. Унинг фикрига кўра, прокурор назоратининг соҳаси амалда қуйидаги соҳаларда амалга оширилади:

Назорат амалга ошириладиган ташкилотлар соҳасига;

---

[1] Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б.14.

[2] Гущин В.З. Прокурорский надзор за соблюдением конституционного права на объединение. М. 1998. – С. 98.

[3] Даев В.Г., Маршунов М.Н. Основы теории прокурорского надзора. Л. 1990. – С. 63-64.

Прокурорларга ижросини назорат қилиш юклатилган ҳужжатлар соҳасига;

Қонунлар ижроси устидан умумий назорат характеридаги ишлар соҳасига;

Қонунларнинг бузилишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш бўйича прокурор мажбуриятларини амалга ошириш бўйича[1].

Шундай қилиб, юқорида айтилган назарий тахминлардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунини таҳлил қилган ҳолда, қуйидагича таклиф берамиз: "миграция соҳасидаги прокурор назоратининг соҳаси, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миграция муносабатларини тартибга солувчи ҳалқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миграция қонунчилигини ижроси учун қабул қилинган қонуности ҳужжатлари билан белгиланиши керак.

Шу ўринда, яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу соҳада ҳали алоҳида қонун ишлаб чиқилмаганлиги миграция соҳасида прокурор назоратининг соҳасини белгилашда қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикасининг "Миграция тўғрисида"ги Қонунини қабул қилишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, прокурор назорати тушунчасининг аҳамиятига тўхталиб, профессор В.Б.Ястребов "қонунлар ижроси устидан назорат давлат томонидан у учун жуда муҳим бўлган соҳа – қонунийликни таъминлашда амалга ошириладиган назоратнинг самарали ва изчил шаклидир. Қонунларнинг устуворлигига асосланиб, унга аниқ ва оғишмасдан амал қилиш, шахсни, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг бош ва асосий мақсадидир"[2].

Қонунчилигимизга асосан, миграция соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг мазмуни қуйидагиларда ўз аксини топади:

-миграция қонунчилигининг бузилиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш;

қонун бузилиши ҳолларида бунга айбдор бўлган шахсларни, энг аввало, мигрантларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинларига риоя қилмайдиган шахсларни аниқлашнинг шартлилиги;

-қонунчилик, биринчи навбатда, миграция соҳасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузилишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлашнинг муҳимлиги;

-миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилишини бартараф қилиш, шу каби қонунбузилишларига олиб келадиган сабаб ва шароитларни бартараф қилишга қаратилган чораларнинг прокуратура органлари томонидан қўлланилиши;

---

[1] Берензон А.Д. Основные направления совершенствования общего надзора советской прокуратуры. Автореферат Дис. ... докт. юрид. наук. М. 1977. – С. 9.

[2] Ястребов В.Б. Надзор за исполнением законов как основная функция прокуратуры. Проблемы совершенствования прокурорского надзора. Материалы научно-практической конференции. М.: НИИ проблема укрепления законности и правопорядка. 1997. – С. 18.

-мигрантларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузган шахсларни шартсиз жавобгарликка тортиш;

-ҳуқуқбузарликлар оқибатида муайян фуқаролар ва ташкилотларга етказилган зарарни қоплаш масаласини мажбурий белгилаш.

Тадқиқот ишимиз шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда миграция қонунчилигининг ижроси устидан прокурор назоратининг махсус вазифалари прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, ўз моҳиятига кўра, миграция соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги талабларининг ҳар қандай бузилишларини тўлиқ ва ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш, йўқ қилиш ва олдини олишга қаратилган прокурорнинг функционал фаолияти кўринишида намоён бўлади.

Миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларини янада аниқроқ тушунишимиз учун Ўзбекистон прокуратураси фаолиятининг мазкур йўналишининг асосий мақсад ва вазифаларини кўриб чиқишимиз лозим.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да мақсад сўзига қуйидагича таъриф берилади: “Мақсад – эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мурод, муддао”[1]. Кўплаб олимларнинг фикрича, прокурор назоратининг мақсади Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва прокуратура органлари фаолиятининг тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган ва прокуратура органлари томонидан эришиш кўзланган натижадир, десак муболаға бўлмайди.

Шу билан бирга, прокуратура амалиётидан маълумки, прокуратура органларининг назорат тадбирлари юқори самарадорликка эришишлари учун аниқ мақсадли характердаги вазифаларни белгилаб олишлари керак бўлади.

“Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат. Мазкур вазифалар Конституциянинг 118-моддасидан келиб чиқиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон

[1] Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2010 й. – Б. 571.

Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар амалга оширадилар. Бу прокуратура органлари фаолиятида назоратнинг барча йўналишлари ва соҳаларини бутунлигича, шунингдек, прокурорлик фаолиятининг алоҳида жиҳатларини ҳам қамраб олади”[1].

С.И.Озеговнинг сўзларига кўра, вазифа – бу ижро этишни ва қилишни талаб қиладиган нарсадир[2]. Олимнинг ушбу таърифи кўпчилик юрист-олимларнинг диссертация ишимизда юритилаётган прокурор назоратининг вазифаси таърифларига жуда мосдир. Прокурор назоратининг умумий вазифалари прокуратура фаолиятининг алоҳида йўналишларига, хусусан, миграция соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратига қараб тобора хусусийлашиб боради.

Деярли барча тадқиқотчилар прокуратура назорати бўйича прокуратура фаолиятининг мақсадларига кўра, уларнинг олдида турган вазифалар анча кўплиги ва улар ўз даражаси, мазмуни, ҳал қилиш воситалари ва ушбу вазифаларни белгилаш ва ҳал қилиш ваколатларига кўра фарқланиши тўғрисида хулосага келишган.

Фикримизча, ушбу масалада В.Г.Бессарабовнинг фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин. Унинг айтишича, қонунлар ижросини амалга оширишда прокурор назоратининг вазифаларини доимий қилиб белгилаб қўйиб бўлмайди, улар давлат ва жамиятда содир бўладиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида ўзгариб туради[3].

Профессор Ю.Е.Винокуров қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг вазифаларини қуйидагилардан иборатлигини айтади:

-қонун бузилишлари тўғрисида хабарлар келиб тушганда прокурор аралашувининг лозимлиги;

-қонун бузилишларини олдини олишда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати амалга оширилишида уларга берилган барча имкониятлардан самарали ва кенгроқ фойдаланиш;

-ҳуқуқбузарликлар содир этилганда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини янада фаол амалга ошириш[4].

Диссертация ишини ёзиш жараёнида ўрганилган материаллар асосида миграция соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг асосий мақсадлари қуйидагилар, деган хулосага келдик:

-Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний бўлиш, эркин ҳаракатланиш, яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқларига риоя қилиниши;

-миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ижро этиш;

---

[1] Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. – Т.: 2008. – Б. 40.
[2] Ожегов С.И. Словарь русского языка, под ред. Н.Ю. Шведовой М. 2005. – С 203.
[3] Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М. 2006. – С. 189-190.
[4] Прокурорский надзор. под ред. Ю.Е. Винокурова. М. 2007. – С. 119-120.

-миграция муносабатлари соҳасида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари чекланишига йўл қўймаслик мақсадида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлаш;

-миграция соҳасида жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимояси.

Ушбу юқорида кўриб чиққанимиз – мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, диссертация ишимизда прокурорларнинг ўз олдига қўйган ушбу мақсадларини бажаришда ўз фаолиятларида прокурор ҳал қиладиган масалаларнинг жамланмаси сифатида миграция қонунчилигини ижро қилиниши юзасидан прокурор назоратининг вазифалари хусусиятларини аниқлаймиз. Ушбу вазифалар соҳасига қуйидаги вазифаларни киритишимиз мумкин:

-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни дарҳол бартараф этиш юзасидан зарур чораларни қабул қилиш;

- миграция қонунчилигига риоя қилиниши соҳасида назорат ваколатлари берилган ижро ҳокимияти органларининг фаолиятида қонунийликка риоя қилинишини назорат қилишни амалга ошириш;

- барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан миграция қонунчилигининг амал қилиниши устидан юқори савиядаги назорат текширувларини ўтказиш;

- миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгар шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича чора-тадбирларни сўзсиз таъминлаш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида тиклаш.

Миграция муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети ва соҳаси, асосий мақсад ва вазифалари тушунчаси ва аҳамиятини сарҳисоб қилиб, аниқ бир хулосалар чиқарсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикасининг миграция қонунчилигига риоя қилиниши устидан прокурор назорати жуда долзарб, давлат учун ўта муҳим, ҳамда жамият ва давлатга жуда керак бўлган прокуратура фаолиятидир. Ушбу фаолиятнинг долзарблиги, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси билан МДҲ давлатлари, шунингдек, бошқа давлатлар ўртасидаги миграция жараёнларининг доимий равишда фаоллашиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Кўплаб мигрантлар ҳозирги шароитда ўз ҳуқуқларидан, айниқса конституциявий ҳуқуқларидан маҳрум бўлиб қолишади ва бунинг натижасида қонунда турли хил бузилишлар содир бўлади.

Бундай шароитда айнан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлашда, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашда барча керакли ваколатларга эгалик қилади. Юқорида баён қилинган назарий қоидалар прокуратуранинг назорат функциясини янада такомиллаштириш учун назорат фаолиятининг асосий мақсадларига эриштирадиган ва

вазифаларини амалга оширишни такомиллаштирадиган самарали восита бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда, мақоламизда кўриб чиққанларимиз асосида қуйидагича таклифларни берамиз:

-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида айтилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар, деган нормадаги “қонунларнинг” жумласини “қонунлар ва норматив характердаги қонуности ҳужжатларини” деб кенг тушунишни;

Қонун ҳужжатларида прокуратура фаолияти ҳақидаги “қонунлар ижроси устидан назорат” ўрнига “қонунчилик ижроси устидан назорат” жумласини киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Миграция тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш.

ШОКИРОВ ОЙБЕК АЗИЗЖОН ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти

МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ВА ИЖРО ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИДА ҚОНУНИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ПРЕДМЕТИ

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маҳаллий давлат ҳокимияти қарорлари қонунийлиги устидан прокурор назоратининг предмети хусусида сўз юритганда, айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар назорат предмети билан қамраб олинишига ҳам эътибор қаратиш энг муҳим масалалардандир. Чунки юридик адабиётларда бу масала ечими ҳақида ҳам ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турлича ғоя ва қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар (И.Чубенко, А.Винокуров) прокурор фақат қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлаши лозимлиги ҳақида хулосага келганликларини ифода этсалар, яна бошқа бир гуруҳи (З.Гадаборшева, А.Казарина[1], Д.Мадякин[2], М.Максютов[3], Н.Субанова) назорат предметига қонун ости ҳужжатлар ҳам киритилиши лозимлиги ҳақидаги ғояни илгари сурганлар.

Хусусан, З.Гадаборшева “Прокурорлар барча қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширадилар. Айни пайтда, шуни инобатга олиш керакки, прокурорлар фақатгина маҳаллий давлат ҳокимияти норма ижодкорлиги

---

[196] Казарина А.Х. Теоретические и прикладные проблемы прокурорского надзора за исполнением законов экономической направленности: Автореф. дисс. ... док. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2009. – С. 17-18, 36-38.

[197] Мадякин Д.А. Проблемы совершенствования прокурорского надзора за исполнением законов в сфере предпринимательской деятельности: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РГБ, 2005. – С. 48.

[198] Максютов М.Ф. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере закупок товаров, работ, услуг отдельными видами юридических лиц: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Университет прокуратуры Российской Федерации, 2018. – С. 14.

фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларнигина эмас, балки ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган ҳамда қайд этилган категорияга кирувчи қонунларни қўллаш механизмини белгилаб берувчи қонун ости ҳужжатлар ижроси устидан ҳам назоратни амалга оширади”[1], деб фикр билдирадики, бизнингча муаллифнинг фикри ўринли.

Мазкур ҳуқуқшунос олимлар ғоя ва илмий қарашлари таҳлилидан келиб чиқиб, З.Гадаборшева, А.Казарина, Д.Мадякин, М.Максютов ва Н.Субанова фикрларини қўллаб-қувватлаймиз. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлардир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари эса, қонун ости ҳужжатлари саналиб, қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, қонунлар энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади, яъни улар муайян соҳани барча жиҳатларини муфассал ҳуқуқий тартибга солиш имконига эга эмас.

Юқорида қайд этилган қонуннинг 10-14-моддаларида келтирилган қонун ости ҳужжатлар айнан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Бизнингча, қонун ости ҳужжатлар қонунларнинг ижро этилиш механизми бўлиб хизмат қилиши, маълум бир соҳани ички жиҳатларигача чуқур ҳуқуқий тартибга солиши туфайли ҳам прокурор назоратини амалга ошириш мобайнида инобатга олинмаслиги асло мумкин эмас. Шу жиҳатдан олиб қараганда, И.Чубенко ва А.Винокуровларнинг прокурор назорати предметига қонун ости ҳужжатлари кирмайди деб юқорида билдирган ғоя ва фикрларига қўшила олмаймиз.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти қарорлари қонунийлиги ижроси устидан прокурор назорати объекти ва унинг доирасига оид илмий-назарий масалалар мазмун-моҳиятини очиб бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айни шу масала бугунги кунда ҳуқуқшунос олимлар ўртасида кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётганлигидан далолат бермоқда.

Юридик адабиётлар ва илмий манбаларни ўрганиш асосида, назорат объекти ҳақида сўз юритган ҳуқуқшунос олимлар бу масалага асосан иккита нуқтаи назардан, яъни прокурор назорати остидаги органлар, мансабдор ва бошқа шахслар (В.Бессарабов, З.Гадаборшева, Ж.Идилова, М.Максютов[2],

---

[199]Гадаборшева З.Б. Предмет прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере предпринимательской деятельности // «Российский следователь», 2013, №9. // Электрон манба: http://centerbereg.ru/b1642.html (мурожаат вақти: 24.02.2020).

[200]Максютов М.Ф. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере закупок товаров, работ, услуг отдельными видами юридических лиц: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Университет прокуратуры Российской Федерации, 2018. – С. 13-14.

Т.Отческая ва Д.Мадякин[1]) ҳамда назоратни таъминлаш жараёнида прокурор томонидан баҳо бериладиган ҳуқуқий ҳужжатлар (Б.Пўлатов) жиҳатидан ёндашганликлари ҳақида хулосага келиш мумкин.

Хусусан, В.Бессарабов “Прокурор назоратининг объекти прокурорнинг назорати остида ҳисобланган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга масъул органлар, ташкилотлар, мансабдор ва бошқа шахслар мажмуидир”[2], деб фикр билдирган.

Мазкур муаллифнинг қарашларига яқин фикрлар Ж.Идилова ва З.Гадаборшева[3] томонидан ҳам билдирилган. Б.Пўлатов[4] эса қонунлар ижроси устидан назорат объектлари тушунчасига прокурор томонидан Конституция ва қонунларга мувофиқлиги юзасидан баҳо бериб бориладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тоифасидан келиб чиқиб ёндашади.

Фикримизча, юқоридаги олимлар прокурор назорати объекти масаласида “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда ифодаланган норма мазмунини инобатга олган ҳолда ёндашганликларини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади.

Ўрганишлар натижалари шуни кўрсатадики, М.Максютов, Т.Отческая ва Д.Мадякинлар тадбиркорлик субъектларини ўзини ҳам назорат объекти сифатида ҳисоблаш зарур ёки зарур эмаслиги масаласига ойдинлик киритишган. Хусусан, Т.Отческая “Маҳаллий давлат ҳокимияти қарорлари устидан прокурор назоратининг объектлари масаласи норма ижодкорлиги фаолиятининг ҳуқуқ субъектлилик муаммоси билан боғлиқ ўзига хосликка эга. Фуқаро – ҳуқуқ субъекти, ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширилиши доирасида назорат объекти ҳисобланиши лозим”[5], деб фикр билдирган.

Маҳаллий давлат қарорлари назорат объекти ҳисобланиши билан боғлиқ ғоя ва қарашларни Д.Мадякин[6] ва М.Максютов[7] тадқиқотларида кузатиш мумкин.

Шу ўринда прокурор назорати объекти хусусидаги В.Бессарабов, Ж.Идилова, З.Гадаборшева ва Б.Пўлатовнинг ғоя ва қарашларига умумий маънода қўшилган ҳолда бизнинг фикримизча, маҳаллий давлат ҳокимияти

---

[201]Мадякин Д.А. Проблемы совершенствования прокурорского надзора за исполнением законов в сфере предпринимательской деятельности: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РГБ, 2005. – С. 46-47.

[202]Прокурорский надзор. В 2 т. Том 2. Особенная и специальная части: учебник для вузов / под. общ. ред. О.С.Капинус. – 4-е изд., пер. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – С. 83.

[203]Идилова Ж.Н. Прокурорский надзор за исполнением законодательства о защите малого и среднего предпринимательства: состояние и пути оптимизации: Дисс... к.юр.н. – Екатеринбург: 2012. – С. 94-95.

[204]Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: “O’zbekiston”, 2009. – Б. 148-149.

[205]Отческая Т.И. Особенности прокурорского надзора за исполнением законодательства о защите прав предпринимателей // “Пролог: журнал о праве” / “Prologue: Law Journal”, 2020, №2. – С. 50.

[206]Мадякин Д.А. Проблемы совершенствования прокурорского надзора за исполнением законов в сфере предпринимательской деятельности: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РГБ, 2005. – С. 46-47.

[207]Максютов М.Ф. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере закупок товаров, работ, услуг отдельными видами юридических лиц: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Университет прокуратуры Российской Федерации, 2018. – С. 13-14.

қарорлари қонунийлиги устидан прокурор назорати объектини белгилаш масаласида иккита муҳим жиҳат: назорат остида бўлган масъул органлар, мансабдор ва бошқа шахслар мажмуи ҳамда прокурор томонидан қонунийлиги баҳоланадиган ҳуқуқий ҳужжатларга эътибор қаратиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 20-моддасига мувофиқ назорат объекти: вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари; ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар ҳисобланади.

Бизнинг назаримизча, назорат объектига амалдаги қонунчилик мазмунидан келиб чиқиб ёндашиш мақсадга мувофиқ. Фақат, бу ерда бир муҳим жиҳатни ёддан чиқармаслик зарур. Яъни, қонун прокурор назорати объекти доирасига “ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар”ни киритган.

Шу сабабдан, биз тадқиқ этиб ўрганаётган прокурор назорати йўналишида ҳокимларнинг ўзлари ҳам назорат объекти ҳисобланадими ёки йўқми деган, ҳақли савол пайдо бўлади.

Бу борада, амалиётдан айрим мисолларни келтириб ўтамиз.

Хусусан, 2022 йилда Президент Администрацияси топшириғига асосан, Тошкент шаҳар Сергели туманидан Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманига қадар бўлган Тошкент халқа автомобиль йўлининг 17.3 км. қисмидаги (Зангиота 7 км., Янгийўл 1.5 км., Қуйичирчиқ 2.3 км. ва Ўртачирчиқ 6.5 км.) ер майдонларидан фойдаланишнинг қонунийлиги ўрганилди.

Ўрганишда, **18 та** ҳоким қарорлари билан **98,4 гектар** ер майдонлари **ноқонуний ажратилганлиги** аниқланди.

Шундан, **12 та** ҳоким қарорлари билан **76,7 гектар суғориладиган экин** ерлари қонун талабларига зид равишда қишлоқ хўжалиги экин ерлари тоифасидан чиқарилишига йўл қўйилганлиги оқибатида, **давлат манфаатларига 52 млрд. 647 млн.** сўм зарар етказилган.

Мисол учун, Тошкент вилоят ҳокимининг 10.04.2019 йилдаги 278-сонли қарори билан **З.Усманов**га Зангиота туманидан **1,20 гектар суғориладиган экин** ер майдони (**68,4 балл** бонитетли) “маиший хизмат кўрсатиш” биноси қуриши учун ноқонуний ажратилиши оқибатида, давлатга **1 млрд. 300 млн.** сўм зарар етказилган.

Ўз навбатида, З.Усманов ушбу ердан мақсадли фойдаланмасдан, **0,10 гектар** қисмини Б.Шариповга, **0,30 гектар** қисмини эса А.Аиталиевага сотиб юбориб, ер майдонларини талон-торож қилган.

Ёки, Ўртачирчиқ туман ҳокимининг 11.06.2018 йилдаги 529-сонли қарори билан **“Elizabeth Industrial Safety”** МЧЖга **АСГТКС** қуриш учун **0,70 гектар суғориладиган экин** ер майдони ажратилган бўлсада, қарорда ушбу ер **қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган** ер тоифаси сифатида нотўғри маълумотлар киритилган.

Бунинг оқибатида, давлатга **392,8 млн.** сўм зарар етказилган.

Бундан ташқари, ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назорат идоралари томонидан ўзбошимчалик билан қурилаётган иморатларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилмаган.

Хусусан, Ўртачирчиқ туман ҳокимининг 27.04.2018 йилдаги 409-сонли қарори билан **Р.Хошимовга** “савдо ва хизмат кўрсатиш” бинолари қуриш учун **1,39 гектар қишлоқ хўжалиги** ер майдони **асоссиз** ажратиб берилган.

Мазкур қарор Тошкент вилоят прокурорининг **протести**га асосан 11.01.2019 йилда бекор қилинган бўлишига қарамасдан, **Р.Хошимов ўзбошимчалик** билан ушбу ер майдонида қурилиш ишларини амалга ошириб, **12 та** бино-иншоотлар ичида **68 та** дўкон ва умумий овқатланиш нуқталарини қурган ва уларни бошқа шахсларга сотиб, ноқонуний даромад олиб келган.

Хуллас, сир эмаски, ҳозирги кунда маҳаллий ҳокимликлар томонидан аҳоли пунктлари бош режаларини бажариш ёки юқори турувчи ижро ҳокимияти органларидан берилган бошқа топшириқни важ қилиб кўрсатган ҳолда, ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан бузилаётган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотлар учун фуқароларга ва юридик шахсларга бузилаётган кўчмас мулкнинг бозор қиймати ҳамда олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарар тўлиқ қопланганидан кейин рухсат берилиши талаби қўпол равишда бузилмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси **Янги Конституциясининг 143-моддасига** асосан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”.

Қомусимизнинг **144** ва **145-моддаларида** эса прокуратура органлари ўз ваколатларини Республика Бош прокурори бошчилигида ягона марказлаштирилган тизим сифатида, ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширишлари ўз аксини топган.

Мамлакатимизда қонун устуворлигининг ҳукмронлик қилиши қонунлар талабларини оғишмай ижро этиш натижасидагина мустаҳкам, ўз мустақиллигини ҳимоя қила оладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлай оладиган давлат қурилишини таминлайди.

Маҳаллий вакиллик ва ижро органлари қарорларида қонунийлигини таъминлаш устидан назорат давлат томонидан фақат ягона прокуратура органларига юклатилган.

Зотан, прокурор назорати ҳуқуқий муносабатлари давлатнинг қайси идораси, қайси давлат органи ҳуқуқбузарликни белгилаши, қонун билан ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ифодалашидан қатъи назар вужудга келади.

Бу соҳада конунлар ижроси устидан назорат бўйича **прокурор назорати предмети** — Маҳаллий вакиллик ва ижро органлари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги ҳисобланади.

JUMAYEV SHOHJAHON BEGIMQUL O'G'LI
O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi tayanch doktoranti

QONUNLAR IJROSI USTIDAN PROKUROR TEKSHIRUVLARINI O'TKAZISHDA PROKUROR NAZORATI HUJJATLARINING AHAMIYATI

Annotatsiya: Ushbu maqolada qonunlar ijrosi ustidan prokuror tekshiruvlari, ularning o'ziga xos jihatlari, ushbu tekshiruvlarning maqsadi, predmeti hamda prokuror nazorati hujjatlari, ularga javob berish va ularning natijalari haqida so'z borgan. Bir qator huquqshunos olimlarning fikrlari bilan ilmiy munozaraga kirishilgan, hamda muallifning doktrinal qarashlari ham keltirib o'tilgan. Qonunlar ijrosi ustidan prokuror tekshruvlarini o'tkazishda prokuror nazorati hujjatlarining roli va ahamiyati ilmiy-nazariy qarashlar orqali ochib berilgan. Bir qator xorijiy davlatlarning tajribasi milliy qonunchiligimiz bilan qiyosiy tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: prokuror tekshiruvi, prokuror nazorati hujjatlari, tekshiruv predmeti, tekshiruv subyekti, tekshiruv obyekti, tekshiruv vositalari, protest, taqdimnoma.

Аннотация: В данной статье рассматриваются прокурорские проверки исполнения законов, их специфика, цель, предмет этих проверок, а также документы прокурорского надзора, ответы на них и их результаты. В научную дискуссию были включены мнения ряда ученых-юристов, а также были приведены доктринальные взгляды автора. Роль и значение документов прокурорского надзора при проведении прокурорских проверок исполнения законов раскрывается через научно-теоретические взгляды. Проведен сравнительный анализ опыта ряда зарубежных стран с нашим национальным законодательством.

Ключевые слова: прокурорская проверка, акты прокурорского надзора, предмет проверки, субъект проверки, объект проверки, средства проверки, протест, представление.

Annotation: In this article, the prosecutor's verifications over the implementation of the laws, their specifics, the purpose, subject of these investigations and the documents of the prosecutor's supervision, their response and their results were discussed. A scientific discussion has been initiated with the opinions of a number of legal scholars, and the author's doctrinal views have also been cited. The role and significance of the documents of the prosecutor's control in the conduct of prosecutor's actions over the implementation of laws is revealed through scientific-theoretical views. The experience of a number of foreign countries has been comparative analyzed with our national legislation.

Keywords: prosecutor's verifications, prosecutor's control documents, subject of verification, subject of verification, object of verification, means of verification, protest, submission.

O'tgan davr mobaynida huquqni qo'llash holatini kompleks tahlil qilish, qonunbuzilishlar sodir etilishining sabab va shart-sharoitlarini o'z vaqtida bartaraf etish choralarini ko'rish, fuqarolarning huquq va erkinliklari himoyasini ta'minlash,

tadbirkorlik subyektlarini har tomonlama qo'llab-quvvatlash yuzasidan prokuratura organlari tomonidan bir qator ijobiy ishlar amalga oshirildi.

Shuningdek, davlatimiz rahbari ta'kidlaganlaridek, "El-yurtimizning Konstitutsiyamizda mustahkamlangan huquq va erkinlarini ishonchli himoya qilishda, qonuniylikni ta'minlash, jinoyatchilikning oldini olishda prokuratura organlarining ahamiyati tobora ortib bormoqda. Ayniqsa, xalq bilan ochiq muloqot qilish, aholi muammolarini chuqur o'rganish va hal etish, inson huquq va erkinliklarini muhofaza qilish soha xodimlarining eng asosiy va kundalik vazifasiga aylandi.

Prokuraturaning qonunlar ijrosi ustidan nazorat olib borish faoliyati tubdan o'zgartirildi. Ilgari qonun buzilishi holatlarini aniqlash va jazolashga asosiy o'rin berilgan bo'lsa, endi asosiy e'tibor bunday holatlarning oldini olish, mavjud muammolarni bartaraf etishga qaratilmoqda"[1].

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurori N.T.Yo'ldoshev ham ta'kidlab o'tganlaridek, "Hududlarni ijtimoiy - iqtisodiy rivojlantirishga doir dasturlar ijrosi alohida nazoratga olinib, budjet mablag'larining maqsadli sarflanishini ta'minlash, talon - taroj qilinishining oldini olish borasidagi ishlar izchil davom ettiriladi. Ayniqsa, barchamizning kundalik hayotimizda muhim o'rin tutadigan ta'lim, tibbiyot va kommunal xizmat sohalaridagi o'z yechimini topmagan masalalarning sabablarini aniqlab, ularni alohida yondashuv asosida hal etish bo'yicha qat'iy nazorat o'rnatiladi. Albatta, hayotimizda korrupsiya holatlari borligi barchamizni qattiq tashvishga soladi. Jamiyatimizda bu illatga qarshi murosasizlik muhitini shakllantirish va qat'iy kurash olib borish kelgusida ham prokuratura organlarining birinchi navbatdagi ishi bo'lib qoladi"[2].

Yuqoridagi ijobiy maqsadlarga erishish hamda jamiyatda qonun ustuvorligini ta'minlashda, shaksiz sifatli o'tkazilgan prokuror tekshiruvlari va unda qo'llaniladigan prokuror nazorati hujjatlarining ahamiyati katta.

O'zbekiston Respublikasining "Prokuratura to'g'risida"gi Qonuni 21-moddasi aynan qonunlar ijrosi bo'yicha prokuror tekshiruvlariga bag'ishlangan bo'lib, unga asosan, qonunlar ijrosini tekshirish qonunlarning buzilayotganligi to'g'risidagi arizalar va boshqa ma'lumotlar asosida, shuningdek qonuniylik prokuror tomonidan choralar ko'rilishini talab qiladigan holatda ekanligidan kelib chiqqan holda qonunda belgilangan tartibda o'tkaziladi.

Prokuror tekshiruvlarini o'tkazish davomida tekshirish subyektlari qonunbuzilishlarini aniqlash, unga imkon bergan sabab va shart-sharoitlarni bartaraf etish, qonunbuzilishlari xususida ogohlantirish hamda qonunga zid hujjatlarni qonunga muvofiqlashtirish yuzasidan "Prokuratura to'g'risida"gi Qonunning 37-moddasida nazarda tutilgan prokuror nazorati hujjatlarini qo'llaydilar.

---

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 08.01.2024-yildagi prokuratura organlari xodimlari hamda faxriylariga tabrik nutqidan // URL: https://president.uz/uz/lists/view/6961.

[2] O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurori Nig'matilla Yo'ldoshev To'lqinovichning 16.01.2024-yildagi mamlakatimiz aholisiga murojaatidan // URL: https://prokuratura.uz/#/newsviewid=8986.

Huquqshunos olim B.X.Po'latov ta'kidlaganlaridek, "Prokuror nazorati hujjati deganda vakolatli mansabdor shaxs – prokuror, tomonidan qonun bilan berilgan vakolat doirasida va qonun bilan o'rnatilgan shaklga rioya qilgan holda keltirilgan, chiqarilgan, kiritilgan va e'lon qilingan hujjat tushuniladi. Prokuror nazorati hujjatlari qonuniylik, asoslanganlik va motivlilik talablariga javob berishi, unda ma'lumotlar mantiqiy, to'liq bayon etilishi va tekshirish, o'rganish, tahlil qilish va umumlashtirish materiallariga muvofiq bo'lishi shart"[1].

Qo'shimcha qilib aytish mumkinki, qonunlar ijrosi ustidan prokuror tekshiruvlarining vositalari sifatida aynan prokuror nazorati hujjatlari tushunilishi mumkin.

Huquqshunos olim O.M.Madaliyev qayd etganlaridek, prokuror nazorati hujjatlari qonun buzilishiga oid dolzarb, muhim va ahamiyatli holatlarga qaratilgan bo'lishi lozim, bunday holat aniqlanganda prokurorning protsessual aralashishi zarurati, hamda tegishli qaror qabul qilish zaruratini taqozo etadi. Prokurorning huquqiy hujjatlarida mavjud xulosa hamda takliflar asoslangan va qonuniy bo'lishi kerak. Ular aniq faktlarga asoslangan bo'lishi, huquqiy hujjat yuridik va uslubiy jihatdan xat-savodlilik bilan yozilishi darkor.

Huquqshunos I.A.Imanov fikricha, "Prokuror nazorati hujjatlari jamoatchilik bilan aloqa qilishning ham eng muhim shakllaridan biridir. Ushbu aktlar orqali jismoniy va yuridik shaxslar qonuniylik ahvoli hamda huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyati bo'yicha ham ma'lumotlarga ega bo'lishadi"[2].

Fikrimizcha, bunda tekshirishda aniqlangan qonunbuzilishi holatlari mehnat jamoasida muhokama qilinishi, hamda natijasini ommaviy-axborot vositalarida keng yoritilishi lozimligi nazarda tutilmoqda. Chunki, aynan ommaviy-axborot vositalarida yoritilishi natijasida jismoniy va yuridik shaxslar tekshirish sifati hamda qonuniylik holati xususida axborotga ega bo'lishlari mumkin.

Huquqshunos I.P.Xaltayeva ta'kidlashicha, "Prokuror nazorati hujjatini qo'llashda prokuror tegishli hujjatning qo'llanish maqsadini aniqlab olishi kerak hamda ushbu hujjat qo'llaniladigan tekshirish obyektining vazifalari hamda faoliyatini ham tahlil qilishi lozim. Bunda qo'llaniladigan har bir nazorat hujjatining xususiyatlariga e'tibor qaratish joiz"[3].

Mazkur fikrga qo'shimcha qilib aytish mumkinki, qonunlar ijrosi ustidan prokuror tekshiruvlarini o'tkazganda nafaqat tekshirish maqsadini balki uning predmeti, obyekti va vositalarini aniqlab olish, hamda tekshirish predmetiga taalluqli normativ-huquqiy hujjatlar bilan mufassal tanishib chiqish lozim, deb hisoblaymiz.

---

[1] Po'latov B.X. Qonunlar ijrosi ustidan prokuror nazoratini tashkil qilish va prokuror nazoratining namunaviy hujjatlar to'plami// Amaliy-uslubiy qo'llanma. – Toshkent, 2013. – 18-bet.

[203] Иманов И.А. Система и эффективность актов прокурорского надзора в противодействии коррупции в Республике Казахстан // Юридическая наука и правоохранительная практика. 2015. №4 (34). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/sistema-i-effektivnost-aktov-prokurorskogo-nadzora-v-protivodeystvii-korruptsii-v-respublike-kazahstan (дата обращения: 13.04.2024).

[3] Халтаева И.П. Особенности применения актов прокурорского реагирования при осуществлении прокурорского надзора за органами предварительного следствия // Вестник магистратуры. 2022. №10-1 (133). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-primeneniya-aktov-prokurorskogo-reagirovaniya-pri-osuschestvlenii-prokurorskogo-nadzora-za-organami-predvaritelnogo (дата обращения: 13.04.2024).

Bu borada xorij tajribasiga ham nazar soladigan bo'lsak, Rossiya Federatsiyasining "Prokuratura to'g'risida"gi Qonuni 3-bo'lim, 1-bobida prokuror nazorati hujjatlari sifatida protest, taqdimnoma, qaror hamda ogohlantiruv qayd etilgan[1].

Shu kabi, Turmaniston Respublikasining "Prokuratura to'g'risida"gi Qonuni 3-bo'lim, 2-bobi, 29-moddasida 6 ta prokuror nazorati hujjatlari qayd etib o'tilgan. Bular:

- ❖ Protest;
- ❖ Taqdimnoma;
- ❖ Talabnoma;
- ❖ Ogohlantiruv;
- ❖ Qaror;
- ❖ Sudga da'vo arizasi[2].

Shuningdek, Tojikiston Respublikasining "Prokuratura organlari to'g'risida"gi Konstitutsiyaviy qonunida protest, taqdimnoma, qaror, buyruq prokuror nazorati hujjatlari sifatida sanab o'tilgan[3].

Yuqoridagilardan xulosa qilib aytish mumkinki, qonunbuzilish holatlarini aniqlash, bartaraf etish maqsadida prokuror nazorati hujjatlarini o'z vaqtida hamda o'z o'rnida qo'llash muhim ahamiyat kasb etadi. Prokuror nazoratining samaradorligi nafaqat prokurorlar tomonidan o'tkaziladigan qonunlar ijrosi ustidan nazorat tekshiruvining sifatiga, shuningdek prokuror ta'sir hujjatlarining o'ziga ham bevosita bog'liqdir.

АЛИМОВ САЙЙИД БУРХОНИДДИН УСМОН ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада хотин-қизларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашга доир ҳуқуқий ислоҳотлар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Хотин-қизлар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар меҳнати.

Аннотация: В данной статье рассматриваются правовые реформы по обеспечению социальных прав женщин и девочек.

[1] Rossiya Federatsiyasining 1992-yil 17-yanvardagi "Prokuratura idoralari to'g'risida"gi Qonuni // URL: https://www.wto.org/english/thewto_e/acc_e/rus_e/wtaccrus58_leg_83.pdf;

[2] Turkmaniston Respublikasining 2015-yil 2-dekabrdagi "Prokuratura to'g'risida"gi Qonuni // URL: https://turkmenistan.gov.tm/ru/post/25369/zakon-turkmenistana-%3Cbr%3Eo-prokurature-turkmenistana-(novaya-redaktsiya)

[3] Tojikiston Respublikasining 2005-yil 15-iyuldagi "Prokuratura to'g'risida"gi Qonuni // URL: https://www.prokuratura.tj/legislation-rus/49-the-constitutional-law-of-the-republic-of-tajikistan.html.

Ключевые слова: Права женщин, защита материнства и детства, женский труд.
Annotation: This article discusses legal reforms to ensure the social rights of women and girls.
Key words: Women's rights, motherhood and childhood protection, women's work.

Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг турмуш шароитини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва уларга меҳнат муносабатларида имтиёзли ҳуқуқлар белгилашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Хотин-қизларга берилган бу устувор ҳуқуқларнинг замирида оналик ва болаликни муҳофаза қилинаётганлиги ҳаммамизга маълум.

Айниқса, бу масалага юртбошимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳар бир хотин-қизларни шу юртга садоқат билан яшашга ва бу яратилаётган устувор ҳуқуқларга лойиқ бўлишга ундайди.

Ҳурматли Юртбошимиз Ш.М.Мирзиеёвнинг "Аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш ҳалқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Биз барчамиз қандай касб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун сиз меҳрибон аёллардан умрбод қарздормиз"[1], - деган сўзлари юртимизда аёл қадри қанчалик юксак эканлигидан далолат беради.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонунчилиги хотин-қизларнинг нафақат эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини балки, уларнинг меҳнат муносабатларида бир қатор имтиёзли ҳуқуқларга эга эканликларини белгилайди[2].

Бир қатор ривожланган хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва амалиёти таҳлили натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасида аёллар учун яратилган меҳнат қонунчилигидаги бундай имтиёзли ҳуқуқлар ҳеч қайси давлатда мавжуд эмаслигини қайд этиш лозим. Ҳаттоки, энг ривожланган Америка, Германия, Англия ва Франция каби давлатлар қонунчилигида ҳам аёллар учун бундай имтиёзли ҳуқуқлар ўз аксини топмаган. Миллий қонунчилигимизда эса юқорида қайд этилганидек, хотин-қизларга устувор ҳуқуқлар белгиланганлиги билан таҳсинга сазовордир.

Юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор кундан-кунга ошиб бораётганлиги Юртбошимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ўз аксини топди[3].

---

[1] Ш.М.Мирзиёев. 8-март Хотин-қизлар байрами муносабати билан ўтказилган йиғилишдаги маърузаси. https://www.gazeta.uz/uz/2017/03/07/8-mart/.

[2] Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. 25-боб, 1-§. Аёлларнинг ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2022 й., 02/22/798/0972-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон; 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон; 22.02.2024 й., 03/24/911/0142

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 02.02.2018 йилдаги ПФ-5325-сон. https://lex.uz/docs/3546742.

Ушбу фармонда юртимиз хотин-қизларининг турмуш шароитини яхшилашга, уларнинг бандлигини таъминлашга ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор вазифалар ўз аксини топди.

Жумладан, ушбу фармонда **Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир амалга оширилиши лозим бўлган тўртта устувор йўналишлари белгилаб берилди.**

Шунингдек, Зулфия номидаги давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан **икки нафар талабгорга** берилиши белгилаб берилди.

Хотин-қизларни жамиятда ва оиладаги ўрнини белгилаш, уларнинг меҳнати ва алоҳида фазилатларини юксак баҳолаш мақсадида, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилиши белгиланди. Бу эса ҳар бир аёлни жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишга, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Фармонда ёрдамга муҳтож хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида, “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди”ни ташкил этилиши белгилаб берилди.

Ушбу фонд хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашда кўмаклашиш вазифаларини амалга оширади. Бу албатта ҳар бир ижтимоий ёрдамга муҳтож хотин-қизларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талабни бузганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган шахсий жавобгарликка тортилиши белгиланди. Фармондаги ушбу талаб Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва “Оила” Маркази вакилларини ўз ишларига масъулият билан ёндошишларига хизмат қилади. Бундай эътибор ва эҳтиром бу соҳада ишлаётган ҳар бир ходимни белгиланган вазифаларни садоқат ва фидойилик билан бажаришга ундайди.

Юқорида қайд этилган фармоннинг мазмунидан кўриниб турибдики, аёл қадри ва унинг ҳуқуқи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан дарак беради.

Ушбу Фармонда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ҳам энг муҳим масала сифатида белгиланди. Албатта, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларнинг турли оқимларга кириб қолиши, турли юртларга ишлаш учун чиқиб кетишлари, ҳамда улар ўртасидаги

жиноятчиликни олдини олишга эришиш мумкин. Энг асосийси оилада хотиржамлик вужудга келади.

Бунинг учун албатта қишлоқларда ва район марказларида аёллар учун ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, яъни аёллар меҳнатига асосланган тикувчилик, қандолатчилик ва тўқимачилик ишларини ривожлантириш, ҳамда унинг натижаларини нафақат Ўзбекистон балки хорижий давлатларга экспорт қилиш даражасига олиб чиқиш лозим.

Юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш босқичма-босқич ривожланмоқда. Хусусан, хотин-қизларни фаровон хаёт кечиришлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, юқорида қайд этилган Фармонни янгилаш, хотин-қизларга янада кенгроқ имкониятлар яратиш мақсадида, ушбу фармон бекор қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг **21.12.2023 йилдаги "Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-208-сонли Фармони** қабул қилинди[1].

Мазкур фармонга кўра, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги вазирлик ва идоралар ҳамда нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишларига кўмаклашиш, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси қуйи ташкилотларининг жойларда ишини тўғри йўлга қўйиш мақсадида, Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг бўйсинуви Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида мавжуд Бош вазир ўринбосари штати негизида Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими жорий этилди.

Қўмита раиси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган:

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари - Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари - вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари лавозими;
- туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринбосарлари - туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари лавозими киритилди.

Қўмита тузилмасида Оила ва хотин-қизлар илмий-тадқиқот институти негизида Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Унинг асосий вазифалари:

- Қўмита тизими ходимлари, шунингдек, маҳалладаги хотин-қизлар фаолларининг малакасини ошириш, уларнинг фаолиятини услубий қўллаб-қувватлаш;

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-208-сон Фармони https://lex.uz/docs/6704824.

• оила, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалаларига оид муаммоларни чуқур таҳлил қилиш;

• оила, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича фанлараро фундаментал, илмий-амалий тадқиқотлар, социологик сўров, илмий конференциялар ўтказиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқалар.

Шунингдек, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳам Қўмита тузилмасига ўтказилди[1].

Хотин-қизларга меҳнат қилиш соҳасида ҳам эркакларга нисбатан бир қатор устувор ҳуқуқлар белгиланган. Албатта бу устувор ҳуқуқлар гендер тенгликни таъминлашга хизмат қилиши билан бир қаторда оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган, шунингдек, 1952 йилда имзоланган "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Халқаро Конвенция талабларини бажаришга хизмат қилиши айни муддаодир [2].

Юқоридагилар билан бир қаторда ҳали хотин-қизларни меҳнатини кафолатловчи айрим қонунларни такомиллаштириш тақозо этилмоқда. Жумладан, бугунги кунда 1,5 ёшдан 3 ёшгача боласи бор аёллар учун ишлаш имкониятини яратиш лозим. Бунинг учун шу ёшдаги болалар боғчаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бугунги кунда мактабгача тарбия муассасаларида болалар 3 ёшдан қабул қилиниб, ундан кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш муассасалари мавжуд эмас. Ҳар бир аёлни ҳам ўз боласига шахсий энага ёллашга имкониятига эга бўлавермайди. Шуларни инобатга олган ҳолда 1,5 ёшдан 3 ёшгача боласи бор аёлларга меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имкониятини яратиш мақсадида, шу ёшдаги болаларни тарбиялаш муассасаларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Энг асосийси хотин-қизларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишга алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Ҳуқуқий билимларга эга бўлган аёл ҳаёт билан ҳамнафас юради. Бу фарзандлар тарбиясида ҳам ўзининг ижобий самарасини беради. Шунингдек, ҳар томонлама билимга эга бўлган хотин-қизлар жамиятнинг ривожига ўзининг ҳиссасини қўшиб боради. Бунинг учун хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларини доимий кучайтириб бориш лозим. Бу вазифаларни барча мутасадди идоралар томонидан ҳамкорликда амалга оширилиши хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кафолатлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг ҳар бир аёли юртимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ҳурмат-эҳтиром ва эътиборга лойиқ бўлиши лозим. Ўзбек аёллари қадим ўтмишда ҳам ўзининг назокати ва матонати, ҳаёси ва ибоси билан ўрнак бўлган.

[1] https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/oila_va_hotin-qizlar_qumitasi_nima_bilan_shugullanadi

[2] "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Конвенция. kasaba.uz/?page_id=990

Шунингдек, бугунги кунда гендер тенглигини янада мустаҳкалаш, ҳамда Муҳтарам Президентимизнинг “хотин-қизлар” тўғрисида чиқарилаётган фармонлари ижроси ўз вақтида бажарилиши лозим.

JURAYEV SHERALI ALISHER O’G’LI
O’zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi doktoranti

MIGRATSIYA SOHASIDAGI QONUNCHILIK IJROSI USTIDAN PROKUROR NAZORATI BO‘YICHA XORIJ TAJRIBASI

Annotatsiya: Mazkur maqola xorijiy davlatlarning migratsiya sohasidagi munosabatlar, shuningdek ushbu qonunlar ijro etilishi ustidan nazoratni amalga oshirish tizimi haqida so‘z yuritilgan bo‘lib, ularning yutuq va kamchiliklari tahlil qilingan. Shuningdek, mazkur davlatlarning migratsiya qonunchiligi sohasidagi yutuqlarini milliy qonunchiligimizga tatbiq qilish masalalari o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: migrant, prokuror nazorati, chet el fuqarolari, pasport-viza rejimi, siyosiy boshpana.

Аннотация: В данной статье рассказывается о системе надзора отношений зарубежных стран в сфере миграции, а также реализации этих законов, анализируются их достижения и недостатки. Также были изучены вопросы применения достижений этих стран в сфере миграционного законодательства в наше национальное законодательство.

Ключевые слова: мигрант, прокурорский надзор, иностранные граждане, паспортно-визовый режим, политическое убежище.

Annotation: This article talks about the system of supervising foreign countries’ relations in the field of migration, as well as the implementation of these laws and analyzes their achievements and shortcomings. Also, the issues of applying the achievements of these countries in the field of migration legislation to our national legislation have been studied.

Key words: migrant, prosecutor's supervision, foreign citizens, passport-visa regime, political asylum.

Barchamizga ma’lumki, migratsiya jarayonlari hozirgi kunda global miqyosda keng tus olib ulgurdi. Statistik ma’lumotlarga qaraganda, 2017-yilda dunyo bo‘yicha migrantlar soni 258 million nafarga yetgan. Jahon miqyosida tobora rivojlanib borayotgan migratsiya jarayonlarida mehnat migratsiyasi alohida muhim ahamiyat kasb etadi. Hozirgi kunda butun dunyoda mehnat qilish maqsadida fuqarolar migratsiya jarayonlarini amalga oshirmoqdalar. Ushbu omil orqali mamlakatdagi ishsiz aholining salmoqli qismi ish bilan ta’minlanmoqda.

Mustaqillikka erishganimizdan so‘ng hozirgi kungacha mamlakat aholisining umumiy soni 1,5 barobarga oshdi. Har yili mehnat bozoriga yetti yuz mingga yaqin yosh ishchi kuchi kirib kelmoqda . Ushbu ishchi kuchi O‘zbekiston mehnat bozoriga katta bosim o‘tkazmoqda. Mehnat bozoriga bo‘lgan bunday bosimni kamaytirish maqsadida yurtimizda ko‘plab ish o‘rinlari yaratilib, aholini mehnat bilan ta’minlash bo‘yicha kuchli davlat siyosati yuritilayotganiga qaramay, hozirgi kunda, tan olish kerakki, aholini mehnat bilan shug‘ullanishga bo‘lgan ehtiyojini qondirishning asosiy mexanizmi bo‘lib tashqi mehnat migratsiyasi xizmat qilmoqda.

Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning Oliy Majlisga 2019-yilda yo‘llagan Murojaatnomasida bandlik masalasi davlat siyosatining muhim masalalaridan biri ekanligiga alohida urg‘u berildi.

Nafaqat fuqarolarimizning chet elga ketish chog‘ida qonunbuzilishlari sodir etilmoqda, balki chet el fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarning ham qonunbuzilishlari bilan O‘zbekistonga ishlash va boshqa maqsadlarda tashrif buyurishining ortib borayotganligini avvalgi boblarimizda ko‘rib o‘tgan edik. Migratsiya sohasida sodir bo‘layotgan qonunbuzilishlari sifatida, respublikamiz fuqarolari tomonidan viza talab qilinmaydigan davlatlarga norasmiy ravishda chiqib ketish ko‘lami yuqoriligi va chet el fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarning mamlakatimizga kirib kelish, unda bo‘lish va mamlakatimizdan chiqib ketish qoidalariga rioya qilinmasligining oshib borayotganligini aytib o‘tishimiz mumkin. Ushbu jarayon esa, migratsiya jarayonlarini tartibga soluvchi qonunchilikni va uning ijro etilishini prokuratura tomonidan nazorat qilishni takomillashtirishni talab qilmoqda. Bu sohani rivojlantirish istiqbollarini belgilashda xorij tajribasi katta ahamiyat kasb etadi.

Xorijiy davlatlarning migratsiya munosabatlarini tartibga solish va ijrosini nazorat qilish tajribasini o‘rganishda bir narsaga guvoh bo‘lishimiz mumkin, ya’ni migratsiya sohasi rivojlangan davlatlarda migratsiya munosabatlarini tartibga solishda asosiy vakolatlar davlatning ichki ishlar organlari (politsiyasi) tomonidan amalga oshiriladi. Albatta, bu borada rivojlangan davlatlar qatorida MDH davlatlarining bu boradagi amaliyotini tahlil qilish maqsadga muvofiqdir. Zero, aynan ana shu davlatlar migratsiya munosabatlari qonunchiligi milliy qonunchiligimizga yaqinroq va uyg‘unroq hisoblanadi.

MDH davlatlari doirasida, shubhasiz, Rossiya Federatsiyasi migratsiya jarayonlarini ta’minlash faoliyati samarali yo‘lga qo‘yilgan davlatlardan biri hisoblanadi. Mamlakat MDH davlatlari orasida eng katta miqdorda migrantlarni qabul qiluvchi davlat sifatida katta amaliy tajribaga ega. Hozirgi kunda Rossiya migratsiya oqimlarini qabul qiluvchi eng yirik davlatlardan biri va 2020 yil dekabr holati bo‘yicha dunyoning to‘rtinchi eng yirik immigrant davlati hisoblanadi[1].

Har yili Rossiya Federatsiyasiga 12 million atrofida migrantlar kirib keladi. Lekin ulardan atigi 1,5 million nafari qonuniy migrant hisoblanadi. Turli xil ma’lumotlarga ko‘ra, ularning 5 milliondan 10 milliontagacha bo‘lgan qismi noqonuniy migrantlardir. Noqonuniy migratsiya Rossiyaga ijtimoiy-iqtisodiy, demografik, sanitar-epidemiologik va jinoyat nuqtayi nazardan salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi doimiy omilga aylanib qolgan. Noqonuniy migratsiya to‘g‘ridan to‘g‘ri yashirin iqtisodiyot, chet ellik migrantlar mehnatini ekspluatatsiya qilish, ularning huquq va erkinliklarini poymol qilish bilan bog‘liq bo‘lib, mamlakatdagi aholining ichki mehnat migratsiya darajasini keskin tushishiga olib keladi.

Ushbu sharoitlarda mamlakatning migratsiya sohasidagi nazorat tizimi samaradorligi kamligi sababli, ushbu sohadagi salbiy tendensiyaga qarshi ta’sir

[1] https://citizenpath/com/countries-with-the-most-immigrants/ (23.05.2021).

koʻrsata olmayapti. Bu esa mamlakatning oʻz migrantlari va chet ellik migrantlar huquqlariga rioya qilishning ta'minlanmasligiga olib kelmoqda.

Huquqshunoslar T.A.Prudnikova va N.V.Brovkolar fikricha, mamlakat Federal ijroiya organlarining migratsiya sohasidagi faoliyati ilmiy nuqtayi nazardan toʻliq tadqiq etilmagan[1]. Biroq, oʻtgan davr mobaynida migratsiyani tartibga solish sohasidagi tub islohotlar – davlatning migratsiya nazoratini ta'minlash sohasidagi boshqaruvining samarali tizimini joriy etish hamda istiqbolini belgilash imkonini berdi[2].

Migratsiya sohasida davlat boshqaruvini takomillashtirish maqsadida Rossiya Federatsiyasi Prezidentining farmoniga asosan (05.04.2016 y. PF-156-son farmoni) Federal migratsiya xizmatining faoliyati tugatilib, uning vazifalari va vakolatlari (tashkiliy shtat birliklari ham) Ichki ishlar vazirligi zimmasiga yuklatildi[3]. Bu orqali, yagona migratsiya hisobini yuritish va tahlil qilish hamda migratsiya jarayonlarini tartibga soluvchi yangi tizim – Migratsiya masalalari bosh boshqarmasi hamda uning hududiy boʻlinmalari qayta tashkil etildi. Natijada, mamlakatda migratsiya jarayonlarini samarali baholash mexanizmi shakllandi.

Rossiya Federatsiyaning 18.07.2006 yildagi 103-sonli "Rossiya Federatsiyasida xorijiy fuqarolar va fuqaroligi boʻlmagan shaxslarning migratsiya hisobi toʻgʻrisida"gi Qonuni bilan IIVning migratsiyaga doir statistikani yuritish, qayd etish, monitoring qilish hamda ijro organlarining bu boradagi faoliyatini muvofiqlashtirish sohasidagi vakolatlari huquqiy kafolatlandi[4]. Bundan tashqari, "Politsiya toʻgʻrisida"gi Qonunga (07.02.2011y. № 3-FZ, 17-m.) muvofiq, mazkur turdagi axborotlar IIVning ma'lumotlar bazasiga kiritilganligini koʻrish mumkin [5].

Shuni aytish mumkinki, migratsiya hisobini yuritish vakolatini Ichki ishlar organiga berish orqali shaxslarning Rossiya hududiga erkin harakatlanish huquqi kafolatlanadi va noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashishning samarali mexanizmi ta'minlanadi.

Rossiya Federatsiyasining chegarasini kesib oʻtuvchi migratsiya huquqiy munosabatlarining huquqiy holati koʻplab federal qonunlar bilan tartibga solinadi. Shulardan eng asosiylari 01.04.1993 yildagi "Rossiya Federatsiyasining davlat chegarasi toʻgʻrisida"gi va 15.08.1996 yildagi "Rossiya Federatsiyasidan chiqish va Rossiya Federatsiyasiga kirish toʻgʻrisida"gi Qonunlardir.

---

[1] Прудникова Т.А., Бровко Н.В. Деятельность отдельных федеральных органов исполнительной власти в сфере миграции. Вестник Московского университета МВД России. 2018 (4): – С. 291.

[2] Грачева М.Л. Глобальное и региональное измерение миграционных процессов: Научно-аналитический вестник. – Москва.: ИЕ РАН, 2020, №1. – С. 123-128.

[3] Указ Президента Российская Федерации от 05 апреля 2016 года № 156 «О совершенствовании государственного управления в сфере контроля за оборотом наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров и в сфере миграции» // http://www.consultant.ru/document/cons _doc_LAW _196285/(мурожаат вақти:23.05.2021).

[4] Закон Российская Федерации от 18 июля 2006 года № 109-ФЗ (ред. от 01.05.2019) «О миграционном учете иностранных граждан и лиц без гражданства в Российской Федерации» // http://www.consultant.ru/cons /cgi/online.cgi?req=doc&base=LAW&n (мурожаат вақти: 23.05.2021).

[5] Закон Российская Федерации от 07 февраля 2011 года № 3-ФЗ (ред. от 06.02.2020) «О полиции» // http://www.consultant.ru/cons /cgi/online.cgi?req =doc&base=LAW&n=344851&fld (мурожаат вақти: 23.05.2021).

O‘zbekiston Respublikasida Ichki ishlar vazirligining Migratsiya va fuqarolikni rasmiylashtirish bosh boshqarmasi va Terrorizm va ekstremizmga qarshi kurashish bosh boshqarmasi mamlakat fuqarolari, chet el fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarni Rossiya Federatsiyasi hududida doimiy va vaqtincha yashash hamda turgan joyi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazish hamda unga rioya etilishini nazorat qilish, noqonuniy migratsiyani oldini olish va unga qarshi kurashish chora-tadbirlarini ishlab chiqish bilan Rossiyada ushbu vakolatlar Rossiya Federatsiyasi Ichki ishlar vazirligining Migratsiya masalalari bosh boshqarmasi tomonidan amalga oshiriladi[1].

Rossiya Federatsiyasida chet ellik fuqarolar va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarning huquq va erkinliklarini tartibga soluvchi asosiy qonun hujjati 25.07.2002y.dagi “Rossiya Federatsiyasida xorijiy fuqarolarning huquqiy holati to‘g‘risida”gi Qonun bo‘lib, unga asosan chet ellik fuqarolar va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarning mamlakatda yashash, mehnat faoliyati bilan shug‘ullanishi uchun barcha kerakli chora-tadbirlarni amalga oshirish tartibi belgilangan. Ushbu qonunning eng muhim jihati tenglik ta’minlangan bo‘lib, chet ellik fuqarolar ayrim istisno holatlarni hisobga olmaganda, Rossiya Federatsiyasi fuqarolari bilan bir xil huquq va majburiyatlarga ega bo‘lishi mustahkamlangan.

Rossiya Federatsiyasidagi migrantlarning katta qismini O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari tashkil qilganligi sababli, migrantlarning huquq va majburiyatlarini tartibga soluvchi Rossiya qonunlari mamlakatimiz, uning fuqarolari uchun ham to‘g‘ridan to‘g‘ri ahamiyat kasb etadi. Mamlakatimizdan Rossiya Federatsiyasiga borib ishlayotgan fuqarolarimizning huquqlari buzilishini oldini olish, ularning huquq va erkinliklari buzilgan holatlarda huquqiy yordam berish amaliyotini rivojlantirish masalasida Rossiya Federatsiyasi bilan ikki tomonlama tadbirlar amalga oshirilsa, maqsadga muvofiq bo‘lar edi. Jumladan, Rossiya Federatsiyasiga ishlash maqsadida ketayotgan mehnat migrantlarimizning huquq va qonuniy manfaatlarini qo‘llab-quvvatlash, noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashishda o‘zaro hamkorlikni yanada mustahkamlash, shuningdek muvofiqlashtirish maqsadida, Rossiya Federatsiyasi Ichki ishlar vazirligining pasport-viza xizmati vakolatxonasini O‘zbekiston Respublikasida ochish va unda vaqtinchalik mehnat faoliyatini amalga oshirishga ruxsatnoma (patent)ni tayyorlash, rasmiylashtirish va berish xizmatlarini ko‘rsatish tizimi muayyan darajada amaliyotga joriy etilganligi ham katta amaliy ahamiyatga ega bo‘ldi[2].

MDH doirasida migratsiya sohasini huquqiy tartibga solishda katta amaliy tajribaga ega bo‘lgan davlatlardan Belarus va Ozarbayjon Respublikalari tajribasidan ham katta foyda olish mumkin.

Belarus Respublikasi migratsiya oqimlarini boshqarishda MDH davlatlari orasida yetakchi o‘rinlarda turadi va ushbu davlatlar doirasida samarali migratsiya siyosatini amalga oshiradi, MDH ishtirokchi-davlatlarining **Kelishilgan migratsiya**

[1] Эгамбердиев Б.И. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. фалс. докт. ... дисс. автореф. – Т.: ИИВ Академияси, 2021. – Б. 114.

[2] Эгамбердиев Б.И. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. фалс. докт. ... дисс. автореф. – Т.: ИИВ Академияси, 2021. – Б. 227.

siyosati to‘g‘risidagi Deklaratsiya bilan bayon etilgan prinsiplarni amalga oshirishda faol ishtirok etadi.

Belarus bir tarafdan Yevropa Ittifoqi davlatlari (Latviya, Litva va Polsha) bilan, boshqa bir tomondan MDH davlatlari (Rossiya va Ukraina) bilan qo‘shni davlat hisoblanadi. Mamlakatning geografik joylashuvi, barqaror siyosiy va iqtisodiy holati ko‘plab chet ellik migrantlarni, asosan, MDH va Boltiqbo‘yi davlatlaridan migrantlarni jalb etib kelmoqda.

Belarus Respublikasining tashqi mehnat migratsiyasi sohasidagi migratsiya siyosati ishchi kuchini import va eksport qilishni takomillashtirishga, xorijiy ishchi kuchining nazorat qilinmaydigan oqimidan himoya qilishga va chet eldagi Belarus fuqarolarini ish bilan ta’minlash orqali ichki mehnat bozoridagi holatni yumshatishga qaratilgan.

Respublikada chet ellik migrantlarni va chet eldagi Belarus fuqarolarini jalb qilish bo‘yicha faoliyatni amalga oshirishning litsenziyalashgan tartibi o‘rnatilgan. Ushbu faoliyat turi Belarus Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tomonidan beriladigan ruxsatnoma (litsenziya) asosida faoliyat yuritadigan yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan amalga oshiriladi.

Mamlakatda noqonuniy migratsiya va odam savdosiga qarshi kurashuvchi davrlar organlari orasida IIO organlari alohida o‘ringa ega. Belarus Respublikasi Prezidentining 30.12.2003y.dagi “Belarus Respublikasi ichki ishlar organlari va bo‘linmalari tizimini takomillashtirish choralari to‘g‘risida”gi farmoni bilan Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining Migratsiya boshqarmasi hamda IIV pasport-viza xizmatlari va migratsiya masalalari boshqarmasi negizida IIV Fuqarolik va migratsiya Departamenti hamda uning hududiy bo‘linmalari tashkil etildi[1].

Departamentning asosiy vazifalaridan bir sifatida: mamlakatdan fuqarolarning chiqishi, qaytib kelishi va yashash joyini tanlashi; chet el fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarning respublikada bo‘lish qoidalariga rioya etishini ta’minlash; tashqi mehnat migratsiyasini tartibga solish; migratsiya jarayonlari va holati ustidan davlat nazoratini amalga oshirish; noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashish, shuningdek davlat organlari (xorijiy mamlakatlar bilan ham) bilan migratsiyaga doir elektron axborot almashish jarayonlari huquqiy kafolatlandi.

Shu bilan birga, mamlakatning ichki va tashqi mehnat migratsiyasini tartibga solish sohasidagi ayrim muammolar – mehnat migratsiyasini samarali boshqarish va nazorat qilish ehtiyojini yanada orttirdi. Natijada, Belarus Respublikasining “Tashqi mehnat migratsiyasi to‘g‘risida”gi (05.01.2016 y. №353-Z bilan to‘ldirildi) Qonuniga muvofiq IIO – davlatning mehnat migratsiyasi sohasidagi siyosatini ta’minlovchi yagona subyektiga aylantirildi. Unga ko‘ra, xorijda ishga joylashtirish bilan bog‘liq faoliyatni litsenziyalash vakolatining IIV fuqarolik va migratsiya departamentiga berilishi (O‘zbekistonda ushbu vakolat Tashqi mehnat migratsiyasi

[1] Указ Президента Республики Беларусь от 30 декабря 2003 года № 603 «О некоторых мерах по совершенствованию системы органов и подразделений внутренних дел Республики Беларусь» // https:// belzakon.net //Законодательство Указ_Президента_РБ/2003/5121 (мурожаат вақти: 09.09.2020).

masalalari agentligi tomonidan hal etiladi) IIOning noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashish amaliyotini samarali tashkil etish imkonini berdi[1].

Eng muhim chora-tadbirlardan biri shuki, har yili Ichki ishlar vazirligi tomonidan noqonuniy migratsiya va davlat chegarasini qonunga xilof kesib o‘tishga qarshi kurashish maqsadida shartli ravishda “nolegal” nomli tezkor-profilaktik tadbirlar amalga oshirilib turadi va bu mamlakatda migratsiya qonunchiligi sohasida qonunbuzilishlarining oldini olishda samarali ahamiyat kasb etadi.

Ozarbayjon Respublikasida migratsiya sohasini tartibga solishdagi tajribasi ham o‘ziga xos. Mamlakatda alohida Migratsiya kodeksi qabul qilingan bo‘lib, Kodeks bilan migratsiya sohasidagi huquqiy munosabatlar atroflicha tartibga solingan. Migratsiya kodeksi birinchidan, Ozarbayjon Respublikasi fuqarolari, chet el fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarning Respublika hududiga kirishi, chiqishi va bo‘lish qoidalariga rioya etishlarini ta’minlash; ikkinchidan, yagona migratsiya hisobini yuritish orqali migratsiya jarayoni subyektlarining huquqlari va majburiyatlarini kafolatlash; uchinchidan, noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashishda davlat organlari hamkorligini muvofiqlashtirib borish imkoniyatini tug‘dirdi. Mazkur kodeksning 5-moddasiga asosan migratsiya jarayonlarining ishtirokchilari sifatida quyidagilar belgilab berilgan:

1. Migratsiya munosabatlarini boshqarishda va tartibga solishda qatnashuvchi, shuningdek ushbu sohada davlat nazoratini amalga oshiruvchi davlat organlari;

2. Chet elga chiqib ketgan, u yerda vaqtinchalik haq to‘lanadigan mehnat faoliyati bilan shug‘ullanuvchi Ozarbayjon Respublikasi fuqarolari;

3. Chet el fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarni Ozarbayjon Respublikasiga jalb qiluvchi va Respublikada ularni ro‘yxatga olish jarayonida qatnashuvchi shaxslar;

4. Viza yoki vizasiz tartibda Ozarbayjon Respublikasiga keluvchi, vaqtinchalik shu yerda yashovchi va haq to‘lanadigan mehnat faoliyat bilan shug‘ullanishga ruxsat olgan chet el fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslar;

5. Tashkiliy-huquqiy shaklidan qat’iy nazar, chet ellik fuqarolar va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarni Ozarbayjon Respublikasiga taklif qilishga yo‘naltirilgan tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanuvchi, shuningdek ularning vaqtinchalik mamlakatda bo‘lish, vaqtinchalik bo‘lish muddatini uzaytirish, ro‘yxatga olish va mehnat migratsiyasi hamda vaqtinchalik va doimiy yashash uchun ruxsat berish faoliyati bilan shug‘ullanuvchi korxona, muassasa va tashkilot, ularning filiallari va xorijiy tashkilotlarning vakolatxonalari;

6. Ozarbayjon Respublikasida ro‘yxatdan o‘tgan va Ozarbayjon Respublikasi fuqarolarini chet ellarda mehnat faoliyati bilan ta’minlashda vositachilik bilan shug‘ullanuvchi yuridik shaxslar.

Respublikada migratsiya sohasidagi davlat siyosatini amalga oshiruvchi asosiy vakolatli davlat organi Ozarbayjon Respublikasining Davlat Migratsiya Xizmati hisoblanadi. Ushbu davlat organi Ozarbayjon Respublikasi Prezidentining 2007 yil

[1] Закон Республики Беларусь от 30 декабря 2010 года № 225-ФЗ (ред. от 05.01.2016) «О внешней трудовой миграции» // http://www.consultant .ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=LAW&n (мурожаат вақти: 25.05.2021).

19 martdagi qaroriga asosan tashkil qilingan bo‘lib, 2009 yil 8 aprelda huquqni muhofaza qiluvchi davlat organi maqomi berilgan[1].

Migratsiya sohasida maxsus vakolatli davlat organi Davlat Migratsiya Xizmati bo‘lsa-da, ushbu sohani tartibga solishda Ichki ishlar vazirligining ham ahamiyati kattadir. Jumladan, Ichki ishlar vazirligining Pasport, ro‘yxatga olish va migratsiya bosh boshqarmasi va uning hududiy bo‘limlari noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashish va uning oldini olishda alohida vazifalarni amalga oshiradilar.

Mamlakatda migratsiya siyosatini samarali amalga oshirishga imkoniyat tug‘dirgan asosiy omillardan biri bu Ozarbayjon Respublikasining Migratsiya kodeksining qabul qilinganligidir. Ushbu Kodeks orqali mamlakat fuqarolari, chet el fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarning mamlakat hududiga kirishi, chiqishi va bo‘lishi qoidalari mustahkamlandi. Shuningdek, migratsiya munosabatlari subyektlarining huquq va majburiyatlari kafolatlanib, noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashishda davlat organlari hamkorligini muvofiqlashtirishga erishildi[2].

Mazkur kodeksning 6.3-moddasiga ko‘ra, migratsiyaga oid ma’lumotlar: migratsiya sohasidagi davlat siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirish; chet el fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarning huquqlari va majburiyatlarini bajarilishini ta’minlash; migrantlar harakatiga doir axborotlarni to‘plash, tahlil qilish va tizimlashtirish orqali migratsiya jarayonlarini bashorat qilish; noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashgan holda jamoat tartibi va xavfsizligini ta’minlash maqsadida Yagona Migratsiya Axborot tizimi (Vahid Miqrasiya Məlumat Sistemi) orqali hisobga olinadi[3].

Migratsiya sohasini tartibga solishda Yevropa mamlakatlari orasida Germaniya Federativ Respublikasi ilg‘or tajribasi bilan ajralib turadi. Sababi, immigratsiya oqimi bo‘yicha GFR dunyoda AQSHdan so‘ng ikkinchi o‘rinda turadi va ushbu omil mamlakatning immigratsiya siyosatini kuchaytirishni va qonunchilikni tartibga solish zaruriyatini vujudga keltirgan. Mamlakatning “xorijiy fuqarolar”ni immigratsiya qonunchiligiga rioya etilishini ta’minlash sohasidagi ilg‘or tajribasi – ko‘plab mamlakatlar huquqni qo‘llash amaliyoti uchun namuna bo‘lib xizmat qilmoqda[4].

Biroq, chet ellik shaxslarning mamlakatda noqonuniy mehnat qilishi, yashashi va kirib kelishiga bo‘lgan imkoniyat ham yuqoriligi to‘g‘risida ilmiy adabiyotlarda aytiladi [5]. Statistik ma’lumotlarga qaraganda, Germaniya 2018-yilda 13,5 mln. migrantlarni qabul qilgan bo‘lib, ularning 48 % - oila, 19% - mehnat, 15% - siyosiy

---

[1] Azərbaycan Respublikası Dövlət Miqrasiya Xidməti veb-sayt: https://www.migration. gov.az/about/dmx (25.05.2021).

[2] Эгамбердиев Б.И. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. falc. докт. ... дисс. автореф. – Т.: ИИВ Академияси, 2021. – Б.120.

[3] Миграционный Кодекс Азербайджанской Республики от 2 июля 2013 года № 713-IVQ. Газета «Республика» (№ 256 от 23 ноября 2014 года; Сборник Законодательных // http://www.cisstat.com/migration/cis_low /1_AZ_ Migration% 20Code%20of%20the%20Azerbaijan% (2018).pdf (мурожаат вақти: 31.05.2021).

[4] Елисеев А.В., Дорошенко О.М. Актуальные проблемы применения административно-правовых мер противодействия незаконной миграции в зарубежных странах // Миграционное право. 2018. N 1. – С. 28-32.

[5] Олигер Р. Нелегальная миграция в Германию: новый вызов 90-х годов // Мировой опыт миграционной политики: ретроспектива и новейшие тенденции / Под ред. Г. Витковской, МОМ. – М.: Гендальф, 2004. – С. 260-261.

boshpana, 5% - ta’lim maqsadida kelgan immigrantlar bo‘lgan. GFRda immigrantlar sonining bunday darajada oshib borishiga sabab mamlakat iqtisodiyotining keskin ravishda rivojlanib borayotganligi va buning natijasida ishchi kuchiga bo‘lgan ehtiyojning oshib borayotganligi sabab bo‘lgan. Natijada, mamlakat hukumati chet el davlatlari bilan ishchi kuchini jalb qilish to‘g‘risida ko‘p bora ikki tomonlama shartnomalar imzolagan.

Mamlakatda bunchalik katta miqdordagi immigrantlar oqimini samarali tartibga solish amaliyoti mamlakatda migratsiya boshqaruv mexanizmlarining tashkiliy-huquqiy tartibga solinganligi bilan bog‘liq.

Yevropa Ittifoqiga a’zo bo‘lmagan davlatlarning fuqarolari GFRda bo‘lishlari uchun bir qator hujjatlar bo‘lishi talab qilinadi. Ular qatoriga quyidagilarni kiritishimiz mumkin:

Mamlakatga kirish va vaqtinchalik bo‘lishga ruxsat teruvchi viza;

Mamlakatda vaqtinchalik bo‘lishga cheklangan ruxsatnoma;

“Yevropa Ittifoqining ko‘k kartasi” – yuqori malakali mutaxassislar uchun;

Germaniyada muddatsiz bo‘lishga ruxsat beruvchi hujjat;

Uzoq muddatga bo‘lish uchun ruxsatnoma.

GFRda Migratsiya jarayonlarini tartibga soluvchi organlar tizimiga: GF Parlamenti (Bundestag und Bundesrat); Federal hukumati; Ichki ishlar vazirligi huzuridagi Migratsiya va qochoqlar masalalari bo‘yicha Federal idora; Tashqi ishlar vazirligi; Bandlik va ijtimoiy masalalar bo‘yicha Federal vazirligi; Migratsiya, Qochoqlar va Integratsiya bo‘yicha hukumat Komissiyasi bilan birga Federal politsiya idoralari zimmasiga ham maxsus vazifalar yuklatilgan.

Ular orasida asosiy vakolatli organ GFR Ichki ishlar vazirligiga huzuridagi Migratsiya va qochoqlar masalalari bo‘yicha federal idora hisoblanadi. Ushbu federal idora quyidagi bir qator yo‘nalishlar bilan shug‘ullanadi:

Germaniyada siyosiy boshpana olish to‘g‘risidagi arizalar bo‘yicha qaror qabul qilish;

Immigrantlarni integratsiya qilish bo‘yicha milliy dasturni ishlab chiqish;

Sobiq SSSR davlatlaridan yahudiy immigrantlarni qabul qilish;

Qochoqlarning ommaviy oqimi bilan bog‘liq masalalarni tartibga solish.

GFRning migratsiya siyosatini tubdan isloh qilish bo‘yicha 2004 yilda “Immigratsiya to‘g‘risida”gi (Zuwanderungsgesetz) Qonunning qabul qilinishi (2005 yil 1 yanvarda kuchga kirgan) – Federal Ichki ishlar vazirligining (Bundesministerium des Innern) immigrantlar bilan bog‘liq terrorizmga qarshi kurashish faoliyatini, shuningdek uning asosiy nazorat subyekti bo‘lgan Federal politsiya xizmatining (Bundespolizei) esa, mamlakatda bo‘lish huquqiga ega bo‘lmagan shaxslarni vataniga qaytarish (deportatsiya qilish) orqali noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashishga doir faoliyatini huquqiy kafolatlash imkonini berdi[1].

[1] Карачурина Л.Б. Иммиграционная политика Германии: успешный – неуспешный опыт // Мироваяэкономика и международные отношения. 2008. – С. 57.

Yuqorida koʻrib chiqilgan davlatlarning prokuratura toʻgʻrisidagi qonunchiligini oʻrganib, ayrim farqli jihatlarini koʻrishimiz mumkin. Rossiya Federatsiyasining "Prokuratura toʻgʻrisida"gi Qonunining 21-moddasiga asosan, nazorat predmetlari Oʻzbekiston Respublikasi "Prokuratura toʻgʻrisida"gi Qonundagi nazorat predmetlariga nisbatan kengroq boʻlib, unda shuningdek, majburiy ushlab turish joylaridagi shaxslarga jamoatchilik nazorati va yordam koʻrsatish subyektlarining, tijorat va notijorat tashkilotlarining boshqaruv organlari va rahbarlari tomonidan Rossiya Federatsiyasi Konstitutsiyasi va qonunlariga rioya qilinishi ham Rossiya Federatsiyasi prokuraturasining nazorat predmetiga kiradi. Ushbu holat Rossiya Federatsiyasining prokuraturasining nazorat qilish doirasi ancha keng qamrovliligidan dalolat beradi.

Shuningdek, Rossiya Federatsiyasining "Prokuratura toʻgʻrisida"gi Qonunining yana bir oʻziga xos jihatlaridan, nazorat tekshiruvlarini oʻtkazishga oid talablar aniq belgilab qoʻyilgan. Ya'ni tekshirish oʻtkazish toʻgʻrisidagi qaror prokuror tomonidan yoki uning oʻrinbosari tomonidan qabul qilinadi va oʻsha kundan kechiktirmasdan tekshirish oʻtkazilayotgan organ (tashkilot) rahbariga yoki boshqa vakolatli shaxsga qaror yetkaziladi.

Qonunda, shuningdek tekshirish oʻtkazish kuni muddati ham belgilangan boʻlib, nazorat tekshiruvi 30 kundan oʻtib ketmasligi kerak. Muddatni uzaytirishga zarurat tugʻilgan vaziyatlarda, faqatgina Rossiya Federatsiyasining Bosh prokurori yoki u tomonidan vakolat berilgan oʻrinbosari tomonidan yana 30 kunga uzaytirilishi mumkinligi belgilangan.

Belarus prokuraturasining oʻziga xos jihati Belarus Respublikasi Bosh prokurori ijro etuvchi hokimiyatga hisobdorligini koʻrishimiz mumkin, ya'ni Bosh prokuror Prezidentga hisobdor. Chunki, Belorus Respublikasining Prezidenti esa mamlakat konstitutsiyasiga asosan, ijro etuvchi hokimiyat boshligʻi hisoblanadi. Belorus Respublikasida prokuror nazoratining muhim jihatlaridan biri shuki, prokuratura sud qarorlarining ham qonunga muvofiqligini nazorat qiladi. Mazkur norma mamlakat Konstitutsiyasidagi hokimiyatlar boʻlinishi prinsipiga xilof normalardan biri hisoblanadi.

Ozarbayjon Respublikasining qonunchiligini oʻrganadigan boʻlsak, unda Bosh prokuror lavozimini tayinlash va ozod qilishning milliy qonunchiligimizdan farqini koʻrishimiz mumkin, ya'ni Bosh prokuror Milliy Majlis (Qonun chiqaruvchi hokimiyat) tomonidan lavozimiga tayinlanadi, ammo Prezident tomonidan Milliy Majlis bilan kelishib lavozimidan ozod qilinadi.

Ozarbayjon Respublikasining "Prokuratura toʻgʻrisida"gi Qonunining VIII bobi "**Prokuratura ustidan nazorat**" deb nomlangan boʻlib, unga asosan, prokuratura ustidan Milliy majlis nazorati, Prezident nazorati va sud nazorati belgilangan. Prokuratura ustidan Milliy majlis nazorati va Prezident nazorati prokuraturaning ularning oldida hisobdorligini nazarda tutsa, ya'ni prokuratura oʻz faoliyati haqida ularni doimiy xabardor qilib turishini nazarda tutsa, sud nazoratiga koʻra, sud qarori asosida Konstitutsiyada belgilangan fuqarolarning huquq va erkinliklarini, qonunda belgilangan holatlarda va tartibda cheklovchi protsessual harakatlarni prokuratura tomonidan amalga oshirishga yoʻl qoʻyilishi nazarda tutiladi.

Yuqorida ko‘rib chiqilgan davlatlarning tajribasini milliy qonunchiligimizda samarali foydalanish qonunlar ijrosi ustidan prokuror nazoratini takomillashtirishda va shu tariqa migratsiya sohasidagi qonunbuzilishlarni oldini olish, o‘z vaqtida aniqlash va ularni bartaraf qilishda muhim ahamiyatga ega.

Yuqorida biz ko‘rib chiqqan nazariy va amaliy misollardan shunday xulosaga kelishimiz mumkinki, migratsiya masalalarini samarali tartibga solishga erishgan xorijiy mamlakatlarda migratsiya sohasini tartibga soluvchi alohida qonun (Ozarbayjonda Migratsiya kodeksi) ishlab chiqilgan va ushbu omil migratsiya sohasidagi munosabatlarni samarali tartibga solishda muhim omil hisoblanadi. Shuningdek, mazkur mamlakatlarda migratsiya munosabatlari bilan bir nechta davlat organlari shug‘ullansada, ular orasida Ichki ishlar organlari mamlakatda migratsiya siyosatini yuritishda, ayniqsa, mamlakatda migrantlar hisobini yuritish, xorijiy fuqarolarga fuqarolikni berish masalalari bilan shug‘ullanishdagi vakolatlari bilan, noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashishdagi vakolatlari bilan alohida o‘rin tutadi. Shu sababdan, migratsiya sohasidagi munosabatlarni takomillashtirishda xorijiy mamlakatlar tajribasidan samarali foydalangan holda qonunchilik bazasini takomillashtirish, “Migratsiya to‘g‘risida”gi Qonunni qabul qilish, hamda migratsiya sohasidagi vakolatli davlat organlari, xususan Ichki ishlar organlari tomonidan migratsiya qonunchiligi ijrosi ustidan prokuror nazoratini takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Yuqorida aytilgan fikr-mulohazalar hamda amaliyot tahlillariga tayanib, shunday xulosaga kelish mumkinki, mamlakatimizda migratsiya jarayonlarini tubdan isloh qilishning keyingi bosqichida uni tartibga soluvchi IIOning zimmasidagi ayrim vakolatlar kelgusida boshqa davlat organlariga muayyan darajada yuklatilsa ham, shaxsning erkin harakatlanishga doir huquqlarini ta’minlash, noqonuniy migratsiya bilan bog‘liq faktlariga imkon beruvchi sabablar va shart-sharoitlarni o‘rganish, oldini olish, aniqlash va ularga barham berish orqali davlatning migratsiya nazoratini ta’minlash sohasidagi funksiyasini bevosita amalga oshiruvchi vakolatli organ bo‘lib qoladi. Shu nuqtayi nazardan migratsiya sohasidagi qonunchilik ijrosini ta’minlashda prokuratura organlari asosiy e’tiborni ushbu sohadagi qonunchilik ijrosi ustidan nazoratni IIO organlariga ko‘proq qaratishlari muhim, deb hisoblaymiz.

III. ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

ШАЙЗАКОВ ШОДИЯР ИБРАГИМОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Илмий инновацион тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий ходимларни тайёрлаш маркази бошлиғи, ю.ф.ф.д. (PhD), доцент

КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯ СУДИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИ МИСОЛИДА)

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаёган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш билан бир қаторда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш имконини бермоқда. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришга, шунингдек, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши эса инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга замин яратди.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни[1] билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига (кейинги ўринларда ФПК) кассация институти кириб келди.

Маълумки, кассация инстанцияси суд қарорларини қайта кўриш институти сифатида фуқаролик процессуал қонунчилигида узоқ ўтмишда мавжуд бўлган соҳалардан бири ҳисобланади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, масалан, Ўзбекистон ССР (кейинги ўринларда ЎзССР) Марказий Ижроия Қўмитаси Президиумининг 1924 йил 13 декабрдаги 4-сон қарорига асосан РСФСР Олий судининг Туркистон бўлими ўрнига ташкил этилган ЎзССР Олий судининг ваколатлари қаторида қуйи судлар томонидан кўрилган ишларни кассация тартибида кўриб ҳал этиш белгиланган эди.[2]

1927 йилда қабул қилинган ЎзССР Гражданлик процессуал кодексининг 248-моддасига асосан ишда иштирок этувчи шахслар томонидан суд

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҚонуниҚонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.12.2023 й., 03/23/887/0972-сон

[2] Ўзбекистон Миллий Давлат архиви маълумотлари, Фонд Р-1714, 9-сонли рўйхат

қарорлари устидан кассация тартибида туман судига ёки тегишли тартибда Олий судга шикоят қилиши мумкин бўлган[1].

Ушбу Кодексга мувофиқ, кассация шикоятида нотўғри деб ҳисобланган қарор, қарорнинг нотўғри эканлигини асословчи ҳолатлар, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳақидаги илтимоси кўрсатилиши лозим бўлган. Шунингдек, суд қарорини қуйидаги иккита асос билан бекор қилиш белгиланган:

1) амалдаги қонун нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши ёки ушбу Кодекснинг 4-моддасида кўрсатилган асослардан бирининг мавжудлиги;

2) ишни ҳал этган суд томонидан аниқланган ҳолатларнинг ишнинг ҳақиқий ҳолатига қарама-қаршилиги.

Мазкур даврда суд ҳужжатларини қайта кўриш институти сифатида кассация инстанцияси сўнги босқич вазифасини ўтаган.

1938 йилги ЎзССР Гражданлик процессуал кодексига ўзгартиришлар киритилиб, кассация тартибида шикоят ёки протест келтириш мукин бўлмаган бир қанча ишлар тоифаси санаб ўтилган[2].

Кейинчалик, 1963 йилги ЎзССР Гражданлик процессуал кодекси республика Олий суди, Қорақалпоғистон АССР Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларини қуйи судлар томонидан биринчи инстанция сифатида кўрилган ишларни кассация тартибида қайта кўрувчи суд инстанциялари сифатида белгилаб берди[3]. Шунингдек, кассация тартибида иш юритиш қоидалари ва тартиби ўтган давр қонунларига нисбатан бир мунча такомиллашганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан то 2000 йилга қадар суд ҳужжатларини қайта кўриш босқичи сифатида кассация инстанцияси тартибида иш юритилган.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни билан процессуал қонунчиликка апелляция суд инстанциясига оид нормаларнинг кириб келиши муносабати билан кассация институтининг моҳияти ва мақсади ўзгарди[4].

Агарда, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги 477-I-сон Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (кейинги ўринларда ФПК) қабул қилингунига қадар кассация институти қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатларига нисбатан келтирилган кассация шикоятлари (протестлари) асосида ишларни қайта кўриш тартибини белгилаган бўлса, Кодекснинг юқорида қайд этилган

---

[1] Гражданский процессуальный кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики. Издание юридического Издательства при Управлении делами СНК УзССР. -Самарканд -22.10. 1927 г. -С.34.

[2]Гражданский процессуалный кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики. Государственное Издательство Президума Верховного совета и СНК УзССР. Ташкент - 1938 г. С.53.

[3] Гражданский процессуалный кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики. Т., Госиздат УзССР. 1963 г. С.115-126.

[4] Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 2000 й.14 декабрь ЎРҚ-162 II

таҳрири қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкинлигини белгилаб берди[1].

Ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов ушбу даврдаги кассация институтининг жиҳатлари ҳақида тўхталиб, қуйидагилар таъкидлаб ўтади: “фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш мақсадида апелляция босқичи суди 2000 йилдан фаолият кўрсата бошлади. Кассация суди эса ўзининг янги хусусиятлари билан эътироф этиладиган бўлди. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра кассация тартибида иш кўриш институтидан 2000 йил декабрига қадар фуқаролик ишларини судда қайта кўришда иккинчи инстанция суди сифатида фойдаланиб келинган ва шу асосида қонуний кучга кирмаган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримларига шикоят бериш, прокурор эса, протест келтириш ҳуқуқидан фойдаланилган эди. Айни вақтда кассация инстанция судида апелляция судининг айрим элементларини сақлаб, у ҳар икки босқич судларининг ваколатларини бажарган дейишликка тегишли асослар мавжуд бўлган деб таъкидланса, хатоликка йўл қўйилмаган бўлади, деган фикр туғилади”[2].

Ўтган йиллар давомида бир неча маротаба кассация шикояти (протести) бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси, билан боғлиқ ўзгартишлар киритилди.

Чунончи, ФПКнинг 2014 йил 14 майдаги таҳририга кўра қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар кассация тартибида шикоят бериши ва прокурор протест келтириши мумкинлиги белгиланди[3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[4] ПФ-4850-сон Фармони талаблари асосида фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддати уч йилдан бир йилга қисқартирилганлиги боис шарҳланаётган

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 1997 й. / https://lex.uz/docs/186105

[2] Ш.Ш.Шорахметов Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар.Тошкент-2007й.,803-б.

[3] Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-372-сон Қонуни / https://lex.uz/docs/2388207

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармони / https://lex.uz/docs/3050491

норманинг 2017 йил 29 мартдаги таҳрири қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан улар қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида кассация тартибида шикоят (протест) бериш тартибини белгилаб берди[1].

Мазкур норманинг амалдаги таҳрири эса биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ҳамда апелляция инстанцияси судининг ажримига нисбатан кассация шикояти (протести) берилиши билан боғлиқ ҳамда кассация шикояти бериш субъектлари қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ваколатларига оид қоидаларни белгилаб берди. Шунингдек, амалдаги норма прокурорнинг кассация протести келтириш ваколатларини Кодексда белгиланган ҳоллар билан боғлаб берди[2].

Шу нуқтаи назардан кассация институтининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гап кетганда, қуйидагиларни санаш мумкин:

– кассация тартибида ишларни қайта кўришнинг объекти қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатлари ҳисобланади;

– кассация тартибида кассация шикояти (протести) бериш субъектлари сифатида даставвал тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар белгиланган бўлса, кейинчалик амалиётда юзага келаётган муаммолар сабаб тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар билан бир қаторда, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар ҳам киритилди;

– кассация тартибида кассация шикояти (протести) бериш субъектлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил алоҳида кўрсатилди;

– прокурорнинг кассация протести келтириш ваколатларида жиддий ўзгаришлар белгиланди;

– кассация шикояти (протести) бериш муддатлари даставвал суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан ҳисобланиши ҳамда дастлаб ўн кунлик, кейинчалик бир йиллик муддатни назарда тутган бўлса, ҳозирда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилиши белгиланди.

Қайд этиш лозимки, кассация институтида иш қайта кўрилиши биринчи ёки апелляция инстанцияси судлари ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослилиги, улар томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини ва процессуал қонун талабларига риоя этилишини таъминловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

[1] https://lex.uz/docs/3146366
[2] https://lex.uz/docs/5213920

ҚУЧҚАРОВ ҲАМИДУЛЛО АБДУРАСУЛОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Илмий-инновацион тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий ходимларни тайёрлаш маркази прокурори ю.ф.ф.д., доцент

МЕҲНАТГА ОИД НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Янги таҳрирдаги меҳнат кодексининг 559-моддасида якка тартибдаги меҳнат низосининг кўриб чиқилиши учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга шахслар ва давлат органлари белгиланган бўлиб, мазкур норманинг янги ва аҳамиятли жиҳати сифатида айтиш мумкинки, эндиликда адлия органлари қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат низосининг кўриб чиқилиши учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

1996 йил 1 апрелдан кучга кирган ва 2023 йил 30 апрелга қадар амалда бўлган меҳнат кодексининг 268-моддасида меҳнат низосини кўришни сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга субъектлар кўрсатиб ўтилган бўлиб, янги таҳрирдаги кодексдан фарқли равишда адлия органлари мазкур рўйхатда назарда тутилмаган эди.

Шундай бўлсада, ўтган вақт мобайнида адлия органлари томонидан фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга даъво аризалар киритиш амалиёти қўлланиб келар ва бунинг ҳуқуқий асоси сифатида эски меҳнат кодексининг 9-моддаси учинчи қисми, яъни давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини текширишни қонунда белгиланган тартибда амалга оширадилар деган қоидага, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги[1] низомга асосланар эди.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 559-моддаси тўртинчи бандига мувофиқ, энди адлия органлари қонунчиликда белгиланган тартибда адлия органлари якка тартибдаги меҳнат низосининг кўриб чиқилиши учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланди.[2]

Айтиб ўтиш керакки, 559-моддада назарда тутилган субъектлардан фақатгина адлия органлари қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш тартиби мавжуд. Бошқа субъектлар ходим ёки касаба уюшмаси қўмитаси, давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари, иш

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон; 29.01.2022 й., 06/22/61/0084-сон; 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон; 29.12.2022 й., 07/22/462/1135-сон

[2] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2022 й., 02/22/798/0972-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон; 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон

берувчи, у меҳнат низолари бўйича комиссиянинг қароридан норози бўлганда, шунингдек ўзига ходим томонидан етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги низолар бўйича, прокурорнинг судга мурожаат қилиш тартибида қонунчиликда белгиланган тартибда деган қоида назарда тутилмаган.

Бунга сабаб эса, мазкур субъектлар бевосита ўз фаолиятини тартибга солувчи қонун ёки меҳнат кодекси нормаларига асосланиб судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд. Бу ҳам адлия органларининг меҳнатга оид ишлар бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг ўзига хослигини ифодалайди.

Юқоридагиларга кўра, адлия органлари қуйидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, меҳнат низоларида тарафларнинг манфаатларини кўзлаб судга мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги низомнинг тўртинчи бобида вазирликнинг ваколатлари ва жавобгарлиги белгиланган. Мазкур бобнинг ўн биринчи бандининг кичик ўнинчи бандига мувофиқ, адлия органлари давлат, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, адлия органлари ва муассасалари манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволарни киритиш ҳуқуқига эга.[1]

Шунингдек адлия органлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон Фармонига мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотларига марказлашган юридик хизмат кўрсатиш тизимини жорий қилиш мақсадида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги ПҚ-5168-сонли “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[2] қарорининг тўртинчи банди, иккинчи қисми саккизинчи хатбошисига мувофиқ, давлат ташкилотларига талабнома, судларга ариза ёки даъво аризаларини киритиш учун уларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, таҳрир қилиш ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб киритиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, мазкур қарорнинг бешинчи бандига мувофиқ, Марказлар ходимларига суд процессида юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг вакили сифатида қатнашиш ҳуқуқи берилди.

Шу билан бирга, мазкур қарор билан тасдиқланган “Юридик хизмат кўрсатиш марказлари тўғрисида”ги низомнинг ўн тўртинчи банди, кичик

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон; 29.01.2022 й., 06/22/61/0084-сон; 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон; 29.12.2022 й., 07/22/462/1135-сон

[2] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.06.2021 й., 07/21/5168/0623-сон; 18.03.2022 й., 07/22/173/0226-сон; 12.05.2022 й., 07/22/241/0408-сон; 03.12.2022 й., 06/22/258/1064-сон; 13.06.2023 й., 06/23/92/0366-сон

тўртинчи бандига мувофиқ, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, суд процессларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда вакил сифатида иштирок этади, ташкилотнинг мулкий ва бошқа манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди, ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг масъул ходимлари билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўриши белгиланди.

Марказлар томонидан давлат ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш “E-huquqshunos” электрон тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши натижасида юридик хизмат фаолиятида марказларнинг масъул ходимлари ва корхона муассаса ташкилотлар қуйидаги асосий имкониятларга эга бўлди:

- электрон тизимга ички буйруқ, шартномалар ва бошқа юридик тусдаги ҳужжатларнинг намуналарини киритиш ҳамда мавжуд ҳужжатлар лойиҳалари намуналаридан эркин фойдаланиш;

- электрон тизимдан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан шахсий кабинетга кириш, ҳар қандай ҳужжат лойиҳаси ва унга таҳлилий материалларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва хулоса олиш учун Марказларга юбориш;

- Марказларнинг масъул ходимлари томонидан, тегишли хулоса тайёрлаш, ҳужжатларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда, электрон тизимга бириктириш ҳамда ўзаро ҳужжат алмашиш;

- электрон тизимдан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан Марказлардан ижобий хулоса олинганидан сўнг такрорланмайдиган махсус рақам бериш ва электрон тарзда қабул қилиш ҳамда ушбу ҳужжатларни автоматик тарзда изчил кетма-кетликда рақамлаш;

- давлат ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни тизимга бириктириш, уларни таҳрир қилиш, таклифларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш ҳамда юбориш;

- тарғибот тадбирлари билан боғлиқ материалларни электрон тизим орқали алмашиш;

- давлат ташкилотларига талабнома, судларга ариза ёки даъво аризаларини киритиш учун уларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, таҳрир қилиш ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб киритиш;

- юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларга нисбатан ўтказиладиган текширишларда масофавий тарзда иштирок этиш ҳамда уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган давлат органларининг туман (шаҳар) бўлинмалари ва давлат ташкилотларининг рўйхати 19 тани[1] ташкил этади ва бу кичкина кўрсатгич эмас, албатта бу

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги ПҚ-5168-сон қарорига 3-илова

юридик хизмат кўрсатиш марказлари ходимларининг иш юкламаси қай даражада юқори эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги ПҚ-5168-сон қарори билан тасдиқланган “Юридик хизмат кўрсатиш марказлари тўғрисида”ги низомга мувофиқ, марказ ходимларининг элликка яқин вазифа ва функциялар мавжудлигидан келиб чиқилса, мазкур соҳада фаолият олиб бораётган ходимларнинг меҳнат фаолиятидаги иш юкламаси ҳақидаги маълумотлар ҳақиқий ҳолатини кўришимиз мумкин.

Айтиб ўтиш лозимки, Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан кўрсатилаётган юридик хизмат натижасида давлат органлари ва ташкилотларига марказлашган юридик хизмат кўрсатиш тизимини жорий қилиниши пировардида мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини, айниқса ўрта ва қуйи бўғинда ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларга сифатли ва профессионал юридик хизмат кўрсатишга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилишига, шунингдек, соҳага тажрибали кадрларнинг жалб қилинишидаги камчиликлар бартараф этилиб, ҳужжатлар лойиҳаларининг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши сифатининг ортишига хизмат қилди.

Лекин ҳар бир соҳада ислоҳотлар динамик ривожланишини инкор этмаган ҳолда айтиш керакки, мазкур соҳада амалга оширилиши зарур бўлган ислоҳотлар ҳам йўқ эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни келиб чиқиши бевосита адлия вазирлиги, унинг ҳудудий органлари ёки юридик хизмат кўрсатиш марказларининг фаолияти билан боғлиқ эмас. Бу борадаги энг катта муаммо қонунчилик ҳужжатларидаги бир-бирини инкор қилувчи нормалар саналиб, мазкур ҳолатлар марказлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат сифатига албатта салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сонли “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг ўттиз учинчи бандида умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам календарь йил давомида икки лавозим маоши (ўқитувчининг тариф ставкаси) миқдоригача ходимнинг ўзи ва яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда, оғир касалликка чалинганда, ходим табиий офатдан зарар кўрганда кўрсатилиши белгиланган[1].

Бизнингча, мазкур бандни иккита ҳолат юридик хизмат ходимлари томонидан тўғри хулоса беришни қийинлаштиради, биринчидан ходимнинг

[1] https://lex.uz/uz/docs/4532496

“оғир касалликка чалинганда” деган асос билан унга моддий ёрдам беришнинг тиббий ҳуқуқий асоси мавжуд эмас, соғлиқни сақлаш вазирлигининг бирор бир ҳуқуқий ҳужжатида оғир касалликнинг рўйхати берилмаган, иккинчидан эса “яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда” деган қоидани аниқлаштириш керак саналади, чунки ўлим ҳақидаги гувоҳномани ходим қанча вақт ичида олиб келиши лозимлиги белгиланган эмас, масалан ходим ўлим ҳақидаги гувоҳномани олти ой ўтгач олиб келса ҳам унга моддий ёрдам берилиши керакми ёки йўқми?

Агар ходим ташкилотга ишга кирганига 4 ой бўлган бўлса, унинг яқин қариндоши 5 ой олдин оламдан ўтган бўлса, у ўлим гувоҳномасини тақдим қилган тақдирда унга моддий ёрдам берилиши керакми йўқми, бизнингча мазкур ҳолатда унга моддий ёрдам бериш ўринли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 312-сонли “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни самарали амалга ошириш вазифаси белгиланди.

Мазкур қарорнинг тўққизинчи банди иккинчи хатбошисида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, давлат таълим муассасаларининг хорижий тиллар ўқитувчилари лавозимларига ишга янги қабул қилинаётган талабгор камида B2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши лозимлиги белгиланган.

Ушбу бандда назарда тутилган “давлат таълим муассасаларининг хорижий тиллар ўқитувчилари” деганда, мактабгача таълим муассасаларининг хорижий тил ўқитувчилари ҳам назарда тутилганми?!

Мазкур банднинг бешинчи хатбошисида 2024/2025 ўқув йилига қадар умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида фаолият юритаётган барча хорижий тиллар ўқитувчилари камида B2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши лозим.

Бу хатбошида белгиланган талаблар юқоридаги иккинчи хатбошига тааллуқли саналадими? Бизнингча йўқ, қонун ижодкорлигига оид талаблар бунга йўл қўймайди.

Шу сабабли, мазкур қарорнинг тўққизинчи бандининг иккинчи хатбошисини “2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, давлат таълим муассасаларининг **(мактабгача таълим муассасалари бундан мустасно)** хорижий тиллар ўқитувчилари лавозимларига ишга янги қабул қилинаётган талабгор камида B2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос

даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши лозим” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мактаб ўқувчиларининг билими ва кўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчи касби нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув методик мажмуаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, мактаб таълими муассасаларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий моделларини барпо этиш мақсадида, 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сонли “2022 — 2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони билан педагог ходимларга бир қатор имтиёзлар белгиланди.

Жумладан, мазкур фармонга мувофиқ, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўзи дарс берадиган фани бўйича тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган педагог кадрларга ҳар ойлик қўшимча устама тўланиши белгиланди.

Мазкур банднинг кичик “в” бандида ҳар ойлик қўшимча устама сертификат амал қилиш муддати давомида, лекин уч йилдан кўп бўлмаган вақт мобайнида тўланади деб белгиланган.

Бизнингча амалиётдаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида, айрим педагоглар мазкур кичик банд талабларига мувофиқ сертификатни олганидан кейин 6 ой, 1 йил ўтгач иш берувчига тақдим қилиш ҳолатлари учраб турганлиги сабабли бизнингча мазкур бандни қуйидагича:

“ҳар ойлик қўшимча устама сертификат амал қилиш муддати давомида, **бунда иш берувчига сертификатни тақдим қилган кунидан бошлаб**, лекин уч йилдан кўп бўлмаган вақт мобайнида тўланади” деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

САБИРОВ ЭРКИН КУЧКАРБАЕВИЧ
фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судининг раиси, ю.ф.ф.д.(PhD), Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ОШКОРАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада кучайтириш, суд ҳокимияти фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг судлар томонидан қабул қилинаётган

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янгиланган Конституциямизнинг 33-моддасида ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги билан бир қаторда давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилиши мустаҳкамлаб қўйилди.[1]

Маълумки, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил тармоғи ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши ўз ифодасини топган. Шундай экан, давлат ҳокимиятининг муҳим тармоғи ҳисобланган суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлаш янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида муҳим масалалардан ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига қараганда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги масаласи алоҳида хусусиятга эга ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 137-моддасида ҳамма судларда ишларнинг очиқ кўрилиши кафолатланиши билан бир қаторда ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши ҳақидаги норма ҳам назарда тутилган. Мазкур конституциявий норма мамлакатимизнинг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, Фуқаролик процессуал, Жиноят-процессуал ва Иқтисодий процессуал кодекларида ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида ривожлантирилган ва аниқ механизмлари назарда тутилган.

Бироқ шундай бўлса-да, суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва иш кўришнинг ошкоралиги суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шаклларининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланишини эътиборга олган ҳолда одил судлов жараёнида қонунийликни таъминлаш ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажарадиган махсус қонун ҳужжатига ҳозирги кунда зарурат сезилмоқда. Зеро, суд ишларини юритишда шаффофликни таъминлаш ҳамда судда иш кўришнинг ошкоралиги бу инсонларнинг суд

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган) // https://lex.uz/acts/6445145

ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, суд қарорларининг қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлини таъминлашдаги муҳим омиллардан саналади. Қолаверса, ошкора кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши суд фаолиятини устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилишини таъминлайди, бу эса муҳим тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. ҲШу ўринда, профессор Д.Ю.Хабибуллаев суд муҳокамасининг ошкоралиги бир томондан, суд иш юритувининг демокративлиги белгиси бўлса, иккинчи томондан судда конституциявий тамойилларга риоя этилиши устидан аҳолининг назорат усули ҳам эканлигини таъкидлайди.[1]

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, суд ишларини юритишда шаффофлик ва ошкораликни таъминлаш қуйидаги ижобий жиҳатлари билан ажралиб туради:

биринчидан, судда кўрилаётган ишлар юзасидан ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сонини камайишига ҳам ёрдам беради. Чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори ёки ҳукм чиқарганлиги айни шу иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади.

Иккинчидан, судда иш кўришнинг очиқ ва ошкоралиги тамойили суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлашга хизмат қилади. Суд ҳал қилув қарори ва хукмнинг эълон қилиниши эса судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ фактлар билан асослашга ундайди. Зеро, давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир.

Шундай экан, ҳозирги кунда одил судлов ҳужжати саналмиш суд ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида унинг тушунарли, ҳамма учун очиқ ва шаффофлигини, бир сўз билан айтганда ҳал қилув қарорларининг трансперентлигини таъминлаш муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармонида ҳам сўнгги йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш имконини берганлиги алоҳида таъкидланган. Шу билан бирга мазкур Фармон билан тасдиқланган “2023-2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси”нинг “Судьялар ҳамжамиятини

[1] Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. -Тошкент: ТДЮИ. 2006. -65 б.

шакллантириш, судьяларни танлаш, лавозимга тайинлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш” номли 3.4.-бандида судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофлик принципини янада кенгроқ жорий этиш белгилаб қўйилди.

“2023-2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегиясини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури”нинг 17-бандида “Судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофлик принципини янада кенгроқ жорий этиш” устувор йўналиш сифатида белгиланиб, суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашда демократик тамойилларни кенг жорий этиш, судьялар корпусини шакллантириш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда соҳага очиқлик ва шаффофлик принципларини кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Мазкур Ҳаракатлар дастурининг 24-бандида суд тизимида коррупцияга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш устувор йўналишлар сифатида белгиланди. Мазкур бандга кўра, эксперт ва мутахассислар билан бирга одил судлов фаолиятини “коррупциясиз соҳа”га айлантириш бўйича чораларни назарда тутувчи режа-жадвал ишлаб чиқиш, хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда очиқ суд мажлисида узлуксиз тарзда кўриладиган ишлар тоифаларини белгилаш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда “Судлар коррупцияга мутлақо қарши” рукни остида кенг жамоатчиликка ахборот бериш амалиётини йўлга қўйиш назарда тутилди.[1]

Дарҳақиқат, судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, суднинг айрим тоифадаги ишлар бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва хукмларнинг жамоатчиликка маълум қилиб борилиши демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ва муҳим талабларидандир. Иш кўришнинг ошкоралигини, унинг ҳамма учун очиқ ва шаффофлигини, суд қарорларининг эса қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34–моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “Давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт”, деган нормани кафолатлашга хизмат қилади. Қолаверса, суд қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши кўп жиҳатдан суд процессларининг очиқлиги, ҳар қандай шахснинг суд қарори билан танишиш имкониятига эга бўлишига кўпроқ боғлиқдир.

Суд ҳокимиятига нисбатан қўлланиладиган ошкоралик, очиқлик принциплари адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг муҳим кўринишларидан бири сифатида суд ҳокимиятининг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.01.2023 й., 06/23/11/0033-сон.

ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тартибга солувчи бир қатор халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топганлигини қайд этиш лозим. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10, 11, 19, 29-моддалари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14, 19-моддалари,[1] Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг 13-моддаси[2] ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Шу ўринда суд ҳал қилув қарорларини жамоатчиликка маълум қилиб борилишининг бир қатор аҳамияти ва афзаллик томонлари мавжуд. Масалан, энг муҳими ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахслар ишнинг ҳақиқий ҳолатидан хабардор бўладилар. Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, фуқаролик суд ишларининг очиқ, ошкора кўрилиши ишда иштирок этувчиларга, шунингдек суд залида ҳозир бўлган бошқа шахсларда ҳам катта таассурот қолдириб, суд жараёнининг тарбиявий ролини таъминлайди. Ишларнинг очиқ кўрилиши, фуқароларга судьяларнинг ишлари билан бевосита танишиш, уларнинг фаолиятини халқ назорати остига олиш имконини беради ва шунинг ўзи билан фуқаролик ишларининг тўғри ҳал этилишини таъминлайди.[3] Ошкоралик суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шаклларининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, одил судловдаги қонунийликни амалга ошириш ҳамда фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради. Судда иш кўришнинг ошкоралиги тамойили суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлайди.[4] Ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сонини камайишига ёрдам беради, чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарганлиги айни шу иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади. Суд ҳал қилув қароринининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ асослашига ундайди. Чунки унинг томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари матбуот орқали ёки олимлар ва таҳлилчилар томонидан танқидга учраши мумкин.

Судлар фаолиятидаги очиқлик масалалари бир қатор жиҳатларга эга бўлиб, улардан бири процессуал маънода суд фаолиятининг шаффофлиги ҳисобланади. Мазкур жиҳатлар мамлакатимиз миллий процессуал қонун ҳужжатлари билан у ёки бу даражада тартибга солинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-моддасига кўра,

---

[1] Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. –Т.: Адолат, 1992. -64 б.

[2] Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция БМТ Бош ассамблеясининг 44/25-сонли резолюцияси билан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган. Ўзбекистон Конвенцияга 1994 йил 29 июнда қўшилган.

[3] Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ. 2010. 28-б.

[4] Мамасиддиқов М.М., Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Монография. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Тошкент. “Lesson press”. 2020. – 167 б.

суднинг ҳал қилув қарори ишнинг суд муҳокамаси тугаганидан кейин дарҳол қабул қилинади. Алоҳида ҳолларда, ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлаш кўпи билан беш кунга кечиктирилиши мумкин, аммо ҳал қилув қарорининг хулоса қисмини суд ишнинг муҳокамаси тугалланган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиши керак. Айни вақтда суд ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишиб чиқиши мумкинлигини эълон қилади. Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми судья томонидан имзоланади ва ишга қўшиб қўйилади.[1]

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 2019 йил 24 майдаги қарорининг 5-бандида тушунтириш берилишича, судларнинг эътибори асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлашни кечиктирилиши истисно ҳолларда, ўта мураккаб ишлар бўйича беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга йўл қўйилишига қаратилсин. Бундай ҳолларда ҳал қилув қарорининг фақатгина кириш ва хулоса қисмлари тайёрланади. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми иш муҳокамаси тамомланган суд мажлисининг ўзида судья томонидан имзоланади, ўқиб эшиттирилади ва ишга қўшиб қўйилади. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми эълон қилинганда, раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг вакиллари асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишишлари мумкинлигини тушунтириши шарт ва бу суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Асослантирилган ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмлари иш муҳокамаси тугалланган куни эълон қилинган, матни тўлиқ бўлмаган, ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмига сўзма-сўз мос келиши лозим. Иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг санаси, у эълон қилинган кун ҳисобланади.[2]

Фуқаролик ишларини адолатли кўриш ва ҳал этиш жараёнларида ошкора-лик принципининг амал қилишини таъминлашда ишда иштирок этувчи шахсларнинг вакиллари, айниқса адвокатларнинг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам адвокат томонидан фуқаролик ишини судда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқининг таъминланиши масаласига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига мувофиқ адвокат ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эга.[3] Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 19-моддаси еттинчи

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // https://lex.uz/docs/3517337#3523544

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 2019 йил 24 майдаги 12-сонли қарори // https://lex.uz/docs/4396483#4396539

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни // https://lex.uz/mobileact/29626

қисмида суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилиши белгилаб қўйилган.[1] Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларида очиқ суд мажлиси иштирокчилари, хусусан, адвокатнинг суд залида овозларни аудио-техника воситалар орқали ёзиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги, фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушуриш эса суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан амалга оширилиши ҳақидаги нормалар мавжуд эмас. Ўрганилган аксарият МДҲга аъзо давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида бу билан боғлиқ нормалар мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 10-моддаси 7-бандига кўра, “ишда иштирок этаётган шахслар ва очиқ суд мажлисида ҳозир бўлган фуқаролар суд муҳокамасининг боришини ёзма шаклда, шунингдек аудиоёзув воситасида ёзиб олишга ҳақли. Суд мажлисини кино ва суратга олиш, видеоёзувга олиш, радио, телевиденийе ва “Интернет” ахборот-телекоммуникация тармоғида трансляция қилишга суд рухсати билан йўл қўйилади”.[2] Беларусь Республикаси ФПКнинг 271-моддасида ҳам “очиқ суд мажлисида қатнашаётган фуқаролик процесси иштирокчилари ёзма равишда ёки овоз ёзиш воситалари орқали суд муҳокамасининг олиб борилиши қайд этиб бориш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланса-да, бироқ фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушириш, суд мажлиси жойидан радио ёки телевидениега тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш ёки эшиттириш қилиш ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг фикри эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши” назарда тутилган. Шунингдек, мазкур ҳаракатлар судда иш кўришни олиб борилишига ҳалақит бермаслиги талаб этилади.[3]

Украина ФПКда иш кўришнинг ошкоралиги ва маълумотларнинг очиқлигига эътибор кўпроқ берилганлиии кўриш мумкин. Масалан, ФПКнинг 8-моддаси “Иш кўришнинг ошкоралиги”, 9-моддаси “Иш бўйича маълумотларнинг очиқлиги” деб номланади.[4] ФПКнинг 8-моддасига кўра, “суд ўз ажрими билан суд мажлисини ўтказишга, процесс иштирокчиларининг ёки судьянинг ўз ҳуқуқлари ёки мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилаётган ва суд мажлиси залида тартибни бузган шахсларни суд мажлиси залидан чиқариб юбориши мумкин. Суд “Аҳолини юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Украина қонунига мувофиқ, Украина Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган карантин даврида суд муҳокамаси иштирокчиси бўлмаган шахсларни агар суд мажлисида иштирок этиш ҳаётга ёки соғлиққа хавф туғдирса, суд мажлисига киришини чеклаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // https://lex.uz/docs/111460

[2] "Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации" от 14.11.2002 N 138-ФЗ (ред. от 24.06.2023, с изм. от 20.07.2023) // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_39570/

[3] Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь, 11 января 1999 г. № 238-З // https://etalonline.by/document/?regnum=hk9900238

[4] Господарський процесуальний кодекс України // https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/1798-12

Суд залида ҳозир бўлган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суднинг алоҳида рухсатисиз, лекин ушбу Кодексда белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда кўчма видео ва аудио техника воситаларидан фойдаланган ҳолда суд залида суратга олиш, видео ва аудиоёзувга олишлари мумкин.

Суд мажлисини трансляция қилиш суднинг розилиги билан амалга оширилади. Агар суд мажлисида ишнинг барча иштирокчилари видеоконференцалоқа орқали иштирок этса, суд мажлисининг бориши Интернет тармоғида узлуксиз трансляция қилинади.

Суд мажлиси залида суратга олиш, видеотасвирга олиш, шунингдек суд мажлисини трансляция қилиш мажлисни ўтказишга ва суд муҳокамаси иштирокчиларининг ўз процессуал ҳуқуқларини амалга оширишига аралашмасдан амалга оширилиши керак.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш очиқ суд муҳокамаси сир ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа маълумотларнинг ошкор этилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда, шахснинг шахсий ва оилавий ҳаётини ҳимоя қилиш зарурати туғилганда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ўтказилади.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисида ажрим чиқарилади. Суд ўз ажрими билан суд мажлисини тўлиқ ёки унинг бир қисмини ёпиқ деб эълон қилиши мумкин.

Ёпиқ суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимларидан фойдаланишга ва суд мажлиси жараёнини Интернет тармоғида трансляция қилишга йўл қўйилмайди.

Агар ёпиқ суд мажлисида ошкор этилмаслигини таъминлаш мақсадида ёпиқ суд мажлисида ишни кўриб чиқиш ёки айрим процессуал ҳаракатлар содир этилган маълумотлар ҳамма учун очиқ бўлганлиги ёки чеклов қўйилганлиги асоссиз эканлиги аниқланса, суд ишни очиқ судда кўриш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд ишни суд мажлисида кўраётганда, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, унинг боришини видео ва (ёки) овоз ёзиш техникаси воситалари ёрдамида тўлиқ қайд этади. Бундай қайд этиш тартиби ушбу Кодексда белгиланади.

Суд мажлисининг расмий баёни фақат ушбу Кодексда белгиланган тартибда суд томонидан тузилган техник баённома ҳисобланади". [1]

Суд ҳал қилув қарорларининг жамоатчилик учун очиқлиги бўйича хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Германия ва Францияда суд ҳал қилув қарорлари жамоатчилик учун очиқ бўлиб, айрим ҳолларда жиддий асослар мавжуд бўлганида тарафларнинг номлари ошкор қилинмайди. Айниқса, Францияда олий суд инстанцияларининг ва маъмурий судларнинг қарорларини тарқатишнинг самарали механизлари яратилган ва бу борада "Legifrance.gov.fr" номли Интернетдаги ҳуқуқий ахборот сайтининг алоҳида ўрни мавжуд. Мазкур ҳуқуқий ахборот сайтида

[1] Господарський процесуальний кодекс України // https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/1798-12

ҳуқуқнинг барча манбаларидан, шу жумладан, Франциянинг олий суд инстанцияларининг қарорлари билан бемалол танишиш мумкин.[1]

Буюк Британияда ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд бўлиб, қизиқарли бўлган суд қарорларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда чоп этиб бориш анъана тусига кирган. Масалан, "Лондон Таймс" газетаси деярли ҳар куни сўнгги вақтларда бирмунча қизиқарли бўлган суд ишлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг қисқача ахборотини чоп этиб боради. Ҳар чоршанба куни нашрга чиқадиган "Лоу Таймс" газетасида эса бутун бир боб қонунчилик ва суд амалиётига бағишланган. Шунингдек, лордлар Палатасининг махсус сайтида (http://www.publications. parlament. uk/pa/Id) Бирлашган Қиролликнинг барча ҳудудидаги олий суд инстанцияларининг қарорларини, иш муҳокамасига доир бошқа маълумотларни олиш мумкин. Мазкур сайтда муқаддам, яъни 1966 йилдан бошлаб қабул қилинган суд қарорлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам танишиш мумкин.[2]

Суд қарорларининг очиқлиги бўйича АҚШ тажрибасига тўхталадиган бўлсак, судлар томонидан қабул қилинган ва рўйхатдан ўтган барча ҳужжатлар билан аҳоли суд клерки офиси орқали танишиб бориш имкониятига эга. Суд ҳал қилув қарорларини нафақат электрон шаклда, балки чоп этилган шаклда ҳам олиш имконияти мавжуд. Хусусан, АҚШнинг барча суд қарорлари шу судларга тегишли бўлган нашрларда тўплам сифатида чоп этиб борилади ва мазкур нашрлар барча юридик кутубхоналарда мавжуд.[3]

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда суд фаолиятининг очиқлиги ва суд қарорларининг барчага танишиш учун қулай бўлишини таъминловчи процессуал механизмларни ҳамда суд фаолияти тўғрисидаги ахборот манбаларини янада такомиллаштириш ҳозирги кунда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда, мамлака-тимизда тадбиркорларнинг иш юзасидан қабул қилинган хўжалик судлари қарорларини мунтазам равишда нашр этиб борилиши амалиётининг йўлга қўйилганлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда айрим тоифадаги фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ҳам қабул қилинган суд қарорларини қонунчиликда белгиланган тартибда махсус нашрларда эълон қилиб бориш ёки Олий суднинг расмий веб-сайти орқали жойлаштириш ва янгилаб бориш амалиётини кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ундан ташқари, МДҲга аъзо давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексида ҳам процесс ишти-

---

[1] Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. -71 с.

[2] Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. –С. 71-72.

[3] Власихин В. Виртуальное путешествие российского читателья п о американским судам // Российская юстиция. 2001. №3. –С. 60-63.

рокчилари, хусусан, адвокат очиқ суд мажлисида аудио-техник воситалардан фойдаланган ҳолда овозларни ёзиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши, бироқ фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушириш, суд мажлиси жойидан радио ёки телевидениега тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш ёки эшиттириш қилиш ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг фикри эътиборга олган ҳолда суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан амалга оширилиши ҳақидаги нормани белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ундан ташқари, суд Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган карантин даврида суд муҳокамаси иштирокчиси бўлмаган шахсларни агар суд мажлисида иштирок этиш ҳаётга ёки соғлиққа хавф туғдирса, суд мажлисига киришини чеклаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинлиги тўғрисидаги нормани фуқаролик процессуал қонунчиликка киритиш тавсия этилади.

Юқоридаги нормаларнинг қонунчиликка киритилиши суд мажлиси тартибига қатъий риоя этилишини таъминлайди, далилларнинг сохталаштирилишини, суд мажлиси баённомасининг ўзгартирилиши каби нохуш ҳолатларнинг олдини олади, мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

РАДЖАПОВ ДОНИЁР БАХТИЯРОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Илмий-инновацион тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий ходимларни тайёрлаш маркази прокурори, ю.ф.ф.д. (PhD).

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ВОСИТАЛАРИ

Давлат раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини[1] амалга ошириш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотлар ҳар соҳада ўз самарасини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳаси тубдан ислоҳ этилиб, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигига асосланган ҳуқуқий тизим яратилди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // https://lex.uz/docs/5841063

ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашда фуқаролик ишлари бўйича судларнинг роли жуда муҳим ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш, шу билан бир қаторда фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштириш ва унинг шакл ва воситаларини тадқиқ этиб ўрганиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Луғатларда ёзилишича, оптималлаштириш (лотинчада optimus - энг яхши, энг соз, аъло)[1] мавжуд бўлган ҳолатнинг энг яхшисини танлаш имконияти бўлиб, унинг натижасида у ёки бу тизимнинг мавжуд ҳолати янада яхшиланади. Юридик адабиётларда оптималлаштириш 3 элементни ўзида қамраб олиши тўғрисида фикр-мулоҳазалар илгари сурилади. Улар: мақсадга эришиш йўлидаги самарадорлик; фойдалилик ва тежамлилик.[2]

Юридик адабиётларда таъкидланганидек, фуқаролик суд ишларини юритишнинг оптималлаштирилиши деганда эса, одил судловнинг мақсад ва вазифаларига эришишнинг энг яхши ва мақбул йўлини танлаш имконини берувчи фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этиш механизмини такомиллаштириш тушунилади.[3]

Юридик адабиётларда эътироф этилишича, фуқаролик суд ишларини оптималлаштириш воситаларини умумий ва махсус турларга ажратиш мумкин. Умумий воситаларга одил судловни амалга ошириш механизмини оптималлаштиришга хизмат қилувчи воситалар, яъни процессуал муддатларни оптималлаштириш, фуқаролик процесси босқичларини (фуқаролик ишини қўзғатиш, тайёрлаш, ишни мазмунан кўриш, суд ҳужжатларини қайта кўриш ва ижро) оптималлаштириш киради.

Суд ишларини юритишни оптималлаштиришнинг махсус воситаларига фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этишни тезлаштириш ва соддалаштиришга қаратилган махсус институтларни ташкил этиш ва жорий қилишга йўналтирилади. Махсус воситалар сифатида соддалаштирилган, буйруқ тартибида ва сиртдан иш юритиш, келиштирувчи тартиб-таомиллар эътироф этилади.[4]

Адабиётларда фуқароларнинг ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилиш ишларни нафақат тўғри ҳал этиш, шу билан бир қаторда тез фурсатларда ҳимоя қилишни ҳам назарда тутиши, акс ҳолда процессда ютиб чиққан тараф ўз талабларининг қаноатлантирилганидан ҳақиқатда қаноатланмаслиги алоҳида таъкидлаб келинади.[5]

---

[1] https://www.multitran.com/ru/dictionary/english-russian/optimus

[2] Куприянович Н.В. Критерии эффективности деятельности мировых судей // Мировой судья. - М.: Юрист, 2006, № 1. - С. 2-6

[3] Царегородцева Е.А. Способы оптимизации гражданского судопроизводства: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.15. -Екатеринбург, 2006 г. -236 с.

[4] Царегородцева Е.А. Способы оптимизации гражданского судопроизводства: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.15. -Екатеринбург, 2006 г. -238 с.

[5] Вершинин А.П. Способы защиты гражданских прав в суде. Диссертация в виде научного доклада на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Санкт - Петербург. 1998 г, - 40 с.

Шу нуқтаи назардан XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ғарбий Европа давлатлари фуқаролик процессуал қонунчилигига суд ишларини юритишни тезлаштириш ва соддалаштиришга қаратилган бир қатор жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Хусусан, суд орқали ҳимояни тезлаштириш ва соддалаштириш масаласига Европа Иттифоқи органининг махсус қарори қабул қилинган.[1]

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда кўплаб ривожланган давлатлар фуқаролик процессида тарафларни ўзаро муросага келтирадиган, яраштирадиган, ишнинг хусусияти ва турига қараб махсус соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-таомилларни жорий этиш йўлини танлаган.

Хусусан, фуқаролик суд ишларини соддалаштириш бўйича англо-америка ва континентал ҳуқуқ тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, масалан, англо-америка ҳуқуқида соддалаштирилган процесс учун судга қадар ёки суддан ташқари музокаралар олиб бориш йўли билан иш тутиш характерли бўлса, континентал ҳуқуқда (энг аввало, немис ҳуқуқида) – умумлаштирилган (документар) процесс характерли ҳисобланади. Континентал ҳуқуқ тизими амал қиладиган давлатларда суд орқали ҳимояни соддалаштиришга имкон берадиган институтларни (қонунчилик, реестрлар, нотариат) ташкил этишга кўп маблағ ажратилади. Англо-америка ҳуқуқ тизимида эса, аксинча, бу борада суд фаолияти учун Европа давлатларига қараганда 3-7 баравар кўп маблағ ажратилади.

Ғарбий Европа давлатларида соддалаштирилган суд ишларини юритиш тартибида қарздорликни ундириш бўйича умумлаштирилган (summary) ва ҳужжатли (Urkundenprozess) иш юритиш олиб борилиши эътиборга лойиқ. Соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг муҳим шартларидан бири сифатида ёзма далилларга алоҳида эътибор берилади. Чунки ёзма далиллар бошқа далиллар ичида нисбатан ишончлироқ ҳисобланади.

Мазкур далилларнинг мавжудлиги бошқа далилларни йиғиш ва текширишни талаб этмайди, шунингдек иш бўйича материаллар билан ишлаш жараёнларини тезлаштиради. Масалан, Германия фуқаролик процессида соддалаштирилган тартибда суд ишларини юритиш қуйидагиларда намоён бўлади: суд буйруқлари, яъни “мажбур қиладиган” иш юритиш (Mahnver-fahren); ҳужжатли (документар) иш юритиш (Urkundenprozess) ва келиштирувчи судларда – ашс-герихтахда иш юритиш (Verfahren von den Amtsgericht).[2]

Шу ўринда таъкидлаш керакки, фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнларига замонавий техник воситаларни жорий этиш, ҳамда шунга мутаносиб равишда процессуал қонунчиликка ҳам тегишли ўзгартиш ва

---

[1] Доступ к правосудию. Резолюции и рекомендации Кабинета Министров Совета Европы по вопросам обеспечения более простого доступа граждан к эффективному правосудию // Российская юстиция. 1997. № 6. -С. 2-6; № 7. -С. 5-8.

[2] Грибанов Ю.Ю. Рассмотрение дел в порядке упрощенного производства в гражданском и арбитражном процессе: Сравнительное исследование правовых систем России и Германии: Автореф. дис. соискание ученой степени канд. юрид. наук. -Томск, 2007. -8 с.

қўшимчаларнинг киритилиши натижасида ҳам фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштириш юз берди.

Хулоса ўрнида, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш вазифаларидан, ҳамда ривожланиб бораётган ижтимоий муносабатлар талабидан келиб чиқиб, фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштириш фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларини ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг айрим институтларини такомиллаштириш орқали амалга оширилиши лозим.

Ўз навбатида мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида фуқаролик суд ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриш, ҳамда ҳал этилишини таъминловчи процессуал чораларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

ОТАЖАНОВ БОБУР АБДУЛЛАЕВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 31 январдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилишидаги маърузаларида прокуратура органлари олдида турган устувор вазифалар ҳақида, яъни прокуратура органлари ходимлари ислоҳотларни самарали амалга оширишда ўзларининг бор салоҳияти, билим ва тажрибасини сафарбар этиши зарурлиги, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг амалий ижросини сўзсиз таъминлаш прокуратуранинг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланмоғи лозимлиги, шу билан бирга прокуратура ходимлари юқори касбий малака ва юксак инсоний фазилатлари билан давлат органлари хизматчиларига ўрнак бўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозимлигини алоҳида таъкидладилар.[1]

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонунининг 4-моддасига кўра, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири судларда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш ҳисобланади.[2]

Иқтисодий судлар томонидан иқтисодиёт соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган

[1] Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. 31.01.2018. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти // https://president.uz/uz/lists/view/1470.
[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 168-модда.

ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш, шахсларда қонунга нисбатан ҳурматда бўлиш муносабатларини шакллантириш каби вазифаларни самарали бажарилишида ушбу судларда иш юритишда прокурор иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Юридик адабиётларда иқтисодий судлар томонидан юқорида илгари сурилган вазифаларнинг бажарилишини осонлаштириш механизмларидан бири сифатида судларда прокурорнинг фаолият кўрсатиши эканлиги кўрсатилади.[1]

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Иқтисодий судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 125-сон буйруғининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг иқтисодий судларда ишлар кўрилишида асосий вазифалари - қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳамда ушбу соҳада қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлашдан иборат эканлиги таъкидланган.

Прокуратура органларининг иқтисодий судларда ишлар кўрилишида назарда тутилган юқоридаги вазифаларни самарали бажариш прокурорнинг суд ишларини юритишда иштироки орқали таъминланади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар қонунда нафақат прокурорнинг суд процессига кириш ҳуқуқи, балки суд зарур деб топса, унинг фикрини билдириш учун ишда иштирок этиш мажбурияти ҳам белгиланиши кераклиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини илгари сурадилар. Амалиётчи олим Қ.Авезов ҳам ўз асарларида “бугунги бозор муносабатлари шароитида прокурорнинг хўжалик процессида иштирок этишига доир масалалар алоҳида аҳамият касб этади”[2] деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, 2018 йил 1 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 41-моддасида тарафлар, учинчи шахслар, давлат органлари ва бошқа шахслар ўз зиммаларига юклатилган ваколатларга кўра, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган алоҳида тоифадаги ишлар бўйича аризачилар ҳамда бошқа манфаатдор

---

[1] Ковалев А.А. Участие прокурора в рассмотрении дел арбитражными судами в Российской Федерации // Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Специальность 12.00.11. - судебная власть, прокурорский надзор, организация правоохранительной деятельности, адвокатура. -Екатенбург, 2004. – 3 с.

[2] Авезов К.С. Хўжалик процессида прокурор иштирокининг айрим масалалари. Одил судловнинг коррупцияга қарши курашдаги роли ва аҳамияти // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮУ, 2015. – Б. 256-260.

шахслар қаторида прокурор ҳам ишда иштирок этувчи шахслар деб эътироф этилади.[1]

Шунингдек, мазкур Кодекснинг 49-моддаси бевосита иқтисодий ишда прокурорнинг иштирокига бағишланган бўлиб, унда прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритишдаги ҳуқуқий ҳолати ўз ифодасини топган.

Муқаддам амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида ҳам ишда прокурорнинг иштирокига бағишланган алоҳида модда (43-модда) мавжуд эди. Унда белгиланишича, прокурор ҳамма ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли бўлган.[2] Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни[3] билан прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки прокурорнинг даъво аризаси (аризаси) асосида қўзғатилган ишлардагина иштирок этиши мумкинлиги, прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам прокурорнинг иқтисодий ва фуқаролик суд ишларини юритишда иштирокини қисқартириш, унинг таъсирини камайтиришга қаратилган тенденциялар мавжуд. Ҳатто ҳуқуқшунос олим ўртасида ҳам бу борада турли тортишувлар, баҳс-мунозаралар илгари сурилади.

Ҳуқуқшунос олим М.М.Мамасиддиқов ҳам ўз асарларида қонунларни тўғри татбиқ қилиш борасида прокуратура органларининг фаолияти судларга бирмунча ўхшаш бўлса-да, судлар ўз фаолиятини одил судловни амалга оширишга қаратадилар, прокурор эса, одил судловни амалга ошириш учун ҳар томонлама кўмаклашувчи орган бўлиб ҳисобланишини баён этади.[4]

Умуман суд ишларини юритишда прокурор иштироки долзарб бўлса-да, бироқ айрим хорижий давлатлар тажрибасида ҳам прокурорларнинг суд жараёнларидаги ролини камайтиришга қаратилган қонунлар қабул қилиш тенденцияси кузатилади. Хусусан, 2002 йилда Россия Федерациясининг Арбитраж процессуал кодексининг қабул қилиниши билан прокурорнинг арбитраж жараёни роли сезиларли даражада чекланган эди. Россиялик олим А.А.Ковалевнинг фикрича, ушбу қонунни қўллаш амалиёти шуни кўрсатадики, арбитраж суд ишларини юритишда прокурор иштирокига доир

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // https://lex.uz/docs/ 3523891.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси // https://lex.uz/docs/185986.

[3] Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/663/0013-сон.

[4] Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. Проф. Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Т.: АҚҲМИ. - 2008. – 25 б.

бу ёндашув иқтисодий соҳада жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларига жиддий зарар етказади, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ўрнатилишига тўсқинлик қилади.[1]

Рус олимлари И.Ю.Русских ва Т.Н.Пушкина тўғри таъкидлаганларидек, арбитраж (иқтисодий) судида прокурорнинг алоҳида мақоми ҳар доим кўплаб саволлар туғдирган ва ҳар бир янги процессуал қонунининг қабул қилиниши билан унинг ҳуқуқий мақоми ўзгариб турган.[2] Ушбу масала бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. С.С.Клеценконинг фикрича, иқтисодий судда прокурор иштирок этишининг барча қарама-қаршиликлари ва мавжуд муаммолари агар прокурорнинг ваколатлари чеклангудек бўлса, ўз ечимини топади.[3]

Суд амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор ваколатлари билан боғлиқ масала ўз долзарблигини йўқотмаган. Масалан, республика бўйича иқтисодий судлар томонидан биринчи истанцияда 2019 йилда 197.288 та, 2020 йилда 104.327 та, 2021 йилда 175.443 та, 2022 йилда 227.862 та ва 2023 йилда 271.748 та иш кўриб чиқилган.[4]

Кўриб турганимиздек, судда иқтисодий ишларнинг кўрилишининг кўпайиши, фуқароларнинг судга нисбатан бўлган ишончини намоён қилиши билан бирга, суд ишларини юритишда суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳамда ушбу соҳада қонунчиликни мустаҳкамлашда прокурор иштироки муҳимлигидан далолат беради.

Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, судга даъво тақдим этган прокурорлар учун албатта моддий даъвогар бўлиши шартлиги тўғрисида талаб юклатилмаслиги керак, чунки прокурор жамият манфаатларини ҳимоя қилиб судга даъво киритади.

Ушбу фикр билан тўлиқ келишиб бўлмайди. Зеро, моддий даъвогар мавжуд бўлмаган ишда прокурорнинг қаноатлантирилган даъвоси бўйича суд ҳал қилув қарорини ижро этишда муаммолар юзага келиши, яъни ижро варақаси кимнинг номига чиқарилиши билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин. Ундан ташқари, моддий даъвогарга қарши жавобгар томонидан қарши даъво қўзғатилиши мумкин. Ушбу ҳолатда моддий

---

[1] Ковалев А.А. Участие прокурора в рассмотрении дел арбитражными судами в Российской Федерации // Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Специальность 12.00.11. - Судебная власть, Прокурорский надзор, Организация Правоохранительной деятельности, Адвокатура. - Екатенбург, 2004. – 3 с.

[2] Русских И.Ю., Пушкина Т.Н. Участие прокурора в арбитражном процессе // Вестник Удмуртского университета. 2014. № 3. С. 183–190.

[3] Клеценко С.С. Проблемы участия прокурора в арбитражном судопроизводстве // Законность и правопорядок в современном обществе. 2016., 29. С. 129–133.

[4] https://stat.sud.uz Иқтисодий судларнинг 2019-2022 йиллар ҳамда 2023 йил асосий кўрсаткичлари.

даъвогар бўлмаган иш бўйича жавобгар прокурорга нисбатан қарши даъво қўзғатиши нотўғри бўлади.

Шундай экан, мазкур муаммони ҳал этишнинг ягона йўли прокурор томонидан бу каби даъво аризалар билан судга мурожаат қилинганда моддий даъвогар бўлиб қайси шахснинг манфаатлари ҳимоя қилиниб иш қўзғатилган бўлса, шу шахс судда моддий даъвогар сифатида ишга жалб этилиши керак.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз иқтисодий суд ишларини юритиш жараёнида прокурор фаолиятининг кўп жиҳатларини қайта кўриб чиқиш ва янгича қараш талаб қилинади. Бу эса ўз навбатида жамоат манфаатларини максимал даражада ҳимоя қилишни таъминлайди ва шу билан бирга тадбиркорлик фаолияти субъектларининг шахсий ҳуқуқий муносабатларига аралашувини истисно қилади.

ДАВЛЕТОВ ЎТКИРБЕК МАТМУРОТОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кафедра бошлиғининг ўринбосари, ю.ф.ф.д. (PhD), доцент

ФУҚАРОЛИК НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ МУҚОБИЛ ШАКЛЛАРИ: ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ

Аннотация: Мақолада суд ишларини соддалаштирилган тартибда (суддан ташқарида) ҳал қилиш суд процессини жадаллаштиришга, фуқаролик-ҳуқуқий низоларни медиация ва келишув процедуралари орқали ҳал этиш процесс иштирокчилари ўртасидаги ижтимоий кескинликни пасайтиришга, судларнинг иш юкламаларини камайтиришга имкон бериши нуқтаи назардан муҳимлиги ҳамда ижтимоий фойдалилиги ҳақида фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар билдирилган.

Калит сўзлар: Фуқаролик процессуал ҳуқуқи, фуқаролик процесси, фуқаролик низолари, соддалаштирилган процедура, медиация ва келишув процедуралари, воситачилик, суд медиацияси, суд ташаббуси, медиатор, оилавий медиация ҳамда хорижий тажриба.

Аннотация: В статье высказываются замечания, предложения и рекомендации о важности и социальной полезности решения судебных дел в упрощенном порядке (вне суда) с точки зрения ускорения судебного процесса, снижения социальной напряженности между участниками процесса, снижения нагрузки на суды, разрешения гражданско-правовых споров посредством посреднических и согласительных процедур.

Ключевые слова: Гражданское процессуальное право, гражданский процесс, гражданские споры, упрощенная процедура, посредничество и процедуры урегулирования, посредничество, судебное посредничество, судебная инициатива, посредник, семейное посредничество, а также зарубежный опыт.

Annotation: The article makes comments, suggestions and recommendations on the importance and social usefulness of solving court cases in a simplified manner (out of court) in terms of speeding up the judicial process, reducing social tension between the participants in the process, reducing the burden on the courts, resolving civil law disputes through mediation and conciliation procedures.

Keywords: Civil procedure law, civil procedure, civil disputes, simplified procedure, mediation and settlement procedures, mediation, judicial mediation, judicial initiative, mediator, family mediation, as well as foreign experience.

Муайян тарихий даврларда низоларни ҳал қилишнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, уларга томонларнинг эътирозларини жамият учун мақбул шаклда ҳал этишнинг (бир муддатга бўлса ҳам) муайян чора-тадбирлари (ечимлари) сифатида қаралган.

Суд ишларини соддалаштирилган тартибда (суддан ташқарида) ҳал қилиш суд процессини жадаллаштиришга хизмат қилади. Албатта, соддалаштирилган процедуралар низоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди ва бу суд учун ҳам, тарафлар учун ҳам манфаатли. Суд қарорининг ижро этилишига келсак, бу муаммо "замонавий шароит"да асосий муаммолардан биридир. Аксарият ҳолларда суд ҳужжатларининг ижро этилмасдан қолаётганлиги сабабли суд тизимининг самарадорлиги пасаймоқда.

Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва турли фуқаролик низоларини ҳал қилиш амалиёти алоҳида аҳамият ва долзарбликка эга бўлган воситачилик (холис учинчи шахс томонидан низони ҳал қилиш учун дўстона келишувга ёрдам беришга қаратилган фаолият) каби муқобил процедураларга эътибор қаратилган бўлиб, улар бир қатор афзалликларга эга, хусусан: низоларни ҳал қилишнинг тезкорлиги, жараённи соддалаштириш, вақтни тежаш ва бошқалар.

Тарихчилар замонавий медиация (воситачилик)нинг илдизларини денгиз савдоси ривожланган Финикия цивилизациясида ва қадимги Бобилда топадилар[1]. Кейинчалик медиация институти Хитой ва Японияда кенг тарқалди. Бу мамлакатларда, бугунги кунда ҳам ахлоқ нормалари томонларнинг мулоқот орқали ярашишини давлат суди томонидан муаммони ҳал қилишдан анча юқори қўяди. Қолаверса, Хитойда томонлар низони маълум маданий хусусиятларга эга бўлган музокаралар орқали ҳам ҳал қилишлари мумкин. Хитой томони билан тузилган шартномаларнинг аксариятида низолар биринчи навбатда "дўстона музокаралар" орқали ҳал қилиниши кераклиги ҳақида қоида бор[2].

Медиация институти қадимги Россияда янада ривожланган. Бу даврда воситачилар (асосан руҳонийлар) ёрдамида князлик жанжаллари ва фуқаролар низоларини тинчлик билан тугатишга уринишлар қилинган[3]. Бир сўз билан айтганда, медиация халқаро низоларни ҳал қилишда анча фаол қўлланилган.

---

[1] Кузбагаров А.Н. Примерение сторон по конфликтам частноправового характера. Дис. д-ра. Юрид. Наук. СПб.: МВД РФ СПбУ, 2006. С. 150.

[2] Современное законодательство Китайский Народной Республики. Сборник нормативных актов / Под ред. Л.М.Гудошникова. М.: Зерцало – М, 2003. С. 275.

[3] М.М.Мамасиддиков. Фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштиришнинг долзарб масалалари (Монография). Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О. Оқюлов. – Тошкент: ЮМОМ, –2014. 128 б.

XX аср бошларига келиб **АҚШ** иқтисодиётида касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида меҳнат шароитлари ва иш ҳақи бўйича кураш, иш ташлашлар, оммавий ишдан бўшатиш ва бутун кархоналарнинг ёпилиши хавфи мавжуд эди. АҚШ расмийлари низолар иштирокчиларига Меҳнат вазирлигидан нейтрал воситачи сифатида фойдаланишни таклиф қилишди. 1947 йилда ушбу вазифани бажариш учун махсус Федерал орган – АҚШ Федерал воситачилик ва яраштириш хизмати ташкил этил ва медиация 70 йилларнинг ўрталаридан бошлаб мустақил процедурага айланди.

Ишлар сонининг кўпайиши, судларга юк ортиши ва томонларнинг суд харажатлари ошиши билан ушбу низоларни ҳал қилишнинг яхшироқ йўлларини излаш бошланди ва медиация низоларни ҳал қилишнинг келажакда ишбилармонлик муносабатларини сақлаб қолиш имконини берадиган усул сифатида тан олинади. 1980 йилларда низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларидан фойдаланиш кўпайган. 1990 йилда қабул қилинган АҚШ Конгрессининг “Фуқаролик процессини ислоҳ қилиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, федерал судларга низоларни ҳал қилишнинг муқобил шаклларидан фойдаланишни тарғиб қилиш вазифаси юкланди. Бугунги кунда воситачилик Америка маданиятининг ажралмас қисми сифатида ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг муқобил шаклларидан биридир.

АҚШ Мичиган штатининг Ғарбий округида воситачилик қоидаларига мувофиқ суд медиацияга конституциявий ҳуқуқларга таъсир қилмайдиган ҳар қандай фуқаролик ишини ёки унинг бир қисмини тақдим этиши мумкин. Иш воситачилик учун танланишида томонларнинг келишуви ва суднинг розилиги, томонлардан бирининг илтимоси (қарама-қарши томонни хабардор қилган ҳолда), шунингдек, суд ташаббуси муҳим аҳамиятга эга.

Медиация Мичиган штатида яшовчи ва камида 5 йиллик амалиётга эга бўлган учта адвокатдан иборат воситачилар гуруҳи томонидан амалга оширилади. Иш воситачиликка мурожаат қилганда, даъвогар ва жавобгарларнинг адвокатлари воситачилар рўйхатидан битта номни танлаши мумкин. Медиация учун ишни танлаш ишни судга ўтказишнинг одатий жараёнига таъсир қилмайди. Бундан ташқари, АҚШда “хусусий суд тизими” каби муқобил суд мавжуд бўлиб, у ерда низоларни нафақадаги судьялар ёрдамида ҳал қилиш таъминланади. Хусусий судья ёки амалда “ижара судьяси” нафақат келишув функцияларини бажаради, балки томонлар учун мажбурий қарор қабул қилиши мумкин.

Медиация институти самарадорлиги бўйича АҚШда мазкур процедурадан ўтган ишларнинг 95 фоизи суд муҳокамасигача етиб бормаган. Германияда медиациянинг кўрсаткичларига кўра 90 фоиздан кўпроқ музокаралар тарафларнинг келишуви билан якунланган. Қуйи саксонияда бу борадаги самарадорлик 97 фоизни ташкил этса, Буюк Британияда 90-95 фоиз низоли ҳолатлар суд муҳокамасигача ҳал этилади. Европада медиациянинг самарадорлиги ўртача 40-80 фоизни ташкил этади.

Голландияда суд медиацияси агентлиги медиацияга йўналтириш хизматларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш бўйича судларни қўллаб-

қувватлаш ва кўрсатма бериш учун ташкил этилган. Агентлик медиацияга мурожаат қилиш тартибини, воситачилар фаолиятини ва ўқув курсларини ташкил этишни назорат қилади. Агентлик, шунингдек, воситачилик тўғрисидаги маълумотларни тўплайди ва бошқа судларга тарқатиладиган энг яхши амалиётларни аниқлайди.

Медиация тартибининг босқичлари (Голландия):

медиацияни тавсия этиш;

медиацияни қабул қилиш;

медиатор;

дастлабки учрашувни режалаштириш.

Ҳозирги вақтда воситачиликдан фойдаланиш имконияти Голландиянинг барча судларида мавжуд. Бу шуни англатадики, судья суд мажлисида ушбу имконият тўғрисида томонларни оғзаки равишда хабардор қилиши ёки суд мажлисидан олдин ёзма равишда воситачилик тартибини танлашга таклиф қилиши мумкин. Шу билан бирга, судья қайси ҳолларда воситачилик томонлар учун энг яхши танлов бўлиши мумкинлигини баҳолайди. Судья, шунингдек, томонларга низони медиацияда кўриб чиқиш тартиби тўғрисида қандай қилиб асосли қарор қабул қилишлари мумкинлиги тўғрисида маълумот беради.

Медиация бўйича маслаҳатчилар Голландиянинг барча судларида ишлайди. Медиация бўйича маслаҳатчи суднинг таклифига биноан воситачилик қиладиган медиаторлар билан йилига икки марта учрашувлар ўтказади. Ушбу учрашувларнинг мақсади нафақат процедураларни мувофиқлаштириш, муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш, балки тажриба алмашишдир.

Медиация маслаҳатчининг вазифаларини қуйидагича таснифлаш мумкин: маълумот бериш, томонлар танлаши мумкин бўлган воситачилар рўйхатини тақдим этиш, биринчи йиғилишни ўтказиш, медиация жараёнини кузатиш, молиявий ва маъмурий расмиятчиликларга риоя этилишини текшириш.

Низо тарафлари медиация маслаҳатчиси томонидан тақдим этилган рўйхатдан медиаторларни танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Рўйхатда нафақат уларнинг исмлари ва алоқа маълумотлари, балки соатлик ставкалар, малака, тажриба, лавозим ва касбий маълумотлар, медиаторнинг жинси ва ёши тўғрисидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Агар томонлар ўз манфаатларини мустақил равишда ифода этиш ва ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлса, воситачилик йиғилишларида адвокатларнинг иштирок этиши шарт эмас. Агар томонлардан бири воситачилик жараёнида адвокат хизматидан фойдаланса, иккинчиси фойдаланмаса, бу деярли ҳар доим номутаносибликни келтириб чиқаради. Медиацияга йўналтириш тизимида иштирок этишни истаган воситачилар маълум сифат мезонларига жавоб бериши керак. Тизимда фақат Голландия медиация институти томонидан сертификатланган воситачиларга рухсат берилади.

Медиациядан фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Голландия Адлия вазирлиги томонидан медиация харажатларини ҳисоблашнинг вақтинчалик тартиби тасдиқлади. Томонлар воситачиликнинг дастлабки 2,5 соати учун пул тўламайдилар. Шартнома тузилишидан олдин воситачи томонидан сарфланган вақт ҳисобга олинмайди ва компенсация қилинмайди.

Австрияда "Фуқаролик ишлари бўйича воситачилик тўғрисида"ги Қонун 2004 йилдан бери амал қилади. Ушбу қонунга кўра, Адлия вазирлиги ҳузурида воситачилик масалалари учун масъул бўлган медиация бўйича маслаҳат Кенгашини ташкил этди. Кенгаш аъзолари ва уларнинг ўринбосарлари Адлия вазири томонидан қайта тайинлаш ҳуқуқи билан беш йил муддатга тайинланади. Айни қонун келишув тартиб-қоидаларини тартибга солишга эмас, балки медиацияни ривожлантириш учун асос яратишга қаратилган. Хусусан, у таълим ташкилотлари ва курслари рўйхатига киритиш шартлари ва тартибини белгилайди. Шунингдек, Адлия вазирининг воситачилар реестрини юритиш (биринчи ва охирги исм, туғилган сана, воситачи (медиатор) лавозими, унинг иш жойи, унвони ёки илмий даражаси кўрсатиш) мажбурияти назарда тутилган. Реестрга киритилиши учун шахс 28 ёшга тўлган бўлиши, махсус малака олиши (воситачилик билим ва кўникмаларини, шунингдек ҳуқуқ ва психология асосларини билишни назарда тутади), ишончли бўлиши, касбий фаолият натижасида етказилган зарар учун жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузиши, воситачилик учун биноларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот бериши талаб этилади. Агар воситачи ушбу талабларга жавоб бермаса, малакасини оширмаса ёки огоҳлантириш олгандан кейин ўз вазифаларини қайта-қайта бузса, у реестрдан чиқарилади. Қонунга кўра, медиаторлар реестрида рўйхатдан ўтган медиатор "рўйхатдан ўтган медиатор" белгисидан фойдаланиш ҳуқуқига эга ва медиация тартибида ушбу белгидан фойдаланишга мажбурдир.

Медиаторга воситачилик тартибини амалга ошириш бўйича ёрдам ёки тавсия учун томонлардан ҳақ олишга, шунингдек қабул қилишга, ваъда беришга ёки кафолат беришга йўл қўйилмайди. Ушбу тақиқни бузган ҳолда тузилган ҳуқуқий битимлар бекор қилинади. Медиатор фақат томонларнинг розилиги билан ҳаракат қилади. У томонларга фуқаролик ишлари бўйича медиация ўтказишнинг хусусиятлари ва оқибатларини тушунтириши ва воситачилик тартибини мавжуд билим ва тажрибалар ёрдамида шахсан, бевосита ва нейтрал тарзда томонларга нисбатан энг яхши тарзда амалга ошириши керак. Агар зарур бўлса, медиатор томонларга маслаҳатлар бериши мумкин. Медиатор медиация тартибининг бошланиши ва у юзага келган ҳолатларни, медиация тартибининг тўғри давом этганлигини, шунингдек медиация тартибининг тугаганлигини ҳужжатлаштириши шарт. Томонлар низони воситачилик йўли билан ҳал қилишга келишиб олган вақт воситачилик тартибининг бошланиши сифатида белгиланади. Медиация томонлардан бири ёки воситачи процедурани давом эттиришни

истамаслигини эълон қилганда ёки натижага эришилганда тугайди. Томонларнинг илтимосига биноан медиатор медиация натижаларини, шунингдек уларга эришиш учун зарур ҳаракатларни ёзма равишда қайд этиши керак.

Германияда воситачилик тўғрисида махсус қонун йўқ, шунинг учун воситачилар Европа ҳамжамиятининг кўрсатмаларига амал қилишади. Ўтган асрнинг бошларида Ғарбий Европа давлатлари фуқаролик процессуал қонунчилигига суд ишларини юритишни тезлаштириш ва соддалаштиришга қаратилган бир қатор жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Хусусан, суд орқали ҳимояни тезлаштириш ва соддалаштириш масаласига Европа Иттифоқи органининг махсус қарори қабул қилинган[1]. 1991 йилда Боннда медиация бўйича биринчи Конгресс бўлиб ўтди. Медиация қоидалари Германия ФПКда келтирилган. 2001 йилги фуқаролик ҳуқуқи ислоҳоти кичик пул даъволари, қўшнилар билан низолар ва туҳмат айбловлари бўйича судгача ҳал қилишнинг мажбурий босқичи талаб қилинишини таъминлайди (Германия ФПКнинг 278-моддаси 5-қисми). Яъни, келишмовчиликни низоларни муқобил ҳал қилиш доирасида уриниб кўрмасалар одил судлов фаолияти бошланмайди[2]. Медиация ва келишув процедуралари Германия фуқаролик қонунчилигига киритилган ва ихтиёрий иштирок этишга асосланган. Фуқаролик судларида даъво ва эътирозларни қабул қилиб, судья низони воситачига ўтказиш имкониятини (ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ масаланинг мавжуд эмаслиги ва низода учинчи шахсларнинг иштирок этмаслиги) таҳлил қилади. Агар ишни воситачига ўтказиш учун шартлар мавжуд бўлса, судья томонларга воситачилик тамойилларини тушунтиради, уларнинг фикрини ўрганади ва розиликлари билан ишни воситачига ўтказади. Низони медиацияга ўтказиш учун томонларнинг розилиги махсус шакл билан берилади ва иш юритиш тўхтатилади. Шу билан бирга, суд муҳокамасини ўтказаётган судья келишув битимини тасдиқлайди. Агар воситачилик натижа бермаган бўлса, иш судьяга қайтарилади, воситачилик материаллари ёпиқ қолади. Германияда суд медиацияси низо тарафлари учун қўшимча харажатларга олиб келмаслиги сабабли, томонлар суд медиациясига мурожаат қилишлари ва суд медиатори (медиатор судьяси) номзодини келишиб олишлари мумкин[3].

Германия Федератив Республикаси Ер судлари судьялари медиацияга йиллар давомида судда ҳал қилинмаган айниқса, мураккаб ишларни бажонидил топширадилар. Медиация муваффақиятли якунланмаган бўлса ҳам, медиациядан кейин ишлар тезроқ ҳал қилинади. Статистикага кўра, медиаторларга тақдим этилган низоларнинг 2/3 ёки 75% муваффақиятли якунланди[4]. Германия фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, суд

[1] Вершинин А.П. Способы защиты гражданский прав в суде. Диссертация в виде научного доклада на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Санкт-Петербург. 1998. – 40 с.
[2] Херсонцев А.И. Указ. Соч. С. 120-121.
[3] Кисилев И.Я. Сравнительное и международное трудовое право. Учебник. Изд-во "Дело". -М.: 1999. – 299 с.
[4] Гражданского процессуального уложения Германии – EGZPO. 2001

музокаралари бошлангунга қадар тарафларни яраштириш чораларини кўриш мақсадда мажбурий босқич – келиштирув босқичи белгиланган. Келиштирув босқичида профессионал судья ҳамда низолашаётган тарафлар иштирок этадилар[1].

Германия “Нотариуслар тўғрисида”ги Қонунининг 1-қисмига мувофиқ нотариуслар юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун тайинланади. Нотариуснинг воситачи сифатидаги фаолияти, унинг вазифалари нафақат музокараларни бошқариш билан чекланиб қолмай, балки қарорни ҳуқуқий шаклда расмийлаштириш учун унинг ҳуқуқий малакасидан фойдаланишга қаратилган бўлиб, юридик ёрдам соҳасидаги расмий фаолият сифатида қаралади. Нотариус томонидан медиация қилиш қоидалари нотариус томонидан касбий вазифаларни бажаришни тартибга солувчи норматив ҳужжатларда белгиланади. Биринчидан, нотариус, агар унинг фаолияти холислик, яхлитлик, махфийлик ва мустақиллик каби мезонларга жавоб берса, воситачи сифатида иштирок этиши мумкин. Умумий қоидага кўра, нотариус томонидан медиатор сифатида юридик ёрдам кўрсатилиши медиация иштирокчилари томонидан тузилган шартномани нотариус томонидан тасдиқлаш имкониятини истисно этмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётига кўра, тўлиқлик ва содиқлик презумпцияси нотариал ҳужжатларга нисбатан қўлланилади (Германия Олий судининг 2002 йил 5 июлдаги қарори, 143/01). Шунингдек, нотариус музокараларни ташкил этишга мажбурдир, унинг доирасида у барча иштирокчиларнинг ҳақиқий иродасини белгилаши, низонинг барча муҳим ҳолатларини аниқлаши, хато ва шубҳаларнинг олдини олиши ҳамда музокараларда заиф томонни ҳимоя қилиши шарт. Истеъмолчилар иштирокидаги битимларни тасдиқлашда қонун томонидан нотариусга махсус талаблар қўйилади (Германия Фуқаролик кодексининг 17-моддаси “а” бандининг 2-қисми).

Германияда медиатор низога ҳуқуқий баҳо бериш ҳуқуқига эгами? Бу саволга жавоб воситачи музокараларда иштирок этишнинг қайси моделига амал қилишига боғлиқ. Фаол (баҳоловчи ёндашув) ёки пассив (факультатив ёндашув). Фаол моделда воситачи тўғридан-тўғри томонларнинг позицияларининг афзалликлари ва камчиликларини таъкидлайди, пассив моделда эса тегишли саволлар бериш орқали ушбу мақсадга эришади. Медиация процедураларини ўтказишда ҳар бир воситачи қайси моделга риоя қилишини ўзи ҳал қилиши керак. Шу муносабат билан Германия қонунчилигида тўғридан-тўғри рецептлар мавжуд эмас. Низони ҳуқуқий баҳолаш фақат воситачи ҳуқуқшунослик соҳасида малакага эга бўлган ҳолларда берилиши керак. Бироқ, бу ҳолатда ҳам, воситачига унинг бетарафлигига шубҳа қилмаслик учун ҳар доим жуда эҳтиёткорлик билан баҳо бериш тавсия этилади.

---

[1] Оробец В.М. Специализированные трудовые суды: зарубежный опыт и российское законодательство // Журнал российского права. 2003. –№ 9. http://www.lawmix.ru/comm.php?id=107.

Буюк Британияда ажрашмоқчи бўлган ҳар бир жуфтлик биринчи навбатда низоларни воситачилик ёрдамида ҳал қилишга ҳаракат қилишади. Агар иш оиладаги зўравонлик ёки болани ҳимоя қилиш зарурати каби ҳолатларга тегишли бўлса, иш дарҳол судга юборилади. Медиация, ер-хотин малакали мутахассис ёрдамида ажралиш тўғрисидаги шартноманинг мақбул шартларини мустақил равишда ишлаб чиқади ва қарор қабул қилиш учун жавобгарликни судьялар ва адвокатлар зиммасига юкламайди. Британия Миллий Аудит хизмати маълумотларига кўра, медиацияга рози бўлган ажралиш жараёни томонлари учун келишув ўртача 110 кунни олади, ишни судда кўриб чиқиш учун ўртача 435 кун керак бўлади. Медиация, шунингдек, ажралишни тежашга имкон беради. Британия юридик ёрдам марказларининг маълумотларига кўра, томонларнинг ҳар бири воситачилик пайтида тахминан 535 кун, суд жараёни эса беш баравар кўп – бир киши учун 2823 кун.

Оилавий низоларда медиациядан фойдаланиш анча самарали бўлиб, *Британия* вазирлиги статистика маълумотларига кўра, мамлакатимизда ўртача, 49% кўпроқ ҳолларда воситачилик варианти дастлаб кўриб чиқилди. *Канада* тажрибасида оилавий низоларни ҳал этиш бўйича “Оилавий медиация” институти ҳамда оилавий низоларни ҳал этишга ихтисослашган амалиётчи воситачи (медиатор)ларни ўқитиш ва сертификатлаш амалиёти мавжуд. Институтнинг мақсадлари таълим бериш, жамоатчилик хабардорлигини ошириш, ўқув материаллари ва стандартларини ишлаб чиқиш, ўз хизматларидан фойдаланмоқчи бўлган шахсларга воситачилар регистрларини тақдим этиш, рағбатлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва хизматлар кўрсатиш. *Англияда* ажралиш ҳолатларида медиация суд жараёнига нисбатан тезроқ, арзонроқ ва юмшоқроқдир, айниқса болалар ҳақида гап кетганда, чунки бу ота-оналарга нафақат қисқа муддатда, балки узоқ келажакда ҳам боланинг манфаатлари ҳақида мустақил фикрлаш имкониятини беради.

Италияда қабул қилинган 2004 йил 1 январда қонунга мувофиқ, агар воситачилик тартиби томонларнинг шартномасида ёки корпорациянинг ички ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, суд низони томонлар воситачилик қилмагунча кўриб чиқишга ҳақли эмас. Бундан ташқари, қонунга мувофиқ, воситачилик пайтида амалга оширилган барча битимлар ва ҳужжатлар ҳар қандай солиқ ва йиғимларни озод қилинади. Шунингдек, қонун билан медиация тартибини ўтказиш талаблари, унинг махфийлиги, медиаторнинг мустақиллиги, медиация жараёнида олинган маълумотлардан суд муҳокамасида далил сифатида фойдаланишга йил қўйилмаслиги назарда тутилган.

Исроил суд тизими воситачилик тартибларини рағбатлантиради. Суд низони муқобил йўл билан (воситачи иштирокида музокаралар олиб бориш орқали) ҳал қилиш учун ишни кўриб чиқишни кечиктиришга тайёр. “Суд тизими тўғрисида”ги Қонуннинг 79-моддаси “судга тарафларнинг розилиги билан низони воситачилик орқали ҳал қилиш” тўғрисида даъво юбориш ҳуқуқини беради. Хусусан, ушбу модда воситачининг ваколатларини ва унинг

судга нисбатан вазифаларини белгилайди. Агар ярашиш тартиби бир неча ой ўтгач, самарасиз бўлиб чиқса (воситачилар келишувни таклиф қилишган, аммо томонлардан бири ёки иккаласи ҳам бундан қониқмаган бўлса), бу ҳолда иккала томон ҳам судга мурожаат қилиш ҳуқуқини олади.

БМТ уставининг 33-моддасида медиация (воситачилик) низоларни ҳал этиш воситаси сифатида тан олинган. Шунингдек, Европа парламенти ва Кенгашининг 2008 йилги 52-сонли директивасида фуқаролик ва тижорат низоларида медиация тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: “бу жараённи тарафлар бошлаб берган ёки суд томонидан тайинланган ёхуд миллий қонунчилик билан белгиланганидан қатъи назар икки ёки ундан ортиқ низолашувчи тарафларнинг низони ҳал этиш тўғрисида келишувга эришиш мақсадида учинчи шахсга мурожаат этиш жараёнидир.” Бир сўз билан айтганда, медиация низоларни ҳал қилишнинг универсал альтернатив шакли сифатида деярли барча ривожланган мамлакатларда – Шимолий Америкадан Европага, Япония ва узоқ Шарқдан Австралия ва мусулмон шарқигача тарқалди. Медиация христиан ва мусулмон маданиятига осонгина мослашди. Ҳозирги вақтда воситачилик Германия, Буюк Британия, Франция, Испания, Италия, Бельгия, Голландия, Австралия, Япония, Канада ва бошқа мамлакатларда тан олинган[1].

Медиациянинг мазмуни иккита таркибий қисмни ўз ичига олади. Булар, томонлар ўртасидаги музокаралар ва воситачи фаолияти. Улар маълум қоидаларга мувофиқ амалга оширилади ва биргаликда низоларни ҳал қилишнинг махсус тартибини ташкил қилади. Медиаторнинг вазифаси юзага келган муаммо бўйича низо томонларининг биргаликдаги ишини ташкил этишдир. У музокаралар жараёнини бошқариш учун махсус техника ва усулларни қўллаш орқали томонларга келишувга эришишда ёрдам беради[2].

Медиациянинг мақсади – низолашувчи тарафларнинг ўзаро низоларини мустақил, ўзаро фойдали ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат. Унинг асосий тамойилларига ихтиёрийлик, ишончлилик, ўзаро ҳурмат, тарафлар тенглиги, медиаторнинг холислиги ва беғаразлиги, медиация тартибининг шаффофлиги (ошкоралиги) кабилар киради[3]. Медиация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти нафақат тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал этишга бўлган иродаси ва интилиши, балки медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқ.

Медиаторлар тарафлар ўртасида вужудга келган муаммо, келишмовчилик ва низоларни ҳал этишга кўмаклашадилар. Бунда медиатор далилларни текширмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, аксинча медиаторнинг асосий вазифаси – тарафлар ўртасида бир-

---

[1] Вершинин А.П. Способы защиты гражданский прав в суде. Диссертация в виде научного доклада на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Санкт-Петербург. 1998. – 40 с.

[2] Калашникова С.И. Медиация в сфере гражданской юрисдикции: Автореф. дис.канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2010. С.4.

[3] М.М.Мамасиддиков. Фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштиришнинг долзарб масалалари (Монография). Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О. Оқюлов. – Тошкент: ЮМОМ, –2014. 128 б.

бирларини тушунишга, тарафлар учун маъқул шартларда муаммони ҳал этиш имкониятларини излаш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборат.

Медиаторнинг ваколат муддати уч ойдан ошмаслиги ва медиаторнинг илтимосига биноан шу муддатга бир марта узайтирилиши мумкин (Франция ЖПКнинг 131^{3}-моддалари). Суд воситачи сифатида жисмоний шахсни ёки нотижорат ташкилотни тайинлаши мумкин (Франция ФПКнинг 131^{4}-моддаси).

Медиатор тергов ўтказиш ҳуқуқига эга эмас (Франция ЖПКнинг 131^{8}-моддаси). Бироқ, у томонларнинг ва учинчи шахснинг розилиги билан учинчи шахсни эшитиши мумкин. Медиация процедураси исталган вақтда томонларнинг ёки воситачининг илтимосига биноан бекор қилиниши мумкин (Франция ФПКнинг 131^{10}-моддаси). Шунингдек, судья процедура нотўғри олиб борилган деб ҳисобласа, медиация тартибини ўз ташаббуси билан тугатишга ҳақлидир.

Медиация жараёни мажбурий кучга эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган, конфиденциал жараён бўлиб, бу низолашаётган тарафларнинг ўз ихтиёрларига кўра танлаб олган, бетараф учинчи шахснинг воситачилигида, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низони ўзаро мурoса (ярашув – медиация фаолияти натижасида низони ҳал қилиш) йўли билан ҳуқуқий асосда ҳал этишдир. Бетараф учинчи шахс – медиатор аслида судья ҳам, арбитр ҳам эмас ва вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор ҳам қабул қилмайди. Ҳакамлик судидан у айнан шу жиҳати билан фарқ қилади.

Модомики тарафларнинг ўзлари қарор қабул қилишар экан, у ҳолда медиаторнинг воситачилигига эҳтиёж бормикан, деган ҳақли бир савол туғилиши табиий. Гап шундаки, мавжуд низо юзасидан тарафлар томонидан олиб бориладиган музокараларда ҳар икки тараф ўз нуқтаи назарларини илгари сурадилар ва ўзларининг ҳақ эканликларини исботлашга уринадилар. Айрим ҳолларда музокара олиб борувчиларда бу низоли масала юзасидан мустақил қарор қабул қилиш учун янада мутаносиб мувозанат нуқтаси топилмай қолиши эҳтимолидан келиб чиққан ҳолда бу жараённи учинчи, бетараф шахс – медиатор зукколик билан ҳар икки тарафнинг даъво ва эътирозларини кўриб чиқиб, ҳар икки тараф учун мақбул бўлган ечимни топиб беради.

Қайд этиш керакки, юзага келган фуқаролик низоларни судга қадар ҳал этишда қонун ҳужжатлари билан ушбу тартиб-таомилларнинг назарда тутилиши муҳим аҳамият касб этади. Миллий қонунчиликни таҳлил этиш низоларни судга қадар ҳал этишга оид тартиб-таомиллар жорий этилганлигини кўрсатади. Хусусан, яраштирув (воситачилик) тартиб-таомиллари жамоавий меҳнат низосини дастлаб яраштириш комиссиясида, унда келишувга эришилмаганда эса меҳнат арбитражида, шунингдек тарафларнинг ўзаро келишувига кўра медиация тартиб-таомилларини қўллаган ҳолда тадрижий ҳал этишдан (тартибга солишдан) иборатдир (МКнинг 570-моддаси). Қолаверса, низоларни судга қадар ҳал этишда,

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунда фуқаролар йиғинларида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича яраштирув комиссиясини тузиш мумкинлиги ва қоида тариқасида, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари ушбу комиссияда раислик қилиши кўрсатилган (Қонуннинг 18-моддаси).

Фуқаролик процессида низоларни ҳал қилишнинг ана шундай муқобил шаклларидан яна бири бу – келишув битимидир.

Тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш эҳтимолининг мавжудлигини аниқлаш ва унинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш ишларини амалга оширишда судья томонидан ишни суд муҳокамасига тайёрлашда тарафларни сўроқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу босқичда тарафларни яраштириш чораларини кўриш *биринчидан,* манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг тез фурсатларда ҳимоя қилинишини кафолатлайди ва тарафлар ўртасидаги ижтимоий кескинликни пасайтиришга, *иккинчидан,* турли хил оворагарчиликлар ва ортиқча суд харажатлари сарфланишининг олди олишга, *учинчидан*, судьяларнинг иш юкламаларини камайтиришга хизмат қилади. Бироқ, кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим судьялар ишни суд муҳокамасига тайёрлашда тарафларни сўроқлаш масаласига етарлича эътибор бермасликнинг асосий сабабларидан бири Фуқаролик процессуал кодексининг 203-моддасида тарафларни сўроқлашнинг процессуал тартиби ва уни расмийлаштириш, сўроқ жараёнига тарафларни чақириш тартиби ва унга риоя қилмаслик оқибатлари, шунингдек сўроқлаш муддати ўз ифодасини топмаган. Шунга кўра, Фуқаролик процессуал кодекси 203-моддаси талабида ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида махсус суд мажлислари ўтказилишининг тартиби ва механизмини назарда тутувчи нормаларни (муқобил шаклларни) кўпайтириш лозим.

Таъкидлаш ўринлики, ишларни келишув битими тузиш орқали тугаллаш фақатгина ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичи учунгина эмас, балки иш кўришнинг барча босқичлари учун ҳам характерлидир. Тарафлар ўртасида суд мажлисига қадарли низоларни келишув битими тузиш орқали ҳал этишнинг афзалликлари Германия “Суд харажатлари тўғрисида”ги Низомида мавжуд бўлган қоидаларда мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу Низом тарафлар ўртасида келишув битимининг тузилишида рағбатлантирувчи омил вазифасини бажариб келмоқда. Яъни, Низомга кўра, агар тарафлар биринчи инстанция судида ўзаро келишув битими тузишга келишиб олсалар ва ушбу келишув суд музокараларига қадар амалга оширилган бўлса, у ҳолда тарафлардан суд харажатлари ундирилмайди, меҳнат ишлари бўйича Ер ва Федерал судларда эса суд харажатларининг ярми ундирилади.

Ижро ишларини юритиш ушбу туркумдаги низоли ишлар учун белгиланган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда фуқаролик процессуал қонунчилик билан тартибга солинадиган қоидалар асосида амалга оширилади.

Шу ўринда РФ “Мировой судлар тўғрисида”ги Федерал Қонун[1] ҳамда ФПКга “Келиштирувчи судларнинг судловлигига тегишли бўлган фуқаролик ишлари” деб номланган 23-модданинг[2] киритилиши умумюрисдикция судларида иш ҳажмининг камайишига ҳамда ишларни ўз вақтида кўриб ҳал этилишига ҳисса қўшиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Дарҳақиқат, юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўринишича, келиштирувчи судларнинг ваколатига ишга тиклаш ҳақидаги низоли ишлардан ташқари, бошқа барча меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар тааллуқли ҳисобланади. Бизнинг фикримизча ишга тиклаш ҳақидаги низоли ишлар қаторида етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишни ҳам белгилаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, суд тартибида ишларни кўришда муайян даражада молиявий харажатлар, вақт сарфланади, низоларни суд жараёнисиз ҳал қилиш (янги қоидаларни жорий этиш) эса даъволар сони кескин камайтиришга олиб келади. Демак, низони суд орқали, шу жумладан келишув битимини тузиш йўли билан ҳал қилиш усулини медиация мезонлари билан таққосласак, медиация нисбатан самаралироқ эканининг гувоҳи бўламиз[3]. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: Б*иринчидан,* у суд жараёни, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши ва ижро иши юритишга қараганда камроқ вақтни олади. Ҳатто, юридик тортишувлар одатда бир неча даъво аризаларидан ташкил топади ва баъзан улар турли судларда кўрилади. Бунда эса ижро варақасига кўра эришадиган натижага қараганда самарали музокаралар ёрдамида яхшироқ натижага эришиш мумкин. *Иккинчидан,* суд жараёнига кўрсатиладиган юридик хизматлар учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ ҳаражатлар медиатор гонораридан анча кўп бўлади. *Учинчидан,* суд жараёни якунланган, суд залини баъзан муросасиз мухолифлар тарк этса, медиация жараёнида шерикчилик муносабатларини сақлашга муваффақ бўлинади, тарафлар ҳамкорликни давом эттиради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз келишмовчиликларни судга қадар ҳал этишга қаратилган бир қатор нормалар назарда тутилган. Бироқ, шундай бўлса-да, судларга келиб тушаётган ишлар сонининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги, ишларни кўриб чиқиш муддатлари эса йиллар давом этаётганлиги низоларни судгача ва суддан ташқари (муқобил) усулларда ҳал этиш заруратини келтириб чиқармоқда. Албатта, суд ишларини соддалаштирилган тартибда ҳал қилиш суд процессини жадаллаштиришга хизмат қилади. Шу мақсадда қуйидалилар таклиф этилади:

---

[1] “Мировой суд” атамасининг маъноси “Муроса суди” ёки “Ярашув суди” маъносини англатади. Қаранг: Абдусаломов М., Рўзиназаров Ш. Русча-ўзбекча суд-ҳуқуқий атама ва иборалар луғати. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди. 2002. -28 б.

[2] Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. – М.: ЮРИСТЪ, 2003.С. 26-27.

[3] Кузбагаров А.Н. Примерение сторон по конфликтам частноправового характера. Дис. д-ра. Юрид. Наук. СПб.: МВД РФ СПбУ, 2006. С. 150.

фуқаролик суд ишларини юритишни жадаллаштиришда музокаралар, талабнома тартиби, медиация ва ҳакамлик муҳокамасидан кенгроқ фойдаланиш;

воситачилик қоидаларига мувофиқ суд медиацияга конституциявий ҳуқуқларга таъсир қилмайдиган ҳар қандай фуқаролик ишини ёки унинг бир қисмини тақдим этиши (АҚШ Мичиган штати);

Низоларни нафақадаги судьялар ёрдамида ҳал қилиш амалиётини ижобий ва салбий жиҳатларини ўрганган ҳолда “Хусусий судья” ёки “Ижара судьяси” (муқобил суд) тизимини жорий этиш таклиф этилади. Бу нафақат келишув функцияларини бажаради, балки томонлар учун мажбурий қарор қабул қилиши мумкин (АҚШ тажрибаси);

кичик пул даъволари (миқдори қонун билан белгиланади), қўшнилар билан низолар ва туҳмат айбловлари бўйича судгача ҳал қилишнинг мажбурий (келиштирув) босқичини жорий этиш (Германия ФПКнинг 278-моддаси 5-қисми);

йиллар давомида судда ҳал қилинмаган айниқса, мураккаб ишларни медиация инстанциясига топшириш таклиф этилади. (Германия Федератив Республикаси Ер судлари);

ажрим билан боғлиқ ишларда низоларни воситачилик ёрдамида ҳал қилиш биринчи талаб сифатида қатъий белгилаш (Буюк Британия тажрибаси);

низоли ҳуқуқий муносабат томонларига низо туридан келиб чиқиб воситачилик тартибини амалга ошириш. Мисол учун меҳнат низолари билан боғлиқ ишларда Меҳнат вазирлигидан нейтрал воситачи сифатида фойдаланиш. (АҚШ тажрибаси).

VOSIYEV JAMSHID MUSTAFOYEVICH
O’zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi mustaqil izlanuvchisi

INSONNING BIOMEXANIK O’ZGARISHLARINI AMALGA OSHIRISH SUBYEKTLARINING HUQUQIY MAQOMINI TARTIBGA SOLISH

Annotatsiya: Mazkur tezisda bugungi kunda O’zbekiston huquq tizimi uchun yangi soha bo’lgan insonning biomexanik o’zgarishlarini fuqarolik-huquqiy tartibga solish masalalari, xususan ushbu jarayonning bevosita ishtirokchilari bo’lgan subyektlar, ya’ni biomexanik o’zgarishlarni boshidan o’tkazadigan shaxslar va ushbu jarayonlarni amalga oshiradigan shaxslarning huquqiy maqomini o’rnatish masalalari o’rganilgan. Shuningdek, ushbu jarayonda qaysi jihatlarga e’tibor berish kerakligi, ushbu jarayon subyektlarining huquqiy himoyasini ta’minlash bo’yicha qilinishi kerak bo’lgan ishlar haqida muallif so’z yuritadi.

Kalit so’zlar: Biomexanik o’zgarishlar, subyektlarning huquqiy maqomi, genetic muhandislik, miya interfeyslari, yuridik nazorat.

Annotation: In this thesis, the issues of civil-legal regulation of human biomechanical changes, which is a new field for the legal system of Uzbekistan today, in particular, subjects who

are direct participants in this process, that is, persons who undergo biomechanical changes and the issues of establishing the legal status of persons implementing these processes have been studied. Also, the author talks about what aspects should be paid attention to in this process, what should be done to ensure the legal protection of the subjects of this process.

Key words: Biomechanical changes, legal status of subjects, genetic engineering, brain interfaces, legal control.

Insonning biomexanik o'zgarishlariga imkon beradigan texnologiyalarning rivojlanib borishi natijasida ushbu sohadagi munosabat subyektlarining huquqiy maqomini tartibga solish masalasi borgan sari dolzarblashib bormoqda. Kibernetika, robototexnika va sun'iy intellect sohalarida olib borilayotgan keng innovatsiyalar natijasida inson tanasiga mexanik komponentlarni kiritish texnologiyalari joriy etilishi tezlashib bormoqda[1]. Dunyo bo'ylab barcha mamlakatlarda nerv implantlari, oyoq-qo'l protezlari hamda sintetik organlar yordamida insonning imkoniyatlarini oshirish bo'yicha yangi amaliyotlar vujudga kelmoqda. Biroq, hali ko'plab huquq tizimlarida ushbu jarayonlarni boshidan o'tkazadigan jismoniy shaxslarning hamda ushbu jarayonlarni qo'llaydigan tashkilotlarning huquq va majburiyatlarini tartibga solish masalasi bo'shligicha qolmoqda. Buning natijasida, biomexanik o'zgarishlar subyektlarning himoyasini yetarlicha ta'minlash, hamda insonning salohiyatini oshirishga yordam beradigan foydali texnologiyalardan foydalanishda muammolar vujudga kelmoqda. Fikrimizcha, ushbu sababdan, insonning biomexanik augmentatsiyasi (inson tanasining sun'iy o'zgartirilishi) subyektlarning huquqiy holatini tartibga solish uchun fuqarolik-huquqiy bazani kompleks ishlab chiqish bugungi huquq tizimimizning eng dolzarb sohalaridan biridir.

So'nggi yillarda innovativ texnologiyalarning rivojlanib borishi tobora tezlashib bormoqda, hamda bu ushbu jarayonlarning huquqiy nazoratini olib borishda jiddiy qiyinchiliklarni yuzaga keltiradi. Yaqqol misol sifatida insonning miyasiga uni tiklash uchun yoki kognitiv funksiyalarni qo'shish uchun raqamli qurilmalarning integratsiyasini ko'rsatishimiz mumkin. "Parkinson sindromi" kabi kasalliklarni davolash uchun miyaga nerv implantatlarini o'rnatish tajriba sinovlari umidli natijalar bermoqda. Miya-kompyuter interfeyslari (BCI) esa tobora rivojlanib bormoqda[2]. Mazkur texnologiyalar nevrologik yaxshilanish jarayonlaridan o'tadigan subyektlarning himoyasi va javobgarligiga oid muhim masalalarni keltirib chiqaradi: miyani yaxshilash uchun invaziv jarrohlik amaliyotiga rozilikni kim berishi kerak, ayniqsa voyaga yetmaganlar yoki nogironligi bo'lgan shaxslarda ushbu amaliyotni amalga oshirish uchun kim rozilik berishi kerak? Ushbu jarayonda yo'l qo'yilgan xatoliklar natijasida yetkazilgan zarar uchun javobgarlik masalasi qanday qilib tartibga solinadi? Ushbu jarayonlarni boshidan o'tkazuvchu subyektlarning huquqiy holati to'g`risidagi qonunchilik ko'plab mamlakatlarda hali

[1] Смит, Кентукки (2021). Искусственный интеллект, увеличение и аристотелевский фронезис. Новая биоэтика, 27(1), 69-83.https://doi.org/10.1080/20502877.2021.1883591

[2] Джебари, К. (2021). Переосмысление улучшения человеческого потенциала: социальные и этические последствия новых технологий. Рутледж.

yaxshi rivojlanmagan[1]. Shu sababdan ushbu masalalarni fuqarolik-huquqiy tartibga solish bugungi kunning juda muhim zaruriyatidir.

Biomexanik o'zgarishlarni fuqarolik-huquqiy tartibga solish nafaqat subyektlarning himoyasini ishlab chiqishni, shuningdek ushbu jarayonlarni amalga oshiradigan tashkilotlar ustidan nazorat olib borishni o'rnatishni ham talab qiladi.

Insonning biomexanik o'zgarishiga olib keluvchi texnologiyalarni ishlab chiquvchi tashkilotlarning majburiyat va javobgarligini aniqlashtirish ustuvor vazifalardan biri hisoblanadi. Ushbu sohadagi huquqbuzarliklar uchun qo'llaniladigan an'anaviy javobgarlik modellarining maqsadga muvofiq yoki muvofiq emasligi masalasi, yoki himoya qilishning yangi mexanizmlarini ishlab chiqish masalalarida ko'plab yuridik muzokaralar olib borilmoqda[2].

Biomexanik modifikatsiyalash sohasidagi subyektlarning huquqiy holatini tartibga soluvchi fuqarolik huquqiy tizimini ishlab chiqishda bosh rahbariy tamoyillarni tartibga solish ko'lami va chegarasini belgilash uchun asos bo'lib xizmat qilishi kerak.

Yuridik nazoratni sog`liqqa zarar yetkazish xavfi yuqori bo'lgan biotibbiy jarayonlarga qaratish kerak bo'ladi. Masalan, ishonchsiz bo'lgan genetik modifikatsiyalashni cheklash mumkin, lekin o'rnatilgan xavfsizlik talablariga rioya qilgan holda protezlashni cheklash mumkin emas. Shuningdek, sohani tartibga solishda potensial zarar bilan hisobdorlik va javobgarlikning proporsional choralarini solishtirib ko'rish lozim[3]. Faktik ma'lumotlarga asoslangan oqilona va asoslangan xavfni tahlil qilish ehtiyot choralari va ruxsat berish o'rtasida muvozanat saqlanishiga yordam beradi.

Biomexanik modifikatsiyalashda xorijiy davlatlar, xususan AQSH va Osiyo davlatlari tajribasiga qaraydigan bo'lsak, biologic augmentatsiyani tartibga solishda hali katta bo'shliqlar mavjudligini ko'rishimiz mumkin. Biroq, AQSH, Xitoy, Singapur, Janubiy Koreya mamlakatlarida ushbu jarayonlarni huquqiy tartibga solish sohasida salmoqli ishlar amalga oshirilayotganligini ham aytib o'tish kerak. Ushbu davlatlar tajribasini o'rganish, hamda yutuqlaridan foydalanish hozirgi rivojlangan texnoligiyalar asrida huquq tizimimiz uchun ham foydali bo'lar edi.

Insonning biomexanik o'zgarishlarini amalga oshiruvchi subyektlarning huquqiy maqomini tartibga solishda eng dastlabki vazifalardan biri, fikrimizcha, biomexanik o'zgarishlarni fuqarolik-huquqiy tartibga solish subyektlarining aniq ro'yxatini ishlab chiqish kerak. Bunda maqsad potentsial foydali texnologiyalardan foydalanishga to'sqinlik qiladigan ortiqcha cheklovlardan qochib, qonuniy chegaralarni aniq belgilashni o'z ichiga olishi kerak.

---

[1] Сандел, М (2022). Биотехнология, этика и политика человеческой природы. Перспективы политики, 20 (2), 479–496.https://doi.org/10.1017/S153759272100315X

[2] Бейлис, Ф. (2013). "Человеческий" по замыслу: нормативная база для производства человекоподобных артефактов. Журнал биоэтических исследований, 10 (3), 393-405.https://doi.org/10.1007/s11673-013-9451-7

[3] Гассон, Миннесота (2012). Человеческие ИКТ-имплантаты: от восстановительного применения к улучшению человека. В имплантатах ИКТ для человека: технические, юридические и этические соображения (стр. 11-28). ТМК Ассер Пресс.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, insonning biomexanik o'zgarishlarini takomillashtirishda, ular subyektlarining huquqiy maqomini belgilashda quyidagi takliflarni ishlab chiqamiz:

- Genetik muhandislik, miya interfeyslari va ilg'or protezlar kabi texnologiyalar bo'yicha axloqiy ko'rsatmalar va siyosat tavsiyalarini ishlab chiqish uchun milliy bioetika komissiyasini tuzish kerak;
- Fuqarolik kodeksi va boshqa qonunlarda augmentatsiya sohasidagi tadqiqotlarni amalga oshirish jarayonlarida subyektlarning huquq va majburiyatlarini belgilash;
- Biologik augmentatsiya natijasida yetkazilgan zararlarni qoplashni talab qilish va shikoyat qilishni belgilovchi normalarni kiritish maqsadida iste'molchilarning huquqlari to'g'risidagi qonunchilikni qayta ko'rib chiqish.

Ushbu takliflarni qonunchilikka qabul qilish natijasida O'zbekistonga insonning potensial salohiyatini oshirishga imkon berish bilan birga, fuqarolarining huquqlarini ham himoya qiladi, ushbu sohadagi taraqqiyotni ta'minlab beradi.

УСМОНОВ ВОСИД МУҲАММАДИЕВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси мустақил изланувчиси

ИНТЕРНЕТ-ТРАНСЛЯЦИЯДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Аннотация: Мақолада интернет–трансляция ҳақида маълумотлар, интернет-трансляциянинг муҳим элементлари, нима учун кераклиги ҳақида сўз юритилади. Интернет–трансляцияда муаллифлик ҳуқуқининг келиб чиқиши, жонли (тўғридан-тўғри) трнасляциянинг имкониятлари, фарқлари тўғрисида мулоҳаза қилинади. Оммавий ахборот воситаларининг бир бўлаги бўлган интернет-трансляцияга бўлган қизиқишлар, ҳуқуқлар ва имкониятлар кундан кунга ривожланиб бормоқда. Интернет-трансляция фаолияти ўз номи билан масъулият билан ишга қарашни талаб этади. Уни бутун дунё жонли (тўғридан-тўғри) равишда кузатиб боради. Баҳо беради ва хулоса чиқаради.

Калит сўзлар: Интернет-трансляция, журналист, муҳаррир, режиссёр, оператор, блогер, теле-радио канал, газета, журнал, нашриёт, босмахона.

Аннотация: В статье рассматривается информация об интернет-вещании, важных элементах интернет-вещания и зачем оно нужно. Рассмотрены возникновение авторского права в Интернет-вещании, возможности и отличия прямого вещания. Интересы, права и возможности интернет-вещания, являющегося частью средств массовой информации, развиваются с каждым днем. Интернет-вещание требует ответственного отношения к своему названию. Весь мир будет наблюдать за этим в прямом эфире, и будет оценивать и делать выводы.

Ключевые слова: Интернет-вещание, журналист, редактор, режиссер, оператор, блогер, телерадиоканал, газета, журнал, издатель, типография.

Интернет протокол телевидениеси (Интернет телевидениеси ёки онлайн ТВ) - кенг полосали Интернетга уланиш орқали телевизор сигналини икки

томонлама рақамли узатишга асосланган тизим. Уни ИПТВ протоколи орқали кабел операторлари томонидан рақамли телевидениени узатиш технологияси билан аралаштириб юбормаслик керак[1].

Кабел телевидениеси сигнални (ҳам телевидение, ҳам радио сигналларини) масофадан узатиш вариантларидан биридир. Ҳам аналог, ҳам рақамли форматларни узатиш мумкин[2].

Интернет тармоғи – бугуннинг энг муҳим ахборот воситаси қуроли бўлиб қолди. Интернетсиз ҳаётимизни тасаввур қилолмайдиган бўлиб қолдик. Уй юмушларида, ишхонада, давлат идоралари ўртасида ўзаро хабарлашишда, боринғки, жами ишларимизда интернетнинг ўрни бирламчи бўлиб қолмоқда. Интернет тармоғи орқали **интернет-трансляцияда муаллифлик ҳуқуқининг** зарурати ва аҳамияти ниҳоятда беқиёсдир. 21 аср сўзсиз интернет асри бўлаяпти. Бундан йигирма беш йил олдин шу гапларни айтганимизда ҳеч ким бу нарсани таҳмин қилолмаган бўлса керак. Одамлар бунга кўникаяпти, ўрганаяпти, қизиқаяпти, интернетга уланаяпти ва албатта, ўзининг ҳаётининг бир қисмига айланиб бораяпти.

Интернет-трансляция тармоғининг ривожланиши алоҳида ажралиб туради. Ҳозирги даврда интернет-трансляция инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олди. Жумладан: кундалик ахборот бериш, давлат хизматларини кўрсатиш, спорт тадбирларининг сўнгги янгиликларини олиш, экология билан боғлиқ хабарлар, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда интернет-трансляциянинг ўрни ва роли ошиб бормоқда. Интернет-трансляцияни амалда кўрадиган бўлсак тезкор маълумот олиш ва алмашиш, инсон меҳнатини енгиллаштириш ва унумдорлигини ошириш, ортиқча ҳаражат ва сарсонгарчиликнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Судларда эса фуқароларга енгиллик яратади, фуқароларнинг бориш-келиш, иссиқ-совуқ кунда оғирини енгил қилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “**Мен бу ҳақда интернетдан билдим, менга буни ҳеч ким маълум қилмаган, депутатларга ҳар куни интернетга кириб, одамларнинг муаммоларидан хабардор бўлишни маслаҳат берди. Давлат раҳбари мамлакатдаги кўпгина воқеалар ҳақида шу ресурс орқали хабардор бўлишини қайд этди**”[3].

Интернет тармоғи орқали интернет-трансляция бўйича бугунги кунда барча ислоҳотлар даврида мамлакатимизда интернет-трансляциядан барча соҳаларда унумли фойдаланишга давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Интернет-трансляция тармоғи билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган қонунлар қабул қилиш ҳамда уларни амалиётга ҳар томонлама татбиқ этиш давлат

[1]https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%98%D0%BD%D1%82%D0%B5%D1%80%D0%BD%D0%B5%D1%82%d1%82%d0%b5%d0%bb%d0%b5%d0%b2%d0%b8%d0%b4%d0%b5%d0%bd%d0%b8%d0%b5

[2]https://ru.wikipedia.org/wiki/%d0%9a%d0%b0%d0%b1%d0%b5%d0%bb%d1%8c%d0%bd%d0%be%d0%b5_%d1%82%d0%b5%d0%bb%d0%b5%d0%b2%d0%b8%d0%b4%d0%b5%d0%bd%d0%b8%d0%b5

[3] https://anhor.uz/uz/society/shavkat-mirziyoev-deputatlarga-internet-oavni-uqishni-maslahat-berdi-video/

ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

“Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги ва муҳим босқичига қадам қўяётган ҳозирги даврда медиа соҳаси вакиллари — журналист ва муҳаррирлар, режиссёр ва операторлар, блогерлар, теле-радио каналлар, газета ва журналлар, нашриёт ва босмахона ходимлари Ватанимизнинг демократик қиёфасини шакллантириш, уни дунёга тараннум этишга беқиёс ҳисса қўшиб келаётганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди”[1], дея таъкидлаган эди давлат раҳбари.

Ҳозирги кунда давлатимизда интернет-трансляциядан фойдаланиш муносабатларини тартибга солишга қаратилган тўғридан-тўғри қонун мавжуд бўлмасада, лекин бир қатор ҳужжатларда ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “**Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги**[2] Қонуни (1993 йил 7 май, 848-XII-сон) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “**Ўзбекистон Республикаси Ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги**[3] Қарори (1999 йил 26 март, 137-сон), Ўзбекистон Республикасининг “**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги**[4] Қонуни (2014 йил 5 май, ЎРҚ-369-сон), Ўзбекистон Республикасининг **Ўзбекистон Республикаси Президенти “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”**[5] Қонуни (2021 йил 6 июль, ЎРҚ-700-сон), Ўзбекистон Республикасининг “**Киберхавфсизлик тўғрисида”**[6] Қонуни (2022 йил 15 апрель, ЎРҚ-764-сон), Ўзбекистон Республикасининг “**Ахборотлаштириш тўғрисида”ги**[7] Қонуни (2003 йил 11 декабрь, 560-II-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “**Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида”**[8] Қарори (2009 йил 21 апрель, 116-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “**Бутунжаҳон интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**[9] Қарори (2018 йил 5 сентябрь, 707-сон), Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисидаги**[10] Фармони (2023 йил 11 сентябрь) қабул қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “**Суд муҳокамаси**

[1] https://www.gazeta.uz/uz/2022/06/27/congratulation/
[2] https://lex.uz/ru/docs/98850
[3] https://lex.uz/docs/280901
[4] https://lex.uz/docs/2381133
[5] https://lex.uz/uz/docs/5491505#5493553
[6] https://lex.uz/uz/docs/5960604
[7] https://lex.uz/acts/83472
[8] https://lex.uz/docs/1473967
[9] https://lex.uz/docs/3893085
[10] https://lex.uz/ru/docs/6600413

ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги[1] қарори (2020 йил 21 февраль) қабул қилинган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги[2] қарори 25-бандига кўра: Судлар фаолиятига доир ахборот оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали тарқатилади, дейилади.

Судлар фаолиятига доир Интернет тармоғида жойлаштирилиши шарт бўлган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасида келтирилган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим, дейилади. Ҳаммани шу савол ўйлантиради: Барча суд процессини интернетда жонли (тўғридан-тўғри) кўрсатиш мумкинми? Албатта, ҳамма процессни тўғридан-тўғри кўрсатиб бўлмайди. Сабаби оддий: давлат сири билан боғлиқ жараён бор, ҳарбий сир билан боғлиқ жараён бор, тижорат сири билан боғлиқ жараён бор. Ундан ташқари адвокатлик сири, нотариус сири, васийлик ва ҳомийлик органининг сири бор. Тўғриси, ҳеч ким иши судга тушган вақтни уни тўғрида-тўғри кўрсатишни хоҳламайди. Бу албатта тарбия билан, менталитет билан боғлиқ ҳолат бўлса керак. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, жонли эфирда кўрсатишнинг ижобий томони ҳам бордир. Айтайлик иш жараёнида иштирок этувчилар масъулият билан ёндошади, имкон қадар масалага жиддий қарайди ва ҳ.к.

Интернет трансляция бўйича бир қатор хорижлик олимлар томонидан билдирилган фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, ҳозирги вақтда Россияда Интернетда жойлаштирилган объектларга муаллифлик ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш муаммоларини тизимли ҳал қилишга бағишланган фундаментал тадқиқотлар мавжуд эмас, кўплаб нашр этилган ишлар рақамли муҳитдаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим жиҳатларини ўрганишга бағишланган. Шундай қилиб, В.С.Илларионов “Интернетда тарқалган мусиқий асарларга муаллифлик ҳуқуқи масалалари”ни, С.А.Воропаев “Бутунжаҳон Интернет тармоғининг фаолияти соҳасидаги адабий ва санъат асарларига муаллифлик ҳуқуқини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий масалалари”ни, П.Д.Барановский “Интернетда интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг халқаро ҳуқуқий муаммолари”ни, Н.А.Шелудякова “Муаллифлик ҳуқуқи нуқтаи назаридан Интернет-оммавий ахборот воситаларининг муаммолари”ни ва В.Б.Наумов “Интернет тармоғида ахборот тарқатилишини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари”ни илмий асарларида кўриб чиқди[3].

[1] https://lex.uz/docs/4751577
[2] https://lex.uz/docs/4751577
[3] https://www.dissercat.com/content/avtorskie-prava-na-obekty-razmeshchennye-v-seti-internet-i-ikh-zashchita-v-rossiiskoi-federa

Шунингдек, С.А. Бабкина “Интернет глобал компьютер тармоғидаги интеллектуал мулк: Россия ва АҚШда фуқаролик тартибга солиш муаммолари: қиёсий ҳуқуқий таҳлил” (Москва, 2005), О.П. Бойко “Россия Федерациясида Интернет муҳитида муаллифлик ҳуқуқини фуқаролик жиҳатдан тартибга солишнинг хусусиятлари” (Москва, 2007), Р.Ш. Курамагомедов “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг техник воситаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш” (Москва, 2012), М.Ф. Радаикина “Интернет муҳитида муаллифлик ҳуқуқи субъектлари манфаатлари мувозанатини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари” мавзулари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган ва интернет тизимининг бир қатор ижобий хусусиятларини ёритиб беришган.

Интернет-трансляция бўйича халқаро тажриба ва ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини умумлаштириб, бизнингча, интернет-трансляция қуйидаги доктринал таърифни илгари суриш мумкин:

Инернет-трансляция бу – давлат имкониятидан келиб чиқиб, компьютер (интернет) тармоғи орқали, барча соҳаларда (расмий учрашув, танлов, тадбир, спорт мусобақалари, экология тизими, илм-фан ютуқлари, адолатли суд жараёнлари) қўлланилиши имконияти бўлган, яъни жамиятнинг ҳамма соҳасини қамраб оладиган очиқ, равон, шаффоф ва тўғри маълумот берувчи ахборот тизимидир.

Интернет-трансляция бўйича миллий қонунчиликнинг таҳлили: камчилик ва бўшлиқлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, масалан, 2003 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “**Ахборотлаштириш тўғрисида”ги** Қонунида интернетга таъриф берилсада, трансляция тўғрисида сўз юритилмайди.

Худди шунингдек 2014 йил 5 майдаги Ўзбекистон Республикасининг “**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги** Қонунида интернет ҳақида сўз борсада, жонли эфир ҳақида сўз юритилмайди. Фақатгина 2020 йил 21 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “**Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги** қарорининг 14-бандига кўра:

а) очиқ суд мажлисини фототасвирга тушириш, видеоёзувни амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида трансляция қилишга қуйидаги тартибда йўл қўйилади:

фуқаролик ишини кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар розилигини олингандан кейин берган рухсати билан;

жиноят, маъмурий, иқтисодий ишни ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар фикрини эшитгандан кейин берган рухсати билан;

б) очиқ суд мажлисида аудиоёзувни амалга оширишга қуйидаги тартибда йўл қўйилади:

фуқаролик ишини кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар розилиги олингандан кейин берган рухсати билан;

жиноят иши ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида - суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар фикрини эшитгандан кейин берган рухсати билан, деб белгилаб қўйилган.

Интернет-трансляция бўйича халқаро тажрибани таҳлил қиладиган бўлсак, албатта, бу ижобий натижа берган бўлар эди. Интернет-трансляция бўйича муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда ҳалқаро тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Интернет-трансляция бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштиришга бағишланган бир қатор таклиф ва ташкилий тавсиялар берамиз. Интернет-трансляция бу ўша вақтда очиқлик, шаффофлик, тўғрилик, ва энг муҳими адолатли қарор қабул қилишни беради.

Интернет-трансляция тармоғи орқали халқаро тажрибани ўрганиш асосида миллий қонун ҳужжатларида учрайдиган бўшлиқларни тўлдириш мақсадида уни такомиллаштиришга бағишланган қуйидаги таклиф ва ташкилий тавсияларни бериш мумкин. 2003 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “**Ахборотлаштириш тўғрисида”ги** Қонунининг 3-моддаси “Асосий тушунчалар” қисмига – “**Интернет-Трансляция”** номли нормани (тушунча) киритишни таклиф этамиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Интернет-трансляция тармоғи судларда адолатли қарор топишига, ҳеч кимни номини булғамасликка, айбсиз одамни ноҳақ айбламасликка, жамоат ишларида шаффофликка, спорт тадбирларида адолатли қарор қабул қилишга, давлат имтихонларида очиқликни таъминлашга, экологиянинг тоза сақланишига хизмат қилади.

ХАСАНОВА САРВИНОЗ
ЎКТАМЖОН ҚИЗИ
Тошкент Давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ЙИҒИЛИШ ҚАРОРЛАРИНИНГ МУҲИМ АҲАМИЯТИ

Барчамизга тарихдан маълумки, Амир Темурнинг одилона сиёсати ва қонунларнинг барча соҳаларда одилона амалга оширилиши шундай ҳайратомус натижалар бердики, мўғуллар бир юз эллик йил вайронага айлантирган Турон юрти Соҳибқирон ҳукмронлиги замонига келиб, қисқа вақт оралиғида барча соҳаларда жаҳоннинг энг қудратли, иқтисодий барқ урган, маданий ҳаёти юксалган, бунёдкорлиги бемисл ривожланган мамлакатга айланди.

Ўрта асрлар давридаёқ Амир Темур ҳозирги давр ибораси билан айтганда эркин фуқаролик жамиятига асос солди. Бу соҳибқирон “Тузуклари” амалдаги нақадар мукаммал қонунлар жамланмаси эканлигини ёрқин исботи бўлди. “Тажрибамдан маълумки, гарчи ишнинг қандай якунламаси тақдир пардаси орқасида яширин бўлса ҳам ақли расо, ҳушёр кишилардан кенгаш тадбир

истаб, фикрларини билмоқ лозимдир. Маслаҳатчилар ва кенгаш йиғилганда олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойда-ю зиён томонлари, уларни амалга ошириш ёки оширмаслик ҳақида сўз очиб улардан фикр сўрар эдим. Сўзларини эшитгач ишнинг иккала томонини мушоҳада қилиб, фойда зиёнларини кўнглимдан кечирардим, унинг ҳатарли томонларига кўпроқ эътибор назари билан қарардим, қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни бажаришдан воз кечардим ва бир хатарли ишни ихтиёр этардим.

Ишларимни барини кенгаш билан юргизиб, уни бажаришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан чиқиш йўлларини ўйлаб қўяр эдим.

Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш ахли бирлик, иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Ҳар кимдан сўз олиб кенгаш қилар эдим, лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ёмон томонларини ўйлаб кўриб фойдалисини танлаб олардим.”

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат ва бошқарув органларида, маҳаллий хокимликлар, ўзини–ўзи бошқариш органларида, корхона ҳамда ташкилотларда иш фаолиятини ташкил этиш, юклатилган вазифаларни ижросини ташкил этиш ва соҳага оид муҳим масалаларни ўзининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенатнинг аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши аниқ белгилаб қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.[1]

В.С.Михайловнинг таъкидлашича, умумий йиғилиш қайси ташкилотнинг органи эканлиги тўлиқ аниқ эмас, чунки “бошқарув органи” тушунчаси унинг маълум бир ташкилотга тегишли эканлигини англатади ва у маълум бир ташкилотнинг юридик фаолиятини амалга ошириш учун шаклланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор раислигида, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, ҚҚР прокурори, прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда хайъат тузилади. Ҳайъатнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида, ҚҚР прокуратурасида, вилоятлар, Тошкент шахар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда тузиладиган ҳайъатлар маслаҳат органлари бўлиб, ҳайъат йиғилишларида улар қонунийлик ва жиноятчилик ҳолатига, прокуратура

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2023.

органларининг фаолиятига, Бош прокурорнинг буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижросига, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга доир ва бошқа масалаларни кўриб чиқади, прокурорларнинг прокуратура органлари тузилмавий бўлинмалари раҳбарларининг ва бошқа ходимларининг ҳисоботларини эшитади.

Ҳайъат қарорлари асосида тегишли прокурорлар буйруқлар чиқариши мумкин.[1]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Пленум аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми:

- суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

- қонунчилик ташаббуси тарқибида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарҳ бериш масалалари юзасидан мурожаат киритиш, шунингдек муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги судлар ташаббуси билан киритилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат киритиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқади;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномаларига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг таркибини, судлов ҳайъатларининг таркибини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг котибини тасдиқлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек судлов ҳайъатлари фаолияти ҳақидаги маърузаларни эшитади;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, ҚҚР суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, ҚҚР маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари раисларининг қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлари бажарилиши ҳақидаги маърузаларини эшитади”.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 29.08.2001 й. 257-II-сонли.

Шунингдек, акциядорлик жамиятларида ҳам умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органлари эканлиги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (06.05.2014 йил қабул қилинган ЎРҚ-370-сон) Қонунининг 57-моддасида белгилаб қўйилган[1].

Ҳуқуқий таълимотимизда мавжуд бўлган юридик фактлар орасида йиғилиш қарорлари энг кам ўрганилганларидан биридир. Табиийки, бунга сабаб йиғилиш қарорларига конкрет қонуний таъриф йўқлиги, уни тартибга солувчи нормалар етарлича мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Мажлислар, йиғилишлар қарорлари фуқаролик-ҳуқуқий аҳамиятга эга омиллар сифатида қаралади.

“Йиғилиш” юридик шахсларнинг бошқарув органи бўлиб, йиғилишда иштирок этиш ва овоз бериш орқали юридик шахс иштирокчилари юридик шахсни бошқариш имкониятига эга бўладилар.

Йиғилишда овоз бериш фуқаролик-ҳуқуқий жамият аъзосининг аниқ қарор қабул қилишдан манфаатдорлиги билан бевосита белгиланади.

А.В.Майфат, Д.В.Ломакин, А.И.Каминка каби муаллифлар йиғилишда қатнашиш ҳуқуқини, уни ҳуқуқий лаёқатининг элементига (хусусан, корпоратив ҳуқуқ лаёқати - корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш қобилияти) киритиш ёки уни субъектив ҳуқуқ деб билиш нуқтаи назаридан кўриб чиққанлар.

В.А.Белов иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ва уларни юзага келтирадиган аниқ ҳолатлар ва ҳуқуқий фактларга боғлиқлигини таҳлил қилиб, бундай вазиятда корпоратив ҳуқуқларни ҳуқуқий муносабатлар шаклида қўйиш мумкин эмас, балки ҳуқуқий шаклда инвестиция қилиниши мумкин деган хулосага келади.

“Йиғилиш” тушунчасининг турли хил маънолари, аслида, бир хил ҳодисани - юридик шахс органи фаолиятида ёки доимий бошқарувни шакллантирмасдан бошқарувни амалга оширувчи шахсларнинг фаолиятида ифодаланган бошқарув функциясини амалга ошириш усулини акс эттиради. Йиғилишда овоз бериш фуқаролик-ҳуқуқий жамият аъзосининг аниқ қарор қабул қилишдан манфаатдорлиги билан бевосита белгиланади. Йиғилиш қарорлари шундай муҳим ҳуқуқий ҳужжатки, ҳатто маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиб, ҳуқуқбзарларга нисбатан маъмурий жазолар бериш ҳақида қарорлар қабул қилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 243-моддасига мувофиқ болалар масалалари бўйича комиссиялар ўзларига тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни комиссия таркиби аъзоларининг (ҳокимият, ички ишлар, халқ таълими ва ҳ.к.) камида ярми мавжуд бўлганда кўриб чиқишга, ушбу кодекснинг махсус қисмида назарда тутилган маъмурий жазоларни ўзларига

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 06.05.2014 й. ЎРҚ-370-сонли.

берилган ваколатлар доирасида қўллашга ҳамда оддий кўпчилик овоз билан қарорлар қабул қилишга ҳақлидир.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, қонунчиликка қуйидаги таклифларни бериб ўтмоқчимиз:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига йиғилиш қарорлари бўйича алоҳида модда киритилишини;

2. Жисмоний ва юридик шахслар учун муҳим бўлган йиғилиш қарорлари ва унинг ижроси оммавий ахборот воситаларида доимий ёритиб бориш;

3. Йиғилишларда кўриладиган масалалар юзасидан жисмоний ва юридик шахслар томонидан билдириладиган таклифларга эътибор қаратиш.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, йиғилиш қарорлари муҳим фуқаролик-ҳуқуқий ҳужжат эканлигидан ҳамда унинг натижасида кўплаб ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда, бу соҳада изланиш олиб борган кўплаб хорижий олимларнинг илмий изланишларидан ҳамда халқаро қонунчиликдаги мавжуд нормалардан ўрганишлар олиб бориш ва уни миллий қонунчилигимизга жорий этишга таклифлар киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

ИСОҚОВ АҲМАДАЛИ КОМИЛЖОН ЎҒЛИ
Тошкент Давлат юридик университети магистратура тингловчиси

ФУҚАРОЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССДА ШАФФОФЛИК МУАММОЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада фуқаролик ва иқтисодий процессда шаффофлик ва очиқликнинг тушунчаси, мазмуни, нисбати ва аҳамиятига оид назарий ва амалий масалалари, бу масала бўйича юридик адабиётларда илгари сурилган ғоялар, таклиф ва мулоҳазалар, шунингдек хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида фуқаролик ва иқтисодий процессда судлар фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигининг тушунчаси, мазмуни, нисбати ва аҳамиятига оид назарий тушунчалар, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Судлар фаолияти, фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш, шаффофлик, очиқлик, ошкоралик, ахборот технологиялари, ҳуқуқий асослар, такомиллаштириш.

Аннотация: В данной статье анализируются теоретические и практические вопросы, связанные с понятием, содержанием, пропорцией и значением прозрачности и открытости в гражданском и экономическом процессе, идеи, предложения и мнения, высказанные в юридической литературе по этому вопросу, а также законодательный опыт зарубежных стран. В результате анализа выдвинуты теоретические концепции относительно понятия, содержания, доли и значения прозрачности и открытости гражданского и экономического процесса, предложения, направленные на совершенствование законодательства.

Ключевые слова: Деятельность судов, гражданский и экономический процесс, прозрачность, открытость, прозрачность, информационные технологии, правовая база, совершенствование.

Abstract: This article analyzes theoretical and practical issues related to the concept, content, proportion and meaning of transparency and openness in the civil and economic process, ideas, proposals and opinions expressed in the legal literature on this issue, as well as the legislative experience of foreign countries. As a result of the analysis, theoretical concepts were put forward regarding the concept, content, share and significance of transparency and openness of the civil and economic process, proposals aimed at improving legislation.

Key words: Activities of courts, civil and economic process, transparency, openness, transparency, information technology, legal framework, improvement.

Жаҳон мамлакатлари суд тизимида судьялар томонидан ҳаллоллик, сотилмаслик, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш, судларнинг одил судловни амалга оширишда уларнинг ҳақиқий мустақиллигини давлат томонидан кафолатлаш билан бир қаторда одил судловнинг шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг 2006 йил 27 июлдаги 2006/23-сонли “Судьяларни юриш-туришининг асосий принципларини мустаҳкамлаш резолюцияси” билан тасдиқланган Судьялар ахлоқининг Бангалор принципларининг 3.2.-бандида “судьянинг хатти-ҳаракати ва хулқ-атвори жамоатчиликнинг суд органларининг ҳалол ва сотилмаслигига бўлган ишончини оширишга хизмат қилиши шарт. Одил судловни амалга ошириш етарли эмас, буни жамият учун очиқ амалга ошириш керак”лиги ўз ифодасини топган.[1] Шунингдек, 1995 йилда Европа Иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган “Одил судловнинг ошкоралиги, ахборот шаффофлиги принциплари ва уларни судлар фаолиятига татбиқ қилиш бўйича Тавсияси”да ҳуқуқий ахборот олиш бўйича қидирув тизимида суд қарорларини танлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва архивлашнинг мавжуд бўлиши демократик давлатларда суд ҳокимиятининг қонунийлигини белгилаб берадиган муҳим фактор эканлиги белгилаб қўйилган.[2]

Дарҳақиқат, жамият аъзоларининг судга нисбатан бўлган ишончи бу мустақил ва адолатли одил судловнинг муҳим индикаторларидан бири ҳисобланади. Судларга нисбатан ишончнинг шаклланишида эса аввало судлар фаолиятида шаффофликни таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида мамлакатимизда ҳам судда иш юритишда шаффофликни таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада оширишга қаратилган вазифалар белгиланган.[3] Судларда қарор қабул қилиш

[1] ***Қаранг:*** https://www.unodc.org/documents/ji/training/19-03889_R_ebook.pdf

[2] Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг 1995 йил 11 сентябрдаги “Қарорларни танлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва ҳуқуқий ахборот излаш тизимларида архивлаштириш бўйича Р (95) Тавсияси” // Российская юстиция. 1997. № 11. - Б. 2-3.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”

жараёнларини қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари шаффоф бўлишини таъминлаш, суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Бу эса суд амалиётида нисбатан кўпчиликни ташкил этадиган фуқаролик ва иқтисодий низоларни судлар томонидан кўрилишида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий табиати, шаффофликни таъминлаш чегараси ва кафолатларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасини тартибга солувчи мукаммал ҳуқуқий база яратилди ва ҳозирда мазкур ҳаракатлар айнан процессуал кодексларни такомиллаштириш мақсадларига қаратилмокда.

Хусусан, кейинги йилларда республикамизда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида’ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Алоқа тўғрисида”ги, “Телекоммуникация тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги, “Ахборот-кутубхона тўғрисида”ги, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа кўплаб қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бевосита ахборотлаштириш соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш, соҳани ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлашда мухим кўмакчи бўлади.

Мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида одил судловнинг сифати ва самарадорлигини ошириш тақозо этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сон Фармони билан тасдиқланган “2023 - 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси” ҳам суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишни назарда тутади.

Мазкур Стратегияда судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Шунингдек, Стратегиянинг 3.7-бандида судларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш

ПФ-6034-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон; 21.01.2021 й., 06/21/6143/0052-сон.

назарда тутилган бўлиб, унда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш ишларини янада жадаллаштириш, судлар фаолиятига фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, суд ҳужжатларини автоматик тайёрлаш ва суд қарорларини таҳлил қилиш йўналишида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича чоралар кўриш каби чора-тадбирлар назарда тутилди.[1]

Шу маънода судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, судларда ишларни юритиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жамият ҳаётининг турли соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларининг изчил равишда кириб келаётганлиги одил судловни амалга ошириш тартиб-таомилларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Асосан ёзма тусга эга бўлган суд ишларини расмийлаштириш замонавий технологиялар асосида амалга оширилаётган тезкор иш муомалаларидан ортда қолиши мумкин эмас.

Ўз навбатида, суд ишларини юритишда ахборот технологияларидан фойдаланиш, судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш судьяларнинг иш ҳажмини пасайтиришга, турли молиявий сарф-ҳаражатларни камайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, жамиятда демократия ва адолатни таъминлашнинг энг муҳим омили бўлмиш суд ҳокимиятининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланиши унинг жамиятда тутган ўрни ва обрўсини ҳам оширади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4459-сонли Фармонида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди билан келишган холда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқлаш, судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритиш вазифаси юклатилган эди.[2]

Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш, шунингдек суд ишларини юритиш тезкорлигини ошириш учун судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш мақсадида 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Судлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармони // https://lex.uz/docs/6358976#6360188

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4459-сонли Фармони. // https://lex.uz/docs/2037985

фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 346-сонли Қарори қабул килинди.[1]

Дарҳақиқат, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш судларда электрон ҳужжатлар айланишини тезлаштиради, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва сақланишини таъминлайди, ахборот тизими ёрдамида электрон воситалар орқали судга мурожаат қилиш имкониятининг берилиши эса суд орқали ҳимоя қилиш учун қулайликлар яратади, ахборот тизими орқали электрон шаклда суд муҳокамаси иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарларни юбориш имкониятини яратади, булар охир-оқибат одил судловнинг самарасини оширишга, унинг тезкорлиги ва қулайлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда республика судларида кўриб тамомланган ишлар ҳажмининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги, бунинг натижасида судда иш кўриш бўйича судьяларнинг ўртача ойлик иш юкламаси ортиб бораётгани судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни тақозо этаётган эди.

2015 йил 10 июнь куни матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-388-сонли Қонунининг 2016 йилнинг 1 январидан эътиборан амалга киритилган 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Юқорида қайд этилган Қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига киритилган муҳим янгиликлардан бири фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон мурожаат қилиш электрон шаклда ҳам амалга оширилиши билан боғлиқ бўлди. ФПКнинг 238^{3}-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза судга ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда берилиши назарда тутилди. Шунингдек, ахборот тизими оркали электрон шаклда судга бериладиган аризалар қаторида ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар (309^{5}-модда), ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалар 309^{0}-модда) ҳам ўрин олди. Ундан ташқари, ФПКнинг 330, 348^{1}-моддаларида апелляция, кассация шикоятлари берилган ёки протест келтирилгандан кейин даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими тузиши ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда баён

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 дскабрдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 346-сонли Карори // Ўзбскистон Республикаси қонун ҳужжатларн тўплами, 2012 йил, 50-сон, 560-модда.

этилиб, апелляция, кассация инстанцияси судига топширилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, судга тақдим этилаётган даъво аризаси, ариза ва шикоятларнинг мазмуни баён этилган ФПКнинг 149-моддасига аризада даъвогарнинг ёки унинг вакилининг, шунингдек бошқа тарафнинг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкинлиги, аризада электрон манзил кўрсатилганлиги аризачининг суд чақирув қоғозларини ва бошқа хабарномаларни, суд ҳал қилув қарорларининг ва ажримларининг нусхаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда олишга бўлган розилигини билдириши ҳақидаги нормалар билан тўлдирилди. Бу ўз навбатида судга мурожаат қилган ва ўз аризаларида электрон манзилини кўрсатган манфаатдор шахслар келажакда суд чақирув қоғозларини ва бошқа хабарномаларни, суд ҳал қилув қарорларининг ва ажримларининг нусхаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш имкониятларига эга бўлишини кўрсатади.

Фуқаролик процессуал кодексига киритилган янгиликларнинг навбатдагиси ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошка алоқа воситалари орқали судга чақирилиши, ҳамда суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилиниши билан боғлиқдир. Хусусан, ФПКнинг 135-моддаси ишда иштирок этувчи шахс томонидан электрон манзили кўрсатилган тақдирда чақирув қоғози ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлиги ҳақидаги янги норма билан тўлдирилди. Шунга монанд равишда ФПКнинг 133-моддасида суд чақирув қоғозининг мазмунига қўйилган талабларга суднинг телефон рақами ва электрон манзилининг кўрсатилиши, ҳамда ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилаётган суд чақирув қоғозида кўрсатилиши керак бўлган маълумотлар белгилаб қўйилди.

Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида қонун билан телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали судга чақирилган ёки суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинган ҳолларда, телефонограммалар, телеграммалар, ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилган суд чақирув қоғозининг нусхаси иш материалларига қўшиб қўйилиши каби талаблар мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонунда процесс иштирокчиларининг, хусусан ўз аризасида электрон манзилини кўрсатган шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилинган шахснинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмаслиги каби норма назарда тутилди (ФГГКнинг 137-моддаси). Дарҳақиқат, келгусида электрон шаклда суд чақирув қоғозини олишга розилик берган шахс, мазкур электрон хатни ўқимаслиги ёки ўқишдан бош тортиши ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмаслиги мантиқан тўғри ҳисобланади. Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахсларга телефонлари ва факсларининг рақамларини, электрон манзилини

судга маълум қилган тақдирда, иш юритилаётган вактда уларнинг ўзгарганлиги ҳақида судни хабардор қилиш масъулияти ҳам юкланди (ФПКнинг 138-моддаси). Фуқаролик процессуал қонунчиликка киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар одил судловнинг тезкорлиги ва қулайлигини таъминлашга, суд иш юритувини янада демократлаштиришга, суд ҳаражатларини камайтиришга, шунингдек процесс иштирокчиларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

ФПКга киритилган янгиликларнинг навбатдагиси - суд қарорларининг нусхалари ва бошқа ҳужжатларни манфаатдор шахсларга электрон шаклда юбориш механизмининг жорий этилиши билан боғлиқдир. Хусусан, ФПКнинг 223-моддасига ўзгартиш киритилиб, унга кўра, тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра, уларга суд ҳал қилув қарорининг ёки иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш тўғрисидаги ёхуд аризани кўрмай қолдириш ҳақидаги ажримнинг нусхаси имзо қўйдириб топширилиши ёки почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши назарда тутилди.

Ахборот тизими орқали суд томонидан электрон шаклда юбориладиган суд ҳужжатлари қаторига сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари (ФПКнинг 228-моддаси), суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхалари (ФПКнинг 238^{10}-моддаси), апелляция, кассация ва назорат инстанцияси ажримининг ёки қарорининг нусхаси (ФПКнинг 319-моддаси), суднинг янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш тўғрисидаги ажрими (ФПКнинг 367-моддаси) ва суд томонидан чиқариладиган бошқа бир қатор ҳужжатлари киритилди.

Процессуал қонунчиликка киритилган юқоридаги каби тартибларнинг аҳамиятли томонлари шундан иборатки, электрон шаклда иш юритишда суд ҳужжатларини ёки бошқа ҳужжатларни тезкорлик билан олиш имконияти ортади ва уларни архивдан ташишни талаб этмайди. Шунингдек, бундай тартибнинг жорий этилиши ишни кўриш муддатлари ва почта ҳаражатларини қисқартиришга, ишни кўриш муддатлари, ишни кўриш тайинланган кун устидан назоратни яхшилайди.

Шу билан биргаликда, таъкидлаш лозимки, суд билан процесс иштирокчилари ўртасидаги электрон шаклдаги форма мажбурий бўлмай, балки қўшимча восита сифатида хизмат қилади ва бунда диспозитивлик принципи намоён бўлади. Бу принципга риоя этилиши эса ўзаро ахборот алмашишнинг ишончлилигини таъминлаш, мурожаат қилувчи шахсларни идентификация қилиш ва уларнинг хохиш-иродаларини таъминлашга хизмат қилади.

Мустақиллигимизни дастлабки кунлариданоқ, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айлантирилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган давлат ҳокимиятининг ғоят муҳим

тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислоҳотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Шу билан бирга, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ва ўтган даврда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар мазкур фаолиятда электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш орқали фуқаролик суд иш юритувини янада такомилаштириш заруриятидан гувоҳлик бермоқда. Чунки судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этмасдан, фуқароларга одил судловни тезкорлиги ва қулайлигини таъминлаш борасида муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияларига юбориш имконияти ҳам мавжуд бўлади. Агар фуқаролик иши биринчи инстанцияда анъанавий тарзда кўриб чиқилган бўлса, лекин даъвогар ёки жавобгарнинг апелляция ёки кассация тартибида электрон мурожаат қилиш истаги туғилса, унда бундай имконият берилади. Худди шундай агар иш дастлаб электрон мурожаат асосида кўрилган бўлса-да, кейинчалик юқори инстанцияларда анъанавий, яъни ёзма шаклда кўриб чиқилиши мумкин.

Шунингдек, электрон мурожаат судга давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар беришни, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар, шу жумладан, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш, мол-мулкни эгасиз деб топиш бўйича аризаларни электрон шаклда топшириш имконияти ҳам пайдо бўлади.

Суд ва фуқаролар ўртасида электрон муомала қилиш ва хабардор этиш механизми ҳам кўзда тутилиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 132, 135, 137-моддаларига ўзгартириш киритиш билан суд чақирув қоғозлари электрон шаклда юборилиши мумкин. Бунинг учун даъвогар ўз электрон манзили, телефон, факс рақамларини аризада кўрсатилишининг ўзи кифоя. Шунингдек, мазкур норма суд чақирув қоғозининг таркибини ҳам очиб беради.

Қонунчилик талабига кўра, суд тарафга суд бўладиган вақт ва жой ҳақида маълум қилиши лозим. Электрон чақирув хати орқали суд бўладиган вақт ва жой маълум қилингач, уни очиб ўқиш тарафнинг ҳуқуқи бўлади. Шунинг учун, хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда томонларни хабардор этиш механизми таклиф этилмоқда. Бундай факт мавжуд бўлганда, шахс лозим даражада хабардор этилган ҳисобланади ва бу ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Электрон тарзда мурожаат қилиш тартиби жорий этилаётганлиги муносабати билан фуқаролик суд иш юритувини янада такомиллаштириш, суд чиқимларини камайтириш, судни ўзига хос бўлмаган функциялардан ҳоли этиш мақсадида жавобгарларнинг сонига қараб ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхаларини судга юборилишини бекор қилиш

ва шу билан бирга суднинг ушбу ҳужжатларни тарафларга қайта юбориш функцияларини чиқариб ташлаш, даъвогарга судга ариза ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини бошқа томонга юбориш (топшириш), ҳамда юбориш (топшириш) фактини тасдиқловчи далилларни судга тақдим этиш мажбуриятини юклаш таклиф этилмокда. Мазкур амалиётни нафақат биринчи инстанция судлари, балки барча юқори инстанцияларига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, кўпгина ривожланган хорижий давлатлар (АҚШ, Германия, Англия, Сингапур, Малайзия, Япония, Корея) қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролик суд иш юритувида электрон ҳужжат алмашинувидан фойдаланиш қонунлар билан тартибга солинган бўлиб, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали суд процессининг барча босқичларини босиб ўтиш имкониятини кўзда тутади. Масалан, Германияда даъво аризасини беришдан тортиб, токи электрон суд ишини давлат архивига сақлаш учун топширилиши электрон шаклда амалга оширилади. Шу билан бирга, ҳар бир шахснинг ўз электрон рақамли имзоси бўлиб, ушбу имзо орқали ҳар бир шахсни идентификация қилиш имкони мавжуд. Даъвогар ўз электрон манзилидан аризасини юборгач, унга суддан ушбу ариза қабул қилинганлиги юзасидан маълумот келади. Таъкидлаш жоизки, судга кетган ва ундан келган ҳужжатлар маълум шифрга солиниб, учинчи шахсларнинг ушбу ҳужжатларни ўқишини истисно этади.

Шу муносабат билан томонлар ўз электрон манзилларини кўрсатган ҳолда, суд чақирув қоғозларини мазкур манзилларга юбориш имконияти киритилмоқда.

Шунингдек, судларга мурожаат қилиш фақатгина биринчи инстанция билан чекланмасдан, балки аризани электрон шаклда апелляция, кассация ёки назорат инстанцияларига юбориш имконияти ҳам мавжуд бўлади. Агар фуқаролик иши биринчи инстанцияда анъанавий тарзда кўриб чиқилган бўлса, лекин даъвогар ёки жавобгарнинг апелляция ёки кассация тартибида электрон мурожаат қилиш истаги туғилса, унга бундай имконият берилади. Худди шундай, агар иш дастлаб электрон мурожаат асосида кўрилган бўлсада, кейинчалик юкори инстанцияларда анъанавий, яъни ёзма шаклда кўриб чиқилиши мумкин.

Шунингдек, электрон мурожаат судга давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар беришни, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар, шу жумладан, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш, мол-мулкни эгасиз деб топиш бўйича аризаларни электрон шаклда топшириш имконияти ҳам пайдо бўлади.

Суд ва фуқаролар ўртасида электрон муомала этиш ва хабардор этиш механизми ҳам кўзда тутилиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 132, 135, 137-моддаларига ўзгартириш киритиш билан суд чақирув қоғозлари электрон шаклда юборилиши мумкин. Бунинг учун даъвогар уз электрон манзили, телефон, факс рақамларини аризада кўрсатилишини ўзи кифоя.

Шунингдек мазкур норма суд чақирув қоғозининг таркибини ҳам очиб беради.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг яна бир муҳим жиҳати бу алоқа воситалари таркибига мобил телефонларни киритиш бўлиб, суд чақирув коғозларини СМС орқали юбориш ва қабул қилиш имкониятини яратишдир.

Бунда нафақат судга электрон тарзда мурожаат қилиш, балки иш бўйича қабул қилинган суд қарорларини электрон шаклда қабул қилиш имкони яралади. Бунинг учун шахс ўз электрон манзилини даъво аризасида кўрсатади ва ҳал қилув қарорини олиш учун судга мурожаат қилган тақдирда, унга тегишли қарор электрон ахборот тизимида жойлаштирилади ва шахс исталган Интернетга уланган компьютер тизимидан мазкур қарорни кўчириб олиш имконига эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир суд қарори электрон рақамли имзо билан муҳофаза этилади.

Электрон тарзда мурожаат қилиш тартиби жорий этилаётганлиги муносабати билан фуқаролик суд иш юритувини янада такомиллаштириш, суд чиқимларини камайтириш, судни ўзига хос бўлмаган функциялардан ҳоли этиш мақсадида, жавобгарларнинг сонига қараб ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхаларини судга юборилишини бекор қилиш ва шу билан бирга суднинг ушбу ҳужжатларни тарафларга қайта юбориш функцияларини чиқариб ташлаш, даъвогарга судга ариза ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини бошқа томонга юбориш (топшириш) ҳамда юбориш (топшириш) фактини тасдиқловчи далилларни судга тақдим этиш мажбурияти юклаш таклиф этилмоқда. Мазкур амалиётни нафақат биринчи инстанция судлари, балки барча юқори инстанцияларига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Бир сўз билан айтганда, Фуқаролик процессуал кодексига киритилган мазкур янгиликлар судлар фаолиятида очиқ ва ошкораликни таъминлашга хизмат қилиш билан биргаликда, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тез ва самарали ҳимоя қилишга, судлар фаолиятидаги сансалорликнинг олдини олишга, маълумотлар билан алмашишнинг электрон воситалари орқали суд ва процесс иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ишлаш самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ҳукукий асослари ҳақида гапирганда, бу борада олиб борилаётган ислоҳотларнинг юқори босқичга олиб чиқишга тамал тошини қўйган ҳужжат - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4850-сонли Фармони[1] билан тасдиқланган “Суд-

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини

ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури” ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Мазкур Дастурнинг 3.2-бандида электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференцалоқадан фойдаланишни, шунингдек, процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этишни кенгроқ жорий этиш назарда тутилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4848-сонли Фармонининг 9-бандида[1] ҳам тадбиркорлар ҳуқуқларининг суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини, шаффофлик ва холисликни таъминлаш мақсадида, суд мажлисларига аудио ва видео қайд этиш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, суд қарорларини веб-сайтларда жойлаштирилишини назарда тутувчи дастурнинг ишлаб чиқилиши белгиланган эди.

Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жадал суръатларда жорий этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратилиши ва ривожлантирилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, ҳамда мазкур Фармон билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” муҳим ўрин тутади. Мазкур Давлат дастурида электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, Давлат дастурининг 65-бандига кўра, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг қуйидаги шакл ва усуллари: судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартибини жорий қилиш; судларда ўз вақтида электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини киритиш; суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базасини юритиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан барча суд қарорларини чоп этиш тартибини жорий қилиш (ёпиқ суд

кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 43-сон, 497-модда.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилпшга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 40-сон, 467-модда.

жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари) жорий қилиниши назарда тутилди.

Давлат дастурида, шунингдек электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференцалоқадан фойдаланишни, шунингдек процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этишни, суд-тергов жараёнларини стенограмма қилишнинг янги турларини кенгроқ жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилди (73 ва 82-бандлар).[1]

Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Давлатимиз рахбарининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора- тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4966-сонли Фармони[2] қабул қилиниб, Фармоннинг 18-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Олий суд билан биргаликда уч ой муддатда судлар фаолиятида замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳолатини танқидий ўрганиши, ҳамда суд тизими фаолияти самарадорлигини ва аҳолининг одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган ахборот тизимлари ва ресурсларини янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш ҳақидаги тегишли ҳукумат қарори лойиҳасини киритиши юзасидан кўрсатма берилган.[3]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори[4] ҳамда, ушбу Қарорга илова сифатида 2017- 2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастурнинг қабул қилиниши судлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга, халқ билан бевосита юзма-юз, очиқ мулоқот шаклларини кенгайтиришга, судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали иш юритиш тартибини

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стрегегияси тўғриснда"ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллапггириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4966-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 8-сон, 109-модда.

[3]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4966-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 8-сон, 109-модда.

[4]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3250-сонли карори // http://Iex.uz/pages/getpagc.aspx71act_icK3327998

соддалаштирилишига ва фуқаролар оворагарчилигининг олдини олишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича бир қатор ривожланган давлатларнинг, хусусан, АҚШ, Европа Итгифоқи мамлакатлари, Япония, Корея каби давлатларнинг ижобий тажрибасини чуқур таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда ўрганилган Германия ва Франция каби давлатларда фуқаролик суд ишларини юритишга ахборот технологияларни жорий этиш жараёнида ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган барча шахслар ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилади. Хусусан, Германиянинг “Юридик хизмат тўғрисида”ги Қонуни адвокатлар зиммасига “ProfiMahn” деб номланувчи буйруқ тартибида иш юритишнинг электрон ахборот тизимидан фойдаланиш мажбуриятини юклайди. Мазкур электрон ахборот тизими ундан фойдаланувчиларга суд билан икки томонлама ахборот алмашиш имконини беради ва аризанинг судга келиб тушганлиги, уни судда муҳокама қилиш ҳақидаги маълумотларни, шунингдек суд ҳужжатларини олиш учун шароит яратади. Францияниng 2005 йил 28 декабрда кучга кирган янги Фуқаролик процессуал кодексида судлар билан ҳужжатлар алмашинишининг электрон кўринишда амалга оширилиши бўйича муҳим қадам қўйилган. Хусусан, мазкур Кодекснинг 748^1-моддаси ишга оид барча ҳужжатлар ва процессуал актларни электрон кўринишда тақдим этиш, ёки бу ҳақида манфаатдор шахсларни хабардор қилиш юзасидан умумий қоидани белгилаган. Ушбу Кодекснинг 748^2-моддасига асосан, фақат адресат (хабар йўлланган юридик ёки жисмоний шахс)нинг розилиги билангина судга оид ҳужжатлар алмашишнинг электрон шаклидан воз кечиш мумкин бўлар экан.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аксарият ривожланган давлатларда суд ишларини юритиш тўлалигича замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган. Хусусан, 1996 йилда АҚШнинг Огайо, Миссури ва Нью-Йорк штатларида намуна сифатида судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизими (Case Management/Electronic Case Files (CM/ECF) жорий этилган эди. 2001 йилдан эса мазкур тизим судга даъво аризаларни ва бошқа ҳужжатларни электрон кўринишда тақдим этиш жараёнида фаол қўлланилиб келинмоқда. Судга тақдим этиладиган аризалар аризачининг электрон рақамли имзоси билан, агар ариза ваколатли вакил томонидан берилаёттан бўлса, вакилнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Бу эса ўз навбатида ҳужжатларни бирхиллаштириш ва унинг асл нусхасига мувофиқ бўлишини таъминлаш билан бирга аризага илова қилинган ҳужжатларнинг бус-бутун бўлишини ва ўзгармаслигини кафолатлайди. 2004 йилдан АҚШнинг барча судлари судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизимига ўтган. Канадада судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизими (e-Filing) 2002 йилдан бошланган. 2005 йилдан Италияда суд ишларини юритишнинг электрон тизими жорий этилган. Австралияда 2010 йилдан

эътиборан миллий суд тизимида видеоконференцалоқа кенг қўлланилиб келинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар орқали фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларга электрон суд жараёнларини кенг жорий этиш, суд жараёнларини техник воситалар орқали қайд қилиш, шунингдек суд мажлиси стенографиясини юритиш каби одил судловни амалга оширишнинг илғор кўринишларини татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

УРИНБОЕВА МУХЛИСА МАЪРУФОВНА
Слушатель магистратуры Правоохранительной Академии Республики Узбекистан

ПРАВОВЫЕ МЕХАНИЗМЫ ГЕНДЕРНОЙ ЗАЩИТЫ: ИСТОРИЧЕСКИЙ КОНТЕКСТ И СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ

Аннотация: Статья проводит анализ развития правовых механизмов гендерной защиты на протяжении исторического периода и их актуальности в современном мире. Рассматривается эффективность международных договоров и национальных законодательств в обеспечении равенства полов и предотвращении дискриминации. В статье также поднимаются вопросы вызовов, с которыми сталкиваются правовые механизмы гендерной защиты, такие как интерсекциональные формы дискриминации и социокультурные изменения.

Ключевые слова: национальные механизмы, Пекинская платформа действий, гендерное равенство, дискриминация, гендерная политика.

Аннотация: Мақолада гендер ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларининг бутун тарихий даврдаги ривожланиши ва уларнинг замонавий дунёда долзарблиги таҳлил қилинади. Халқаро шартномалар ва миллий қонунчиликнинг гендер тенглигини таъминлаш ва камситишнинг олдини олишдаги самарадорлиги ўрганилмоқда. Мақолада, шунингдек, гендерни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари дуч келадиган муаммолар, масалан, камситишнинг кесишган шакллари ва ижтимоий-маданий ўзгаришлар кўтарилади.

Калит сўзлар: миллий механизмлар, Пекин ҳаракат платформаси, гендер тенглиги, дискриминация, гендер сиёсати.

Abstract: The article analyzes the development of legal mechanisms of gender protection throughout the historical period and their relevance in the modern world. The effectiveness of international treaties and national legislation in ensuring gender equality and preventing discrimination is examined. The article also raises issues of challenges faced by legal mechanisms for gender protection, such as intersectional forms of discrimination and sociocultural changes.

Key words: national mechanisms, Beijing Platform for Action, gender equality, discrimination, gender policy.

Правовые механизмы гендерной защиты играют ключевую роль в обеспечении гендерного равенства как в исторической перспективе, так и в современном обществе, представляя собой неотъемлемую часть

законодательной базы, направленной на защиту прав и интересов всех граждан независимо от их гендерной принадлежности. Исторический контекст отражает эволюцию правовых норм и механизмов, начиная с ранних форм правового регулирования, таких как кодексы и законы, до создания международных договоров и конвенций, обязующих государства принимать активные меры по обеспечению гендерного равенства. Современные тенденции свидетельствуют о постоянном совершенствовании законодательства и механизмов гендерной защиты в ответ на изменяющиеся вызовы и потребности общества, включая борьбу с гендерной дискриминацией, устранение стереотипов и неравенства, а также создание условий для равноправного участия женщин и мужчин в различных сферах жизни.

Механизмы осуществления гендерного равенства в государственной политике представляют собой такие инструменты как политические подходы и стратегии, которые государство использует для достижения равенства между гендерами. К числу таких механизмов чаще всего относят правовые нормы, предусматривающие гарантию равных прав и возможностей для мужчин и женщин, квоты, образовательные программы.

1. Законодательство и правовые нормы, которые предусматривают собой принятие законов и нормативов, гарантирующие равные права и возможности для мужчин и женщин. К числу таких нормативно-правовых актов относятся антидискриминационные законы, квоты, а также защиту от домашнего насилия и дискриминации на рабочем месте.

2. Квоты и цели представительства, которые включают в себя установление квот или целей для представительства мужчин и женщин в различных сферах общества, таких как политика, бизнес и образование.

3. Разработка образовательных программ и информационных компаний, направленных на изменение стереотипов, поддержку гендерного образования и повышение осознанности в обществе.

4. Введение политик, способствующих балансу между профессиональной и семейной жизнью, включая отпуска по уходу за ребенком и другие меры поддержки семей.

5. Финансовые инструменты, такие как предоставление финансовой поддержки и стимулов для организаций, соблюдающих принципы гендерного равенства в рабочих отношениях.

6. Проведение на регулярной основе мониторинга и оценки политик с точки зрения их влияния на гендерное равенство с последующим внесением корректов при необходимости.

7. Разработка мер, направленных на поддержку жертв насилия, по предотвращению и борьбе с домашним насилием.

8. Организация тренингов и обучающих программ для развития гендерной компетенции среди государственных служащих и общественных деятелей[1].

Эти механизмы часто взаимосвязаны и используются в комбинации для максимизации эффективности усилий по достижению гендерного равенства в различных областях общества.

Идея национальных механизмов была заложена в рекомендациях Всемирной конференции по Международному году женщин, состоявшейся в Мехико в 1975 году. С тех пор тема национальных механизмов систематически поднималась на последующих всемирных конференциях по положению женщин. в 1980 г. (Копенгаген), 1985 г. (Найроби), 1995 г. (Пекин) и 2000 г. (Нью-Йорк), а также на различных сессиях Комиссии по положению женщин. Пекинская платформа действий определила институциональные механизмы улучшения положения женщин, включая национальные механизмы, как одну из двенадцати важнейших проблемных областей[2]. Однако национальные механизмы рассматриваются в Платформе не только как одна из этих проблемных областей, но и как основной институциональный механизм, которому поручена реализация стратегических целей, содержащихся в Платформе, на национальном уровне. Итоговый документ, принятый на 23-й специальной сессии Генеральной Ассамблеи “Пекин+5”, подтвердил важную роль, которую национальные механизмы играют в продвижении равенства между женщинами и мужчинами, актуализации гендерной проблематики и мониторинге реализации Платформы действий, а также как Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин[3].

С течением времени мандат этих национальных учреждений превратился из продвижения проектов, ориентированных на женщин, в обеспечение того, чтобы вопросы равенства были интегрированы во все правительственные законы, политику, программы и бюджетные процессы. Способность государств-членов присоединиться к глобальной повестке дня по обеспечению равенства между женщинами и мужчинами значительно расширилась благодаря созданию этих институтов национального уровня. Однако обзор и оценка реализации Пекинской платформы действий проведенное DAW (E/CN.6/2000/PC/2)[4], показало, что национальные механизмы сталкиваются с серьезными трудностями при выполнении своего мандата, включая нехватку финансовых и человеческих ресурсов; относительно бессильные позиции в правительственных структурах; и недостаточные связи с гражданским обществом. На них также влияет общее отсутствие понимания и приверженности гендерным вопросам со стороны заинтересованных сторон в правительствах и обществе в целом. Комитет по

[1] https://www.oecd-ilibrary.org/sites/51b7a433-en/index.html?itemId=/content/component/51b7a433-en
[2] https://www.unwomen.org/en/digital-library/publications/2015/01/beijing-declaration
[3] https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/cedaw.shtml
[4] https://www.un.org/womenwatch/daw/csw/ecn6-2000-pc2.pdf

ликвидации дискриминации в отношении женщин неоднократно выражал аналогичную обеспокоенность при рассмотрении отчетов государств-участников касательно аспектов обеспечения участия женщин в политической деятельности государств[1].

Несмотря на попытки прийти к общему пониманию определений этих институтов, сохраняются различия в способах их концептуализации, которые зависят от политического контекста, существующего в отдельных государствах. Национальные механизмы возникли как инструменты продвижения интересов женщин после Всемирной конференции Международного года женщин в Мехико (1975 г.), но были особенно усилены Платформой действий, принятой на Четвертой Всемирной конференции по положению женщин в Пекине (1995 г.). Их можно определить как "центральное подразделение, координирующее политику внутри правительства". Их главная задача заключается в поддержке всестороннего учета гендерного равенства во всех областях политики. Национальные механизмы являются "катализаторами" продвижения гендерного равенства и справедливости. Однако, как отмечает Кэти Стаудт, "мы обнаруживаем совершенно разные институциональные культуры, лидеры и стили лидерства, периодов рождения, дисциплинарной специализации, миссий и демографии персонала, пола и прочего - все это защищает их автономию в одинаковой разной степени".

Таким образом, национальное государство продолжает оставаться в центре внимания женских движений, которые остаются частью определенных культурных, исторических и политических контекстов. Чтобы внедрить гендерные аспекты в политику, в центре внимания чаще всего оказывается то, как национальные государства действуют в этом отношении, хотя сами глобальные институты также все чаще подвергаются пристальному вниманию в этом отношении.

Современные вызовы перед правовыми механизмами гендерной защиты включают в себя интерсекциональные формы дискриминации и социокультурные изменения, которые создают дополнительные барьеры на пути к достижению гендерного равенства. Интерсекциональные формы дискриминации охватывают пересечение гендера с другими социальными категориями, такими как раса, класс, возраст, инвалидность и сексуальная ориентация, что приводит к усилению неравенства и уязвимости для определенных групп. Такие формы дискриминации требуют от правовых механизмов гендерной защиты гибкости и учета разнообразия индивидуальных и социальных идентичностей при разработке политики и законодательства.

Социокультурные изменения также представляют собой серьёзный вызов для правовых механизмов гендерной защиты, поскольку общественные нормы, ценности и представления о роли и месте женщин и

[1] Yakin Ertiirk, Director Division for the Advancement of Women, August, 2001

мужчин в обществе могут меняться со временем. Эти изменения могут отражаться в недостаточной реализации законодательства, сопротивлении со стороны консервативных сил или нежелании общественных институтов адаптировать свои практики к новым социокультурным реалиям. В ответ на эти вызовы правовые механизмы гендерной защиты должны учитывать динамику изменений в обществе, реагировать на возникающие проблемы и активно работать над совершенствованием своих подходов и инструментов для обеспечения эффективной защиты прав всех граждан, независимо от их гендерной идентичности и других социальных характеристик.

Таким образом, правовые механизмы гендерной защиты являются необходимым инструментом для достижения гендерного равенства и справедливого общества, обеспечивая основу для развития инклюзивной и демократической среды, свободной от дискриминации и неравенства.

БЕГИМОВА НАСИБА ХУДАЙБЕРДИЕВНА
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ҲАҚИДАГИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИДА СУД ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақола фарзандликка олиш ҳақидаги фуқаролик ишларида суд процесси иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган. Ушбу мақолада тадқиқот мавзуси фарзандликка олиш ҳақидаги фуқаролик ишларида фарзандликка олувчилар, фарзандликка олинаётган бола, фарзандликка бераётганлар, уларнинг қариндошлари, васийлик ва ҳомийлик органининг иштироки, уларнинг суд мажлисидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ёритилади.

Калит сўзлар: фарзандликка олувчи шахслар, фарзандликка олинаётган бола, фарзандини бераётган шахслар, қариндошлар, васийлик ва ҳомийлик органи.

Аннотация: Статья посвящена участникам судебного разбирательства, их правам и обязанностям по гражданским делам об усыновлении. В данной статье предметом исследования является участие усыновителей, усыновленных детей, усыновителей, их родственников, органов опеки и попечительства, их права и обязанности в судебном заседании по гражданским делам об усыновлении.

Ключевые слова: усыновители, усыновляемый ребенок, лица, отказывающиеся от ребенка, родственники, орган опеки и попечительства.

Annotation: The article is devoted to the participants of court proceedings, their rights and obligations in civil cases of adoption. In this article, the subject of research is the participation of adopters, adopted children, adopters, their relatives, guardianship and sponsoring bodies, their rights and obligations at the court hearing in the civil cases of adoption.

Keywords: adoptive persons, child to be adopted, persons giving up a child, relatives, guardianship and guardianship body.

Фарзандликка олиш институти болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланиб,

ушбу масалани ҳал қилиш ваколатини судларга берилиши оила институтини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялашда оиланинг аҳамиятини кучайтириш ҳамда оилавий муносабатларда қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида фарзандликка олиш ҳақидаги ишларни судда кўрилишида ҳуқуқни қўллашда ва суд амалиётида муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш орқали мавжуд муаммоларга ечим топиш ва қонунчиликни такомиллаштириш талаб этилади.

Мазкур илмий-тадқиқот иши айнан фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни судда кўрилишида юзага келаётган муаммолар ва уларни ечимини топиш ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини кўришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Фарзандликка олиш билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишда фуқаролик процесси ва оила қонунчилиги доирасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси. Тадқиқот мавзусини ёритиш тизимли, қиёсий-ҳуқуқшунослик, тарихий-қиёсий, формал-мантиқий, методологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикасида цивилист олимлар Ф.М.Отаходжаев, З.Эсонова, Ж.Дадабоевалар томонидан фарзандликка олиш тушунчаси, фарзандликка олишнинг моддий ва процессуал жиҳатлари мавзусида, рус олимлари О.Зайкова, З.Алиева, А.Катионова, Т.Мосиенко, Г.Вершинина, Т.Ткаченко, Ю.Гюрджан, В.Лихановалар томонидан фарзандликка олиш тушунчаси, халқаро тажриба, фарзандликка олиш ҳақидаги ишларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан тадқиқотлар ўтказилган.

Бироқ, мамлакатимизнинг цивилист олимлари томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишларни судда кўрилишининг ўзига хос хусусиятлари юзасидан тадқиқот олиб борилмаган. Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни судлар томонидан кўрилиши 2013 йил апрель ойидан бошланган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу тоифадаги ишларни судлар томонидан кўрилишида бир қатор муаммолар юзага келаётганлиги, буни эса қонунчиликка таклифлар киритиш орқали бартараф этиш мумкинлигини тақозо этмоқда.

Алоҳида иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган ишлар ичида болани фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилади ва суд процесси иштирокчилари бўлиб - фарзандликка олиш ҳақида ариза билан мурожаат қилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар, васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари ва прокурор, зарур ҳолларда фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси, унинг қариндошлари ва бошқа манфаатдор шахслар, шунингдек ўн ёшга тўлган боланинг ўзи ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни судда кўрилишида суд процесси иштирокчиларининг алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган.

Шу сабабли, ишда иштирок этувчи шахслар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодексининг 40-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажарадилар.

Хусусан, иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, суд муҳокамаси давомида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш), суд ҳужжатларининг мажбурий ижросини талаб қилиш, давлат ижрочиси томонидан ҳаракатлар содир этилишида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ва шу кодексда назарда тутилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

Юқоридаги ҳуқуқлардан ташқари, фарзандликка олувчилар (олувчи) боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришлар киритишни истаган тақдирда - фарзандликка олинаётган боланинг фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган санасини (кўпи билан бир йилга), фарзандликка олинаётган боланинг туғилган жойини (агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса) ўзгартириш ҳақида, боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувига фарзандликка олувчиларни (олувчини) ота-она (ота ёки она) сифатида қайд этиш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

Кодекс билан ишда иштирок этувчи шахслар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланиши ва ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Бундан ташқари, қонун фарзандликка олувчиларга фарзандликка олиш ҳақида судга ариза берганда **қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш** мажбуриятини юклайди.

Хусусан, фарзандликка олувчилар ўзларининг никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг кўчирма нусхасини; агар эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинганда иккинчисининг розилиги ҳақидаги аризаси, агар эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган бўлса, никоҳи бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатини, никоҳда турмаган шахс томонидан фарзандликка олинганда фарзандликка олувчи паспортининг ёки идентификацияловчи ID-картасининг кўчирма нусхаси ва никоҳда турмаслиги ҳақидаги ФҲДЁнинг маълумотномасини; фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) соғлиғи ҳолати тўғрисидаги тиббий хулоса (психиатрия, сил касаллигига қарши кураш ва наркология муассасаларидан, шунингдек ОИТСга қарши кураш марказидан маълумотномалар); фуқаро фарзандликка олишга номзод сифатида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги ҳужжат; фарзандликка олувчиларнинг иш жойидан эгаллаб турган лавозими

ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома ёки бошқа даромад манбалари ҳақидаги маълумотнома; турар-жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатини тақдим этиши керак.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг **бошқа давлат фуқароси бўлган болани** фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига юқорида санаб ўтилган ҳужжатлардан ташқари, фарзандликка олинаётган боланинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаши учун Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг розилиги, фарзандликка олинаётган бола қонуний вакилининг ва бола қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат ваколатли органининг розилиги, фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирмаси, фарзандликка олинаётган боланинг соғлиғи ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хулосаси, ўн ёшга тўлган фарзандликка олинаётган боланинг фарзандликка олинишига, шунингдек фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши мумкинлигига ва фарзандликка олувчиларнинг унинг ота-онаси сифатида қайд этилишига розилиги илова қилинади.(Ўз.Р.ФПК 300-м)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига фарзандликка олувчилар қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат ваколатли органининг уларнинг яшаш шароитлари ҳақидаги ва фарзандликка олувчи бўла олиш имкониятлари тўғрисидаги хулосаси, тегишли давлат ваколатли органининг фарзандликка олинаётган боланинг ушбу давлатга кириши ва мазкур давлат ҳудудида доимий яшаши учун рухсатномаси, фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси вакилларига фарзандликка олинган бола ҳақида ахборот бериш ва бола билан мулоқот қилиш имкониятини бериш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган мажбурияти илова қилинади. (Ўз.Р.ФПК 300-м)

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болаларни фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасида ўз дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлган давлатларнинг фуқаролари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Чет эл фуқаролари бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши керак. Шунингдек, тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши талаб этилади. Агар кўрсатилган ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида берилган бўлса, легализация қилиниши ёки апостиль қўйилиши ҳамда таржима қилинган бўлиши тўғрисидаги талаблар ушбу ҳужжатга нисбатан татбиқ этилмайди. (Ўз.Р.ФПК 300-м)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 декабрдаги 732-сонли қарори билан тасдиқланган “Расмий ҳужжатларга

апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг Маъмурий Регламенти”га мувофиқ хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) иштирокчилари бўлган давлат фуқароларининг ҳужжатлари легаллаштирилиши талаб этилмаслиги, балки ваколатли давлат органлари ҳужжатни имзолаган сифатида иш кўрган шахснинг имзоси ҳақиқийлиги ва ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлиги тасдиқланади.

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олиш мазкур бола доимий яшаётган давлатнинг қонунчиликда белгиланган тартибда, фарзандликка олинаётган бола етим ва фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яқин қариндоши бўлган ёки ўз ватанида турли сабабларга кўра фарзандликка олиниши мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилади. (Ўз.Р.ОК 161[1]-модда.)

Ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олишда васийлик ва ҳомийлик органи ёки ишни кўриш давомида суд томонидан аниқланадиган унинг розилиги талаб этилишини инобатга олиб, суд боланинг ўзини судда иштирок этиш учун жалб қилишга ҳақли.

Агар ўн ёшга тўлган бола соғлиғи ҳолатига кўра, суд мажлисига кела олмаса, масалан, бола болаликдан ногирон, ҳаракатланиш имконияти чекланган бўлса, суд боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг фарзандликка олиш бўйича фикрини унинг яшаш (турар) жойи бўйича аниқлаши мумкин.

Агар фарзандликка олиш ҳақидаги ариза берилгунга қадар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни (уни) ўз ота-онаси деб тан оладиган бўлса, суд ишни ўн ёшга тўлган боланинг иштирокисиз кўришга ҳақли. (Ўз.Р.ОК 156-м).

Фарзандликка олишда ўн ёшга тўлган боланинг розилиги берилганлиги васийлик ва ҳомийлик органи ёки суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда аниқланади. Бундай ҳолатда, суд болага фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатларини, яъни қариндошлари билан кўришиш, мулкий ва бошқа низолар, унинг фамилияси, исми ва ота исми туғилиш тўғрисидаги ёзувларнинг ўзгариши ҳақида унга тушунтириши керак. Ишни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади.

Оила кодексининг 68-моддаси талабларига мувофиқ, бола ўзини фарзандликка олиниши масаласида ўз фикрини шакллантириш ва баён қилишга қодир деган хулосага келса, суд мажлисида **ўн ёшга тўлмаган болани ҳам** сўроқ қилиш мумкин. Боланинг судда иштирок этиши унга нохуш таъсир этиши мумкин деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлган ҳолда, суд ушбу масала бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг фикрини аниқлайди.

Боланинг ота-онасини ҳуқуқларидан бири - боласини фарзандликка олиши учун нотариал тасдиқланган розилик бериши керак. Қонун талабига

кўра фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар ота-она ўз розилигини қайтариб олиш ҳуқуқига ҳам эга.

Оила кодексининг 160-моддасига кўра, фарзандликка олиш ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса; ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса; ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса; ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса, **ота-онанинг розилигисиз** амалга оширилади.

Агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинмаётган бўлса, бунга **хотин (эр) нинг розилиги** талаб этилади. Бундай розилик эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган ва эр (хотин) нинг турар жойи номаълум бўлган ҳоллардагина талаб қилинмайди. (Ўз.Р.ОК 157-м).

Фарзандликка олишда - фарзандликка олинувчининг **қариндошлари,** фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс, ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар, ўгай ота ва ўгай она, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар устун ҳуқуққа эга.

Қонунчилигимизда фарзандликка олиш ҳақидаги ишларда фарзандликка олиш истагини билдирган шахсларнинг ва фарзандликка олган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаганлиги фуқароларнинг фарзандликка олиш ҳақида қаерга мурожаат қилиши мумкинлигини билмасдан сарсон бўлишига, чақалоқлар савдоси кўпайишига, фарзанд асраб олганидан кейин қандай ҳуқуқлари борлиги ва мажбуриятлари нимадан иборатлигини билишмайди. Шу ҳолатларни олдини олиш мақсадида қонунчилигимизга қуйидаги ўзгартиришларни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексини **151^1-моддаси билан** тўлдириш лозим.

151^1-модда. Фарзандликка олмоқчи бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фарзандликка олишни ҳоҳловчилар фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органларига фарзандликка олиш ҳақида ариза билан электрон тартибда мурожаат қилишлари шарт. Аризага даромадлар, оилавий аҳвол, соғлиқ ҳолати, шу жумладан руҳий, хулқ-атвор бузилишлари (касалликлар) йўқлиги тўғрисида гувоҳнома илова қилиши ва шахсан ўзи танлаган бола билан камида бир ой бирга яшаганлиги ёки у билан бевосита алоқада бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган етим болаларни, ота-она қарамоғисиз қолган бир ёшга тўлмаган болаларни асраб олмоқчи

бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фарзандликка олиш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига қадар болаларни васийлик ёки ҳомийликка олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, болани асраб олишга даъвогар бўлган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли органга болани асраб олиш истаги тўғрисида электрон шаклда ариза беришлари шарт. Аризага даромадлари, оилавий аҳволи, соғлиқ ҳолати, шу жумладан руҳий, хулқ-атвор бузилишлари (касалликлар) йўқлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар, шу жумладан психотроп моддаларни истеъмол қилмаслиги, судланганлик йўқлиги, ота-оналарнинг шахсий ахлоқий фазилатлари ҳақида махсус ваколатли хорижий давлат органларининг тавсифномаларини ҳам илова қиладилар.

Васийлик ва ҳомийлик органига ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг васийлик ва ҳомийлик органи ўн беш кунлик муддатда тақдим этилган ҳужжатларни қонунийлигини ва болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганади.

Ўрганиш натижалари бўйича далолатнома тузади. Мазкур далолатнома ариза берувчиларни фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш учун асос бўлади.

Васийлик ва ҳомийлик органи ариза берувчиларга фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйилганлиги ёки ҳисобга қўйишни рад этилганлиги ҳақида далолатнома тузилган кундан бошлаб беш кун ичида ариза берувчиларни почта орқали ёки тилхат асосида хабардор қилиши шарт.

Мазкур хабарномани олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида фарзандликка олувчилар судга фарзандликка олиш ҳақида ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

167[1]-модда. Фарзандликка олган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Фарзандликка олган шахслар болани тарбиялаши, унинг соғлиғи, жисмоний, ақлий, аҳлоқий ва маънавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилиши шарт.

Фарзандликка олган шахслар боланинг фикрини ва васийлик ёки ҳомийлик органининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда болани тарбиялаш усулларини мустақил равишда белгилашга ҳақлидир ва ушбу Кодексда назарда тутилган талабларга риоя қилиши шарт.

Фарзандликка олган шахслар боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, мажбурий таълим олиш учун таълим ташкилотини ва болани ўқитиш шаклини танлаш ҳуқуқига эга.

Республика ҳудудида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган фарзандликка олган шахслар бола ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар йилига камида бир марта болани асраб олиш тўғрисидаги суд қарори чиқарилган жойдаги васийлик ёки ҳомийлик органига фарзанд асраб

олинган боланинг яшаш шароитлари, тарбияси ва соғлиғи тўғрисида ҳисоботларни тақдим этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи фарзандликка олган шахслар ва чет эллик фарзандликка олган шахслар суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги қарори қонуний кучга киргандан кейинги дастлабки уч йил ичида ҳар олти ойда, кейинги йилларда - бола ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар йилига камида бир марта болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли органга фарзандликка олинган боланинг яшаш шароитлари, ўқитиш, тарбиялаш ва соғлиғи тўғрисида ҳисоботларни тақдим этишлари шарт.

Баъзи ҳолларда ҳисоботларни тақдим этиш муддати Ўзбекистон Республикаси болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли органнинг қарори билан фарзанд асраб олувчилар оиласида юзага келадиган ўзига хос вазиятга қараб белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшайдиган фарзандликка олган шахслар ва чет эллик фарзандликка олган шахслар Ўзбекистон Республикасининг фарзанд асраб олувчи ва бола яшайдиган мамлакатда жойлашган чет эл муассасалари орқали ҳисоботларни тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшайдиган фарзандликка олган шахслар ва чет эллик фарзандликка олган шахслар ушбу бандда назарда тутилган тартибда ҳисоботларни тақдим этмаган ёки ўз вақтида тақдим этмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида фарзандликка олишда уларни ўрганиш натижасида хулоса берган васийлик ва ҳомийлик органи раҳбарининг жавобгарликка тортирилишига сабаб бўлади.

Фарзандликка олинган боланинг яшаш, ўқиш, тарбиялаш ва соғлиғи ҳолати тўғрисида тақдим этиш тартиби ва муддатлари, ҳисобот шакли Ўзбекистон Республикаси болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

Миллий қонунчилигимизда фарзандликка олмоқчи бўлган шахсларнинг ва фарзандликка олган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланмаган. Бу эса, фуқароларни турли йўллар билан бўлса ҳам фарзандни олиб тарбиялашга мажбур қилмоқда.

Бундан ташқари, Фуқаролик процессуал кодексининг 301-моддаси талаби бўйича суднинг ажрими юборилганидан кейин васийлик ва ҳомийлик органи бориб аризачиларни шароитларини ўрганади ва шу юзасидан хулоса тузади. Шу жараённи судга қадар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан бажарилиши шартлиги билан боғлиқ норма киритилса, фарзандликка олиш тизимини соддалаштиришга хизмат қилади.

Фарзандликка олмоқчи бўлган ва фарзандликка олган шахсларнинг ҳам қонунда ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйилиши уларнинг болани фарзандликка олишдаги ва фарзандликка олганларидан кейин

масъулиятини ошириш билан бирга, унинг ҳуқуқий оқибатларини тушуниш орқали болага янада яхши муносабат қилиб, тарбиялашига хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Фарзандликка олиш ҳақидаги ишларни судда кўрилишида суд процесси иштирокчиларидан бири бу васийлик ва ҳомийлик органи ҳисобланади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.09.2014 йилдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Низом асосида амалга оширадилар.

Мазкур Низомга кўра, васийлик ва ҳомийлик органлари болаларни фарзандликка олиш билан боғлиқ масалалардаги ваколатлари доирасида болани фарзандликка олиш истагини билдирган шахсларни ҳар томонлама ўрганади ва ўрганиш натижалари бўйича далолатнома тузади. Мазкур далолатнома ва бошқа зарур ҳужжатлар ариза берувчиларни фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйиш учун асос ҳисобланади.

Фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш шароитларини текшириш далолатномасида бошқа маълумотлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддасида назарда тутилган фарзандликка олиш учун тўсиқлар борлиги ёки йўқлиги кўрсатилиши шарт. (Ўз.Р.ФПК 301-м).

Болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг, фарзандликка олган ва фарзандликка олинганларнинг ҳисобини юритади, фарзандликка олиш сирининг сақланишини таъминлайди. Судга вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади ҳамда суд жараёнида иштирок этади.

Васийлик ва ҳомийлик органининг фарзандликка олишнинг асосли эканлиги тўғрисидаги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги ҳақидаги хулосасига - фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойи ёки фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тузилган фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш шароитларини текшириш далолатномаси, фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирма; фарзандликка олинаётган боланинг соғлиғи ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хулоса; ўн ёшга тўлган фарзандликка олинаётган боланинг фарзандликка олишга, шунингдек фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши мумкинлигига ва фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) унинг ота-онаси (отаси ёки онаси) сифатида қайд этилишига розилиги, бундан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 156-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно; бола ота-онасининг (отасининг ёки онасининг) унинг фарзандликка олинишига розилиги, ўн олти ёшга тўлмаган ота-онанинг боласи фарзандликка олинаётганда эса ота-она қонуний вакилларининг ҳам розилиги, қонуний вакиллар мавжуд бўлмаган тақдирда

эса васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги; боланинг қариндошлари бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинганда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ва фарзандликка олишга номзодларни ҳисобга олиш бўйича маълумотлар базасида фарзандликка олинаётган бола тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари оиласига тарбияга олиш ёки боланинг қариндошлари томонидан, ушбу қариндошларнинг фуқаролиги ва яшаш жойидан қатъий назар, фарзандликка олиниши имконияти мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак. (ФПК 301-м).

Фарзандликка олинувчининг соғлиғи ҳолати тиббий муассаса ёки врачнинг маълумотномаси билан эмас, балки соғлиқни сақлаш бошқармасининг, таркибида педиатр, невропатолог, хирург (ортопед-травматолог), офтальмолог, отоларинголог, логопеддан иборат тиббий эксперт комиссиясининг фарзандликка олинаётган боланинг соғлиги ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши тўғрисидаги тиббий хулосаси билан тасдиқланиши лозим.

Васийлик ёки ҳомийликдаги болани фарзандликка олиш, агар унинг ота-онасидан розилик талаб қилинмайдиган бўлса, васий ёки ҳомийнинг розилиги билан, давлат болалар муассасаларининг тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш, агар уларнинг ота-онаси розилиги талаб этилмайдиган бўлса, шу муассаса маъмуриятининг розилиги билан амалга оширилади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 301-моддасини биринчи қисмига ўзгартириш киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, 301-моддаси биринчи қисмида, судья ишни суд муҳокамасига тайёрлашда ажрим чиқаради, унга кўра фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олишнинг асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбурияти юкланади дейилган.

Лекин боланинг эмас фарзандликка олувчиларнинг яшаш (турар) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига шу оиланинг шароити, муҳити болани фарзандликка олишга тўғри келишини ўрганиб, хулоса тузиш мажбуриятини юклаш керак. Чунки, фарзандликка олувчиларнинг оилавий шароити яхши бўлса, соғлом муҳитли оила бўлса, у оилада яшаган бола ўзини бахтли хис қилади.

Шу сабабли 301-моддасининг биринчи қисмидаги, “**фарзандликка олинаётган боланинг”** жумласини, “фарзандликка олувчиларнинг” деб ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Оила Кодексида фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ўртасидаги ёш фарқи ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шартлиги белгиланган, бироқ максимал ёши белгиланмаган.

Амалиётда нафақа ёшидаги фуқаролар ҳам судларга фарзандликка олиш ҳақида ариза билан мурожаат қилиш ҳолатлари мавжуд. Нафақага чиққан шахснинг ўзи ёрдамга ва кўмакка мухтож бўлади.

Шу сабабли, Оила Кодексининг 152-моддаси 2-қисмини “55 ёшдан ошган шахслар фарзандликка олувчилар бўла олмайди” деган жумласи билан тўлдириш керак.

Ўзбекистон Республикасининг 02.01.2014 йилдаги 364-сонли Қонуни ва Вазирлар Маҳкасининг 22.09.2014 йилдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида” ги 269-сонли низомига фарзанд асраб олишда навбатда туришни электрон базасини яратиш тўғрисида банд киритиш лозим. Бунда фуқароларнинг фарзанд асраб олиши учун навбатда туриши тартибга солинади, коррупцион ҳолатларни олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса: Қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда фарзандликка олиш фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилиши белгиланган экан, боланинг яхши оилада ўсиши ва катта бўлиши учун унга соғлом оилавий муҳитга эга бўлган, дунёқараши кенг, болани тарбиялашга салоҳияти етадиган оилаларни танлаб, уларга болани фарзандликка бериш тизимини йўлга қўйилиши келажакда буюк шахсларни етишиб чиқишига ўз хиссасини қўшади деб ҳисоблаймиз.

АХМЕДОВ МИРЖАЛОЛ АХМЕДОВИЧ
Ведущий консультант секретариата Комитета Сената Олий Мажлиса по судебно-правовым вопросам и противодействию коррупции

РАЗРЕШЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ СПОРОВ ПУТЕМ МЕДИАЦИИ

Аннотация: Статья посвящена исследованию роли медиации как альтернативного механизма разрешения экономических споров. Рассматриваются преимущества медиации в этой области, включая ее конфиденциальность, гибкость и эффективность в сохранении деловых отношений. В статье приводится обзор законодательной базы, регулирующей медиацию в экономических спорах, а также обсуждаются различия в подходах к медиации в различных правовых системах.

Статья будет полезна юристам, бизнес-лидерам и практикующим медиаторам, которые заинтересованы в эффективных способах разрешения экономических споров.

Ключевые слова: медиация, медиатор, соглашение о применении медиации, экономический спор, стороны.

Медиация – это ни к чему не обязывающий, конфиденциальный процесс, основанный на усмотрении сторон, и метод разрешения спора, возникающего из договорно-правовых отношений, на правовых основаниях путем взаимного компромисса – примирения, при посредничестве нейтральной третьей стороны, т.е. посредника, выбираемого по усмотрению спорящих

сторон. Нейтральная третья сторона, медиатор, не является ни судьей, ни арбитром и не принимает никакого самостоятельного решения по спору. В этом отношении он отличается от арбитражного суда.

Термин “медиация” появился во многих зарубежных странах в 70-80-х годах прошлого века. Во Франции первый посредник был назначен в 1973 году — институт, аналогичный институту омбудсмена в Швеции. Первоначально во Франции к посредничеству относились с недоверием. Однако с 90-х годов прошлого века стали понятны преимущества этого метода разрешения споров и его использование стало широко осуществляться. Сегодня во Франции существует более 200 посреднических институтов, которые предоставляют услуги по разрешению споров между сторонами в соответствии с условиями договора[1].

Федеральный закон Австрии о медиации в гражданских делах, принятый 1 мая 2004 года, определяет медиацию как деятельность, основанную на усмотрении сторон. По его данным, со сторонами регулярно работает медиатор, обладающий специальными знаниями для разрешения спора с использованием признанных методов взаимоотношений. В настоящем Законе установлены порядок создания консультативного совета по вопросам медиации, избираемого из числа членов примирительного комитета, порядок ведения списка медиаторов, условия включения медиаторов в этот список, условия и порядок их назначения, условия исключения их из этого списка, права и обязанности зарегистрированных медиаторов, а также вопросы, связанные со страхованием гражданской ответственности и порядком прекращения процессуальных сроков[2].

Медиация экономических споров в нашей стране регламентируется Законом Республики Узбекистан “О медиации”.

Статья 3 этого закона определяет сферу ее применения, то есть какие правоотношения могут быть использованы для медиации. Согласно закону, медиация применяется к спорам, возникающим из гражданских правоотношений, в том числе из предпринимательской деятельности, а также к индивидуальным трудовым спорам и спорам, возникающим из семейных правоотношений.

Из данного правила видно, что для разрешения экономических споров в Республике Узбекистан применяется процедура медиации.

Стороны и медиатор являются участниками медиации. В медиации могут участвовать как физические, так и юридические лица.

Из этого следует понимать, что если в качестве сторон медиации участвуют спорящие физические или юридические лица, то медиатор участвует как лицо, разрешающее спор между сторонами путем медиации с использованием альтернативных методов. Медиатора не следует путать со

[1] Ш.М.Масадиков. Есть ли необходимость в Медиации? // Журнал "Право и долг". 2018 год 4-выпуск. Стр-24-29.

[2] Д.Чхартишвили. Медиация в России: институционализация и развитие медиативных практик. Диссертация на соискание ученой степени кандидата социологических наук. Ростов-на-Дону – 2018.

сторонами медиации, его следует рассматривать как участника медиации. Медиация может осуществляться между двух или более сторон и может проводиться одним или несколькими посредниками. Таким образом, в качестве участников медиации могут выступать несколько сторон или несколько медиаторов.

Также следует отметить, что стороны участвуют в медиации сами или через своих представителей в соответствии с законом. Данное положение указывает, что стороны медиации имеют те же права, что и стороны судебного разбирательства.

Также стороны медиации имеют следующие права:

- добровольный выбор медиатора;
- отказ от медиатора;
- отказ от участия в медиации на любой стадии.

Кроме того, стороны медиации обязаны исполнить заключенное между ними медиативное соглашение в порядке и сроки, предусмотренные этим соглашением.

Наиболее важными этапами медиации являются применение медиации и реализация процедур медиации.

Согласно статье 15 Закона **Республики Узбекистан "О медиации":** "Медиация применяется исходя из желания сторон.

Медиация может быть использована во внесудебном порядке, в процессе рассмотрения спора в суде до момента выхода суда в отдельное помещение (совещательную комнату) для получения судебного документа, а также в процессе исполнения судебных документов и документов иных органов.

Медиация может также использоваться в ходе арбитражного разбирательства до принятия решения третейским судом.

Если медиация используется при исполнении судебных документов и документов иных органов, необходимо участие медиатора, осуществляющего свою деятельность на профессиональной основе.

Факт участия в медиации не может служить доказательством признания вины".

Участие сторон в экономическом споре в процессе медиации не является автоматическим признанием вины, ибо согласие на проведение медиации не подразумевает вины сторон. Для сохранения долгосрочного партнерства в бизнесе без признания вины стороны могут принять решение решить спор через медиацию. Запись о применении медиации содержится либо в договоре между сторонами, либо в отдельном соглашении, устанавливающем процедуры разрешения споров через медиацию. В таких соглашениях фиксируется порядок и условия участия сторон в процедуре медиации, распределение расходов и другие условия, касающиеся процесса медиации. В национальном законодательстве действуют нормы, регламентирующие осуществление процедуры медиации государственным органом.

В соответствии с нашим законодательством государственный орган может установить срок проведения процедуры медиации и отложить

рассмотрение дела в определенных случаях. Процедура медиации при исполнении судебных документов приостанавливает исполнительное производство. Государственный орган не имеет права напрямую вмешиваться в процесс медиации.

Особенности процедуры медиации при возбуждении дела в суде регулируются Экономическим процессуальным кодексом. Если стороны достигли медиативного соглашения во время судебного разбирательства, дело передается в компетентный государственный орган или суд. При достижении медиативного соглашения при исполнении судебных документов исполнительный документ передается соответствующему государственному должностному лицу.

Одним из важнейших и целесообразных принципов является возмещение уплаченной сторонами государственной пошлины в случае разрешения спора посредством медиации и заключения медиативного соглашения. Однако возникают ситуации, когда данная пошлина не возвращается, если медиативное соглашение было заключено в ходе исполнения судебных или иных органов.

Государственные органы обязаны вмешиваться и принимать меры для применения процесса медиации при возникновении споров с их участием, и существуют определенные механизмы для осуществления таких действий.

В частности, согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан от 17 июня 2020 года ПП-4754 “О мерах по дальнейшему совершенствованию механизмов альтернативного разрешения споров” при органах государственной власти и местного самоуправления были созданы апелляционные советы по досудебному разрешению споров между физическими и юридическими лицами и государственными органами. Апелляционные советы рассматривают обращения о досудебном разрешении споров между физическими и юридическими лицами и государственными органами и принимают меры по досудебному разрешению споров.

Если стороны договорились об использовании медиации, они заключают соглашение о проведении процедуры медиации. После этого проводится процедура медиации.

Соглашение о проведении процедуры медиации оформляется в письменной форме.

В соглашении об осуществлении процедуры медиации:

о сторонах;

о предмете спора;

о порядке проведения процедуры медиации, медиаторе, согласованных сторонами обязательствах, условиях и сроках их выполнения;

о языке, месте и дате проведения процедуры медиации;

должна быть информация о сроке, в течение которого будет осуществляться процедура медиации.

Процедура медиации проводится по согласию сторон, которые выбирают одного или нескольких медиаторов. Осуществление медиации происходит в

соответствии с условиями, установленными в соглашении о проведении процедуры. Важно отметить, что медиатор не имеет права действовать в пользу одной стороны или ограничивать права другой стороны.

В соответствии с национальным законодательством Республики Узбекистан срок проведения медиации определяется в соглашении между сторонами. Медиатор и стороны должны предпринять все усилия для завершения процедуры в установленный срок, не превышающий тридцати дней. Однако возможно продление этого срока в соответствии с законодательством.

Таким образом, общий срок проведения медиации составляет **тридцать дней,** но может быть продлен в случае необходимости. То есть при необходимости срок реализации процедуры медиации может быть продлен по взаимному согласию сторон еще на тридцать дней.

Аналогичная норма определена в Экономическом процессуальном кодексе Республики Узбекистан.

Статья 103 Кодекса устанавливает сроки приостановления производства по делу, пункт 3^1 данной статьи устанавливает, что при заключении соглашения о проведении процедуры медиации приостановление производства устанавливается до завершения процедуры медиации, но на срок не более **шестидесяти дней.**

В этот момент закономерным является интерес сторон спора к вопросу о том, не приведет ли применение медиации при разрешении спора к приостановлению или прерыванию срока исковой давности по этому спору.

Отвечая на этот вопрос, согласно статье 21 Закона Республики Узбекистан “О медиации” предусматривается, что истечение исковой давности приостанавливается на время проведения процедуры медиации.

Также, в статье 156 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, перечислены основания для приостановления истечения искового срока, и в качестве одного из таких оснований установлено, что между сторонами заключено соглашение о проведении процедуры медиации. Однако следует также учитывать, что данная ситуация возникла или продолжается в течение последних шести месяцев срока исковой давности, если этот срок составляет менее шести месяцев, течение исковой давности приостанавливается.

Если в результате процедуры медиации стороны спора достигают медиативного соглашения, медиация прекращается.

Кроме того, если существуют следующие условия, т.е.:

- сторонами заключено медиативное соглашение;

- отсутствует возможность достижения взаимоприемлемого решения по спору;

- соглашение сторон о прекращении медиации без достижения соглашения по имеющимся спорам (при наличии письменного соглашения о проведении процедуры медиации);

- сообщение о том, что одна из сторон отказывается продолжать медиацию;

- медиация прекращается, если сроки процедуры медиации истекли.

Медиатор может использовать права, предоставленные законом при осуществлении процедуры медиации, и должен выполнять возложенные на него обязанности. При этом медиатор и стороны несут ответственность за конфиденциальность информации, связанной с медиацией. Данное правило указано в статье 26 Закона Республики Узбекистан “О медиации”. “Стороны, медиатор, а также другие лица, присутствовавшие при проведении процедуры медиации, независимо от того, связано ли разбирательство со спором, который являлся предметом медиации, не вправе ссылаться, если стороны не договорились об ином, в ходе разбирательства на информацию о:

предложении одной из сторон о применении медиации, равно как и готовности одной из сторон к участию в ее проведении;

мнениях или предложениях, высказанных одной из сторон в отношении возможности урегулирования спора;

признаниях, сделанных одной из сторон в ходе проведения процедуры медиации;

готовности одной из сторон принять предложение медиатора или другой стороны об урегулировании спора”.

В ходе процесса заключения медиативного соглашения проводится анализ и синтез высказываний, звучавших в процессе переговоров, дискуссий и обмена информацией между сторонами, а также рассматривается предоставленная информация и разъяснения. На основе этого совместно создается проект соглашения, который удовлетворяет обе стороны. Важно, чтобы предложенные пункты в проекте медиативного соглашения были согласованы сторонами.

Для исключения недопонимания информации, изложенной в пунктах текста соглашения, язык и стиль изложения должны быть понятны сторонам, а также должно быть изложено нейтральным, беспристрастным и простым языком. После утверждения текста соглашения сторонами его содержание оглашается, и после этого стороны подписывают медиативное соглашение.

В заключение следует подчеркнуть, что медиация представляет собой эффективный и конструктивный механизм разрешения споров, основанный на усмотрении и согласии сторон с помощью нейтрального посредника. Факт, что стороны заинтересованы и согласны с медиативным соглашением свидетельствует о значимости этого соглашения и способствует продолжению их взаимодействия в будущем.

ЭРГАШЕВ ФАРРУХ АЛИШЕРОВИЧ
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судьяси, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

СУДЛАРГА ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА МУРОЖААТ ҚИЛИШ БЎИИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” Стратегиясининг 86-бандида “Суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очиқликни таъминлаш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш” асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган.[1] Зеро, янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида одил судловнинг сифати ва самарадорлигини ошириш тақозо этилмокда. Ушбу масалани муваффақиятли ҳал этишда ҳуқуқни қўллаш амалиётига, айниқса, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, судларга, хусусан фуқаролик ишлари бўйича судларга, маъмурий ва иқтисодий судларга электрон воситалар орқали даъво аризалари, ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилишни кенг жорий этиш, судларда ишларни юритиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда судларга даъво аризалари, ариза ва шикоятлар билан электрон воситалар оркали мурожаат қилиш борасидаги муҳим вазифаларни самарали ҳал этишда бу борада хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини тахлил қилиш ва баҳолаш мухим аҳамият касб этади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, судларга электрон шаклда ҳужжат тақдим этиш ғояси 1980 йилларда АҚШда қоғоз ҳужжатларни сақлаш одам кучи ва меҳнат ресурсларини талаб этиши ҳамда жуда кенг майдонни эгаллаши каби муаммоларни олдини олиш мақсадида пайдо бўлган. Ундан ташқари, ҳужжатнинг “асли” хизматчиларнинг хатоси билан йўқотилиши ёки бегона шахсларнинг қўлига тушиб қолиши каби хавфлар мавжудлиги ҳам судларга электрон шаклда ҳужжат тақдим этилишининг афзаллигини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони // https://lex.uz/ru/docs/6600413

кўрсатади.

Техник ривожланиш даражасининг турличалигидан келиб чиқиб, судга электрон шаклда мурожаат қилиш тартиби ҳар бир давлатда турлича кўриниш ҳосил қилган. Хусусан, Сингапурда фуқаролик ишлари бўйича судга электрон шаклда мурожаат қилиш мажбурий тартиб сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Исроил, АҚШ ва Австралияда ҳужжатларни судга электрон шаклда тақдим этиш кенг тарқалган ва у судга мурожаат қилувчи шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

Сингапурда ахборотларни электрон тизим орқали юбориш (EFS - Electronic Filing System) Олий суд ва қуйи турувчи суддар томонидан деярли уч йил мобайнида турли синов ва экспериментлардан ўтгач, 2000 йилнинг 1 мартидан эътиборан амалга киритилди. Сингапур тажрибасига кўра, ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш тизимига кириш учун ундан фойдаланувчи албатта рўйхатдан ўтиши, керакли техник ускуналарга ва лицензияланган дастурий таъминотга эга бўлиши талаб этилади. Судлар ўз навбатида мустақил сертификацияловчи марказ вазифасини бажаради: рўйхатдан ўтган фойдаланувчига цифрли сертификат жойлаштирилган ва EFSr кириш учун рухсат берадиган смарт-карта берилади. Шундан сўнг электрон тизим хизматидан фойдаланиши мумкин бўлади. Сингапурда мазкур тизимни ташкил этишнинг дастлабки йилларида судларга электрон шаклда ҳужжатларни тақдим этишни рағбатлатлантириш мақсадида қонун билан ушбу шаклдаги аризалар учун судга умумий тартибда мурожаат қилинганда ундириладиган божнинг 15 фоиз миқдорида чегирмалар жорий этилган.

Ҳозирги кунда суд процессларида фойдаланилиши мумкин бўлган барча ҳужжатлар судга EFS тизими орқали юборилиши талаб этилади. Ахборотларни судга электрон шаклда тақдим этишнинг мазкур тизими бошқа дастурий таъминотлар ёрдамида яратилган ҳужжатларни қабул қилишни рад қилади.

Фойдаланувчи тегишли парол, яъни шартлашилган махфий сўзни киритганидан сўнг ҳужжатларни судга EFS тизими орқали тақдим этиши талаб этилади. Суд эса ўз навбатида мазкур ҳужжатни қабул қилишдан аввал унинг процессуал қонундаги талабларга мувофиқ келишини текширади. Судга ариза тақдим этиш учун йиғим машинал (автоматик) равишда ундирилади. Ҳужжатнинг суд томонидан қабул қилинганлигини тасдиқловчи сертификат автоматик равишда тизим орқали ҳосил бўлади ва у келиб тушган вақтдан эътиборан беш дақиқа ичида фойдаланувчига юборилади. Мазкур сертификат судга ҳужжат тақдим этилганлигини тасдиқловчи далил вазифасини ҳам бажаради. Ҳужжатни қабул қилиш вақтида фойдаланувчига автоматик равишда ягона идентификатор берилади, судга мурожаат қилган юридик шахсларга эса юридик фирманинг ягона идентификатори берилади. EFS тазимида ҳужжатларнинг метамаълумотлари учун дгуайян андаза (шаблон) мавжуд (ушбу ҳужжатнинг мазмуни, контекста ва ҳажми) бўлиб, ҳар қандай ҳужжат ўзига хос реквизитларга, яъни ҳужжатнинг рақами, унинг

тақдим этилган санаси, унинг асосида юриталаётган иш санаси ва ягона рақамига эга бўлиши талаб этилади. Ҳужжат EFS тизимига киритилганидан кейин суд метамаълумотларни ўзгартиришга ҳақли бўлмайди.

Австралия Федерал судида ҳам e-filing (электрон рўйхатга олиш) атамаси билан юритиладиган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш тизимидан фойдаланилади. Ўз навбатида Федерал суд Регламенти мазкур онлайн-хизматни амалга оширишнинг норматив асоси сифатида хизмат қилади. Электрон ҳужжатлар Суднинг Интернетдаги сайти орқали юборилади. Фойдаланувчиларнинг ариза тақдим эташлари ва йўлланма ҳужжатлари учун асосий электрон **интерфейс** Рўйхатга олишнинг электрон тизими (The Electronic Filing System - EFS) ҳисобланади.

Худди Сингапур тажрибасида бўлгани каби, Австралияда ҳам электрон ҳужжат қачонки, суд томонидан ўрганилиб, унинг тўғрилиги текшириб бўлинганидан сўнг, унинг қабул қилинганлиги туғрисида белги кўйилгач, судга тақдим этилган ҳисобланади.

Шу ўринда эътаборли жиҳати шундаки, судга электрон шаклда ариза тақдим этиш учун фойдаланувчидан махсус билим талаб этилмайди. Чунки аризалар белгиланган намунадаги шаклни тўлдириш орқали ва махсус файл ҳажмига қўйилган талабларга риоя қилинган ҳолда тақдим этилади.

АҚШнинг 2004 йилда қабул қилинган фуқаролик процессуал қонунчилигига (Federal Rules of Civil Procedure) кўра, судга ариза тақдим этишнинг умумий тартиби сифатида суд девонхонасига ҳужжатларни қоғоз кўринишида жўнатиш мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ мазкур қонунчиликка мувофиқ, АҚШ судларига шундай ҳуқуқлар берилдики, унга кўра, судлар ўз Регламентида аризаларни электрон шаклда тақдим этилиши тартибини белгилаши мумкин. Ўз навбатида, электрон шаклда ариза тақдим этиш АҚШ Судлари конференцияси томонидан белгиланган техник стандартларга жавоб бериши талаб этилади. Шу муносабат билан 2004 йилдан АҚШнинг барча судлари судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизимига ўтган.

Фуқаролик процессуал қонунчилиқда судга ариза тақдим этиш ва ўзаро ҳужжат алмашишнинг электрон шаклда амалга оширилишининг белгилаб қўйилиши муносабати билан АҚШда суд ишларинк юритиш доирасида электрон ҳужжат алмашиш масалаларини тартибга солувчи махсус ахборот-ҳуқуқий тизимлар ишлаб чиқила бошлади. Мазкур тизимлар ичида судга электрон шаклда ариза тақдим этишни назарда тутувчи “Case Management/Electronic Case Files” (CM/ECF) деб номланувчи глобал тизим кенг тарқалган. 2006 йилда мазкур тизимни округ судлари ва банкротлик ишларини кўрувчи судларда жорий этиш тулалигича якунланди.

CM/ECF тизими аппарат ва дастурий таъминотлар учун минимал талабларни белгиловчи тамойилни рўёбга чиқаради, шунингдек Интернет тармоғида суд ҳужжатларини чоп этилишини таъминлайди. АҚШ судлари Маъмурий офиси томонидан ишлаб чиқилган федерал судларга электрон ҳужжатларни тақдим этиш бўйича кўрсатма талабларига мувофиқ, ҳужжатлар дастлаб белгиланган форматда (PDF) электрон файл шаклида

тайёрланади. Сўнгра фойдаланувчи Интернет орқали суд томонидан бериладиган идентификацион ном ва паролни олади. У орқали фойдаланувчи суднинг ахборот тизимига киради ва иш тўғрисида керакли маълумотларни (ишнинг рақами, ҳужжат тақдим этилган шахснинг процессуал ҳуқуқий ҳолати) киритади, тақдим этилаётган ҳужжатнинг турини кўрсатади ва файлни суд тизимига юклайди. Суднинг ахборотлар тизими мазкур файлни қабул қилиб олгач, ҳужжат юборган шахсни, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни электрон ҳужжат юборилганлиги тўғрисида автоматик равишда ҳабардор қилади. Мазкур ҳабар қоғозга чиқариб олиниши ёки электрон тарқатувчининг хотирасига саклаб қўйилиши ҳам мумкин. Электрон ҳужжатни тақдим этиш тизими келиб тушган ҳужжатни рўйхатга олади, иш ҳужжатларини янгилайди, шундан сўнг ҳужжат мазкур тизим мижози бўлган ҳар қандай фойдаланувчи учун очиқ бўлади.

Шу ўринда судга тақдим этиладиган аризалар аризачининг электрон рақамли имзоси билан, агар ариза ваколатли вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланишини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Бу эса ўз навбатида ҳужжатларни бир хиллаштириш ва унинг асл нусхасига мувофиқ бўлишини таъминлаш билан бирга аризага илова қилинган ҳужжатларнинг бус-бутун бўлишини ва ўзгармаслигини кафолатлайди.

Кечаю кундуз ишловчи CM/ECF тизимидан фойдаланишнинг қулайлиги шундаки, ҳужжатни қоғоз шаклида судга тақдим этиш жараёнидан фарқли равишда судга электрон ҳужжатларни юбораётган фойдаланувчидан ҳеч қандай харажат талаб этмайди.

Ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш тизимининг фойдаланувчилари сифатида адвокатлар ассоциацияси аъзоси бўлган адвокатлар, федерал оммавий ҳимоячилар ва АҚШ номидан қатнашишга ваколатли бўлган шахслар рўйхатга олиниши мумкин. Рўйхатдан ўтиш жараёнида фойдаланувчи ўзининг шахсий маълумотларини тақдим этиши, шунингдек ушбу тизимдан фойдаланиш бўйича суд томонидан маъқулланган курсларни ўтаганлигини тасдиқлаши лозим. Судга тақдим этилган электрон ҳужжатнинг ўқилиши мумкин бўлишини кузатиб бориш мажбурияти фойдаланувчининг зиммасига юкланади.

Шу ўринда айрим хорижий давлатларда судга электрон шаклда ариза тақдим этиш жараёнида аризачиларга янада қулайлик яратиш, уларга бу борада ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун махсус марказлар ташкил этилганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, Исроилда махсус клиникалар фаолият кўрсатиб, улар ёрдамида судга электрон аризаларни бепул тақдим этиш мумкин. Англияда 2002 йилдан келишилган лойиҳа йўлга қўйилиб, унга кўра, даъво аризалари электрон шаклда махсус марказлар (“Money Claim Online”, “Claim Production Centre”) томонидан ҳам тақдим этилиши белгилаб қўйилган. Дастлаб ушбу Марказлар томонидан фақатгина даъво бахоси 100 минг фунт стерлинггача бўлган даъво аризаларини Интернет тизими орқали судга тақдим этиш мумкин бўлса, кейинчалик ушбу Марказларда даъво

аризаси юзасидан жавобгарларнинг эътирозларини Интернет тизими орқали судга тақдим этиш имконияти яратилди.

Мазкур тартибнинг жорий этилиши даъвогарлар учун нафақат судга даъво аризани тақдим этиш, балки шу билан биргаликда Интернет тизими орқали давлат божларини тўлаш, кўрилаётган ишнинг бориши билан боғлиқ жараёнларни кузатиб бориш имконини яратиб берди. Шу билан бир қаторда мазкур тизим жавобгарларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ташкил этади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, миллий қонунчилик ҳамда хорижий давлатлар қонунчилик амалиётидан келиб чиқиб, судларда юритиладиган ишлар бўйича судга тақдим этилаётган даъво аризаси (ариза, шикоят)нинг мазмунига улар судга электрон ҳужжат шаклида тақдим этилиши, судга электрон ҳужжат шаклида тақдим этилаётганда даъвогарнинг (аризачининг) электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши каби талабни янада такомиллаштириш лозим.

Зеро, ахборот тизими ёрдамида электрон воситалар орқали судга бу хилдаги аризалар билан мурожаат қилиш имкониятининг берилиши суд орқали ҳимоя учун қулайликлар яратади, охир-оқибат одил судловнинг самарасини оширишга, унинг тезкорлиги ва қулайлилигини таъминлашга хизмат қилади.

МАНСУРОВА ХУЛҚАР НАБИЕВНА
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИШ МУДДАТЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИ

Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан яна бири фуқаролик суд ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминловчи процессуал чораларни такомиллаштириш ҳисобланади.

Маълумки, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишни назарда тутади (ФПКнинг 2-моддаси). Фуқаролик ишларини тўғри кўриш ва ҳал этиш деганда, мазкур ишни қонунлар, асослантирилган далиллар асосида кўрилиши ва ҳал этилиши тушунилади. Фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш деганда эса, мазкур ишларни қонун билан белгиланган процессуал муддатларга амал қилган ҳолда ҳал этиш назарда тутилади. Шунингдек, суд фуқаролик ишларини суд мажлисида кўриш билан

чекланмайди, балки ҳал қилув қарори чиқариш орқали ишни мазмунан ҳал этади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси муқаддам амалда бўлган 1963 йил 23 мартдаги гражданлик процессуал қонун ҳужжатларидан тубдан фарқ қилади. Мазкур фарқлар фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларида ҳам яққол кўзга ташланади. Хусусан, 1963 йил 23 мартдаги Гражданлик процессуал кодексида гражданлик суд ишларини юритиш вазифалари ижтимоий тузумни, социалистик хўжалик тизимини ва социалистик мулкни муҳофаза қилишни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясидан устун қўйган (ФПКнинг 2-моддаси).[1] Мазкур нормадан кўриниб турибдики, муқаддам фуқаролик суд ишларини юритишда, энг аввало, давлат тузуми ва давлат мулкини ҳимоя қилиш биринчи даражали вазифа сифатида, ундан кейин эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси қўйилган. Зеро, ўша даврда барча давлат ҳокимиятининг асосий вазифаси социалистик тузумни ва социалистик мулкни ҳимоя қилиш сифатида белгиланиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари асосий эътибордан четда қолган.

1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Фуқаролик процессуал кодекси 4-моддасида фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқ-ланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозимлиги ўз ифодасини топган эди.[2]

2018 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процессуал кодекси 2-моддасида ҳам фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари назарда тутилди. 1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Фуқаролик процессуал кодекси 4-моддасида назарда тутилган вазифалар билан айни эди. Бироқ янги Фуқаролик процессуал кодекси 2-моддасида қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш фуқаролик суд ишларини юритишнинг

[1] *Қаранг:* Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик процессуал кодекси: (1986 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Тошкент.: Ўзбекистон. 1986. -214 б.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги 477-I-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги ЎРҚ-463-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонуни билан ўз кучини йўқотганлиги сабабли мазкур Кодекс ҳам 2018 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган // https://lex.uz/docs/186105

вазифалари сифатида белгиланди[1] ва шуниси билан муқаддам амалда бўлган ФПК дан фарқ қилди.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги қарорида фуқаролик ишларини кўриш муддатларига оғишмай риоя этишлик одил судловни амалга оширишда қонунчиликни мустаҳкамлашга, суд иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланишига Ўзбекистон Республикаси судларининг эътибори қаратилиши ҳақида тушунтириш берилган эди.[2] Бироқ 2018 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги 26-сон Қарори қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги юқоридаги “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 18-сонли қарори ўз кучини йўқотган.[3]

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги қарорида фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари ҳақида тушунтиришлар мавжуд эмас. Ваҳоланки, суд амалиётида фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатларига риоя қилмаслик ҳолатлари кўплаб учрайди.

Ҳозирда ўз кучини йўқотган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 18-сонли қарорининг муқаддимасида судда ишларни маълум қисми белгиланган муддатларни бузиб кўрилиши ва унинг сабаблари аниқ кўрсатиб ўтилган эди. Бинобарин, унда таъкидланишича, ишни яхши ташкил қилмаслик ёки суд процессларини режалаштиришда бепарволик қилиш, процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришни кечиктириб бажариш, суд мажлиси давомида процессуал ҳуқуқ мезонларини бузишлар натижасида сансоларликка йўл қўйишлик каби ҳолатлар келиб чиқаётганлиги танқид остига олинган.

Шунингдек, судьялар аризаларни қабул қилишда ҳуқуқий муносабатларнинг характерини, улар тартибга солинадиган ҳуқуқ мезонларни ҳамма вақт ҳам тўғри аниқламасликлари, натижада даъво асоси, исботлаш воситалари, ишда иштирок этувчи шахслар доирасини аниқлашда хатоликларга йўл қўйилаётганлиги, буларнинг ҳаммаси далилларни тўплаш, тегишли шахсларни ишда иштирок этишга жалб қилиш учун ишни кўришни

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // https://lex.uz/docs/3517337

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида»ги 1999 йил 24 сентябрдаги қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, 1999, 3-4 сонлар.

[3] 2018 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги 26-сон Қарори // https://lex.uz/docs/3897686

бошқа кунга қолдиришга ва фуқаролик ишларини судда кўриш муддатларини бузишга олиб келаётганлиги каби камчиликлар рўйи рост очиб ташланган эди. Мазкур Пленум Қарорининг муқаддимасида суд амалиётини умумлаштириш яна шуни кўрсатдики, фуқаролик ишларини кўриш муддатларини бузишга маълум даражада ишни кўришга тайинлашда иш ҳужжатларини чуқур ўрганилмагани, ишни кўришга тайёрлаш вақтида айрим хатоларга йўл қўйишлар, судда иш юритиш иштирокчиларини ўз вақтида хабардор қилмаслик, суд процессини ўйламасдан ташкил қилиш ва бошқа субъектив характерга эга бўлган асослар сабаб бўлмоқда, деб баён этилган.

Таъкидлаш жоизки, юқорида баён этилган камчиликлар ҳозирда ҳам фуқарорлик ишлари бўйича судларнинг амалиётида кўплаб учраётганлиги, фуқаролик ишлаини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатларига риоя қилиш борасида ҳам юқори суд томонидан қуйи турувчи судларга тушунтиришлар берилишига зарурат мавжуд.

Яна бир қизиқ ҳолатга эътибор қаратиш жоиз: ҳозирги кунда фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатларига оид тушунтиришлар берувчи Олий суд Пленуми қарорига зарурат мавжуд бўлсада, бироқ бу каби Пленум қарори мавжуд эмас. Мавжуд бўлгани ҳам назаримизда ҳеч қандай асосларсиз бекор қилинган. Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 18-сонли қарори ҳақида гап кетмоқда. Дарҳақиқат, 2018 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги 26-сон Қарори қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги юқоридаги “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги 18-сонли қарори ўз кучини йўқотиши тушунарсиз. Чунки 2018 йил 24 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 26-сон Қарори ўз номидан кўриниб турибдики, фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида бўлиб, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари масаласига деярли алоқаси йўқ.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг “Россия Федерацияси судларида жиноят, фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғғрисидаги ишларини кўриш муддатлари ҳақида”ги қарори мавжуд бўлиб, унда ҳам ишни судда кўриш муддатларига риоя қилмаслик сабаблари таҳлил қилинган ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ тушунтиришлар берилган.[1]

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси учинчи қисмида муқаддам амалда бўлган Конституциялардан фарқли равишда ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва

[1] Постановление Пленума Верховного Суда РФ от 27.12.2007 N 52 (ред. от 09.02.2012) "О сроках рассмотрения судами Российской Федерации уголовных, гражданских дел и дел об административных правонарушениях" // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_62424/

эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.[1]

Мазкур янги конституциявий норма Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциянинг “Адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ” деб номланган 6-моддаси 1-бандига мувофиқ келади. Унда кўрсатилишича, ҳар бир шахс ўз фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида низо келиб чиққан тақдирда ёки унга нисбатан жиноий айблов қўзғатилган тақдирда, қонун билан ташкил этилган мустақил ва холис суд томонидан оқилона муддатларда адолатли ва очиқ кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.[2]

Юқоридаги конституциявий норма талабларини, шунингдек Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси 3-банди “в” банди қоидаларини инобатга олган ҳолда фуқаролик ишлари суд ишларини юритиш қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда асоссиз кечиктирилмасдан судлар томонидан кўриб чиқилиши шарт. Зеро, юқоридаги нормаларни амалда таъминлашнинг муҳим таркибий қисми ва омилларидан бири – фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш ва кўриш муддатлари ҳисобланади.

Процессуалчи олим, профессор Э.Эгамбердиев ҳам ўз асарларида судларда фуқаролик ишларини юритишда процессуал муддатларга риоя этиш суд ҳокимиятини амалга оширувчи барча босқичдаги судлар учун ҳам, ишда иштирок этувчи шахслар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини, шу нуқтаи назардан фуқаролик ишларини юритишни ўз вақтида таъминлаш мақсадида процессуал муддатлар қонуний тарзда ифода этилганлигини таъкидлайди.[3]

Ўз навбатида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланар экан, Олий суд томонидан фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш ва кўриш муддатлари тўғрисидаги масала умумлаштирилиши ва таҳлил қилиниши, бунинг натижаси ўлароқ Олий суд Пленуми қарори қабул қилишини ҳозирги кун талабидир.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари, шунингдек, олий, вилоят, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари томонидан ишларни кўришнинг процессуал муддатларига риоя етилиши доимий назоратга олиниши, уларнинг тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлаш

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // https://lex.uz/docs/6445145

[2] Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция // https://nrm.uz/contentf?doc=371778_inson_huquqlari_va_asosiy_erkinliklarini_himoya_qilish_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_konvenciya_(rim_1950_yil_4_noyabr)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

[3] Эгамбердиев Э. Фуқаролик ишини юритишда процессуал муддатлар // Ж. «Ҳаёт ва қонун», 1999. 3-сон, -32 б.

чоралари кўрилиши, суд ишларини юритишнинг асоссиз кечикишига олиб келадиган сабабларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Ишларни кўриб чиқишда судьялар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келадиган қоғозбозлик, процессуал муддатларни қўпол ёки мунтазам равишда бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, судьяларнинг малака ҳайъатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларни ваколатларини муддатидан олдин тугатиш масаласи кўриб чиқилиши лозим.

Ўз навбатида ушбу чора-тадбирлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда суд ишини кўрилишини таъминлайди, белгиланган муддатлар бузиб кўрилган фуқаролик ишларининг камайишини таъминлайди.

Суд амалиёти таҳлили ва юридик адабиётларда илгари сурилаётган фикр-мулоҳазалар шуни кўрсатадики, туманлараро судлар томонидан фуқаролик ишларини кўриш муддатларининг бузилишини асосий сабабларидан бири ишларни суд муҳокамасига тайёрлашдаги камчиликлардир. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳар доим ҳам суд муҳокамасининг ушбу босқичида амалга оширилган барча зарур процессуал ҳаракатлар тўлиқ бажарилмасдан, расмий равишда амалга оширилади.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида процесс иштирокчиларини нотўғри хабардор қилиш, ишларни кўришни асоссиз равишда кечиктириш ёки кейинги суд мажлиси санасини кўрсатмасдан туриб, ишнинг муҳим қисмини кўриш санасини белгиламасдан қолдириш ҳолатлари мавжуд. Кўпинча фуқаролик ишларини кўриб чиқишда иш юритишни тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатларнинг тугатилиши устидан назорат йўқ, бу эса ишларнинг судда кўриш муддатининг асоссиз узайтирилишига олиб келади.

Бир қатор судьялар ва суд ходимларининг ишини тўғри ташкил этиш йўлга қўйилмаганлиги сабабли суд мажлисларининг асослантирилган ҳал қилув қарорлари ва баённомаларини тайёрлаш муддатлари бузилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса апелляция ва кассация шикоятларини берилишини кечиктирилишига сабаб бўлмоқда.

Моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда судлар томонидан йўл қўйилаётган хатоликлар, айрим ҳолларда эса процессуал қонун ҳужжатлари талабларини тўғридан-тўғри эътиборсиз қолдириш суд қарорларининг бекор қилинишига ва ишни янгидан суд муҳокамасига юборилишига олиб келади.

Суд ишларини юритиш муддатларига риоя қилмаслик шундоқ ҳам иш юкламаси юқори бўлган судьялар зиммасига қўшимча юклама юклайди, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисидаги суд хабарномаларини олиш муддатини кечиктиради, шунингдек суд ажримларининг ўз вақтида ижро этилмаслигига сабаб бўлади, судьяларнинг қарорлари ва ажримлари, баённомаларнинг манзилга ўз вақтида юборилмаслиги каби оқибатларни юзага келтиради.

Шундай экан, мамлакатимиз судлари томонидан ҳам фуқаролик ишларини қонунда белгиланган муддатларда кўрилишини таъминловчи механизмларни ривожлантириш, қонунда белгиланган муддатларни бузиб кўриш ҳолатларига қарши чора-тадбирлар белгилаш масаласи ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

МАРУФОВ ОЙБЕКЖОН ЎКТАМОВИЧ
Божхона қўмитасининг "BOJXONA_SERVIS" Давлат муассасаси Юридик бюроси бош юристконсулти, Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

ЕРГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА ҚЎЗҒАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК) 182-моддасига кўра, тарафлардан бири фуқаро бўлган ерга оид низоли ишлар суд томонидан даъво ишини юритиш тартибида кўриладиган ишлар қаторига киради.

Ерга оид низоли ишлар ФПКнинг “Даъво ишини юритиш” деб номланган 2-кичик бўлимида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан бирга фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўрилади (ФПКнинг 183-модда).

Юридик адабиётларда ерга оид низоларни судда кўриш тартиби бошқа даъво тартибида кўриладиган ишлардан унчалик фарқ қилмаслиги таъкидланади.[1]

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари эгалари фуқаролик процессининг ҳар қандай босқичида иштирок этиш ҳуқуққа эга бўлиб, уларнинг ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахслар ҳисобланади.

Судда ушбу тоифадаги ишлар мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган тартиб-таомиллар асосида кўриб чиқилади.

ФКПКнинг 188-моддасига кўра, ерга оид низоли ишлар бўйича даъвогарнинг судда ёзма шаклда, шу жумладан почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида ариза бериши судда ишни қўзғатишга асос бўлади. Бироқ судья шахснинг судга мурожаат этиш ҳуқуқи борлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, судга мурожаат этиш қоидаларига риоя қилинганлигини текшириши лозим. Бундай қоидалар қуйидагилардан иборатдир:

- мазкур низони судгача бўлган тартибда ҳал қилиш қоидаларига риоя қилганлигини аниқлаш;
- судга бу ишнинг тегишлилигини аниқлаш;

[1] Фролов С.А. Особенности судебного порядка рассмотрения земельных споров // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2017. № 10-2. С. 44–47.

• вакилнинг мазкур ишда қатнашишга ваколатли эканлиги аниқлаш;

• аризанинг шакли ва мазмунига оид процессуал қонун талабларига риоя қилинганлигини текшириш;

• давлат божининг тўланганлиги аниқлаш.[1]

Судья фақат қонунда назарда тутилган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этишга ҳақли бўлади. Келтирилган талабларнинг исботланмаганлиги, даъво муддатини ўтказиб юборилганлиги ва бошқа, қонунда назарда тутилмаган асослар бўйича аризани қабул қилиш ва фуқаролик ишини қўзғатиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

Даъво аризаси ФПКнинг 189 ва 190-моддалари талабларига риоя қилинмай берилган ҳолларда суд томонидан қайтарилади ва камчиликларни бартараф этиш муддати кўрсатилади (ФПКнинг 195-моддаси). Кўрсатилган муддатда камчиликлар бартараф этилмаса, ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Судья томонидан аризани кўриб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисида қониқарли хулосалар қабул қилинганидан сўнг, фуқаролик иши қўзғатилган ҳисобланади. Фуқаролик ишининг қўзғатилиши оқибатида фуқаролик ишининг ҳаракати бошланади. Суднинг тарафлар ўртасидаги низони кўриш ва бу тўғрида қарор чиқариш бурчи вужудга келади.

Даъво аризасида даъвогарнинг талаблари ва илтимослари кўрсатиб ўтилган бўлади. Тарафлар ўртасида келиб чиққан моддий-ҳуқуқий низони судда кўриб ҳал қилиш мақсадида судга тақдим этилган даъвогарнинг даъво аризаси судда бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ ҳимоясининг процессуал воситаси бўлиш билан бирга судда иш қўзғатишнинг процессуал воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Юридик энциклопедияларда даъво аризасига қуйидагича таъриф берилади: даъво аризаси даъво билдиришнинг ташқи шакли. Даъво аризаси қуйидаги белгиланган реквизитларга эга бўлиши керак: йўлланган суднинг номи, томонлар номи ва манзиллари, даъвонинг фактик асослари ва уларни тасдиқловчи далиллар, даъвонинг мазмуни ва нархи, илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати. Ариза жавобгарларнинг сони бўйича нусхалар билан берилади.[2]

Юридик адабиётларда даъво аризаси давогарнинг даъво талаблари ва фуқаролик ишини қўзғатиш учун асос бўладиган бошқа ҳолатлар баён этиладиган ҳужжат эканлиги ҳақида фикрлар илгари сурилади.[3] Даъво аризасида ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилган манфаатдор шахснинг хоҳиш-истаги баён этилади.[4]

Даъво аризаси субъектив ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилиш учун судга мурожаат қилишнинг қонун билан белгилаб қўйилган шаклидир.

---

[1] Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Тошкент, Ҳарбий техник институти нашриёти. 2020. – 37 б.

[2] Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. -Тошкент: «Шарқ», 2001. — 87 б.

[3] Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н, проф М.К. Треушникова. –М.: Юриспруденция. 2001. -156 с.

[4] Гражданское процессуальное право России: Учебник для вузов. П.В.Алексий, Н.Д. Эрвили, В.Н.Гулузо и др. Под ред. проф П.В.Алексия, проф. Н.Д.Амаглобели. –М.: Юнитидана, 2005. - 166 с.

ФПКнинг 188-моддасига кўра судда ишлар ёзма шаклда, шу жумладан почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида ариза бериш йўли билан қўзғатилиши назарда тутилади.

ФПКнинг 189-моддасида аризанинг мазмуни ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра,

ариза берилаётган суднинг номи;

даъвогарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда реквизитлари, шунингдек, агар ариза вакил томони-дан берилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили;

жавобгарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда реквизитлари;

даъвогарнинг талаби;

агар даъво баҳоланиши керак бўлса, даъвонинг баҳоси;

даъвогар ўз талабига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва даъвогар томонидан баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;

жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, башарти бу қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

аризага илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати баён этилиши лозим.

Ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки вакилнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши керак. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризада ушбу моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) ҳамда манзили кўрсатилиши керак. Аризада даъвогарни ёки унинг вакилининг, шунингдек бошқа тарафнинг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Аризада электрон манзили кўрсатилганлиги аризачининг суд чақирув қоғозларини ва бошқа хабарномаларни, суд ҳал қилув қарорларининг ҳамда ажримларининг кўчирма нусхаларини электрон ҳужжат тарзида олишга бўлган розилигидир.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариш имтиёз тусига эга бўлган процессуал ҳаракат ҳисобланиб, барча суд ишларини юритиш турлари учун татбиқ этилади.[1]

Дарҳақиқат, аризачининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлари қайтарилганида аризани қабул қилишни рад этишнинг айрим асосларидан фарқли равишда аризадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш

[1] Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков.- М.: Волтерс Клувер, 2004. -250 с.

имконияти берилади. Масалан, агар ариза судда кўришга тегишли бўлмаганлиги учун ёки суднинг айнан тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлган тақдирда аризачи томонидан йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш имкони мавжуд бўлмайди ва шу иш бўйича судга иккинчи марта ариза билан мурожаат этишга йўл қўйилмайди.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар қайтарилганда эса суд даъвогарни бу ҳақда хабардор қилиб, аризадаги камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради. Агар даъвогар белгиланган муддатда судьянинг кўрсатмаларига мувофиқ аризадаги мавжуд камчиликларни бартараф этса, ариза судга дастлаб тақдим этилган куни берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариш асослари ФПКнинг 195-моддасида баён этилган бўлиб, унга кўра:

ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

манфаатдор шахс номидан берилган ариза иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса;

ариза ушбу Кодекснинг 189-моддасида белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда берилган бўлса;

битта аризада бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан бир нечта талаб бирлаштирилган бўлса, башарти бу талаблар ўзаро боғлиқ бўлмаса;

иш юритишга қабул қилиш ва ишни қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарилгунига қадар аризачидан аризани қайтариш ҳақида ариза келиб тушган бўлса;

давлат божи белгиланган тартибда ва миқдорда тўланган-лигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган бўлса, давлат божини тўлашни кечиктириш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ёки илтимоснома рад этилган бўлса;

мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза қонунда белгиланган муддатдан олдин ёки қонунда назарда тутилган мол-мулкни (ашёни) аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби бузиб берилган бўлса.

Судья юқоридаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда, аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариш тўғрисида ажрим чиқариб, бундан даъвогарни хабардор қилади ва камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради.

Аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариш учун асос бўладиган ҳолатлар рўйхати тугал ҳисобланади ва уни кенгайтириб шарҳлаш, қонунда кўрсатилмаган асослар бўйича аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаришга йўл қўйилмайди.

Судга даъво тақдим этиш ва судда фуқаролик ишининг қўзғатилиши бир қатор ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради. Адабиётларда эътироф этилишича, фуқаролик ишларининг қўзғатилиши анъанавий равишда қуйидаги икки хил ҳуқуқий оқибатни юзага келтиради:

- процессуал ҳуқуқий;
- моддий ҳуқуқий.[1]

Процессуал ҳуқуқий оқибатлар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, даъво аризаси, ариза ва шикоятларнинг қабул қилиниши билан фуқаролик процесси қўзғатилган ҳисобланади;

иккинчидан, ФПКнинг 199-200-моддаларига мувофиқ, жавобгарда даъвогарнинг талабларига нисбатан қарши даъво тақдим этиш ҳуқуқи вужудга келади;

учинчидан, даъвогар худди шундай талаб ва айнан бир асослар бўйича бошқа судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади;

тўртинчидан, ФПКнинг 163-моддасига биноан, ишда иштирок этувчи шахслар иш юритиш вақтида фамилиясини, исмини, отасининг исмини ўзгартирганлиги, манзили ўзгарганлиги ҳақида

судга хабар қилиши шарт. Бундай хабар мавжуд бўлмаган тақдирда,

суднинг чақирув қоғози ёки бошқа хабарнома судга маълум бўлган охирги манзил бўйича юборилади ва гарчи чақирилувчи бу манзилда ортиқ яшамаса ёки бўлмаса ҳам, у етказиб берилган деб ҳисобланади. Агар ишда иштирок этувчи шахслар телефонлари ва факслари

рақамларини, электрон почта манзилини судга маълум қилган бўлса, иш юритилаётган вақтда уларнинг ўзгарганлиги тўғрисида судни хабардор қилиши керак.

Моддий ҳуқуқий оқибатлар асосан қуйидагилардан иборат бўлади:

биринчидан, даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан, шунингдек мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади;

иккинчидан, ФКнинг 1028-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, мол-мулкни асоссиз олган ёки тежаб қолган шахс бойликнинг асоссиз орттирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб ана шу мол-мулкдан чиқариб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган барча даромадларни жабрланувчига қайтариши ёки тўлаши шарт;

учинчидан, судга даъво тақдим этилган вақтдан эътиборан даъвогарга ўз томонидан амалга оширилган суд харажатларини жавобгардан ундириб олиш ҳуқуқи вужудга келади. Шунингдек, агар талаб қўйилгандан сўнг уларни жавобгар ихтиёрий равишда қаноатлантирганлиги натижасида даъвогар ўз талабларидан воз кечган бўлса, суд даъвогарнинг илтимоси бўйича унинг иш юзасидан қилган ҳамма суд харажатларини жавобгардан ундириб беради. Агар тарафлар келишув битими тузиш чоғида суд харажатларини тақсимлаш

[1] Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси // Масъул муҳаррирлар ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов, ю.ф.н., проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент, Lesson press. 2020. -Б. 330-331.

тартибини назарда тутмаган бўлса, суд бу масалани келишув битимини тасдиқлашда ушбу Кодекснинг 136, 138 ва 141-моддаларига мувофиқ ҳал қилади (ФПКнинг 139-моддаси). Ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан вакилнинг ёрдами учун тўлашга кетган харажатларни оқилона миқдорларда ундириб беради. Агар ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга адвокат белгиланган тартибга мувофиқ бепул ёрдам кўрсатган бўлса, бу сумма бошқа тарафдан адвокатлар бюроси (ҳайъати, фирмаси) фойдасига ундирилади (ФПКнинг 136-моддаси). Шунингдек, суд инсофсизлик билан асоссиз талаб арз қилган ёки даъвога қарши низолашган ёхуд ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда ҳал этилишига мунтазам қаршилик қилиб келган тараф зиммасига амалда йўқотилган вақт учун иккинчи тараф фойдасига ҳақ тўлаш мажбуриятини юклатиши мумкин. Ундириладиган ҳақ суд томонидан оқилона миқдорда белгиланади (ФПКнинг 137-моддаси).

Шу ўринда таъкидлаш керакки, фуқаролик ишларини қўзғатишнинг юқорида назарда тутилган процессуал ҳуқуқий ва моддий ҳуқуқий оқибатлари якунланган ҳисобланмайди, зеро қонунчилик фуқаролик ишларини қўзғатишнинг бошқа оқибатларини ҳам назарда тутиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, судда даъво қўзғатишнинг шартларидан бири – даъво аризалари учун давлат божининг тўланганлигидир.

Давлат божлари ўз навбатида даъвонинг баҳосидан келиб чиқади. Даъвонинг баҳоси эса ФПКнинг 129-моддасига биноан аниқланади. ФПКнинг 130-моддасига кўра, даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилади. Даъвогар кўрсатган баҳо талаб қилинаётган мол-мулкнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ эмаслиги яққол бўлса, даъвонинг баҳосини судья белгилайди. Даъво тақдим этилган вақтда унинг баҳосини белгилаш қийин бўлса, давлат божининг миқдорини судья дастлабки тарзда белгилайди ва кейинчалик ишни ҳал қилиш чоғида суд белгилаган даъво баҳосига мувофиқ, давлат божининг тўланмаган қисми ундирилади ёки ортиқча олинган қисми қайтарилади.

Кўриб турганимиздек, ФПКда “мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати” деган тушунча қўлланилган. Бироқ назарий жиҳатдан ҳам, амалда ҳам савол туғилиши мумкин: ер низоси предмети бўлган мол-мулкнинг “ҳақиқий қиймати” деганда нима тушунилади?

Мамлакатимиз Ер кодексини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унда “ернинг баҳоси” ёки “ернинг қиймати” ҳақтдаги нормалар мавжуд эмас. Қонун ости ҳужжатларида ҳам ушбу тушунчанинг норматив тушунчаси берилмаган. Фақатгина, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сон Қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда норматив қийматни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан амалга оширилиши, норматив

қиймат ишлаб чиқариш ресурси сифатида қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг сифатини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ҳақидагина гап боради. Бироқ ер участкаларининг баҳоси ва ҳақиқий қийматини аниқлаш масаласи очиқ қолган. Бу борада ўрганилган Россия Федерацияси Ер кодексининг "Ернинг баҳоси" деб номланган 66-моддасида белгиланишича, "ер участкасининг бозор қиймати баҳолаш фаолияти тўғрисидаги федерал қонунга мувофиқ белгиланади. Ер участкаларининг кадастр қийматини аниқлаш учун давлат кадастр баҳоси ўтказилади. Россия Федерацияси субъектларининг ижро этувчи ҳокимият органлари шаҳар округи (шаҳар округи, шаҳар округи), федерал аҳамиятга эга шаҳар таркибидаги муници-палитет учун кадастр қийматининг ўртача даражасини тасдиқлайди.

Ер участкасининг бозор қиймати аниқланган ҳолларда, ушбу ер участкасининг кадастр қиймати Россия Федерациясининг давлат кадастрини баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг бозор қийматига тенг равишда белгиланади."[1]

Кўриб турганимиздек, Россия Федерациясининг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ер участкаси нархининг камида учта тури назарда тутилади: бозор (Россия Федерацияси Ер кодексининг 66-моддаси биринчи қисми), кадастр (Ер кодексининг 66-моддаси иккинчи қисми) ҳамда норматив (2001 йил 25 октябрдаги "Россия Федерацияси Ер кодексини амалга киритиш тўғрисида"ги 137-сонли Федерал қонуннинг 13-банди[2], 1991 йил 11 октябрдаги "Ер учун ҳақ тўлаш тўғрисида"ги1738-1-сон Қонун[3]).

Афсуски, на мамлакатимизнинг Ер кодексида ва на Фуқаролик процессуал кодексида ерга оид низолар бўйича ва умуман бошқа мол-мулкларнинг қайси баҳоси "ҳақиқий қиймат" сифатида белгиланиши ўз ифодасини топмаган. Шу ўринда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимиз Ер кодекси "Ернинг баҳоси" деб номланган алоҳда модда билан бойитилиши ва унда ер участкасининг бозор қиймати баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ белгиланиши, ер участкаларининг кадастр қийматини аниқлаш учун давлат кадастр баҳоси ўтказилиши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуудудлардаги кадастр қийматининг ўртача даражасини тасдиқлаши ҳақидаги норма киритилиши таклиф қилинади.

Ер участкасининг бозор қиймати аниқланган ҳолларда, ушбу ер участкасининг кадастр қиймати давлат кадастрини баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг бозор қийматига тенг равишда белгиланиши ҳам ушбу қонун ҳужжатида ўз ифодасини топмоғи лозим.

---

[1] "Земельный кодекс Российской Федерации" от 25.10.2001 N 136-ФЗ (ред. от 14.02.2024) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.04.2024) // https://www.consultant.ru

[2] Собр. законодательства Рос. Федерации. 2001. № 44, ст. 4148.

[3] Ведомости СНД РСФСР и ВС РСФСР. 1991. № 44, ст. 1424.

Ўз навбатида юқоридаги норманинг мамлакатимиз Ер кодексида ўз ифодасини топиши фуқаролик ишлари бўйича судларда ерга оид низоли ишлар бўйича даъво баҳосини аниқлашда ва унинг натижасида даъво аризалари учун ундириладиган давлат юождари миқдорини аниқлашда муҳим ўрин тутади.

Юридик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, юқоридаг каби муаммони ҳал қилиш юзасидан ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг таклиф ва тавсияларини илгари суришади. Масалан, М.А.Ягудинанинг фикрича, давлат божини ҳисоблашда ер участкасининг "ҳақиқий" қийматини аниқлаш учун асос унинг кадастр қиймати бўлиши керак. Агар кадасрт қиймати мавжуд бўлмаса, у ҳолда ернинг стандарт нархи асос бўлиб ҳисобланади.[1] Бундай ҳолда, даъвони иш юритишга қабул қилганда, суд низо предмети бўлган ер участкасининг ҳақиқий қийматини аниқлаши шарт. Суд амалиёти шуни кўрсатадики, ушбу шартга риоя қилмаслик суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

ДАВЛЕТОВА КАРОМАТЖОН ХУДАЙБЕРГАНОВНА
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА АХБОРОТ-ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Иқтисодий судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўтказилади. Давлат сирини, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ суд мажлисида эшитишга йўл қўйилади (Иқтисодий процессуал кодексининг 11-моддаси).[2]

Мазкур процессуал қонунчилик судлар фаолиятида ошкораликни таъминлашга хизмат қилиш баробарида судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни тақозо этади. Бунинг пировард натижаси эса суд жараёнларида иштирок этаётган барча шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга мос келади. Зеро, мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсадларидан бири ҳар бир шахсга ўз хуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун кенг шароитлар яратиш ҳамда шунга мутаносиб равишда судларнинг иш юритиш тартибини имкон даражасида замонавий ахборот технологиялари билан таъминлашдан иборатдир.

---

[1] Ягудина М.А. Некоторые проблемы подсудности споров, возникающих из земельных правоотношений // Актуальные проблемы российского права. 2007. № 1. – 374 с.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // https://lex.uz/acts/3523891

Иқтисодий суд ишларини юритиш соҳасида одил судловнинг самарали ва тезкорлигини, очиқлигини таъминлашнинг самарали воситаларидан бири иш кўришда замонавий ахборот технологияларини жорий этишга қаратилган янги шаклларни жорий этиш ёки амалдагисини такомиллаш-тиришдан иборатдир.

Маълумки, буйруқ тартибида иш юритиш иқтисодий суд ишларини ихчамлаштириш ва соддалаштиришнинг муҳим шакли сифатида эътироф этилади. Юридик адабиётларда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг соддалаштирилган ва ихчамлашти-рилган шакли сифатида судга оид ишларни суд буйруғи чиқариш йўли билан ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги баён этилган.[1]

Ҳозирги кунда буйруқ тартибида иш юритишни замон талабларига мувофиқ такомиллаштиришнинг самарали йўналишларидан бири - уни автоматлаштириш, бошқача қилиб айтганда суд буйруғини чиқариш билан боғлиқ жараённи тўлалигича электрон суд тартиб-таомилларига ўтказиш ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, қатор Европа давлатлари, масалан, Австрия, Венгрия, Германияда автоматлаштирилган буйруқ тартибида иш юритиш тўлалигича амалиётга жорий этилган бўлиб, ўз навбатида Европа комиссияси ушбу давлатлар тажрибасини Европа Иттифоқининг бошқа давлатлари миллий ҳуқуқ тизимига жорий этишни тавсия этган.

Дарҳақиқат, ахборот тизими ёрдамида электрон воситалар орқали судга бу хилдаги аризалар билан мурожаат қилиш имкониятининг берилиши суд орқали ҳимоя учун қулайликлар яратади, охир-оқибат одил судловнинг самарадорлигини оширишга, унинг тезкорлиги ва қулайлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Иқтисодий процессуал кодекси (ИПК)нинг 3-моддаси бешинчи қисмига кўра, мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин. Бу эса, эндиликда суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза ахборот тизими орқали электрон шаклда берилиши мумкинлигини билдиради.

Бироқ мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК) билан ИПКдаги суд буйруғи билан боғлиқ нормаларини ўзаро таққослаганда мамлакатимиз ИПКда мазкур институтни такомиллаштиришга зарурат сезадиган нормалар мавжудлигини кўришг мумкин. Масалан, ФПКнинг “Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни” деб номланган 172-моддасининг иккинчи қисмида суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза

[1] **Қаранг:** Шорахметов Ш.Ш. Суд буйруғи институти самарали иш юритиш туридир // Huquq va burch, 2006. № 3. – 13 б.; Қўчқаров Ҳ.А. Фуқаролик процессида соддалаштирилган тартибда суд ишларини юритиш муаммолари // “Суд–ҳуқуқ ислоҳотларини янада такомил-лаштириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш-нинг долзарб муаммолари” (профессор Ш.Ш.Шорахметов номини хотирлаб) мавзусидаги Республика илмий–амалий конференция материаллари. –Тошкент.: ТДЮИ. 2009. –208 б.; Мамасиддиқов М.М. Соддалаштирилган тартибда иш юритиш: судларда ишларни кўриш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда // “Куч адолатда” Ўзбекистон Республикаси Олий судининг газетаси, 2011 йил 17 ноябрь, 45-сони, (351).

ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида берилиши назарда тутилган. Бироқ бу каби норма мамлакатимиз ИПКнинг “Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни” деб номланган 136-моддасида мавжуд эмас.

Шунингдек, суд буйруғини бекор қилиш асослари ва тартибини белгиловчи ФПКнинг 181-моддаси биринчи қисмида суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси ажрим берилганидан кейин уч кундан кечиктирмай ундирувчига ва қарздорга имзо қўйдириб топширилиши ёки уларга почта орқали ёхуд электрон ҳужжат тарзида юборилиши белгиланган. Бироқ ИПКнинг суд буйруғини бекор қилиш тартиби назарда тутилган 147-моддасида нафақат суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхасини ундирувчига ва қарздорга электрон ҳужжат тарзида юборилиши белгиланмаган, шу билан бирга суднинг бу тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси ажрим берилганидан кейин қанча муддатда ва қай тартибда ундирувчига ва қарздорга топширилиши каби нормалар ҳам белгиланмаган.

Шу ўринда ИПКнинг 3-моддаси бешинчи қисмида мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкинлигининг белгиланиши иқтисодий процессда суд буйруғини тўлалигича автоматлаштирилганидан далолат бермайди. Суд буйруғини тўлиқ электрон суд тартиб-таомилларига ўтказиш учун ИПКни янада такомиллаштириш талаб этилади. Хусусан, ИПКнинг 136-моддасида суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида берилиши назарда тутилиши керак. Шунингдек, ИПКнинг 147-моддасига ўзгартиш ва кўшимчалар киритилиб, унда суд буйруғи судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборилиши мумкинлиги назарда тутилиши лозим. Зеро, қонун ҳужжатларида суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризанинг ахборот тизими орқали электрон шаклда берилишининг белгиланиши ўз навбатида суд буйруқларини манфаатдор шахсларга судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборилишини ҳам назарда тутиш керак.

Шу ўринда муқаддам амалда бўлган мамлакатимиз Хўжалик процессуал кодексида суд буйруқлари судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборилиши назарда тутилган эди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистан Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-396-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига қўшимчалар ва ўзгартиш киритилиши белгиланган бўлиб, 2016 йил I июлдан эътиборан амалга киритилган ушбу нормага мувофиқ мазкур Кодекснинг 110-моддасида суд буйруғи ҳамда ижро варақаси судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали

юборилиши мумкинлиги назарда тутилган эди.[1] Ҳозирда ушбу норма 2018 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикасининг ИПК қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган.

МДҲга аъзо давлатлар қонунчилик тажрибасида ҳам суд буйруқлари судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборилиши белгиланган. Масалан, Россия Федерацияси АПКнинг суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмунига бағишланган 229.3.-моддаси биринчи қисмига кўра, суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида берилиши назарда тутилган.[2]

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Россия Федерацияси АПКга 2023 йил 25 декабрда киритилган қўшимча ва ўзгаришлар натижасида суд суйруғини чиқариш жараёнида ахборот технологияларни тўлиқ татбиқ этиш белгиланди. Хусусан, 2023 йил 25 декабрда киритилган қўшимча ва ўзгаришлар билан РФ АПКнинг 229.3.-моддаси учинчи қисмига киритилган янгиликка кўра, эндиликда суд буйруғи кучайтирилган малакали электрон имзо билан имзоланган электрон ҳужжат шаклида ва қоғозда икки нусхада, ушбу модданинг саккизинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса уч нусхада расмийлаштирилади. Суд буйруғининг қоғозда тайёрланган нусхалари махсус бланкада тузилади ва судья томонидан имзоланади.[3]

Шунингдек, суд буйруғи асосида қарздордан тегишли бюджетга давлат божи ундириш учун суднинг гербли мухри билан тасдиқланган ижро варақаси ижро этиш учун суд ижрочиси-приставга суд томонидан Россия Федерацияси қонунчилигида белгиланган тартибда судьянинг кучайтирилган малакали электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат шаклида юборилиши мумкин. Электрон ҳужжат шаклида ижро этиш учун юборилган суд буйруғи ҳажмига нисбатан талаблар Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Буйруқ тартибида иш юритишни тўлиқ автоматлаштириш манфаатдор шахсларнинг суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан ахборот тизими орқали электрон шаклда мурожаат қилиш механизмларининг йўлга қўйилишига ҳам боғликдир. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 172-моддаси иккинчи қисмида суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза ахборот тизими орқали электрон шаклда берилиши назарда тутилган. Мазкур моддада электрон шаклда берилаётган ариза ундирувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланиши баён этилади. Бироқ уларнинг имзолари электрон рақамли имзо

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги 478-I-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги ЎРҚ-463-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонуни билан ўз кучини йўқотганлиги сабабли мазкур Кодекс ҳам 2018 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган// https://lex.uz/acts/185986

[2] "Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации" от 24.07.2002 N 95-ФЗ (ред. от 06.04.2024) // https://www.consultant.ru

[3] Федеральный закон от 25.12.2023 № 667-ФЗ "О внесении изменений в Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации" // http://publication.pravo.gov.ru/document/0001202312250069

билан тасдиқланиши тўғрисида ҳеч қандай норма белгиланмаган. Ушбу шаклдаги аризаларга илова қилинаётган ҳужжатлар ҳам ўз-ўзидан электрон кўринишда бўлишини инобатга оладиган бўлсак, ФПКда ҳам бу тўғрида махсус норма назарда тутилиши лозим бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият хорижий давлатлар конунчилик тажрибасида судга электрон шаклда тақдим этилаётган суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризалар ундирувчи ёки унинг вакили электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши белгилаб қўйилган.

Буйруқ тартибида иш юритишни автоматлаштириш ҳақида сўз борар экан, яна қуйидаги масалага ҳам эътибор бериш талаб этилади. Маълумки, ИПКнинг 137-моддасига кўра, кредитор суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга шу аризанинг нусхасини топшириши шарт.

Ҳозирда ҳам амалда бўлган Ўзбекистан Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “‘Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида (қарор номи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 17-сонли қарори таҳририда)”ги 2013 йил 5 декабрдаги 254-сон Қарорининг 9-бандида тушунтириш берилишича, ИПКнинг 137-моддасига мувофиқ аризачи (кредитор) суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга аризанинг кўчирма нусхасини топшириши шарт. Қарздор — юридик шахсга суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси топширилганлигининг далили бўлиб, унинг раҳбари ёки ходимининг муҳр (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) ёки штамп билан тасдиқланган имзоси, қарздор — фуқарога эса унинг шахсий имзоси ҳисобланади. Ушбу тартибга риоя қилинмаган тақдирда, суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза ИПК 141-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан аризачи (кредитор)га қайтарилади.

ИПКда назарда тутилган мазкур норманинг аҳамиятли жиҳати шундаки, қарздор кредиторнинг талабларига қарши эътирозини суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси унга топширилган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда судга тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этиш ҳуқуқидан (ИПКнинг 142-моддаси) фойдаланиши учун имкон яратилади.

Шу ўринда ИПКнинг 142-моддасида қарздор кредиторнинг талабларига қарши эътирозини судга электрон шаклда тақдим этилишини ҳам белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, мазкур таклифлар судларга келиб тушаётган суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризаларнинг сони камайишига, суд буйруғи чиқарилгунига қадар қарздор ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилиб, охир-оқибат суд буйруқларининг бекор қилиниши каби ҳолатларнинг олдини олади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, буйруқ тартибида иш юритишни тўлалигича ахборот тизими ёрдамида электрон воситалар орқали ҳал этиш имкониятининг яратилиши суд орқали ҳимоянинг самарасини оширишга, судьялар иш ҳажмининг камайишига хизмат қилади.

АХМЕДОВ ДИЛШОД БАХРОМОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчи

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ПРИНЦИПЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони[1] суд-ҳуқуқ соҳасида маъмурий судларни ташкил этилишига замин яратди.

Бу жараёнларда маъмурий судларнинг ташкил этилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (МСИЮтК)[2]нинг қабул қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш соҳасида яна бир муҳим қадам бўлди.

Маъмурий суд қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган принциплар асосида фаолият олиб борувчи мустақил суд тармоғи сифатида шакллантирилди. Маъмурий суд ишларини юритиш принциплари суд тўғрисидаги қонунларда ва МСИЮтКда назарда тутилган қоидаларда ифодаланган бўлиб, бу борада олимлар турли хил фикрлар билдиришган.

Жумладан, рус олими А.П.Рыжаков маъмурий суд ишларини юритиш принциплари тушунчасига тўхталиб, бу асосий ҳуқуқий қоидалар бўлиб, маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун ташкилотларнинг характерини ва умумий юрисдикция судларининг фаолиятини ифодалайди, деб кўрсатади[3].

Н.Ю.Хаманева маъмурий суд ишларини юритиш принциплари деганда – маъмурий процессуал ҳуқуқий низоларнинг моҳиятини ва ҳуқуқий хусусиятларини акс эттирувчи қоидалар эканлигини таъкидлайди[4].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

[2]ҚҲММБ, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон; 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон

[3]Рыжаков А.П. Постатейный комментарий к Кодексу административного судопроизводства Российской Федерации (подготовлен для системы “КонсультантПлюс”, 2015)

[4]Хаманева Н.Ю. Институт административной юстиции как административная форма правосудия // Административное судопроизводство в Российской Федерации: развитие теории и формирование административно-процессуального законодательства. Сер.: Юбилеи, конференции, форумы. – Воронеж, 2013. Вып.7. С. 485.

Немис олими М.Кауфманнинг фикрича, маъмурий суд ишларини юритиш принциплари – маъмурий ва ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш учун процессуал қонунчиликка асос бўлган қоидалар ҳисобланади[1].

Ҳуқуқ ўхшашлиги бўйича ёндошганимизда, фуқаролик жараёни принциплари бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, юридик адабиётларда фуқаролик жараёни принциплари сифатида фуқаролик процессуал ҳуқуқининг асосий, раҳбарий қоидалари тушунилади. Бу принциплар фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш борасидаги вазифалари ҳамда фаолияти тўғрисидаги принциплар сифатида номоён бўлади[2].

Ҳуқуқшунос олим М.М.Мамасиддиқовнинг фикрига кўра, фуқаролик процессуал ҳуқуқи принциплари – қонун нормаларида мустаҳкамланган процессуал институтларнинг барча тизимлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, фуқаролик ишларининг ўз вақтида, тўғри ва тез кўриб чиқилишида одил судловни амалга оширишни таъминлайдиган асосий раҳбарий қоидалардир. Улар барча фуқаролик процесси институтларини ўз ичига олиб, қонуний, асосли ҳамда адолатли ҳал қилув қарорини чиқарилишини ва уларнинг ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади[3].

Ҳуқуқшунос олим Э.Т.Хожиевнинг фикрига кўра эса, маъмурий ҳуқуқнинг принциплари – маъмурий ҳуқуқ тизими ташқи ифодасини, ташқи мазмунини аниқлаш имконини берадиган категориядир[4].

Рус олими А.П.Рыжаковнинг маъмурий суд ишларини юритиш принциплари фақатгина маъмурий судларнинг фаолиятини тартибга солади, деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки, принциплар нафақат фаолиятни, балки бошқа ушбу жараён институтларининг ҳам асосларини белгилаб беради.

Баъзи рус адабиётларида, маъмурий суд ишларини юритиш принциплари - бу процессуал қонунчиликннинг нормаларида кўзда тутилган суд ҳокимияти қоидалари бўлиб, маъмурий ва жамаотчилик муносабатларида одил судловни амалга ошириш бўйича ўзига хос хусусиятларни акс эттиради[5].

Бизнинг фикримизча, маъмурий суд ишларини юритиш принциплари – маъмурий низоларни ўз вақтида қонуний, асосли ва адолатли кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун асос бўлган маъмурий процессуал қонунчиликда кўрсатилган қоидалардир.

---

[1] Kaufmann M. Untersuchungsgrundsatz und Verwaltungsgerichtsbarkeit. Mohr Siebeck, 2012. S. 19.

[2] Холмўминов Ж.Т. Фуқаролик процесси: Маърузалар курси (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри) / Ж.Т.Холмўминов, А.Х.Дусманов, Т.Н.Тиллаев, О.А.Камолов, О.Ж.Холмўминов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013, Б.24; Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Дарслик). –Т.: “Адолат”, 2001, Б.18

[3] Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисми. / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. – 2010, Б. 54

[4] Хожиев Э.Т., Хакимов Ғ.Т. Маъмурий ҳуқуқ / ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ нашрёти, 2011, Б. 26

[5] Ярков В.В. и другие ав. Административное судопроизводство / учебник. – М.: УГЮУ, 2016, с. 9

Айрим юридик адабиётларда принципларни қонунчиликдаги аҳамияти ва ҳуқуқий фаолият тури билан боғлашиб, асосий ва ихтисослаштирилган шакллардаги принципларга ажратишган[1].

Ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шораҳметов фуқаролик процессуал принциплари тизимига тўхталиб, унинг Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунида ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи меъёрларида ифодаланганлиги, амалда бўлиши, татбиқ этилиши юзасидан бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда икки гуруҳга бўлинишини кўрсатади:

биринчидан, суд тузилиши ҳамда суд ишларини юритишга оид умумий принциплар;

иккинчидан, фақат суд ишларини юритишга хос принциплар[2].

Т.В.Пешкова ҳам маъмурий суд ишларини юритиш принципларини икки турга бўлади:

биринчидан, маъмурий ва фуқаролик суд ишларини юритишга оид умумий принциплар;

иккинчидан маъмурий суд ишларини юритишга хос принциплар[3].

Бизнинг фикримизча, юқоридаги муаллифларнинг ёндошуви асосли бўлиб, маъмурий суд ишларини юритиш принциплари тизими амалдаги қонунчилик талабларига мос бўлиб, ушбу принципларни судларда иш юритишнинг шаклларига қараб икки гуруҳга:

биринчидан, умумий суд ишларини юритиш принципларига;

иккинчидан, махсус суд ишларини юритиш принципларига ажратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосланиб, биринчи гуруҳ принципларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши;
- қонун ва суд олдида тенглик;
- судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши;
- маъмурий суд ишларида юритиладиган тил;
- суд муҳокамасининг ошкоралиги.

Иккинчи гуруҳ принципларига эса:

- тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги;
- суд муҳокамасининг бевоситалиги;
- маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш;
- суд ҳужжатларининг мажбурийлигини киритиш мумкин.

---

[1] Теория государства и права / под. редакци Р.А.Рамашова. СПб., 2005

[2] Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Дарслик). –Т.: “Адолат”, 2001, Б.18-19

[3] Пешкова Т.В. Административное судопроизводство в судах общей юрисдикции в Российской Федерации / Диссертация. 2014. С.72

Бу борада хориж тажрибасига назар ташласак, Германия Федератив Республикасининг маъмурий қонунчилигига кўра, маъмурий судловнинг элементи сифатида принципларнинг иккита асосий мақсади белгиланган:

биринчидан, самарали суд ҳимоясини ташкил этиш ва жамоанинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

иккинчидан давлат органлари фаолияти устидан суд назоратини амалга ошириш[1].

Мазкур мақсадларга мувофиқ Германияда маъмурий иш юритиш муайян принципларга асосланади. Жумладан, судьяларнинг ҳаракатлари, биринчи навбатда, маъмурий процессуал ишларнинг принципларига асосланади. Германиянинг маъмурий қонунчилигида, диспозитив, иш ҳолатини тадқиқ қилиш, суд хизмат фаолияти доирасида ва эътиборини жалб қилган ҳолда иш юритиш, тинглаш, оғзакилик, бевоситалик ва ишни ошкора кўриб чиқиш каби принциплар белгиланган[2].

Озарбойжон Республикасининг маъмурий процессуал кодексида суд маъмурий ишларни юритиш принципларига асосланиши кўрсатилиб, унда суднинг мустақиллиги, қонун ва суд олдида тенглик, иш ҳолатини ўрганиш, суднинг ёрдам кўрсатиш мажбурияти, исботлаш мажбурияти, иш юритишда қарама-қаршилик ва диспозитивлик, судда ишни оғзаки кўриш, суд маҳокамасининг ошкоралиги каби принциплар кўрсатиб ўтилган[3].

Россия Федерациясининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 6-моддасида маъмурий суд ишларини юритиш принциплари келтирилган бўлиб, унда судларнинг мустақиллиги, қонун ва суд олдида тенглик, маъмурий ишларни қонуний ва адолатли кўриш ва ҳал этиш, маъмурий ишларни белгиланган муддатда кўриш ва маъмурий ишларни кўрсатилган муддатда ижро қилиш, суд муҳокамасининг ошкоралиги ва очиқлиги, суд муҳокамасининг бевоситалиги, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принциплари[4] асосида одил судлов амалга оширилиши белгиланган.

Юқорида таҳлил қилинган хорижий давлатларнинг маъмурий суд ишларини юритиш принциплари давлатимизнинг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда кўрсатилган принциплар билан мазмун-моҳияти уйғундир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш

[1] Kaufmann M. Untersuchungsgrundsatz und Verwaltungsgerichtsbarkeit. Mohr Siebeck, 2012. S. 400.
[2] Verwaltungsgerichtsordnung (VwGO). BGBl 1, S. 17.
[3] Административно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. 2010
[4] Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации. от 8 марта 2015 г. N 21-ФЗ. С. 6

тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилиши белгиланган.

Ушбу қонуннинг 5-моддасида қонунийлик, мутаносиблик, ишончлилик, тингланиш имкониятининг мавжудлиги, маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги, манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги, бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги, мазмунан қамраб олиш, маъмурий иш юритишнинг "бир дарча" орқали амалга оширилиши, тенг ҳуқуқлилик, ишончнинг ҳимоя қилиниши, маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги, текшириш каби принциплари мустаҳкамланган[1].

Маъмурий судлар томонидан оммавий ҳуқуқий муносабатларга доир низоларни кўришда МСИЮтКда белгиланган принципларга қатъий риоя қилишлари лозим. Акс ҳолда принцип талабларига риоя қилмаслик, бошқа моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилишига олиб келади. Масалан, Когон шаҳар ҳокимининг 12.16.2015 йилдаги 630-сонли қарори билан сув қувурлари жойлашган захирадаги ер майдонини ким ошди савдоси орқали жами 4000 $м^2$ ни ташкил қилган 10 та якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилиб, "Ким-ошди" савдолари орқали сотилган ва фуқаролар томонидан сотиб олинган. Когон шаҳар ҳокимининг 630-сонли қарори қонунга зид бўлганлиги сабабли, прокурор протести асосида ҳокимнинг 15.09.2017 йилги 563-сонли қарори билан 630-сонли қарор бекор қилинган. Фуқаролар ҳокимнинг 15.09.2017 йилги 563-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида маъмурий судга мурожаат қилган. Суднинг қарори билан ариза қаноатлантирилган ва апелляция инстанциясида ўз кучида қолдирилган. Ушбу суд қарорлари ноқонуний бўлганлиги учун протест асосида бекор қилинган.

Мазкур ҳолатда мансабдор шахс юқоридаги қонун талаби бўйича иш ҳолатларини ҳар томонлама ўрганмасдан, текшириш принципига амал қилмаганлиги ҳамда суд томонидан ҳам кодекс принципларига тўлиқ риоя қилинмаганлиги натижасида суд қарори бекор қилинган.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, маъмурий суд ишларини юритишда принципларга қатъий риоя қилишни талаб этади. Бу орқали эса ишни тўғри ва адолатли ҳал этган ҳолда, фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

[1] Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонуни / 08.01.2018 й, www.lex.uz

КАРИМОВ ВАҲОБЖОН
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, юридик фанлари доктори, профессор

ИСМОИЛОВ ОЛИМЖОН ЮСУПЖОН ЎҒЛИ
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи, ю.ф.ф.д.(PhD)

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақола бугунги кунда экологик жиноятларга қарши курашнинг асосий муаммоларидан бири бўлган латент экологик жиноятларни аниқлаш усулларига бағишланган. Шунингдек, жабрланувчи шахсларнинг йўқлиги ва бу соҳада терговни олиб боришда малакали мутахассисларни етишмаслиги экология соҳасидаги жиноятларни латентлик даражаси юқори бўлишига сабаб бўлиши таҳлиллар ёрдамида асослаб берилган.

Калит сўзлар: экологик жиноятлар, экологик жиноятларни тергов қилиш, экологик латент жиноятлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик.

Аннотация: Статья посвящена методам выявления латентных экологических преступлений, что сегодня является одной из основных проблем борьбы с экологическими преступлениями. Также отсутствие потерпевших и нехватка квалифицированных специалистов для проведения расследований в этой сфере являются причинами высокого латентного уровня преступлений в сфере экологии.

Ключевые слова: экологические преступления, расследование экологических преступлений, латентные экологические преступления, охрана окружающей среды, экологическая безопасность.

Abstract: The article is devoted to methods for identifying latent environmental crimes, which today is one of the main problems in the fight against environmental crimes. Also, the lack of victims and the lack of qualified specialists to conduct investigations in this area are the reasons for the high latent level of crimes in the field of ecology.

Key words: environmental crimes, investigation of environmental crimes, latent environmental crimes, environmental protection, environmental safety.

Ушбу мавзунинг долзарблиги шундаки, ҳозирги вақтда табиий муҳитга зарар етказадиган ва экологик вазиятни беқарорлаштирадиган жиноятлар тобора хавфли бўлиб бормоқда. Бундай жиноятларнинг юқори латентлигини ҳисобга олмаганда ҳам, сўнгги йилларда мамлакатимизда уларнинг сони муттасил ошиб бориши қайд этилмоқда. Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги тараққиёт Стратегиясида “Аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш (79-мақсад) ҳамда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар

ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш (80-мақсад)”[1] каби муҳим мақсадлар белгиланган.

Бироқ, таҳлилларга кўра 2022 йилда экологик ҳуқуқбузарликлар юзасидан мамлакатимизда 27 та ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилган бўлиб, уларнинг барчаси бўйича енгил молиявий жарима жазоси қўлланилган холос[2]. Бу ҳолат, табиатга антропоген таъсири жуда катта миқдорларга эга бўлиб, инсоният жамиятининг мавжудлигининг табиий асослари бузилиш даражасида турган бир вақтда бу амалиётни мутлақо оқлаб бўлмайди. Айнан ҳозирги пайтда ер юзасида атроф-муҳитнинг улкан ижтимоий қийматини тушуниш жараёни пайдо бўлди. Жамият инсониятнинг қулай муҳитга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш соҳасида ривожланаётган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурлигини англаб етмоқда[3].

Илк маротаба, “экологик жиноятчилик” атамаси 1980 йилда муомалага киритилган. Кўпгина олимлар таъкидлаганидек, экологик жиноятчилик атроф-муҳитнинг мутлақ ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган салбий ижтимоий хатти-ҳаракатлардир. Шунинг учун МДҲ давлатларида экологик муаммоларга катта эътибор қаратилмоқда. Буни миллий экологик хавфсизликнинг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилганлиги тасдиқлайди[4].

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида юзага келадиган ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро шартномалар, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ва бошқа экология соҳасидаги қонунлар, Президентимизнинг Қарор, Фармон ва фармойишлари ҳамда ҳукумат ва ижро этувчи органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ушбу турдаги жиноятларнинг юзага келиш сабаблари ишлаб чиқариш муҳитини баҳолай олмаслик, экологик қонунчилик талабларига нисбатан нигилизм туфайли одамларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин[5]. Аммо кўпинча сабаб шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсизлигини таъминлашга сармоя киритишни хоҳламайдилар. Натижада, вужудга келган ёки мумкин бўлган оқибатлар жуда бошқача бўлиши мумкин, аммо улар ҳар доим аҳоли саломатлигига зарар етказиш ёки атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ. Экологик жиноятларнинг айрим элементлари

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони (электрон манбаа: http://lex.uz/uz/docs/5841063)

[2] Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони (ПФ–81-сон, 31.05.2023 й.)

[3] Экологическое право. Учеб. пособие / Ю.И. Исакова, М.В. Пчельников. – Ростов н/Д: Издательский центр ДГТУ, 2015. – 152 с.

[4] Бриллиантов А. В. Уголовное право России. Части общая и особенная. – М.: Проспект, 2015. – 1184 с.

[5] Марчук В. Ответственность за преступления против экологической безопасности и природной среды в новом Уголовном кодексе // Юстиция. – 2016. – № 2. – С. 36.

соф экологик характерга эга бўлган оқибатларга олиб келишига эътибор қаратиш лозим. Бунга атмосфера ҳавосининг ифлосланиши жиноят таркиби мисол бўлади, оқибатда атмосфера ҳавоси сифатининг ўзгариши юз беради, аниқроғи, ҳавога ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган максимал миқдори чиқарилади[1].

Мамлакатимизда юритиладиган жиноят статистикаси ва ўтказилган сўровномалар таҳлили бу соҳада латент жиноятлар миқдори жуда юқори эканлигини кўрсатади. Статистик маълумотларга қаралса, мамлакатимизда охирги беш йилда атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик(194-модда), ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш (199-модда), ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш (202-1 модда) йўналишларида сўнгги 5 йилда бironта ҳам жиноят ишлари **содир этилмаган ёки рўйхатга олинмаган**[2]**.** Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (195-модда), ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш (200-модда), зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш (201-модда), Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш (203-модда) бўйича беш йил давомида бир ёки икки жиноят содир этилганлиги қайд этилган. Экология соҳасидаги жиноятлар сўнгги йиллардагина кўпроқ рўйхатга олина бошлангани ёки бу жиноятлар сони йилдан йилга муттасил ўсиб бораётганлигини кузатилади. Агар экология соҳасида 2019 йилда мамлакат бўйича 26 та жиноят **содир этилган ва рўйхатга олинган** бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 213 тага етган ёки бу даврдаги ушбу турдаги жиноятларнинг ўсиши 8 баробардан юқори бўлган. Бу ерда албатта, жиноятларни шунча миқдорда кўп содир этилди деган хулосадан кўра, уларни рўйхатга олиниши жараёнида хатоликлар юз берганлигини айтиш ўринли бўлади. Таҳлил этилаётган йилларда жами экология соҳасидаги 14 та жиноят туридан 10 тасида бironта латент жиноят қайд этилмаганлиги ҳам рўйхатга олишдаги муаммолар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Афсуски, мамлакатимизда рўйхатга олинган жиноятлар таркибида соф экологик жиноятлар миқдори жуда озлиги, асосий рўйхатга олинган жиноятлар иқтисодий мазмунда эканлиги кузатилади. Мисол учун, мамлакатимизда энг кўп экологик жиноятлар содир этилгани қайд этилган 2023 йилда, жами жиноятларнинг 19.2 фоизи ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик (197-модда), 28 фоизини ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузганлик (202-модда), 40 фоизини экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш (198-

[1] Масевич М. Г. Споры о возмещении вреда, причиненного природным ресурсам / Комментарий арбитражной практики. Вып. 14. М., 2015. С. 134.

[2] Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Ахборот маркази маълумотлари 2018-2023 йиллар жиноятчилик таҳлили.

модда) бўйича рўйхатга олинган. Соф экологик характерда бўлган экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (193-модда), атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194-модда) атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (195-модда), сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш (203-модда), ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш (199-модда) Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш (202-1 модда) йўналишлари бўйича сўнгги 5 йилда бironта ҳам жиноят ишлари қўзғатилмаган. Бу ҳолат мазкур йўналишда латент жиноятлар мавжудлигини кўрсатади[1].

Экологик жиноятлар кенг тарқалган ва ижтимоий хатарли бўлса-да, қонунчиликда экологик хавфсизликка қарши фақат учта оғир жиноят назарда тутилади. Булар экологик хавфли моддалар ва чиқиндилар билан ишлаш қоидаларига қарши жиноятлар (201-модда), Экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш (198-модда), Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик (197[1]-модда).

Бундан ташқари, жиноий ва экологик қонунчиликнинг суд амалиётини таҳлил қилиш санкциянинг максимал ҳажми камдан-кам ҳолларда қўлланилишини кўрсатади. Бунинг ўрнига, жазонинг максимал муддатнинг тахминан тўртдан бирида қўлланилиши одатий ҳолдир ва дастлабки баҳолаш билан экологик ҳуқуқбузарликларнинг тахминан 70 фоизига маъмурий санкциялар қўлланилади, дейиш мумкин. Бу нафақат Ўзбекистон, балки бошқа кўплаб МДҲ мамлакатлари учун ҳам хосдир[2].

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, ўрмонларнинг ноқонуний кесилиши соҳасидаги жиноий ишлар билан шуғулланган терговчилар ва прокурорларнинг сўровномасида кўрсатилишича, энг катта муаммо-бу ўрмон хўжалигида космик мониторинг натижалари бўйича аниқланган жиноятлар тўғрисида материалларни кечиктирилишидир.

Шунингдек, ушбу жиноятларни тергов қилиш методологияси, паст аниқланиш даражаси ва бу ҳақда махсус билимларнинг етишмаслиги бу жиноятлар латентлик даражасини ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Яна бир қийинчилик, тезкор-тергов ҳаракатларини амалга ошириш ва жиноятлар содир этилганлигини аниқлаш учун мўлжалланган махсус жиҳозларнинг етишмаслиги. Масалан, ўрмонларни йўқ қилиш билан боғлиқ жиноятни очиш учун жиноят тўғрисидаги ҳисоботни текшириш босқичида воқеа жойини сифатли ва ўз вақтида текшириш керак. Кўпинча ёнғин манбасини ўрнатиш имконсизлиги, жиноят процессига тегишли

[1] Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Ахборот маркази маълумотлари 2018-2023 йиллар жиноятчилик таҳлили

[2] Джунусова Д.Н. Экологическая преступность и ответственность за экологические преступления. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://monographies.ru/ru/book/view?id=176

нарсаларнинг йўқлиги сабабли жиноят ишини қўзғатишни рад этишга олиб келади[1].

Таҳлиллар натижасида, экология соҳасидаги латент жиноятларни аниқлаш усулларини такомиллаштириш заруратини кўрсатиб берадиган қуйидаги сабабларни келтириш мумкин:

Биринчидан, экологик жиноятларга иккинчи даражали, кам аҳамиятли иш сифатида қаралиб, етарли эътибор берилмаслигидир. Аслида ушбу соҳадаги жиноятлар натижасида етказилган зарар тузатиб бўлмайдиган салбий оқибатларга олиб келиб, нафақат минтақавий балки миллий ва глобал хавфсизликка реал таҳдид солади;

Иккинчидан, суриштирувчи ва терговчиларнинг экологик соҳадаги жиноятларни очиш механизмини билиш даражаси пастлиги, экологик мониторинг, аэрокосмик назорат, ГАТ технологиясидан фойдаланиш, масофадан зондлаш каби инновацион усулларни қўллаш малакалари етарли эмаслиги шунингдек, махсус моддий-техник жиҳозларнинг етишмаслиги;

Учинчидан, ушбу жиноятларда ҳақиқий жабрланувчиларнинг йўқлиги. Бундай жиноятлар натижасида етказилган зарар шахсга эмас, балки жамиятга етказилади. Бундан ташқари, айбланувчилар кўпинча жисмоний шахслар эмас, балки юридик шахслар бўлиб, бу жиноятчиларни жиноий жавобгарликка тортишни қийинлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, экологик жиноятларни олдини олиш ва уларга қарши самарали кураш олиб боришда, янги ташкил этилган экологик жиноятларни тергов қилишга ихтисослашган органлар тизимини кенгайтириш, терговчиларни махсус билимлар базаси билан таништириб, ривожланган хорижий мамлакатларда малака оширишларини йўлга қўйиш зарур. Шу билан бир қаторда, бу соҳани назорат қилувчи органларни моддий техник базани мустаҳкамлаш, махсус назорат воситалари билан таъминлаш ва предметлараро (ҳуқуқшунослик, экология, техник, ГАТ технологиялари) илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва мазмунини чуқурлаштириш кутилган натижани беради.

НОРОВА НАСИБА АЗАМАТОВНА
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси ўқитувчиси, мустақил изланувчи

МУТАХАССИСНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДАГИ ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мазкур мақолада мутахассиснинг жиноят процессуал мақоми ҳақида сўз юритилган. Унда мутахассиснинг процессуал мақомини такомиллаштириш ҳамда унинг жавобгарлиги масаласи юзасидан таклифлар берилган.

[1] Жадан В.Н. Актуальные вопросы криминологической характеристики экологических преступлений // Молодой ученый. – 2013. – №4. – С. 387.

Калит сўзлар: Мутахассис, хулоса, фикр, жавобгарлик, суд, гувоҳлик, тергов, жиноят процесси.

Аннотация: В данной статье говорится об уголовно-процессуальном статусе специалиста. В ней даются предложения по усовершенствованию процессуального статуса специалиста и необходимости введения его ответственности.

Ключевые слова: Специалист, заключение, мнение, ответственность, показания, следствие, уголовный процесс.

Annotation: This article deals with the criminal procedure status of a specialist. It gives proposals for improving the procedural status of the specialist and the need to introduce his responsibility.

Keywords. Specialist, expert, conclusion, opinion, responsibility, investigation, testimony, criminal proceedings.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришни янги босқичга кўтариш, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жиноят ишларини юритишнинг барча босқичларида мутахассислар нуфузи ва процессуал мақомини ошириш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамасдан, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Жиноят процессида мутахассислар фаолиятини амалга ошириши учун тўлақонли ҳуқуқларга эга эмаслиги, уларни амалга ошириш механизмининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда муайян тўсиқларнинг, жумладан, исбот қилиш жараёнидаги иштироки ва далиллар тўплаш билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга оширишдаги қонунчиликдаги коллизион нормаларнинг мавжудлиги ушбу соҳани тадқиқ этиш заруриятидан далолат беради.

Одил судлов тизими инсон ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, жиноят ишини оқилона ва адолатли ҳал этишга эришиш асосида шаклланади. Жиноят процессининг мақсадига эришиш учун жиноят ишининг барча ҳолатларини ва қарор қабул қилиш билан боғлиқ фактларни аниқлаш керак.

Қоида тариқасида, жиноят процессида икки қарама-қарши томон иштирок этади: ҳимоя ва айблов. Аммо ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий таълим жиноят иши бўйича қонуний қарор қабул қилиш учун ҳар доим ҳам етарли эмас.

Шунинг учун қонун чиқарувчи жиноят процессининг бундай иштирокчисини мутахассис сифатида белгилайди. Мутахассис жиноят процессида ёрдамчи иштирокчи сифатида жалб қилинади. Исботлашда махсус билимлар жуда тез-тез ишлатилади ва инсоннинг айби (айбсизлиги) тўғрисида қонуний ва асосли қарор қабул қилиш учун катта аҳамиятга эга.

ЖПКнинг 6-боби мутахассисни жиноят процессининг бошқа иштирокчилари тоифасига киритади ва шу билан уни жиноят процессида иштирок этадиган шахсларнинг алоҳида мустақил тоифасига ажратади.

Мутахассиснинг жиноят процессида иштирок этиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 70-моддаси билан тартибга солинади. Мутахассис суд ишларини юритишда ёрдамчи функциясини бажаради. У жиноий жараённинг вазифаларини ҳал қилишга ҳисса қўшадиган бетараф шахс сифатида ишлайди.

Мутахассис суриштирув органларига, терговчига, прокуратура ва судга, шунингдек ҳимоячига махсус билимлар ёрдамида ўз эътиборини жиноят ишини тергов қилиш билан боғлиқ индивидуал ҳолатларга қаратишга ёрдам беради.

Махсус билимлар ҳаммага очиқ бўлмаган билим соҳасига тегишли, яъни ҳамма ҳам мутахассис сифатида жалб қилиниши мумкин эмас. Шунга кўра, фақат чекланган миқдордаги одамлар махсус билимга эга, масалан, портловчи моддалар бўйича мутахассис портловчи моддалар соҳасида махсус билимга эга ва уни мутахассис сифатида жалб қилишда уларни қўллаш имкониятига эга.

Шу билан бирга, билимларни қўллаш учун кўникма ва малакаларни эгаллаган ҳолда махсус таълим олиш ёки касбий қайта тайёрлаш натижасида олиниши керак.

Таъкидлаш жоизки, терговчи ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари махсус билимга эга шахслар сифатида ҳаракат қила олмайди.

Мутахассис жиноят процессининг иштирокчиси сифатида унга жиноят процессининг иштирокчиси мақомини берадиган маълум хусусиятларга эга.

Биринчидан, мутахассиснинг асосий хусусияти шундаки, у юқорида айтиб ўтилган хусусиятларга мос келадиган махсус билимларга эга бўлиши лозим.

Мутахассиснинг иккинчи мажбурий хусусияти ва жиноят-процессуал қонунчилигининг мажбурий шарти-бу мутахассис сифатида иштирок этган шахснинг иш натижасига қизиқмаслиги. Ушбу шартга риоя қилиш эксперт хулосасининг холислигини кафолатлайди.

Ишнинг натижасига бефарқлик терговчи томонидан мутахассис процессга жалб қилинишидан олдин, унинг жиноят процесси иштирокчиларига муносабати, расмий қизиқиш ва коррупция таркибий қисми аниқланади.

Учинчидан, мутахассис суд процессига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ҳам, ҳимоячининг илтимосномасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ҳам тушунтириш бериш учун чақирилиши мумкин.

Мутахассис ўз фаолиятини бир қатор аниқ соҳаларда амалга оширади, яъни[1]:

- судга ва жараён иштирокчиларига ўз ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича тушунтиришлар беради;

[1]Зайцева Е.А. Некоторые проблемы применения специальных познаний в состязательном уголовном судопроизводстве // Вестник Ураль-ского юридического института МВД России. 2020. - №4(28). - с. 18-23.

- техник воситалардан фойдаланиш ва жиноят иши материалларини ўрганишда тўлиқ ва ҳар томонлама ёрдам беради;

- жиноят иши бўйича объектлар ва ҳужжатларни ва бошқа далилларни аниқлаш, аниқлаш ва олиб қўйишга ёрдам беради.

Бугунги криминоген муҳитда мутахассиснинг роли ниҳоятда юқори, чунки телекоммуникация технологиялари ва интернетдан фойдаланган ҳолда масофавий жиноятлар даражаси ошиб бормоқда, бу тергов давомида ИТ, молиявий, иқтисодий ва бошқа фаолият соҳаларида мутахассисларни жалб қилишни талаб қилади.

Шундай қилиб, мутахассис жиноят процессининг энг муҳим иштирокчиларидан бири сифатида ишлайди. Шу муносабат билан мутахассис махсус процедурага эга жиноят процессида иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини берадиган мақом белгиланиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда махсус модда билан мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми, унинг терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ҳаракатлари ҳамда суд процессида иштирок этиш тартиби белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, процессуал қонун мутахассиснинг иштироки мажбурий бўлган ҳолатларни белгилайди. Масалан, мурдани эксгумация қилиш пайтида текширувга махсус билимга эга бўлган ва мутахассис сифатида ишлайдиган шифокор жалб қилинади.

Суриштирувчи ёки терговчи мурданинг ташқи кўринишини у топилган жойда холислар ва суд-тиббиёт соҳасидаги мутахассис шифокор иштирокида кўздан кечиради. Бундай мутахассис шифокор иштирок этишига имконият бўлмаган тақдирда, бошқа шифокор иштирок этади. Зарур ҳолларда мурдани кўздан кечириш учун бошқа мутахассислар, шунингдек экспертлар жалб қилинади.

ЖПКнинг 554-моддасида Вояга етмаган гумон қилинувчини ёки айбланувчини сўроқ қилишда суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра ёхуд вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосига биноан педагог ва (ёки) психолог иштирок этиши мумкин. Педагогнинг ва (ёки) психологнинг иштирокини таъминлаш жиноят ишини юритаётган суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг зиммасига юклатилади. Педагог ва (ёки) психолог суриштирувчининг, терговчининг рухсати билан гумон қилинувчига ёки айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги ҳақида ўз фикрларини ёзма шаклда баён этишга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар суриштирувчи, терговчи томонидан педагогга ва (ёки) психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади

Иштирокчилар жиноят процесси тилида гаплашмайдиган иш жараёнида мутахассис сифатида ишлайдиган таржимон иштирок этади.

Зарур ҳолларда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд кўздан кечириш чоғида ўлчов ўтказади, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга туширади, режалар, схемалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар ва нусхалар олади. Бу ишларни бажаришга ёрдам бериш учун кўздан кечиришга мутахассислар жалб қилиниши мумкин[1].

Мутахассисни жалб қилишнинг санаб ўтилган барча ҳолатлари ўзаро таъсирнинг процессуал шаклига тегишли, яъни улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси билан қатъий тартибга солинади.

Қонунда ягона суд процесси доирасида иштирок этадиган маълум миқдордаги мутахассислар белгиланмаган, шунинг учун ишни тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш учун фан, техника, технологиянинг турли соҳаларидаги исталган миқдордаги мутахассисларни жалб қилишга рухсат берилади[2].

Жиноят процесси жараёнида мутахассиснинг вазифаларига Жиноят-процессуал кодексининг 70 -моддасида мустаҳкамланган вазифалар киради:

- суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши;

- тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш учун илмий-техника воситалари, махсус билим ва малакасидан фойдаланган ҳолда иштирок этиши;

- иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиши;

- ўзи бажараётган ҳаракатлар бўйича тушунтиришлар бериши;

- жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериши;

- суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги;

- ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Шунингдек, жиноят процессуал қонунчилик мутахассиснинг ишда иштирок этишини рад қилувчи ҳолатларни белгилаб берган.

Бундан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, мутахассис жиноят процессининг тўлақонли иштирокчиси бўлиб, ишнинг натижасига таъсир қилади, шунинг учун унинг процессуал вазифаларини аниқ тартибга солиш жиноят иши бўйича суд қарорининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлайди[3].

Махсус билимга эга бўлган шахснинг вазифаларидан ташқари, мутахассис Жиноят-процессуал кодексида мустаҳкамланган бир қатор ҳуқуқларга эга. Булар:

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: Адолат, 2023.

[2] Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголов-ный процесс: учебник — 4-е изд., перераб. и доп. - М.: КНОРУС, 2008. – 704 с.

[3] Евко С. Процессуальный статус эксперта и специалиста// Международный журнал гумани-тарных и естественных наук. Право. 2022. - № 6 – 2 (69). - с. 88 – 91.

- ўзининг қандай мақсадда чақирилганлигини билиш;

- башарти тегишли билимларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш. Мутахассиснинг бу ҳуқуқи жуда асосли, чунки у ёки бу маълумотга эга бўлган шахс ҳар доим ҳам малакаси етарли эмаслиги сабабли жиноий жараён давомида берилган саволларга сифатли жавоб бера олмайди.

- ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш;

- ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга алоқадор арз ва мулоҳазалар билдириш; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларга суриштирувчининг, терговчининг, прокурор ва суднинг рухсати билан саволлар бериш;

- суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир

Мутахассисни жалб қилиш кўпинча жиноий фаолият ҳолатларини аниқлаш, жиноят содир этиш усулини ва жиноятни тўлиқ ва ҳар томонлама тергов қилиш имкониятини аниқлаш учун зарурий чора ҳисобланади.

Жиноят процессида мутахассис мустақил шахс сифатида ишлайди, унинг процессуал мустақиллиги уни жиноят процессининг бошқа иштирокчилари сафига киритади[1].

Қонун чиқарувчи, экспертнинг атайлаб ёлғон хулоса берганлиги учун жавобгарлик шунингдек таржимоннинг қасддан ёлғон таржима учун жавобгарлигини назарда тутади, аммо санкцияда мутахассиснинг қасддан ёлғон гувоҳлик бергани учун жавобгарлиги кўзда тутилмаган, бу эса уни тўлиқ далил сифатида кўриб чиқишни имконсиз қилади.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддаси 1-қисмини қўйидагича таҳрирлаш таклиф этилмоқда: “Ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чоғида ёки судда гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши ёхуд мутахассиснинг, экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бериши, худди шунингдек таржимоннинг бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиши - уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Жиноят бир жойда турмайди, жиноий ниятни амалга оширишнинг янги усуллари пайдо бўлмоқда. Ҳар бир жиноят индивидуалдир ва терговчи, эксперт ва бошқа иштирокчиларнинг билимлари жиноятни тўлиқ ва ҳар томонлама тергов қилиш учун ҳар доим ҳам етарли эмас. Мутахассисни жиноят процессининг иштирокчиси сифатида жалб қилиш Жиноят-процессуал кодексининг 70-моддасида мустаҳкамланган.

Мутахассис жиноят процессининг бошқа иштирокчилари гуруҳига киради ва объектлар ва ҳужжатларни, шунингдек бошқа ашёвий далилларни

[1] Жиноят процесси. Умумий қисм. Дарслик / Проф. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 200-400;

аниқлаш, аниқлаш ва олиб қўйишда ёрдам берадиган махсус билимга эга бўлган жараённинг мустақил иштирокчиси ҳисобланади. Мутахассис одатда маълум касбий кўникмалар (тиббиёт ходими, ўқитувчи, чилангар ва бошқалар) туфайли махсус билимга эга бўлган шахсдир), лекин баъзи ҳолларда мутахассис ҳаётий тажриба, шахсий кўникма ва қобилиятларга асосланган маълум бир соҳада билимга эга бўлган шахс бўлиши мумкин[1].

Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигидан фарқлиўлароқ Россия Федерацияси қонунчилигида мутахассис жиноят процессининг иштирокчиси сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ва унга нисбатан жавобгарлик белгиланган. Бу эса ўз навбатида мутахассис сифатида жалб қилинган шахснинг процессуал мақомини шакллантиради. Мутахассис жиноят процесси иштирокчилари томонидан унга қўйилган масалалар бўйича хулоса ёки гувоҳлик шаклида фикр билдиради.

Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексининг 80-моддасида мутахассис хулосаси, мутахассис гувоҳлиги тушунчалари ҳамда уларнинг эксперт хулосаси ва гувоҳлигидан фарқланиши аниқ белгилаб берилган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ЖПКга “70^1-модда. Мутахассис хулосаси ва мутахассис фикри” деб номланувчи модда киритиб қўйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ:

“Мутахассис хулосаси -бу мутахассиснинг тарафлар томонидан кўтарилган масалалар бўйича ёзма қарор.

Мутахассиснинг фикри - махсус билимларни талаб қиладиган ҳолатлар тўғрисида сўроқ пайтида у томонидан тақдим этилган маълумотлар”.

Махсус билимларни қўллаш зарурати билан боғлиқ ишларни кўришда, масалан, шахсни айбланувчи сифатида махсус қоидаларни бузиш билан боғлиқ жиноятлар тоифасига жалб қилишда, ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади. Мутахассис олинган экспертиза хулосалари бўйича фикр билдириш, экспертиза учун саволларни шакллантириш, эксперт хулосасига ўз вақтида эътироз билдириш бўйича маслаҳат беради.

АБДУЛЛАЕВ АКМАЛЖОН ЙЎЛЧИБОЕВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Дастлабки тергов ва суриштирув кафедраси ўқитувчиси

ЁЛҒОН КЎРСАТУВЛАРНИ ШАКЛЛАНИШ МЕХАНИЗМИ

Аннотация: Мазкур мақолада ёлғон кўрсатувларни юзага келиш механизмларининг ўзига хос жиҳатлари, шу жумладан, “из”, “моддий из”, “идеал из” ва “хотира” каби

[1] Зайцева Е.А. Некоторые проблемы применения специальных познаний в состязательном уголовном судопроизводстве // Вестник Уральского юридического института МВД России. 2020. - №4(28). - с. 18-23.

тушунчалар илмий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиниб, ушбу турдаги жиноятлар бўйича ёлғон кўрсатувларни шаклланиш жараёни, босқичлари муҳокама қилиниб, ахборотни идрок этишнинг адекватлигига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Из, моддий из, идеал из, хотира, ёлғон кўрсатув, гувоҳ, жабрланувчи, шоҳид.

Аннотация: В данной статье научно анализируются конкретные аспекты механизмов возникновения ложных показаний, включая такие понятия, как “след”, “материальный след”, “идеальный след” и “память”, а также процесс и этапы формирования ложных показаний. Обсуждаются ложные показания по данному виду преступлений и анализируются факторы, влияющие на адекватность восприятия информации.

Ключевые слова: След, материальный след, идеальный след, память, лжесвидетельство, свидетель, потерпевший, очевидцы.

Abstract: In this article, the specific aspects of the mechanisms of the occurrence of false reports, including concepts such as "trace", "material trace", "ideal trace" and "memory", are scientifically compared and discussed, the process and stages of the formation of false reports on this type of crime are discussed. and factors affecting the adequacy of information perception were analyzed.

Key words: Trace, material trace, ideal trace, memory, perjury, witness, victim, eyewitnesses.

Барчамизга маълумки, аксарият содир этилган жиноятлар ўзидан моддий изларни қолдирса, кам сонли айрим жиноятлар ўзидан фақатгина идеал изларни қолдириши мумкин. Мана шундай кам сонли жиноятлардан бири гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятлари саналади. Шунинг учун ҳам ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишда исбот қилиш жараёни жуда қийин кечади.

Зотан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт ҳисобланиб, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат жиноят-процессуал тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин[1].

Ўз навбатида, юқоридаги маълумотлар жиноят содир этилиши оқибатида юзага келган излардан шаклланади. Шу муносабат билан энг аввало “из” тушунчаси ҳақида фикр юритишимиз ўринли кўринади.

Криминалистикада “из” асосий тушунчалардан бири саналади. Бундан ташқари, у жиноятларни тергов қилиш жараёнида олинган маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Криминалистикада из деганда, атроф-муҳитдаги ҳар қандай моддий ўзгаришлар, шунингдек, жиноят содир этилган воқеа билан узлуксиз боғлиқ бўлмаган, бу ҳақда маълумот олиб юрадиган инсон хотирасида муҳрланган тасвирлар тушунилади[2].

Излар жиноий ҳодиса объектлари ва уларнинг ўзаро таъсир қилиш механизмлари тўғрисидаги, яъни унда иштирок этган шахслар, уларнинг

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси// URL: http://www.lex.uz (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 10.05.2023).

[2] Торбин Ю.Г. Учение о следах преступления в работах учёных криминалистов и процессуалистов XIX и XX веков / Ю.Г. Торбин // Военное право. 2017. № 1(41). С. 379–391.

ҳатти-ҳаракатлари ва содир этилган жиноят натижаси тўғрисидаги, уларнинг жисмоний асослари моддий ташувчилар-нарсалар ва электрон қурилмалар ёки жиноят шоҳидлари ёхуд гувоҳлари онгидаги маълумотларнинг муҳим омборидир. Бошқача қилиб айтганда, из моддий ташувчи ва ахборотнинг мажмуи, изнинг мазмуни ҳисобланади[1].

Криминалистикага оид адабиётларда содир этилган жиноятнинг барча изларини моддий, идеал ва рақамли (компьютер, виртуал, компьютер-техник ва бошқалар) га бўлиш одатий ҳолдир[2].

Бизнингча, идеал излар[3] (инсон хотирасида сақланадиган маълумотлар) гувоҳнинг, жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши фактини исботлаш жараёнида муҳим рол ўйнайди.

Ўз навбатида П.Ю.Тимошенко адабиётларда учрайдиган "идеал излар"ни шундай номланишини нотўғри деб ҳисоблайди, чунки уларнинг манбаи ва ташувчиси моддийдир. Шу муносабат билан у бу излар синфини хотира излари деб аташни таклиф қилади[4].

В.В.Агафонов ва В.М.Плескачевскийлар ҳам “идеал излар” атамаси шартли эканлигини илгари суришиб, “идеал излар” табиатан моддийдир, чунки улар инсон миясидаги моддий ҳодисалар - электростатик импульсларнинг ўзгариши, биокимёвий жараёнларнинг хусусиятларидир” деб таъкидлашади[5].

Гарчи "хотира излари" билан бир қаторда энграмма (хотира изи)[6] каби тушунча мавжуд бўлса ҳам, биз юқорида тилга олинган муаллифларнинг "хотира излари" табиати ҳақидаги таърифларига қўшиламиз. Чунки "идеал излар" тушунчаси узоқ вақтдан бери мавжуд бўлиб, ушбу тадқиқотда биз ундан фойдаланамиз.

В.Я.Колдиннинг фикрича, сўзни кенг маънода талқин қилганда излар сифатида “одамлар онгида шахснинг моддий излари, алоҳида нарсалар, ҳайвонларнинг излари, моддалар излари, технологик жараёнлар ва бошқаларнинг акс этиши қўлланилиши мумкин”[7]. Ушбу таърифда одамлар онгида акс этиш излари, яъни хотира излари, бизнингча, ўз ўрнига мос ҳолда жой эгаллайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда била туриб ёлғон кўрсатув беришнинг шаклланишини, айниқса ўрганилаётган жиноят турига хос бўлган, яъни идеал изларни шаклланиш жараёнини батафсил кўриб чиқсак.

---

[1]Рахимов А.И. Идеальные следы преступления и их классификация // URL: https://cyberleninka.ru/article/n/idealnye-sledy-prestupleniya-i-ih-klassifikatsiya. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 10.05.2023).

[2] Бессонов А.А. Информация о типичных следах преступления как элемент его криминалистической характеристики / А.А. Бессонов // Гуманитарные исследования. 2014. № 4(52). С. 169–174.

[3] Яблоков Н.П Криминалистика. М.: Норма Инфра-М., 2000. С. 106.

[4] Тимошенко П.Ю. Тактические и технические аспекты обнаружения и использования идеальных отображений в криминалистике: дисс... канд. юрид. наук. Киев, 1988.

[5] Агафонов В.В., Плескачевский В.М. Криминалистическое исследование следов (криминалистическая трасология) // Криминалистика; под ред. А.Г. Филиппова. М.: Спарк, 2000. С. 61.

[6] Суворова Л.А. Идеальные следы в криминалистике: дис... канд. юрид. наук. Воронеж, 2005. С. 51-62.

[7] Колдин В.Я. Судебная идентификация. М.: ЛексЭст, 2002. С. 18.

Процесс иштирокчиларининг кўрсатувлари “шахсга оид далил”[1] сифатида таснифланиши бежиз эмас. Уларнинг ҳар бири сўроқ қилинувчи шахснинг хусусиятларини акс эттиради ва маълумотлар тўпламининг шаклланишига, терговчи томонидан уларнинг қўлга киритилиши, текширилиши ва ундан фойдаланиши имкониятига бевосита таъсир қилади.

Анъанага кўра, кўрсатувларни шакллантиришда учта асосий босқич мавжуд деб ҳисобланади[2]:

а) идрок этиш; б) эслаб қолиш; с) ижро этиш.

Кўрсатувларни шаклланиш жараёни тўрт босқичга бўлинганлигига тўғрисидаги фикр ҳам кенг тарқалган[3]: а) ахборотни идрок этиш; б) ахборотни эслаб қолиш (эсда сақлаш); в) ахборотни қайта ишлаб чиқариш (эсга туширган ҳолда хотирада тиклаш, қайта тасаввур қилиш); г) терговчига топшириш.

Л.А.Суворова[4] турли ҳолатлар туфайли далил (кўрсатув) бўлиб қолмаслиги мумкин бўлган идеал изларни шаклланиш жараёни ва кўрсатувларни шаклланиш жараёнини (далил сифатида) фарқлашни тўғри деб ҳисоблайди. Биринчи жараён қуйидаги босқичлардан иборат: идрок этиш ва эслаб қолиш; иккинчиси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: ахборотни эсга тушириш, такрорлаш, қайд этиш ва баҳолаш.

Шундай қилиб, идеал изларнинг ва кўрсатувларни шаклланиш жараёни алоҳида ва бир бутун сифатида ўзаро боғлиқдир. Биз ушбу жараёнларнинг босқичларини кўриб чиқишда ушбу ғояни асос қилиб олиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Кўрсатувларни шаклланиш жараёнининг дастлабки босқичи идрок этиш бўлиб, кейинги барча босқичлар унга боғлиқ ҳисобланади. Умумий қоидага кўра: одам маълумотни қанчалик кўп ва тўғри идрок этса, уни шунчалик тўлиқ эслаб қолади, кейин эса, агар психологик оғишлар бўлмаса, уни такрорлай олади. Терговчининг идрок этиш жараёнининг қонуниятларини билиши била туриб ёлғон кўрсатув беришнинг, яъни жиноятнинг мукаммал изларининг шаклланиш механизмини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Идрок қилиш жараёни жуда мураккаб: у доимо кўриш, эшитиш, таъм билиш, сезиш, ҳидлаш - ҳиссий идрок орқали юзага келадиган ҳислар мажмуидан иборат. Ушбу тезис билан ҳамжиҳатликда А.Р.Ратинов шундай ёзади: “Келгусида бериладиган кўрсатувга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайдиган бирорта руҳий ҳолат йўқ ва бундай таъсирларнинг мавжудлиги терговчи ва суд томонидан аниқланиши ва баҳоланиши керак”[5].

---

[1] Кокорев Л.Д., Кузнецов П.П. Уголовный процесс: доказательствами доказывание. Воронеж: Изд-во Воронежского института, 1995. С. 165.

[2] Суворова Л.А. Идеальные следы в криминалистике: дис... канд. юрид. наук. Воронеж, 2005. С. 63 Тимошенко П.Ю. Тактические и технические аспекты обнаружения и использования идеальных отображений в криминалистике: дисс... канд. юрид. наук. Киев, 1988. С. 54.

[3] Смыслов В.И. Свидетель в советском уголовном процессе. М.: Госиздат, 1973. С.67 - 112; Порубов Н.И. Научные основы допроса на предварительном следствии. Минск: Норма, 19781 С. 56 - 72; Криминалистика социалистических стран / под ред. В.Я. Колдгта.М.: Госюриздат, 1986. С. 90 - 94; и др.

[4] Суворова Л.А. Идеальные следы в криминалистике: дис... канд. юрид. наук. Воронеж, 2005. С. 64

[5] Ратинов А.Р. Судебная психология для следователей. М.: Госиздат, 1967. С. 178.

Ушбу сезгилар мажмуасида визуал ва эшитиш компонентлари устунлик қилади. Айнан улар керакли объект тўғрисидаги маълумотларнинг асосий қисмини ташкил қилади, шунингдек, келажакда уларни қайта такрорлашда иштирок этади. Аниқланишича, ахборот аҳамияти бўйича кўриш биринчи ўринда, сезиш иккинчи ўринда, эшитиш учинчи ўринда туради[1].

Юридик адабиётларда ахборотни идрок этишнинг адекватлигига таъсир қилувчи омиллар одатда икки гуруҳга бўлинади: объектив ва субъектив[2].

Субъектив омилларга қуйидагилар киради:

1.Бир қатор шароитларга боғлиқ бўлган ҳис-туйғу органлари ҳолати бўлиб, қуйидагиларда намоён бўлади:

- жисмоний камчиликлар. Субъектнинг жисмоний заифлиги ундан маълумот талаб қилиш имкониятини истисно этмайди, чунки бундай ногиронлиги бўлган шахснинг кўрсатувлари бир жиҳатдан чекланган бўлиши мумкин, лекин шу билан бирга, бошқа томондан тўлиқроқ бўлади. Масалан, кўрларнинг эшитиш ва сезиш қобилияти жуда яхши ривожланган бўлади. Шунинг учун бу рецепторлар ёрдамида идрок этилган ҳар бир нарса алоҳида ишончлилик характерига эга бўлади[3].

- жиноят содир бўлган воқеани ёки унинг алоҳида ҳолатларини идрок этиш пайтидаги шахснинг ҳиссий ҳолати. Шоҳид жиноят содир бўлган воқеани тўғридан-тўғри идрок қилганлиги сабабли, бу шахсий тажриба ва стрессли ҳолат билан бирга амалга ошади. С.Л.Рубинштейн "Ҳиссий муносабат, гўё, идрок этилганни тартибга солади ва унга ранг беради - у баъзи хусусиятларни ёркин, қаварик қилади ва бошқаларни сояда қолдиради" деб таъкидлаган[4]. Масалан, қўрқув ҳолатида (биринчи 0,5 - 1 сония) одам ҳеч қандай ҳаракатни бажаролмайди; дастлабки 1 - 2 дақиқада қўрқувнинг ички психологик жараёнларга тушкунлик таъсири намоён бўлади (идрок этиш ва эслаш қобилияти кескин бостирилади)[5].

Низоли вазиятда одам таъсирланиш ҳолатини бошдан кечириши мумкин, яъни қисқа муддатли психологик бузуқлик юзага келади, бунда онг тораяди, фикрлаш қобилияти ёмонлашади; субъектнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати ирода назоратидан чиқиб кетиши, тартибсиз бўлиши мумкин; ички ва ташқи огоҳлантиришларга реакция ҳақиқий вазиятга мос келмай қолиши мумкин.

Жисмоний жиҳатдан табиий ва фойдали бўлган ҳолда ҳис-туйғулар, шохидлар ўртасида когнитив жараёнларнинг боришини бузади, ҳис қилиш, идрок этиш, хотира, фикрлаш, ирода функцияларига салбий таъсир қилади ва

---

[1] Полетаев А.В. Сигнал. М.: Мысль, 1958. С. 127; Повреznюк Г.И. Факторы,влияющие на полноту восприятия и воспроизведение признаков внешности человека //Вестник криминалистики / под. ред. А.Г. Филиппова. М., 2001. Вып. 2. С. 57.

[2] Топорков А.А. Словесный портрет. М.: Юридическая литература, 1999. С. 93 - 95; Зинин А.М., Дубягин Ю.П. Фиксация признаков внешности трупов. М.: Госюриздат, 1976.С. 5; Снетков В.А. Габитоскопия. Волгоград: Изд-во ВГУ, 1979. С. 15 и др.

[3] Кони А.Ф. Память и внимание // Собр. соч.: В 8 т. М.: Изд-во МИР, 1967. Т. 4. С.91.

[4] Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. М.:Госиздат, 1946. С. 207.

[5] Срезневский В.В. Испуг и его влияние на некоторые физиологические и психологические процессы. Л.: Наука, 1908. С. 258 - 259; Васильев В.Л. Юридическая психология. СПб. Литер, 1997. С. 408 - 413 и др.

бу уларнинг кўрсатувларининг тўлиқлиги, аниқлиги ва йўналган бўлишига объектив таъсир қилади. Шу муносабат билан Б.П.Красильников “Эмоционал ҳодисаларни қайта такрорлай олиш идрок қилинган пайтдан бошлаб 3-8 кундан кейин энг яхши даражага чиқади ва 15 кундан бошлаб у пасая бошлайди” деб ёзган[1].

Шу муносабат билан биз К.В. Веселькovнинг қуйидаги фикрига қўшила олмаймиз: “гувоҳларнинг кўрсатувларини шаклланиш жараёни бир хилдаги умумий қонуниятлар билан тавсифланади, улар жиноят ишининг тоифасига амалда боғлиқ бўлмайди, бу бизга жиноят ишининг тоифасидан қатъи назар, гувоҳларни сўроқ қилиш тактикасини кўриб чиқишга имкон беради”[2]. Шубҳасиз, ҳақорат қилиш ёки порахўрлик жиноятига гувоҳ бўлган шоҳид қотиллик, номусга тегиш ёки тан жароҳати етказишга гувоҳ бўлган шоҳидга қараганда бутунлай бошқача ҳис-туйғуларни бошдан кечиради. Шунга кўра, бошдан кечирилган ҳис-туйғулар кўрсатувларни шаклланиш жараёнига турли йўллар билан таъсир қилади, бу эса, ўз навбатида, терговчидан сўроқ қилишнинг тўғри тактикасини танлашни талаб қилади ва буни ҳар доим ҳам амалга ошириб бўлмайди.

2.Идрок қилишнинг шаклланишига касб, шоҳиднинг содир бўлаётган воқеаларнинг айрим жиҳатларига қизиқиши таъсир кўрсатади. Профессионал идрок қилиш апперцепция феномени, яъни олдинги тажриба, олинган билимлар, белгиланган қизиқишлар бўйича идрок қилишларнинг мазмуни ва йўналишининг шартлилиги билан изоҳланади[3].

3. Диққатнинг ҳажми ва йўналиши ихтиёрий ёки беихтиёр бўлиши мумкин. Маълумки, фақат энг тушунарли бўлган нарса идрок қилинади ва хотирада сақланади[4]. У ёки бу ҳодисага эътиборни жалб қилиш, одатда, тўсатдан ёки шиддат билан боғлиқ бўлади - отишма, қичқириқ, зарба ва бошқалар; бу ҳаракатлар натижасида ҳосил бўлган кучли стимуллар диққатни тезроқ ўзига тортади. “Агар идрок этиш жараёнида гувоҳ содир бўлаётган воқеанинг маъноси ва аҳамиятини англаб етса, ҳодисанинг ғайриоддийлиги ёки қўзғатувчининг шиддати туфайли юзага келган беихтиёр диққат ихтиёрий диққатга айланиб, унинг сифатини оширади. Бир бутун сифатида идрок этиш имконини юзага келтиради”[5].

Диққатнинг йўналтирилиши ва жамланиши, одатда, шахснинг иродавий ҳаракати билан боғлиқ бўлади. Диққатнинг сифати турли одамларда бир хил бўлмайди, ҳар бир одам ўз диққатини жалб этувчи объектга алоқадор бўлмаган ташқи қўзғатувчилардан осонгина чалғиши ёки диққатини бир объектдан иккинчисига осонгина ўтказиши мумкин эмас[6].

4. Идрок этишдаги фарқлар гувоҳнинг жинсига ҳам боғлиқ. Шунинг учун,

---

[1] Красильников Б.П. Психология: учебник для педагогических вузов. М.: Госиздат, 1962. С. 232.

[2] Веселков К.В. Проблемы психологии формирования показаний потерпевшего и особенности тактики его допроса на следствии (по конкретным категориям дел): автореф.дис.канд. юрид. наук. Краснодар, 2002. С. 13.

[3] Рудик А.П. Психология. М.: Политиздат, 1967. С. 35.

[4] Сеченов К.М. Избранные философские и психологические произведения. М.:Изд-во МИР, 1947. С.447.

[5] Гаврғтов И.И. Ошибки в свидетельских показаниях. М.: Госюриздат, 1983. С. 37

[6] Кони А.Ф. Память и внимание // Собр. соч. М.: Изд-во МИР, 1967. Т. 4. С. 89.

иложи бўлса, эркак ва аёлни бир хил вазиятда гувоҳ сифатида сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Гап шундаки, бир хил вазиятда эркаклар ва аёлларнинг диққат маркази турли хил объектлар, ҳодисаларга йўналтирилган бўлади. Хусусан, эркаклар учун вақт ҳақиқий вақтдан 35 фоизга, аёллар учун эса 111 фоизга узоқроқ бўлиб туюлиши аниқланган[1].

5. Баъзи бошқа субъектив омиллар, масалан, жиноий ҳодиса иштирокчилари билан муносабатлар (дўстона, қариндошлик, душманлик); идрок этилаётган ҳодисага ички муносабат ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам жабрланувчининг жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўғри идрок этиш ва кўрсатув бериш қобилиятига шубҳа туғилса, унинг руҳий ёки жисмоний ҳолатини аниқлаш зарурати мажбурий суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш учун асослардан бири бўлиб ҳисобланади.

Идрок этишни шакллантиришнинг объектив омиллари идрок этиш сифатига ва шахснинг бошқа психик жараёнларига боғлиқ бўлмаган омиллардир, хусусан:

1.Гувоҳ ёки жабрланувчи томонидан жиноят содир этилган пайтдаги метеорологик шароитлар. (ёмғир, шамол, туман, қор ва бошқалар);

2. Жиноят содир этилган жойда куннинг шу вақтидаги ёруғликнинг ҳусусияти ва даражаси (кундузи, кечқурун, сунъий, аралаш);

3.Объектларнинг гувоҳдан узоқлиги, бу муҳитни идрок этишнинг адекватлигига (объектларнинг катталиги ва улар орасидаги масофа) ва тезлигига таъсир қилади. Мисол учун, гуруҳ таркибида безорилик қилган иштирокчиларнинг ҳаракати ва бошқалар;

4. Идрок этишнинг давомийлиги;

5.Идрок этилаётган ҳодисанинг ташқи муҳитини тавсифловчи бошқа омиллар (шовқин, оломон ва бошқалар).

Субъектив ва объектив омиллар идрок этилган жиноий ҳодисанинг ёки уни алоҳида ҳолатларини гувоҳ (шоҳид) жабрланувчи онгида аниқлайди.

Идрок қилинган маълумотларнинг мазмунига беихтиёр эслаб қолиш пайтидан бошлаб ўтган вақт даври сезиларли даражада таъсир қилади. Бу вақт қанчалик давомий бўлса, хотирада маълумот ва жиноий ҳодисанинг белгилари шунчалик камроқ сақланади.

Биз юқоридаги ҳолатни ўтказилган эксперимент натижасидан ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу юзасидан ўтказилган тажрибаларнинг бирида 7 кишидан иборат гуруҳ учта кичик гуруҳга бўлинган, уларнинг ҳар бирига бир вақтнинг ўзида икки киши намойиш этилган. Намойиш этилган шахслардан бири спорт костюмидаги 30 ёшли эркак, иккинчиси эса ҳеч қандай диққатга сазовор белгиларга эга бўлмаган, сарғиш костюм кийган 25 ёшли аёл. Экспериментнинг барча иштирокчилари томонидан кузатилган ташқи кўриниш белгиларининг қайта такрорланиши идрок қилинганидан кейин бир мунча вақт ўтгач амалга оширилди.

[1] Кони А.Ф. Память и внимание // Собр. соч. М.: Изд-во МИР, 1967. Т. 4. С. 90.

Биринчи гуруҳнинг гувоҳлари 30 дақиқадан сўнг;

Иккинчи гуруҳнинг гувоҳлари 24 соатдан кейин ва учинчи гуруҳнинг гувоҳлари уч кундан кейин гувоҳлик беришга таклиф қилинди.

Натижада қуйидагилар аниқланди: биринчи гуруҳ аъзолари субъектларнинг ташқи кўринишининг деярли барча асосий белгиларини айтиб ўтишди. Иккинчи гуруҳ гувоҳлари биринчи гуруҳ иштирокчилари тақдим этган маълумотларнинг атиги 70 фоизини такрорладилар. Учинчи гуруҳ вакиллари эса субъектларнинг ташқи кўриниши белгиларининг фақат ярмини қайтара олдилар[1].

Хотира - инъикос этилган нарса ва ҳодисаларни ёки ўтмиш тажрибаларни эсда қолдириш ва зарур бўлганда тиклашдан иборат психик жараён[2].

Маълум бўлган изнинг шаклланиши ҳали бу изнинг мустаҳкамланган, бирлаштирилганлигини англатмайди, чунки бу бир қатор омилларга, шу жумладан индивидуал хусусиятларга боғлиқ бўлган маълум вақтни талаб қилади (масалан, изни консолидация (мустаҳкамлаш) учун 10-15 дақиқа зарур бўлади)[3].

Замонавий илмий тасаввурларга кўра, инсон хотирасида изларни сақлаш уч босқичда амалга оширилади:

1. Иконик (сенсорли) хотирада сенсорли излар анализаторлар фаолияти асосида юзага келади, яъни гувоҳнинг ҳислар мажмуаси (кўриш, эшитиш, ҳидлаш, таъм, тегиниш) орқали қабул қилинган ташқи қўзғатувчи омиллар хотирада қолади;

2. Анализаторлар ёрдамида олинган маълумотлар миянинг юқори қисмларига юборилади ва бу ерда сигналларни таҳлил қилиш, саралаш ва қайта ишлаш содир бўлади (гап энграмларнинг - хотира изларининг шаклланиши пайтида асаб тўқималарида содир бўладиган ўзгаришлар ҳақида кетмоқда);

3. Из қолдириш жараёнлари узоқ муддатли хотира тузилмасига жойлашади[4].

Жиноят ҳодисаси, унинг хотирадаги тасвири ва оғзаки ифодаси бир-бирига эквивалент бўлмайди. Психологларнинг тажрибалари шуни кўрсатдики, инсон кейинчалик қайта такрорлаб эслаганга нисбатан кўпроқ нарсани эслаб қолади. Бу ҳодисага машҳур физиолог К.Шеррингтон изоҳ бериб, марказий нерв системаси дунёга кенг тешиги ва тор тешиги билан ҳаракатга қараган воронка тамойили асосида фаолият юритишига эътибор қаратган[5].

Бундан келиб чиқадики, бош мия қобиғига кирадиган сигналлар сони

---

[1] Повреznюк Г.И. Факторы, влияющие на полноту восприятие и воспроизведение признаков внешности человека* // Вестник криминалистики/ под ред. А.Г. Филиппова. М.,2001. Вып. 2. С. 60.

[2] https://qomus.info/encyclopedia/cat-x/xotira-uz/ (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 20.05.2023).

[3] Лурия А.Р. Лекция по общей психологии. СПб.: Питер, 2004. С. 198 – 199

[4] Марютина Т.М., Ермолаев 0:Ю. Введение в психофизиологию. М.: Инфра-М, 2001. С. 196.

[5] Шеррингтон Ч. Интегративная деятельность нервной системы. Л.: Изд-во ЛГУ, 1969. С. 149-150.

уларнинг тўлиқ ва оғзаки ифодаланишининг жисмоний имкониятидан ошади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, инсон эслаши ва айтиши мумкин бўлганидан кўра кўпроқ нарсани идрок этади.

Ўз навбатида, Н.И. Порубов хотирага биринчи ва охирги ўрин қонуни ёки чеккалик қонуни таъсир кўрсатиши ва унга кўра нерв тўқимасида қўзғалиш ва тормозланиш физиологик механизмлари мураккаб ўзаро таъсир кўрсатади, деб ёзади ва бошқа шароитлар бир хил бўлганда ҳодисанинг боши ва охири яхшироқ эсда қолади деб таъкидлайди[1].

Эслаб қолиш қайта такрорлаш босқичи деб номланган хотира жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунинг натижасида инсон хотирасида сақланган маълумотларнинг мазмунини актуаллаштириш (ташқарига чиқариб олиш) ва баён этиш (оғзаки ёки ёзма) содир бўлади.

Образни хотирада қайта тиклаш ва объектни тавсифлаш ўртасида яна бир босқич пайдо бўлади - гувоҳ, жабрланувчи томонидан терговчига ахборотни узатиш. Фаолиятнинг бу тури тасвирланаётган объектнинг хаёлий образини оғзаки ифодалаш тарзида амалга ошиши мумкин[2].

Демак, нутқни ифодалаш жараёнида тавсифнинг тўлиқлиги ва аниқлиги хотиранинг эслаб қолиш ва қайта тиклаш жараёнларига ва турли омилларга боғлиқ: объект, унинг мақсади, белгиларини билиш чуқурлиги; субъектнинг нутқ маданияти даражаси, унинг сўз луғати ҳажми ва таркиби, сўзнинг образлилиги ва аниқлиги; субъект фикрлашининг интизомлилиги ва бошқалар.

Кўрсатувларнинг шаклланиш босқичларини ҳисобга олган ҳолда: (ахборотни идрок этиш, уни эсда сақлаш, қайта такрорлаш ва терговчига етказиш) била туриб ёлғон кўрсатув беришнинг шаклланиш босқичларини кўриб чиқишга ўтамиз. Ушбу босқичларнинг умумий жиҳатлари жуда кўп бўлганлиги сабабли, биз такрорламасдан, шоҳидлар (гувоҳлар) ва жабрланувчилар томонидан била туриб ёлғон кўрсатув беришларни шаклланиш учун энг характерли нарсаларни кўриб чиқамиз.

В.А.Образцов[3] била туриб ёлғон кўрсатув беришни шаклланиш жараёнини қуйидаги босқичларини ажратиб туради:

1) жиноятнинг ҳақиқий манзарасини идрок этиш;

2) бу воқеани эслаб қолиш ва тушуниш;

3) ёлғон кўрсатув бериш тўғрисида хабар беришдан мақсад ва ушбу қилмиш оқибатларини англаб етиш;

4) идрок этилганларни қайта такрорлаш ва ўйлаб чиқарилган ёлғон гувоҳликнинг ақлий моделини яратиш;

5) била туриб ёлғон кўрсатувларнинг моделини хотирасида сақлаш, сўроқ пайтида улар ҳақида хабар бериш жараёнининг моделини қуриш;

6) сўроқ пайтида ёлғон кўрсатувларни такрорлаш.

Бизнинг фикримизча, В.А.Образцов кўриб чиқилаётган жараённи

[1] Порубов Н.И. Тактика допроса на предварительном следствии. М.: Юристъ, 1998.С. 39.
[2] Лысое Н.Н. Фиксация доказательств в уголовном процессе. Н.Новгород: Новгород, 1998. С. 10.
[3] Криминалистика/ под ред. В.А. Образцова. М.: Юристь, 1997. С. 503.

етарлича ёритиб ўтган. Бироқ, у келтириб ўтган босқичлар рўйхатида кўрсатувларни қайд қилиш босқичи мавжуд эмас. Зеро, кўрсатувлар тергов ҳаракатлари баённомаларида тегишли тарзда қайд этилгандан кейингина далил бўлиши мумкин.

Шунинг учун кўрсатувларни қайд этиш зарур, лекин мустақил босқич сифатида эмас, балки жиноят, унинг шахси, томонлари ва ҳолатларининг сохта идеал образи тўғрисидаги гувоҳликларни такрорлаш босқичининг бир қисми сифатида:

Биз ёлғон гувоҳликларни шаклланиш жараёнини В.А.Образцовнинг фикрига зид бўлмаган қуйидаги беш босқичга бўлишни таклиф қиламиз:

1. Жиноят ҳодисасини яхлит ёки унинг алоҳида томонларини (ҳолатларини) идрок этиш;
2. Жиноят ҳодисасини умуман ёки унинг алоҳида томонларини (ҳолатларини) эслаб қолиш;
3. Жиноят ҳодисаси ёки унинг хотирада сақланиб қолган алоҳида томонлари (ҳолати) идеал қиёфасини ўзгартириш:
4. Жиноят ҳодисасининг янги моделини (унинг шароитларини) эслаб қолиш;
5. Жиноятнинг сохта идеал образи, унинг алоҳида томонлари ва ҳолатлари тўғрисидаги гувоҳликларни қайта такрорлаш, уларни қайд этиш.

Ўрганишимиз давомида, гувоҳнинг ёки жабрланувчининг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувлари ёлғон эканлиги асосан сўроқ қилиш тергов ҳаракати вақтида содир этилиши маълум бўлди.

Гувоҳнинг ёки жабрланувчининг тергов ҳаракатлари баённомаларида қайд этилган кўрсатувлари кўриб чиқилаётган жиноят таркибининг идеал изларининг моддий акси бўлади. Бундан ташқари, агар кўрсатувлар моддий дунё объектлари билан боғлиқ бўлса моддий излар бўлиши мумкин.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, аксарият ҳолларда жабрланувчи ўзининг хотирасидаги, ўзгартирилган ҳақиқий ҳолатни, яъни идеал изларни, ўзининг маълумотларига кўпроқ ишонч ҳосил қилдириш учун моддий изларга айлантиради ва ўзини жиноят қурбони сифатида кўрсатади.

Агар гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувида кўрсатилган жиноий тажовуз объектида моддий излар аниқланса, унда уларнинг кўрсатувларини ёлғон эканлигини аниқлаш қийинлашади. Мисол учун, эшикни синдириш излари, пойафзал, бармоқ ва бошқа излар.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, ҳар қандай жиноят иши бўйича дастлабки терговни амалга оширувчи ваколатли мансабдор шахс иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилувчи ёлғон кўрсатувларни ўз вақтида тўхтатиш, содир этилган жиноят ҳодисаси ёки жиноятнинг идеал қиёфасини ўзгартириш сабабларини ёхуд унинг ҳолатлари ёлғон эканлигини аниқлаш учун уларни аниқлаш механизмларини ўзига хос ҳусусиятларини билиши керак.

АХУНОВ УЛУГБЕК АБДУМУТАЛОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари, мустақил изланувчи

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, бу масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асослантирилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, қонун устуворлиги, прокурор назорати, ҳуқуқий асослар, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

Аннотация: В данной статье анализируются вопросы совершенствования правовой базы прокурорского контроля за исполнением законодательства о безопасности пищевых продуктов в нашей стране, анализируется законодательный опыт зарубежных стран по данному вопросу. В результате анализа обоснованы предложения, направленные на совершенствование правовой базы обеспечения прокурорского контроля за исполнением законодательства о безопасности пищевых продуктов.

Ключевые слова: безопасность пищевых продуктов, правопорядок, прокурорский надзор, правовые основы, зарубежный опыт, совершенствование.

Abstract: This article analyzes the issues of improving the legal framework of prosecutorial control over the implementation of food safety legislation in our country, analyzes the legislative experience of foreign countries on this issue. As a result of the analysis, proposals were substantiated aimed at improving the legal framework for ensuring prosecutorial control over the implementation of food safety legislation.

Key words: food safety, law and order, prosecutorial supervision, legal framework, foreign experience, improvement.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини тизимли таҳлил этиш асосида уни янада такомиллаштириш, ушбу соҳада прокурор назоратини самарали таъминлашга хизмат қилади. Зеро, озиқ-овқат хавфсизлигига оид муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ўрганмасдан ва таҳлил қилмасдан соҳада прокурор назоратининг самарадорлигига эришиб бўлмайди.

Ҳуқуқшунос олимлар В.Б.Ястребов ва В.В.Ястребовлар прокуратура органлари фаолиятини энг муҳим ҳуқуқий асоси фақатгина Конституция ва прокуратура тўғрисидаги қонундан иборат деб таъкидлайди.[1]

Бизнинг фикримизча, мазкур таъриф билан тўлиқ келишиб бўлмайди, чунки норматив тусга эга бўлган ва прокуратура фаолиятига тааллуқли

[1] Вестн. Моск.Ун-та.Сер.11.Право.2022.№4 стр 39-61.

бошқа ҳужжатлар ҳам прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил қилади.

Профессор Ш.Х.Файзиев қонун ҳужжатларини 3 хил турга: умумий қонунлар; махсус қонунлар; муҳофаза аҳамиятидаги қонунларга ажратиб кўрсатган.[1]

А.Нигматов эса қонун ҳужжатларини 7 та гуруҳга ажратган.[2] Булар, Конституция, ҳалқаро ҳуқуқ нормалари (шартнома, конвенция, келишув), кодекс, Олий Мажлис ва Жўқорғи Кенгес қонунлари ва қарорлари, Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва йўриқномалари, махсус ваколатли давлат органларининг меъёрий ҳужжатларидир.

М.Т.Абдуҳакимов эса Президент қарорлари ҳам прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларидан бири сифатида ёндошиб, А.Нигматовнинг таснифига қўшимча киритади.[3]

Бизнинг фикримизга кўра, М.Абдуҳакимов томонидан қонун ҳужжатлари тизими нисбатан тўғрироқ ва соддароқ таснифланган.

Бироқ, ушбу таърифда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳуқуқ нормаларигина прокурор назоратининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилишини инобатга олиш лозим бўлади.

Россиялик олимлар, О.Калугина[4] ва Т.Ашиткова[5]лар ҳам ўз илмий ишларида, прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини А.Нигматовнинг таснифлашига ўхшаш ҳолда ўрганган.

Назаримизда прокурор назоратининг ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларидан келиб чиқиб, ушбу нормалар доирасини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги турларга бўлинади, яъни:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;

---

[1] Yer huquqi. Darslik. Mualliflar jamoasi // J.T.Xolmo’minov mas’ulligida. – Toshkent: TDYU. 2019. – B. 33-34.

[2] Нигматов А. Ер ҳуқуқи. схемалар, тушунчалар ва рақамларда. Ўқув қўлланма. // – Тошкент, Тошкент ислом университети. 2001. – Б. 26.

[3] Абдуҳакимов М.Т. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент. Бош прокуратура академияси. 2023. – 26 бет.

[4] Калугина О.В. Прокурорский надзор за исполнением земельного законодатеьства в Российской Федерации. Диссертация на степени канд-а юрид. наук. Сепц. 12.00.11. -Москва. 2013. -С. 21-30.

[5] Ашиткова Т.В. Прокурорский надзор за исполнением земельного законодательства. Дисс. на сосискание ученой степении канд. юрид. наук. 12.00.11. -Москва 2008. – С. 30-48.

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Юқоридагиларга кўра, озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда, мазкур муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини қуйидаги турларга бўлган ҳолда ва кетма-кетликда ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

I. Конституция.

II. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари.

III. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари.

V. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари.

VI. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

VII. Ваколатли давлат идораларининг (Қишлоқ хўжалиги, Кадастр агентлиги ва бошқалар) адлия идораларида рўйхатдан ўтган, умуммажбурий тусдаги ҳужжатлари;

VIII. Бош прокурор буйруқлари.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари албатта прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига ҳам бевосита боғлиқдир. Бундай ҳуқуқий ҳужжатларнинг асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек, уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Шубҳасиз, айнан ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар прокуратура органлари фаолияти, қонунлар ижроси устидан назорат, шу жумладан, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини ташкил этади.[1]

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари борасида юридик адабиётларда турли фикр-мунозаралар илгари сурилади.

Бурдуков П., Илюхин В.лар “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида” яхлит қонун қабул қилиш орқалигина озиқ-овқат хавфсизлигининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиш мумкин деб ҳисоблайди.

И.Джураевнинг фикрига кўра, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш жараёнида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан электрон ҳужжат алмашинувини кенг йўлга қўйиш барча соҳаларда қонунийликни таъминлаш, сифат ва самарадорликка эришиш учун хизмат қилади.[2]

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // https://lex.uz/acts/106197

[2] Джураев И.Б. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш // Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Тошкент. 2021. – Б. 80.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларига қисқача тўхталишдан олдин, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганидан то бугунги кунда кучда бўлган қонун ҳужжатлари қабул қилингунга қадар амалда бўлган озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларига тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ озиқ-овқат хавфсизлигига оид масалага алоҳида эътибор қаратиб, ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллантирилмоқда.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 16 январдаги "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим ўрин тутади.[1]

Шунингдек, Фармон билан “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши белгиланган бўлса-да, шу кунга қадар қабул қилинмаган.

“Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги ягона қонунчилик базасининг мавжуд эмаслиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида тегишли тарзда тасдиқланган нормалар ва қоидаларнинг тарқоқлиги ҳудудда прокурор назоратини амалга оширишга қаратилган фаолиятни ташкил этишда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Д.Н.Касимов Россия Федерацияси учун "Ғарб" санкциялари шароитида ва мамлакатнинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) киришини ҳисобга олган ҳолда, миллий даражада озиқ-овқат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш масалаларини тадқиқ этган. Ушбу олим озиқ-овқат хавфсизлиги доктринасидан ташқари, "Россия Федерациясининг озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида" махсус федерал қонун қабул қилинмаганлигини асосий камчилик ва қонунчиликда бўшлиқ сифатида баҳолайди.[2]

Аграр сиёсат, табиий ресурслар ва ер муносабатлари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Замиралов эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонундан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида минтақавий қонунни қабул қилиш лозим, деб ҳисоблайди.

Бизнинг фикримизча, рус олими Д.Н. Касимов “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги федерал қонунни қабул қилиш зарурияти ҳақидаги фикрлари билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ҳам “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги яхлит Қонун ҳужжатини қабул қилиш ва унда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалаларини кенг ёритиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур Қонуннинг мавжуд эмаслиги оқибатида бугунги кунда республикада озиқ-овқат хавфсизлиги билан шуғулланувчи ягона давлат

---

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2018 й., 06/18/5303/0579-сон.

[2] Касимов, Д. Н. Россия Федерациясида озиқ-овқат хавфсизлигини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш / Д. Н. Касимов. - Матн: тўғридан-тўғри // ёш олим. — 2020. — № 4 (294). 374-376 бетлар. - УРЛ: https://moluch.ru/archive/294/66830 / (кириш: 13.06.2023).

органлари ташкил қилинмаган, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмагани, озиқ-овқат баланси тартибга солинмагани учун амалда озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий хавф-хатарлар сақланиб қолмоқда.

Мисол учун, 2022 йилда мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш 101,3 фоизга бажарилгани қайд қилингани ҳолда, 2,9 млрд. долларлик маҳсулот импорт қилиниб, ўтган йилга нисбатан 37 фоизга (755 млн. долларга, 2017 йилга нисбатан эса 130 фоизга (1,2/2,9)) ортиб кетган.

Хорижий давлатларда озиқ-овқат хавфсизлиги устидан давлат назорати масалаларини алоҳида қонун ҳужжати билан тартибга солинишини ўрганиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Арманистон, Озарбайжон каби давлатларда озиқ-овқат хавфсизлигига оид ижтимоий муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга солинган, мазкур қонунларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш устидан давлат назорати масалалари алоҳида ёритилган.

Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеясининг 1999 йил 16 октябрдаги 14-пленар йиғилишида “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги намунавий қонун қабул қилинган.

Мисол учун, Туркманистон Республикасининг 2016 йил 23 ноябрдаги янги таҳрирдаги “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш устидан давлат назорати ёритилган бўлиб, унга кўра мазкур йўналишда давлат назорати аҳолини ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа хомашёси билан таъминлаш ва ушбу йўналишдаги давлат дастурлари ижросини таъминлашга қаратилган.

Мазкур қонунга мувофиқ озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан давлат назорати Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва бошқа ваколатли давлат органлар томонидан ваколат доирасида амалга оширилиши белгиланган.[1]

Бундан кўриниб турибдики, бошқа ваколатли давлат органлари жумласига прокуратура ҳам киритилиб, мазкур давлат органи озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларини Туркманистон Республикаси ҳудудида аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш учун масъул ҳисобланади. Шунингдек, Россия Федерацияси ва Белоруссия давлатларида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари алоҳида доктринада ёритилган.[2]

Назаримизда Ўзбекистон Республикасида ҳам “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ва унда ушбу соҳага масъул бўлган

[1] https://base.spinform.ru › show_doc
[2] https://rg.ru › documents › 2010/02/03 › prod-dok, http://www.mshp.gov.by › documents_animal-ru › view

органларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ белгилаш республикамизда прокурор назорати самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини назарий жиҳатдан икки туркумга, яъни умумий ва махсус қонун ҳужжатларига бўлиб ўрганиш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солувчи умумий қонун ҳужжатлари туркумига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Ер кодекси, “Рақобат тўғрисида”ги (2023), “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (1996), “Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида”ги (2021) қонунларни келтириш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатларига эса “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги (1997), “Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида”ги (2019) Қонунлар, Ўзбекистон Президентининг "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2018), “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги (2021) Фармонлари, “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021) Қарорлари кабиларни санаш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунлар ижроси устидан давлат назорати қонун ҳужжатларида қуйидагича акс эттирилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3699-сонли Қарори (ҳужжат 16.03.2019 йилда ўз кучини йўқотган) билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси тузилиб, унга озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини давлат буюртмасининг режали амалга оширилишига мувофиқ ҳажмларда шакллантириш бўйича талаблар бажарилиши, қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш каби вазифалар юклатилган эди.[1]

Мазкур Инспекция Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

[1] ҚММБ, 24.07.2018 й., 09/18/566/1562-сон.

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4241-сон қарори билан тугатилиб,[1] унинг ўрнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тузилди ва “озиқ овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат функцияси” чиқариб ташланиб, Инспекцияда фақатгина озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, шунингдек заҳирага жамғариш устидан назорат функцияси қолдирилди, холос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5006-сонли қарорига мувофиқ эса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш соҳасида самарали давлат назорати функцияси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилган.[2]

Шунингдек, 2021 йил 1 мартдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни назорат қилишга доир 110 та штат бирликларини қисқартириш ҳисобига вазирликка тўғридан-тўғри бўйсунувчи Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилган.[3]

Бугунги кунда, озиқ-овқат экинларини эқилиши, жойлаштирилиши ҳисоботлари қишлоқ хўжалиги вазирлиги, унинг вилоят ва туман бўлимлари томонидан юритилишини инобатга олсак, назаримизда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш устидан давлат назорати функциясини ҳам Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига берилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, вазирлик тизими ўзи томонидан юритилган озиқ-овқат маҳсулотлари тўлиқ эқилиши, етиштирилишига оид ҳисоботларни ҳаққонийлигини яна ўзи текшира олмайди. Бунинг оқибатида, бугунги кунда республикада озиқ-овқат экинлари тўлиқ экилмасдан, ҳисоботларга қўшиб ёзиш каби қонун бузилиши ҳолатлар кенг авж олган. Мисол учун, биргина, 2022-2023 йилларда куз - баҳор ойлари учун захирага жамғарилган маҳсулотларга 53 минг тонна қўшиб ёзилган.[4]

Ижро ва назорат функцияси бир вазирлик қўлида жамланиши, назорат идораси томонидан назорат функцияси ўз ҳолига ташлаб қўйилиши оқибатида, бу озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида прокурор назоратига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

---

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2019 й., 07/19/4241/2773-сон; 25.02.2021 й., 07/21/5006/0151-сон

[2] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.02.2021 й., 07/21/5006/0151-сон.

[3] ҚММБ, 25.02.2021 й., 07/21/5006/0151-сон.

[4] Бош прокуратуранинг Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича мониторинг жадваллари.

Хусусан, озиқ-овқат етиштириш устидан назорат функцияси юклатилган Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 1485 нафар, 9 349 та ҳоким ёрдамчилари, 644 нафар фермерлар кенгаши ходимлари, жами 11 478 нафар назоратчилар мавжуд бўлсада, улар томонидан сўнгги уч йил давомида ердан самарасиз фойдаланиш бўйича прокуратура органларига бор-йўғи 5 та қонун бузилиши ҳолати бўйича материал берилган, холос.[1]

Шу боис, озиқ-овқат экинларини эқилиши, етиштирилиши ва бу мақсадга ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назорати функциясини Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан "Ўзагроинспекция"га ўтказиш, инспекцияни эса вазирлик тизимидан чиқариш мақсадга мувофиқ. Шундагина, ижро ва назорат функциялари бир-биридан ажралиб, назорат идораси фаолияти мустақиллиги ва холислигига эришиш орқали самарадорлик таъминланади. Пировард натижада эса назорат идоралари фаолияти устидан прокурорлик назорати сифати ошади. Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилиши учун ажратилган ерлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини ўрганиш учун Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилиш талаб қилинганлиги оқибатида, қонунбузарликларнинг олдини олиш, ҳамда экин майдонлари устидан самарали назорат ўрнатишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5490-сонли Фармоннинг 2-иловаси 13-бандида, юридик шахслар томонидан ерлардан мақсадли фойдаланилиши, ижара шартномаси бўйича мажбуриятларга мувофиқ, улар томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини (ғўза, дон ва бошқалар) экиш бўйича ўрнатилган талабларга риоя этилишини назорат қилиш Бизнес омбудсманни хабардор қилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.[2]

Бундан ташқари, Ер кодексининг 83[1]-моддасига кўра, фақатгина ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ўзбошимчалик билан ер эгаллаш ҳамда ноқонуний қурилиш қилиш ҳолатлари бўйича давлат назоратини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмаслиги белгиланган. [3]

Ушбу қоидада, фақатгина ер билан боғлиқ уч хил йўналишдаги қонун бузилиши ҳолатлари кўрсатилганлиги оқибатида, ер майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги қонунчиликда қолиб кетган. Бунинг оқибатида, жазога тортилиши хавфидан қўрқиб назорат идоралари ходимларида озиқ-овқат хавфсизлиги

[1] Бош прокуратуранинг Назорат идоралари билан солиштирма жадваллари.
[2] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.07.2018 й., 06/18/5490/1584-сон
[3] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон.

билан боғлиқ ер қонун бузилишини аниқлаш, расмийлаштириш ва чора кўришдан қочиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Мисол учун, 2022 йилда 815 нафар агроинспекция ходимлари текшириш тартибини бузгани учун маъмурий жавобгарликка тортилган.[1] Оқибатда, 2020 йилда ердан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ 65,7 минг та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган бўлса, бугунги кунга келиб, 87 фоизга камайиб, ўтган йилда 8,4 мингтани ташкил қилган.

Юқоридагиларга кўра, Ер кодексининг 83[1]-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5490-сонли Фармонга тегишли ўзгартириш киритиш орқали ерлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ўрганиш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмаслиги ҳақидаги қоидани белгилаш лозим.

БАБАМУРАДОВ ДИЛШОД АБДУРАШИДОВИЧ
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРОБАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Сўнгги йилларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ (кейинги ўринда – ОМҚББ) бўлмаган жазоларни тайинлаш ва улар ижросини таъминлаш мамлакатимиз жиноят ва жиноят-ижроия сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда. Шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ жазоларни қўллаш ва ижро этишни қисқартириш мазкур сиёсатнинг ўзига хос хусусиятидир.

ОМҚББ бўлмаган жазоларни қўллаш зарурати халқаро тажрибада ҳам ўз аксини топган. Жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича БМТ VII конгресси (1985 йил) материалларида ОМҚни қўллашнинг салбий оқибатлари таъкидлаб ўтилган. 1990 йилнинг августида Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича БМТ VIII конгрессида ОМҚББ бўлмаган чораларга доир БМТ минимал стандарт қоидаларини маъқуллади ва улар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1990 йилнинг декабрида қабул қилинди. Мазкур Қоидаларда ОМҚББ бўлмаган чораларни қўллаш учун имконият яратишнинг асосий принциплари жамланган[2].

[1] https://biznesvakil.uz › .

[2] Inter-American Commission on Human Rights (IACHR), Special report on the human rights situation at the Challapalca prison in Peru, para 113; IACHR, Report No.41/99: Minors in Detention, Honduras, March 10 1999,

Шубҳасиз, XXI аср инсон ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган, мавжуд амалиётдан ташқарига чиқадиган, самарали ва таъсирчан бўлган, жазо тизимини бугунги кунда аксарият мамлакатларда чекланган тусга эга тор доирадан чиқарадиган янги жазо турларини татбиқ этишни талаб қилади.

Албатта, ОМҚнинг муқобил вариантлари ҳар қандай замонавий жазони ижро этиш тизимининг муҳим қисмидир, чунки қамоқ нафақат жиноятчиликка қарши курашишнинг самарасиз усули, балки шахс, ҳаттоки бутун жамият учун салбий ижтимоий оқибатларга олиб келади. Оғир жиноятлар содир этмаган жиноятчиларни қамоқда сақлаш мақбул жиноят сиёсати ҳам эмас, давлат учун ҳам муносиб танлов деб бўлмайди. Бунинг оқибати - ижтимоий алоқаларнинг бузилиши, аҳоли саломатлиги ва жамиятда ахлоқий муҳитнинг ёмонлашишидир. Ушбу муаммонинг иқтисодий жиҳати ҳам муҳимдир, чунки "қамоқ ёмон одамни янада ёмонлаштирадиган қиммат усулдир"[1].

Шу сабабли, тадқиқотчи М.Назаров тўғри таъкидлаганидек, жиноий жазолар тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жазоларни дифференциялаштириш йўли билан жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар ва механизмларни ишлаб чиқиш долзарб[2] ҳисобланади.

"Маҳкумларни ушлаб туриш шароитларининг шаффофлигини таъминлаш, ҳамда қийноқлар ва жисмоний зўравонликларнинг салбий оқибатларини олдини олиш учун тизимнинг 54 та ЖИЭМда 3280 та замонавий видеокузатув мосламалари ўрнатилди"[3], дейилади Ички ишлар вазирлиги баёнотида.

2020 йил 1 август ҳолатига кўра, АҚШда ҳар 100 минг кишидан 639 киши, Россияда 340, Туркияда 335, Белоруссияда 343 ва Ўзбекистонда 68 киши ЖИЭМда жазони ўтамоқда.[4] Қамоқ аҳолиси сонининг пасайишини ижобий динамикасига қарамай, шуни таъкидлаш керакки, ушбу аҳолининг катта қисми жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (кейинги ўринларда ЖК) жиноятчини жамиятдан ажратилмаган ҳолда жазолашга имкон берадиган бошқа жазоларни назарда тутган унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган ҳолда жамиятдан ажратиб қўйилган.

Ушбу ҳолатларда ОМҚ жазосининг муқобил чораларини қўллаш орқали биз маҳкумлар сонини камайтиришда яхши натижаларга эришардик. Бундан ташқари, давлат бу одамларни қамоқда сақлашнинг нормал шароитларини ҳам, кейинги жамиятга интеграциясини ҳам таъминлай олмайди, шу сабабли бу муаммо юридик мазмундан умумий жамият муаммосига айланиб улгурган.

---

para.135.; Смирнов Л.Б. Уголовно-исполнительная политика в сфере совершенствования правового регулирования исполнения уголовных наказаний: Дисс. …д-ра юрид. наук. – СПб., 2003. – С. 403.

[1]https://newsland.com/community/4765/content/tiurma-voobshche-to-slishkom-dorogoi-put-dlia-ukhudsheniia-che loveka/5796718

[2] М.Назаров. Назначение наказания в уголовном праве Республики Узбекистан. Автореферат дисс. докт. фил. юрид. наук (Doctor of Philosophy) - Ташкент – 2020 – Б.25.

[3] https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistondagi-tergov-hibskhonalarida-video-kuzatuv-vositalari-soni-nechta

[4]https://xs.uz/ru/post/garantirovannaya-zaschita-prav-i-svobod-cheloveka-schitaetsya-vazhnym-aspektom-osuschestvlyaemykh-reform

Шубҳасиз, муқобил жазоларни чет элда қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали Ўзбекистонда муқобил жазоларни қўллаш бўйича тавсиялар бериш мумкин. Аммо, ҳозирги кунгача миллий жиноят ҳуқуқи фанида муқобил жазоларни чет элда қўллаш соҳасида мустақил қиёсий ҳуқуқий тадқиқотлар амалда мавжуд эмас.

Ривожланган мамлакатларнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсати замонавий йўналиши маҳкумни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенг қўллашни назарда тутади.

Ҳозирги кунда жаҳонда қамоқхона индекси (ёки "қамоқхона аҳолиси" индекси), ҳар йили эксперт доираларда "World Prison Brief"[1] очиқ манбаси орқали муҳокама қилинади. Ушбу кўрсаткични пасайтиришга интилган ҳолда, кўплаб халқаро ҳужжатларда "қамоққа муқобил жазо чораларини жорий этишдаги ҳуқуқий тўсиқларни бартараф этиш мақсадида, қонунчиликни қайта кўриб чиқиш зарурлигига"[2] эътибор қаратилмоқда.

1990 йилги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ОМҚББ бўлмаган жазо чораларига оид минимал стандарт қоидалари (Токио қоидалари) муқобил жазолардан фойдаланишга раҳбарлик қилувчи асосий халқаро ҳужжатлардир. Қоидаларнинг 1.5-бандига биноан, "Аъзо-давлатлар ўзларининг ҳуқуқий тизимларида ОМҚ жазосидан фойдаланишни қисқартириш ва шахснинг ҳуқуқлари, талабларига риоя қилиш мақсадида жиноий одиллик сиёсатини мақбуллаштириш, ижтимоий адолат ва ҳуқуқбузарнинг жамиятдаги нормал ҳаётга қайтиш билан боғлиқ эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ОМҚББ бўлмаган бошқа чораларни ишлаб чиқишади". Қоидаларнинг 2.3-бандига кўра: "Ҳуқуқбузарликнинг моҳияти ва оғирлиги, шахснинг шахсияти ва келиб чиқишига, шунингдек жамиятни ҳимоя қилиш манфаатларига мувофиқ равишда жазонинг янада мослашувчанлигини таъминлаш ва қамоқ жазосидан асоссиз фойдаланишдан тийилиш мақсадида, жиноий адлия тизимида қамоққа ҳукм қилинмасликнинг судгача ва суддан кейинги кенг доираси назарда тутилиши керак"[3].

Пробация хизмати ва тегишлича унинг ҳудудий бўлинмалари 2019 йил 1 январдан бошлаб ўз фаолиятини олиб бормоқда. Шу ўринда, ўтган давр мобайнида Пробация бўлинмалари томонидан амалга оширилган ишларга рақамлар мисолида назар ташлайдиган бўлсак,

- ички ишлар органлари пробация бўлинмалари томонидан **61 053** нафар шахс назорат остига олинган бўлиб, шундан:
- ахлоқ тузатиш ишларида – **20 021** нафар,
- шартли ҳукм қилинганлар – **2 340** нафар,
- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар – **6 925** нафар,
- озодликни чеклаш – **9 767** нафар,

[1] http://www.prisonstudies.org/.
[2] Сборник документов Совета Европы в области защиты прав человека и борьбы с преступностью. Б. 125
[3] Левченко В.Н. Совершенствование альтернативных видов уголовных наказаний // Actualscience. – 2015. – Т. 1. – № 1. – Б. 132-134.

- мажбурий жамоат ишлари – **137** нафар ва шартли озод қилинганлар – **21 863** нафарни ташкил этади[1].

Кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида назорат остидаги **53 393** нафар шахслар ҳисобдан чиқарилди.

Демак, пробация хизмати вазифаларидан энг асосийси – бу ОМҚББ бўлмаган жазоларни ижро этиш бўйича фаолиятини амалга оширишдир.

Амалдаги жиноят қонунчилигида жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг анча кенг рўйхати мавжуд, аммо бу рўйхат тизимли камчиликларга эга. Олимлар ҳақли равишда айрим жазо турлари репрессив таъсири билан жазо тизими умумий иерархиясидаги ўрни ўртасидаги фарқ мавжудлиги; жазоларнинг ўзаро муқобил эмаслиги ёки бунинг номувофиқлиги ва бошқа муаммоларни таъкидлайди.[2]

Бизнингча, ЖКнинг 43-моддасида муқобил жазоларнинг ички изчил тизимини яратиш керак. Муқобил жазоларнинг тизими аҳлоқан тузатиш қобилияти ва профилактик хусусиятларга эга бўлган жазо турлари мажмуасидан иборат бўлиши керак.

Турли хил муқобил жазоларнинг репрессив салоҳиятини таққослаш, озодликни чеклаш амалда уларнинг энг енгили деган хулосага келишга имкон беради. ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган жазолар рўйхатида **ахлоқ тузатиш ишлари** қайд этилган. Жазо ўташ жойи Пробация органлари билан келишилган ҳолда маҳаллий ҳокимият томонидан белгиланади. Кўплаб маҳкумлар ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан қасддан қочишади ва уларни ОМҚ тарзидаги жазодан устун қўйишади.[3]. Маҳкумнинг асосий иш жойида ахлоқ тузатиш ишларини бажариш амалиёти ҳам идеал кўринмайди.

Пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазосини ижро этиш фаолиятидаги навбатдаги муаммоси қонунчиликдаги бўшлиқ ва номувофиқликлар сифатида ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг ЖКда назарда тутилган тартибда енгилроқ ёки оғирроқ жазога алмаштиришдаги муддатларда кўринади. Қонун чиқарувчи ЖКда жазо тизими, турлари ва уларни тайинлашнинг энг кам ва энг кўп муддатини аниқ белгилаган ва ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг энг кам муддати сифатида олти ойни ва энг кўп муддати сифатида уч йилни белгилаган.

Бироқ ушбу масаладаги муаммонинг моҳияти судлар томонидан ЖКнинг 74-моддаси (Жазони енгилроғи билан алмаштириш) тартибида озодликдан маҳрум этилган ёки озодлиги чекланган шахсларга нисбатан суд жазонинг

---

[1] https://iiv.uz/oz/news/probatsiya-xizmati-dastlabki-bir-yillik-faoliyat-natijalari--va-kelgusidagi-rejalar

[2] Уткин В. А.Основания и пути модернизации системы наказаний/Вестн. Томск. гос. ун-та. 2011. № 349.

[3] Витвицкая С. С., Осадчая Н. Г. Обязательные работы, назначаемые за преступления в сфере экономической деятельности: законодательный и правоприменительные аспекты // Вестн. Калининград. фил. С.-Петерб. ун-та МВД России. 2014. № 3 (37). – Б.29.

ўталмаган қисмини енгилроқ жазо сифатида ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо билан алмаштиришида намоён бўлади.

Пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазосини ижро этиш фаолиятидаги навбатдаги муаммо сифатида ушбу жазонинг иш жойига эга бўлмаган шахсларга ҳам тайинланиши мумкинлигини кўрсатиш мумкин. Иш жойига эга бўлмаган шахсга иш ҳақининг белгиланган қисмини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишни назарда тутувчи ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг тайинланиши қатор муаммоларга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, ушбу ҳолатни собиқ иттифоқдан мерос қолган салбий иллатлардан бири сифатида қаралиб, ўша даврларда хусусий мулк бўлмаганлиги, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳаммаси давлатга қарашли бўлганлиги билан изоҳлаш, бизнингча мантиқий жиҳатдан тўғри бўлади. Собиқ иттифоқдан мерос бўлиб келаётган ушбу салбий иллатнинг ҳанузгача сақланиб қолганлиги ва натижада бу борада бўшлиқларнинг юзага келаётганлиги турли сохтакорликларга олиб келмоқда. Масалан, шахс ўзига олдиндан таниш бўлган шахснинг хусусий корхона, муассаса ёки ташкилотига ишга кирганлигини расмийлаштиради ва унга кам ойлик ёзилиб, арзимаган чегирма суммасини давлатга ўтказиб, ўз шахсий ишлари билан шуғулланиб юради. Таҳлиллар ва ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг иш жойига эга бўлмаган шахсларга тайинланиши мумкинлиги бўйича бир қатор мутахассислар ҳам ўзларининг танқидий муносабатларини билдиришган.

Хусусан, С.М.Зубарев ва С.В.Романова ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг иш жойига эга бўлмаган шахсларга тайинланиши ушбу жазонинг самарадорлигини анча пасайтиради деб муносабат билдиришади[1]. Пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазосини ижро этиш фаолиятидаги навбатдаги муаммо сифатида шахснинг суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлашидаги муддат билан (жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товлаган бўлиши), шунингдек ушбу ҳолат расмийлаштирилганидан сўнг суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки ОМҚ тариқасидаги жазо билан алмаштиришида кўринади.

Тадқиқотчи И.Рузиев фикрига кўра, шахсларга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазосини ижро этиш жараёнида муаммо юзага келмоқда. Яъни, маҳкумнинг суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлашидаги муддат билан (жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товлаган бўлиши) шунингдек, ушбу ҳолат расмийлаштирилганидан сўнг суд ахлоқ тузатиш ишларининг

[1] Романова С.В. Актуальные проблемы назначения уголовного наказания в виде исправительных работ // Концепт. – 2014. – № 06 (июнь). – ART 14149. – 0,5 п. л. – URL: http://e-koncept.ru/2014/14149.htm. – Гос. рег. Эл № ФС 77-49965. – ISSN 2304- 120X. (Romanova S.V. Aktualnыe problemy naznacheniya ugolovnogo nakazaniya v vide ispravitelnyx rabot).

ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки ОМҚ тариқасидаги жазо билан алмаштиришида кўринади[1].

Жумладан, ушбу ҳолатда И.Рузиев иккита муаммони кўради: 1) ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлашнинг аниқ механизмларининг қонунчиликда акс этмаганлиги, фақатгина бўйин товлашнинг муддатлари билан боғланганлиги, шунингдек ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товлаганлик муддатларининг ҳар-хиллиги; 2) маҳкумнинг ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлаганлиги расмийлаштирилгандан кейин ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга бир-бирларига оғирлиги нуқтаи-назаридан тўғри келмайдиган озодликни чеклаш ёки ОМҚ тариқасидаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги ва бу инсон омилига боғлиқлиги туфайли коррупцион вазиятни юзага келишига замин яратаётганлиги.

Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида, тадқиқотчи амалдаги Жиноят кодексининг 46-моддаси тўртинчи қисм диспозициясини "...шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки ОМҚ тариқасидаги жазо билан алмаштиради" деган мазмунда ўзгартиришни таклиф этади.

Бизнингча, бу ерда тадқиқотчи бу муаммога ёндашишда ўз фикрига қарши чиқмоқда, яъни берилган таклифида бир-бирларига оғирлиги нуқтаи-назаридан тўғри келмайдиган озодликни чеклаш ёки ОМҚ тариқасидаги жазога алмаштирилиши масаласини ҳал этишга умуман ечим берилмаган, шунингдек, коррупциявий муносабатларни олдини олиш юзасидан ечим ҳам кузатилмайди.

Фикримизча, бу муаммони ҳал этишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

Биринчидан, аҳлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисми учун бошқа жазони белгилашда маҳкумнинг ёши, шахси, иш жойидан тавсиф, жазони ўтамаслик сабаблари ва бошқаларга алоҳида ёндашишни қонунда белгилаш;

Иккинчидан, жазонинг ўталмаган қисми учун бошқа жазони белгилашда ОМҚ жазосини фавқулодда ҳолатлардагина қўллаш;

Учинчидан, жазони қўллашда ҳам одиллик, ҳам самарадорликка эришиш учун, озодликни чеклаш ва ОМҚ жазоларини тенг деб белгилаш мумкин эмас (бу эса, ЖК 61-моддасига ўзгартириш киритишни талаб этади);

Тўртинчидан, коррупциявий жиҳатларни йўқотиш учун жамоат назорати институтини кучайтириш ва пенитенциар тизимда ошкоралик ва очиқлик тамойилларини рўёбга чиқариш лозим.

---

[1] И.Рузиев. Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг тартибга солиниши // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 3 (2021) / - Б.139-144.

Хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида, ушбу жазо турлича ёндашувлар асосида ҳуқуқий тартибга солинган. Жумладан, Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида “Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси асосий иш жойига эга бўлган ва иш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланиб, асосий иш жойига эга бўлган маҳкумлар ахлоқ тузатиш ишини ўз иш жойида ўтайди. Асосий иш жойига эга бўлмаган маҳкумлар жазони Пробация органи билан келишилган холда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари белгилаган жойда ишга жойлаштириш орқали ўталади”[1].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, **Жиноят кодексининг 50-моддаси 1-қисмининг аҳлоқ тузатиш ишлари фақат доимий иш жойига эга бўлган шахсларга тайинлаш** имкониятини назарда тутишни таклиф қиламиз. Ушбу жазонинг мақбул бажарилишини таъминлаш учун Жиноят-ижроия кодексига ташкилотларнинг маъмуриятига ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган шахсларни ишдан бўшатишни тақиқловчи нормани киритиш керак.

Шунингдек, МДҲ давлатлари жиноят қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг номи, моҳияти бир хил тарзда белгиланган бўлса-да, мазкур жазо бир-биридан тайинланадиган шахслар доираси, маҳкумга нисбатан белгиланган чекловлар ва бошқа жиҳатлари билан фарқ қилади.

Биринчидан, Россия Федерацияси, Озарбайжон[2], Арманистон[3], Қозоғистон[4], Қирғизистон[5], Грузия каби давлатлар жиноят қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қўллаш натижасида 5 фоиздан 20 фоизгача маҳкумнинг даромадидан давлат фойдасига ушлаб қолинадиган сумма миқдори назарда тутилган бўлса[6], Украина жиноят қонунчилигида 10 фоизидан 20 фоизигача[7], Белоруссия жиноят қонунчилигида 10 фоизидан 25 фоизигача[8], Тожикистон жиноят қонунчилигида 10 фоизидан 30 фоизигача белгиланган[9].

---

[1] Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред.от 01.04.2020)[Элек. ресурс]. Режим доступа: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/fd830e7cf3c0e1074ca35a580314701483ff611a// (дата обращения: 01.03.2021).

[2] Уголовный кодекс Азербайджанской Республики от 27.06.1996 г м № 1626-VQD (ред. от 01.04.2019) [Электронный ресурс] Режим доступа: http://continentonline.com/Document/?doc_id=32718499#pos = 0;0 (дата обращения: 01.03.2021).

[3] Уголовный кодекс Республики Армения от 01.07.1998 г. №ЗР-72 [Электронный ресурс] Режим доступа: http://base.spinform.ru/ show_doc.fwx?rgn=7472(дата обращения: 01.03.2021)

[4] Уголовный кодекс Республики Казахстан от 16.07.1997 г№ 226-V ЗРК(ред. от 01.04.2020) [Электронный ресурс] Режим доступа: https://zakon.uchet.kz/rus/docs/K1400000226

[5] Уголовный кодекс Кыргызской республики 22.12.2016г. №19 (ред. от 03.04.2020) [Электронный ресурс]. Режим доступа http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111527 (дата обращения: 01.03.2021).

[6] Уголовный кодекс Грузии 01.10.2019 г. N5041 [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://www.legislationline.org/download/id/8541/file/Georgia_CC_2009_amOct2019_ru.pdf(дата обращения: 01.03.2021).

[7] Уголовный кодекс Украины от 20.12.2019 г (ред. от 01.04.2020) [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://meget.kiev.ua/kodeks/ ugolovniykodeks/(дата обращения: 01.03.2021).

[8] Уголовный кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 года № 275-З (ред. от 11.11.2019г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30414984 (дата обращения: 01.03.2021)

[9] Уголовный кодекс Республики Таджикистан 21 мая 1998 года, № 575 (ред. от 02.01.2020) [электронный ресурс]

Иккинчидан, Грузия (ЖК45-м.) ва Арманистон (ЖК 56-м.)да ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати бўйича бир ойдан икки йилгача, Россия Федерацияси (ЖК 50-м.,2-қ.), Озарбайжон (ЖК 49-м., 1-қ.), Қозоғистон (ЖК 43-м.,1-қ.), Тожикистон (ЖК 52-м.,1-қ.)да икки ойдан икки йилгача, Беларусь (ЖК 52-м.,1-қ.) ва Украина(ЖК 57-м., 1-қ.)да олти ойдан икки йилгача, Қирғизистон(ЖК 462м., 2-қ.)да эса уч ойдан уч йилгача муддат белгиланганлигини кузатиш мумкин[1].

Учинчидан Украина (ЖИК 43-м.,3-қ.)да ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ бошланиш муддати маҳкум жазони ўтайдиган ташкилот ҳукм нусхасини олган пайтдан бошлаб, Россия Федерацияси (ЖИК 39-м., 2-Қ.)да эса маҳкум ишга чиққан биринчи кундан бошлаб жазони ўташ бошланиши белгиланган[2].

Хорижий давлатлар жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталишини назорат қилувчи органлар ҳам турлича белгиланганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Озарбайжон (ЖИК 48-м.,2-қ.) да жазонинг маҳкум томонидан ўталиши суд ижрочиси томонидан, Украина (ЖИК 41-м.,3-қ.) ахлоқ тузатиш ишлари жазосини назоратини пробация органи томонидан, Россия Федерацияси (ЖИК 39-м., 1-қ.), Беларусь (ЖИК 38-м.,1-қ.), Арманистон, Қозоғистон ЖИКда эса, жазони ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилиши белгилаб берилган. Мазкур давлатлардан фарқли равишда мамлакатимиз қонунларига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўталишини назорат қилиш ИИО пробация хизмати томонидан амалга оширилади.

РАШИДОВ ШАВКАТБЕК РАВШАНБЕК ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИГИ

Аннотация : Мақолада транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги тушунчаси, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳамда ушбу жиноятларнинг ижтимоий салбий оқибатлари ёритилган.

Калит сўзлар: БМТ конвенцияси, йўл ҳаракати қоидалари, транспорт воситаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги.

[1] И.Рузиев. Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг тартибга солиниши // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 3 (2021) / - Б.139-144.
[2] И.Рузиев. Ўша жойда.

Аннотация: В статье рассмотрены нарушения правил дорожного движения или их применения, понятия безопасности дорожного движения, а также обеспечения безопасности дорожного движения, а также негативные социальные последствия этих преступлений.

Ключевые слова: Конвенция ООН, правила дорожного движения, транспортное средство, безопасность дорожного движения.

Abstract: The article discusses violations of traffic rules or their application, the concept of road safety, as well as ensuring road safety, as well as the negative social consequences of these crimes.

Key words: UN Convention, traffic rules, vehicle, road safety.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач замонавий талаблар ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда йўлларда ҳаракатланишнинг янги қоидаларини ишлаб чиқиш зарурати вужудга келганлиги боис, 1994 йилда БМТнинг 1968 йилда қабул қилинган “Йўлларда ҳаракатланиш тўғрисидаги”[1] ва «Йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги» Конвенциялари[2], ҳамда бошқа ривожланган давлатлар тажрибасини инобатга олиб “Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари”нинг янги таҳрирдаги матни тайёрланган эди. Шундан сўнг 1999 йил 19 августда “Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги”[3] Қонуни (2013 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-348-сон Қонуни билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган)[4] қабул қилинди. Шу муносабат билан барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ушбу қонунга зид норматив ҳужжатлари унга мувофиқлаштирилди, баъзилари бекор қилинди. Жумладан, Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги Қарори билан “Йўл ҳаракати қоидалари”[5] тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2016 йилнинг 1 мартдан бошлаб бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидалари[6] амалга киритилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг шартлари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлинмас экан, унинг асосий объекти сифатида “йўл ҳаракати хавфсизлиги”ни бошқа турдаги фаолиятдан фарқлаш очиқлигича қолиши мумкин.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси муаллифлар жамоаси. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлар. Ўқув методик кўлланма. Тошкент 2023. Б-7.

[2] Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси муаллифлар жамоаси. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлар. Ўқув методик кўлланма. Тошкент 2023. Б-7.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 19.08.1999 йилдаги ЎРҚ-818-I-сон (Электрон манба) https://lex.uz/acts/24741 (мурожаат қилинган вақт: 15.04.2024)

[4] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 10.04.2013 йилдаги ЎРҚ-348-сон (Электрон манба) https://lex.uz/docs/2153411 (мурожаат қилинган вақт: 15.04.2024)

[5] Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 11.12.2000 йилдаги 472-сон (Электрон манба) https://lex.uz/docs/393128 (мурожаат қилинган вақт: 15.04.2024)

[6] Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 01.03.2016 йилдаги 370-сон (Электрон манба) https://lex.uz/acts/2850459 (мурожаат қилинган вақт: 15.04.2024)

Ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари унинг тушунчаси моҳиятини англаб олишга қаратилган тадқиқотларни ўрганишни ҳамда улар асосида илмий хулосалар ишлаб чиқишни тақозо этади. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, назарияда "йўл ҳаракати хавфсизлиги" тушунчаси борасида турли даврларнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда юридик таърифлар ишлаб чиқилганлигини кузатиш мумкин. Бу борадаги таҳлиллар ушбу тушунчага берилган таърифларнинг мукаммал эмаслигини ҳамда сўнгги ислоҳотларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда янгисини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги" йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлиги даражасини акс этувчи, йўл ҳаракати ҳолатини англатади. Йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТҲ) транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодисадир. Қисқача айтганда, бу ўрнатилган йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг салбий оқибатидир[1][7].

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги" тушунчаси, унинг моҳияти ва белгиларини англаб етиш, ҳуқуқшуносларимизнинг доимий эътиборида бўлиб келган. Лекин ушбу муаммога бўлган қизиқишларнинг юқорилиги, олиб борилган кўплаб тадқиқотларга қарамасдан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тушунчасининг таърифи ҳамон баҳс талаб бўлиб қолмоқда. Ҳозирга қадар ҳуқуқшунослар унинг ягона таърифини ишлаб чиққан эмас. Йўл ҳаракати хавфсизлиги тушунчасига берилган юридик таъриф билан бир қаторда бошқача қарашлар ҳам йўқ эмас.

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги" тушунчасига турлича ҳуқуқий таърифларнинг берилганлиги унинг мазмунида бўладиган доимий ўзгаришлар билан изоҳланади. Бу ҳар қандай ҳодисанинг табиий ҳолатидир. Йўл ҳаракати хавфсизлигининг мазмуни давлат ривожланишининг ўзига хос тарихий шарт-шароитлари, унинг аҳамияти ва қонунчиликни тартибга солиш ҳолати билан ҳам белгиланади. Шу сабабли, ўтган асрнинг 90-йилларда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар оқибатида XX асрнинг охирларида шаклланган ушбу атаманинг моҳияти, собиқ Иттифоқ давридаги тушунча мазмунидан тубдан фарқ қилади[2][8].

Бундан ташқари, атаманинг илмийлиги тўғрисидаги баҳслар, "махсус тадқиқот методлари"ни ишлаб чиқишда қарама-қаршиликлар, йўл ҳаракати хавфсизлигини тушунишдаги муаммолар, ушбу соҳадаги ҳукмрон қарашлар

---

[1] Тультеев И., Раззоков М. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари // "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашувлар" Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – Б. 183–187.

[2] Майоров В. П. Государственно-правовое обеспечение безопасности дорожного движения в Российской Федерации: теоретико-прикладные проблемы. - Челябинск, 2007. – С. 8.

мунозарали эканлигини кўрсатмоқда. Турли илмий қарашларга эга тадқиқотчилар ўз оппонентларининг далилларини тушунмаслиги мумкин, чунки бу далиллар бошқа бир таҳлилий фикрлар, норматив кўрсатмалар, фойдаланилаётган моделлар тизими асосида яратилган.

Ўзбекистон Республикасида йўл-транспорт ҳодисаларининг юқори кўрсаткичларига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимидаги муаммолар сифатида, давлат сиёсати, молиялаштириш, рағбатлантириш, худудий даражадаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни янада такомиллаштириш соҳасида тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларининг самараси етарли даражада эмаслигини келтириш мумкин.

Қачонки юқорида келтирилган муаммолар ўз ечимини топса ёки бартараф этилса йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ва бу жиноятнинг содир этилиши натижасида етказиладиган зарарлар миқдори сезиларли даражада камайишига эришишимиз мумкин бўлади.

ОБЛАКУЛОВ ДАВЛАТ ОЛТИНБОЕВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси мустақил изланувчиси

ТИЖОРАТДА ПОРА ЭВАЗИГА ОҒДИРИБ ОЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ СУБЪЕКТИ:МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация: Мазкур мақолада тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг жиноят субъекти масаласи очиб берилган. Бу борада халқаро стандартлар ва олимларнинг фикрлари ўрганилиб, ўзига хос фикрга келинган.

Калит сўзлар: пора, субъект, ақли расо, жисмоний шахс, юридик шахс.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 16-моддасида ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади, деб белгиланган.

Жиноят таркиби тўртта элементдан, яъни объект, объектив томон, субъект ва субъектив томондан иборат эканлиги маълум.

Жиноят таркибининг мажбурий ва зарурий элементлари қаторига жиноятнинг субъекти ва жиноятнинг субъектив томонидан иборат гуруҳга бирлашган жиноятнинг субъектив белгилари ҳам киради. Ўз навбатида содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишни муайян жиноят сифатида квалификация қилиш учун нафақат мазкур жиноят таркибининг объект ёки объектив томони мавжудлигини белгилаш лозим, балки унинг жиноят-ҳуқуқий меъёрларда кўрсатилган субъектив белгиларини ҳам аниқлаш жоиз.

Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг комплекс ва кўп тарафлама таҳлилидан келиб чиқадиган бўлсак, бу жиноятнинг субъектини ҳам таҳлил қилиш лозимдир.

Жиноятнинг субъекти деганда, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган ва жиноят қонунида белгиланган ёшга етган ақли расо жисмоний шахс тушунилади[1].

Қайд қилиш лозимки, жиноятчиликни, хусусан, унинг айрим турларини келтириб чиқарувчи сабабларини аниқлаш, аввало, жиноятчи шахсини пухта ўрганишни тақозо этади.

Шу билан бир қаторда, жиноят субъекти тушунчасини жиноятчи шахси криминологик тушунчасидан фарқлайди. Жиноятчи шахси тушунчаси жиноий хулқ-атворга ташқи тарафдан сабаб бўлган, ижтимоий аҳамиятга касб этувчи хусусиятлар, белгилар билан характерланади[2].

ЖКнинг 17-моддасига асосан, жисмоний шахсларгина жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу борада айрим муаллифлар ишларида (биз ҳам юридик шахслар жавобгарлигини айрим жиҳатларига тўхталиб ўтганмиз[3]) коррупциявий, иқтисодиёт ва экология соҳасидаги жиноятлар учун юридик шахсларнинг ҳам жиноят субъекти деб қараш масаласи ёритилган[4].

Амалдаги жиноят қонунига мувофиқ, фақатгина 1) ЖКнинг Махсус қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган, 2) жиноят содир этгунга қадар ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланган ёшга тўлган, 3) жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган ақли расо жисмоний шахсгина жиноят субъекти бўла олади.

Жиноят содир этгунга қадар жиноий жавобгарлик белгиланган ёшга тўлган жисмоний шахсларгина жиноий жавобгарликка тортилиши ЖКнинг 17-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Жиноят субъекти сифатида жиноий жавобгарликка тортиш ёшига тўлган шахсларнигина жиноий жавобгарликка тортилиши ўзининг ривожланиш ҳолатига кўра ижтимоий хавфли қилмиш содир қилишнинг тақиқланишини англаши билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 15.09.2000 йилдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги суд амалиёти тўғрисида”ги №21-сонли қарорига кўра, судлар ЖПКнинг 548-моддасига кўра вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим

---

[1]Очилов Х.Р. Саволлар ва жавоблар (умумий қисм). Ўқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 39

[2]Алексеев А. И. Криминология: курс лекций. – М., 1998. – С. 84.

[3]Д.О.Облакулов Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масалалари//Зиёкор №8 (156)2010. Б.12-18. Д.Облакулов “Юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масалалар” Yoshlar olami gazetasi №7(122)09.04.2009 йил., Д.Облакулов, И.Мустанов Халқаро жиноят ҳуқуқи. Монография. Т.:Адолат 2013

[4] Якубов А.С. Теоретические перспективы развития уголовно-правовой основы учения о преступлении. – Ташкент, 1996. – С. 5-26.; Исмаилов Б.И. Коррупцияга қарши кураш борасида хорижий давлатлар амалиёти ва ҳалқаро стандартлар тизими шаклланиши.// Ўқув қўлланма.-Т.: 2019.,150б.; Ғ.А.Алимов Юридик шахсларнинг коррупцион ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлигини тартибга солувчи халқаро стандартлар тизими //Монография.-Т. 2019.160 б, Ф.М.Фазилов Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари ю.ф. ф. д (PhD) Дисс. Автореф.Т.: – 2020. Б.37

бўлган ҳолатлар қаторига ёшини ва шахсини аниқлашлик ҳам киришини назарда тутишлари зарур. Айни вақтда, шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг нол соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланади[1].

Судлар ишда албатта вояга етмаганларнинг туғилиш гувоҳномаси ёки паспортидан фотонусха мавжудлигига аҳамият беришлари керак. Ишда бундай ҳужжатлар йўқлиги аниқланган тақдирда суднинг ўзи бундай камчиликни бартараф қилиши зарур.

Судланувчининг ёши суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланаётганда, унинг туғилган куни деб, экспертлар аниқлаган йилнинг охирги куни ҳисобланади. Ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан аниқланганда, суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим[2].

Умумий қоидага кўра ўн олти ёшга тўлган жисмоний шахслар жавобгарликка тортилиши мумкин (ЖК 17-моддаси). Бунда шахснинг айни шу пайтга келиб ўзи томонидан содир қилинадиган ҳаракатларининг моҳияти ва аҳамиятини ҳамда унинг ижтимоий хавфлилигини тушуниш имкони пайдо бўлади.

ЖКнинг 192[9] –моддасида кўрсатилган “тижоратда пора эвазига оғдириб олиш” жинояти бўйича субъект ёши 16 ёшни ташкил қилади.

Шу ўринда “нега ЖКнинг 210-моддасида кўрсатилган жиноят учун субъект ёши 18 ёш, 192[9]-моддасида кўрсатилган жиноят учун субъект ёши 16 ёш қилиб белгиланган?” деган савол туғилиши табиий ва биз мазкур саволларга қуйдагича жавоб берамиз.

ФКнинг 28-моддасида ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкинлиги белгиланган.[3] Демак, шахс эмансипация ҳолатида тадбиркорлик билан шуғулланиши мукин.

Шунингдек, “Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига кўра, агар қонунчиликда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ўн саккиз ёшга тўлган жисмоний шахслар, шунингдек, юридик шахслар нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) бўлиши мумкин. Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига ўн тўрт ёшга тўлган шахслар, болаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига эса ўн ёшга тўлган шахслар аъзо бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотига аъзо бўлиш, аъзоликдан маҳрум бўлиш шартлари ва

[1] https://lex.uz/uz/docs/1449720 Кириш санаси 06.03.2024 йил
[2] https://lex.uz/docs/1449720 Кириш санаси 06.03.2024 йил
[3] https://lex.uz/acts/111189 Кириш санаси 06.03.2024 йил

тартиби, шу жумладан ёшига, кўра аъзоликдан чиқиш шартлари тегишли нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставлари билан белгиланади[1].

Нодавлат тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларда ишга қабул қилиш тартиби унинг ўзининг ички тартиб қоидалари асосида белгиланиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, қонун чиқарувчи ЖКнинг 192[9]-моддаси жиноят субъект ёшини умумий субъект ёши 16 ёш қилиб белгилаши мантиққа тўғри. Қонунчиликдаги бундай қарор, бизнингча, асосли ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ЖКнинг 192[9]-моддаси 2 ва 4 қисмдаги (5-қисм) жиноят субъекти фақат махсус субъект: нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахси ҳисобланади.

Қайд қилиш лозимки, давлат иштирокидаги ташкилот, яъни устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти, тўлиқ ёки қисман давлат органи ёки давлат ташкилоти томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти мансабдор шахслари порахўрлиги ЖКнинг 192[9]-моддаси билан квалификация қилинмайди, аксинча ЖКнинг 210-моддаси билан жавобгар бўлади.

Бироқ, давлат иштирокидаги тижорат ташкилотлари томонидан ташкил этилган корхоналарни давлат иштирокидаги ташкилот деб ҳисоблаш мумкинми? Уларни мансабдор шахслари порахўрлиги ЖКнинг 210-моддасида ёки ЖКнинг 192[9]-моддаси билан квалификация қилинадими? деган савол баҳсли ҳисобланади, қоида тариқасида бу тижорат ташкилоти бўлиб, унинг устав капиталида бевосита давлат улуши бўлмайди, аслида мазкур корхоналар мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади, бироқ давлат иштирокидаги ташкилотга бўйсуниши ва жавобгарлигини кузатишимиз мумкин, бу эса ўз навбатида тегишли жавобгарликни назарда тутиши керак[2].

Бизнинг фикримизча бу борада Олий суд Пленуми қарорида аниқ тушунтириш бериб ўтиш керак.

Кези келганда қайд қилишимиз лозимки, назаримизда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сонли “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорини[3] ЖК 192[9]-моддасини ҳам қамраб олган ҳолатда қайта қабул қилишга эҳтиёж мавжуд. Бу ҳақда миллий тадқиқотчи олимлардан Е.В.Коленко ва С.А.Бойдедаевлар[4] ҳам ўз фикрларини билдирганлар.

Нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти хизматчисининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб

---

[1] https://lex.uz/acts/11360 Кириш санаси 06.03.2024 йил

[2] Е.В.Коленко Ответственность за получение взятки:перспективы совершенствования уголовного законодательства Республики Узбекистан с учетом международных стандартов. Дисс.д.ф.ю.н. (Phd) Т.: – 2023

[3] https://lex.uz/docs/1449106 Кириш санаси 06.03.2024 йил

[4] С.А.Бойдедаев Коррупцияга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари ю.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси Автореф. Т.: – 2023

олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, у ЖКнинг 192[9]-моддаси билан эмас, ЖКнинг 192[10]-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

ЖКнинг 192[9]-моддаси 2-қисмидаги субъекти махсус субъект белгиларининг ўзига хослиги шундаки, улар жиноят таркибининг конструктив белгиси сифатида ҳаракат қилади, уларсиз бу композиция мавжуд эмас. Бу шуни англатадики, умумий субъект белгиларидан ташқари, мажбурий бўлган қўшимча, махсус белгилар бўлиши керак.

Жиноятнинг махсус субъекти бу муайян жиноят учун жавобгарликка тортиш учун жиноят субъектининг зарурий белгилари (ақли расолик ва жиноий жавобгарликка тортиш ёшига тўлганлик)дан ташқари қўшимча бошқа шахсларни бундай жиноят учун жавобгарликка тортишни чегараловчи белгиларга ҳам эга бўлган субъект тушунилади[1].

Профессор Қ.Р.Абдурасулованинг таъкидлашича, жиноятнинг махсус субъекти тушунчасига жиноятнинг умумий субъекти белгилари билан бир қаторда, қўшимча белгиларга ҳам эга бўлган шахсдир, деб берилган таъриф назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.[2]

Юқоридагиларни умумлаштириб айтиш мумкинки, мамлакатимиз ЖКнинг 192[9]-моддаси 1 ва 3-қисмлар учун назарда тутилган жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс, ЖКнинг 192[9]-моддаси 2 ва 4-қисмида назарда тутилган жиноят субъекти эса ўн олти ёшга тўлган, ақли расо, фақат махсус субъект: нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахси ҳисобланади.

Бироқ, БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенциясининг 26-моддаси талаби, шу билан бир қаторда Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истамбул ҳаракатлар режасининг тавсияларига кўра, юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқлаштириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасида “юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади” дея мустаҳкамланган.[3] Бироқ қайд қилиб ўтганимиздек, ЖКнинг 17-моддасига асосан юридик шахслар жиноий жавобгарлик субъекти ҳисобланмайди.

Мамлакатимизда юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи юзасидан олимларимиз томонидан бир қанча таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, тадқиқотчи Е.В.Коленко порахўрлик субъектини фаол порахўрлик, яъни пора бериш борасида унинг концепциясини юридик

[1] Устименко В. В. Специальный субъект преступления. –Харьков, 1989.–С. 8.
[2] Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 34.
[3] https://lex.uz/docs/3088008 Кириш санаси 06.03.2024 йил

шахслар – тижорат ташкилотларини ҳам қамраб олиш орқали кенгайтириш мақсадга мувофиқ деган таклифни билдирган[1].

Шунингдек, яна бир тадқиқотчи Г.Нурмуҳаммедова томонидан ЖКга юридик шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари биз таҳлил қилаётган 192[9]-моддасида назарда тутилган жиноят учун ҳам қўлланилиши тўғрисидаги қоидани мустаҳкамловчи “17[1]-модда. юридик шахсларнинг жавобгарлиги” мазмунидаги янги моддани киритиш таклиф этилган[2].

Тадқиқотчи олима Г.Нурмуҳаммедова ЖКга юридик шахсларга нисбатан 1) жарима; 2) муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш; 3) давлат харидлари жараёнида иштирок этишни тақиқлаш каби жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги қоидани мустаҳкамловчи “43[1]-модда. Юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралар тизими” мазмунидаги янги моддани киритиш таклиф этилган[3].

Шунингдек, яна бир тадқиқотчи олим С.А.Бойдедаев томонидан жиноят кодексини юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиноий ҳуқуқий таъсир чораларини назарда тутувчи“юридик шахсларнинг жавобгарлиги” деб номлаган 17[1]-моддаси ҳамда “юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиноий ҳуқуқий таъсир чоралари тизими” деб номланувчи 43[1]-модда[4] билан тўлдириш лозим деган таклиф ишлаб чиқилган[5].

Шунингдек, тадқиқотчи С.А.Бойдедаев Жиноят Кодексига киритилиши таклиф қилинаётган 17[1]-моддасида назарда тутилган талаблар давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бюджет ташкилоти ҳисобланган ёхуд бюджет маблағлари билан таъминланадиган юридик шахсларга, шунингдек, давлат улуши эллик фоиздан ортиқ бўлган унитар корхоналарга нисбатан татбиқ этилмайди, деб қайд қилади[6].

Яна бир олим С.Д.Красноусов ўзининг тадқиқотида тижоратда пора эвазига оғдириб олиш учун актив порахўрлик учун юридик шахсларни жиноят субъекти сифатида эътироф этиш лозимлигини, пассив порахўрликда эса пора олиш юридик шахс манфаати йўлида бўлса, унда юридик шахс мансабдори билан биргаликда жавобгарликка тортиш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблайди.

---

[1]Е.В.Коленко “Пора олиш учун жавобгарлик: ЎзбекистонРеспубликаси жиноят қонунчилигини халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш истиқболлари” мавзусида ю.ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган Дисс. Автореф. Т.:2023 Б.38

[2]Г.Б.Нурмуҳаммедова Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг профилактикасини такомиллаштириш ю.ф.ф.д. (PhD) Дисс. Автореф.Т.:2021.Б.24

[3]Ўша жойда

[4]Тадқиқотчи С.А.Бойдедаевнинг фикрига кўра, юридик шахсларга нисбатан қуйидаги жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши мумкин: а) жарима; б) бир йилдан уч йилгача муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш; в) бир йилдан уч йилгача давлат харидлари жараёнида иштирок этишни тақиқлаш (чеклаш)”.// С.А.Бойдедаев кўрсатилган иш

[5]Ўша жойда

[6]Батафсилроқ қаранг: С.А.Бойдедаев Коррупцияга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари ю.ф.ф.д. (PhD) Дисс. Автореф. Т.: – 2023

Бизнинг фикримизча, агар пора бериш юридик шахс манфаатлари йўлида берилган бўлса, унда юридик шасхни жиноят субъекти деб эътироф этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Негаки жиноят учун жавобгарлик белгиланишининг ўзи ҳам жиноят содир қилишининг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Бу борада халқаро эксперт Горан Клеменчич Словения давлатида ҲМҚО органларида ишлаган вақтларида дастлаб нега энди юридик шахсни жавобгар қилиш керак, унинг раҳбарини жавобгар қилиш билан чекланса бўладику, деган ўзида ҳам савол туғилганлигини, бироқ, бир воқеа сабаб юридик шахсларни жавобгар қилиш тўғри деб ҳисоблаганини сўзлади. Унда давлат харидларида қатнашаётган юридик шахс раҳбари тендерда пора эвазига ғолиб бўлиши мумкинлигини, бироқ жиноий жавобгарлик борлиги сабабли келгусида корхонаси катта миқдорда жарима тўлаши мумкинлигини билиб, жиноятдан қайтганлигини билдирган. Демак, жавобгарликнинг белгиланиши жиноятни содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади. Ўз навбатида ЖКга киритилган бу ўзгартириш Коррупцияга қарши курашишга оид халқаро стандартлар талабларига мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб коррупциявий жиноятлар, шу жумладан, биз кўриб чиқаётган ЖКнинг 192[9]-моддаси бўйича юридик шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортишдан асосий сабаб ва мақсад сифатида қуйидагиларни келтирамиз:

1) ЖКда юридик шахсларни жиноят субъекти деб тан олиш халқаро стандартлар талабларига мувофиқ келади;

2) юридик шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, фақат мансабдор шахсини эмас, балки юридик шахснинг ҳам жиноят субъекти деб тан олишни англатади;

3) юридик шахсларга жиноий жавобгарлик белгиланишининг жиноят содир қилинишини олдини олишда муҳим бўлган таъсир чора ҳисобланади;

4) бордию, ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсга фақат маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилса, бундай ҳолда маъмурий жавобгарлик хавфини ўз зиммасига олган юридик шахс жиноий фаолиятни давом эттиришига сабаб ҳам бўлиши мумкин.

БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлик чораларини белгилаш имконияти кўрсатилган. Шунингдек, БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси[1] (26-моддасига асосан) ҳар бир иштирокчи юридик шахсларнинг, шу жумладан жиноятчиларнинг хусусий секторда коррупция жиноятларида иштирок этганликлари учун жавобгарлигини белгилаш чораларини кўриши керак бўлган қоидани ўрнатган. Бугунги кунда дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини жорий қилган[2].

[1] https://lex.uz/docs/1461329 Кириш санаси 07.03.2024 йил

[2]Н.В.Бугаевская. (к.ю.н.доц) Перспективы введения уголовной ответственности юридических лиц за коррупционные преступления и применения отдельных видов уголовного наказания// Уголовно-

Хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз жиноят қонунчилигида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги асосларини ҳамда қайси жиноятлар учун юридик шахслар жиноят субъекти бўлиши мумкинлигини аниқ кўрсатган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясининг 16,18,21-моддаларини, шунингдек, бу борада тадқиқот олиб борган олимлар Д.А.Кононов, В.В.Зимин, А.В.Сероус, Е.В.Коленко, Б.Шамсутдинов, С.А.Бойдедаевларнинг[1] илғор сурган фикрларини ўрганган ҳолда ЖКнинг 192^9-моддаси диспозициясига учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар) манфаатларини кўзлаб пора олиш ёки пора бериш учун қўшимча жиноий жавобгарлик тўғрисидаги талабни киритиш, ЖКда янги "**Шахснинг ўз мавқеини суиистеъмол қилиши"** учун, "**Хорижий мансабдор шахс ёки халқаро ташкилот мансабдор шахси томонидан пора олиш**" ва "**Хорижий мансабдор шахсга ёки халқаро ташкилот мансабдор шахсига пора бериш**" учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар билан тўлдириш таклиф этилади.

Ушбу ўзгартиришлар орқали Жиноят Кодекси 192^9–моддаси Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги БМТ Конвенциясига мувофиқлаштирилган бўлади.

ЭЛМУРЗАЕВ БИЛОЛИДДИН НУРМОН ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси таянч докторанти

исполнительное право. 2019. Т. 14(1–4), № 2.; Н.В.Бугаевская Коррупционные преступления: виды и особенности субъекта: Монография. М., 2015. 200 с. шунингдек, бу борада яна қаранг: Б.И.Исмаилов. Хорижий мамлакатларда юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш: зарурати, аҳамияти ва моделлари //Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари (мақолалар тўплами)// Масъул муҳаррир: Е.В.Коленко. Т.:2020.Б.153-160; Б.И.Исмаилов. Коррупцияга қарши кураш борасида хорижий давлатлар амалиёти ва халқаро стандартлар тизими шаклланиши. Ўқув қўлланма.Т.:2019 Б.169-198.; Ғ.А.Алимов. Юридик шахсларнинг коррупцион ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлигини тартибга солувчи халқаро стандартлар тизими. Монография. Т.:ЮМОМ,2019.; Коррупцияга қарши курашиш. Дарслик. // Масъул муҳаррир: А.Ш. Бекмуродов: – Тошкент: "Akademiya", 2022. – 344 б.

[1]Д.А.Кононов. Злоупотребление полномочиями и коммерческий подкуп: уголовно-правовая характеристика Диссер. к.ю.н.Москва – 2016. С.133-134.; Е.В.Коленко кўрсатилган иш Б.4.; В.В.Зимин Уголовно-правовые и криминологические аспекты реализации Россией международных антикоррупционных стандартов. Дисс. на соискание ученой степени к.ю.н.Москва — 2022. С.15.; А.В.Сероус Уголовная ответственность за подкуп иностранных должностных лиц и должностных лиц публичных международных организаций Автореф. дисс. к.ю.н. Москва—2019 -28с. Б.Шамсутдинов. Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик. Монография. Т.:2020. Б.76-77.;Бу борада тадқиқотчи С.А.Бойдедаев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига янги 210^2-модда. "Шахснинг ўз мавқеини суиистеъмол қилиши" билан тўлдиришни таклиф қилган// Батафсилроқ қаранг: С.А.Бойдедаев. Коррупцияга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари ю.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси Автореф. Т.: – 2023. Б.25.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТЕРГОВЧИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят ишлари юритувида муҳим аҳамиятга эга бўлган жиноят процесси иштирокчиси сифатида терговчининг ҳуқуқий мақоми, унинг жиноят иши бўйича дастлабки терговни олиб боришдаги ўрни, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, исботлаш мажбурияти юклатилган мансабдор шахс сифатида терговчининг ваколатлари, унинг ўз ваколатларини амалга оширишда идоравий, прокурор ва суд назоратининг таъсири ҳам ўрганилган. Мақолада миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизнинг тегишли масала бўйича амалдаги ҳолати, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси қиёсий таҳлил қилинган ҳолда ўрганилган.

Калит сўзлар: терговчи, дастлабки тергов, прокурор назорати, суд назорати, терговчи мустақиллиги, тергов ҳаракати.

Аннотация: В данной статье анализируется правовой статус следователя как участника уголовного судопроизводства, его роль, права и обязанности при производстве предварительного следствия по уголовному делу, что имеет важное значение в уголовном судопроизводстве. Кроме того, исследуются полномочия следователя как должностного лица, на которое возложены доказывания, влияние ведомственного, прокурорского и судебного контроля при осуществлении им своих полномочий. В статье рассматривается действующего уголовно-процессуального законодательства по актуальной проблеме, проводится сравнительный анализ опыта развитых стран.

Ключевые слова: следователь, предварительное следствие, прокурорский надзор, судебный надзор, самостоятельность следователя, следственное действие.

Annotation: This article analyzes the legal status of the investigator as a participant in criminal proceedings, his role, rights and obligations in the production of a preliminary investigation in a criminal case, which is important in criminal proceedings. In addition, the powers of the investigator as an official who is entrusted with evidence, the influence of departmental, prosecutorial and judicial control in the exercise of his powers are investigated. The article discusses the current criminal procedure legislation on an urgent problem, a comparative analysis of the experience of developed countries is carried out.

Key words: investigator, preliminary investigation, prosecutor’s supervision, judicial supervision, investigator’s independence, investigative action

Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясига кўра терговчи ўзига берилган ваколат доирасида жиноят иши бўйича дастлабки терговни амалга оширувчи мансабдор шахс ҳисобланади. Шунингдек, у прокурор, суриштирувчи, жабрланувчи каби айбловдан манфаатдор жиноят процесси иштирокчиси ҳисобланади. Бошқача айтганда, терговчи жиноят процессининг айблов функциясини (жиноий таъқибни) амалга оширади. Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши, ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш жиноят-процессуал қонунчилигининг муҳим вазифаларидан саналади. Ушбу вазифаларни бажаришда терговчининг мақоми, унинг ўрнини белгилаш долзарб аҳамиятга эга.

Процессуалист олимлар терговчининг мустақиллигига унинг процессуал мақоминиг бир элементи сифатида қарашади, бунда ҳал қилувчи мезон қарорлар қабул қилишдаги мустақиллик ҳисобланади. Мустақиллик жиноят процесси иштирокчисининг фақат ташқи фаолиятига хос хусусият бўлиши керак эмас, у процессуал муносабатлар иштирокчисининг ҳолати, ички ишончини ҳам ўз ичига қамраб олади. А.Е.Жарова мазкур тушунчани тергов ҳаракатларини ўтказиш ва дастлабки терговнинг йўналиши бўйича терговчининг ҳар қандай қарорни мустақил қабул қила олиши билан изоҳлайди[1]. Унга кўра, жиноят ишини юритиш доирасида терговчи эркин қарор қабул қила олиши, ўзининг ички ишончига асосланган ҳолда ҳаракат қилиши ҳамда иш натижаларига тўлиқ жавобгарликни бўйнига олиши зарур. В.В.Горюнов терговчининг процессуал мустақиллигини икки маънода ишлатган[2]. Кенг маънода ушбу мустақиллик деганда терговчи хизмат фаолиятини олиб борадиган идоранинг ўзида, унинг иш фаолиятидаги эркинлик демакдир. Бироқ, терговчи давлат хизматчиси эканлигини ва унинг тергов органи раҳбарига боғлиқлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур эркинликни тўла амалга ошириш имкони мавжуд эмас. Тор маънода эса терговчининг мустақиллиги унинг процесс бошқа иштирокчилари билан муносабатида кўринади. Умуман олганда, қонунчилигимизда терговчи мустақиллигининг аниқ ва қатъий тартибга солинмагани ҳамда ўз раҳбарларига нисбатан бевосита идоравий бўйсинувнинг мавжудлиги тергов жараёнига, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, терговчининг процессуал мустақиллигига дахл қилувчи мазкур турдаги тартиб-қоидалар унинг ижодий ишлашига, фаоллиги ва ташаббускорлигига ҳам таъсир қилади. Терговчи нафақат қонун нормаларига асосланган ҳолда, балки адолат, виждон каби ахлоқий мезонларига ҳам таянган ҳолда фаолият олиб боради. Шунинг учун ҳам ушбу касбнинг мавқеини ошириш тергов сифатининг ошишига ҳам хизмат қилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, терговчининг процессуал мустақиллиги жиноят иши материалларига асосланган ҳолда ва ички ишончидан келиб чиқиб қарор қабул қилишда кўринади.

Терговчининг аксарият ваколатларига хос белгилардан бири – бу унинг талаблари бошқалар учун мажбурий эканлигида. Хусусан, фуқаро ёки корхона, муассаса, ташкилотлардан бирор хатти-ҳаракатни бажаришни ёки унинг аксини талаб қилишга ҳақли. Терговчининг ваколатларини таҳлил қилиш, унинг чегарасини белгилаш масаласи доим процессуалист олим ва амалиёт ходимлари ўртасида муҳокама қилиниб келинган. Хусусан, Ю.В.Францифоров ва Д.В.Ванинлар “терговчининг ваколатлари”

[1] Жарова А.Е. Процессуальная самостоятельность следователя в уголовном процессе. ЧОУ ВО «Сибирский юридический университет», г. Омск. https://conf.siblu.ru/processualnaya-samostoyatelnost-sledovatelya-v-ugolovnom-processe

[2] Горюнов В. В. Процессуальная самостоятельность следователя в свете реформы следственного аппарата. https://wiselawyer.ru/poleznoe/58817-processualnaya-samostoyatelnost-sledovatelya-svete-reformy-sledstvennogo-apparata

тушунчасини унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан бир хил маънода ишлатишган[1]. Уларга кўра тергов органларининг ҳуқуқлари бир вақтнинг ўзида уларнинг давлат олдидаги мажбуриятлари ҳамдир. О.М.Ефремова фикрича, терговчининг ваколатлари деганда жиноят-процессуал қонунчилиги билан тартибга солинган, ҳамда тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган муайян процессуал ҳуқуқлар мажмуидир[2]. Терговчи томонидан бажариладиган хатти-ҳаракатлар мазмунидан келиб чиқиб, унинг ваколатларининг муҳим икки белгисини ажратиш мумкин: жиноят иши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бера олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда вазиятга мувофиқ муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятининг мавжудлиги. Бошқача айтганда, терговчи жиноят иши доирасида вазиятга баҳо бериш, далилларга баҳо бериш натижалари бўйича бирор процессуал қарор қабул қилиш имкониятига эга.

Терговчи терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади. Аммо, терговчининг мустақиллиги фақат шу масалаларда кўринади, дейиш хато фикр. Дастлабки терговни олиб бориш давомида процесснинг бошқа иштирокчилари билан ўзаро муносабатида ҳам унинг мустақиллигининг белгилари кўзга ташланади. Жумладан, терговчи прокурорнинг ЖПК 36-модда 3-қисмида назарда тутилган кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақли эканлиги ҳам унинг процессуал мустақиллигини таъминловчи кафолатлардан бири ҳисобланади. Худди шундай кафолат тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосарининг берган кўрсатмалари устидан прокурорга шикоят қилиш тартиби орқали ЖПКнинг 37-моддасида ҳам белгилаб қўйилган.

Жиноят-процессуал қонунчиликдан ташқари, жиноят ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқда ҳам терговчининг мустақиллиги кафолатлари мустаҳкамланган. Жумладан, тергов қилишга аралашиш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида терговчига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган (ЖК 236-модда). Бундан ташқари, хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатганлик учун ҳам жиноий, маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб,

[1] Францифоров Ю.В., Ванин Д.В. Функциональное назначение деятельности следователя и его полномочия в состязательном уголовном процессе: монография / Ванин Д.В., Францифоров Ю.В. - М.: Юрлитинформ, 2013. http://lawlibrary.ru/izdanie2284869.html

[2] Ефремова О.М. К вопросу о сущности и правовом регулировании полномочий следователя в уголовном процессе /О.М.Ефремова, В. Ф. Васюков /Расследование преступлений:проблемы и пути их решения.–2021.–№1(31). –С.101-105. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_46186199_81750008.pdf

мазкур ҳолат ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар, шунингдек терговчи фолиятининг кафолатларидан бири саналади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, тергов бўлими раҳбарининг бир қанча ваколатлари мавжудки, улар мазмунан терговчининг мустақиллигига дахл қилади. Хусусан, тергов бўлими раҳбарининг терговчига ижро қилиниши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериши устидан фақат хизмат бўйсинуви тартибида шикоят қилиш мумкинлиги, юқори турувчи органга берилган шикоятни кўриб чиқишнинг аниқ механизми қонунчилигимизда акс этмаганлиги, тергов органи раҳбарида жиноят иши доирасида терговчини иш юритиш жараёнидан четлатиш билан боғлиқ ваколатнинг мавжудлиги. Жиноят-процессуал қонунчилик суд, прокурор ва тергов бўлими раҳбарига терговчининг фаолиятини назорат қилиш бўйича кенг ваколатлар берган бўлса-да, мазкур мансабдор шахслар терговчининг жиноят иши доирасида мустақиллигига дахл қила олмайди. Бунда назорат мавжуд бўлиб, бироқ у терговчининг ҳар бир процессуал ҳаракатни амалга оширишига ёки ҳар бир процессуал қарор қабул қилишига тўсқинлик қилмайди. Улар терговчининг жиноятни фош қилиш бўйича фаолиятини, ташаббусларини қўллаб қувватлаши, унинг ички ишончини ҳурмат қилишлари, турли хилдаги маъмурий тартибларни белгилаб терговчининг иш услубига ҳалақит бермасликлари керак. Бунда ҳақиқатни аниқлаш йўлида амалга ошириладиган барча процессуал ҳаракатлар қўллаб-қувватланиши лозим.

Терговчининг мустақиллиги жиноят иши бўйича дастлабки тергов жараёнига унинг жавобгар эканлигида ҳам кўринади. Бошқача айтганда, жавобгарлик терговчи мустақиллигининг белгиларидан бири ҳисобланади. Дастлабки тергов жараёнида тергов функциясини қўллаш жиноятчиликка қарши курашиш, баъзи ҳолларда, ишда қатнашаётган иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашни назарда тутиши мумкин. Лекин бу чеклашлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПК ва бошқа қонунларда назарда тутилган кафолатларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Дастлабки тергов барча терговчилар учун умумий бўлган ва уларнинг фаолиятини асосий йўналишларини белгилаб берувчи бевосита процессуал вазифаларга эга. Улар ЖПКнинг 2-моддасида назарда тутилган умумий вазифалардан келиб чиқади.

Терговчи процессуал мустақиллигини бошқа бир ҳолат билан ҳам изоҳлаш мумкин, масалан, у жиноят содир этилганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлади. Хеч бир ташқи таъсирларсиз жиноят ишини қўзғатиб тергов ҳаракатларини ўтказишни бошлайди ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, терговни олиб боради. Хеч ким, на прокурор, на тергов бўлими бошлиғи унинг ўз мажбуриятларини қачон бажариши юзасидан топшириқ бера олмайди, процессуал жиҳатдан мустақил ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам баъзи олимлар[1] терговчининг мустақиллигини дастлабки терговнинг

[1] Огородов А.Н. Процессуальная самостоятельность следователя в уголовном судопроизводстве. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. –М: 2017. – С.57. http://www.agprf.org/userfiles/ufiles/dis_sovet/diss/2018/Ogorodov

умумий шартларига киритиш зарурлигини таъкидлашган. Бизнингча, терговчининг мустақиллиги “умумий шартлар”дан ҳам кенгроқ тушунча бўлиб, жиноят процессида устувор аҳамият касб этади. Дастлабки терговнинг мазкур қоидага риоя қилинмаган ҳолда ўтказилиши жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифаларини таъминлашга ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатади. Жиноят процесси бўйича принциплар ушбу соҳада амалга оширилиши учун асос бўладиган умумий қоидаларни ўзида мужассамлаштиради. Мазкур соҳадаги фаолият йўналишлари қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилар экан, ушбу фаолиятга асос бўлувчи асосий қоидалар (принциплар) ҳам мустаҳкамланиши лозим. Бундан келиб чиқиб, терговчининг мустақиллиги масаласини жиноят процессининг принципига тенглаштириш мумкин ва буни қонун даражасида мустаҳкамлаш керак, деб ўйлаймиз. Хусусан, ЖПКга янги “Терговчиинг процессуал мустақиллиги” деб номланган 14^1-модда киритиш лозим ва унда:

1) жиноят иши бўйича дастлабки терговни амалга оширишда терговчилар фақат Конституция ва қонунга бўйсунадилар;

2) терговчи мустақил равишда терговни амалга оширади, тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни бажариш юзасидан қарорлар қабул қилади, ушбу Кодексда белгиланган тартибда прокурор ва суднинг рухсати талаб этиладиган ҳолатлар бундан мустасно.

3) терговчининг жиноятларни тергов қилиш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

НАРЗУЛЛАЕВА МУШТАРИЙБЕГИМ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТИЛИШИДА ҲИМОЯ ФУНКЦИЯСИ, ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ

Биринчи инстанция судларида шахснинг ҳимоя усул ва воситалар тизими шаклланган бўлиб, ҳуқуқий шакл сифатида муайян субъектларнинг манфаатига асосланган фаолиятларидан ташкил топган. Булар: айблов функцияси, ҳимоя функцияси ва ишни ҳал этиш функциясидир.

Чунончи, ҳимоя функцияси жиноят процесси давомида айблов ва ишни ҳал этиш функциялари билан бевосита боғлиқликда амал қилади. Суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг процессуал ҳаракатлари ва қарорларини рад қилиш, қарама-қарши бўлган хулоса, таклиф ҳамда енгиллаштирувчи баҳо бериш ҳамда ишни ҳал этиш функциясини бажарувчи судга ушбу ҳужжатлар устидан шикоят қилиш хусусиятига

эгалиги билан ажралиб туради. Ўз ўрнида, ҳимоя – ҳар бир шахснинг ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқлари кафолатидир. Ҳимоянинг асосий мақсади – жиноятни содир этишда гумон қилинаётган, айбланаётган шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, гумонни рад этиш, айбловни юмшатиш, жазони енгиллаштириш ҳамда ноқонуний тарзда жиноий таъқибга учраган шахсларни реабилитация қилишдан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, ҳимоячи фаолияти ҳимоя функциясининг элементларидан бири бўлиб ҳисобланади. ЖПКга мувофиқ, ҳимоя функцияси ҳимоячи сифатида ишда иштирок этувчи адвокат томонидан амалга оширилади. Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларидан бирининг ҳам адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида ишда иштирок этишига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримига биноан йўл қўйилиши мумкин. Суд амалиёти таҳлили натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳимоячи сифатида ишда фақат адвокат иштирок этиш ҳолатлари, ҳимоячи сифатида гумон қилинувчи, айбланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларидан бирининг адвокат билан бир қаторда иштирок этиш ҳолатларига нисбатан юқори кўрсаткични ташкилэтиши туфайли, ҳимоячи сифатида фақат адвокат иштироки назарда тутилади. Дарҳақиқат, ҳимоячи ва адвокат тушунчалари улар ўртасидаги боғлиқлик ва фарққа тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Адвокат сўзининг келиб чиқиш маъносини таҳлил қилганда, бу сўз лотин тилидаги “advocare” – “ёрдам сўрамоқ, ёрдамга чақирмоқ” маъносини билдириб “advocatus”, яъни суд жараёнида у ёки бу тарафнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс маъносини англатади. Адвокат тушунчаси ҳимоячи тушунчасига нисбатан кенгроқ маънога эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, адвокат қуйидаги тоифадаги жиноят процесси иштирокчиларига малакали юридик ёрдам кўрсатади, булар:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига – ҳимоячи сифатида;

2) жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарга – вакил сифатида:

3) вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчига – қонуний вакил сифатида;

4) гувоҳга – адвокат сифатида.

Умумий маънода адвокатнинг ҳимоячи сифатидаги жиноят процессидаги иштирокининг асосий мақсади – ҳимояси остидаги шахсни оқлаш ёки унинг жавобгарлиги ва жазо чорасини енгиллаштиришдан иборатдир.

Адвокатнинг жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг вакили сифатидаги фаолиятининг асосий мақсади жиноятни содир этган шахсни аниқлаш, унинг тегишли жазога тортилишига ҳамда ижтимоий хавфли қилмишнинг салбий моддий оқибатларининг бартараф этилишига эришиш

ҳисобланади. Фуқаровий жавобгардан эса жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш талаб қилиниши туфайли, у ўз вакилидан унинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишини кутади. ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги, сўроқ баённомасига киритилиши лозим бўлган арзларини баён этиш ҳисобланади.

Бизнинг жиноят процессуал қонунчилигимизда ҳимоя тушунчаси аниқ шаклланмаган. Ҳимоя тушунчаси хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида қуйидагича ўз аксини топган бўлиб, унга кўра:

Молдова ЖПК (6-моддаси)да ҳимоя – ҳимоя тарафи томонидан айбловни тўлиқ ёки қисман рад этиш ёки жазони енгиллаштириш, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган (айбланаётган) шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ноқонуний тарзда жиноий таъқибга учраган шахсларни реабилитация қилиш мақсадида амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир, дея таърифланган.

Арманистон Республикаси ЖПК (6-моддаси)да ҳимоя – бу ҳимоя тарафи томонидан айбловни рад этиш ёки жавобгарликни енгиллаштириш, Жиноят кодексида таъқиқланган ҳаракат содир этилганлиги аниқланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни реабилитация қилишга ёрдам беришдан иборат бўлган процессуал фаолият сифатида таърифланган.

Беларусь Республикаси ЖПК (6-м.)да ҳимоя – бу ҳимоя тарафи томонидан гумон ёки айбловни рад этиш ёхуд айбловни юмшатиш, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчи, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахс ва ўзаро ҳамкорлик тамойили асосида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масаласи юзасидан қарор қабул қилишга ваколатли хорижий давлат органининг сўрови ижросини таъминлаш тўғрисидаги қарор асосида эҳтиёт чораси қўлланилиб ёки халқаро қидирувда бўлганлиги сабабли топшириш мақсадида ушланган шахс ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир, дея таъриф берилган.

Озарбайжон Республикаси ЖПК (7 моддаси)да ҳимоя тушунчаси – жиноий қонунда назарда тутилган ҳаракатни содир этганликда гумон қилинаётган шахсга қарши илгари сурилаётган айбловни рад этиш ёки уни енгиллаштириш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек ноқонуний тарзда жиноий таъқибга учраган шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш мақсадида амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир, дея таъриф берилган.

Қирғизистон Республикаси ЖПК (5-моддаси)га кўра, ҳимоя – бу ҳимоя тарафи томонидан жиноят ёки жиноий ҳаракатни содир этганликда гумон қилинаётган шахс ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, айбловни рад этиш ёки уни енгиллаштириш, шунингдек, ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни реабилитация қилиш мақсадида амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир.

Қозоғистон Республикаси ЖПК (7-моддаси)да эса ҳимоя тушунчасига – жиноий ҳуқуқбузарликни содир этишда гумон қилинаётган (айбланаётган) шахс ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, гумонни (айбловни) рад этиш ёки юмшатиш, ҳамда ноқонуний тарзда жиноий таъқибга учраган шахсларни реабилитация қилиш мақсадида ҳимоя тарафи томонидан амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир, дея таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддасида белгиланган жиноят процессида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларни таҳлил қилиб, бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳимоя ҳуқуқи ихтиёрий ва зарурий тарзда амал қилади, дейиш имкониятига эгамиз.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ихтиёрий равишда ва танлов асосида ҳимоячи ёрдамидан фойдаланса, зарурий ҳимоя эса давлат томонидан ҳимоячига ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Айтиш мумкинки, ҳимоячига эга бўлиш ва умуман ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш бу аслида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқи, мажбурияти эмас. Шу сабабли айрим давлатлар қонунчилиги (**Англия**) ихтиёрий ҳимоядан ташқари бошқа ҳимояни тан олмайди.

ХАЙРУЛЛАЕВ АХРОР АКТАМ ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

Аннотация: Ушбу мақола тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг криминалистик тавсифи тушунчасига, шунингдек, унинг алоҳида элементларини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, мақолада муаллиф томонидан тақиқланган экинларни етиштириш жиноятини содир этадиган шахсларнинг индивидуал хусусиятлари, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитлари, жиноятчи шахсининг ўзига хос хусусиятлари, жиноят кўп содир бўладиган жойлар, криминоген вазият ҳамда жиноятни содир этиш усуллари, криминалистик тавсиф элементлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда олимларнинг криминалистик тавсиф хусусиятлари ҳақидаги фикрлари илмий баҳс йўли билан мунозара қилинган.

Калит сўзлар: Тақиқланган экин, криминалистик тавсиф, жиноятлар, элемент, жиноятчи, жиноят содир бўладиган ҳудуд, жиноятни содир этиш усули.

Аннотация: Данная статья посвящена понятию криминалистического описания преступления выращивания запрещенных культур, а также анализу его отдельных элементов, места, криминогенной ситуации и способов совершения преступления, были проанализированы с научной точки зрения элементы криминалистического описания. Мнения ученых о характеристиках криминалистического описания обсуждались в ходе научной дискуссии.

Ключевые слова: Запрещенная культура, криминологическая характеристика, преступления, элемент, преступник, район преступления, способ совершения преступления.

Annotation: This article is devoted to the concept of a forensic description of the crime of growing illicit crops, as well as the analysis of its individual elements, location, criminogenic situation and methods of committing a crime; the elements of a forensic description were analyzed from a scientific point of view. Scientists' opinions on the characteristics of forensic description were discussed in the course of scientific discussion.

Key words: Forbidden culture, criminological characteristics, crimes, element, criminal, crime area, method of committing a crime.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятининг олдида турган асосий хавфлардан бири шубҳасиз гиёҳвандлик муаммоси саналади. Ушбу иллатга қарши курашиш бўйича бир неча ўн йиллардан бери дунё давлатлари биргаликда ҳаракат қилиб келишмоқда. Гиёҳвандлик иллатининг салбий таъсири келажак авлодни қарамликка ва охир оқибат ҳалокатга олиб келади. Бундай салбий иллат таъсирига тушиб қолиш, уларнинг олдини олиш ҳамда қарши курашиш бўйича бир қатор ҳаракатлар олиб борилишига қарамасдан бугунги кунда ҳам ушбу иллатнинг айниқса ёшлар орасида ортиб бориши, унга қарши бутун дунё мамлакатлари биргаликда курашиш зарурлигини тақозо қилмоқда.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида билдирган қуйидаги фикрлари орқали гиёҳвандлик муаммоси инсоният учун нечоғлик долзарб эканлигини билиш мумкин: "Биз ана шу иллатга қарши курашда кенг кўламли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган моддаларнинг талайгина қисми Марказий Осиёда тайёрланганлиги ёки унинг орқали ташиб ўтилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Наркобизнеснинг транзит йўналишлари бир минтақада жамланишининг ўзиёқ мана шу даҳшатли ҳодисани тугатишда жаҳон ҳамжамияти ўз имкониятларини жамлаб ишга солиш учун етарли асос бўлади. Ўзбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан бу борада ҳамкорлик қилишга тайёр"[1].

Гиёҳвандлик турларининг ижтимоий жиҳатдан турли табақалар орасида, айниқса аёллар ва ёшлар орасида ҳам кенг тарқалиб кетаётганлиги ушбу иллатнинг хавфлилиги даражасини янада ортиб бораётганлигини кўрсатади. Гиёҳвандлик воситаларининг ижтимоий табақалар орасида кенг тарқалиб бориши билан биргаликда уларни ўтказиш ва истеъмол қилиш усулларининг такомиллашиб бораётганлиги ушбу турдаги жиноятларни тергов қилиш амалиётида ҳам бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўз навбатида ушбу турдаги жиноятларни тергов қилиш усулларини такомиллаштириш заруратини ҳам вужудга келтирмоқда.

Маълумотларга қараганда, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчилар сони йилдан йилга асосан ёшлар ҳисобига ўсиб бормоқда. Ачинарли ҳолатлардан бири эса сурункали гиёҳвандликка мубтало бўлганлар сони ортиб бориб, уларнинг гиёҳвандлик моддалари таъсирида бошқа жиноятларга ҳам қўл ураётганликларидан ташқари бошқа ижтимоий

[1] Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекстон, 1996. – Б.55.

муаммоларни келиб чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда. Тахминий ҳисоб китобларга кўра, бугунги кунда умумжаҳон миқёсида 200 миллиондан ортиқ киши турли хилдаги гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилади. Шундан 140 миллионга яқин киши энг кенг тарқалган марихуана гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишса, 13 миллионга яқин киши кокаин, 8 миллионга яқин киши эса героин гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилади[1].

Юқоридаги рақамларга биноан гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни содир қилаётган ҳамда истеъмол қилаётган шахсларнинг асосий қисми энг кенг тарқалган марихуана гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишга ружу қўйганлигидан келиб чиқиб, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари, бу турдаги жиноятларни содир этиш усуллари, вақти, жойи, предмети, жиноятчи шахси, ушбу турдаги жиноятларни содир этилиши сабаб ва шароитлари, умуман олганда криминалистик тавсиф элементлари мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш амалиётида муҳим ўрин эгаллайди.

Жиноятларни тергов қилиш методикаси криминалистика асосланадиган қонунчилик, илмийлик, режалилик, тежамкорлик каби тамойилларга таяниб, шу билан бирга ўзига хос таркибий тузилиши билан ҳам ажралиб туради.

Жиноятларни самарали тергов қилиш ва фош қилиш жараёнларида криминаликтик техника ва тактиканинг назарий жиҳатдан ёритилган қоидаларининг ўзигина етарли бўлмайди. Назарий жиҳатдан қайд қилинган тактика ва техник қоидаларни ҳар бир жиноятларнинг алоҳида тури нуқтаи назаридан амалиётда қўллай билиш ҳам муҳим ўрин тутади. Мисол учун, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни содир қилган шахс билан тақиқланган экинларни етиштирган шахсларни сўроқ қилиш тактикаси, ушбу турдаги жиноятлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тартиби ҳам гарчи бир турдаги жиноят турига кирсада бир-биридан фарқли жиҳатлари мавжуд.

Таҳлил қилинаётган мавзу бугунги кунда жуда долзарб ҳисобланади, сабаби гиёҳвандлик воситаларини олиш усули бевосита тақиқланган экинларни етиштириш жараёни натижасида содир бўлади ҳамда бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бошқа турдаги жиноятларнинг ҳам содир этилишига олиб келаётган омиллардан саналади.

Ушбу мақолада биз тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг криминалистик тавсифи хусусиятларини, хусусан, криминалистик тавсиф ўз ичига олган элементларни кўриб чиқамиз. Хусусан, тақиқланган экинларни етиштиришда мазкур жиноятнинг предмети, жиноят содир этиш ҳолати (жой ва вақт), шунингдек жиноятни содир этиш усуллари, мазкур турдаги жиноят ишлари юзасидан исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, жиноятчи шахси, жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қиламиз.

---

[1] Интерпол маълумоти асосида. Interpol, 4-th International Heroin Conference, Yangon, Myanmar, 23-rd - 26–th February 1999.

Бугунги кунгача криминалистик тавсиф тушунчасига олимлар томонидан якдил ечим берилмаган, шунингдек, унинг таркибий элементлари ҳақида ягона фикр мавжуд эмас.

Ғ.А.Абдумажидов жиноятларнинг криминалистик тавсифига “кўриб чиқилаётган жиноят турларининг энг муҳим томонлари тўғрисидаги умумлаштирилган далилий маълумотлар ҳамда уларга асосланган илмий хулосалар ва тавсиялар тизими” деб таъриф берган[1].

Т.Б.Маматқулов ва бир гуруҳ олимлар фикрича, жиноятларнинг криминалистик тавсифи тур, гуруҳ ва алоҳида жиноятни содир этиш усули, механизми ва ўзига хос шароити каби криминалистик аҳамиятга эга аломатларда ўз аксини топган ҳамда жиноят субъектининг шахси ва бошқа ҳолатлар, муайян жиноий ҳаракат ва ниҳоят жиноятларни очиш, тергов қилиш ва олдини олиш билан боғлиқ вазифаларни муваффақиятли тарзда ҳал қилишни таъминлаш тушунилади[2].

Р.А.Алимова ва А.Н.Норбоевлар фикрига кўра, криминалистик тавсиф тушунчаси таркибига муайян жиноятларнинг далилий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим белгиларидан ташқари уларга асосланган ҳолда ишлаб чиқиладиган илмий хулоса ва тавсияларни ҳам киритиш лозим[3]. Мазкур таърифдан келиб чиқадиган бўлсак юқоридаги муаллифлар томонидан жиноятларнинг криминалистик тавсифи ҳам назарий жиҳатдан ҳам амалий жиҳатдан инобатга олинганлигини кўришимиз мумкин.

Н.Р.Яблоковнинг таъкидлашича, “жиноят турининг типик криминалистик тавсифи бу жиноятлар тури, хилма-хиллиги, гуруҳининг криминалистик аҳамиятли белгиларини илмий тавсифлаш тизими ва уларни содир этиш усули, механизми ва муҳити, уларнинг шахсияти каби элементларнинг хусусиятларида намоён бўлади. Таърифланган жиноят турига хос бўлган предмет ва бошқа элементлар, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиб бериш билан уларнинг билимлар тавсифининг моҳиятли томони билан биргаликда жиноятларни муваффақиятли тергов қилишни таъминлайди”[4].

С.И.Винокуров бу тушунчага қисқача таъриф бериб, криминалистик тавсифни маълум турдаги жиноятнинг типик белгиларининг илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган тизими сифатида белгилаб берди, бу изни шакллантириш механизмини аниқлаш, бирламчи тергов вазифаларини тушуниш имконини беради[5].

Жиноят қандай содир этилганлигини тавсифловчи маълумотлар криминалистик жиҳатдан жиноий қилмиш белгиларининг энг муҳим таркибий элементларидан бирини ташкил қилади. Ушбу тушунчанинг

---

[1] Абдумажидов.Ғ.А. Криминалистика: Дарслик.-Т.,2003.-Б.219

[2] Маматқулов.Т.Б Криминалистика: Дарслик/ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,2021.- 384-б

[3] Алимова.Р.А., Норбоев.А.Н.. Жиноятларни тергов қилиш усуллари: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. –12-б.

[4] Яблоков.Н.П. Криминалистика: учебное пособие для вузов. Изд. 3-е, перераб. и доп. М., 2005. С.64

[5] Винокуров.С.И. Криминалистическая характеристика преступления, ее содержание и роль в построении методики расследования. Методика расследования преступления (общие положения). М., 1976. С. 101.

таърифига келсак, олимлар бу борада турли нуқтаи назарларни илгари суриб келишади.

Масалан, А.Н.Колесниченко “жиноят содир этиш усулини маълум бир кетма-кетликда, субъект томонидан қўлланиладиган индивидуал ҳаракатлар, усулларнинг комбинацияси, жиноятчи ҳатти-ҳаракатининг ифодаланган усули” деб таърифлайди[1].

Олимнинг ушбу билдирган фикрига қисман қўшилиш мумкин. Сабаби жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиши нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, А.Н.Колесниченконинг юқорида келтирган таърифи эҳтиётсизлик ортидан содир этиладиган жиноятларга мос келмайди. Боиси, эҳтиётсизлик ортидан содир этиладиган жиноятларда субъект томонидан маълум бир индивидуал ҳаракатлар бажарилмайди, аксинча бажариши лозим бўлган ҳаракатлар бажарилмаслиги ёинки, лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида мазкур турдаги жиноятлар содир этилади.

Яна бир олим Р.С.Белкин ушбу тушунчага “бу шахс, жиноий тажовузнинг предмети ва шароитлари билан белгиланадиган, жиноий мақсадга эришишга қаратилган ва ягона жиноий режа билан бирлаштирилган субъектнинг ҳаракатлар тизими”[2] деб таъриф берган.

Фикримизча, олим Н.П.Яблоков жиноят содир этиш усулига аниқроқ таъриф бериб, уни “субъектнинг жиноят содир этилишидан олдинги, содир бўлган пайтда ва ундан кейинги содир бўлган ҳатти-ҳаракатларининг объектив ва субъектив равишда шартланган тизими, ташқарида ҳар хил характерли изларни қолдирадиган, рухсат берувчи билан содир бўлган воқеанинг моҳиятини, жиноятчининг жиноий ҳатти-ҳаракатининг ўзига хослигини, унинг шахсий маълумотларини тушуниш ва шунга мос равишда жиноятни очиш муаммоларини ҳал қилишнинг энг мақбул усулларини аниқлаш учун криминалистик усуллари ва воситаларининг ёрдами тушунилади”[3] деб билдириб ўтган.

Мазкур олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолатда, криминалистик тавсифга ўзимизнинг муаллифлик таърифимизни ҳам таклиф қиламиз. Яъни **тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг криминалистик тавсифи** - бу ушбу тоифадаги жиноятларни тез ва самарали фош этиш, суд ва дастлабки тергов жараёнида исботланиши лозим бўлган ҳолатларга индивидуал тарзда мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолатда ёндашиладиган шунингдек, жиноятни фош қилиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган барча усул ва методикалар жамланмаси бўлиб, жиноят процесси иштирокчиларининг шахси тўғрисидаги маълумотлар жамланмасидир.

---

[1] Колесниченко.А.Н. Общие положения методики расследования отдельных видов преступлений. Харьков, 1965. С. 18.

[2] Аверьянова.Т.В., Корухов.Ю.Г., Россинская Е. Р.; под ред. Белкина Р. С. Криминалистика: учебник для вузов. М., 2000. С. 66.

[3] Яблоков Н. П. Криминалистика: учебное пособие для вузов. С.65

Юқоридаги олимларнинг билдирган фикрларидан ҳам жиноят турлари бўйича уларни иссиқ изидан фош этиш, жиноятларни ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун жиноятнинг криминалистик тавсиф элементларини чуқур англаб етишимиз, жиноят ишларини тергов қилиш давомида эса мазкур тоифадаги ишлар бўйича илмий асосланган манбалардан фойдаланиш терговчи ва суриштирувчиларимиз томонидан ишларни тергов қилишда уларнинг сифатли бўлишига, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига хизмат қилади. Зероки, Б.Е.Есимбетова таъкидлаганидек, “жиноятларни тергов қилишда кўзланган мақсадга эришиш учун терговчи ёки суриштирувчи энг аввало, ўзи тергов ёки суриштирув ҳаракатларини олиб бораётган жиноятнинг криминалистик тавсифини англаб етиши лозим”[1].

Тадқиқот объектимиз ҳисобланган тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш давомида терговчи томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган барча жиҳатларни криминалистик тавсиф элементларига жамлашимиз мумкин. Боиси, терговчи томонидан мазкур турдаги жиноятлар содир этилганда, дастлабки маълумотларни тўплашдан то охирги босқичга қадар криминалистик тавсифнинг ҳар бир элементидан фойдаланиб келади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан бошланувчи терговга қадар текширув ҳаракатларидан бошлаб ишни тегишли судловга оширгунга қадар жиноят содир этиш усули, вақти, жойи, жиноятчи шахси, жиноят содир этилиш сабаб ва шароитларига назарий томондан қайд қилинган билимларни мавжуд вазиятга мослаштирган ҳолатда ёндашади ва маълум бир натижага эришиш мумкин бўлади.

Барчамизга аёнки, жиноятларни очиш ва тергов қилиш методологиясининг асосий таркибий бўғинларидан бири бўлган, криминалистик тавсиф ҳодиса тўғрисидаги охирги маълумотларни тизимлаштириш ва ягона яхлит хулосага бирлаштириш имконини беради. Бошқа томондан, унинг ўзи жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг мақсадли ва энг самарали усулларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади ва аниқ жиноятни очишда терговчининг ижодий ва ақлий фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради[2].

Юқорида келтириб ўтилган олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва мазкур турдаги жиноятчиликнинг статистик маълумотларидан, мазкур тоифадаги жиноятлар республикамиз ва дунё миқёсидаги глобал муаммо эканлигидан келиб чиққан ҳолатда тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг

[1]Есимбетова Б.Е. Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишни такомиллаштириш. Ю.ф.б.ф.док(phD) дис. – Т., 2022. – 38 б.

[2] Фомичев А.А. К вопросу о способе совершения дорожно-транспортных преступлений как элементе криминалистической характеристики. https://elibrary.ru/download/elibrary08093_85202462.pdf. Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 15.04.2024).

криминалистик тавсиф элементларини таҳлил қилсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, таъқиқланган экинларни етиштириш жиноятлари қасддан содир этилиб, муайян тарзда агрономик жиҳатдан экинларни экиш лозим бўлган жой, уларни етиштиришга мослаштирилган муҳим, ушбу ҳаракатларни амалга оширувчи субъект ҳамда етиштиришга қаратилган муайян ҳаракатларни содир этилишини тақозо этади. Мазкур жиноятнинг содир этилиш босқичи тариқасида жиноий ниятнинг пайдо бўлишини оладиган бўлсак, тақиқланган экинларни топиш, уларни экиш учун муайян турдаги жойларни топиш ва уруғларни экиш жиноий мақсадни амалга оширувчи ҳаракатлар тизимини ташкил қилади. Қўшимча элементлари сифатида эса мазкур жиноятни содир этилишига имкон берган сабаб ҳамда шарт-шароитларини инобатга олишимиз мумкин.

Жиноятчи шахс томонидан тақиқланган экинларни экиш ёки етиштириш мақсади турлича бўлиши мумкин. Мисол учун, гиёҳвандлик моддаларига ружу қўйган шахс томонидан тақиқланган экинларни ўзининг шахсий истеъмоли учун етиштирилиши. Ушбу ҳолатда шахс тақиқланган экинларни етиштириб, униб чиққан ўсимликдан гиёҳвандлик моддалари олишни ҳамда ушбу олган моддаларни келгусида ўзининг истеъмоли учун сақлаб келишликни мақсад қилади. Иккинчи ҳолатда эса, тижорат мақсадида тақиқланган экинларни етиштиради. Бунда шахс томонидан тақиқланган экинларни етиштириб, униб чиққан ўсимликдан олинган гиёҳвандлик моддаларини сотиш ва бундан маълум даромад олиш мақсади кўзланади. Учинчи ҳолатда эса юқоридаги икки ҳолат аралаш тартибда намоён бўлади. Яъни шахс етишиб чиққан тақиқланган ўсимликдан олинган гиёҳвандлик моддасини ҳам ўзининг истеъмоли учун ҳам сотиб маълум фойда олиш мақсадида етиштиради.

Юқорида қайд қилинган ҳар уччала ҳолатда ҳам жиноят содир қилган шахсларнинг мотив мақсадини аниқлашда криминалистик элементларни аниқлаш, мавжуд ҳолатга тўғри баҳо бериш муҳим саналади.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўзимиз томонимиздан тадқиқ қилинаётган тақиқланган экинларни етиштириш жиноятларининг криминалистик тавсифининг таркиби қуйидаги элементлардан иборат деб ҳисоблаймиз:

1) жиноятни содир этиш усули;

2) жиноят содир этган шахс тўғрисида маълумотлар;

3) жиноят содир этилиш жойи ҳамда вақти тўғрисидаги маълумот;

4) жиноят предмети яъни тақиқланган экинларни айнан қайси турга мансублиги тўғрисидаги маълумот;

5) жиноят содир этиш мақсади тўғрисидаги маълумотлар;

6)жиноят ишининг тергови давомида аниқланган бошқа қўшимча маълумотлар (масалан жиноят маълум бир шахсларнинг буюртмаси асосида ҳақ эвазига етиштириб бериш тўғрисида олинган маълумотлар ва бошқалар);

Юқоридаги тақиқланган экинларни етиштириш жиноятларининг криминалистик тавсиф элементларини таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур турдаги жиноятларни содир этиш усули шахснинг тақиқланган экинларнинг уруғини экишга қаратилган ҳаракатлари билан ифодаланади. Экиш жойининг очиқ ёки ёпиқ тарзда эканлиги жиноятни малакалашда аҳамият касб этмайди.

Жиноят содир этган шахс тўғрисидаги маълумотларни мазкур турдаги жиноят ишлари бўйича алоҳида эътибор берган ҳолатда аниқлаш тақозо этади. Сабаби аксарият ҳолатларда ҳовлилар ва томорқаларда экилган каннабис ва бошқа ўсимликларни ёши катта бўлган хонадон вакили асл жиноят содир қилган шахсни яшириш мақсадида ўзи экканлигини билдириб айбини бўйнига олиш ҳолатлари кузатилади. Бу эса айбдор бўлмаган шахсни ноҳақ айбланишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли жиноятни содир қилган асл шахсни топиш муҳим аҳамият касб этади. Жиноятни содир этилиш вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотлар дастлабки ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати давомида аниқланиб, ушбу маълумотлар келгусида асосий исботлаш предмети сифатида ҳам ўрин тутади. Жиноят предмети яъни тақиқланган экинларни айнан қайси турга мансублиги тўғрисидаги маълумотлар асосий маълумотлардан ҳисобланиб, бу ўринда махсус билимлардан фойдаланган ҳолда судга оид кимёвий экспертиза тадқиқоти орқали аниқлик киритилади. Экспертиза хулосасига кўра, тақиқланган экин таркибида гиёҳвандлик воситаси бор ёки йўқлиги, мазкур турдаги ўсимлик тақиқланган ўсимликларнинг айнан қайси турига киришлиги ҳолатларига ойдинлик киритилади. Жиноят содир этиш мақсади юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўз истеъмоли учун, тижорат мақсадида солиш учун бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритиб ўтдик.

Кўриб чиқилаётган жиноятни тўғри малакалаш учун терговчи ва суриштирувчилар жиноий ҳуқуқий нормаларни, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятларини криминалистик тавсифини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганишни талаб қилади.

Хулоса ўрнида, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг криминалистик тавсифи мазкур турдаги жиноятларни самарали тергов қилиш, жиноят ишларининг тергови давомида юзага келадиган вазиятларда терговчи ва суриштирувчилар томонидан қандай ҳаракат қилишлари лозимлиги ҳамда жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашга хизмат қилади.

XIDIROV DAVLATBEK ANZOR O‘G‘LI
O‘zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

SHARTLI HUKM QILISHDA SINOV MUDDATI VA UNING DAVOMIYLIGI TO`GRISIDA

Annotatsiya: Ushbu tezisda bugungi kunda milliy jinoyat qonunchiligimizda shaxsni jamiyatdan ajratmagan holda axloqan tuzatish institutlarini kengroq qo‘llash, shaxsni tuzatishda uning jamiyat oldidagi mas’uliyat hissini shakllantirish orqali, uning o‘ziga kengroq imkoniyat yaratish masalasi va shartli hukm qilishning muddatlari va davomiyligiga oid masalalarni ko`rib chiqamiz.
Kalit so`zlar: Sinov muddati, jazo, ijtimoiy xavflilik darajasi, og‘ir jinoyat, muayyan majburiyatlar, axloq tuzatish ishlari, mahkum.
Аннотация. В данном тезисе мы будем рассматривать вопрос о более широком применении институтов нравственного исправления без отделения человека от общества, согласно нашему национальному уголовному законодательству, кроме того, вопрос создания для него более широких возможностей путем формирования чувства ответственности перед обществом, а также сроки и продолжительности условного осуждения.
Ключевые слова: Испытательный срок, наказание, степень общественной опасности, тяжкое преступление, отдельные обязанности, исправительные работы, приговорённый.
Annotation. In this thesis, we will examine the issue of broader application of moral rehabilitation institutions without isolating individuals from society, in accordance with our national criminal legislation. Furthermore, we will explore creating wider opportunities for them through fostering a sense of responsibility towards society, as well as the terms and duration of probation.
Keywords: Probation period, punishment, level of public danger, serious crime, specific duties, correctional labor, the condemned.

Qonunga muvofiq, sud shartli hukm tayinlash vaqtida sinov muddatini belgilaydi va shartli hukm qilingan shaxs esa ushbu muddat davomida axloqan tuzalganligini isbot qilishi lozim. Sinov muddatining mohiyati shu bilan belgilanadiki, sud tomonidan belgilangan vaqt mobaynida mahkum o‘zining axloqan tuzalganini isbotlashi, o‘ziga yuklangan majburiyatlarni vijdonan bajarishi va yangi jinoyat sodir etmasligi kerak. Jazo unsurini o‘z ichiga oluvchi shartli hukm qilish sud tomonidan tayinlangan sinov muddatida ham o‘z ifodasini topadi: uning shartlari asosiy jazoni ijro etish tahdidini o‘z ichiga oladi. Sinov shartlari buzilgan taqdirda sud tayinlangan asosiy jazoni amalda qo‘llashi shart.

Sinov muddatining mohiyati xususida har xil nuqtayi nazarlar mavjud. M.H.Rustambayevning qayd etishicha, sinov muddati – bu vaqt mobaynida shartli hukm qilingan shaxs o‘z xulqi bilan o‘zgarganligini isbotlashi zarur bo‘lgan muayyan davrdir. Sinov muddati, begumon, mahkumning tuzalishi uchun tazyiq o‘tkazishni tashkil qilish va shartli hukm qilishni qo‘llash asosli ekanligini tekshirish uchun ko‘zda tutilgan[1]. Sinov muddati davomiyligiga shartli hukmni kuzatib boruvchi majburlov hajmi ham bog‘liq (muayyan majburiyatlar, sudlanganlik holati, huquqbuzarlik sodir etilganda shartli hukm real jazoga almashtirilishi mumkinligi va shartli hukm muddati davrida sodir etilgan jinoyatlar uchun jazo tayinlashda Jinoyat kodeksining 60-moddasiga asosan shartli tayinlangan jazo qisman yoki to‘la qo‘shish yo‘li bilan sud tomonidan amalga oshiriladi).

[1]Rustambayev M.H. O‘zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. T.2. Umumiy qism. Jazo to‘g‘risida ta’limot. Darslik. – Toshkent: ILM ZIYO, 2011. – B. 192.

Aksariyat huquqshunoslar fikriga koʻra, sinov muddati davrida mahkumning axloqan tuzalganligi tekshiriladi[1]. S.N.Sabanin sinov muddati jazodan ozod qilingan shaxs davlat majburlovi choralarini qoʻllamasdan axloqan tuzalish-tuzalmasligini yoki u amalda tuzalgan-tuzalmaganini tekshirish uchun belgilanadi, deb hisoblaydi. Uning fikricha, sinov muddati – bu shunday bir davrki, uning mobaynida jazodan ozod qilingan shaxs bilan tarbiyaviy ish olib borilishi lozim. Loʻnda qilib aytganda, sinov muddati – bu aybdorlar axloqan tuzalishi uchun belgilangan vaqtdir[2]. Bizningcha, bu fikrga qoʻshilish qiyin, chunki, birinchidan, qonun sinov muddati davrida mahkum oʻzining axloqan tuzalganini isbot qilishini talab etadi, ikkinchidan, sinov muddatining oʻtishi va shartlari shartli hukm qilingandan sud uning zimmasiga yuklangan majburiyatlarni bajarishni taqozo qiladi va ular, oʻz navbatida, davlat majburlovi choralarini oʻz ichiga oladi.

V.S.Orlov qarama-qarshi nuqtayi nazarni ilgari suradi. Uning fikricha, hamonki sinov muddatiga nainki tarbiyaviy funksiya, balki ma'lum darajada jazo unsurlari ham xos ekan, u shartli ravishda tayinlangan jazo chorasining ogʻirlik darajasiga ham bogʻliq boʻladi, shartli hukm qilinganning axloqan tuzalishi uchun tegishli vaqt yetarli ekanligiga sudning ishonchi bilangina belgilanmaydi. Shartli hukm qilishda sinov muddatining davomliligi, javobgarlik va jazoni individuallashtirishning tarkibiy qismi sifatida, jazo turi va miqdoriga bogʻliq boʻladi.

M.M.Babayev ushbu masala boʻyicha oʻxshash nuqtayi nazarni ilgari suradi. Uning fikricha, sinov muddatining asosiy vazifasi davlat majburlovini qoʻllash tahdidi bilan mahkumni yangi jinoyatlar sodir etishdan oʻzini tiyishga majbur qilishdan iborat. Agar sinov muddati institutini qonunga kiritishdan koʻzlangan maqsadni e'tiborga oladigan boʻlsak, sinov muddati – bu mahkumning axloqan tuzalishi uchun moʻljallangan muddat emas[3].

Qonunda sinov muddatining davomliligi tayinlangan jazo muddati bilan qat'iy bogʻliq boʻlishi lozimligi nazarda tutilmagan. Masalan, besh yilga ozodlikdan mahrum qilish tayinlanganda qonun bir yildan iborat sinov muddatini belgilash imkonini beradi. Bundan tashqari, sud amaliyotida sinov muddati asosiy jazo muddatidan ancha kam boʻlganiga misollar koʻp. Agar M.M.Babayevning sinov muddati – bu mahkumning axloqan tuzalishi uchun moʻljallangan muddat emas, degan fikriga qoʻshiladigan boʻlsak, shartli hukm qilishning maqsadlari qachon amalga oshirilishi va shartli hukm qilingan shaxs axloqan tuzalganini qaysi davrda isbot qilishi lozimligi mavhum boʻlib qoladi.

A.S.Gorelik sinov muddati masalasiga boshqa tomondan yondashadi – uni sudlanganlik holatining tugallanishi muddati ekvivalenti sifatida tavsiflaydi, mazkur davrda jinoyat sodir etganlikni esa ushbu muddatni toʻxtatish uchun asos deb hisoblaydi[4].

---

[1] Кригер Г.А. Условное осуждение и рол общественности в его применении. – М., 1993. – С. 73.; Виноградов А.Б. Условное осуждение: Законодателные, теоретические и правоприменителные аспекты. Дисс. …канд. юрид. наук. – Краснодар, 2001. – С. 109.

[2] Сабанин С.Н. Справедливость освобождения от уголовного наказания. – Екатеринбург, 1993. – С. 118-119

[3] Бабайев М.М. Индивидуализация наказания несовершеннолетних. – М., 1998. – С. 112-113.

[4] Горелик А.С. Назначение наказания по совокупности. – Красноярск, 1995. – С. 223.

Yu.P.Kraves fikriga koʻra, sinov muddati deganda shunday bir davr tushuniladiki, uning mobaynida shartli hukm qilingan shaxs sudlangan deb hisoblanadi va shartli hukmning bekor qilinishi tahdidi ostida yangi jinoyat sodir etmasligi kerak boʻladi.

Koʻrib turganimizdek, sinov muddatiga sudlanganlik holatining tugallanishi muddati ekvivalenti sifatida qarash nafaqat uning mohiyatini yoritmaydi, balki shartli hukm qilishni qoʻllashda sinov muddatining oʻrni va ahamiyatini kamaytiradi. Ushbu institut nomining oʻziyoq uning sinov muddati sifatidagi vazifasidan darak beradi. Shartli hukm qilinganga sud tomonidan yuklangan majburiyatlarni vijdonan bajarish orqali bunday shaxs oʻzining axloqan tuzalganini va oʻziga nisbatan shartli hukm qoʻllanishining asosliligini isbot qilishi lozim. Tadqiq etilayotgan institutning huquqiy oqibatlari, eng avvalo, shartli hukm qilingan shaxsning sinov muddati davridagi xulq-atvoriga bogʻliq boʻladi.

Shartli hukm qilishda sinov muddati xususidagi barcha huquqiy nuqtayi nazarlarning keltirilgan roʻyxati koʻrsatilgan mualliflar masalaga bir yoqlama yondashganlar, degan xulosaga kelish imkonini beradi. Oʻzbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 72-moddasi matnidan sinov muddati sud aybdor tayinlangan jazoni oʻtamasdan turib ham uning xulqini nazorat qilish orqali tuzatish mumkin, degan qatʼiy fikrga kelgan holda belgilanadi. Sinov muddati davrida shartli hukm qilingan shaxs oʻz xulq-atvori bilan jazoning maqsadlariga uni amalda qoʻllamasdan ham erishilganini isbot qilishi lozim, bunda shartli hukm qilishni tayinlashning asosliligini tekshirish shartli hukm qilinganga yuklangan majburiyatlar bajarilishini nazorat qilish yoʻli bilan amalga oshiriladi.

Shunday qilib, **sinov muddati –** bu qonun bilan belgilangan shunday bir davrki, mazkur davr mobaynida shartli hukm qilinganga muayyan majburiyatlar yuklanadi hamda ularning bajarilishini nazorat qilish yoʻli bilan aybdorning axloqan tuzalishi va qoʻllanilgan shartli hukmning asosliligi tekshiriladi.

Sinov muddatining samarali taʼsiri uning davomliligi sud tomonidan qay darajada toʻgʻri belgilanganiga koʻp jihatdan bogʻliq boʻladi. “Sinov muddatining davomliligini sud jinoyat va uni sodir etgan shaxsning ijtimoiy xavflilik darajasiga qarab, mahkum axloqan tuzalganini isbot qilishi uchun sud fikriga koʻra qancha muddat zarurligidan kelib chiqib belgilaydi”[1]. Qonunga muvofiq, sinov muddati bir yildan uch yilgacha belgilanib, hukm chiqarilgan kundan boshlab hisoblanadi. Basharti, shartli hukm qilish toʻgʻrisidagi qaror yuqori sud tomonidan chiqarilgan taqdirda ham, sinov muddatini hisoblash shu kundan boshlanadi.

Qonunda sinov muddati chegaralari belgilangan boʻlsa-da, uning davomiyligi aniq differensiatsiya qilinmagan. Bizningcha, normaning bunday nomuayyanligi oʻrtacha ogʻir jinoyat uchun uncha ogʻir boʻlmagan jinoyatga qaraganda kamroq sinov muddatini tayinlash uchun imkoniyat yaratadi. Bundan tashqari, qonun chiqaruvchi nafaqat sinov muddatini jinoyat toifasiga qarab qoʻllash mezonlarini aniqlashtirmagan, balki sinov muddati asosiy jazo muddatidan kamroq yoki koʻproq boʻlishi mumkinligini ham koʻrsatmagan.

[1] Ткачевский Ю.М. Юридическая природа условного осуждения. // Уголовное право, 1999. №1. – С. 37.

Adabiyotlarda sinov muddati tayinlangan jazo muddatiga bog‘liq bo‘lishi va unga mos kelishi lozim, degan fikr ilgari surilgan. A.N.Kondalov sinov muddati sud tomonidan tayinlangan jazo muddatidan kam bo‘lishi mumkin emas, degan xulosaga kelgan[1]. Ayrim olimlar sinov muddatini belgilashni faqat tayinlangan jazoni hisobga olish bilan cheklaydilar[2]. O‘z-o‘zidan ravshanki, qilmish va aybdor shaxsining ijtimoiy xavflilik xususiyati va darajasi qancha kuchli bo‘lsa, mahkumga shuncha og‘ir jazo tayinlanadi, demak, sinov muddati ham shuncha uzoq bo‘lishi mumkin. Shu sababli, shartli ravishda tayinlangan jazo bilan sinov muddati o‘rtasida hech qanday aloqa mavjud emas deb hisoblashni, to‘g‘ri fikr deb bo‘lmaydi.

Ammo, ushbu omilga hal qiluvchi ahamiyat yuklash ham mumkin emas, chunki sud jazo tayinlar ekan, o‘z fikriga ko‘ra shartli hukm qilish talablari buzilgan holda shaxsni jamiyatdan ajratish sharoitlarida uning axloqan tuzalishi uchun zarur bo‘lgan muddatni belgilaydi. Sinov muddatini belgilash esa, bajarilishi tayinlangan asosiy jazoni o‘tamasdan ham shaxsning axloqan tuzalganini tasdiqlovchi majburiyatlarni amalga oshirish bilan bog‘liq. Amalda muayyan sinov muddati to‘g‘risidagi masalani ko‘rib chiqish, hech shubhasiz, qilmishning ijtimoiy xavflilik xususiyati va darajasini, sud tomonidan tayinlangan jazoni va ishga taalluqli holatlar yig‘indisini hisobga olish bilan bog‘liq. Ammo, sinov muddatining davomliligi birinchi navbatda aybdorni sinash davri qancha vaqt davom etishi lozimligi bilan belgilanadi. Bizning fikrimizcha, sudlar ushbu masalani yechishda aksariyat hollarda aybdorning shaxsini hisobga oladilar, qilmishning ijtimoiy xavflilik xususiyati va darajasi esa shartli tayinlangan jazo muddatini belgilashda hisobga olinadi. Shu sababli, sinov muddati tayinlangan asosiy jazo muddatiga teng bo‘lishi lozim yoki undan kam bo‘lishi mumkin emas, deb hisoblaydigan mualliflar fikriga biz qo‘shila olmaymiz, chunki aybdorning shaxsi aksariyat hollarda tayinlangan jazoga qaraganda kamroq sinov muddatini tayinlashga loyiq bo‘lishi mumkin. Ushbu nuqtayi nazarni himoya qilar ekan, A.N.Kondalovning o‘zi jazo muddati shartli hukm qilish vaqtida sinov muddatini belgilash uchun muhim ekanligiga qaramay, ularning o‘rtasida mexanik bog‘liqlikni o‘rnatish maqsadga muvofiq bo‘lmasligini ta’kidlaydi. Uning fikricha, bu aybdorning shartli hukm qilish faktiga bo‘lgan munosabatiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Ma’lumki, jazolar ba’zan jinoyatning ijtimoiy xavflilik xususiyati va darajasigagina emas, balki JK Maxsus qismi normalarining “mavjud sanksiyalari”ga ham bog‘liq bo‘ladi.

Demak, mualliflarning yuqorida keltirilgan nuqtayi nazarlari qonun yo‘li bilan mustahkamlanishi amalda shartli hukm qilishni qo‘llanish doirasi sezilarli darajada torayishiga olib keladi. Aniqroq aytganda, ushbu takliflarning amalga oshirilishi o‘z-o‘zidan shunga olib keladiki, sud shartli hukm qilish vaqtida sinov muddatini belgilashda mazkur sinov muddatining aybdor xulqini tuzatish uchun zarurligiga bo‘lgan ishonchdan emas, balki rasmiyatchilik mulohazalaridan kelib chiqadi.

[1] Кондалов А.Н. Условное осуждение и механизмы его обеспечения. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Казан, 2000. – С.118.

[2] Наумов А.В. Уголовное право. Общая част. – М., 1996. – С. 434.

Vaholanki, sinov muddatining davomliligi aybdor shaxsining bir qator individual xususiyatlariga bog‘liq bo‘lib, ularni sud shartli hukm qilish to‘g‘risida hukm chiqarishda doim hisobga olishi lozim.

Shartli hukm qilishda sinov muddatining davomliligi to‘g‘risidagi masalalarni muhokama qilayotganda, sinov muddatining yuqori va quyi chegarasi muammosiga ham to‘xtalib o‘tish zarur. Ayrim olimlar fikriga ko‘ra, davomliligi uch yildan ortiq bo‘lgan sinov muddati amalda talab etilmaydi, ushbu muddatning quyi chegarasi bir yildan kam bo‘lgan taqdirda esa, bu shartli hukm qilishning samaradorligini pasaytirishi mumkin. E.V.Lyadov sinov muddati chegaralarini olti oydan uch yilgacha belgilash zarur, degan fikrni ilgari surar ekan, haddan tashqari davomli sinov muddatini tayinlash shartli hukm qilishning tarbiyaviy ahamiyatini pasaytirishi va uning axloq tuzatuvchi ta’sirini susaytirishini ta’kidlaydi. Mazkur masalani tadqiq etar ekan, S.N.Sabanin qilmish va sinov muddatining davomliligi nisbatiga bo‘lgan yondashuvni yanada differensiatsiya qilishni taklif qiladi: “Shaxs uncha xavfli bo‘lmagan yoki o‘rtacha og‘ir jinoyat sodir etgan bo‘lsa, sinov muddati bir yildan ikki yilgacha, u og‘ir jinoyat sodir etgan taqdirda esa – ikki yildan uch yilgacha belgilanishi lozim”.

Amaldagi qonunchilik shartli hukm qilishni O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi 72-moddasi birinchi qismida sanab chiqilgan asosiy jazolarning 4 ta turiga nisbatan qo‘llash imkonini beradi va ushbu jazo turlarining har biri turli hajmdagi davlat majburlovi choralarini o‘z ichiga oladi. Mazkur jazolarga hukm qilingan shaxslarning ijtimoiy xavflilik darajasi bir xil emas. Binobarin, ularga belgilanishi mumkin bo‘lgan sinov muddatlari ham bir xil bo‘lishi mumkin emas.

Masalan, og‘ir jinoyatlar sodir etganlik uchun sinov muddatining yuqori chegarasi – uch yilni belgilash o‘rinli bo‘lsa, olti oyga axloq tuzatish ishlari shartli ravishda tayinlangan holda, bir yildan ortiq muddatga sinov muddatini belgilash maqsadga muvofiq hisoblanmaydi. Shu bilan birga, sinov muddatini belgilashda voyaga yetmagan shaxsning ham shartli hukm qilinishi mumkinligini e’tiborga olish lozim bo‘ladi. Bundan tashqari, shuni inobatga olish lozimki, davomli sinov muddatini tayinlash ijobiy ta’sir ko‘rsatishi va aybdorni shartli hukm qilishning huquqiy oqibatlaridan ozod bo‘lish maqsadida o‘zining axloqan tuzalganini isbotlashga rag‘batlantiruvchi omil bo‘lib xizmat qilishi mumkin.

Shu bilan bir vaqtda, sudlar amalda sinov muddatining davomliligini sodir etilgan jinoyatning toifasi bilan bog‘lamaydilar. Ayni shu sababli, sinov muddati uchun qat’iy chegaralarning o‘rnatilishi sudning muayyan jinoyatchiga nisbatan yondashuvini individuallashtirish imkoniyatlarini sezilarli darajada kamaytirgan bo‘lardi.

Sinov muddatining davomliligi bilan bog‘liq masalalar tahliliga yakun yasar ekanmiz, yana bir masalaga qisqacha to‘xtalib o‘tmoqchimiz. Huquqiy adabiyotlarda shartli hukm qilish vaqtida aniq jazo muddatini tayinlamasdan, darhol mahkum bilan tarbiyaviy ishni tashkil etish uchun muayyan sinov muddatini belgilash maqsadga muvofiq bo‘ladi, degan nuqtayi nazar ilgari surilgan. A.N.Kondalov bu fikrni qo‘llab-quvvatlar ekan, tayinlangan jazo muddati belgilanmagan holda sinov muddatining roli va shartli hukm qilishning samaradorlik darajasi yanada oshadi,

deb hisoblaydi. “Agar hukmda faqat jazo turi belgilansa va uning muddati koʻrsatilmasa, sud sinov muddatini belgilash bilangina kifoyalansa, shartli hukm qilinganga u oʻziga yuklatilgan majburiyatlarni bajarishdan boʻyin tovlagan taqdirda sud tomonidan ilgari belgilangan miqdordagi jazo emas, balki jinoyat- huquqiy normaning sanksiyalar toʻplami tahdid soladi. Bunday yondashuvda odillik prinsipi chindan ham amal qiladi”. Bizningcha, bu fikrga qoʻshilish qiyin, zero, sinov muddati talablari buzilgan va u bekor qilingan holda, jazo muddatini tayinlamasdan shartli hukm qilish oʻz maʼnosini yoʻqotgan boʻlur edi, chunki mazkur bosqichda mahkum aynan qanday jazo muddatini oʻtashi lozimligini belgilash mumkin emas, ushbu masala faqat ishni toʻliq hajmda koʻrib chiqish paytida hal etilishi mumkin. Bundan tashqari, asosiy jazo muddatining muayyan emasligi hukmning jazolovchi taʼsiri mazmuniga, shartli hukm qilishni qoʻllashda umumiy va xususiy prevensiya maqsadlarini amalga oshirish jarayoniga salbiy taʼsir koʻrsatishi mumkin.

DAVRONOV ISROILJON
G‘OFURJON O’G’LI
O‘zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

LAVOZIMDAN CHETLASHTIRISH MAJBURLOV CHORASINI QO`LLASH QONUNIYLIGI VA DOLZARB MUAMMOLARI

Annotatsiya: Mazkur maqolada O‘zbekiston Respublikasida inson huquq va erkinliklari hamda qonuniy manfaatlari yuqori oʻringa qoʻyilishi, uning asosiy huquqlaridan biri mehnat qilish huquqi ekanligi, mehnat qilish huquqi faqat sud qarori orqali qonunda belgilangan tartibda cheklanishi lozimligi, lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasi, tushunchasi, uni qo‘llash asoslari, kelib chiqish tarixi, rivojlanish bosqichlari, ushbu majburlov chorasini O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksida qabul qilinishi va unga kiritilgan oʻzgartirishlar, majburlov chorasining ahamiyati va amaliyotda yuzaga kelgan muammolar yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Konstitutsiyaviy huquq va erkinliklar, lavozimdan chetlashtirish, majburlov chorasi, Jinoyat-protsessual kodeksi, iltimosnoma qo‘zg‘atish haqida qaror.

Аннотация: В данной статье правам и свободам и законным интересам человека придается высокий приоритет в Республике Узбекистан, одним из основных ее прав является право на труд, право на труд должно быть ограничено только по решению суда в соответствии с законодательством Республики Узбекистан. Закон, отстранение от должности является мерой принуждения, понятие, основы ее применения, история ее возникновения, этапы развития, принятие этой меры принуждения в Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан и внесенные изменения в нем освещено значение меры принуждения и проблемы, возникшие на практике.

Ключевые слова: Конституционные права и свободы, отстранение от должности, мера принуждения, УПК, решение о возбуждении ходатайства.

Annotation: In this article, human rights and freedoms and legal interests are given high priority in the Republic of Uzbekistan, one of its main rights is the right to work, the right to work should be limited only by a court decision in accordance with the law, removal from office is a coercive measure, the concept, the basis of its application, the history of its origin, the stages of development, the adoption of this coercive measure in the Criminal Procedure Code of the

Republic of Uzbekistan and the amendments made to it, the importance of the coercive measure and the problems that have arisen in practice are covered.

Key words: Constitutional rights and freedoms, removal from office, coercive measure, Criminal Procedure Code, decision to initiate a petition.

Darhaqiqat bugungi kunda, inson huquqlarini amalga oshirish har bir shaxsning asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Jamiyatda inson shaxs sifatida shakllanar ekan, o‘zining asosiy huquqlari bilan birga vazifalarini ham ado etmog‘i lozim. Buning uchun asosiy yordamchi sifatida davlat o‘z funksiyalarini bajarish orqali namoyon qiladi.

Hozirgi zamonda shaxsning huquq va erkinliklari nafaqat milliy qonunchiligimizda, balki umume’tirof etilgan normativ hujjatlarda ham o‘z aksini topgan.

Jumladan, 1966 yilda qabul qilingan “Fuqarolik va siyosiy huquqlar to‘g‘risida”gi Xalqaro Paktining 9-moddasida “Har bir inson erkinlik va shaxsiy daxlsizlik huquqiga ega. Bunday huquqlardan faqat sudning qarori orqaligina cheklanishi mumkinligi”, - ko‘rsatilgan[1].

Shuni ta’kidlash lozimki, keyingi yillarda O‘zbekiston Respublikasida ham shaxsiy huquqlarni ta’minlashga doir bir qator normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindiki, jamiyatda shaxsni haqiqatda ham birinchi o‘ringa qo‘yish lozimligini ko‘rsatmoqda.

Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining yangi taxrirda qabul qilinishi yuqoridagi so‘zimizning isboti bo‘lishi mumkin.

Zero Konstitutsiyamizning 28-moddasida jinoyat sodir etganlikda ayblanayotgan shaxs uning aybi qonunda nazarda tutilgan tartibda oshkora sud muhokamasi yo‘li bilan isbotlanmaguncha va sudning qonuniy kuchga kirgan hukmi bilan aniqlanmaguncha aybsiz deb hisoblanishi qat’iy belgilandi[2].

Inson huquqlari oliy qadryat hisoblanib, uni cheklash faqat qonuniy tartibda amalga oshirilishi lozimdir. Zero O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvar kunidagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-sonli qarorining 14-maqsadida fuqarolarga huquqiy ta’sir ko‘rsatish, shu jumladan harakatlanish erkinligini cheklash bilan bog‘liq choralarni qo‘llashda qonuniylikni so‘zsiz ta’minlash belgilab qo‘yilganligi ham keyingi yillarda mazkur yo‘nalishda asosiy e’tibor inson huquqlarini cheklashda qonuniylikka rioya qilishni ta’milashga qaratilganligini ko‘rsatmoqda[3].

[1] 16.12.1966 yildagi “Fuqarolik va siyosiy huquqlar to‘g‘risida” Xalqaro pakt https://lex.uz/docs/-2640479

[2] O‘zbekiston Respublikasining 30.04.2023 qilda yangi tahrirda qabul qilingan Konstitutsiyasi https://lex.uz/docs/-6445145

[3] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvar kunidagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-sonli qaror https://lex.uz/docs/5841063

Bu borada jinoiy-sud ishlarini yuritishni yanada takomillashtirish muhum bo‘lib, majburlov chorasi, ayniqsa lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasini isloh qilish dolzarb masala hisoblanadi.

Majburlov choralari, xususan jinoyat protsessida lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasi bir qator dunyo va o‘zbek olimlari tomonidan o‘rganilgan.

Jumladan, dastlabki tergov davomida lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasi rus olimlaridan A.Axpanov, B.Bulatov, A.Boykov, V.Vetrova, E.Kutueyeva, G‘arbiy davlatlardan professor Viktoras Justickis, Sandra Kaija, Jains Teivans-Trenovskis asarlarida ko‘rib chiqilgan.

O‘zbek olimlaridan esa G.Tulaganova, M.Rustamboyev, D.Bazarova, V.Davlatov, B.Salomov va boshqalarning ishlarida to‘xtalib o‘tilgan.

Har jinoyat ishi doirasida ma’lum bir shaxsning huquq va erkinliklarini cheklashga qaratilgan qarorlar qabul qilish lozim bo‘ladi. Bundan majburlov choralarining qo‘llamasdan turib jinoyatni to‘liq ochish, yetkazilgan zararni qoplash, aybdorni sud va jazodan bo‘yin tovlashni oldini olib bo‘lmaydi. Shunday choralardan biri esa majburlov chorasi hisoblanadi.

Mazkur majburlov choralaridan biri lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasi bo’lib, u o‘zining ahamiyati va qo‘llanish doirasiga ko‘ra o‘z o‘rniga ega.

O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksining 255–moddasiga ko‘ra basharti ayblanuvchi, sudlanuvchi o‘z ish joyida qolsa, jinoyat ishi bo‘yicha haqiqatni aniqlashga yoki jinoyat oqibatida yetkazilgan zararning o‘rnini qoplashga to‘sqinlik qiladi yoxud jinoiy faoliyatini davom ettiradi, deb hisoblashga yetarli asoslar mavjud bo‘lsa, ular lavozimidan chetlashtirilishi mumkinligi ko‘rsatilgan. Biroq kodeksda lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasiga aniq ta’rif berib o‘tilmagan.

Lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasi haqida ayrim olimlar turli fikrga egadirlar. Xususan rus olimi A.V. Shnitenkov lavozimdan chetlashtirish chorasi o‘z maqsadi bo‘yicha ehtiyot choralariga o‘xshaydi va u faqat ayblanuvchi, sudlanuvchining surishtiruv, dastlabki tergov va suddan bo‘yin tovlashning oldini olish maqsadini ko‘zlamaydi[1].

Shu kabi R.Yakubov ayblanuvchini lavozimdan chetlashtirish ehtiyot choralariga juda yaqinlashadi, lekin u protsessual majburlov choralarining mustaqil turi hisoblanishini, chunki u ehtiyot choralari mansub bo‘lgan erkinlik va shaxsiy daxlsizlikni emas, balki faoliyat turi va kasb tanlash kabi konstitutsiyaviy huquqni cheklashini ta’kidlagan[2].

Haqiqatdan ham lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasi ehtiyot choralariga o‘xshasada, mazkur chora ish beruvchi va hodim o‘rtasidagi munosabatlarni tartibga solib turishi bilan ajralib turadi.

Shuningdek, mazkur majburlov chorasini hizmat bo‘yicha cheklash va muayyan huquqdan mahrum qilish kabi jazolardan farqlash lozim. Mazkur jazolar sudning

[1] А.В.Шнитенков Временное отстранение от должности как мера уголовно-процессуального принуждения // Уголовный процесс-2008№1-Б-50

[2] Р.Х.Якубов Уголовный процесс. Учебник-М.: Зерколо 1998-Б-97-98

hukmi qonuniy kuchga kirganidan so‘ng jazo sifatida muayyan muddatga mansab lavozimdan ishlash huquqidan mahrum qiladigan bo‘lsa, lavozimdan chetlashtirsh aybi to‘liq isbotlanmagan va sud tomonidan aybdor deb topilmagan shaxsga nisbatan kelgusida jinoiy faoliyatini davom ettirmaslik maqsadida qo‘llaniladi.

Lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasini kelib chiqish tarixiga ko‘ra 4 ta davrga bo‘lish mumkin.

Xususan, birinchisi, XIX davrgacha bo‘lgan davrda dastlabki huquq asoslari paydo bo‘lgan vaqtda lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasi bo‘lib, mazkur davrda asosan O‘zbekiston hududida shariat qonunlari muhum o‘rin tutgan.

Ikkinchisi, XIX asr oxiridan 1917 yilgacha Rus podsholigi davrida mamlakatimizda dastlabki rim huquqi normalarining qo‘llanishi boshlangandagi majburlov choralari.

Uchinchisi, 1917 qildan 1994 qilga qadar sobiq SSSR davlatida amalda bo‘lgan jinoyat protsessual qonunchiligi normalari davrida lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasi shakllangan paytlar.

To‘rtinchisi, mustaqillik davrida O‘zbeksiton Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksida keltirib o‘tilgan lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasi. Mazkur kodeksda majburlov chorasi kimlarga nisbatan qachon va kim tomonidan, qanday tartibda qo‘llanishi batafsil yoritilib ketilgan.

Tarixdan bizga ma’lumki, hozirgi O‘zbekiston Respublikasida rim huquqi normalari tizimiga asoslangan bo‘lib, mazkur tizim bizga rus qonunchiligi asosida kirib kelgan.

Lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasi rus qonunchiligida “Русская Правда(XI-XIII), Pskov sudining nizomi (1467), Novgorod sudining nizomi (1471), Ivan III qonunlar kodeksi (1497), Ivan IV qonunlar kodeksi (1550), Sobor kodeksi (1649), Jinoiy va axloq tuzatish jazolari to‘g‘risidagi nizom (1845), Sud qonunlari (1864 y), Sud to‘g‘risida qaror №1(1917), Sud to‘g‘risida qaror №2(1918), RSFSR ning Jinoyat-protsessual kodekslarida (1922,1923,1960 yillar) paydo bo‘lib, rivojlangan[1].

Mustaqil O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat qonunchiligiga mazkur majburlov chorasi 22.09.1994 yilda O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksi qabul qilinganida kirib kelgan. Ushbu kodeksga ko‘ra lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasi 255-260 moddalarida o‘z ichiga qamrab olgan.

Dastlab qabul qilingan qonunchilik normasiga ko‘ra mazkur majburlov chorasi ayblanuvchi, sudlanuvchi o‘z ish joyida qolsa, u jinoyat ishi bo‘yicha haqiqatni aniqlashga, jinoyat oqibatida yetkazilgan zararni qoplashga to‘sqinlik qiladi yoki jinoiy faoliyatini davom ettiradi deb hisoblashga yetarli asoslar bo‘lsa, tergovchi, prokuror yoki sud tomonidan qo‘llanilgan.

Ushbu majburlov chorasi tergovchi, prokuror yoki sud tomonidan qo‘llanilib, buning uchun hozirgi kabi alohida sudning qarori qabul qilinishi talab qilinmagan.

[1] Р.Бикмев. Временное отстранение от должности подозреваемого или обвиняемого в уголовном судопроизводстве: сущность, значение и правовые последствия Автореферат. Деловогя полиграфия 2015-Б 15.

E’tiborga molik jihati dastlabki qabul qilingan kodeksning 259-moddasida ayrim toifadagi mansabdor shaxslarni surishtiruvchi, tergovchi, prokuror, basharti ular ishda ayblanuvchi, sudlanuvchi tariqasida ishtirok etish uchun jalb qilingan bo‘lsalar, lavozimdan chetlashtirilgan hisoblanishi kabi norma mavjud bo‘lgan.

Birinchi qabul qilingan kodeksdan faqat 260-modda hozirgi kunga qadar o‘zgarishsiz qolgan.

O‘zbekiston Respublikasining 2012-yil 18-sentabrdagi “Sud-huquq tizimini yanada isloh qilish munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida” Oz‘RQ-335-sonli Qonuni bilan ushbu majburlov chorasini qo‘llash faqat sudning qaroriga asosan amalga oshirilishi belgilandi.

Shuningdek, uni qancha muddatda amalda bo‘lishi va mazkur majburlov chorasi tergovchi va prokuror tomonidan sudning albatta xabardor qilgan holda bekor qilinishi ko‘rsatildi.

Bundan tashqari, lavozimdan chetlashtirish to‘g‘risida iltimosnoma qo‘zg‘atish va uni ko‘rib chiqish tartibi mazkur qonun bilan belgilangan.

Bundan keyingi o‘zgarish O‘zbekiston Respublikasining 06.09.2017 yildagi “Surishtiruv instituti takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida” gi O‘RQ-442-sonli Qonuni bilan surishtiruv instituti ham majburlov chorasini qo‘llash sub`ektiga aylangan.

Oxirgi o‘zgartirish esa “Jinoyat ishlari bo‘yicha sud qarorlarini qayta ko‘rish instituti takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat-protsessual kodeksiga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi 12.01.2021 yildagi O‘RQ-664-sonli Qonuni bilan kiritilgan bo‘lib, qonunga ko‘ra sud tizimida o’zgarishlar bo’lganligi sababli Jinoyat-protsessual kodeksining 257-moddaning birinchi qismidagi “jinoyat ishlari bo‘yicha Qoraqalpog‘iston Respublikasi Oliy sudi, jinoyat ishlari bo‘yicha viloyat, Toshkent shahar sudi” degan so‘zlar “Qoraqalpog‘iston Respublikasi sudi, viloyat, Toshkent shahar sudi” degan so‘zlar bilan almashtirilgan.

Lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasini qo‘llash bo‘yicha so‘nggi yillarda bir qator o‘zgartirishlar amalga oshirilgan bo‘lsada, amaliyotda ayrim muammolar mavjud ekanligini ko‘rish mumkin.

Jumladan, mazkur majburlov chorasini qo‘llash bo‘yicha aniq tartib ishlab chiqilmaganligi, gumonlanuvchiga nisbatan ham ushbu majburlov chorasini qo‘llash zaruriyati mavjudligi, chetlashtirilishi mumkin bo‘lgan lavozim turlari aniq belgilanmaganligi, faqat lavozimlar emas ma’lum bir faoliyat turi uchun ham chetlashtirish tartibi ko‘rib chiqilmaganligi, lavozimdan chetlashtirilgan shaxsga nisbatan to‘lanishi lozim bo‘lgan kompensatsiya pullari to‘lash tartibi mavjud emasligi, aynan qanday turdagi jinoyatlar uchun mazkur majburlov chorasi qo‘llash lozimligi ko‘rsatilmaganligi amaliyotda muammolarni yuzaga keltirmoqda.

Kelgusida lavozimdan chetlashtirish tartibi bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining alohida nizomini ishlab chiqish orqali yuqoridagi muammolarni bartaraf qilish mumkin bo‘ladi.

Ushbu nizomda majburlov chorasini o‘tash va qo‘llash tartibi, ularga to‘lanadigan kompensatsiya pullari, nazorat qiluvchi tashkilotni belgilash mumkin bo‘ladi.

Bundan tashqari majburlov chorasini Jinoyat kodeksining maxsus turdagi, asosan mansabdor shaxslar va lavozim hamda kasbga ega bo‘lgan shaxs, uning sodir etgan jinoyat turiga qarab qo‘llash lozim.

Jinoyat-protsessual qonunchiligiga ko‘ra huquqni muhofaza qilish organi mansabdor shaxsi tomonidan shaxs gumon qilinuvchi deb e’tirof etilib, uning ayrim huquqlari cheklanishi mumkin. Biroq unga ayb e’lon qilinguncha o‘zining jinoiy qilmishlarini davom ettirish imkoniyati mavjud bo‘lib qoladi. Shu sababli jinoyat sodir qilish havfi mavjud bo‘lgan har bir holatda majburlov chorasini qo‘llash maqsadga muvofiq bo‘lar edi.

Shuningdek, ayrim toifadagi mansabdor shaxslar, xususan, surishtiruvchi, tergovchi, prokuror, sudya, deputatni va boshqa daxlsizlik maqomiga ega bo‘lgan shaxslarni lavozimdan chetlashtirish masalasini ham Jinoyat-protsessual kodeksiga kiritish lozim deb hisoblayman.

MIRZALIYEV SHAVKATJON XAYITALIYEVICH
O’zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish Akademiyasining magistratura tinglovchisi, IIV kadrlarining amalda zaxirasidagi xodim

TOSHQUVVATOV SINDOR YANGIBOY O’G’LI
O’zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish Akademiyasi katta o’qituvchisi

JINOYAT PROTSESSI ISHTIROKCHILARI XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHNING O’ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: Jinoyat protsessi ishtirokchilarining xavfsizligini ta’minlash jinoyat protsessining istalgan bosqichida haqiqatni aniqlash, ish bo’yicha ahamiyatga ega bo’lgan dalillarga ega bo’lish va ayb uchun javobgarlik hamda javobgarlikning muqarrarligi prinsipining amalga oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababli mamlakatimizda tinchlik va xavfsizlikni ta’minlash, shuningdek sud-huquq sohasida olib borilayotgan islohotlarda jinoyat protsessi ishtirokchilarining huquq va erkinliklarini himoya qilish va ularning xavfsizligini ta’minlash borasida erishilgan natijalar va mavjud muammolar tahlil qilingan.

Kalit so’zlar: Xavfsizlik, jinoyat protsessi, jinoyat protsessi ishtirokchilari, jinoyat protsessi ishtirokchilarining xavfsizligini ta’minlash, shaxsning huquq va majburiyatlari, tezkor-qidiruv faoliyati va tergovga qadar tekshiruv harakatlari.

Аннотация. Обеспечение безопасности участников уголовного процесса имеет важное значение в реализации принципа установления истины на любом этапе уголовного процесса, наличия доказательств, имеющих значение по делу, а также неотвратимости ответственности и ответственности за вину. В этой связи проанализированы достигнутые результаты и имеющиеся проблемы обеспечения мира и безопасности, а также защиты прав и свобод участников уголовного процесса в проводимых в стране реформах в судебно-правовой сфере.

Ключевые слова: Обеспечение безопасности, уголовного процесса, безопасности участников уголовного процесса, участников уголовного процесса, права и обязанности лица, оперативно-розыскная деятельность и действия до следственной проверки.

Annotation. Ensuring the safety of participants in criminal proceedings is important in the implementation of the principle of establishing the truth at any stage of the criminal process, the presence of evidence of importance in the case, as well as the inevitability of responsibility and liability for guilt. In this regard, the results achieved and the existing problems of ensuring peace and security, as well as protecting the rights and freedoms of participants in the criminal process in the reforms carried out in the country in the judicial and legal sphere were analyzed.

Key words: ensuring the safety, criminal process, safety of participants in the criminal process, participants in the criminal process, the rights and obligations of the person, operational-search activities and actions of the pre-investigation check.

Har bir davlatning barqaror rivojlanishida jamiyatning xavfsizligi qonun yo'li bilan hamda amaliy jihatdan ta'minlanganligi muhim hisoblanadi. Shuning uchun ham jamiyat hayoti va taraqqiyoti uchun munosib sharoitlar yaratish hamda har qanday xavfsizlikka bo'lgan tahdidlarni oldini olish va bartaraf etish davlatning asosiy vazifalaridan hisoblanadi. Jamiyat hayotida fuqarolarning erkinligi va farovonligini ta'minlash bilan bir qatorda ularning xavfsizligini ta'minlash ham jamiyat rivojining eng muhim elementlaridan biridir.

O'zbekiston Respublikasi referendumida umumxalq ovoz berish orqali qabul qilingan yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 14-moddasida, insonning huquq va erkinliklari nafaqat Konstitutsiya, balki xalqaro huquqning umume'tirof etilgan normalariga binoan kafolatlanishi, ushbu huquq va erkinliklar insonga tug'ilganidan boshlab tegishli bo'lishini, shuningdek, barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo'lib, jinsi, irqi, millati, tili, dini, e'tiqodi, ijtimoiy kelib chiqishi, ijtimoiy mavqeidan qat'iy nazar, qonun oldida tengligi belgilab qo'yilgan. Bundan tashqari, mazkur Konstitutsiyamizning 20-moddasida esa O'zbekiston Respublikasi fuqarosi va davlat bir-biriga nisbatan o'zaro huquq va majburiyatlar bilan bog'liqligi ko'rsatib o'tilgan bo'lib, huquqning barcha sohalarida ularning zimmalariga huquq va majburiyatlar yuklaydi.

Bugungi kunda xalqaro miqyosda jinoyat protsessi ishtirokchilarining xavfsizligini ta'minlash zaruriyati dolzarbligicha qolmoqda. Chunki, davlat va jamiyat kundan kun rivojlangani sari, xalqaro jinoyatchilik olamida ham yangi ijtimoiy xavfli qilmishlar paydo bo'lib, ularni sodir etish usullari ham rivojlanib bormoqda. Ushbu holatlar yuzasidan haqiqatni aniqlash maqsadida huquqni muhofaza qiluvchi organlar xodimlari zimmasiga ulkan vazifalar qo'yilmoqda.

Jahon miqyosida guvoh, jabrlanuvchi va sudlanuvchi kabi jinoyat protsessining boshqa ishtirokchilarining protsessual maqomini takomillashtirish, ularning xavfsizligini ta'minlash, ularni himoya qilish dasturlarini ishlab chiqish va uni amalga oshirish, xalqaro standartlarga muvofiq sud-tergov faoliyatini yo'lga qo'yish, dastlabki tergov va sud jarayonida guvohlar, jabrlanuvchi va sudlanuvchi hamda jinoyat protsessi boshqa ishtirokchilari tomonidan taqdim etilayotgan dalillarning ishonchliligini ta'minlashga oid ilmiy izlanishlar olib borish, qonunchilikni takomillashtirishga jiddiy e'tibor qaratilmoqda.

Boshqa davlatlar singari O’zbekiston Respublikasida ham jinoyat protsessi ishtirokchilarining xavfsizligini ta’minlash zaruriyati dolzarb hisoblanib, ularning xavfsizligiga qaratilgan normalar milliy qonunchiligimizda aks etgan bo’lsa-da, ushbu sohada takomillashtirilishi lozim bo’lgan bir qancha masalalar va huquqiy bo’shliqlar mavjud. Hozirda jinoyat protsessi ishtirokchilari va ularning yaqinlarining xavfsizligini ta’minlash masalalari bir qator huquqshunos olimlar tomonidan olib borilayotgan ilmiy tadqiq qilinganligi ushbu masalaning dolzarb ekanligidan dalolat beradi.

Mamlakatimizda jinoyat ishlarini yuritish jarayonlarida jinoyat protsessining ishtirokchilari: jabrlanuvchi, guvoh, xolis, ekspert, mutaxassis, tarjimon kabilar jinoyat ishini yuritishda faol ishtirok etibgina qolmasdan, ularning zimmalariga bir qancha huquq va majburiyatlarni yuklaydi.

O’zbekiston Respublikasining “Tezkor-qidiruv faoliyati to’g’risida”gi Qonuni 3-moddasiga ko’ra, tezkor-qidiruv faoliyati ushbu Qonun bilan maxsus vakolat berilgan davlat organlarining tezkor bo’linmalari tomonidan tezkor-qidiruv tadbirlari o’tkazish orqali amalga oshiriladigan faoliyat turib hisoblanib, o’z navbatida tezkor-qidiruv tadbirlari oshkora va nooshkora usullar uyg’unligi prinsipiga amal qilgan holda olib boriladi. Tezkor-qidiruv tadbirlari jinoyatlarni oldini olish, sodir etilgan jinoyatlarni fosh etish, jinoyatchilikka qarshi kurashish, dalillarni to’plash va tadqiq etish, surishtiruv, tergov va sud organlaridan yashirinib yurgan, jinoiy jazodan bo’yin tovlayotgan shaxslarni aniqlab, ayb uchun javobgarlikning muqarrarligi prinsiplarini amalga oshishini ta’minlash, eng muhimi huquq va erkinliklari buzilgan shaxslarning qonun bilan belgilab qo’yilgan manfaatlarini himoya qilishning muhim bosqichi hisoblanadi.

Xuddi shuningdek, tergovga qadar tekshiruv harakatlari ham faqatgina O’zbekiston Respublikasi JPKning 391-moddasida nazarda tutilgan davlat organlari tomonidan olib borilib, tergovga qadar tekshiruv harakatlarini amalga oshiruvchi organlari zimmasiga jinoyat alomatlari va jinoyat sodir etgan shaxslarni topish, jinoyat ishlari yuzasidan kelgusida dalil sifatida tekshirib ko’rib, dalil tariqasida foydalanish mumkin bo’lgan ma’lumotlarni aniqlash kabi boshqa bir qator vazifalar yuklatilgan bo’lib, ushbu vazifalarni inson huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish maqsadida yuridik va jismoniy shaxslarning murojaatlari yuzasidan qonun ustuvorligini ta’minlashning zaruriy bosqichlaridan hisoblanadi.

Huquqshunos olim A.A.Umarxonovning fikricha, “jinoiy protsess ishtirokchilariga nisbatan jinoyat protsessi ishtirokchilarining xavfsizligini ta’minlashni imkon qadar tezroq qabul qilish shart. Shu munosabat bilan, tergovga qadar tekshiruv bosqichida xavfsizlik choralarini qo’llash dolzarb ahamiyatga ega”.

Biz ham huquqshunos olim A.Sh.Umarxonovning fikriga qo’shilgan holda, jinoyat protsessi ishtirokchilari va uning yaqinlariga nisbatan jinoyat protsessi ishtirokchilari xavfsizligini ta’minlashga qaratilgan chora-tadbirlarni tergovga qadar tekshiruv, surishtiruv, tergov va sud jarayonlaridagina emas, balki tezkor-qidiruv faoliyatini amalga oshirish jarayonlarida ham qo’llash maqsadga muvofiq

hisoblanadi. Chunki, jinoyat protsessi ishtirokchilari va uning yaqinlariga nisbatan kelgusida bo'ladigan turli xildagi bosimlar va tahdidlar sodir etilishini oldini oladi.

O'zbekiston Respublikasi hududida jinoyat protsessi ishtirokchilarini jinoiy tajovuzlardan himoya qilinishni ta'minlash davlatning vakolatli organlari (IIV, DXX va boshqalar) vazifasi bo'lib, ushbu davlat organlari tomonidan O'zbekiston Respublikasining yangi Konstitutsiyasi, JPK va "Jabrlanuvchilarni, guvohlarni va jinoyat protsessining boshqa ishtirokchilarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonuni, shuningdek, ichki idoraviy hujjatlar talablari asosida turli xil himoya choralarini qo'llash orqali amalga oshiriladi.

Rossiyalik huquqshunos olim N.I.Matuzovning fikricha, "shaxs huquqlari doimiy ravishda muhofaza qilinadi, uning huquqlari buzilgan taqdirdagina himoya qilinadi". Ushbu fikr bo'yicha bizning qarashlarimiz farq qiladi. Chunki, jinoyatlarning oldini olish O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi va huquqni muhofaza qiluvchi organlarning vazifalaridan biri sifatida belgilangan. Huquqshunos olim N.I.Matuzovning fikriga qisman qo'shilgan holda shaxs huquqlari doimiy ravishda himoya qilinadi, uning huquqlarining buzilishini oldini olish uchun uning xavfsizligini ta'minlash zarur. Chunki, buzilgan huquqlar reabilitatsiya etiladi yoki tiklanadi. Shaxsning huquqlari buzilganidan keyin reabilitatsiya qilishdan yoki qayta tiklashdan ko'ra, uning huquqlarini buzilishini oldini olish samaralidir.

Jinoyat protsessi ishtirokchilari yoki uning yaqinlariga nisbatan turli ruhiy va jismoniy zo'ravonlik, tuhmat, mol-mulklariga zarar yetkazish yoki yo'q qilish va moddiy boylik evaziga o'z tarafiga og'dirish kabi noqonuniy harakatlar amalga oshirilib, jinoyat protsessining istalgan bosqichida haqiqatni aniqlashga sun'iy ravishda to'sqinlik qilinishi ehtimoldan holi emas. Natijada esa, ayb uchun javobgarlik va javobgarlikning muqarrarligi prinsiplari qo'pol ravishda buzilishiga, jamoatchilikning huquqni muhofaza qiluvchi organlarga bo'lgan ishonchsizligiga sabab bo'ladi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, jinoyat protsessi ishtirokchilarining xavfsizligi ta'minlangan davlatda jinoyatlarning oldini olish, sodir etilgan jinoyatlarni fosh etish va jinoyatchilikka qarshi kurashishda chinakamiga haqiqatni aniqlash ustuvor hisoblanadi. Haqiqat aniqlangan barcha hollarda esa ayb uchun javobgarlik muqarrarligi ustuvor bo'lib, jinoyat ishlari bo'yicha muhim ahamiyatga ega dalillarni aniqlashga xizmat qiladi.

ИСМОИЛОВ ОЛИМЖОН ЮСУПЖОН ЎҒЛИ

Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ЮҚОРИ ЛАТЕНТЛИК САБАБЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада экология соҳасидаги латент жиноятлар тушунчаси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Латент экологик жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни яширин содир этиш механизмларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу турдаги жиноятларнинг юқори латентлик сабаблари таҳлил қилинган.
Калит сўзлар: Экологик жиноятлар, экология соҳасидаги латент жиноятлар, экологик ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти.
Аннотация: В статье рассматривается понятие латентных преступлений в сфере экологии и их особенности. Особое внимание уделено причинам латентных экологических преступлений и механизмам их скрытного совершения. Анализируются причины высокой латентности данного вида преступлений.
Ключевые слова: Экологические преступления, латентные преступления в сфере экологии, экологические правонарушения, правовое регулирование, правоприменительная практика.
Abstract: The article discusses the concept of latent crimes in the field of ecology and their features. Particular attention is paid to the causes of latent environmental crimes and the mechanisms for their secret commission. The reasons for the high latency of this type of crime are analyzed.
Key words: Environmental crimes, latent crimes in the field of ecology, environmental offenses, legal regulation, law enforcement practice.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларни жамиятимиз ҳаётидаги ўта хатарли жиҳатларини ҳамда улар кўламини кенгайиб боришини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида ушбу турдаги жиноятларни “экология ва атроф-муҳитга зарар етказиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятларни оғир жиноятлар тоифасига киритиш”[1] вазифаси юклатилган. Мазкур вазифаларни ўз вақтида ва тизимли бажаришни таъминлаш учун экология соҳасидаги жиноятлар моҳиятини тўлиқ англаб етиш ва уларни бошқа жиноят турларидан фарқ қилувчи жиҳатларини таҳлил қилиш мазкур вазифани муваффақиятли бажаришни гаровидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг[2] 47-моддасида Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликнинг тўрт тури - интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги (моддий) жавобгарлик белгиланган. Шу билан бирга, шахсни улардан бирига жалб қилиш, агар тегишли асослар мавжуд бўлса, уни бошқа турдаги жавобгарликдан озод қилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг жиноий қонунчилигининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги илмий ёндашувларини таҳлил қилиш асосида “экологик жиноят”лар ва “экология соҳасидаги латент жиноятлар” тушунчасига эътибор қаратилди.

[1] “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сонли Президент фармони (31.05.2023 й.)
[2] Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (9.12.1992 й)

Мамлакатимизда экологик жиноятларнинг ўзига хос кўриниши сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига маълум бўлмаган ва аниқланмаган латент жиноятларни мустақил тадқиқот объекти сифатида яхлит ўрганилмаган. Унинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан Ю.А.Жураев, Ж.Т.Холмўминов, М.Б.Усмонов, Ш.Х.Файзиев, С.С.Ҳамроев, У.Т.Аюбов, Н.К.Скрипников, Ш.Шодиметов, Г.Ш.Узакова, Б.Ҳ.Калонов, Д.У.Арипов, М.М.Нурматов, Дж.И.Сафаров, Ў.Р.Ҳамраев, Н.Шоимов ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Латент жиноятларнинг таснифи ва турлари, мохиятига бағишланган тадқиқотлар МДХ мамлакатлари олимларидан А.А.Акаев, Р.М.Акутаева, А.М.Алексеева, А.А. Г.И.Забрянский, З.М.Исаева, А.Н.Ларкова, В.В.Лунеева, В.В.Панкратова, И.Л.Шрагу, А.С.Шляпочникова, Н.В.Сазанова ва бошқалар томонидан олиб борилган. Уларнинг таснифи бўйича латент жиноятлар алоҳида жиноят тури сифатида ажратилади.

Дастлаб умумий экологик жиноятларга эътибор бериш керак. Экологик жиноятлар - бу табиат, инсон саломатлиги ва бутун жамият учун салбий оқибатларга олиб келадиган, экологик қонун ҳужжатларини бузувчи жиноий ҳаракатлардир. Экологик жиноятларнинг умумий тасниф бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш тавсия этилади:

1. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, жумладан, атмосферага зарарли моддаларнинг чиқарилиши, ифлосланган сувларни сув ҳавзаларига оқизиш, рухсатсиз ўрмонларни кесиш ва бошқалар;

2. Ер ости бойликларини ноқонуний қазиб олиш;

3. Ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб турларининг ноқонуний савдоси, шу жумладан браконерлик, экзотик ҳайвонлар ва ўсимликларнинг контрабандаси;

4. Экология қонунчилигини бузиш, жумладан, табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш талабларини эътиборсиз қолдириш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти ва экологик меъёрларга риоя этмаслик, шунингдек, бузилган атроф-муҳитни тиклаш чораларини кўрмаслик.

Экологик жиноятлар жамиятда турли хил сабаблар орқали юз беришини кузатиш мумкин. Жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузган ҳолда фойда олишга интилиш, корхоналар ва жисмоний шахслар фаолияти устидан давлат ва жамият томонидан етарлича назорат ўрнатилмаганлиги, аҳолини атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳимлиги тўғрисида маълумот ва маърифатнинг етишмаслиги билан боғлиқ.

Экологик жиноятлар атроф-муҳит, инсон саломатлиги ва иқтисодиёт учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Сув ҳавзалари ва тупроқнинг ифлосланиши, табиий ландшафтлар ва биологик хилма-хилликни йўқ қилиш, ресурсларни ноқонуний қазиб олиш - буларнинг барчаси экологик вазиятнинг ёмонлашишига, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солишига олиб келади. Бундан ташқари, экологик жиноятлар ишлаб чиқаришнинг асосий хом ашёси ҳисобланган тикланмайдиган табиий ресурсларни қисқартириш

орқали иқтисодиётга зарар етказиши, шунингдек, атроф-муҳитни тиклаш ва экологик омиллар таъсирида юзага келадиган касалликларни даволашга кўпроқ маблағ сарфлаш зарурлигига олиб келиши мумкин.

Экологик жиноятларнинг ҳуқуқий табиати одатда мамлакат қонунчилиги билан белгиланади ва табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ қоидаларни бузишни ўз ичига олади.

Экологик жиноятларнинг ҳуқуқий моҳиятини тушунишнинг муҳим жиҳати атроф-муҳитга етказилган зарарни ҳисобга олиш ва уларни пул билан баҳолашдир. Экологик жиноятлар катта моддий ва экологик йўқотишларга, жумладан, биологик хилма-хилликнинг йўқотилишига, ҳаёт сифатининг пасайишига, экотизимларнинг бузилишига ва инсон саломатлигига таҳдидлар олиб келиши мумкин.

Экологик жиноятларнинг ҳуқуқий табиатининг муҳим жиҳати ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларни ҳисобга олишдир. Кўпгина экологик жиноятлар трансчегаравий хусусиятга эга ва миллий чегараларни кесиб ўтиши мумкин, бу эса мамлакатларнинг бундай жиноятларни тергов қилиш ва олдини олиш бўйича ҳамкорлик қилиши заруратини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам экологик жиноятларнинг ҳуқуқий моҳиятини тушуниш ва таҳлил қилиш миллий ва халқаро қонунчилик, ижтимоий-иқтисодий оқибатлар, адолат ва барқарор ривожланиш тамойилларини ўз ичига олган кенг кўламли омилларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тўртинчи бўлимида “Экология соҳасидаги жиноятлар” туркумида атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар келтирилган, бироқ ушбу нормада экология соҳасидаги жиноятларнинг аниқ туркуми, таснифи келтирилмаган. Илмий ҳуқуқий адабиётларда “экологик жиноятлар” тушунчасига турли хил таърифлар берилган. Б.В. Яцеленко экологик жиноятларни жиноят қонунчилигида назарда тутилган, қулай табиий муҳитни сақлаш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш учун жамоат муносабатларига тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмишлар деб таърифлайди[1].

А.И.Чучаевнинг ёзишича, “экологик жиноятлар - қонунда назарда тутилган, жамоат муносабатларига тажовуз қилувчи, инсоннинг нормал ҳаёти учун қулай табиий муҳитни сақлашга, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи ижтимоий хавфли жиноий қилмишдир”[2].

“Экологик жиноятлар” Е.Н.Жевлаков бўйича “қулай муҳитни сақлаш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш учун жамоат муносабатларига тажовуз қилувчи

[1] Журавлев, М. П. Уголовное право России: Части Общая и Особенная: учеб. [Текст] / М. П. Журавлев; под ред. А. И. Рарога. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – с. 704.

[2] Рарога, А. И. Уголовное право России: Особенная часть [Текст] / А. И. Рарога. – М.: Эксмо, 2007. – 688 с.

ижтимоий хавфли жиноий ҳаракатлардир”[1]. Шундай қилиб, илмий адабиётлар ва Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳит соҳасидаги қонунчилик базасини таҳлил қилиш асосида “Экологик жиноят” тушунчасининг қуйидаги таърифини таклиф қилиш мумкин - бу ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноят қонунчилигида назарда тутилган, атроф-муҳитни, шунингдек унинг таркибий қисмларини ва аҳолининг экологик хавфсизлигини сақлаш, тиклаш, оқилона фойдаланиш бўйича жамоат муносабатларига зарар етказиш орқали белгиланган экологик ҳуқуқий тартибга тажовуз қилишдир.

С.М.Иншаков маълумотларига кўра, бугунги кунда умумий рўйхатга олинган ва латент жиноятларнинг нисбати 1 га 20 ни ташкил қилади[2]. Бундан кўриниб турибдики, экология соҳасида ҳам рўйхатга олинган ҳар бир жиноят учун ҳуқуқ-тартибот идоралари назаридан четда қолган 20 та жиноят мавжуд бўлади. Бу ҳолат экология соҳасидаги латент жиноятларни тадқиқ этиш бутун жамият учун устувор аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири ҳисобланади. Юқоридагиларни эътиборга олиб мазкур тадқиқот экология соҳасидаги латент жиноятларни кўламини аниқлаш, баҳолаш ва фош этиш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилди.

Экология соҳасидаги латент жиноятларга соҳа олимларининг назарий қарашлари асосида қуйидагича таъриф бериш мумкин: Экология соҳасидаги латент жиноятлар деганда – “маълум ҳудудий бирлик доирасида коррупцион жиноятларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига олдиндан номаълум бўлган, муқаддам рўйхатга олинмаган ёки рўйхатга олинган бўлсада, нотўғри ҳуқуқий баҳо бериш натижасида жиноят деб топилмаган қисмига айтилади.

Бундан ташқари, экология соҳасидаги латент жиноятлар нафақат бугунги кунимизда балки келажакда ҳам янги, янги ўзига хос жиноятларни юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолат натижасида, мазкур муаммонинг ечимига бир неча соҳа вакилларининг биргаликдаги ҳаракати натижасида кутилган натижага эришиш мумкин.

БОБОНАЗАРОВ УЛУҒБЕК ИСТАМ ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалалари ёритилган бўлиб, бунда уларнинг

[1] Бриллиантова, А.В. Уголовное право России: Части Общая и Особенная: учебники [Текст] / А.В. Бриллиантова. – Москва: Проспект, 2011. – 827 с.

[2] Иншаков С.М. Теоретические основы исследования и анализа латентной преступности: монография. ЮНИТИ-ДАНА. М., 2011-839 с.

ҳуқуқларини тўлиқроқ таъминлашда қонунчиликдаги айрим камчиликлар масаласи ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жабрланувчи, ҳуқуқий ворислик, прокурор, жавобгарликка тортиш муддати.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган Жиноят кодекси нормалари акс этган бўлиб, мазкур жиноятлар бўйича агарда жабрланувчининг аризаси бўлмаса, жиноят ишини қўзғатиш мумкин эмаслиги ўрнатилган. Бироқ, фикримизча, ушбу норма такомиллаштирилиши керак, деб ўйлаймиз. Чунки, мазкур нормада аризани такроран беришга йўл қўйилиши, ариза бергач, уни қайтариб олиш мумкин ёки мумкин эмаслиги, аризага нисбатан ҳуқуқий ворислик каби ҳолатлар ўз аксини топмаган. Масалан, Германияда ушбу масалалар Жиноят кодексида[1] ўз аксини топган бўлиб, қонунчиликка кўра оммавий ва хусусий айблов ўзаро фарқланган.

Жабрланувчи қонунда назарда тутилган жиноятлар бўйича иш қўзғатишни сўраб ариза бериши, яъни хусусий айбловни бошлаши, иш юзасидан суд ҳужжати қабул қилингунга қадар исталган босқичда ушбу аризасини фақат бир маротаба қайтариб олиши мумкин. Шунингдек, қонунчиликда ариза бериш бўйича даъво муддатлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, мазкур нормаларда аризага нисбатан ҳуқуқий ворислик ҳам ўз аксини топган бўлиб, жиноят содир этилгандан сўнг жабрланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза беришга улгурмасдан вафот этган бўлса, ариза бериш ҳуқуқи унинг турмуш ўртоғи ва болаларига, улар бўлмаса, марҳумнинг ота-онасига, агарда улар ҳам ҳаёт бўлмасалар, марҳумнинг ака-ука ёки опа-сингилларига ўтиши назарда тутилган. Ариза бериш ҳуқуқига эга бўлган юқорида санаб ўтилган шахслар бўлмаганда, хусусий айблов очилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Мазкур нормалардан кўришимиз мумкинки, Германия қонунчилигида ушбу жараённи тартибга солувчи кўплаб нормалар ўз аксини топган. Шубҳа йўққи, ишни судга қадар юритиш босқичида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини процессда ҳар томонлама бетараф бўлган суд орқали таъминлаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Масъул органларнинг ариза бермасликка даъват этиши ҳамда ноқонуний қарорлар қабул қилиши, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи ўртасидаги муайян келишувнинг бузилиши билан боғлиқ шикоятлар ҳам бу жараёнда тўпланиб қолган муаммолар борлигини ва уларни ислоҳ этишни англатади. Одатда, амалиётда, номусга

[1] [Электрон манбаа] URL: https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/

тегиш жиноятидан жабр кўрганлар айбланувчи у билан никоҳ тузиш таклифини бажармаганлиги, тергов органлари аризани ёздирмагани ҳақида мурожаат қилишади. Жиноят кўрсаткичларини камайтиришга уриниш ёки бошқа суиистеъмолчиликлардан манфаатдорлик ҳам бунга сабаб бўлади дейиш мумкин. Шу сабабли, жабрланувчи жиноят иши қўзғатишни сўраб ариза бермаган ёки дастлабки берилган ариза қайтариб олинган тақдирда, ишни тугатиш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қайд этилганларга асосан, Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасини қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдириш ҳамда иккинчи қисмни тегишлича тўртинчи қисм деб ҳисоблаш таклиф этилади: “Жабрланувчи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятлар бўйича иш қўзғатишни сўраб ёзган аризасини иш бўйича суд ҳужжати қабул қилингунга қадар исталган босқичда фақат бир маротаба қайтариб олиши мумкин. Жиноят содир этилгандан сўнг шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтгунгача жабрланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза беришга улгурмасдан вафот этган бўлса, ариза бериш ҳуқуқи унинг турмуш ўртоғи ва болаларига, улар бўлмаса, марҳумнинг ота-онасига, агарда улар ҳам ҳаёт бўлмасалар, марҳумнинг ака-ука ёки опа-сингилларига ўтади. Ариза бериш ҳуқуқига эга бўлган ушбу шахслар бўлмаган тақдирда, жиноят иши қўзғатилишига йўл қўйилмайди”.

Ўз навбатида, ушбу норма ЖПКнинг 84-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни ҳамда Кодексни суд тартибида иш юритишнинг алоҳида тартибини белгиловчи боб билан тўлдиришни тақозо қилади. Фикримизча, янги нормаларнинг жорий этилиши жабрланувчининг аризасига асосан қўзғатиладиган жиноят ишлари юритилишини янада аниқ меъёрлар асосида амалга оширилишини таъминлайди. ЖПКнинг 166-68-моддаларида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш, ҳамда мазкур Кодекснинг 21-боби[1]да телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш бўйича тергов ҳаракатлари келтириб ўтилган. Уларнинг мазмунига кўра, бундай тергов ҳаракатлари ноошкора усулларда амалга оширилади. Яъни, уларнинг ўтказилиши ҳақида тергов ҳаракатлари ўтказилаётган шахслар хабардор этилмайди. Бироқ, ЖПКнинг иккинчи бобида назарда тутилган жиноят процесси принциплари орасида ноошкора усулларни қўллаш тартиби мавжуд эмас. Принцип ҳақида фикр юритишнинг сабаби шуки, қонун нормалари мазмуни ушбу қонун ҳужжатининг асосий принциплари мазмунига мувофиқ бўлиши керак. Амалиётда ҳам, мазмунан номувофиқлик юзага келган вазиятларда тамойил қоидалари устунлиги тан олинган ҳолатларни кўп кузатиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2012 йилдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сонли Қонунининг 14-моддасига кўра, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ва бошқа хабарларни назорат қилиш ҳамда телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали

[1] [Электрон манбаа].URL: https://library-tsul.uz//жиноят-процессуал-ҳуқуқи-махсус-қисм-2018/

олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш тезкор-қидирув тадбири ҳисобланади. Айтиш мумкинки, мазкур тергов ҳаракатлари тезкор-қидирув тадбири сифатида ҳам намоён бўлиб, қонун нормаларида уларни ўзаро фарқловчи жиддий хусусиятлар ўз аксини топмаган. Ваҳоланки, Президентимизнинг 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш” Концепциясининг иккинчи бўлим 1.3-бандида жиноят-процессуал қонунчилик тизимини нормалар ва институтларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллашнинг самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, шунингдек, такрорланувчи нормалардан воз кечиш лозимлиги таъкидланган. Бундан ташқари, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйишга рухсат беришда ҳам тафовутлар мавжуд. Яъни, тергов ҳаракатини ўтказиш учун суд, тезкор-қидирув тадбири учун прокурор рухсати талаб этилади. Қолаверса, ушбу нормаларнинг бекор қилиниши натижасида тергов ҳаракатига зарурият юзага келиши билан боғлиқ қарашларни инкор этувчи ечим ҳам мавжуд. Яъни, ЖПКнинг 81-моддаси 3-қисмига кўра, қонунда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижалари ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилиб, баҳоланганидан сўнг жиноят иши бўйича далиллар деб эътироф этилиши мумкин. Шу боис, жиноят-процессуал қонунчилигидан тезкор-қидирув сифатида ўтказиладиган, Кодекс принциплари мазмунига мувофиқ бўлмаган ушбу нормаларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида келтирилган қонуний асосларга кўра, қуйидагилар таклиф этилади:

1) Жиноят-процессуал кодексидан 166-168-моддаларни, шунингдек, Кодекснинг 21-бобини (169-171-моддалар) чиқариб ташлаш;

2) Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддасини қуйидаги мазмундаги 4-қисм билан тўлдириш: “Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ҳамда телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг топшириғи бўйича тезкор-қидирув органлари томонидан амалга оширилади”. Ишни судга қадар юритиш босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир масала борки, у мазкур жараёнда фаолият кўрсатмачи кадрлар фаолиятига тааллуқли. Сўнгги йилларда давлат хизматчиларининг касбий сифатлари ва хизматларини объектив баҳолаш орқали давлат хизматини самарали ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Бу борада, Президентимизнинг 03.10.2019 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони ҳам мазкур соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Фармоннинг 2-банди иккинчи хатбошисида, касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ва объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш, ҳамда

уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия тамойилини қўллаш давлат фуқаролик хизматини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Қайд этиш жоизки, бугунги кунда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчилар фаолиятини баҳолаш тартиби процессуал қонунчиликда ўз аксини топмаган.

Бундан ташқари, улар томонидан амалга оширилган ишлар ҳисоби ҳам марказлаштирилган тартибда ҳисобга олинмайди. Жиноят ишлари ҳисоби эса, фақат ишнинг мазмуни учун юритилади. Баҳолаш мезонларининг белгиланмаганлиги уларни масъулиятли лавозимларга тайинлаш ёки йўл қўйилган камчиликлар асносида лавозимни пасайтириш, ёхуд ундан озод этишда субъектив ёндашувларга сабаб бўлади. Бу борада, хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Хитой Халқ Республикасида терговчиларни 8 та тоифага ажратиш тизими мавжуд бўлиб, тоифага ажратишда, ходимнинг иш стажи, тергов қилинган, прокурор ёки суддан қайтган жиноят ишлари сони билан боғлиқ мезонлар белгиланган. Ижобий кўрсаткичга эришган ходимларга лавозимини ошириш, қўшимча устама белгилаш, тоифа даражасини бериш каби имтиёзлар, аксинча, салбий кўрсаткичларга эга ходимларни эса бошқа лавозимга ўтказиш, тоифасини бекор қилиш ёки давлат хизматидан бўшатиш каби чоралар қўлланилади. Шу боис, ЖПКни “Терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчи фаолиятини баҳолаш” деб номланувчи қуйидаги мазмундаги 393-модда билан тўлдириш лозим: “Терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчи фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган мезонлар асосида баҳоланади. Баҳолаш натижалари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мансабдор шахсларга тоифа даражаларини бериш учун асос бўлади. Жиноят ишлари содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчининг малака тоифасига мувофиқ равишда тақсимланади”.

Ўйлаймизки, жиноят-процессуал қонунчилигида бу каби нормаларнинг акс этиши иш самарадорлигини оширишга, фаолиятда субъектив ёндашув юзага келишини олдини олишга хизмат қилади. Асосий мақсад эса, “Илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида қонунчилик ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш услубиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган”. Сўнгги уч йил ичида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда, аммо ушбу соҳада қилинадиган ишларимиз бисёр.

Бундан ташқари, қонунчилигимизда мавжуд ярашув институтининг асосий талаби сифатида иккала тарафнинг розилиги ярашиш учун асос қилиб белгиланган бўлсада, Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисмида “Шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса”, ҳамда 2-қисмида “Эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга

дахлдор бўлса” айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар келтирилган.

Мазкур ҳолатда жиноят ишини тугатиш учун жабрланувчининг розилиги ёки унга етказилган зарар қопланганлиги инобатга олинмайди. Шу боис, ушбу нормага жиноят ишини тугатиш чоғида жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар қопланишини таъминлаш ва жабрланувчига моддий ва маънавий зарар қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилган ҳолда жабрланувчининг розилигини олиб, сўнгра жиноят ишини тугатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмини яратиш учун - дастлабки терговни назорат қилиш бўйича прокурорнинг ваколатларини кенгайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши лозим:

- жиноят натижасида жабрланганларни қўллаб-қувватлаш **жамғармасини** ташкил этиш ва унинг фаолияти учун ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқишни кўриб чиқиш;
- жиноят процессида жиноят ишини қўзғатиш босқичини оптималлаштириш;
- жабрланганларга етказилган зарарни қоплаган айбланувчи (гумон қилинувчи) учун жиноий процессуал имтиёзларни бирлаштириш;
- озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахслар меҳнатга жалб қилинган корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришга буюртма берадиган ташкилотларга имтиёзли солиқ режимини ишлаб чиқиш;
- жиноятлар тўғрисидаги хабарларни рўйхатга олиш ва қайд этишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш имкониятини кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси томонидан 1983 йил 24 ноябрдаги “Оғир жиноятлар содир этилиши натижаси қурбонларига компенсация тўлаш тўғрисида”ги Европа конвенциясини имзолаш масаласини кўриб чиқиши лозим.

SATTOROV DAVLAT G‘AYRATOVICH
O‘zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

JINOYAT PROTSESSIDA MUNOSIB XULQ-ATVORDA BO‘LISH HAQIDAGI TILXAT EHTIYOT CHORASINING O‘RNI VA O‘ZIGA XOS JIHATLARI

Annotatsiya: Ushbu tezisda jinoyat protsessida ehtiyot choralarini qo‘llashning maqsadi, vaziflari va o‘ziga xos xususiyatlari, munosib xulq-atvorda bo‘lish haqidagi tilxat ehtiyot chorasini qo‘llashni tartibga soluvchi normalar va ularni qo‘llash amaliyotining tahlili, munosib xulq-atvorda bo‘lish haqidagi tilxat ehtiyot chorasini qo‘llash bo‘yicha ayrim xorijiy davlatlarning ilg‘or tajribasi,

shuningdek, ushbu ehtiyot chorasini qo‘llash jarayonida vujudga keladigan ayrim muammo va kamchiliklarni bartaraf etish bo‘yicha bir qator takliflar keltirib o‘tilgan.

Kalit so’zlar: Jinoyat protsessi, tergov, ehtiyot choralari, munosib xulq-atvorda bo‘lish haqidagi tilxat, huquq va erkinliklarni cheklash, muddatlar, mamlakat hududini tark etmaslik.

Аннотация: В данной статье рассмотрены цели, задачи и особенности применения меры пресечения в уголовном процессе, нормы, регулирующие применение меры пресечения в виде подписка о надлежащем поведении, передовой опыт некоторых зарубежных стран, а также ряд предложений по устранению некоторых проблем и недостатков, возникающих при применении данной меры пресечения.

Ключевые слова: Уголовное производство, расследование, меры пресечения, подписка о надлежащем поведении, ограничение прав и свобод, сроки, невыезд из страны.

Annotation: This article discusses the goals, objectives and features of the application of a preventive measure in criminal proceedings, the rules governing the use of a preventive measure in the form of a subscription to proper behavior, the best practices of some foreign countries, as well as a number of proposals for eliminating some of the problems and shortcomings that arise when applying this preventive measure.

Key words: Criminal proceedings, investigation, preventive measures, subscription to proper behavior, restriction of rights and freedoms, deadlines, not leaving the country.

Ma’lumki, yangilangan konstitusiyaviy-huquqiy sharoitlarda mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy yo‘nalishlarini takomillashtirish va amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlarni yangi bosqichga olib chiqish hozirgi zamon talabi bo‘lib qolmoqda.

2023 yil 30 aprel kuni umumxalq ovoz berish yo‘li orqali o‘tkazilgan referendumda O‘zbekiston Respublikasining yangi tahrirdagi Konstitusiyasi qabul qilinganligi, unda inson, uning huquqi va erkinligi “oliy qadriyat” deya tan olinganligi - inson va fuqarolarning asosiy shaxsiy huquqlari va erkinliklarini ta’minlashning konstitusiyaviy kafolati yanada kuchaytirildi.

Jumladan, yangi tahrirdagi Konstitusiyamizning 27-moddasida “Har kim erkinlik va shaxsiy daxlsizlik huquqiga ega. Hech kim qonunga asoslanmagan holda hibsga olinishi, ushlab turilishi, qamoqqa olinishi, qamoqda saqlanishi yoki uning ozodligi boshqacha tarzda cheklanishi mumkin emas. Hibsga olishga, qamoqqa olishga va qamoqda saqlashga faqat sudning qaroriga ko‘ra yo‘l qo‘yiladi. Shaxs sudning qarorisiz qirq sakkiz soatdan ortiq muddat ushlab turilishi mumkin emas. Shaxsni ushlash chog‘ida unga tushunarli tilda uning huquqlari va ushlab turilishi asoslari tushuntirilishi shart” deb belgilandi[1].

Zero, jamiyatda barqarorlik, tinchlik va osoyishtalikni qaror toptirish, inson huquq va erkinliklariga og‘ishmay rioya etilishini ta’minlash mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan yanada rivojlantirish, aholining farovonligini yuksaltirish, huquqiy demokratik davlat qurish borasida amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlardan ko‘zlangan maqsadlarga erishishning muhim sharti hisoblanadi.

Shu o‘rinda, jinoyat protsessida protsessual majburlov choralarining tarkibiga kiruvchi munosib xulq-atvorda bo‘lish haqidagi tilxat ehtiyot chorasining mazmuni, qo‘llanilish asoslari va o‘ziga xos jihatlarini tahlil qilib ko‘ramiz.

[1] O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi // 2023 yil 30 aprel kuni o‘tkazilgan O‘zbekiston Respublikasi referendumida umumxalq ovoz berish orqali qabul qilingan. https://lex.uz/docs/6445145#6446164

Amaldagi jinoyat protsessual qonunchiligimizda “ehtiyot choralari”ga alohida ta’rif berilmagan bo‘lsa-da, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat protsessual kodeksining 236-moddasida “Ehtiyot chorasi ayblanuvchi, sudlanuvchi surishtiruvdan, dastlabki tergovdan va suddan bo‘yin tovlashining oldini olish; uning bundan buyongi jinoiy faoliyatining oldini olish; uning ish bo‘yicha haqiqatni aniqlashga halal beradigan urinishlariga yo‘l qo‘ymaslik; hukmning ijro etilishini ta’minlash maqsadida qo‘llaniladi”[1] deb ko‘rsatilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat – protsessual kodeksida quyidagi ehtiyot choralarining turlari ushbu moddalarida o‘z aksini topgan:

1) qamoqqa olish JPKning 242-moddasi;
2) uy qamog‘i JPKning 242[1]-moddasi;
3) garov JPKning 249-moddasi;
4) munosib xulq-atvorda bo‘lish haqidagi tilxat JPKning 250-moddasi;
5) shaxsiy kafillik JPKning 251-moddasi;
6) jamoat birlashmasi yoki jamoaning kafilligi JPKning 252-moddasi;
7) voyaga etmaganlarni kuzatuv ostiga olishi uchun topshirish JPKning 253-moddasi;
8) harbiy xizmatchining xulq-atvori ustidan qo‘mondonlik kuzatuvi JPKning 254-moddasi.

Ushbu ehtiyot choralari ichidan munosib xulq-atvorda bo‘lish haqidagi tilxat ehtiyot chorasi aksariyat xorijiy mamlakatlar jinoyat-protsessual qonunchiligida mavjudligi, o‘zining tarixiy o‘tmishiga ega ekanligi, bir qator olimlarning e’tiborini o‘ziga tortib kelganligi hamda bu borada salmoqli ilmiy tadqiqotlar olib borilganligi ushbu ehtiyot chorasining ahamiyatga molik ekanligidan dalolat beradi.

Aksariyat mamlakatlar qonunchiligida ushbu ehtiyot chorasi “hech qayoqqa ketmaslik va munosib xulq-atvorda bo’lish” tarzida bayon etilgan bo‘lsa-da, mazmunan bir maqsadni ko‘zlashini tushunish qiyin emas.

Rus olimlari A.Smirnov va K.Kalinovskiylarning fikriga ko‘ra "ushbu ehtiyot chorasi shaxsiy va’da va shuning uchun undan faqat ayblanuvchining roziligi bilan foydalanish mumkin”[2].

Boshqa bir olim I.Kondrat esa “hech qayoqqa ketmaslik va munosib xulq-atvorda bo’lish tarzidagi tilxat qamoqqa olishdan farqli o’laroq majburlov chorasi emas, chunki gumon qilinuvchi (ayblanuvchi) shaxsan ixtiyoriy ravishda o’zining erkin harakatlanish va yashash joyini tanlash huquqini cheklaydi”[3] deb yozadi.

Shuningdek, olimlar S.Novikov va A.Barabash “tergovchi taqdim etgan tilxatga imzo qo’yishni istamagan ayblanuvchi, ushbu ehtiyot chorasini buzgan shaxs deb

[1] O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksi. (2023-yil 1-sentabrgacha bo‘lgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar bilan) – T .: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023 y. - 195 bet.
[2] Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: учебник / под общ. ред. А.В. Смирнова. 4-е изд., перераб. и доп. М.: КНОРУС, 2008.– 704 с.
[3] Кондрат И.Н. Обеспечение прав личности в досудебном производстве по уголовным делам: законодательное регулирование и правоприменительная практика: монография. М.: Юстицинформ, 2015.–С. 142

hisoblanmaydi (qo'llanilmagan narsani buzish mumkin emas)"[1] deb fikr bildirganlar.

Ushbu mavzuda ilmiy tadqiqotlar olib borgan G.To'laganova "jinoiy javobgarlikka tortiladigan shaxsning xulq-atvorini oldindan mutlaqo aniq ko'ra bilish qiyin. Shuning uchun ehtiyot chorasi haqidagi masalani hal qilishda shaxsning ehtimoliy xulq-atvori aniqlanadi. Biroq bunday xulq-atvor haqidagi xulosa taxminlarga emas, obyektiv ma'lumotlarga, real dalillarga asoslanishi lozim"[2] degan.

Keling endi, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat – protsessual kodeksi 250-moddasida ko'rsatilgan munosib xulq-atvorda bo'lish haqidagi tilxat ehtiyot chorasining qo'llanilishidagi muammolariga to'xtalib o'tamiz:

Munosib xulq-atvorda bo'lish haqidagi tilxat ayblanuvchining yoki sudlanuvchining surishtiruvchiga, tergovchiga, prokurorga yoki sudga tergov va suddan yashirinmaslik, jinoyat ishi bo'yicha haqiqatni aniqlashga to'sqinlik qilmaslik, jinoiy faoliyat bilan shug'ullanmaslik, surishtiruvchi, tergovchi, prokuror va sudning chaqiruvi bilan yetib kelish haqida bergan yozma majburiyatidan iboratdir.

Tilxat beruvchi shaxs bundan tashqari o'z zimmasiga surishtiruvchining, tergovchining, prokurorning yoki sudning ijozatisiz ushbu aholi punktidan chiqib ketmaslik va shu aholi punkti doirasida istiqomat joyini o'zgartirsa, bu haqida ularni xabardor qilish majburiyatini oladi. Demak, munosib xulq-atvorda bo'lishning asosiy jihatlariga:

- tergov va suddan yashirinmaslik;
- jinoyat ishi bo'yicha haqiqatni aniqlashga to'sqinlik qilmaslik;
- jinoiy faoliyat bilan shug'ullanmaslik;
- tergovchi, prokuror va sudning chaqiruvi bilan yetib kelish;
- ularning ijozatisiz o'zi istiqomat qilayotgan aholi punktidan chiqib ketmaslik;
- shu aholi punkti doirasida o'z istiqomat joyini o'zgartirsa, bu haqida ularni xabardor qilish kiradi.

Ammo, JPK ning 250-moddasi ayblanuvchi yoki sudlanuvchiga tergovchi, prokuror va sudning ijozatisiz o'zi istiqomat qilayotgan aholi punktidan chiqib ketmaslik majburiyatini yuklasa-da, amaliyotda shaxsning kundalik turmushi bilan bog'liq ayrim holatlarga qarama-qarshilikni vujudga keltirishi ehtimoli borligini kuzatishimiz mumkin.

Masalan, o'zi istiqomat qilayotgan aholi punkti deganda aynan qaysi hudud tushunilishi, ushbu hudud ko'cha, qishloq, mahalla, tuman, shahar yoki viloyat doirasida cheklanadimi? Shuningdek, aholi punkti deganda ayblanuvchi yoki sudlanuvchining yashash uyi manzilini tushunish ham noto'g'ri bo'ladi aks holda ushbu ehtiyot chorasi uy qamog'i kabi belgilarga ega bo'lib qoladi.

Agar, ayblanuvchi, sudlanuvchining daromad manbai har kuni o'zi yashaydigan aholi punktini tark etishi bilan bog'liq: kirakashlik, mahsulot yetkazib berish,

[1] Новиков С.А. Подписка о невыезде и надлежащем поведении: о чем забывают следователи // Российский следователь. – 2018.– № 4.– С. 35 – 39

[2] Барабаш А.С. Подписка о невыезде и другие меры пресечения, избрание которых не требует решения суда // Российский юридический журнал. – 2017.– № 1.– С. 113.

ustachilik yoki kunlik ishchilik bo‘lsa, unda ayblanuvchi yoki sudlanuvchi har kun ishga ketishidan oldin tergovchi, prokuror yoki suddan ruxsat olishi lozimligini taqozo etadi.

Yana boshqa bir tomoni esa o‘ziga nisbatan munosib xulq-atvorda bo‘lish to‘g‘risida tilxat ehtiyot chorasi qo‘llanilgan ayblanuvchi yoki sudlanuvchining sog‘lig‘i yomonlashishi natijasida tibbiyot xodimlari tomonidan o‘zi istiqomat qilayotgan aholi punktidan uzoqda joylashgan tibbiyot muassasasiga olib ketilishi mumkinligini tasavvur qilsak, formal jihatdan ayblanuvchi yoki sudlanuvchi ushbu holatda ham tergov organidan ruxsat so‘rashi lozim bo‘ladi.

Shu sababli, normaning “tergovchi, prokuror va sudning ijozatisiz o‘zi istiqomat qilayotgan aholi punktidan chiqib ketmaslik” qismini “tergovchi, prokuror va sudning ijozatisiz o‘zi istiqomat qilayotgan yashash uyi yoki manzilini 72 soatdan ortiq muddatga tark etmaslik” tarzida bayon etishni maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz. Ushbu tartib Estoniya respublikasining jinoyat-protsessual kodeksida belgilanganligini ko‘rsatib o‘tsak bo‘ladi.

Bundan tashqari, o‘ziga nisbatan munosib xulq-atvorda bo‘lish haqida tilxat ehtiyot chorasi qo‘llanilgan ayblanuvchi yoki sudlanuvchining O‘zbekiston Respublikasi hududidan tashqariga chiqishiga taqiq qo‘yilishi aynan shu modda doirasida tartibga solinmagan. Vaholanki, ushbu ehtiyot chorasining maqsadi ayblanuvchi yoki sudlanuvchining tergov va suddan yashirinmasligini ko‘zda tutadi.

Agar xorijiy davlatlar jinoyat-protsessual qonunchiligiga e‘tibor beradigan bo‘lsak, xususan, Moldova Respublikasining Jinoyat protsessual kodeksida ayblanuvchi yoki sudlanuvchiga istiqomat joyidan ketib qolmaslikdan tashqari mamlakatdan chetga chiqib ketmaslik majburiyati ham yuklanadi.

Fikrimizcha, munosib xulq-atvorda bo‘lish haqida tilxat ehtiyot chorasining qo‘llanilishi boshqa ehtiyot choralari kabi shaxsning O‘zbekiston Respublikasi hududidan tashqariga chiqishiga ma‘lum muddatga cheklov o‘rnatishga huquqiy asos bo‘lishini belgilash lozim.

Shuningdek, amaldagi jinoyat-protsessual qonunchilikda munosib xulq-atvorda bo‘lish to‘g‘risida tilxat ehtiyot chorasining muddati aniq belgilanmagan. Agar JPKning 351-moddasida ko‘rsatilgan dastlabki tergovning muddatlari yoki 381^7-moddasida nazarda tutilgan surishtiruv yuritish muddatlaridan kelib chiqadigan bo‘lsak, ushbu ehtiyot chorasining turli muddatlarda qo‘llanilishiga ham, turli muddatlarda qo‘llanilishining biror bir aniq asosga ega emasligiga ham guvoh bo‘lamiz.

Yana bir munozarali holatdan biri JPKda ayblanuvchi yoki sudlanuvchi o’z zimmasiga olgan majburiyatlarini buzgan taqdirda unga nisbatan jiddiyroq ehtiyot chorasi qo’llanilishi mumkinligi ko‘rsatilgan bo‘lsa-da, normaning ushbu qismida aniqlik yetishmayotgandek tuyuladi nazarimizda, zero, qamoqqa olish va uy qamog‘i tarzidagi ehtiyot choralaridan tashqari boshqa ehtiyot choralarining jiddiylik yoki og‘irlik mezonlarini belgilashda turli xil qarashlar kelib chiqishi mumkin. Shu o‘rinda normaning mazkur holatlardagi qismini konkretlashtirilishini maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat protsessual kodeksining 250-moddasiga quyidagicha o‘zgartirishlar kiritishni taklif qilamiz: “Munosib xulq-atvorda bo’lish haqidagi tilxat ayblanuvchining yoki sudlanuvchining surishtiruvchiga, tergovchiga, prokurorga yoki sudga tergov va suddan yashirinmaslik, jinoyat ishi bo’yicha haqiqatni aniqlashga to’sqinlik qilmaslik, jinoiy faoliyat bilan shug’ullanmaslik, tergovchi, prokuror va sudning ijozatisiz o‘zi istiqomat qilayotgan yashash uyi yoki manzilini 72 soatdan ortiq muddatga tark etmaslik, istiqomat joyini o’zgartirsa, bu haqda ularni xabardor qilish, O‘zbekiston Respublikasi hududidan tashqariga chiqmaslik, surishtiruvchi, tergovchi, prokuror va sudning chaqiruvi bilan yetib kelish haqida bergan yozma majburiyatidan iboratdir.

Munosib xulq-atvorda bo’lish haqidagi tilxat ayblanuvchi yoki sudlanuvchiga faqat jinoyat ishining umumiy muddatlaridan kelib chiqqan holda qo’llaniladi.

Munosib xulq-atvorda bo’lish haqidagi tilxat qo‘llash to‘g‘risida surishtiruvchi, tergovchi, prokuror ehtiyot chorasi amal qilish muddatini aniq ko‘rsatgan holatda qaror qabul qiladi sud esa ajrim chiqaradi.

Ayblanuvchi yoki sudlanuvchiga qaror yoki ajrim nusxasi taqdim etilib, yozma ravishda tilxat olinadi.

Munosib xulq-atvorda bo’lish haqidagi tilxat qo‘llash to‘g‘risida qaror qabul qilgan surishtiruvchi, tergovchi, prokuror yoki sud, qaror yoki ajrim nusxasini zudlik bilan O‘zbekiston Respublikasi davlat chegara xizmati organlariga yuboradi.

Ushbu qaror yoki ajrim nusxasi shaxsning O‘zbekiston Respublikasi hududidan chetga chiqishiga ehtiyot chorasi qo‘llanilgan muddat doirasida cheklov o‘rnatishga asos bo‘ladi.

Ayblanuvchi yoki sudlanuvchi o’z zimmasiga olgan majburiyatlarini buzgan taqdirda unga nisbatan uy qamog‘i yoki qamoqqa olish tarzidagi ehtiyot chorasi qo’llanilishi mumkin, bu haqda u tilxat olish chog’ida ogohlantiriladi”.

SHARIFBAYEVA MAXBUBA
FAZLITDIN QIZI
O’zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

VOYAGA YETMAGANLARGA NISBATAN JINSIY ZO’RAVONLIK JINOYATLARI UCHUN JAVOBGARLIK BORASIDA QONUNCHILIK TAHLILI

Annotatsiya: Mazkur maqolada voyaga yetmagan shaxslarning jinsiy erkinligi va daxlsizligi huquqlari himoyasini kafolatlovchi normalar hamda ularga nisbatan sodir etiladigan jinsiy zo’ravonlik jinoyatlari uchun javobgarlik masalalari yuzasidan qonun hujjatlari normalari tahlil qilingan.

Kalit so’zlar: Jinsiy daxlsizlik, jinsiy zo’ravonlik, pornografik mahsulotlar, viktimizatsiya, fohishabozlik, bola huquqlari, zo’rlik, jinoiy javobgarlik, shahvoniy shilqimlik.

Аннотация: В данной статье анализируются нормы, гарантирующие защиту прав сексуальной свободы и неприкосновенности несовершеннолетних, а также нормы

правовых документов, касающиеся вопросов ответственности за совершенные в отношении них преступления сексуального насилия.

Ключевые слова: половая неприкосновенность, сексуальное насилие, порнографическая продукция, виктимизация, проституция, права ребенка, насилие, уголовная ответственность, сексуальное домогательство.

Abstract: This article analyzes the norms guaranteeing the protection of the rights of sexual freedom and inviolability of minors, as well as the norms of legal documents regarding the issues of responsibility for crimes of sexual violence committed against them.

Key words: Sexual inviolability, sexual violence, pornographic products, victimization, prostitution, child rights, violence, criminal liability, sexual harassment.

Bolalarga nisbatan jinsiy zo'ravonlik sodir etilishi bola huquqlari buzilishining eng jiddiy ko'rinishidir. Xalqaro miqyosda ham bolalarni zo'ravonlikning barcha shakllaridan himoya qilish masalasi huquqiy tartibga solishning asosiy obyektlaridan hisoblanadi. Bolalarga nisbatan jinsiy zo'ravonlik umumiy tushuncha sifatida bevosita jinsiy aloqadan tortib, ularga nisbatan sodir etiladigan axloqsiz harakatlar, jinsiy ekspluatatsiyaga yollash va boshqa aloqasiz sodir etiladigan jinsiy zo'ravonlik harakatlarini o'z ichiga oladi.

UNICEFga ko'ra dunyodagi har uch mamlakatning birida ayollarning besh foizi bolalik davrida jinsiy zo'ravonlikka uchrashi haqida xabar beradi[1]. Manbalarga ko'ra voyaga yetmagan qizlardan har to'qqiztadan bittasi, o'g'il bolalarning har yigirmadan biri bolalik davrida jinsiy zo'ravonlikka duchor bo'ladi. 18 yoshgacha bo'lgan jinsiy zo'ravonlik qurbonlarining 82 foizini qizlar tashkil qilib, ular orasida 16-19 yoshdagi qizlarning zo'ravonlikka uchrash ehtimoli boshqalarga nisbatan to'rt baravar ko'pdir[2].

Turli doirada o'tkazilgan tadqiqot natijalariga ko'ra[3] bolalarga nisbatan jinsiy zo'ravonlik to'g'risidagi xabarlar o'tgan davrdagiga qaraganda 87 foizga ko'paygan. Bolalarning onlayn o'yin o'ynash jarayonida "gruming"ga tushib qolishi uchun 19 soniyadan 45 daqiqagacha bo'lgan vaqt yetarli bo'ladi. Bolalarga nisbatan jinsiy zo'ravonlik sodir etuvchilarning deyarli oltmish foizi o'z qurbonlariga tanish bo'lishadi. Respondentlarning 54 foizi bolalikda onlayn jinsiy zo'ravonlikka uchrashganini bildirishgan. Bolalarga nisbatan jinsiy tazyiq tasvirlangan post qirq yetti kun davomida 1,3 mln ko'rishlar soniga ega bo'lgani zo'ravonlik doirasi kengligini ham anglatadi. AQSH da o'tkazilgan so'rovnomaga ko'ra, respondentlarning 54 foiz qismi birinchi marotaba o'n uch yoki undan ham kichik yoshida birinchi marotaba onlayn pornografik materialning guvohi bo'lishganini aytishgan. O'tgan to'rt yil davomida onlayn gruming jinoyatlari 80 foizgacha oshgan.

Ko'rsatilgan raqamlar jinsiy zo'ravonlikning borgan sari turli ko'rinish va shakllarda rivojlanayotgani, zo'ravonlik sodir etilishining o'sish tendensiyasida davom etayotganini, jinsiy zo'ravonlik qurbonlarining katta qismini voyaga yetmaganlar tashkil etayotganini ko'rsatmoqda. Bunday turdagi zo'ravonlik turi va

[1] https://data.unicef.org/topic/child-protection/violence/sexual-violence/
[2] https://www.rainn.org/
[3] https://www.weprotect.org/global-threat-assessment-23/data/

shaklining rivojlanishi uni tartibga solishni, jinoyat uchun javobgarlik masalalarini o'rganishni, shungidek, huquqiy bazani takomillashtirishni talab etadi.

Jinsiy zo'ravonlik jinoyatlari shaxsning nafaqat jismoniy tomondan, balki ruhiy tomondan ham jabrlanishiga sabab bo'ladi. Jinsiy zo'ravonlikka uchragan voyaga yetmagan shaxsda yuzaga keladigan uyat hissi, jamiyatdan o'zini izolyatsiya qilishi, sodir etilgan harakatda aybdorlik hissi vujudga keladi. Ba'zi holatlarda jabrlanuvchilarning huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan qayta viktimizatsiyaga uchrash holatlari ham uchrab turadi. E'tibor qaratilishi lozim bo'lgan holatlardan yana biri shundaki, yuqorida sanab o'tilgan vaziyatlar sababli ko'pgina holatlarda ushbu turdagi jinoyatlar latent holatda qolib ketadi. Fikrimizcha, yuqorida keltirilgan statistikalar voyaga yetmaganlarga nisbatan sodir etiladigan jinsiy zo'ravonlikning haqiqiy sonini ko'rsatmaydi hamda ko'pgina bunday turdagi qilmishlar ochilmay, xabar berilmasdan qolib ketadi. Bunday holatlarda jinoyatchi shaxsning javobgarlikka tortilishining va bunday ta'sir chorasining qo'llanilishining o'zi ham jabrlanuvchii tomonni ma'lum ma'noda qoniqtiradigan omil bo'lib ham qoladi. Biroq, ushbu holatda bir narsa aniqki, davlat o'z funksiya va vazifalari doirasida jinoyatchi shaxsga qonuniy chora ko'rish, jabrlanuvchining buzilgan huquqlarini tiklash masalalarini hal qilishi lozim bo'ladi.

"Bola huquqlari to'g'risida"gi Konvensiyada ko'rsatilganidek, bola tug'ilguncha va tug'ilgandan keyin ham munosib darajadagi huquqiy himoyaga muhtoj hisoblanadi. Mazkur Konvensiyaning 19-moddasida quyidagicha qoida o'rnatilgan: "Ishtirokchi-davlatlar bolani jismoniy va ruhiy zo'ravonlikning, haqoratlash va suiiste'molliklar, g'amxo'rlik ko'rsatmaslik yoki beparvolik bilan muomalada bo'lish, qo'pol muomala qilish yoki ota-ona, qonuniy vasiylar yoki bola haqida g'amxo'rlik qiluvchi har qanday boshqa shaxs tomonidan ekspluatatsiya qilish, jumladan, shahvoniy suiiste'molliklar sodir etishning har qanday shakllaridan himoyalash maqsadida jamiki zarur qonuniy, ma'muriy, ijtimoiy va ma'rifiy chora-tadbirlarni ko'radilar. Bunday himoya choralari, zarurat tug'ilgan taqdirda, bola va unga g'amxo'rlik ko'rsatayotgan shaxslarni lozim darajada qo'llab-quvvatlash maqsadidagi ijtimoiy dasturlar ishlab chiqish uchun samarali tartib-rusumlarni, shuningdek, bola bilan yuqorida ko'rsatilgan tarzda shafqatsizlarcha muomala qilish hollari munosabati bilan ogohlantirish, aniqlash, xabar berish, qarab chiqish, tergov olib borish, davolash hamda shundan keyingi choralarni ko'rish zarurati tug'ilgan taqdirda, sud ishini qo'zg'atish uchun chora-tadbirlarni ham o'z ichiga oladi"[1].

O'zbekiston Respublikasi mazkur Konvensiyaga 1992-yil 9-dekabrda qo'shilgan bo'lib, ushbu hujjatda belgilab qo'yilgan majburiyatlarni bajarishni, qonun hujjatlarini ushbu Konvensiyaga moslab takomillashtirishni o'z zimmasiga olgan bo'lib, bu jarayon butkul tugatilmagan, balki davom etmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 78-moddasida bolalarning huquq va erkinliklarini hamda qonuniy manfaatlarini ta'minlash, himoya qilish, uning

[1] https://lex.uz/docs/2595909

jismoniy, aqliy va madaniy jihatdan to'laqonli rivojlanishi uchun eng yaxshi shart-sharoitlar yaratish davlatning majburiyati sifatida belgilab qo'yilgan.

Shuningdek, asta-sekinlik bilan ularni zo'ravonlikning barcha turlaridan himoya qilish, uning jinsiy daxlsizligini ta'minlash, buzilgan huquqini tiklash borasida qator huquqiy normalar o'rnatildi. Jumladan, "Bola huquqlari kafolatlari to'g'risida"gi qonun[1] 10-moddasida davlat bolani ekspluatatsiya va zo'ravonlikning barcha shakllaridan, xususan, jismoniy, ruhiy va jinsiy zo'ravonlikdan, shahvoniy shilqimliklardan himoya qilishi kafolati belgilab qo'yilgan.

O'zbekiston Respublikasining 2019-yil 6-dekabrdagi "Bola huquqlarining kafolatlari yanada kuchaytirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qonuni[2] bilan yuqoridagi modda normasiga qo'shimcha kiritilib, unga ko'ra davlat:

- bolaga nisbatan ekspluatatsiya va zo'ravonlikning barcha shakllarining oldini olish, shuningdek ularning sodir etilishiga imkon bergan sabablar va shart-sharoitlarni aniqlash hamda bartaraf etish;
- ekspluatatsiya va zo'ravonlikka duchor bo'lgan bolalarga zarur pedagogik, psixologik, tibbiy, yuridik yordam ko'rsatish bo'yicha choralar ko'rishi belgilab qo'yildi.

Voyaga yetmaganlarga nisbatan jinsiy zo'ravonlik nafaqat bunday shaxslar bilan zo'rlik ishlatib sodir etiladigan jinsiy aloqani, balki voyaga yetmagan shaxslarning jinsiy erkinlik va daxlsizliga qarshi amalga oshiriladigan xatti-harakatlar tushuniladi, degan qoidadan kelib chiqib Jinoyat kodeksining jinsiy zo'ravonlikka oid normalari Kodeksning turli boblarida keltirilganligini ko'rishimiz mumkin. Jumladan, Kodeks Maxsus qismining 4-bobi "Jinsiy erkinlikka qarshi jinoyatlar" (118, 119, 121-moddalar), "Oilaga, yoshlarga va axloqqa qarshi jinoyatlar" nomli 5-bobi (128, 128[1], 129, 130, 131-moddalar) tarkibida jinsiy zo'ravonlikka oid normalar mavjud.

2023-yilning 11-aprelida "Xotin-qizlar va bolalar huquqlari, erkinliklari hamda qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish tizimi yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qonunning[3] qabul qilinishi voyaga yetmaganlarga nisbatan sodir etiladigan zo'ravonlik, ayniqsa jinsiy zo'ravonlikka qarshi kurashish, bolalar huquqlarini himoya qilishni takomillashtirish sohasidagi eng muhim qadamlardan bo'ldi.

Ushbu qonunning qabul qilinishi haqida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining yordamchisi Saida Mirziyoyevaning "Men ushbu g'alaba bilan faxrlanaman va unda ishtirok etgan barchadan minnatdorman! Oldinda ushbu moddalar ishlashi va jamiyat o'zgarishi uchun qiyin va uzoq yo'l turibdi. Men barcha

---

[1] "Bola huquqlarining kafolatlari to'g'risida"gi qonun. Qonunchilik palatasi tomonidan 2007-yil 23-noyabrda qabul qilingan. Senat tomonidan 2007-yil 1-dekabrda ma'qullangan. https://lex.uz/uz/docs/-1297315

[2] "Bola huquqlarining kafolatlari yanada kuchaytirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida" Qonunchilik palatasi tomonidan 2019-yil 18-oktabrda qabul qilingan. Senat tomonidan 2019-yil 30-noyabrda ma'qullangan. https://lex.uz/uz/docs/-4631276

[3] O'RQ-829. Qonunchilik palatasi tomonidan 2023-yil 23-martda qabul qilingan. Senat tomonidan 2023-yil 6-aprelda ma'qullangan. https://lex.uz/uz/docs/-6430272

davlat organlari, fuqarolik jamiyatlari, faollar va media — barcha-barchani bu jarayonga qo‘shilib, zo‘ravonlikka qarshi kurashning yagona mexanizmiga aylanishga chaqiraman. Zo‘ravonlik - jinoyat. Zo‘ravonlik - bizning madaniyatimiz emas!”, - fikr bildirib o’z pozitsiyasini bildirishi ushbu qonunning qabul qilinishi qanchalik dolzarb masala bo’lganligidan darak beradi[1].

Qonunning o’zida ko’rsatilganidek, mazkur qonun hujjati xotin-qizlar va bolalarga nisbatan shilqimlik hamda zo’ravonlikning oldini olishga, bolalar va xotin-qizlar huquqlari bilan bog’liq xalqaro indekslarda mamlakatimizning o’rnini yaxshilashga xizmat qiladi.

Mazkur Qonun bilan qonunchilikka tatbiq etilgan normalar, o’zgartirish va qo’shimchalarga to’xtalib o’tadigan bo’lsak, unga ko’ra O’zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga bir qator o’zgartirish va qo’shimchalar kiritildi. Jumladan, o’n sakkiz yoshga to’lmagan jabrlanuvchining nomusiga tegish va unga nisbatan zo’rlik ishlatib, jinsiy ehtiyojni g’ayritabiiy usulda qondirish bilan, o’n olti yoshga to’lmagan shaxs bilan jinsiy aloqa qilish yoki jinsiy ehtiyojni g’ayritabiiy usulda qondirish bilan, voyaga yetmagan shaxs tasvirlangan pornografik materiallar bilan muomala qilish, voyaga yetmagan shaxsni jalb etgan holda qo’shmachilik qilish, fohishaxonalar tashkil etish bilan bog’liq bo’lgan jinoyatlar jinoyatga tayyorgarlik yoki suiqasd bosqichida to’xtatilganda, ushbu jinoyatlar uchun jazo tayinlashda yengillik berilmasligi belgilab qo’yildi. Shuningdek, yuqoridagi keltirib o’tilgan jinoyatlarni sodir etiganlikda ayblanib hukm qilingan shaxslarga nisbatan jazodan muddatidan ilgari shartli ravishda ozod qilish qo’llanilmaydi.

Nomusga tegish hamda jinsiy ehtiyojni zo’rlik ishlatib g’ayritabiiy usulda qondirish jinoyatlari uchun jazo chorasi og’irlashtirilib, ushbu jinoyatlar uchun belgilangan uch yildan yetti yilgacha bo’lgan ozodlikdan mahrum qilish muddati besh yildan sakkiz yilgacha bo’lgan muddatga o’zgartirildi. Shu bilan birga mazkur jinoyatlarning jabrlanuvchiga qarab turish yuklatilgan ta’lim, tarbiya, davolash yoki boshqa muassasaning xodimi tomonidan sodir etilishi jazoni og’irlashtiruvchi holatlardan biri sifatida belgilandi. Mazkur qonun bilan 18 yoshga to’lmagan shaxsni jinsiy aloqa qilishga majbur etish uchun jinoiy javobgarlik belgilanib, ushbu qilmishni sodir etganlik uchun 5 yildan 8 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosi belgilandi.

Bundan tashqari, Jinoyat kodeksi 128-moddasida nazarda tutilgan o’n olti yoshga to’lmagan shaxslar bilan jinsiy aloqa qilish, jinsiy ehtiyojni g’ayritabiiy usulda qondirish jinoyati uchun jazo chorasi og’irlashtirilib, uch yildan besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosi tayinlanishi belgilandi (avval ushbu jinoyat uchun maksimal jazo chorasi uch yilgacha ozodlikdan mahrum qilish edi)[2]. Ushbu modda yangi norma bilan to’ldirilib, 16 yoshdan 18 yoshgacha bo’lgan shaxs bilan moddiy qimmatliklar berish yoki mulkiy yoxud boshqacha tarzda manfaatdor etish orqali jinsiy aloqa qilganlik uchun 2 yildan 4 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosi tayinlanadi.

[1] https://platina.uz/o‘z/2023/4/11/zoravonlik-bizning-madaniyatimiz-emas-saida-mirziyoyeva
[2] https://lex.uz/uz/docs/-111453?ONDATE=13.02.2021%2000#-5291240

O’n olti yoshga to’lmagan shaxsga nisbatan zo’rlik ishlatmay uyatsiz-buzuq harakatlar sodir etish uchun jazo oshirilib ikki yildan uch yilgacha ozodlikni cheklash yoki uch yilgacha ozodlikdan mahrum qilish etib belgilandi hamda ushbu qilmishning o’n to’rt yoshga to’lmagan shaxsga, bir ro’zg’or asosida birgalikda yashayotgan shaxs yoki yaqin qarindoshga nisbatan sodir etilishi, jabrlanuvchini tarbiyalash, o’qitish va (yoki) unga g’amxo’rlik qilish majburiyatlarini bajarayotgan shaxs tomonidan, shuningdek jabrlanuvchiga qarab turish majburiyatlari qonun bilan zimmasiga yuklatilgan ta’lim, tarbiya, davolash yoki boshqa muassasaning xodimi tomonidan sodir etilishi kabi holatlar jinoyatni og’irlashtiruvchi holatlar sifatida belgilab qo’yildi.

Jinoyat kodeksining 130-moddasiga (Pornografik mahsulotni tayyorlash, olib kirish, tarqatish, reklama qilish, namoyish etish) qo’shimcha norma kiritilib, unga ko’ra voyaga yetmagan shaxs tasvirlangan pornografik mahsulotlar bilan muomala qilish, voyaga yetmagan shaxslarni pornografik harakatlar ijrochisi sifatida jalb qilish besh yildan yetti yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanishi ko’rsatib o’tildi. Kodeksga yangi 141^3-modda kiritilib, unga muvofiq o’n sakkiz yoshga to’lmaganligi aybdorga ayon bo’lgan holda shaxs tanasining yoki jinsiy a’zolarining yalang’och holdagi foto yoki videotasvirlarini uning roziligisiz tarqatish jinoyat sifatida belgilanib qo’yildi.

Qonunning yana bir muhim jihatlaridan yana biri shuki, avval Jinoyat kodeksiga ko’ra, o’n olti yoshga to’lmagan shaxs bilan uning roziligi asosida jinsiy aloqaga kirishgan ayblanuvchi shaxs jabrlanuvchining yoshini bilmaganligini ro’kach qilib, javobgarlikdan ozod bo’lib qolish imkoniyatiga ega edi. Yangi qonunda bunday shaxslarning javobgarligining muqarrarligi ta’minlanib, ayblanuvchi jabrlanuvchining yoshini bilgan yoki bilmaganidan qat’iy nazar 10 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosiga tortilishi belgilandi. Voyaga yetmagan shaxslarga nisbatan jinsiy zo’ravonlikni sodir etgan shaxsning qilmishi, u jabrlanuvchining yoshidan xabardor bo’lgan bo’lmaganligidan qat’iy nazar jabrlanuvchining haqiqiy yoshidan kelib chiqib baholanishi va mutanosib og’ir jazo, ya’ni yigirma yil ozodlikdan mahrum qilish jazosi belgilandi.

Yuqoridagi qonun bilan O’zbekiston Respublikasining Ma’muriy javobgarlik to’g’risidagi kodeksiga yangi modda (Shahvoniy shilqimlik qilish) kiritilib, unda shahvoniy shilqimlik qilishga ta’rif berib o’tildi[1]. Unga ko’ra:

– Shahvoniy shilqimlik qilish bu shaxsga nisbatan uning uchun nomaqbul bo’lgan hamda uning sha’ni va qadr-qimmatini tahqirlaydigan, shaxsning tashqi qiyofasini yoki qaddi-qomatini tavsiflashda, imo-ishora qilishda, teginishda, chaqirishda ifodalangan, shahvoniy xususiyatga ega bo’lgan harakatlarda ifodalanib, ushbu harakatlarni bir marta qo’pol ravishda yoki bir necha marta sodir etish bazaviy hisoblash miqdorining ikki baravaridan besh baravarigacha miqdorda jarima solishga yoki besh sutkagacha muddatga ma’muriy qamoqqa olishga sabab bo’ladi.

[1] O‘zbekiston Respublikasining Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksi. https://lex.uz/docs/-97664

Mazkur qonun hujjati bilan “Bola huquqlari kafolatlari to’g’risida”gi qonunga qo’shimcha kiritilib, unga ko’ra voyaga yetmaganlarga nisbatan jinsiy zo’ravonlik jinoyatlari uchun hukm qilingan shaxslarning ta’lim, tarbiya, bolalar sog’lomlashtirish, sport va ijodiy tashkilotlarida ishlashi hamda bolalar bilan bevosita ishlashni nazarda tutuvchi faoliyat bilan shug’ullanishini taqiqlashni nazarda tutuvchi qoida kiritildi. Shuningdek, bunday shaxslarning O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilab qo’yiladigan yagona reyestirini shakllantirish va yuritish belgilab qo’yildi.

Ko’rib o’tganimizdek, ushbu Qonunning qabul qilinishi voyaga yetmaganlarning jinsiy hayot daxlsizligini himoya qilish sohasida tub burilish bo’ldi desak, adashmagan bo’lamiz.

XAITBAYEV OTABEK GANIYJON O’G’LI
O’zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

JINOYAT PROTSESSIDA HIMOYA INSTITUTINING NAZARIY ASOSLARI

Annotatsiya: Sud-tergov amaliyotini tahlil qilish natijalari jinoyat protsessida shaxsning huquq va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta’minlash bo’yicha mexanizmlar to’liq ishga solinmaganligidan, shuningdek, qonunchilikda jinoyat ishlarini tergov qilish bo’yicha huquqni muhofaza qiluvchi organlarning vakolatlarini aniq belgilash bilan bog’liq bo’shliqlar mavjudligini ko’rsatmoqda. Mazkur tezisda aynan himoyachining haq-huquqlarini ta’minlash bilan bog’liq nazariy masalalar tahlil qilingan.

Kalit so’zlar: Jinoyat protsessi ishtirokchilarining huquq va majburiyatlari, jinoyat protsessida himoya funksiyasi, himoyachi, advokat, himoyalanish huquqi, jinoiy ta’qib, qonuniy vakil, jinoiy javobgarlikni yengillashtiruvchi holatlar, aybsizlik prezumptsiyasi.

Аннотация: Результаты анализа практики судебного расследования показывают, что механизмы обеспечения защиты прав и свобод человека в уголовном судопроизводстве используются не в полной мере, а также имеются пробелы в законодательстве, связанные с четким определением понятия полномочия правоохранительных органов по расследованию уголовных дел. В данной дипломной работе анализируются теоретические вопросы, связанные с обеспечением прав защитника.

Ключевые слова: Права и обязанности участников уголовного процесса, функция защиты в уголовном процессе, защитник, адвокат, право на защиту, уголовное преследование, законный представитель, смягчающие обстоятельства, презумпция невиновности.

Annotation: The results of the analysis of the judicial investigation practice show that the mechanisms for ensuring the protection of the rights and freedoms of the person in the criminal proceedings are not fully used, as well as there are gaps in the legislation related to the clear definition of the powers of law enforcement agencies for the investigation of criminal cases. In this thesis, the theoretical issues related to ensuring the rights of the defender are analyzed.

Key words: Rights and obligations of participants in criminal proceedings, defense function in criminal proceedings, defender, lawyer, right to defense, criminal prosecution, legal representative, mitigating circumstances, presumption of innocence.

Ma’lumki, jamiyat va davlatning himoya huquqiga nisbatan munosabatini ushbu jamiyatdagi demokratiya, insoniylik va qonuniylik darajalari belgilab beradi. Davlat jamiyat manfaatlaridan kelib chiqqan holda shaxsning huquq va erkinliklarini chegaralaydi, hattoki ayrim huquqlaridan mahrum etadi. Biroq davlat shaxsning ayblovdan himoyalanish huquqini ta’minlab berishga mas’uldir.

O’zbekiston Respublikasi Advokatlar palatasining yillar kesimidagi ish faoliyati to’g’risidagi statistik ma’lumotlari tahlil qilinganida, jinoyat protsessida advokatlarning sa’y harakatlari bilan reabilitatsiya etilgan jinoyat ishlari 2020 yilda 781 tani, 2021 yilda 932 tani, 2022 yilda esa 1010 tani, 2023 yilda 1244 tani tashkil etganini ko’rish mumkin. Bu esa yil sayin mamlakatimizda huquq-tartibot idoralari tomonidan inson manfaatlarining har narsadan ustun qo’yilayotganligini yana bir bor isbotlamoqda.

Jinoyat-protsessual funksiya tushunchasi jinoyat-protsessual huquq nazariyasida yetarli tarzda tadqiq etilgan bo’lib, shunga muvofiq, jinoyat- protsessual funksiya – jinoyat protsessi normalarini amalga oshirish yuzasidan jinoyat protsessining tegishli subyektlari tomonidan huquqiy munosabatlarda qo’llaniladigan jinoyat-protsessual faoliyat yo’nalishi sifatida ko’riladi hamda funksiyaning amal qilishi jinoyat-protsessual faoliyat ishtirokchilarining huquq va majburiyatlari amalga oshishida namoyon bo’ladi.

Jinoyat protsessida gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi ayblovdan himoyalanish nuqtai nazaridan o’z manfaatlarini himoya qilish huquqiga ega bo’lgan asosiy ishtirokchilar hisoblanadi.

Himoyachi, advokat – gumon qilinuvchi, ayblanuvchi (boshqa protsess ishtirokchilarini) huquq va manfaatlarini jinoyat protsessual kafolatlovchi, ularga jinoyat ishini ko’rish jarayonida yuridik yordam beruvchi shaxsdir.

Himoyachining ishda ishtirok etishiga jinoyat protsessining har qanday bosqichida, shaxs ushlanganida esa uning harakatlanish erkinligiga bo’lgan huquqi amalda cheklangan paytdan boshlab ruxsat etiladi.

Himoya funksiyasi mohiyati yuzasidan bir qator olimlar ham o’z fikrlarini bildirgan bo’lib, xususan, rossiyalik I.A.Pikalovning fikricha himoya funksiyasi – jinoiy javobgarlikka tortish masalasi hal etilayotgan shaxslarning huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan faoliyatni o’zida aks ettiradi[1]. Fikrimizcha, I.A.Pikalovning ushbu ta’rifi himoya funksiyasi mohiyatini tor ma’noda tushunishga olib keladi. Shu sababli ham, N.A.Dmitriyeva himoya funksiyasining mohiyatini kengroq ma’noda ifodalashga harakat qiladi. Uning fikricha, himoya funksiyasi jinoyat protsessining faoliyat yo’nalishi sifatida ikki elementdan tarkib topgan:

1. Himoyachining gumon qilinuvchi va ayblanuvchining huquq va qonuniy manfaatlarini amalga oshirish bo’yicha faoliyati.

2. Himoyachining gumon qilinuvchi va ayblanuvchining javobgarligini yengillashtiruvchi yoki oqlovchi holatlar to’g’risidagi ma’lumotlarni to’plash va ularni surishtiruvchi, tergovchi, prokuror yoki sudga taqdim etishga qaratilgan jinoyat ishlari

[1] Пикалов И.А. Уголовный процесс Российской Федерации (краткий курс): Учебное пособие, 2005.

bo'yicha isbot qilishda ishtirok etish bilan bog'liq faoliyati[1]. N.A.Dmitriyevaning ushbu fikri himoyachi faoliyatini umumlashtirishdan kelib chiqqan holda himoya funksiyasi mohiyatini tushunishga imkon beradi.

Shu o'rinda aytish mumkinki, himoya funksiyasi jinoyat protsessining ayblov va ishni hal etish funksiyalari bilan bevosita bog'liqlikda amal qiladi. Ya'ni ayblov (jinoiy ta'qib)ga qarama-qarshi bo'lgan himoya funksiyasi o'z mazmuniga ko'ra, surishtiruvchi, tergovchi va prokurorning protsessual harakatlari va qarorlarini rad etish, ularga qarama-qarshi bo'lgan xulosa, taklif hamda yengillashtiruvchi baho berish hamda ishni hal etish funksiyasini bajaruvchi sudga ushbu hujjatlar ustidan shikoyat qilish xususiyatiga ega hisoblanadi. Shuningdek, ishni sudga qadar yuritishda yarashuv to'g'risida ariza mavjud bo'lganda gumon qilinuvchi va ayblanuvchiga ularning huquq va manfaatlarini tushuntirish, aybga iqrorlik to'g'risida kelishuv tuzish uchun iltimosnoma kiritish, amnistiya aktini qo'llash to'g'risida ariza berishda ham himoya funksiyasi amal qiladi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqqan holda biz ishni sudga qadar yuritishda himoya funksiyasining amal qilishini quyidagi bosqichlarga bo'lib tasniflashni taklif etamiz:

Tergovga qadar tekshiruvda himoya funksiyasi – tergovga qadar tekshiruv harakatlari o'ziga nisbatan olib borilayotgan shaxsning huquq va manfaatlarini himoya qilishdan iborat bosqich. Mazkur bosqich o'zida himoyachining tergovga qadar tekshiruv harakatlariga taklif etilishini, uning ishtiroki mohiyatini belgilaydi. Tergovga qadar tekshiruv harakatlariga himoyachini taklif etishning ahamiyati shundaki, bugungi kundagi sud-tergov amaliyotiga muvofiq, jinoyat yuz berganligi yuzasidan xabar kelib tushishi va ro'yhatdan o'tkazilishi munosabati bilan huquqni muhofaza qiluvchi organlar xodimlari tomonidan holatni aniqlashtirish maqsadida qo'shimcha hujjatlar va tushuntirishlar talab qilib olish hamda shaxsni ushlab turish, shaxsiy tintuv va olib qo'yish, hodisa sodir bo'lgan joyni ko'zdan kechirish, ekspertiza o'tkazish, taftish tayinlash, tezkor- qidiruv tadbirlarini o'tkazish va ushbu jarayonda muayyan shaxslarning mazkur harakatlarga jalb etilishi kuzatiladi, biroq ushbu shaxslarning protsessual maqomi JPKda belgilanmaganligi sababli, ularning himoyalanish huquqi ham qonuniy tartibga solinmagan. Ammo shuni ta'kidlash o'rinliki, juda ko'p holatlarda aynan tergovga qadar tekshiruv harakatlarida himoyachining huquqiy yordamiga ko'proq ehtiyoj seziladi, shaxslar huquqni muhofaza qiluvchi organ xodimlari qarshisida o'zini yo'qotib qo'yishi, qo'rqishi yoki huquqlarini to'laqonli bilmasliklari natijasida o'zlarining huquq va qonuniy manfaatlariga zid bo'lgan harakatlarni amalga oshirishi, ko'rsatmalar berishi kabi holatlarga yo'l qo'yilishi kuzatiladi.

Shu o'rinda himoya tushunchasining mohiyatiga to'xtalib o'tib, shuni aytish mumkinki, himoya – har bir shaxsning himoyaga bo'lgan konstitutsiyaviy huquqlari kafolatidir. Biroq amaldagi JPKda himoya tushunchasiga ta'rif berib o'tilmagan. Garchi O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining "Gumon qilinuvchi va ayblanuvchini himoya huquqi bilan ta'minlashga oid qonunlarni qo'llash bo'yicha sud amaliyoti to'g'risida"gi 2003 yil 19 dekabrdagi 17-sonli qarorida gumon qilinuvchi va

[1] Дмитриева Н.А. Функция защиты в российском уголовном процессе и роль в ней института адвокатуры. Автореф.диссер. … канд. юрид. наук. –Москва, 2006. –С.14-15.

ayblanuvchining himoya huquqi deyilganda – vujudga kelgan gumon hamda qo'yilgan ayblovni rad etish yoki javobgarlik va jazoni yumshatish uchun unga qonun tarafidan berilgan protsessual imkoniyatlar yig'indisi tushunilishi belgilangan bo'lsada, biroq ushbu ta'rif ham himoya tushunchasining mohiyatini to'laqonli ochib bera olmaydi. Shu sababli aytish mumkinki, himoya tushunchasining butun mazmunini o'zida aks ettiruvchi norma nafaqat JPKda, balki jinoyat-protsessual qonunchilikda mavjud emas.

Advokat tushunchasi himoyachi tushunchasiga nisbatan kengroq ma'noga ega bo'lib, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksiga muvofiq, advokat quyidagi toifadagi jinoyat protsessi ishtirokchilariga malakali yuridik yordam ko'rsatadi, bular:

1) gumon qilinuvchi, ayblanuvchi va sudlanuvchiga – himoyachi sifatida;

2) jabrlanuvchi, fuqaroviy da'vogar va fuqaroviy javobgarga – vakil sifatida:

3) voyaga yetmagan yoxud belgilangan tartibda muomalaga layoqatsiz deb e'tirof etilgan gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi yoki jabrlanuvchiga – qonuniy vakil sifatida;

4) guvohga – advokat sifatida[1].

Aytish mumkinki, advokatning himoyachi sifatidagi jinoyat protsessidagi ishtirokining asosiy maqsadi – himoyasi ostidagi shaxsni oqlash yoki uning javobgarligi va jazo chorasini yengillashtirishdan iboratdir. Himoya tushunchasiga Jinoyat-protsessual kodeksda ta'rif berib o'tilmaganligi esa Kodeksning 23-moddasi mazmunini anglashda va himoyachi faoliyatining mohiyatini tahlil etishda tushunmovchiliklarni keltirib chiqarishi mumkin. Mazkur modda mazmunidan kelib chiqib aytish mumkinki, ayblanuvchi o'z aybsizligini isbotlashi mumkin, biroq bu – uning huquqi, majburiyati emas. Isbot qilish majburiyati dastlabki tergovda tergovchining, sudda esa davlat ayblovchisining majburiyati hisoblanadi[2][4]. Himoyachi faoliyatining mohiyatiga va aybsizlik prezumptsiyasi mazmuniga aniqlik kiritish maqsadida himoya tushunchasiga JPKda ta'rif berib o'tilishi maqsadga muvofiqdir.

Yuqorida keltirilgan tahlil va fikrlardan kelib chiqqan holda himoya tushunchasiga quyidagi mualliflik ta'rifini berishni taklif etamiz:

Himoya – yuzaga kelgan gumon, e'lon qilingan ayblovni rad etish yoki javobgarlikni yengillashtirish maqsadida himoya tarafi tomonidan gumonni yuzaga keltiruvchi holatlarga e'tiborni qaratish, jinoyat sodir etilganligiga oid ma'lumotlar, jinoyat ishini qo'zg'atish uchun asos bo'lgan holatlar asosliligini tekshirish, dalillar to'plash va taqdim etish asosida isbot qilishni amalga oshirish, tergovga qadar tekshiruv organi mansabdor shaxsi, surishtiruvchi, tergovchi, prokuror va sudning harakatlari (harakatsizligi) va qarorlari ustidan shikoyat berishdan iborat bo'lgan, o'ziga nisbatan tergovga qadar tekshiruv harakatlari olib borilayotgan shaxs, gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi yoki mahkumning huquq va manfaatlarini ifodalash hamda ularning noqonuniy ravishda buzilgan huquqlarini tiklashga qaratilgan protsessual faoliyatdir.

---

[1] O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksi 49-66[1]-modda//28.02.2024 yil o'zgarishlari bilan,ҚҲММБ: 03/24/915/0160-сон. Lex.uz миллий қонунчилик базаси.

[2] Карапетян С.Э. "Понятие презумпции невиновности"/ http://www.smolprok.ru/

Jinoyat-protsessual qonunchilikni tahlil etish natijasida himoyani ixtiyoriy va zaruriy himoyaga ajratishimiz mumkin. Ixtiyoriy himoya tushunchasi o'zida shaxslarning himoyalanishga bo'lgan konstitutsiyaviy huquqlaridan foydalanish erkinligini aks ettirsa, zaruriy himoya esa, o'z- o'zini himoya qilishga jismoniy, aqliy yoki moliyaviy jihatdan imkoniyati cheklangan shaxslarning himoya huquqi ta'minlanishini o'zida aks ettiradi. Ixtiyoriy himoyaga muvofiq, gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi ixtiyoriy ravishda va tanlov asosida himoyachi yordamidan foydalansa, zaruriy himoya esa davlat tomonidan himoyachiga haq to'lash asosida amalga oshiriladi. Himoyachiga ega bo'lish va umuman himoya huquqi tergovga qadar tekshiruv organi mansabdor shaxsi, surishtiruvchi, tergovchi, prokuror va sud tomonidan o'ziga nisbatan tergovga qadar tekshiruv harakatlari olib borilayotgan shaxsga, gumon qilinuvchiga, ayblanuvchiga, sudlanuvchiga va mahkumga unga berilgan huquqlarni tushuntirib berish nazarda tutilgan barcha vosita va usullardan foydalangan holda chora-tadbirlar ko'rish majburiyati bilan ta'minlanadi.

ISABOYEVA ZUXRA BOTIROVNA
O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

MAHBUSLAR BILAN MUOMALA QILISHNING MINIMAL STANDART QOIDALARI

Annotatsiya: Tezisda Birlashgan Millatlar Tashkilotining mahbuslar bilan muomala qilish bo'yicha minimal standart qoidalari (Mandela qoidalari)ning vujudga kelishi, rivojlanish bosqichlari, uning tarkibiy tuzilishi, mahbuslar bilan muomala qilishning asosiy tamoyillari, mahbuslarning toifalari haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: Inson huquqlari, mahbuslar huquqlarini himoya qilish, Nelson Mandela, penitensiar tizim, asosiy tamoyillar, mahbuslarning alohida toifalari, Umumiy qo'llaniladigan qoidalar, Alohida toifalarga qo'llaniladigan qoidalar.

Abstract: The thesis discusses the emergence of the minimum standard rules of the United Nations for the treatment of prisoners (Mandela rules), the stages of development, its structural structure, the main principles of treatment of prisoners, categories of prisoners.

Key words: Human rights, protection of prisoners' rights, Nelson Mandela, penitentiary system, basic principles, special categories of prisoners, General applicable rules, Special category rules.

Аннотация: В диссертации рассматривается вопрос возникновение минимальных стандартных правил ООН обращения с заключенными (правил Манделы), этапы развития, их структура, основные принципы обращения с заключенными, категории заключенных.

Ключевые слова: Права человека, защита прав заключенных, Нельсон Мандела, пенитенциарная система, основные принципы, особые категории заключенных, Общие применимые правила, Правила особых категорий.

Har bir davlatning yuridik, ijtimoiy, iqtisodiy va geografik shart-sharoitlari turli xilligini e'tiborga olib, Mandela qoidalarini bir vaqtning o'zida hamma joyda qo'llash mumkin emasligi ko'rinadi. Biroq mazkur qoidalar amaliy qiyinchiliklarni yengib o'tishga da'vat qilishi kerak, chunki umuman olganda, bu

qoidalar Birlashgan Millatlar Tashkiloti maqbul deb hisoblagan eng minimal shart-sharoitlarni aks ettiradi.

Boshqa tarafdan, bu qoidalar tafakkur doim ilgarilab ketadigan faoliyat maydonini ham o'z ichiga oladi. Qoidalar ularda bayon qilingan tamoyillarga mos keladigan va ularda belgilangan maqsadlarga erishishga qaratilgan tajriba o'tkazishga va ularni amaliyotga joriy etishga to'sqinlik qilmaydi.

Nelson Mandela qoidalarining birinchi qismi qamoqxonalarni umumiy boshqarish to'g'risida bo'lib, mahbuslarning barcha toifalariga nisbatan, xususan, ular jinoyat ishi yoki fuqarolik ishi bo'yicha qamoqda saqlanayotganidan va faqatgina tergov vaqtida ehtiyot chorasi sifatida qamoqda saqlanayotganidan, yoki jazoga hukm etilganidan qat'i nazar qo'llaniladi, shu jumladan, qoidalarning bu qismi sudyalar tomonidan "xavfsizlik chorasi" yoki "axloq-tuzatish choralari" sifatida qamoqda saqlanayotgan mahbuslarga nisbatan ham tatbiq etiladi.

Qoidalarning ikkinchi qismida alohida toifadagi mahbuslarga nisbatan qo'llaniladigan qoidalar bayon etilgan bo'lib, ular kichik-kichik maxsus bo'limda keltirilgan. Lekin, shuni e'tiborga olish lozimki, A bo'limda qayd etilgan va jazoga hukm etilgan mahbuslarga taalluqli bo'lgan qoidalarni V, S va D bo'limlarida so'z boradigan shaxslarga nisbatan ham, agar bu qoidalar mazkur toifadagi shaxslar uchun ishlab chiqilgan qoidalarga zid bo'lmasa va ularning ahvolini ma'lum darajada yaxshilasa, teng darajada qo'llash zarurligi ta'kidlangan.

Shu bilan birga, mazkur Qoidalar voyaga yetmaganlarni qamoqda saqlash markazlari yoki tarbiya koloniyalari singari yosh bolalarga mo'ljallangan muassasalarni boshqarishni tartibga solishda tatbiq etilmaydi. Shunga qaramay, birinchi qismni mazkur muassasalarda ham qo'llash mumkin[1].

Bundan tashqari, 1990-yil 14-dekabrda BMT Bosh Assambleyasining 45/111 sonli rezolyutsiyasida Mahkumlar bilan muomala qilishning asosiy tamoyillari qabul qilingan bo'lib, ushbu tamoyillar 11 tani tashkil qiladi. Jumladan:

1. Barcha mahkumlarga ularning insoniy qadr-qimmati hurmat qilingan holda munosabatda bo'lish kerak.

2. Irqi, rangi, jinsi, tili, dini, siyosiy yoki boshqa qarashlari, milliy yoki ijtimoiy kelib chiqishi, mulki, tug'ilishi yoki boshqa holatiga ko'ra kamsitishlarga yo'l qo'yilmaydi.

3. Biroq, mahalliy sharoitlar talab qilganda, mahbuslar mansub bo'lgan guruhning diniy e'tiqodlari va madaniy qoidalarini hurmat qilish maqsadga muvofiqdir.

4. Qamoqxonalarning mahkumlarni saqlash va jamiyatni jinoyatdan himoya qilish vazifasi davlatning boshqa ijtimoiy maqsadlariga va jamiyatning barcha a'zolarining farovonligi va rivojlanishiga ko'maklashish bo'yicha asosiy majburiyatlariga muvofiq amalga oshiriladi.

5. Qamoqqa olish fakti bilan yaqqol talab qilinadigan cheklovlar bundan mustasno, barcha mahkumlar Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasida, agar

[1] Birlashgan Millatlar Tashkilotining mahbuslar bilan muomala qilish bo'yicha minimal standart qoidalari (Mandela qoidalari). O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Inson huquqlari bo'yicha vakili (Ombudsman) ko'magida tayyorlangan o'zbek tiliga norasmiy tarjimasi.

manfaatdor davlat ishtirok etsa, Iqtisodiy xalqaro paktda belgilangan inson huquqlari va asosiy erkinliklarini saqlab qoladilar. Shuningdek, Ijtimoiy va madaniy huquqlar, Fuqarolik va siyosiy huquqlar to'g'risidagi xalqaro Pakt va unga oid Fakultativ protokol, shuningdek, Birlashgan Millatlar Tashkilotining boshqa paktlarida belgilangan boshqa huquqlarga ham ega bo'ladilar.

6. Barcha mahkumlar inson shaxsini har tomonlama rivojlantirishga qaratilgan madaniy tadbirlarda va ta'lim dasturlarida qatnashish huquqiga ega.

7. Bir kishilik kamerani bekor qilish yoki undan foydalanishni cheklashga qaratilgan sa'y-harakatlarni amalga oshirish va rag'batlantirish kerak.

8. Mahkumlarning mamlakat mehnat bozoriga qayta integratsiyalashuviga yordam beradigan, o'zi va oila a'zolarini moddiy ta'minlashga hissa qo'shish imkonini beradigan mazmunli haq to'lanadigan ishga joylashishlari uchun sharoitlar yaratilishi kerak.

9. Mahkumlar mamlakatda mavjud bo'lgan tibbiy xizmatlardan o'zlarining huquqiy holatiga ko'ra kamsitilmasdan foydalanishlari kerak.

10. Jamiyat va ijtimoiy institutlarning ishtiroki va yordami bilan, jabrlanganlarning manfaatlarini hisobga olgan holda, sobiq mahkumning jamiyatga eng yaxshi sharoitlarda qayta integratsiyalashuvi uchun qulay sharoitlar yaratish kerak.

11. Yuqoridagi prinsiplar xolislik bilan qo'llanilishi kerak[1].

Mandela qoidalarining **tarkibiy tuzilishi**ga tavsif beradigan bo'lsak, u **ikki** asosiy qismga:

- **Umumiy qo'llaniladigan qoidalar**;
- **Alohida toifalarga qo'llaniladigan qoidalarga** ajratib olingan.

Jami 122 ta qoidalardan iborat.

Umumiy qo'llaniladigan qoidalar qismi ham, o'z navbatida, asosiy tamoyillar, mahbuslarning shaxsiy ishlari bilan ishlash tartibi, toifalarga bo'lib chiqish, xonalar, shaxsiy gigiyena, kiyim va ko'rpa-to'shaklar, ovqatlanish, jismoniy mashqlar va sport, tibbiy-sanitariya xizmatlarini ko'rsatish, cheklovlar, intizom va jazo choralari, tinchlantirish vositalari, mahbuslarni va kameralarni tintuv qilish, mahbuslarni xabardor qilish va ular tomonidan shikoyatlar taqdim etish, tashqi dunyo bilan aloqalar, kitoblar, din, mahbuslarning mol-mulki saqlanishi, xabarnomalar, tergov qilish, mahbuslarning boshqa joyga ko'chirilishi, muassasalar xodimlari, ichki inspeksiyalar va tashqi tekshiruvlar singari kichik bo'limlardan iborat bo'lib, jami 85 ta qoidani o'z ichiga olgan.

Alohida toifalarga qo'llaniladigan qoidalar qismida esa mahbuslarning 4 ta toifaga ajratilganini ko'rishimiz mumkin va har bir toifa mahbuslar uchun belgilangan qoidalar shu 4 toifa ichida maxsus bo'limlarda bayon etilgan.

Demak, Mandela qoidalarining ikkinchi qism, ya'ni Alohida toifalarga qo'llaniladigan qoidalar qismida mahbuslar quyidagi toifalarga bo'lingan:

A (Mahkum qilingan mahbuslar);

[1] Mahbuslar bilan muomala qilishning asosiy tamoyillari https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/basic-principles-treatment-prisoners

B (Ruhiy kasalliklari va/yoki sog'lig'i holati og'ir bo'lgan mahbuslar);

C (Qamoqqa olingan yoki sudni kutayotgan shaxslar);

D (Fuqarolik ishlari bo'yicha mahbuslar);

E (Ayblov taqdim etilmasdan qamoqqa olingan yoki qamoqda saqlash qo'llanilgan shaxslar).

Bu toifalarning nomlari bilan atalgan bo'limlar ham, o'z o'rnida, bir qancha kichik bo'lmalardan tashkil topgan. Xususan, **A** bo'limi shu 4 bo'limdan eng kattasi hisoblanib, qo'llanma bo'ladigan tamoyillar, mahbuslar bilan muomala qilish, tasniflash va shaxsiy xususiyatlarini aks ettirish, imtiyozlar, ish, ta'lim va dam olish kabi bo'lmachalardan tashkil topgan.

B bo'lim esa, ikkita 109-110-moddalarni o'z ichiga olib, ularda, asosan, ruhiy kasalliklari mavjud bo'lgan yoki sog'lig'i holati og'ir bo'lgan mahbuslarning malakali tibbiy xizmatdan foydalanishi, ularni qamoqxona muassasalaridan psixiatriya shifoxonalariga o'tkazish choralari haqidagi qoidalar bayon etilgan.

C bo'lim qamoqxona muassasalaridagi qamoqqa olingan yoki sudni kutayotgan shaxslarga nisbatan muomala qilish, ularni saqlash tartibi, rejimi kabi masalalar belgilab o'tilgan bo'lib, 111-120-moddalarni o'z ichiga oladi.

D bo'limda 121-modda orqali fuqarolik ishlari bo'yicha mahbuslarni saqlash hamda ularga muomala qilish talablari yoritilgan.

E bo'lim Mandela qoidalarining eng so'nggi bo'limi va moddasi hisoblanib, unda hali ayblov taqdim etilmasdan qamoqqa olingan yoki qamoqda saqlash qo'llanilgan shaxslarga ushbu qoidalarning qo'llanilishi nazarda tutilgan.

БИЛОЛОВ АББОСБЕК БИЛОЛОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим факультети таянч докторантура докторанти

УШЛАБ ТУРИШ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИНИ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Аннотация: Мақолада процессуал мажбурлов чораларидан бири сифатида ушлаб туришнинг мақсади ҳамда унинг вазифалари илмий тадқиқ қилинган. Ушлаб туришнинг жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган мақсади, жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳаси олим ва мутахассисларининг ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасига нисбатан қарашлари таҳлил қилиниб, улар асосида муаллифлик таърифи илгари сурилган. Шу билан бирга, ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг жиноят процессуал кодексининг вазифаларини самарали бажарилишидаги ўрни ва аҳамияти қисқача ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: ушлаб туриш, ушлаб туриш мақсади, процессуал мажбурлов, жиноят, жиноятларни олдини олиш, ҳуқуқ, гумон қилинувчи.

Шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиб ушлаб туриш жараёни ҳақида нималарни биласиз? Ички ишлар органлари қандай асосда ва қанча муддат бирор кишини ушлаб туриши мумкин? Ушлаб турилган шахс қандай ҳуқуқларга эга? Унга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкинми? Шахсни ушлаш жараёни қандай ўтиши керак? Ушлаб турилган шахснинг қандай ҳуқуқлари бор? Унга нисбатан жисмоний куч қўлланилиши мумкинми? Шахс қанча муддатга ушлаб турилиши мумкин? Ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиш уларнинг бузилишидан сақланишга ёрдам беради.

Дастлаб, ушлаб туриш нима эканлигига аниқлик киритишимиз лозим. Сабаби, жиноят-процессуал кодексида ушлаб туришга бевосита таъриф берилмаган. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқий жиҳатдан шахсга ноқулайлик туғдириши табиийдир. Шунинг учун биз бу борада жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳаси олим ва мутахассислари томонидан ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасига берилган турлича таърифларга юзланамиз.

Жумладан, Д.Миразов, Б.Рашидов, Ш.Қулматовлар: “ушлаб туриш деганда, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум этиб, вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштиришдан иборат процессуал мажбурлов чораси тушунилади”[1],- деб қайд этишган.

Шу билан бирга, Қ.Маткаримовнинг илмий ишларида ҳам ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг тушунчаси юқоридаги таърифлардаги каби ёритиб ўтилган,[2] ҳамда миллий ҳуқуқий тизимимиз ҳақида республикамиз етук ҳуқуқшунос олимлари томонидан тайёрланган юридик энциклопедияда келтирилган таърифга кўра ҳам, ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан махрум қилишдан иборатдир[3].

Юқорида муаллифлар томонидан келтирилган таърифлар ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг мазмунини ифода этсада, асосан унинг жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган мақсадини ўзида акс эттирган. Бизнингча ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг таърифи содда ва бевосита айнан унинг тушунчаси билан боғлиқ бўлиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасига ўз таърифимизни берамиз, яъни **ушлаб туриш** – ижтимоий хавфли қилмиш юзасидан одил судлов вазифаларини бажаришга қаратилган, кечиктириб

---

[1] Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // Д.М.Миразов, Б.Н.Рашидов, Ш.А.Кулматов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.

[2] Маткаримов Қ.Қ. Жиноят ишларини юритувини инсонпарварлаштириш / дисс. Т.,2020. Б.103.

[3] Ўзбекистон юридик энциклопедияси // Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; –Т.: Адолат, 2010. –Б. 654.

бўлмайдиган ҳолатларда қўлланиладиган, шахсни қисқа муддат жамиятдан ажратиш орқали амалга ошириладиган процессуал мажбурлов чорасидир.

Демак, ушбу таърифдан келиб чиқиб, бирон-бир ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ўзининг хатти-ҳаракатлари ёки вазият ҳамда шароит нуқтаи назаридан ушлаб турилиши мумкинлигини тушунишимиз лозим. Ана энди айнан қандай асосларга кўра, шахс ушлаб турилиши мумкинлиги тўғрисида савол туғилади.

Агар ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган қуйидаги асослардан камида биттаси бўлса, шахс жиноятда гумон қилинувчи сифатида ушлаб турилиши мумкин:

- агар у жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;
- агар жиноят шоҳидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;
- агар унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;
- шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Юқоридаги асослар мавжуд бўлганда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан шахсни ҳолат юзасидан гумон қилинувчи сифатида ушлаб турилиши мумкин ҳисобланади. Бунда жиноят иши қўзғатилган ёки қўзғатилмаганлиги аҳамият касб этмайди. Яъни мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб асослар терговга қадар текширув жараёни учун ҳам, дастлабки тергов жараёни учун ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

ЖПКнинг 226-моддасида кўрсатилганидек, жиноят содир этишда гумон қилинган шахс амалда ушланган вақтдан, яъни унинг эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқлари чекланган пайтдан бошлаб, қирқ саккиз соатдан ошмаслиги керак. Маълумот ўрнида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, шахсни ушлаб туриш муддати уни бирон бир ҳуқуқ-тартибот масканига олиб борилган вақтидан ёки ушланаётган шахсга нисбатан ушлаб туриш баённомаси расмийлаштирилган вақтдан бошлаб ҳисобланмайди. Агар шундай бўлса, унда ушбу икки ҳолат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими томонидан қўпол равишда бузилганлигидан далолат беради.

Агар иш ҳужжатларига кўра, терговга қадар текширув ҳужжатлари ёки жиноят иши доирасида гумон қилиниб ушланган шахснинг айблов масаласи ушланган вақтдан бошлаб 48 соат давомида ҳал этилмаса, унда терговга қадар текширув органининг раҳбари ёки суриштирув органи суриштирувчиси ёҳуд дастлабки тергов органи терговчиси томонидан ушланган шахсни озод қилиш қарорига асосан вақтинча сақлаш ҳибсхонасидан озод қилинади.

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилса, ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкин.

Жиноятни содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ички ишлар органлари ходимлари ва терговга қадар текширувни, суриштирувни ёки дастлабки терговни амалга оширувчи бошқа органнинг ходими томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари шахсни ҳар қандай муомалага лаёқатли шахс жиноят содир этганликдаги асослар мавжудлигига амин бўлганда ушлаши ва гумон қилинган шахсни энг яқин орадаги ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси ва ЖПКнинг 224-моддасига мувофиқ ушланаётган шахснинг ушланиш жараёнида ҳуқуқ-тартибот органи ходими томонидан тушунтирилиши шарт бўлган қуйидаги ҳуқуқлари мавжуд:

•ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими ўзини таништириши ва ушланаётган шахснинг талабларига кўра, ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак;

•ушланаётган шахсга айнан қайси жиноятни содир этишда гумон қилиниб ушланганлиги тўғрисида маълум қилиниши лозим;

•ушланаётган шахс адвокатга ёки яқин қариндошига телефон қилиши ёки хабар бериши, ҳимоячига эга бўлиши, кўрсатувлар беришни рад этиши мумкин;

•ушланаётган шахсга берган кўрсатувлари жиноят ишига доир далиллар сифатида ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳуқуқ-тартибот органи ходими томонидан тушунарли ва равон тилда тушунтирилиши лозим.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг 21- ва 22-моддаларига биноан ИИО ходими ушлаш вақтида шахсга суҳбат ва тушунтириш орқали мурожаат қилган вақтида жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс томонидан фаол қаршилик ёки ходимнинг ва бошқа шахсларнинг ҳаётига таҳдид бўлган вақтида, шахсан ўзи ёки бўлинма (гуруҳ) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанг усулларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади.

Жисмоний куч қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

•жиноятларга ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш учун;

•жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни энг яқиндаги ички ишлар органига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб бориш ва бу шахсларни ушлаб туриш учун;

•ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш учун.

Шу билан бирга, ИИО ходими гумон қилинувчига нисбатан жисмоний куч ишлатилиш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган ҳолда огоҳлантириши керак. Ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи

ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган, ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Ички ишлар органи ходими ҳар қандай зарарни минималлаштиришга ҳаракат қилиши шарт.

“Ички ишлар тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига биноан, ички ишлар ходими бир қатор ҳолларда, шу жумладан яширинишга уринаётган ёки қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда махсус воситалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчини ушлаш жараёнида ИИО ходимлари қуйидаги махсус воситалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга:

- резина таёқлар — шу билан бирга қонун инсонга резина таёқлар билан бошдан, бўйиндан, ўмров соҳасидан, қориндан, жинсий аъзолардан, юрак соҳасидан зарб беришни тақиқлайди;
- кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли, шикастлантирувчи қурол;
- қўлкишанлар ёки бошқа боғлаш воситалари;
- электрошок қурилмалари;
- хизмат ҳайвонлари;
- тинчлантириш кўйлаги;
- тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар.

Қонунда аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан, махсус воситаларнинг, шу жумладан газли ҳамда шикастлантирувчи қуролнинг қўлланилиши тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Бундан ташқари, куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ғайриқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишлар, оммавий чиқишлар ва пикет қўйишларни бартараф этиш чоғида махсус воситаларнинг, шу жумладан газли ҳамда шикастлантирувчи қуролнинг қўлланилиши тақиқланади.

Махсус воситаларнинг қўлланилиши учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирмаслиги ва мол-мулкига зарар етказмаслиги керак.

Ички ишлар тўғрисидаги қонуннинг **24-моддасида ИИО ходими** фақат қуйидаги ҳолларда **ўқотар қуролдан фойдаланиш ҳуқуқига** эга дейилган:

- ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида кўриб қолинган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;
- қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли

ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

• жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг қамоқдан қочиб кетишига чек қўйишда, шунингдек ушбу шахсларни куч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда.

Ички ишлар органининг ходими ўқотар қуролни қўллашдан олдин огоҳлантириши шарт, бундан унинг ҳаётига ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган ҳоллар мустасно. Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас. Ушбу қонуннинг 21-моддасига кўра, жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши, уларнинг қариндошлари эса йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши керак.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, ушлаб туриш процессуал жараёнини амалий жиҳатдан икки босқичга бўлиш мумкин, яъни “ушлаш” ва “ушлаб туриш”. Ушлаб туришнинг дастлабки, ҳамда бошланиш нуқтаси бўлган гумон қилинувчини ушлаш уни қўллаётган субъектдан ушлаш пайтини, ушлаш жойини, гумон қилинувчи шахснинг қаршилик кўрсатиши эҳтимолини, гумон қилинаётган шахснинг жиноий шериклари мавжуд бўлиши, унинг ёнида совуқ ёки бошқа турдаги қуролнинг бўлиши мумкинлигини тезкор баҳолашни талаб этади. Шу билан бирга қонунийликка риоя этиш ҳам зарур. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Ушлашдаги бундай ёндашувлар кўплаб тадқиқотчилар томонидан қайд этиб ўтилган[1].

Амалда ушлашнинг моҳияти жисмоний қўлга олишга (яъни ушланаётган шахс билан бевосита мулоқотда бўлишга) қаршилик кўрсатилган ҳолда уни бартараф қилиб, шахсга унинг қўлга олинганини эълон қилишдан иборат[2].

Қайд этиб ўтилган ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг амалий жиҳатлари, яъни унинг кечиктириб бўлмайдиган процессуал мажбурлов чораларидан бири эканлиги;

муддатининг камлиги;

---

[1] Ковалёв С. М., Афанасенко А. Н., Бельский А. Е. Особенности задержания и доставления в органы внутренних дел лиц подозреваемых в совершении преступлений / “Научно-практический электронный журнал Аллея Науки” №14 2017 Alley-science.ru.

[2] Назиров С.Ф. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашни ташкил этиш ва бошқариш / SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. 2022. №3. Б.-228.

бошқа процессуал мажбурлов чораларига нисбатан кўп қўлланилиши, натижасини олдиндан белгиланмаслиги, яъни мавҳумлиги;

уни қўллаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими учун ушланаётган шахс томонидан муайян хавф-хатарларнинг мавжудлиги, баъзан фаол қаршиликларга дуч келиниши;

ушлаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни муомалага лаёқатли ҳар қандай шахс амалга ошириши мумкинлиги, унинг гумон қилинувчиларга нисбатан қўлланиши кабилар айни вақтда ушлаб туриш тўғрисидаги билим ва кўникмаларни, тасаввурларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

ҚЎШАЕВ ФАРРУХ РЎЗМАТ ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЭГАЛЛАБ ОЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ БЕЛГИЛАРИ

Аннотация: Ер ва ер ресурслари табиатнинг ажралмас ва чекланган манбалари ҳисобланиб, бугунги кунда мамлакатимизда уларни нобуд қилиш, мақсадсиз фойдаланиш ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши ортидан жиноий оқибатлар келиб чиқишининг қонуний асослари белгиланган. Мазкур мақолада ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жиноятининг жиноий-ҳуқуқий белгилари илмий асослантирилган ҳолда таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур жиноят турининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича зарур таклиф ва тавсиялар ҳавола қилинган.

Калит сўзлар: Ер участкалари, суғориладиган ерлар, ўзбошимчалик, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, жиноят, қонуний эгалик, объект, объектив томони, субъект, субъектив томони, жиноий оқибат, зарар.

Аннотация: Земля и земельные ресурсы считаются незаменимыми и ограниченными ресурсами природы, и сегодня в нашей стране существуют правовые основания для уголовно наказуемых последствий за их уничтожение, нецелевое использование и произвольное присвоение. В данной статье с научным обоснованием анализируются уголовно-правовые признаки преступления самовольного захвата земельных участок. А также представлены необходимые предложения и рекомендации по укреплению правовой основы данного вида преступлений.

Ключевые слова: Земельные участки, орошаемые земли, самоуправство, самовольный захват земельных участков, преступление, законная собственность, объект, объективная сторона, субъект, субъективная сторона, уголовное последствие, ущерб.

Annotation: The land and land resources are considered irreplaceable and limited resources of the nature, and today in our country there are legal grounds for criminal consequences for their destruction, misuse and arbitrary appropriation. In This article analyzes the criminal law features of the crime of unauthorized seizure of land plots with scientific justification. The necessary proposals and recommendations for strengthening the legal basis of this type of crime are also presented in turn.

Key words: land plots, irrigated lands, arbitrariness, unauthorized seizure of land plots, crime, legal property, object, objective side, subject, subjective side, criminal consequences, damage.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин” деб белгиланган[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. 2023-йил. – 108 б. 20-21 бетлар.

Асосий қомусимизда ердан фойдаланиш ва унга эгалик қилишнинг конституциявий асослари қатъий мустаҳкамланиши, ушбу табиат ресурсини асраб-авайлаш ва ундан самарали фойдаланишдаги қонунбузилиш ҳолатларига қарши муросасиз курашиш ортидан зарур жавобгарлик масалаларини белгилаб берилишини устувор вазифа қилиб қўйди.

Ўзбекистон ер ҳуқуқи ўз тартибга солиш предметига эга. Бунда ҳуқуқ нормалари тартибга солиши керак бўлган барча ижтимоий муносабатларнинг марказида ер туради. Ер табиатнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, умуммиллий бойлик-давлат мулки деб, тан олинган. У фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси, қишлоқ хўжалигида бош ишлаб чиқариш воситаси иқтисодиётнинг барча тармоқлари жойлашиши ва ривожаланишининг ҳудудий базаси[1].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229[1]-моддаси “Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш” деб номланиб, бу турдаги жиноят бошқа экология соҳасидаги жиноятлардан фарқли равишда, мазкур кодекснинг ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар туркумига кирувчи “бошқарув тартибига қарши жиноятлар” бобига хос жиноят тури ҳисобланади.

Унга кўра, “Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу **ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда** улардан фойдаланиш, худди шундай ҳаракатлар учун **маъмурий жазо қўлланилганидан кейин** содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Суғориладиган ер участкаларини уларда **қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш**, — базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахсга нисбатан, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда таъминласа ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди”[2].

Мазкур жиноятнинг **объекти** – ер участкаларини бошқариш ёки тақсимлашнинг қонунчиликда белгиланган тартибларига риоя қилинишини кафолатловчи ижтимоий муносабатлардир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддасида ер участкаларини мулк қилиб бериш (реализация қилиш), доимий фойдаланиш

[1] Ер ҳуқуқи. Усмонов М.Б. Тошкет давлат юридик институти. 2002 й. 246 б.
[2] https://lex.uz/ru/docs/111453 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси

учун ва ижарага бериш **ер ажратиш тариқасида** амалга оширилиши, шунингдек, берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегаралари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат **кадастрлари палатаси** томонидан **натурада** (жойнинг ўзида) **белгилангунига** ҳамда ер участкасига бўлган **ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунига** қадар мазкур ер участкасига **эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга** киришиш **тақиқланиши** белгиланган[1].

Жиноят **объектив томондан -** худди шундай ҳаракатлар учун **маъмурий жазо қўлланилганидан кейин** ҳам **биринчидан,** ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишда ва **иккинчидан,** ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланишда юзага келади.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, жиноят кодекси 229[1]-моддаси маъмурий преюдицияга эга, яъни ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан, ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, худди шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, айбор шахс жиноий жавобгарликка тортилади[2].

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатини жиноят деб топилишининг муҳим шартларидан яна бири, бу шахснинг муқаддам содир қилган худди шу каби ғайриқонуний ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши, тайинлаш маъмурий жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида яна содир қилинганда жиноий жавобгарлик келиб чиқиши лозимлиги билан харакатерланишидир.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** 37-моддасида “Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс **маъмурий жазога тортилмаган** деб ҳисобланади” деб белгиланган.

Мазкур кодекснинг **60-моддасида** (Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш) “Ердан, сувдан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёхуд ерга ва бошқа табиий ресурсларга (бундан ер ости бойликлари ва ер ости сувлари мустасно) эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, табиатдан махсус фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади”.

[1] https://lex.uz/acts/152653 Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
[2] Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 3-том. Рустамбаев М. Ҳ. “Илм зиё” н.у. 2011. 308 б.

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари, мансабдор шахсларга эса — эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ажратилган ер участкасига туташ бўлган ва туташ бўлмаган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари, мансабдор шахсларга эса — уч юз баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминласа ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса, жавобгарликдан озод этилади”[1].

Қонунчиликда белгиланган асослардан ташқари ер участкаларини бошқача тарзда реализация қилиш ёки уни эгаллашга қаратилган ҳар қандай ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат **ўзбошимчалик билан эгаллаш** деб ҳисобланиши мумкин.

Шунингдек, **ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш** деганда, тегишли ваколатга эга бўлган давлат бошқарув идораларининг рухсатисиз ернинг ўзлаштирилиши ёхуд унда иншоотлар қуришга қаратилган ҳаракатлар тушунилади[2].

Ер кодексининг 17-моддасида бегиланишича, юридик шахслар мулк, доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи асосида, жисмоний шахслар мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, чет эллик фуқаролар ва юридик шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фақат ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин[3].

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор шахс ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш бўйича ҳаракатлар содир этаётганини англайди ва бундай ҳаракатларни содир этишни олдиндан ҳохлайди. Шу жумладан, жиноятни содир қилишга бўлган мотив ва жиноятни содир қилишдан кўзланган мақсад мазкур жиноятни квалификация қилишда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Жиноятнинг субъекти – 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, мазкур жиноятни мансабдор шахслар томонидан содир қилиниши ҳолатида, уларнинг содир қилган жиноий қилмиши иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда тегишли тартибда жиноят кодексининг 205-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш) ёки 206-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) билан квалификация қилишни тақозо қилади.

---

[1] https://lex.uz/acts/152653 Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
[2] Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 3-том. Рустамбаев М. Ҳ. «Илм зиё» н.у. 2011. 308 б.
[3] https://lex.uz/docs/97664 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

БОЗОРОВ АЗАМАТ МУХТОРОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ ТАМОЙИЛИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСПЕКТЛАРИ

Аннотация: Муаллиф мақолада айбсизлик презумпцияси тамойилининг жиноят процессидаги ўрни, инсон ҳуқуқларининг кафолати сифатидаги аҳамиятини, шунингдек, ушбу тамойилнинг назарий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасига жиноят процесси иштирокчиларининг конституциявий кафолатларини мустаҳкамловчи нормалар киритишга доир таклифлари ёритилган.

Калит сўзлар: гумон қилинувчи, судланувчи, айбланувчи, айбсизлик презумпцияси, айбсизлик презумпцияси қоидаларининг мезонлари, айбсизлик презумпцияси категориялари.

Ушбу тамойилнинг назарий аспектлари сифатида ўзида мужассам этган юридик кафолатлар билан ифодалаш мумкин.

Айбсизлик презумпциясининг юридик табиати ҳам айнан шунда кўринади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазарларини инобатга олган ҳолда, айбсизлик презумпциясини таъминлашда бир қатор мезонлар мавжуд.

Айбсизлик презумпциясини қўллашнинг жиноят процесси иштирокчилари доирасига кўра гуруҳларга ажратиш мумкинлиги, айбсизлик презумпцияси қоидаларини қўллашнинг жиноят-процесси иштирокчиларига кўра, рухсат берувчи, мажбурият юкловчи ва тақиқловчи категорияларига кўра ажратиш назарий жиҳатдан тадқиқ этилди.

Фикримизча, айбсизлик презумпциясини таъминлаш қуйидаги асосий мезонларга эга:

а) Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчинигина эмас балки, жиноят процессининг қолган барча иштирокчиларининг моддий ва процессуал ҳуқуқларига риоя қилишга йўналтирилган;

б) Айбсизлик презумпциясини таъминлаш доираси чегараланмаслиги лозим, яъни ушбу қоидалар жиноят процесси иштирокчиларига бирдек татбиқ этилиши лозим;

в) Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд инстанцияларига айбсизлик презумпцияси кафолатларига қатъий риоя қилиш мажбурияти юклатилади;

г) Айбсизлик презумпциясини таъминлаш шахснинг ғайриқонуний жавобгарликка тортилишини олдини олиш мақсадини кўзлаб, шахснинг чинакам одил судловга бўлган ҳуқуқларини амалда рўёбга чиқариш имконини беради;

д) Айбсизлик презумциясининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашнинг процессуал кафолати бўлиб хизмат қилади;

е) Миллий ва халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Айбсизлик презумпцияси шахс ҳуқуқлари, қонунийлик ва барқарорликнинг муҳим конституциявий кафолати бўлиб, у бебаҳо ахлоқий моҳиятга ва муҳим ҳуқуқий оқибатга эгадир. Айнан мазкур конституциявий кафолатга кўра, у ёки бу жамиятдаги демократия, инсонпарварлик ва адолат даражасига баҳо бериш мумкин. Ушбу қоида ҳуқуқий давлатнинг ажралмас (бевосита) элементи ҳисобланади.[1]

Фикримизча, “айбсизлик презумпцияси” ўзида қуйидаги қоидаларни мужассам этмоғи лозим.

-Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши;

- айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар берилиши;

- айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги;

- гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги;

- шахс исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги, ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига нисбатан қарши гувоҳлик беришга мажбур қилиниши мумкин эмаслиги;

- агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги;

- озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгалиги;

- шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги каби қоидалар **айбсизлик презумпциясининг асосий мазмунини** ташкил қилади.

“Айбсизлик презумпцияси” қоидаларини қўллашнинг жиноят процесси иштирокчилари доирасига кўра иккига ажратилди:

- Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкумга нисбатан айбсизлик презумпциясини қўллашга доир қоидалар;

- Гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий жавобгар, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахсга нисбатан айбсизлик презумпциясини қўллашга доир қоидалар;

[1] Қ.Абдурасулова. Айбсизлик презумпцияси — ҳуқуқий давлатнинг ажралмас элементи. https://yuz.uz/news/Ozbekiston-Respublikasi-Konstitutsiyasida-aybsizlik-prezumpsiyasining-mustahkamlanishi.

Айбсизлик презумпциясига асосланган қоидаларни назарий жиҳатдан учта категорияга ажратиш мумкин.

Рухсат берувчи қоидалар жумласига:

- гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини **исботлаши шарт эмас;**

- шахс исталган вақтда сукут сақлаш **ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин;**

- озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши **ҳуқуқига эга;**

Тақиқловчи қоидалар жумласига:

- ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига нисбатан қарши гувоҳлик беришга мажбур қилиниши **мумкин эмас;**

- агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши **мумкин эмас;**

- шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши **мумкин эмас.**

Мажбурият юкловчи қоидалар жумласига:

- жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча **айбсиз деб ҳисобланади;**

- айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар берилиши, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг **фойдасига ҳал қилиниши лозим.**

Тадқиқот ишимиз давомида, айбсизлик презумпцияси тамойили қоидаларини қуйидаги халқаро ва миллий ҳуқуқий асосларда ўз ифодасини топганлиги унинг ҳуқуқий аспектлари ҳисобланиб, уларни алоҳида рўйхатини келтиришни жоиз билдик.

Халқаро – ҳуқуқий асослар:

- 1948 йил 10 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (11-модда);

- 1966 йил 16 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Пакт (14-модда);

- 1950 йил 4 ноябрда Римда қабул қилинган Асосий эркинликлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция (6-модда 2-қисми);

- 1981 йил 27 июнда қабул қилинган Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка Хартиясининг (7-модда 1-қисм “b”банди)

Миллий - ҳуқуқий асослар:

-2023 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (28-модда);

- 2021 йил 28 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (16-модда);

- 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (4-модда 2-қисми)

- 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (23-модда);

- 2014 йил 23 май Ўзбекистон Республикаси Олий судининг "Суд ҳукми тўғрисида"ги 7-сон Пленуми Қарори (2, 6-банди 2-хатбоши, 7-бандлар);

- 2006 йил 22 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг "Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 16-сон Пленуми Қарори (8-банди 6-хатбоши);

- 2003 йил 19 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг "Гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 17-сон Пленуми Қарори (5-банди);

- 2013 йил 31 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг "Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги 8-сон Пленуми Қарори (15-банд 2-хатбоши).

Айбсизлик презумпциясининг юқорида кўрсатилган ҳуқуқий асосларида, **"ҳар бир шахс", "ҳар бир инсон"**, **"ҳар бир одам", " гумон қилинувчи", "айбланувчи", "судланувчи" деган иборалар** ишлатилган.

Ушбу тамойиллар фақат гумон қилинувчи ва айбланувчигагина тегишли эмас, балки, Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида яшаётган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда жиноят процессига жалб қилинган ҳар қандай шахсларга берилган юридик кафолатдир.

Агар фуқаролик ҳуқуқидаги тушунча билан талқин қиладиган бўлсак, бу шахсларнинг – объектив ҳуқуқи ҳисобланади.

Юридик категория сифатида айбсизлик презумпцияси ўз мундарижасига кўра, нафақат жиноят процесси, балки ҳуқуқнинг бошқа, хусусан, айблилик ва жавобгарлик масалалари ҳал қилинадиган бошқа соҳаларига ҳам тааллуқлидир.

Шунинг учун ҳам, соҳалараро категория сифатида айбсизлик презумпциясига ҳамиша катта қизиқиш мавжуд.

Миллий қонунчилигимизда, айбсизлик презумпцияси принципининг амал қилиниши унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги ва ҳақиқий демократик ҳуқуқ эканлигидан далолат беради.

Айрим процессуалистлар "Айбсизлик презумпциясидаги кафолатлар шахс амалда ушланган вақтдан бошланиб, суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар амалда бўлади" деб таъкидлашади.

Бироқ, бизнинг фикримизча айбсизлик презумпцияси тамойилларига риоя қилиш шахс жиноят процессига жалб қилинганидан бошланиб, суднинг айблов ҳукми қонуний кучга киргунига қадар амалда бўлади деб ҳисоблаймиз.

Бу ерда фақат шахснинг ушланиши унинг гумон қилинувчи тариқасида

ишга жалб қилинишини билдириб, кейинчалик гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи мақоми босқичларида қўлланилади холос деган маънони келтириб чиқармоқда.

Айбсизлик презумпциясининг муҳим кафолатларидан бири бу суддан ташқари шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топишга ҳеч қандай орган ёки мансабдор шахснинг ҳақли эмаслигидир.

Гумон қилинувчи ёки айбланувчини айби исботланмай туриб, судга беришга суд эса, суд мажлисида текширилмаган далилларга асосланиб судланувчини айбдор деб топишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 409-моддаси 4-қисмига мувофиқ, “Суд муҳокамаси натижасида прокурор суд тергови маълумотлари судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган ишончга келса, у айбловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт. Прокурорнинг айбловдан воз кечиши суд томонидан жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатишга сабаб бўлади”.[1] Ушбу процессуал қоидада, шахснинг айбдорлиги судда текширилган далилларга мувофиқ баҳоланиши, давлат айбловини қувватлаётган прокурор керак бўлса, айбловдан воз кечиб судга асослантирилган баёнот бериши шарт эканлигига доир қоида мустаҳкамланган.

Шу билан бир қаторда, айбсизлик презумпциясининг мазкур таркибий қисми айбланувчини ўз айбига иқрорлиги бошқа далиллар билан ҳақиқатдан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини ҳам таъминлайди.

Айбсизлик презумпцияси принципларига зид равишда, шахсни айбдорлигини кўрсатувчи ёлғон маълумотлар, сохта ёки қалбакилаштирилган далиллар асосида шахсни айблаш қонунан тақиқланган.

Ушбу ҳолат одил судловга қарши қаратилган жиноят ҳисобланиб, ушбу ҳаракатлар учун мансабдор шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Суриштирув, дастлабки тергов натижалари билан тўпланган, текширилган ва баҳоланиб аҳамиятли деб жиноят ишига қўшилган ҳар қандай далиллар учун уни тўплаган мансабдор шахс масъулдир.

Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тўпланган далиллари асосида шахсни айбдорлигини кўрсатувчи маълумотлар етарли бўлмаса, бироқ уни жиноят ишида айбдор сифатида кўрсатиш айбсизлик презумпциясига мутлақо мос келмайди.

“Маълум шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топишда ва унга нисбатан жазо чораси тайинлашда ёки уни айби исботланмаганлиги, асосланмаганлиги учун ноҳақ жавобгарликка тортилганлигини реабилитация қилишда ҳал қилувчи овозга фақатгина суд эгадир”.[2]

---

[1] Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 409-моддаси 4-қисм https://lex.uz/acts/111460

[2] Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. “Правоохранительные органы”, Т., ТГЮИ, 2003, с. 69.

Айбсизлик презумпцияси жиноят ишини юритаётган у ёки бу мансабдор шахснинг фикри эмас, балки объектив ҳолат ҳисобланади.

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни юритишга масъул бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор айб мазмунини белгилаганида, уни айбланувчига эълон қилганида, прокурор “айблов ҳулосаси”ни тасдиқлаганида ва давлат айбловини судда қўллаганида ҳақиқатан ҳам айнан шу шахс жиноят содир этганлигига қатъий ишонадилар.

Айбланувчини айбсиз ёки айбдор деб топиш жиноят судлов ишларини юритишнинг алоҳида тартибни белгиловчи ошкоралик, тортишувчилик, тенглик, оғзакилик каби демократик принципларни ўзида акс эттирган айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини юқори даражада кафолатловчи суд мажлисида ҳал этилади.

Суднинг қонуний, асосли ва адолатли чиқарган ҳукми кучга киргандан кейингина давлат шахсни айбдорлигини, жазога сазоворлигини тан олади.

Жиноят судлов ишларини юритувчи мансабдор шахслар шунингдек бошқа корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари ва фуқаролар айбланувчига айбдор деб қарашга ҳақли эмаслар.

Бироқ, айрим ҳолатларда устидан ариза ёзилиб терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, устидан жиноят иши қўзғатилган гумон қилинувчи, айблов эълон қилинганидан сўнг айбланувчига айбдор сифатида қараш унга айбдорлардек муносабатда бўлиш ҳолатлари прокуратура органларига терговчилар, прокурор-тергов ходимлари устидан тушган мурожаатлардан ҳам аёндир.

Бухоро вилоят прокуратураси ходимларининг айбсизлик презумпцияси кафолатларини бузиш, ходимларнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб фуқаролардан Ягона интерактив давлат хизматлари порталига 2023 йил 12 ойида келиб тушган мурожаатлар 124 тани ташкил қилганлиги фикримизни исботлайди[1].

Келгусида, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьяларнинг касбий этика қоидаларида шахс билан муомалада бўлганда айбсизлик презумпцияси қоидаларига қатъий риоя қилишни мажбурият сифатида белгилаш, ушбу кафолатлар бузилган тақдирда ходимнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилишни англатувчи қатъий нормалар орқали мустаҳкамлаш лозимлиги таклиф қилинади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим судланувчиларга судья, прокурор, адвокат ёки жиноят–процессига жалб этилган бошқа шахс уни айбланувчи, судланувчи деб мурожаат қилганда, ушбу шахслар томонидан қатъий эътироз қилиниб, судланувчи деб мурожаат қилиниши айбсизлик презумпцияси қоидасига мутлақо тўғри келмаслигини, унга мурожаат қилинганда,

[1] Бухоро вилоят прокуратурасининг 2023 йил 12 ойи якуни бўйича тузилган умумлашма.

айбланувчи эмас, унинг ўрнига “исм фамилияси ёки фуқаро” деб атаб чақиришларини талаб қилишган[1].

Шу боис, амалдаги ЖПКнинг 23-моддаси 4 ва 5-қисмларига қуйидаги мазмундаги қоидалар киритилиши таклиф қилинади:

“Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов босқичида иш бўйича терговга қадар текширувга жалб қилинган шахсга, суриштирувчи, терговчининг қарорига асосан гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида ишга жалб этилган шахсга, суд муҳокамасида судланувчи сифатида ишга жалб этилган шахсларга айбдор сифатида муносабатда бўлиш тақиқланади.

Терговга қадар текширув органи томонидан жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарор чиқарилиши, суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатлари давомида гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида ишга жалб этиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши, суд муҳокамасида эса судланувчи мақомига эга бўлган шахсларни жиноят иши бўйича айбдор шахс деб топилиши мумкин эмас”.

Агар терговга қадар текширувга жалб қилинган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг процессуал мақоми билан эмас, балки фамилияси, исм шарифи билан аташни илтимос қилса, ушбу илтимоси суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан кўриб чиқилиб тегишли қарор қабул қилинади.

Амалдаги ЖПКнинг 23-моддасига бундай қоидаларнинг киритилиши, жиноят процессида иштирок этувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг “гумон қилинувчи”, “айбланувчи”, “судланувчи”ларга нисбатан айбдор сифатида муносабатда бўлишини олдини олади.

Айбсизлик презумпцияси айбланувчини ҳуқуқий мақоми сифатида нафақат жиноят процессида балки барча ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади. Ҳукм қонуний кучга кирмасдан туриб, айбланувчини қамоқда ушлаб турилгани учун сайловларда иштирок этиш, турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, иш жойидан бўшатиш, ўқув муассасасидан четлатиш мумкин эмас.

Чунки буни айбсизлик презумпцияси алоҳида кафолатлайди.

Айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ёки айблов хулосасини тасдиқланиши “шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал қилинди” деган мазмунни англатмайди.

Айбсизлик презумпцияси айбланувчининг ўзи-ўзини ҳимоя қилиш кафолати, жиноят судлов ишларини юритиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларнинг мажбурияти ҳисобланади.

Айбсизлик презумпцияси талабларига риоя этмаслик одил судловга зид келадиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига сабаб бўладиган ҳолатдир.

Ушбу қоидани эътироф этиш барча ривожланган давлатлар учун асосий қоида ҳисобланади. Чунки бу инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро

[1] ЖИБ Яккасарой туман судида 2022 йил октябрь ойида кўрилган жиноят иши бўйича судланувчига Д.К.га берилган охирги сўзида, суднинг ҳукми бўлмаганлиги боис суддан уни айбсизлик презумпциясидаги кафолатларини бузиб унга судланувчи деб мурожаат қилинганидан эътироз билдирган.

ҳужжатларда ўз аксини топган.

Демак, амалдаги жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини айбдор деб топиш учун, биринчидан унинг айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботланиши, иккинчидан, ушбу жиноят иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлиши лозим.

НОРМУРОДОВА АЗИЗА АЗИМЖОН КИЗИ

Правоохранительная академия Республики Узбекистан направление “Международное право прав человека” слушатель магистратуры

ПОНЯТИЕ И ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СЕКСУАЛЬНОГО НАСИЛИЯ

Annotatsiya: Ushbu maqolada jinsiy zo’ravonlikning ta’rifi tahdid, zo’ravonlik va boshqa bosim shakllari ta’sirida olingan rozilik yoki roziligisiz jinsiy harakatlarga majburlashga asoslangan shaxs huquqlarini buzish shakli sifatida ko’rib chiqiladi. Jinsiy zo’ravonlikni aniqlashning turli jihatlari, shu jumladan uning ijtimoiy-madaniy va huquqiy ahamiyati tahlil qilinadi.

Kalit so’zlar: Jinsiy zo’ravonlik, jinsiy avtonomiya, jinsiy daxlsizlik, jinsiy zo’ravonlik qurbonlari.

Аннотация: В данном статье рассматривается определение сексуального насилия как формы нарушения прав личности, основанной на принуждении к сексуальным действиям без согласия или согласия, полученного под воздействием угрозы, насилия и других форм давления. Анализируется различные аспекты определения сексуального насилия, включая его социокультурное и юридическое значение.

Ключевые слова: Сексуальное насилие, сексуальная автономия, сексуальная неприкосновенность, жертвы сексуального насилия.

Annotation: This thesis examines the definition of sexual violence as a form of violation of personal rights based on coercion to sexual acts without consent or consent obtained under the influence of threat, violence and other forms of pressure. Various aspects of the definition of sexual violence, including its socio-cultural and legal significance, are analyzed.

Key words: Sexual violence, sexual autonomy, sexual integrity, victims of sexual violence.

Для всестороннего изучения определения “сексуального насилия” необходимо обратить внимание на понятие терминов “сексуальная автономия” и “сексуальная неприкосновенность”.

Сексуальная автономия, являясь правом человека, предполагает свободу самостоятельно принимать решения о своей сексуальности в рамках личной и социальной этики. Сексуальная автономия включает в себя возможность самостоятельно принимать решения и контролировать вопросы, связанные с сексуальностью, в том числе выбирать партнёров, стремиться реализовывать свой сексуальный потенциал и испытывать удовольствие от любых форм сексуальных действий.

Под сексуальной неприкосновенностью понимается право каждого человека не подвергаться сексуальному насилию, право на защищенность от сексуальных посягательств.

В широком смысле понятие “сексуальное насилие” означает все нарушения сексуальной автономии и сексуальной неприкосновенности.

Всемирная Организация Здравоохранения определяет сексуальное насилие как “любой сексуальный акт, попытка его совершения или другие действия, направленные в отношении сексуальности человека с использованием принуждения, совершаемые любым человеком, независимо от его взаимоотношений с жертвой, в любом месте. Оно включает изнасилование, определяемое как насильственное или иное принудительное проникновение внутрь вульвы или ануса с использованием пениса, других частей тела или предметы, попытку изнасилования, совершаемое против воли прикосновение сексуального характера или другие, бесконтактные формы”.

Сексуальное насилие имеет ряд своих особенностей. Во-первых, оно может быть совершено любым лицом и против любого лица независимо от возраста, пола и гендера. Жертвами сексуального насилия могут быть женщины, мужчины, дети, подростки, пожилые люди, а также люди с ограниченными возможностями. В качестве примера к вышеуказанному можно привести судебное решение МТБЮ “Прокурор против Радослава Брджанина”, в котором “двое заключенных мужского пола, по крайней мере один из которых был боснийским мусульманином, были вынуждены совершать фелляции друг на друга”.

Во-вторых, акты сексуального насилия могут быть совершены в любое время и в любой обстановке, включая супружеские, семейные и интимные отношения. В 2018 году Всемирной Организацией Здравоохранения был проведен анализ о распространенности проблемы насилия в отношении женщин по 161 стране и району за период с 2000 по 2018 г, и было выявлено, что во всем мире почти каждая третья женщина подвергается физическому и/или сексуальному насилию со стороны интимного партнёра либо сексуальному насилию со стороны другого лица, либо тому, и другому.

В – третьих, акты сексуального насилия могут быть разнообразны и не всегда связаны с физическим контактом или приводить к физическим травмам. Например, сексуальное насилие может включать в себя нежелательные сексуальные комментарии, жесты, наблюдение, прикосновения, вынуждение к просмотру порнографии и другие.

В – четвёртых, акты сексуального насилия не всегда направлены на получение сексуального удовлетворения и не приводят к такому результату. Это значит, что некоторые акты сексуального характера связаны с сексуальным удовлетворением, а другие – нет. Альтернативные цели сексуального насилия состоят в доминировании, наказании, унижении или в запугивании.

В – пятых, сексуальное насилие отчасти определяется личностью, способностями, возрастом, расой, полом, культурой, религией, историческими прецедентами, принадлежностью коренному населению и другими пересекающими факторами. Например, в Южной Африке в рамках апертеида преследовалось только изнасилование белых женщин, в то время как сексуальное насилие в отношении чернокожих женщин считалось частью жизни.

В – шестых, акты сексуального насилия совершаются “насильственно”, то есть путём применения физической силы, угрозы силой или принуждением. Например, задержанием, психологическим давлением, злоупотреблением властью, путём использования принудительной окружающей обстановки.

В – седьмых, акты сексуального насилия совершаются против лица, которое не может или не хочет давать подлинное, добровольное, конкретное, постоянное согласие. Согласие на сексуальную активность должен быть конкретным и постоянным. Будет недостаточно, если лицо дало согласие на сексуальную активность в предыдущем случае, но позднее отозвало это согласие или если характер сексуальной активности изменился без его согласия. Согласие не считается добровольно предоставленным, когда оно имело место в ситуации уязвимости.

Сексуальное насилие – это проблема, которая распространяется по всему миру и требует серьезного внимания со стороны общества, правоохранительных органов и государственных институтов. Важно помнить, что никто не заслуживает быть жертвой сексуального насилия, и каждый имеет право на свою физическую и сексуальную неприкосновенность. Поддержка жертв сексуального насилия, их защита и предотвращение таких случаев являются важными задачами для общества в целом.

SAIDOV XURSHID AXTAM O’G’LI
O’zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

VALYUTA QIMMATLIKLARI BILAN BOG’LIQ JINOYATLARNI ANIQLASH VA KVALIFIKATSIYA QILISHDAGI AYRIM MUAMMOLAR

Annotatsiya: Valyuta qimmatliklarini qonunga xilof ravishda olish va o‘tkazish O‘zbekiston Respublikasining valyuta yakka hukmronligiga va pul-moliya tizimiga putur yetkazishini inobatga olib, mazkur maqolada valyuta qimmatliklari bilan bog’liq jinoyatlarni aniqlash va kvalifikatsiya qilish jarayonlarida vujudga keladigan muammolarga yechimlar va amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar tahlil qilingan. Shuningdek, berilgan takliflar natijasida soha rivojiga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan o‘zgarishlarga erishish mumkin bo‘ladi.

Kalit so’zlar: Valyuta qimmatliklari, chet el valyutasi, valyutani tartibga soluvchi davlat organi, valyuta kursi, kross kurs.

Аннотация: Незаконное приобретение и передача валютных ценностей подпадает под действие валютной монополии Республики Узбекистан и учитывая, что это наносит вред денежно-финансовой системе, в данной статье анализируются пути решения проблем, возникающих в процессах выявления и квалификации преступлений, связанных с валютными ценностями, и реализуемые меры. Также в результате данных предложений удастся добиться изменений, способных оказать положительное влияние на развитие отрасли.

Ключевые слова: Валютные ценности, иностранная валюта, орган валютного регулирования, валютный курс, кросс-курс.

Annotation: Illegal acquisition and transfer of foreign exchange values is subject to the currency monopoly of the Republic of Uzbekistan and taking into account that it harms the monetary and financial system, this article analyzes the solutions to the problems that arise in the processes of identifying and qualifying crimes related to currency values and the measures being implemented. Also, as a result of the given proposals, it will be possible to achieve changes that can have a positive impact on the development of the industry.

Key words: Currency values, foreign currency, currency regulatory body, exchange rate, cross rate.

Valyuta qimmatliklarini qonunga xilof ravishda olish va o‘tkazish O‘zbekiston Respublikasining valyuta yakka hukmronligiga va pul-moliya tizimiga putur yetkazadi. O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 1998-yil 17-aprelda qabul qilingan “Iqtisodiyot sohasidagi jinoiy ishlar bo‘yicha sud amaliyotida yuzaga kelgan ayrim masalalar to‘g’risida”gi №11-sonli Qarorida ta’kidlanganidek, iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar va boshqa huquqbuzarliklar mamlakatimizda amalga oshirilayotgan bozor islohotlariga jiddiy xavf tug’diradi, bozor iqtisodiyotiga xos bo‘lgan xususiy mulkchilikning, boshqa turdagi mulkiy munosabatlarning shakllanishiga va rivojlanishiga to‘sqinlik qiladi. Bu borada aniqlangan jinoiy harakatlar soni yildan-yilga ortib bormoqda.

Valyuta qimmatliklarini qonunga xilof ravishda olish va o‘tkazish jinoyati odatda noqonuniy ravishda olingan mablag’lar manbasini yashirish uchun mo‘ljallangan bir qator murakkab moliyaviy operatsiyalarni o‘z ichiga oladi.

Valyuta - davlatning pul birligi bo’lib, pul tizimining asosiy elementi hisoblanadi. U muomaladagi qonuniy to’lov vositasi bo’lib, tovarlar qiymatining o’lchovi, hisoblash va to’lash vositasi bo’lib xizmat qiladi. Emitentga qarab (valyutani muomalaga chiqaruvchi):

Milliy valyuta - muayyan davlatning valyutasidir (so’m, dollar, yevro, rubl’ va boshqalar). Mazkur davlat hududida foydalanish maqsadida Markaziy bank tomonidan muomalaga chiqariladi;

Xorijiy valyuta – xorijiy davlatlarda muomalada bo’lgan va qonuniy to’lov vositasi hisoblangan valyutalar, shuningdek, kreditlash va to’lovlarni amalga oshirish vositalari (banknotalar, g’azna biletlari, tangalar, cheklar, veksellar);

Jamoaviy valyuta - bu ma’lum bir davlatlar guruhi va xalqaro tashkilotlar tomonidan moliyaviy amaliyotlarni amalga oshirish uchun foydalaniladigan valyutadir. Masalan, 1999 yilning 1 yanvarida Yevropa Ittifoqi (EI) davlatlari yagona

valyuta – Yevroni naqdsiz shaklda, 2002 yilning 1 yanvaridan esa banknotalar va tangalar ko'rinishida muomalaga kiritdilar[1].

Valyuta qimmatliklarini qonunga xilof ravishda olish yoki o'tkazish — O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi Kodeksning 170-moddasiga ko'ra valyuta boyliklarini qonunga xilof ravishda olish yoki o'tkazish uchun ma'muriy javobgarlik o'rnatilgan. Fuqarolarning qonunga xilof ravishda valyuta qimmatliklarini olishi yoki o'tkazishi, shunday harakatlar uchun ma'muriy jazo qo'llanilganidan keyin sodir etilgan bo'lsa, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat Kodeksining 177-moddasiga asosan jinoiy javobgarlikni keltirib chiqaradi.

O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 22-oktabrdagi "Valyutani tartibga solish to'g'risida"gi O'RQ-573-son qonunida **valyuta qimmatliklari** — chet el valyutasi, nominali chet el valyutasida ifodalangan qimmatli qog'ozlar va to'lov hujjatlari, norezidentlar tomonidan chiqarilgan, nominalga ega bo'lmagan qimmatli qog'ozlar, sof quyma oltin;

chet el valyutasi — muomaladagi hamda chet davlat (chet davlatlar guruhlari) hududida naqd to'lovning qonuniy vositasi bo'lgan pul belgilari, shuningdek muomaladan chiqarilayotgan yoki muomaladan chiqarilgan, ammo almashtirilishi lozim bo'lgan pul belgilari, chet davlatlarning (chet davlatlar guruhlarining) pul birliklarida hamda xalqaro pul birliklarida yoki hisob-kitob birliklarida bank hisobvaraqlarida va omonatlarida turgan mablag'lar;

O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki valyutani tartibga soluvchi davlat organi hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi hududida chet el valyutasini sotib olish va sotish bo'yicha operatsiyalarda valyuta kursi chet el valyutasiga bo'lgan talab va taklifdan kelib chiqib, shartnomaviy asosda belgilanadi.

O'zbekiston Respublikasi valyutasining chet el valyutasiga nisbatan kursini aniqlashda faqat bozor mexanizmlaridan foydalaniladi.

Markaziy bank chet el valyutasini sotib olish va sotish tartibini belgilashda chet el valyutasiga bo'lgan talab va taklif asosida valyuta kursini aniqlash uchun shart-sharoitlar yaratilishini nazarda tutadi.

Markaziy bank valyuta operatsiyalari bo'yicha buxgalteriya hisobi, statistik hisobotlar va boshqa hisobotlar maqsadlari uchun, shuningdek O'zbekiston Respublikasi hududida bojxona hamda boshqa majburiy to'lovlarni hisoblab chiqarish uchun valyuta kursini muntazam ravishda belgilab boradi.

O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2000 yil 28 apreldagi "Valyuta qimmatliklarini qonunga xilof ravishda olish yoki o'tkazishga doir ishlar yuzasidan sud amaliyoti to'g'risida" 8-son Qaroriga ko'ra valyuta qimmatliklariga quyidagilar kiradi:

chet el valyutasi;

chet el valyutasidagi qimmatli qog'ozlar — fond boyliklari (aktsiya, obligatsiya va boshqalar);

[1] Valyutalar - O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining moliyaviy savodxonlik bo'yicha axborot-ta'lim veb-sayti (finlit.uz)

chet el valyutasi bilan to’lanadigan to’lov hujjatlari (cheklar, veksellar, akkreditiv va boshqalar);

har qanday ko’rinish va holatdagi qimmatbaho metallar — oltin, kumush, platina va platina guruhiga kiruvchi metallar (palladiy, iridiy, radiy, ruteniy va osmiy), shunday metallardan yasalgan zargarlik va boshqa ro’zg’or buyumlari hamda ularning rezgilari bundan mustasno;

xom ashyo yoki ishlov berilgan holatdagi tabiiy qimmatbaho toshlar — olmos, yoqut, zumrad, sapfir, aleksandritlar, shuningdek marvaridlar, shunday toshlar hamda ularning rezgilaridan yasalgan zargarlik va boshqa ro’zg’or buyumlari bundan mustasno.

O’zbekiston Respublikasining “Valyutani tartibga solish to’g’risida”gi Qonuni 4-moddasiga ko’ra, chet el valyutasi jumlasiga quyidagilar kiradi:

muomaladagi hamda chet davlat (chet davlatlar guruhi) hududida naqd to’lovning qonuniy vositasi bo’lgan pul belgilari, shuningdek muomaladan chiqarilayotgan yoki muomaladan chiqarilgan, ammo almashtirilishi lozim bo’lgan pul belgilari, chet davlatlarning (chet davlatlar guruhining) pul birliklarida hamda xalqaro pul birliklari;

hisob-kitob birliklarida bank hisobvaraqlarida va omonatlarida turgan mablag’lar.

Valyuta qimmatliklarini qonunga xilof ravishda olish yoki o’tkazish deb, O’zbekiston Respublikasi hududida ushbu harakatlar sodir etilgan vaqtda valyuta qimmatliklarini o’rnatilgan tartiblarni buzgan holda sotib olish, sotish yoki almashtirish tushuniladi.

Valyuta qimmatliklarini saqlash va tashish holatlari o’zicha valyuta qimmatliklarini noqonuniy olish yoki o’tkazishni tashkil etmaydi.

Valyuta qimmatliklariga nisbatan bo’lgan egalik huquqi boshqa shaxsga qonunga xilof ravishda o’tgan vaqtdan boshlab jinoyat tamom bo’lgan deb hisoblanadi.

Chet el valyutasining ancha, ko’p va juda ko’p miqdorda ekanligini belgilash masalasini hal etish tergov va sud organlari vakolatiga kiradi. Ular bu masalani hal etishda bitimlar amalga oshirilgan kunda O’zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan belgilangan chet el valyutasining O’zbekiston Respublikasining pul birligiga nisbatan kursidan kelib chiqishlari lozim.

O’zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan 75 turdagi chet el valyutasi (AQSh dollari, EVRO, Rossiya rubli, Angliya funt sterlingi, Yaponiya ienasi, Qatar riali, Qirg’iz somi, Yangi Zelandiya dollari,Yaman riali, Eron riali, Shvetsiya kronasi, Chexiya kronasi, Xitoy yuani, Filippin pesosi, Urugvay pesosi, Ummon riali, Ukraina grivnasi, Turkmaniston manati, Turkiya lirasi, Tunis dinori, Tojikiston somonisi, Tailand bati, Suriya funti, Suda funti, Singapur dollari, Serbiya dinori, SDR(Special Drawing Rights), Saudiya Arabistoni riali, Ruminiya leyi, Quvayt dinori, Polsha zlotiysi, Pokiston rupiyasi, Ozaybayjon manati, Norvegiya kronasi, Myanma kyati, Mongoliya turgiki, Moldaviya leyi, Misr funti, Meksika pesosi, Marokash dirhami, Malayziya ringgiti, Liviya dinori, Livan funti, Laos kipisi, Kuba pesosi, Koreya Respublikasi voni, Kanada dollari, Kambodja rieli,Isroil shekeli, Islandiya

kronasi, Iroq dinori, Iordaniya dinori, Indoneziya rupmyasi, Janubiy Afrika randi, Jazoir dinori,Daniya kronasi, Gruziya larisi, Vetnam dongi, Venesuela bolivari, Vengriya forinti, Bruney dollari, Braziliya reali, Bolgariya levi, Belorus rubli, Bahrayn dinori, Bangladesh takasi, BAA dirhami, Afg'oniston afg'onisi, Armaniston drami, Argentina pesosi, Qozog'iston tengesi, Avstraliya dollari, Hindiston rupiyasi, Gongkong dollari)ning O'zbekiston Respublikasi so'miga nisbatan kursini belgilab boradi[1].

Bilamizki, yuqorida ko'rsatib o'tilgan pul birliklaridan tashqari Bosniya va Gersogovina markasi, Shimoliy makedoniya dinori, Dnestrbo'yi Moldava Respublikasi rubli, Butan ngultrumi, Koreya xalq demokratik respublikasi voni, Laos kipi, Maldiv rufiyasi, Nepal rupiyasi, Shri lanka rupiyasi, Tog'li Qorabog' Respublikasi drami, Tayvanning yangi tayvan dollari, Shan davlatining kyati, Angola kvanzasi, Benin G'arbiy Afrika franki, Bostvana pulasi, Burundi franki, Gabon Markaziy Afrika franki, Gambiya dalasi, Gana sedi, Givineya franki, Jibuti franki, Zambiya kvachasi, Keniya Shillingi, Kongo Demokratik Respublikasi franki, Lesoto loti, Liberiya dollari, Mavrikiy rupiyasi, Mavritaniya ugiyasi, Madagaskar ariari, malavi kvachasi, Mozambik metikali, Namibiya dollari, Nigeriya nayrasi, Ruanda franki, Somali shillingi, Tanzaniya shillingi, Efiopiya biri, Bagam orollarining Bagama dollari, Barbados dollari, Boliviya bolivianosi, Gaiti gurdi, Gayana dollari, Gvatemala ketsali, Gonduras Lempirasi, Kosta rika koloni, Nikaragua kordobasi, Paragvay guarani, Peru yangi soli, Panama balboasi, Yamayka dollari, Vanuatu vatusi, Samoa talasi, Solomon orollari Solomon dollari, Tonga paangasi, Fiji dollari, Bermud oroli Bermud dollari va hokazo pul birliklari ham mavjud bo'lib, mazkur pul birliklari O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 22-oktabrdagi "Valyutani tartibga solish to'g'risida"gi O'RQ-573-son qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi plenumining "Valyuta qimmatliklarini qonunga xilof ravishda olish yoki o'tkazishga doir ishlar yuzasidan sud amaliyoti to'g'risida"gi Qarorida ko'rsatib o'tilgan **"**chet el valyutasi"ga berilgan ta'rifga to'laqonli mos tushadi[2].

Biroq, O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan mazkur davlatlarning pul birliklarini O'zbekiston Respublikasi so'miga nisbatan qiymati belgilanmagan bo'lib, tergovga qadar tekshirish, surishtiruv va tergov jarayonlarida ya'ni amaliyotda fuqarolar tomonidan mazkur pul birliklarini O'zbekiston Respublikasi hududida ayirboshlaganliklari aniqlanganda muammo vujudga keladi. Ya'nikim mazkur valyuta qimmatliklarini so'mga nisbatan qiymatini qonun doirasida aniqlashning imkoni mavjud emas hamda qilmishni valyutaga oid huquqbuzarlik deb topishda miqdor zaruriy belgilardan biri hisoblanadi.

Mazkur muammoni bartaraf etishda uch xil yechim taklif qilinadi.

Birinchi taklif, O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 22-oktabrdagi "Valyutani tartibga solish to'g'risida"gi O'RQ-573-son Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining "Valyuta qimmatliklarini qonunga xilof ravishda olish yoki o'tkazishga doir ishlar yuzasidan sud amaliyoti to'g'risida"gi Qarorida ko'rsatib

[1] https://cbu.uz/oz/arkhiv-kursov-valyut/
[2] https://uz.wikipedia.org/wiki/Davlatlar_pul_birliklari_ro%CA%BByxati

o’tilgan chet el valyutasiga berilgan ta’rif quyidagi tahrirda bayon etilishi lozim ya’ni chet el valyutasi — O’zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan O’zbekiston Respublikasi so’miga nisbatan qiymati belgilangan, muomaladagi hamda chet davlat (chet davlatlar guruhlari) hududida naqd to’lovning qonuniy vositasi bo’lgan pul belgilari, shuningdek muomaladan chiqarilayotgan yoki muomaladan chiqarilgan, ammo almashtirilishi lozim bo’lgan pul belgilari, chet davlatlarning (chet davlatlar guruhlarining) pul birliklarida hamda xalqaro pul birliklarida yoki hisob-kitob birliklarida bank hisobvaraqlarida va omonatlarida turgan mablag’lar.

Ikkinchi taklif, O’zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan nafaqat 75 turdagi chet el valyutalarining balki, barcha chet davlatlarda muomalada bo’lgan hamda chet davlat (chet davlatlar guruhlari) hududida naqd to’lovning qonuniy vositasi bo’lgan pul belgilarining O’zbekiston Respublikasi so’miga nisbatan qiymati belgilash lozim.

Uchinchi taklif, O’zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining “Valyuta qimmatliklarini qonunga xilof ravishda olish yoki o’tkazishga doir ishlar yuzasidan sud amaliyoti to’g’risida”gi Qaroriga hamda O‘zbekiston Respublikasining 2019 yil 22-oktabrdagi “Valyutani tartibga solish to‘g’risida”gi O‘RQ-573-son Qonuniga **kross-kurs** tushunchasini kiritib, mazkur kross-kurs tizimi orqali qiymati belgilanmagan chet el valyutasining kursini aniqlash mexanizmini amalga oshirish lozim. **Kross-kurs** — ikki valyutaning kurs nisbati, valyutalarning uchinchi valyutaga kurs nisbatlari asosida aniqlanadi. Masalan, Givineya frankini AQSH dollariga nisbatan qiymati aniqlanib, mazkur AQSH dollari qiymatini so’mga nisbati olinib, Givineya frankini so’mga nisbatan qiymati aniqlanadi[1].

САМАНДАРОВ ВАЛИЖОН РАВШАНОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИК ТУШУНЧАСИ: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Аннотация: Мазкур мақола оилавий (маиший) зўравонлик тушунчасига, зўравонликнинг халқаро даражадаги муаммоларига, миллий қонунчилигимиздаги бўшлиқларга, уларнинг таҳлили ҳамда мазкур муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсияларга бағишланган.

Калит сўзлар: хотини (эр), собиқ хотин (собиқ эр), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахс, умумий фарзандга эга бўлган шахс, қасддан шикаст етказиш, шаъни ва қадр-қимматини, таҳқирлаш, қўрқитиш, ажратиб қўйиш, таъқиб, жинсий, жисмоний, руҳий, иқтисодий зўравонлик, миллий қонунчилик, халқаро тажриба.

[1] https://uz.wikipedia.org/wiki/Kross-kurs

Аннотация: Данная статья посвящена понятию семейного (домашнего) насилия, проблемам международного уровня насилия, пробелам нашего национального законодательства, их анализу, а также предложениям и рекомендациям по преодолению этих проблем.

Ключевые слова: жена (муж), бывшая жена (бывший муж), сожитель, общий ребенок, умышленное причинение вреда, унижение чести и достоинству, запугивание, изоляция, притеснение, сексуальное, физическое, психическое, экономическое насилие, национальное законодательство, международный опыт.

Annotation: This article is devoted to the concept of family (domestic) violence, problems of the international level of violence, gaps in our national legislation, their analysis, as well as proposals and recommendations for overcoming these problems.

Key words: wife (husband), ex-wife (ex-husband), cohabitant, common child, intentional harm, humiliation of honor and dignity, intimidation, isolation, harassment, sexual, physical, mental, economic violence, national legislation, international experience.

Оиладаги зўравонлик – бу ижтимоий жараён бўлиб, ҳар тўртинчи оилада у ёки бу кўринишда намоён бўлади. Болалар, аёллар, қариялар, ногиронлар эса мазкур жиноятдан энг кўп азият чекадиган тоифадир. Тадқиқотларга кўра, оиладаги зўравонликка учраган аёлларнинг 60-70 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмайди.

Миллатимиз болажон халқ, оилам, фарзандим деб тинмай меҳнат қилади. Айниқса ўзбек аёли фарзанд ва оиласининг фаровонлиги учун ҳар қандай қийинчилигу, азоб-уқубатларни енгиб ўтишга тайёр.

Аммо андишанинг отини қўрқоқ қўйиб, оилада аёлларга, оиланинг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламига нисбатан зўравонлик қилиш жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Хўш оилавий (маиший) зўравонлик ўзи нима? Оилавий зўравонлик деганда – инсонга нисбатан унинг яқин одами томонидан тажовузкор муносабатда бўлиш, куч ишлатиш тушунилади. Одатда бундай тажовузкорлик жисмонан (калтаклаш), жинсий, руҳий босим (қўрқитиш, ҳақорат қилиш, назарга олмаслик) ёки иқтисодий (топилган пул, моддий манбаларни назорат қилиш ва улар орқали босим ўтказиш) йўли билан амалга оширилади.

Оддий қилиб айтганда, оилавий зўравонлик бу - оиладаги муносабатларнинг бузилишига қарамай, бир шахснинг оиланинг иккинчи шахсига қарам бўлганлиги оқибатида унинг босим ва зўравонликларга чидаб келишидир.

“Оила аъзолари” тушунчаси кенг тушунча бўлиб, унинг таркибига нафақат қондош ёки қонуний қариндошлар, балки бирга яшовчилар (жинсий шериклар, ўгай ота, ўгай она ва бошқаларни) ҳам киритиш мумкин.

Биз юқорида оилавий зўравонлик юзасидан оддий тушунчаларни бериб ўтдик, лекин қонун нуқтаи-назаридан оилавий зўравонлик деганда нимани тушуниш керак?

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 02 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида

зўравонликнинг жинсий, жисмоний, руҳий ва иқтисодий турларига таъриф берилган[1].

Мамлакатимизда оиладаги (маиший) зўравонликларни олдини олиш борасида кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Миллий қонунчилигимиздаги мавжуд бўшлиқлар тўлдирилиб, зарур чоралар кўрилмоқда.

Дарҳақиқат, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни[2], “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[3] Президент қарори ушбу йўналишдаги тадбирларда муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 69-мақсади айнан оилани, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга бағишлангани, бунда жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас[4].

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни том маънода оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини олдини олишда туб бурилиш ясади, десак адашмаган бўламиз.

Ушбу қонуннинг қабул қилинишига сабаб бўлган статистик маълумотлар мурожаат қиладиган бўлсак, 2022 йил давомида тазйиқ ва зўравонликдан жабрлангани учун 38 мингга яқин хотин-қизга ҳимоя ордерлари берилган. Уларнинг 21,5 мингдан ортиғи руҳий зўравонлик, 9 минг 804 таси жисмоний зўравонлик, 378 таси иқтисодий зўравонлик, 42 таси жинсий зўравонлик ҳамда 7 мингдан ортиғи тазйиқ ҳолатларига учраган.

Мазкур қонун имзолангунга қадар, 16 ёшга тўлмаган шахс билан унинг розилиги асосида жинсий алоқада бўлган шахс (айбланувчи) жабрланувчининг ёшини билмаганлигини баҳона қилиб енгилроқ модда билан жавобгарликка тортилар эди.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни (lex.uz)

[2] ЎРҚ-562-сон 02.09.2019. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида (lex.uz)

[3] ПҚ-5020-сон 05.03.2021. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz)

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-60-сон 28.01.2022 йил “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” (lex.uz)

Ушбу қонун билан бундай тоифадаги айбланувчиларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши муқаррарлиги таъминланди ва айбланувчи жабрланувчининг ёшини билган-билмаганлигидан қатъий назар Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноий жазога тортилиши белгиланди.

Ушбу қонун билан жинсий турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси бир поғона орттирилиб, илгари унча оғир бўлмаган турдаги жиноятлар оғир жиноятлар турига, оғир жиноятлар эса ўта оғир жиноятлар турига киритилди.

Ўз навбатида Жиноят кодексининг 58-моддасига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилиб, болаларнинг жинсий эркинлигига қарши содир этилган жиноятлар тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятларга тенглаштирилди.

Бундай жиноятларни содир этган шахсларга муддатидан олдин шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш тариқасидаги либерал жазолар қўлланилмаслиги қатъий норма билан белгилаб қўйилди.

Ушбу қонун билан, содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган янги нормалар, яъни шаҳвоний шилқимлик қилиш ҳамда оилавий (маиший) зўравонлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга алоҳида модда билан киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, оилавий зўравонлик жиноятларига барҳам бериш мақсадида, шунингдек халқаро-ҳуқуқий нормаларда берилган тавсиялардан келиб чиқиб, оилавий (маиший) зўравонлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

Оилавий зўравонлик жиноятларидан жабрланаётганлар юзасидан билдирилган фикрлар айнан бир жинс яъни хотин-қизларга қаратилгани бежиз эмас. Тўғри оилавий зўравонликдан эркак ҳам жабр кўриши мумкин, лекин таҳлилларга кўра мамлакатимизда оилавий зўравонликдан асосан аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар, қариялар кўпроқ жабрланмоқдалар.

Яна статистик маълумотларга эътибор қаратсак. Жинсий шериклари томонидан жинсий ёки жисмоний зўрланишга дучор бўлган (15-49 ёшдаги) аёллар сони 2021 йилда 11 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилда 28 тани ташкил этган[1].

Суд органлари томонидан аёлларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқ ўтказиш билан боғлиқ кўрилган жиноят ишлари 2023 йилда 2638 тани ташкил этиб, жиноят ишлари доирасида 3082 нафар аёл жабрланувчи деб топилган[2].

16 ёшга тўлмаган бола билан жинсий муносабатга киришишда айбдор деб топилган шахслар сони 2019 йилда 99 тани, 2020 йилда 153 тани, 2021 йилда 216 тани, 2022 йилда 238 тани ташкил этган.

[1] http://stat.uz
[2] https://stat.sud.uz

14 ёшга тўлмаган вояга етмаган билан зўрлик ишлатиб, жинсий алоқа қилиш туридаги жиноятлар сони 2019 йилда 52 тани, 2020 йилда 35 тани, 2021 йилда 57 тани, 2022 йилда эса 73 тани ташкил этган.

Оиладаги зўравонликнинг асосий мақсади, шахсни қўрқитиш орқали жабрланувчи устидан мутлақ ҳукмронлик ўрнатишдир. Айрим ота-оналар шу йўл орқали ҳурмат қозонишга ҳаракат қилса, баъзи эр-хотин ёки шерикликда яшаётган шахслар содиқлик ва вафодорликни сақлаб қолмоқчи бўладилар.

Оғзаки жанжал, ҳақорат қилиш, калтаклаш, туҳмат, мол-мулкка қасддан шикаст етказиш ва бошқа ҳолатлар зўравонликнинг оилалардаги энг кўп тарқалган турларидан бири бўлиб, зўравон жабрланувчи шахсини таҳқирлаш орқали вазиятни шахсан назорат қилишга интилади.

Таъкидлаб ўтиш лозим оғзаки жанжал ва ҳақоратлар ортидан шахсга тан-жароҳати етказиш каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар содир этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104, 105, 110-моддалари 1-қисми, 109-моддаси 2-қисми ҳавола этувчи характерга эга бўлиб, ушбу Кодекснинг 126[1]-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаган тақдирда шахсни юқоридаги моддаларнинг тегишли қисми билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин.

Яъни Жиноят кодексининг 104, 105, 110-моддалари 1-қисми ҳамда 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятлар шахс шундай ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг ҳамда оилавий зўравонлик оқибатида келиб чиққан бўлса, шахс Жиноят кодексининг 126[1]-моддасининг тегишли қисми билан жавобгарликка тортилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг МЖтК 59[2]-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахс базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима ёки ўн суткагача муддатга маъмурий қамоқ, шунингдек 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахс базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосига тортилиши мумкин[1].

Шахсга етказилган тан-жароҳатлари бўйича маъмурий ишлар Ички ишлар органлари томонидан расмийлаштирилиб, судга юборилади. Судда ҳар иккала томон иштирок этиши шарт, бироқ гумонланувчи суд томонидан айбдор деб топилган тақдирда суд айбланувчига жарима ёки маъмурий қамоқ жазосини қўллаши мумкин.

Лекин масаланинг муҳим жиҳати шундаки, бу тоифадаги маъмурий ишларни кўриб чиқишда жабрланувчига етказилган зарарни ундириш масаласи очиқ қолдирилади ва келгусида жабрланувчи ўзига етказилган зарарни ундириш учун фуқаролик тартибида судга даъво аризаси билан мурожаат қилишига тўғри келади.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (lex.uz)

Назарий томондан эса ҳуқуқбузар ва жабрланувчи суд муҳокамаси жараёнида ярашиб олишлари мумкин. Кўп ҳолларда оилавий зўравонлик бўйича судга юборилган маъмурий ишларни кўриб чиқиш жараёнида, жабрланувчи аризасини чақириб олиш ҳақида судга мурожаат билан чиқади.

Агар, муқаддам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59^2-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган айбдор шахс, худди шундай ҳуқуқбузарликни такроран содир этса унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 126^1-моддаси 1 ёки 2-қисмлари билан квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги "Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 6-сон Қарори 3-бандига асосан, Жиноят кодекси 104—110-моддалари бўйича жавобгарлик айбдорда мазкур моддалар диспозициясида кўрсатилган шикастни бошқа бир одамга ҳуқуққа хилоф равишда етказишга нисбатан қасд (тўғри ёки эгри) мавжуд бўлгандагина келиб чиқади[1].

Агар айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли эканлигини англаса, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламасада, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 8-моддасида (оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши) қонунчиликда оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади деб, кўрсатиб ўтилган[2].

Мазкур кодекснинг 57-моддасида берилган таърифга кўра, бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Оила кодексининг 8-моддасида берилган таърифдан келиб чиқиб, оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши нуқтаи-назаридан қариндошларнинг ўрни ҳам борлигини тушуниш мумкин.

Юқоридагиларга асосан оиладаги зўравонлик жиноятларига бевосита қариндошлар ҳам алоқадор бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар вужудга келади. Содда қилиб айтганда (миллий менталитетимиз нуқтаи-назаридан) бир рўзғорда яшамайдиган қариндошлар - амаки ёки тоға, опа ёки сингил, ака ёки ука, бобо ёки буви ҳам оила ишларига аралашиши, оилавий (маиший) зўравонликка йўл қўйиши мумкин.

Демак, Жиноят кодексининг 126^1-моддаси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59^2-моддаси диспозициясида белгиланган хотин ёки

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги "Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 6-сон Қарори.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (lex.uz)

эр, собиқ хотин ёки собиқ эр тушунчаларини кенгайтириш, ушбу моддалар диспозициясининг жавобгарлик доирасига тўғри шажарадаги иккинчи даражадаги ҳамда ён шажара бўйича “қариндошлар” тоифасини ҳам киритиш назаримизда мақсадга мувофиқ бўлади.

Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятлари, хусусан хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган зўравонлик халқаро ташкилотларнинг ҳам диққат марказида турибди.

Бирлашган миллатлар ташкилоти ўз фаолиятини бошлаши биланоқ аёллар муаммоларига жиддий эътибор қаратди. БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашини ташкил этиш билан бир вақтда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ҳамда аёллар масалалари бўйича Комиссиянинг тузилиши юқоридаги фикрларимизнинг яққол далилидир.

Кейинчалик аёлларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш, уни бартараф этиш масаласи мазкур халқаро ташкилотнинг доимий эътиборида бўлиб келди[1].

2020 йилнинг март ойида аёллар масалалари бўйича Комиссия фаолиятига бағишланган сессияда, БМТ Бош котибининг ахбороти эълон қилиниб, унда “хотин-қизларга нисбатан зўравонлик кенг тарқалган ходиса сифатида давом этиб келаётганлиги” таъкидлаб ўтилган[2].

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларда, дунёда ҳар учинчи аёл яъни, аёлларнинг 35 фоизи бутун умри давомида жисмоний ёки жинсий зўравонликка учрайди, 30 фоиз аёллар ўз ҳаёти давомида бирга яшовчи шахслар томонидан жисмоний ёки жинсий зўравонликнинг у ёки бу кўринишига дучор бўлганликларини маълум қилганлар, шунингдек аёлларга нисбатан содир этилган қотиллик жиноятларининг 38 фоизи уларнинг яқин шериклари яъни эркаклар томонидан содир этилган[3].

Фақат 2017 йилнинг ўзида оиланинг бошқа аъзоси ёки яқин шериклари томонидан ҳар куни 137 нафар аёл ўлдирилган[4]. Шунингдек, дунёда бир миллиардга яқин аёл бирга яшовчи шериги ёки оила аъзоси томонидан содир этилган жинсий зўравонликдан, 1,4 миллиард аёл иқтисодий зўравонликдан ҳимояланмаган. 359 миллион аёл иш фаолияти давомида, 1,5 миллиард аёл

---

[1] Пекинская декларация и Платформа действий // Официальный сайт ООН. Режим доступа: http://www.un.org/womenwatch/daw/beijing/pdf/BDPfA%20R.pdf.

[2] Обзор и оценка хода осуществления Пекинской декларации и Платформы действий и итоговых документов двадцать третьей специальной сессии Генеральной Ассамблеи ООН. С.5 // Официальный сайт ООН. Режим доступа: https://undocs.org/ru/E/CN.6/2020/3.

[3] Глобальные и региональные оценки насилия в отношении женщин: распространенность и последствия для здоровья в связи с насилием со стороны интимного партнера и сексуального насилия со стороны лица, не являющегося партнером. С.1 // Официальный сайт ВОЗ. Режим доступа: https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/85241/WHO_RHR_HRP_13.06_rus.pdf;jsessionid=DE51EEEA3B 60EC623550B39B68AE03D2?sequence=5.

[4] Обзор и оценка хода осуществления Пекинской декларации и Платформы действий и итоговых документов двадцать третьей специальной сессии Генеральной Ассамблеи ООН. С.64 // Официальный сайт ООН. Режим доступа: https://undocs.org/ru/E/CN.6/2020/3 (дата обращения: 26.02.2024).

ўқиш ва таълим жараёнида ҳамда 2,2 миллиард аёл жамоат жойларида жинсий шилқимликларга, тазйиқларга дучор бўлади[1].

Бутунжаҳон Банки маълумотларига кўра, бугунги кунга келиб дунёнинг 155 та давлатида оилавий зўравонликка қарши қонунлар қабул қилинган[2].

2014-2018 йиллар давомида оилавий зўравонликни таъқиб қилувчи қонун қабул қилган давлатлар 70,9 фоиздан 75,9 фоизга, жинсий таъқибга қарши қонун қабул қилган давлатлар сони 83,7 фоиздан 86,5 фоизга ошган[3].

Шу билан бирга, БМТга аъзо давлатларнинг ярмидан кўпида иқтисодий зўравонликдан ҳимоя қилиш масалалалари тартибга солинмаган. Оилавий зўравонлик қонун нормалари билан таъқибга олинган давлатларнинг учдан икки қисмида, расман никоҳда бўлмаган жинсий шерикларга нисбатан жавобгарлик назарда тутилмаган. Дунёнинг бор-йўғи 30 фоиздан ортиқ давлатларида жинсий зўравонлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган холос[4].

Оилавий зўравонлик жиноятларини олдини олиш масалалари Европа Кенгаши тизимида Истанбул конвенцияси номи билан танилган махсус ҳудудий Конвенция асосида батафсил ишлаб чиқилган. Конвенция 2011 йил 7 апрелда қабул қилинган бўлиб, 2014 йилнинг 1 августидан кучга кирган[5].

Мазкур Конвенция бир қатор хатти-ҳаракатларни жиноят сифатида баҳолаб, иштирокчи давлатлардан ушбу жиноятларни ўз қонунчилигига имплементация қилишни талаб қилади.

Ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда таҳлиллар асосида билдирилган фикрлар масаланинг нақадар муҳимлигини кўрсатиши нуқтаи-назаридан мамлакатимизда оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларига жиддий эътибор қаратишни, бундай жиноятларни доимий мониторинг қилиб боришни тақозо этади.

Бунда оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланиш виктимлиги юқори бўлган шахсларни давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олиш, уларнинг моддий қарамлигини камайтириш мақсадида жамғармалар ташкил этиш,

---

[1] Ending violence against women and girls, Global and regional trends in women's legal protection against domestic violence and sexual harassment. Official website of the World Bank. P.11. Mode of access: http://pubdocs.worldbank.org/en/679221517425064052/EndingViolenceAgainstWomenandGirls-GBVLawsFeb2018.

[2] Women, Business and the Law 2020. Official website of the World Bank. P.15. Mode of access: https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32639/9781464815324.pdf (accessed 10.10.2021).

[3] Ending violence against women and girls, Global and regional trends in women's legal protection against domestic violence and sexual harassment. P.2. Official website of the World Bank. Mode of access: http://pubdocs.worldbank.org/en/679221517425064052/EndingViolenceAgainstWomenandGirls-GBVLawsFeb2018.pdf (accessed 26.02.2024)

[4] Ending violence against women and girls, Global and regional trends in women's legal protection against domestic violence and sexual harassment. P.2. Official website of the World Bank. Mode of access: http://pubdocs.worldbank.org/en/679221517425064052/EndingViolenceAgainstWomenandGirls-GBVLawsFeb2018.pdf (accessed 26.02.2024).

[5] Конвенция Совета Европы по предотвращению и борьбе с насилием в отношении женщин и домашним насилием (CETS N 210) (заключена в г. Стамбуле 11 мая 2011 года) // Официальный сайт Совета Европы. Режим доступа: https://rm.coe.int/168046253f (дата обращения: 28.02.2024)

ушбу тоифани ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 59^2-моддаси ҳамда Жиноят кодексининг 126^1-моддалари диспозициясидаги жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Зеро, оила жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, ундаги муаммолар бевосита жамоатчилик иштирокида мунтазам ҳал этиб борилмаса, бу турдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар сифатли ташкиллаштирилмаса, келгусида бундай назоратсизлик миллат генофондига, миллий қадриятларимизга асосланган оила институтига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

ANVAROV MUSLIMBEK AKMAL O'G'LI
O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

KO'RSATUVLARNI HODISA SODIR BO'LGAN JOYDA TEKSHIRISH TERGOV HARAKATINI VIDEOYOZUV ORQALI O'TKAZISHNING O'ZIGA XOS HUSUSIYATLARI

Annotatsiya: Huquqni muhofaza qiluvchi organlarning amalga oshirayotgan jinoyatchilikka qarshi kurash, jinoyatlarni aniqlash, tez-to'la va samarali ochishda tergov sohaviy xizmatlariga ko'rsatuvlarni hodisa sodir bo'lgan joyda tekshirish tergov harakatini videoyozuv orqali o'tkazishning o'ziga xos hususiyatlarining muhim jihatlariga to'xtalib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Ko'rsatuvlarni hodisa sodir bo'lgan joyda tekshirish tergov harakati, jinoyat, videoyozuv vositalari, metall detektorlar, ultrabinafsha nurlarining ko'chma manbalari, dalillar maqbulligi, isbotlash jarayoni.

Аннотация: В борьбе с преступностью, осуществляемой правоохранительными органами, в раскрытии преступлений, в быстром и эффективном открытии следственных служб проверка указаний на месте происшествия насыщена важными аспектами особенностей проведения. Проведено расследование посредством видеозаписи.

Ключевые слова: Исследование доказательств на месте происшествия, преступление, видеофиксирующая техника, металлодетекторы, портативные источники ультрафиолетовых лучей, допустимость доказательств, доказывающий процесс.

Abstract. In the fight against crime carried out by law enforcement agencies, in the detection of crimes, in the rapid and efficient opening of investigative services, the verification of the instructions at the scene of the incident is full of important aspects of the specific features of conducting the investigation by video recording, has been passed.

Key words: Investigation of evidence at the scene of the incident, crime, video recording equipment, metal detectors, portable sources of ultraviolet rays, admissibility of evidence, evidentiary process.

Bugungi kunda ijtimoiy hayotning barcha sohalarida amaldagi qonun hujjatlarining samarasini yanada oshirishga katta e'tibor berilmoqda. Yurtimizda sud-huquq tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar zamirida dastlabki tergovda

fan-texnika vositalaridan o’z vaqtida va to’g’ri foydalanish tergovchi faoliyatini takomillashtirish hamda samaradorligini oshirishning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Huquqni muhofaza qiluvchi organlarning amalga oshirayotgan jinoyatchilikka qarshi kurash, jinoyatlarni aniqlash, tez-to’la va samarali ochishda tergov sohaviy xizmatlarida kriminalistik vositalarning, shuningdek, ilg’or tajriba yutuqlarining keng qo’llanilishiga erishish zarurligi ta’kidlanadi.

Ma’lumki, ko’rsatuvlarni hodisa sodir bo’lgan joyda tekshirish tergov harakati sud-huquq amaliyotida keng qo’llaniladigan tergov harakatlaridan biri bo’lib, ushbu tergov harakatini isbotlash jarayonida qo’llash orqali dalillar to’plash ancha samarali natija beradi, tergov amaliyotida mazkur tergov harakati qasddan odam o’ldirish, bosqinchilik, talonchilik, o’g’rilik va shu kabi bir qator jinoyatlar bo’yicha ish yuritish davomida keng qo’llaniladi.

Tergovchi tomonidan ko’rsatuvlarni hodisa sodir bo’lgan joyda tekshirish tergov harakatini to’g’ri rasmiylashtirilishining muhimligi shundaki, jinoyat protsessual kodeksi talablari buzilgan holda olingan dalil JPKning 95[1]-moddasiga ko’ra, dalillarning maqbul emasligiga sabab bo’ladi. O’zbekiston Respublikasi JPKning 91-moddasi 3-qism 3-bandida ko’rsatuvlarni hodisa sodir bo’lgan joyda tekshirish tergov harakatini videoyozuv orqali o’tkazishning shartligi belgilab qo’yilgan. Ammo ushbu tergov harakatini o’tkazishda ba’zi kamchiliklarga ham yo’l qo’yilmoqda. Bularga ko’rsatuvlarni hodisa sodir bo’lgan joyda tekshirishning o’z vaqtida o’tkazilmasligi, bu esa ish uchun ahamiyatli bo’lgan ma’lumotlarning yo’qolishiga yoki foydalanish uchun yaroqsiz bo’lib qolishiga olib keladi. Natijada o’tkazilgan ko’rsatuvlarni hodisa sodir bo’lgan joyda tekshirish samaradorligi pasayib ketadi[1]. Jinoyat ishlarini tergov qilish jarayonida ko’rsatuvlar olingandan so’ng, ularni hodisa sodir bo’lgan joyda tekshirish ishni yuritayotgan tergovchilar tomonidan ba`zan nomiga olingan ko’rsatuvlarni qanchalik haqiqatga mosligini tekshirish maqsadidagina o’tkaziladi. Bu esa ko’rsatuvlarni hodisa sodir bo’lgan joyda tekshirish tergov harakati orqali erishish mumkin bo’lgan natijalarni sub`ektiv ravishda pasaytiradi.

Ko’rsatuvlarni hodisa sodir bo’lgan joyda tekshirishning o’ziga xos hususiyatlariga va undan kutilayotgan natijalarga qarab, tergovchi zarur ilmiy-texnik vositalarni oldindan tanlaydi, ularning holati va ishga tayyorgarligini tekshiradi (masalan, video-jihozlar, lenta, o’lchash asboblari, kompas, izlar bilan ishlash vositalari va boshqalar). Zarur bo’lganda, metall detektorlar, ultrabinafsha nurlarining ko’chma manbalari, jasadlarni aniqlash moslamasi to’siqlarni va harakatlarni yengib o’tish uchun turli hil yordamchi qurilmalar, joyida topilgan narsalarni qadoqlash va tashish uchun materiallarni belgilaydi.

Ko’rsatuvlarni hodisa sodir bo’lgan joyda tekshirish va aniqlashtirishni qayd etish fototasvirga tushirish, videoga olish, ovoz yozish uskunalarini ishlatish, reja va sxemalarni tuzishdan iborat. Videoyozuv ko’rsatuvlari tekshirilayotgan shaxsning qaysi yo’nalishda, qaysi yo’llar orqali hodisa joyiga borganligi, qanday harakatlarni amalga oshirganligi, hodisa joyidagi va aniqlangan ob`ektlarning holatini tasavvur

[1] Sharafutdinov A.O. “Dastlabki tergov faoliyatining strategik yonalishlari”. Ҳуқуқ-Право-Law,2005.

etishda yordam beradi. Videoyozuvda ko'rsatuvlari tekshiriladigan shaxsning qayerda bo'lganligidan tashqari, uni tegishli joyga qaratgan qo'li, hamda yo'nalish harakati bo'yicha muayyan oriyentirlarni ko'rsatishi va joyida amalga oshiriladigan harakatlarning tasviri aniq ifoda etilishi kerak.

Tasvirga olish ko'rsatuvlari tekshiriladigan shaxsning yonboshidan yoki orqasidan amalga oshiriladi. Ko'rsatuvlari tekshiriladigan shaxsni oldidan qayd qilish mumkin emas, chunki bu holda ko'rsatuvlari tekshiriladigan shaxsga uning yurishini bevosita o'zimiz ko'rsatib berishga sababchi sifatida xizmat qilamiz, bu esa mumkin emas.

Agar harakat yo'nalishi bo'yicha tushuntirishlar olish, yoki boshqa maqsadlarda to'xtash lozim bo'lsa, videoyozuv to'xtatiladi. To'xtashlarning boshlanish va tugash vaqti qaysi vaqtda va qayerda, qanday sabablarga ko'ra to'xtalganligi videoyozuv va bayonnomada qayd qilib o'tilishi kerak.

Videoyozuv yordamida ko'rsatuvlarni hodisa sodir bo'lgan joyda tekshirishda, bu joy turli tomonlardan (burchaklardan) va masofalardan olinadigan tasvirga ega bo'lishi tavsiya etiladi, chunki bu odam ko'rgan narsani idrok etishga ta`sir qilishi mumkin. Videoyozuv yordamida ko'rsatuvlarni hodisa sodir bo'lgan joyda tekshirishni rejalashtirayotganda, tergovchi tayyorgarlik ko'rishi lozim bo'lgan holatlar:

-videoyozuv uzluksiz bo'ladimi yoki uni to'xtatib turish kerakmi va qaysi daqiqalarda to'xtatiladi;

-tergovchining videokamerani yoqish va o'chirishdagi nutqi (tergov harakatining boshida va ohirida, shuningdek videoyozuv to'xtatilganda oraliq nutqlarda);

-ko'rsatuvi tekshirilayotgan shaxsning, mutaxassisning, holislarning va tergov harakatining boshqa ishtirokchilarining nisbiy pozitsiyasi: kamida ikki nafar holislar videoyozuvga ko'rinishi va ko'rsatuvi tekshirilayotgan shaxs oldida bo'lishi lozim.

Ko'rsatuvlarni hodisa sodir bo'lgan joyda tekshirishning videoyozuvi gumon qilinuvchining (ayblanuvchi, guvoh, jabrlanuvchi) barcha harakatlari va ko'rsatmalarini, shuningdek, uning psixologik holatini (bu muhim) qayd etish imkonini beradi. Bundan tashqari, videoyozuv paytida ushbu tergov harakatining majburiy ishtirokchilari (xolislar, himoyachi) mavjudligini vizual tarzda ko'rsatish mumkin. Shu tarzda videoyozuvdan foydalanish uning daliliy qiymatini oshiradi[1].

Tergovchi yoki mutaxassis tergovchining ko'rsatmasi bo'yicha olingan fotosuratlardan fotosuratlar jadvalini tuzadi, bu erda fotosuratlar xronologik tartibda joylashtirilishi kerak. Fotosuratlar ostiga ketma-ket raqamlar qo'yiladi va tushuntirish yozuvlari kiritiladi.

Agar fotosuratlarda qayd etilgan harakatlar o'rtasida sezilarli vaqt o'tgan bo'lsa, tushuntirish yozuvlarida ushbu harakatlarning vaqtini ko'rsatish tavsiya etiladi. Tushuntirish yozuvlarida guvohlikni tekshirish sanasi har qanday holatda

[1] Mirazov D.M. "Jinoyat sodir etilgan sharoitni tiklash-jinoyat ishi bo'yicha dalillarning muhim manbai. Тошкент, 1997

ham ko’rsatilishi kerak. Agar fotosuratlar avtomatik ravishda suratga olish sanasi va vaqtini yozib qo’ysa, ular tushuntirish yozuvlarida aks ettirilmasligi kerak.

Agar ko’rsatuvlarni hodisa sodir bo’lgan joyda tekshirishda videoyozuvdan foydalanishining iloji bo’lmasa, guvohlikni joyida tekshirishning eng to’liq rasmini bir vaqtning o’zida suratga olish, audio yozish va diagrammalarni tuzish yordamida olish mumkin. Audioyozuv va fotografiya, audioyozuv va diagramma, fotosurat va diagrammaning kombinatsiyasi ham yaxshi ishlaydi. Shuni ta’kidlash kerakki, tergov harakatining borishi va natijalarini qayd etishning qo’shimcha vositalarining bunday kombinatsiyasi yaxshi natijalarga olib kelsa ham, mashaqqatli va ancha vaqt talab etadi[1].

ASATOV SARDOR UMIRTOSH O’G’LI
O’zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

BOJXONA TO’G’RISIDAGI QONUNCHILIKNI BUZISH JINOYATLARI BO’YICHA TERGOVGA QADAR TEKSHIRUV O’TKAZISHNING AHAMIYATI

Annotatsiya: Iqtisodiyot asoslariga qarshi jinoyatlar turkumiga kiruvchi bojxona to’g’risidagi qonunchilikni buzish jinoyatlari mamlakatimiz iqtisodiy xavfsizligiga jiddiy zarar yetkazib, ko’plab salbiy oqibatlarga olib kelmoqda. Ushbu maqolada bojxona to’g’risidagi qonunchilikni buzish jinoyatlarini fosh etish hamda tergov harakatlarini o’tkazishda tergovga qadar tekshiruv harakatlarining muhim jihatlariga to’xtalib o’tilgan.

Kalit so’zlar: Bojxona to’g’risidagi qonunchilikni buzish, tergov harakatlari, jinoyat, iqtisodiyot, bojxona chegarasi, tergovga qadar tekshiruv, tovarlar va transport vositalari.

Аннотация: Нарушение таможенного законодательства, относящееся к категории преступлений против основ экономики, наносит серьезный вред экономической безопасности нашей страны и имеет множество негативных последствий. В данной статье рассмотрены важные аспекты доследственного проверки и расследования таможенных нарушений.

Ключевые слова: Нарушение таможенного законодательства, следственные действия, преступность, экономика, таможенная граница, доследственная проверка, товары и транспортные средства.

Abstract: The violation of the customs legislation regarding crimes against the fundamentals of the economy, is causing serious harm to economic security of our country and leading to numerous negative consequences. This article focuses on the crucial aspects of pre-investigation and investigation of crimes of violations of customs legislation

Key words: Violation of customs legislation, investigations, crime, economy, customs border, pre-investigation check, goods and vehicles

So’nggi yillarda bojxona sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida tashqi iqtisodiy faoliyat ishtirokchilari, tadbirkorlik va kichik biznes subyektlari uchun bir qator qulayliklar yaratildi. Soha faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilik bazasi yildan-yilga takomillashtirilmoqda. Bu esa o’z navbatida, mamlakatimiz

[1] Александров С. А. Содержание системы развития уголовно-правовых гарантий.-Горький,1974.

eksport va import hajmining o'sishiga hamda tashqi savdo operatsiyalarining rivojlanishiga hissa qo'shmoqda. Statistik ma'lumotlarga e'tibor beradigan bo'lsak, o'tgan 2023-yil davomida bojxona chegaralari orqali harakatlangan fuqarolar soni 37 mln. nafarni tashkil etib, jami bojxona nazorati obyektlari bir yilning o'zida 14 mln.taga ko'payganligini va shu bilan birga, 21 mingdan ortiq bojxona qonunbuzilish holatlari aniqlanib, qariyb 1 trln. so'mlik tovarlarning noqonuniy aylanuviga chek qo'yilganligini ko'rishimiz mumkin.

Ma'lumki, tovarlar va transport vositalarini belgilangan tartibni buzgan holda bojxona chegarasidan har qanday tarzda o'tkazish qonunga xilof hisoblanadi va ma'muriy yoki jinoiy javobgarlikni keltirib chiqaradi[1]. Bojxona to'g'risidagi qonunchilikni buzish jinoyatlari soni yildan-yilga oshib borayotganligi, ushbu jinoyatlarni sodir etilish usullarining xilma-xilligi hamda ushbu qilmish natijasida jamiyat va davlatning iqtisodiy xavfsizligiga jiddiy zarar yetkazilishi kabi omillar ushbu turdagi jinoyatlar bo'yicha tergovga qadar tekshiruv va tergov harakatlarini o'tkazishda alohida yondashuvni talab qiladi.

O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksining 320[2]-moddasiga ko'ra jinoyat haqidagi arizalar, xabarlar va boshqa ma'lumotlar tergovga qadar tekshiruv o'tkazish uchun asos bo'lib hisoblanadi va ularni tekshirish, ko'rib chiqish natijasi yuzasidan qaror qabul qilishga doir tadbirlarni, ish uchun ahamiyatli bo'lishi mumkin bo'lgan jinoyat izlari, narsalar va hujjatlarni mustahkamlash va saqlashga doir choralarni o'z ichiga oladi.

A.S.Lizunov fikricha, "tergovga qadar tekshiruv – vakolatli davlat organlari va mansabdor shaxslarining jinoyat-protsessual qonunchiligi bilan tartibga solinadigan faoliyati bo'lib, uning davomida huquqni muhofaza qiluvchi organlarga kelib tushgan sodir etilgan yoki tayyorgarlik ko'rilayotgan jinoyat to'g'risidagi xabar tekshiriladi, sodir etilgan qilmishning malakasi aniqlanadi, jinoyat sodir etgan shaxslarni aniqlash bo'yicha shoshilinch choralar ko'riladi"[2].

D.M.Mirazov esa "tergovga qadar tekshiruv jinoyat protsessining birlamchi bosqichi bo'lib, unda jinoyatlar to'g'risidagi ariza xabar va boshqa ma'lumotlar tekshirilishi va jinoyat ishini qo'zg'atish yoki qo'zg'atmaslik masalasi hal etiladi" deb ta'kidlagan[3].

Jinoyatlar haqidagi ariza va xabarlar deb tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organlariga kelib tushgan, O'zbekiston Respublikasining jinoyat-protsessual qonunchiligida o'rnatilgan protsessual qoidalarga binoan ko'rib chiqilishi talab etiladigan ma'lumotlarga aytiladi[4].

Ko'rib chiqilayotgan bojxona to'g'risidagi qonunchilikni buzish jinoyatlari haqidagi ariza va xabarlarning o'ziga xos xususiyatlaridan biri shundaki, ushbu

---

[1] O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2023-yil 20-fevraldagi "Bojxona to'g'risidagi qonunchilikni buzish va kontrabandaga oid ishlar bo'yicha sud amaliyoti haqida" gi 2-sonli Qarori.

[2] Лизунов А.С Доследственная проверка как часть досудного производства : Автореферат диссертации кан. юр. наук.

[3] Mirazov D.M Tergovga qadar tekshiruv o'tkazish asoslari, tartibi va xususiyatlari. O'quv qo'llanma. Toshkent IIV Akademiyasi, 2016

[4] Rashidov B.N. Tergovga qadar tekshiruv: Ma'ruzalar kursi / Ma'sul muharrir yuridik fanlar doktori, professor M.A.Rajabova. Toshkent IIV Akademiyasi, 2018.

turdagi ariza va xabarlarda yaqqol jinoyat izlariga oid ma’lumotlar aks etmaydi, balki bunday xabarlarda jinoyat alomatlari bor yoki yo’qligini aniqlash maqsadida tergovga qadar tekshiruv o’tkaziladi. Aynan tergovga qadar tekshiruv bosqichida ko’plab protsessual harakatlar amalga oshiriladi. Bojxona chegarasi orqali tovarlarni noqonuniy ravishda olib o’tish bilan bog’liq jinoyatlarda tovar va transport vositalarini ko’zdan kechirish va daliliy ashyo sifatida olib qo’yish, holat yuzasidan protses ishtirokchilaridan tushuntirishlar olish, protsessual hujjatlarni rasmiylashtirish, tovarlarning miqdori hamda yaroqliligini aniqlash maqsadida, turli ekspertizalar tayinlash hamda zaruriyat tug’ilgan holatlarda tezkor-qidiruv tadbirlari o’tkazish to’g’risida vakolatli organlarga topshiriqlar berish mumkin. Shu bilan birga, tergovga qadar tekshiruv davomida O’zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksining 329-moddasi 2-qismida ko’rsatib o’tilgan tergov harakatlaridan boshqa tergov harakatlarini o’tkazish taqiqlanadi.

Bojxona chegarasi orqali noqonuniy tarzda olib o’tilayotgan tovarlarning miqdorini aniqlash jinoyatni kvalifikatsiya qilishda muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki O’zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2023-yil 20-fevraldagi “Bojxona to’g’risidagi qonunchilikni buzish va kontrabandaga oid ishlar bo’yicha sud amaliyoti haqida”gi 2-sonli Qarorida “bojxona to’g’risidagi qonunchilikni buzgan deb topish uchun javobgarlik turi bojxona chegarasidan qonunga xilof ravishda o’tkazilayotgan tovar yoki boshqa qimmatliklarning miqdori bilan bog’liq bo’lib, bu miqdor ularning huquqbuzarlik sodir etilgan kundagi qiymatidan kelib chiqqan holda aniqlanadi” deb belgilab qo’yilgan. Shuningdek, tovar yoki boshqa qimmatliklarni qonunga xilof ravishda bojxona chegarasidan ko’p miqdorgacha o’tkazganlik uchun har doim, shaxs aynan shunday huquqbuzarlik uchun bir yil davomida bir necha marta ma’muriy javobgarlikka tortilganligidan qat’i nazar, ma’muriy javobgarlikni keltirib chiqaradi.

Bojxona to’g’risidagi qonunchilikni buzish jinoyatlarini fosh etishda, shuningdek, dalillar to’plashda tovar va boshqa qimmatliklar bo’yicha tayinlangan ekspertizalar muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki aynan ekspertiza xulosalari asosida tovarlarning ushbu jinoyat predmeti bo’lib hisoblanishi yoki hisoblanmasligi, foydalanish uchun yaroqli yoki yaroqli emasligi va boshqa shu kabi tergovga qadar tekshiruv harakatlari davomida aniqlanishi lozim bo’lgan holatlarga oydinlik kiritiladi. Jinoyat kodeksi 246-moddasida keltirilgan Kontrabanda jinoyati faqatgina predmeti bilangina ushbu turdagi jinoyatlardan farq qiladi. Jinoyat kodeksi 182-moddasi dispozitsiyasida ushbu jinoyat predmetlariga batafsil to’xtalib o’tilmagan. Shu sababli, yuqorida keltirilgan Plenum Qarorida jinoyat predmetlariga aniqlik kiritilib, tegishli qonun hujjatlariga havola berib o’tilgan. Ya’ni Bojxona kodeksi 13-moddasida nazarda tutilgan tovarlar va transport vositalari, “Madaniy boyliklarning olib chiqilishi va olib kirilishi to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasi Qonuni 3-moddasining ikkinchi xatboshisida nazarda tutilgan ko’char ashyolar, o’simlik va hayvonot dunyosi obyektlari bojxona to’g’risidagi qonunchilikni buzish jinoyatlarining predmeti hisoblanishi qayd etilgan. Ushbu normativ-huquqiy hujjatlarda esa ushbu predmetlarga batafsil ta’rif berib o’tilgan.

Bojxona to’g’risidagi qonunchilikni buzish jinoyatlari bo’yicha o’tkaziladigan tergovga qadar tekshiruv harakatlari davomida to’plangan dalillarga baho berilib, yakunda jinoyat ishi qo’zg’atilishi yoki jinoyat ishi qo’zg’atish rad qilinishi mumkin. Tergovga qadar tekshiruv harakatlari davomida to’plangan dalillarning qanchalik maqbulligi va ishonchligi mazkur jinoyat ishining dastlabki tergov va sud jarayonlaridagi keyingi taqdirini hal etishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Bundan tashqari, ushbu turdagi jinoyatlar haqida kelib tushgan jinoyat haqidagi ariza va xabarlar bo’yicha tergovga qadar tekshiruv o’tkazilmasdan darhol jinoyat ishi qo’zg’atilib, tergov harakatlarini amalga oshirishga kirishilsa va yakunda jinoyat alomatlari aniqlanmasdan ish tugatilgan holatda juda ko’p vaqtning ortiqcha sarflanishini keltirib chiqaradi. Aniqlangan holat yuzasidan tergovga qadar tekshiruv o’tkazilganda esa Jinoyat-protsessual kodeksi 329-moddasidda belgilangan muddatlarda, ya’ni darhol yoki o’n kunlik muddatda yoki qonuniy asoslar mavjud bo’lganda muddat yana yigirma kungacha uzaytirilishi mumkin. Mazkur holatlarda eng ko’pi bilan o’ttiz kunda jinoyat haqidagi ariza va xabarlar yuzasidan qonuniy qarorlar qabul qilinishi ta’minlanadi va ortiqcha vaqt va sarf xarajatlarning oldi olinishiga erishiladi.

ATANAZAROVA MASTURA
ADXAM QIZI
O’zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

SHAXSGA DOIR MA’LUMOTLARNI HIMOYA QILISHNING HUQUQIY AHAMIYATI

Annotatsiya: Mazkur tezis zamonaviy jamiyatda shaxsga doir ma’lumotlarni himoya qilishning huquqiy ahamiyatiga bag’ishlangan. Shaxsga doir ma’lumotlarning maxfiyligi muammosining dolzarbligi, uni himoya qilish xususiyatlari va shaxsiy hayot daxlsizligiga bo’lgan huquqni ta’minlashga ta’siri ko’rib chiqiladi.

Kalit so’zlar: Shaxsga doir ma’lumotlar, himoya, maxfiylik, shaxsiy hayot daxlsizlik huquqi, raqamlashtirish.

Аннотация: Данный тезис посвящен правовому значению защиты персональных данных в современном обществе. Рассматривается актуальность проблемы конфиденциальности информации о личности, особенности ее защиты и влияние на обеспечение права на неприкосновенность частной жизни.

Ключевые слова: Персональные данные, защита, конфиденциальность, право на неприкосновенность частной жизни, цифровизация.

Annotation: This thesis is devoted to the legal significance of personal data protection in modern society. It considers the relevance of the problem of confidentiality of information about the individual, the peculiarities of its protection and its impact on ensuring the right to privacy.

Keywords: Personal data, protection, confidentiality, right to privacy, digitalization.

Hozirgi kunda jamiyatda shaxslar o’rtasida turli xil elektron xizmatlarning keng tarqalishi oqibatida ijtimoiy munosabatlar ham yangi tus olib rivojlanib bormoqda. Bunday turdagi elektron xizmatlar, bir tomondan, hayotimizni sezilarli darajada

osonlashtiradi, biroq boshqa tomondan esa shaxsiy ma'lumotlarimizni himoya qilish muammosini, ularning tarqalishi xavfi va boshqa noqonuniy xatti-harakatlar natijasida uchinchi shaxslar tomonidan noqonuniy foydalanish xavfini vujudga keltiradi. Shu bilan birga, ko'pincha turli xil sabablarga ko'ra, fuqaro u haqida ma'lumot keng doiradagi odamlarga ma'lum bo'lishini xohlamaydi. Ushbu ma'lumotlarning barchasini himoya qilish uchun shaxsiy ma'lumotlarning maxsus huquqiy rejimi qo'llaniladi. Shaxsga doir ma'lumotlarni himoya qilish bevosita shaxsiy hayot daxlsizligi huquqining davlat tomonidan ta'minlab berilishi bilan chambarchas bog'liqdir. Shaxsiy hayot daxlsizlik huquqining konstitutsiyaviy kafolatlari masalasi hozirgi davr huquqiy maydonidagi eng muhim masalalardan biri hisoblanadi. Shaxsiy hayot daxlsizligi huquqi yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 31-moddasida quyidagicha o'z tasdig'ini topgan "Har bir inson shaxsiy hayotining daxlsizligi, shaxsiy va oilaviy sirga ega bo'lish, o'z sha'ni va qadr-qimmatini himoya qilish huquqiga ega. Har kim yozishmalari, telefon orqali so'zlashuvlari, pochta, elektron va boshqa xabarlari sir saqlanishi huquqiga ega. Ushbu huquqning cheklanishiga faqat qonunga muvofiq va sudning qaroriga asosan yo'l qo'yiladi. Har kim o'z shaxsiga doir ma'lumotlarning himoya qilinishi huquqiga, shuningdek noto'g'ri ma'lumotlarning tuzatilishini, o'zi to'g'risida qonunga xilof yo'l bilan to'plangan yoki huquqiy asoslarga ega bo'lmay qolgan ma'lumotlarning yo'q qilinishini talab qilish huquqiga ega"[1]. Bundan tashqari, 2019-yilda O`zRQ-547-sonli "Shaxsga doir ma'lumotlar to'g'risida" alohida qonun hujjati qabul qilingan bo'lib, ushbu qonunga muvofiq muayyan jismoniy shaxsga taalluqli bo'lgan yoki uni identifikatsiya qilish imkonini beradigan, elektron tarzda, qog'ozda va (yoki) boshqa moddiy jismda qayd etilgan axborotlar shaxsga doir ma'lumotlar ekanligi qayd etilgan. Mazkur qonunga muvofiq, O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Davlat personallashtirish markazi shaxsga doir ma'lumotlar sohasidagi vakolatli davlat organi qilib belgilangan[2]. Shu sababli ushbu qonun hamda mazkur qonun asosida qabul qilingan qonun hujjatlarida nazarda tutilgan qoidalar buzilgan taqdirda Jinoyat kodeksining 141^2-moddasida nazarda tutilgan javobgarlik kelib chiqadi. Shuningdek, bir qator xorijiy davlatlar jinoyat qonunchiligida xususan, Latviya Jinoyat kodeksining 281-moddasida, Turkmaniston Jinoyat kodeksining 146-moddasida, Litva Jinoyat kodeksining 167-moddasida, Qozog'iston Jinoyat kodeksining 147-moddasi 3-qismida, Qirg'iziston Jinoyat kodeksining 186-moddasida, Tojikiston Jinoyat kodeksining 144-moddasida birovning shaxsiy yoki oilaviy siri to'g'risidagi ma'lumotni uning roziligisiz noqonuniy to'plash yoki tarqatish yoki ommaviy axborot vositalarida nutqda, ishda, ommaviy axborot vositalarida yoki internetda, agar bu xatti-harakatlar xudbinlik yoki boshqa shaxsiy manfaatlarni ko'zlab sodir etilgan bo'lsa va bunday

[1] O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023-y., 03/23/837/0241-son. https://lex.uz/docs/-6445145

[2] O'zbekiston Respublikasi "Shaxsga doir ma'lumotlar to'g'risida"gi qonuni. 02.07.2019 yildagi O'RQ-547-son. https://lex.uz/docs/-4396419

ma’lumotlarni tarqatgan bo‘lsa, fuqaroning huquqlari va qonuniy manfaatlariga zarar yetkazganlik uchun jinoiy javobgarlik belgilangan[1].

Shaxsiy hayot daxlsizligi huquqini ta’minlashning eng muhim yo’nalishlaridan biri bu fuqarolarning shaxsga doir ma’lumotlarini himoya qilishdir. Shaxsga doir ma’lumotlarni himoya qilish masalalari so’nggi paytlarda axborot texnologiyalarining rivojlanishi, xususan, fuqaro to’g’risidagi shaxsiy ma’lumotlar va axborot tarqatishning yangi vositalari to’planadigan avtomatlashtirilgan axborot tizimlari bilan bog’liq holda alohida ahamiyat kasb etmoqda, buning natijasida ushbu shaxsiy ma’lumotlarning tarqalishi ancha soddalashtirilgan, shu sababli ham hozirgi raqamli muhitda shaxsga doir ma’lumotlarni himoya qilish masalasiga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Xususan, 2015-yil 1-aprelda Birlashgan Millatlar Tashkilotining Inson huquqlari bo’yicha Kengashi tomonidan qabul qilingan 28/16-sonli “Raqamli asrda shaxsiy hayot daxlsizligi huquqi” rezolyutsiyasida[2] davlat tomonidan ularni yig’ish, raqamli xabarlarni to’plash, eksterritorial xabarlarni kuzatish, metama’lumotlarni yig’ish va boshqalarni amalga oshirishda shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilishga e’tibor qaratildi. E.V.Talapina internetni raqamlashtirish va undan foydalanish bilan bog’liq Iqtisodiy Hamkorlik va Taraqqiyot Tashkilotining hujjatlarini tahlil qilib, shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish ularda shaxsiy hayot daxlsizligi huquqini himoya qilishning “uzviy davomi” sifatida qaralishini ta’kidlaydi[3].

Inson huquqlari bo’yicha Yevropa sudi “Inson huquqlari va asosiy erkinliklarini himoya qilish to’g’risida”gi Konvensiyaning 8-moddasida “shaxsiy hayotni hurmat qilish huquqi” asosida shaxsga doir ma’lumotlarni himoya qilish kafolatlangan deya ta’kidlaydi, hamda sud shaxsni aniqlash uchun ma’lumotlarni to’plash, saqlash va oshkor qilishni shaxsiy hayotni hurmat qilish huquqiga aralashish deb hisoblaydi[4].

Shu o’rinda Google MCHJ va CNIL o’rtasida 2019-yilda bo’lib o’tgan sud ishiga ham to’xtalib o’tsak. Bu ish Google va Fransiya ma’lumotlarni himoya qilish organi (CNIL) o’rtasida Yevropa Ittifoqining ma’lumotlarni himoya qilish bo’yicha umumiy reglamentiga (General Data Protection Regulation) muvofiq “unutish huquqi” (right to be forgotten) tamoyilini qo’llash bo’yicha nizoni ko’rib chiqdi. O’z navbatida mazkur sud ishi shaxslarning shaxsga doir ma’lumotlarini qidiruv tizimining natijalaridan chiqarib tashlash huquqlari va texnologik kompaniyalarning ma’lumotlarni himoya qilish to’g’risidagi qonunlarni amalga oshirish majburiyatlari to’g’risida muhim savollarni yuzaga chiqardi[5].

Shaxsga doir ma’lumotlarni himoya qilish bilan bog’liq asosiy muammolardan biri bu qonuniy tartibga solishning yetarli emasligi va fuqarolarning shaxsga doir

---

[1] A.Anorboyev “Kiberjinoyatlarning jinoiy-huquqiy jihatlari” dissertatsiya. Toshkent-2020. 49-50-betlar.

[2] UN. Human Rights Council (28th sess.: 2015 : Geneva) The right to privacy in the digital age : resolution / adopted by the Human Rights Council https://digitallibrary.un.org/record/795309?v=pdf

[3] Талапина Э.В. Защита персональных данных в цифровую эпоху: российское право в европейском контексте// Труды Института государства и права РАН / Proceedings of the Institute of State and Law of the RAS. 2018. Т. 13. № 5. С. 125.

[4] ECtHR. Leander v. Sweden. Application no. 9258/81. Judgment of 26 March 1987. Series A. No. 116. Para. 48.

[5] Judgment of the Court (Grand Chamber) of 24 September 2019. Google LLC, successor in law to Google Inc. v Commission nationale de l'informatique et des libertés (CNIL). Case C-507/17. https://eur-lex.europa.eu/legal-content/en/TXT/?uri=CELEX:62017CJ0507

ma’lumotlar himoyasi bilan bog’liq huquqlaridan bexabarligidadir. Ushbu muammoni hal qilish uchun shaxsga doir ma’lumotlarning huquqiy maqomini mustahkamlash, samarali himoya mexanizmlarini ishlab chiqish va joriy etish, shuningdek, fuqarolarning o’z huquqlari va majburiyatlari to’g’risida xabardorligini oshirish lozim.

Xulosa qilib aytganda, shaxsga doir ma’lumotlarni himoya qilish raqamli muhitda shaxsiy hayot daxlsizligi huquqini ta’minlashning asosiy jihati hisoblanadi. Shaxsiy hayot daxlsizlik huquqi va shaxsga doir ma’lumotlarni himoya qilish bir-biri bilan chambarchas bog’liqdir, shuningdek, bugungi raqamli muhitda shaxsga doir ma’lumotlarni himoya qilish ushbu huquqni ta’minlashda muhim rol o’ynaydi.

Shaxsga doir ma’lumotlarni himoya qilishda normativ-huquqiy hujjatlar zarur poydevor bo’lsa-da, muammolarni hal qilish uchun fuqarolarning xabardorligini oshirish va texnologik taraqqiyotga moslashish uchun doimiy harakatlar talab etiladi. Jamiyat shaxsga doir ma’lumotlarni himoya qilishga ustuvor ahamiyat berish orqali demokratik tamoyillarni qo‘llab-quvvatlashi, raqamli texnologiyalarga bo‘lgan ishonchni mustahkamlashi va o‘zaro bog‘liqlik kuchayib borayotgan dunyoda shaxsiy hayot daxlsizligi huquqini himoya qilishi mumkin.

БОЗОРОВ АЗАМАТ МУХТОРОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация: Муаллиф мақолада айбсизлик презумпцияси тамойилининг тарихий ривожланиш босқичлари, унинг жиноят процессидаги ўрни, инсон ҳуқуқларининг кафолати сифатидаги аҳамиятини ёритган.

Калит сўзлар: одат ҳуқуқи нормалари, зардуштийлик, Авесто, далил, инсон ҳуқуқлари, гумон қилинувчи, судланувчи, айбланувчи, жиноят процесси, айбсизлик презумпцияси, конституциявий кафолат.

Юртимиз ҳудудида айбсизлик презумпциясига доир кафолатлар тарихи жиноят, ҳамда жазо тизимига боғлиқ милодий VII-VIII асрларда амалда бўлган Одат ҳуқуқи нормаларида[1], кейинчалик Зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авестода[2] ўрин олган.

Араблар истилосидан - чор Россияси босқинига қадар бўлган вақт оралиғида, хонликлар ва амирликларда жиноят ва жазо тизими асосан одат

[1] Исҳакова С.А. “Ҳидоя”нинг мусулмон ҳуқуқи манбаи тизимида тутган ўрни // Ҳуқуқ-Право-Law.- 2003 – № 2. – Б.56.;

[2] Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. –Ўзбекистон, 2006. – Б. 174; Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т., 2013. – Б. 384, 16.;

нормалари, ҳамда шариат нормалари билан тартибга солинган[1].

Ушбу даврда одат ва шариат нормаларининг замирида айбдор шахс ўз айбсизлигини исботлаб бериши шарт бўлган. Агар айбсиз киши ўз айбсизлигини исботлаб бера олмаса у айбдор саналган.

Ислом динида айбни исботлаш масъулияти айбловчи ёки даъвогар зиммасига юкланган. Муқаддас китоб Қуръони каримда асоссиз гумон қаттиқ қораланганлиги тегишли оятда ҳам келтирилган.

Айбсизлик презумпцияси қоида сифатида дастлаб қадимги Рим ҳуқуқига тегишли бўлиб, “Ei incumbit probatio qui dicit, non qui negat”, яъни “далил инкор қилганда эмас, даъво қилгандадир”, деган қоида илгари сурилгани билан машҳур.

Қадимги Рим ҳуқуқида милоддан аввалги III асрда Рим ҳуқуқшуноси Павлос инкор қилувчи эмас бироқ тасдиқловчи исботлаб беришга мажбур деб ҳисоблаган[2].

Қадимги Рим ва XII жадвал қонунлари амалда бўлган мамлакатларда жиноят ишлари бўйича квесторлар ёки коллегиал суднинг чиқарган якуний қарори билан шахснинг айбдор ёки айбсизлиги ҳал қилинган.

Бироқ, тарихий даврда энг қадимги Греция нотиғи, файласуф Демосфен илк маротаба айбсизлик презумпциясига доир қоидаларни мустаҳкамлаган буюк сиймо сифатида тан олинади.

Милоддан аввалги 352 йилда ёзилган нутқида, Демосфен Драконт қонунларини таҳлил қилган. Ўша вақтлардаёқ у қонунда “қотил” сўзи қўлланишини, бироқ бу қонунга кўра, фақат суд ҳукмига кўра жиноят содир этганликда айбдор деб топилган одамгина қотил деб ҳисобланиши кераклигини таъкидлаган. Демосфен ўзининг ушбу фикрлари билан қуйидагиларни баён қилган эди: “Судга тортилган шахс жиноят содир этганликда айблансагина, айблов жиноят белгисига айланади”.

Шуниси эътиборга лойиқки, Демосфен ўшанда одамни жиноятчи сифатида тан олиш учун нафақат айбдорлик исботланиши, балки бундай иқрорлик суд ҳукми билан тасдиқланиши кераклигини ҳам таъкидлаган. Ўша пайтдаёқ Демосфен айбсизлик презумпциясининг замонавий таърифини берган эди[3].

Ўрта асрлар (V-X асрлар) тарихида айбни тасдиқлаш назарияси юқори бўлган. Айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериш шарти асосий шарт ҳисобланган.

Айбсизлик презумпцияси айрим олимларнинг фикрича, Францияда

---

[1] Бакиров Ф. Чор Туркистонида суд, шариат ва одат. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 30.; Ражабова М. Шариатда қозини тайинлаш тартиби // Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол. – Т., 2009. – Б.37-38.;

[2] Б.Юлчиев, Т.Курамбаев Айбсизлик презумпциясининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари “Zamonaviy dunyoda ijtimoiy fanlar: nazariy va amaliy izlanishlar” nomli ilmiy masofaviy onlayn konferensiya to‘plami// https://doi.org/10.5281/zenodo.8077000

[3] Б.Юлчиев, Т.Курамбаев Айбсизлик презумпциясининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари “Zamonaviy dunyoda ijtimoiy fanlar: nazariy va amaliy izlanishlar” nomli ilmiy masofaviy onlayn konferensiya to‘plami// https://doi.org/10.5281/zenodo.8077000

пайдо бўлган бўлиб, Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси 1789 йилларда мустаҳкамланган. Ушбу институтга оид биринчи нормалар Грецияда қўлланила бошланган.[1]

XI-XIV асрларга келиб, ғарбий европа давлатларида айбдор бўлмаган шахс ўз айбсизлигини исботлаб бериши лозим бўлган.

Бироқ, 1215 йилда Англияда қабул қилинган "Буюк озодлик хартия"сида "Ҳеч бир озод одам ҳибсга олинмайди, қамоққа олинмайди, мулкдан маҳрум бўлиши мумкин эмас, қонундан ташқари деб эълон қилиниши ёки сургун қилиниши мумкин эмас ёки биз унга қарши даъво қилмаймиз, унга нисбатан тенгдошларининг (пэрларнинг) қонуний ҳукмидан ва мамлакат қонунчилигидан ташқари".

Жиноят ишлари юритишда айбсизлик презумпциясининг тамойил сифатида алоҳида пайдо бўлиши ва алоҳида принцип сифатида шаклланиши XVIII асрга бориб тақалади.

Бу ғоя Франция революцияси арафасида сиёсий-ижтимоий тушунча сифатида вужудга келган.

Биринчи марта мазкур принцип 1764 йилда машҳур Италиялик олим Чезаре Беккария томонидан унинг "Жиноят ва жазолар ҳақида" деб номланган асарида шакллантирилган. Беккария мазкур китобининг "Қийноқ" деб номланган бобида, қийноқ ва одил судлов борасида шундай ғояларни баён қилган: "қийноқ жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва исботлаш воситаси сифатида самарасиз ва номақбулдир"... "Айблов ҳукми чиқмагунига қадар ҳеч бир шахс жиноятчи деб аталиши мумкин эмас, жамият эса уни ўз паноҳи ва ҳимоясидан маҳрум қилмаслиги керак. Ҳибсда сақлашнинг ўзи ҳам бундай шахс учун жазодир, шунинг учун ҳибс имкон қадар қисқа ва имкон қадар оғир бўлмаслиги зарур" деб кўрсатилган[2].

Кейинчалик Беккариянинг мазкур ғояси айнан "айбсизлик презумпцияси" деб эълон қилинган ва биринчи бор Францияда татбиқ этилган ҳамда 1769 йилда "Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари Декларацияси"да мустаҳкамланган.

Айнан шу вақтдан бошлаб тарихан инсонга бўлган ёндашувнинг бутунлай янги шакли эътироф этилиб, инсонни чекланмаган муддатда ҳибсда сақлаш ва унга нисбатан ноинсоний муомалада бўлиш, қийноққа солишга қурилган ўрта асрлар инквизицияси мутлақо инкор этилган. Яъни, айнан айбсизлик презумпциясига кўра, давлат ва жамият учун шахснинг шаъни ва қадр-қиммати унинг жиноятда айбини исботланишидан кўра муҳимроқ эканлигини англатган.

Мазкур принципга мувофиқ, тергов ўз функциясидан келиб чиқиб, судга мазкур шахс жиноят содир этганлиги ҳақида ўзининг версиясинигина тақдим қилади, бироқ бу шахс ҳатто жиноят содир этганида ушланган бўлса ҳам,

[1] cyberleninka.ru/article/n/vozniknovenie-formuly-prezumptsiya-nevinovnosti-razoblachenie-nekotoryh-mifov.

[2] Рахмонова С. Новые концептуальные подходы к конституционной гарантии презумпции невинности / С. Рахмонова. – Современные проблемы развития уголовно-процессуального права. – 2023. – № 1. – С. 147-5. https://inlibrary.uz/index.php/criminal-procedure-law/article/view/17168.

унинг айби суднинг ҳукми билан аниқлангунига қадар у айбсиз ҳисобланади.

Айбсизлик презумпцияси (лотинча praesumptio – тахмин сўзидан) жиноят процессининг муҳим демократик принципларидан бири бўлиб, у шахс ҳуқуқларининг ҳимояланишини таъминлайди, асоссиз айблаш ва ҳукм қилишни истисно этади.

Таъкидлаш жоизки, айбсизлик презумпцияси принципи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нуфузли халқаро ҳужжатларга асосланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14-моддасида ҳам жиноий ишларда ҳар қандай айбланувчи унинг айби қонунда кўзда тутилган тартибда исботланмагунча айбсиз, деб ҳисобланиши белгиланган.

Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасидаги “Ҳеч ким азоб-уқубатга ёки ваҳшийларча, инсонийликка иснод келтирадиган ёки қадр-қимматини хўрлайдиган муомала ва жазога мустаҳиқ бўлмаслиги керак[1]”

Шундан бошлаб айбсизлик презупциясига бўлган эътибор кучайган, ҳамда инсоният цивилизацияси эришган энг юқори - маънавий ютуқ сифатида тан олинган. Йиллар, асрлар давомида унинг мазмуни ва шакли янгича сайқал топиб борган.

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 11-моддаси 1-бандида, “Айбсизлик презупциясига” қуйидагича таъриф берилган. Унга кўра, “Жиноят содир этганликда айбланган хар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча, айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир”.

Айнан ушбу тушунча Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 14-моддаси 2-бандидаги “Жиноят қилишда айбланаётган ҳар бир одам, унинг айби қонунга биноан исботлаб берилмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эгадир”, деган мазмунга тўла мос келади.

Тарихимиз айбсизлик презумпцияси ҳатто совет тузуми Жиноят-процессуал кодексида ҳам белгиланлигини кўрсатади.

(Бироқ 1926, 1929 йилда Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексларида айбсизлик презумпциясига доир қоидалар мустаҳкамланмаган.

Илк маротаба айбсизлик презумпцияси принципи 1959 йилдаги ЎзССР жиноят-процессуал қонунчилигининг 6-моддасида акс эттирилган.

Унга кўра, “Суд қарори ёки прокурорнинг санкциясидан ташқари ҳеч ким қамоққа олиниши мумкин эмас”[2].

Мазкур даврда айбсизлик презумпцияси тамойили декларатив равишда намоён бўлиб, фақат у кодексда бўлган холос.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар/ Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Тошкент: “Адолат”, 2002. –Б.49.

[2] Уголовный кодекс Узбекской ССР: Уголовный процессуалный кодекс Узбекской ССР: С изм и доп. На 1 ноябрь 1983 г. Т.: Узбекистан. 1983,- 384 с.;

Социалистик совет тузумининг жиноят процессида исбот қилишнинг энг самарали усули сифатида айбига иқрорлик кўрсатмаларини олиш ҳисобланган.

Иқрорлик кўрсатмаларини олиш йўлида қилинган ҳар қандай ҳаракатлар ўзини оқлайди, деган догматик қоида амалда бўлган.

Бундай оғир тарихий даврларда жиноят иши терговида қуйидагича қараш ёки фикрлаш кенг тарқалган.

“Терговга куни тушганнинг иши тамом фақат тергов нима хулосага келса, уни бажаришга мажбурсан”... .

Ушбу сўзларни кундалик ҳаётда тасаввур қилиш, уни ҳазм қилиш мушкулдек туюлади. Бироқ, айбсизлик презумпцияси тамойили жиноят процессига жалб қилинган ҳар бир шахсга бундай дадил позицияда бўлишни, айбсизлик презумпцияси қоидалари билан кафолатланган ҳуқуқни илгари суришни кафолатлайди.

Мустақилликдан сўнг, миллий қонунлар қабул қилинди. Шулар орасида жиноят ишларини юритиш тартибини белгиловчи, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва ҳозирги кунга қадар амалда бўлиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодекси[1]нинг 23-моддасида айбсизлик презумпцияси кодексда энг асосий тамойил сифатида қабул қилинди.

Ушбу тамойилда эса 3 та асосий қоидалар мужассамлаштирилган.

Биринчи қоида: “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади”.

Иккинчи қоида: “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас”.

Учинчи қоида: “Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.”

Ушбу тамойил қоидалари сўнгги қабул қилинган кодексимиз асосида сал кам 30 йилдан буён ишлаб келинмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида айбсизлик презумпцияси принципига “ҳар жабҳада ҳам тўла-тўкис риоя қилиб келинмоқда” деб айтиш албатта мушкул. Ушбу фикримизнинг яққол далили сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ғайриқонуний равишда қабул қилинган процессуал қарорларни мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин.

2023 йил 30 апрель куни янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг 28-моддаси[2]да айбсизлик презумпциясининг

[1] Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси https://lex.uz/acts/111460
[2] Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси. https://lex.uz/docs/6445145

конституциявий кафолатларини ўзида мужассам этган қўшимча халқаро стандартларга мувофиқ келувчи қоидалар киритилиб, янгича қоидаларни ўз ичига олди.

Конституциямизнинг 28-моддаси бевосита айбсизлик презумпциясини мазмун – моҳиятини англаш учун алоҳида етти қоида қатъий мустаҳкамлаб қўйилди.

Биринчи қоида: Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Иккинчи қоида: Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Учинчи қоида: Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Тўртинчи қоида: Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас.

Бешинчи қоида: Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Олтинчи қоида: Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Еттинчи қоида: Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Демак, ушбу айбсизлик презумпциясининг янги қўшилган қоидалари энди шахсларнинг конституция билан кафолатланган ҳуқуқлари сифатида янада мустаҳкамлаб қўйилди.

Юқоридаги тарихий таҳлиллар асосида, “айбсизлик презумпцияси” қоидалари пайдо бўлиши, шаклланиши ва унинг концептуал ривожланишини **беш алоҳида босқичларга** “ажратиб кўрсатилиши ўринли бўлади” деб ҳисоблаймиз.

Биринчи босқич: Айбсизлик презумпциясининг ижтимоий мафкура сифатида пайдо бўлиш даври;

Иккинчи босқич: Айбсизлик презумпциясининг халқаро жиноят ҳуқуқий ва жиноят процессуал ҳуқуқининг асосий тамойил сифатида юзага чиққан (норматив тамойил сифатида шаклланган) даври;

Учинчи босқич: Собиқ совет социалистик даврида айбсизлик презумпциясининг таназзул даври;

Тўртинчи босқич: Мустақилликка эришилгандан сўнг чинакам айбсизлик презумпцияси қоидаларининг миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизда акс эттирилган даври;

Бешинчи босқич: Янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида том маънодаги “айбсизлик презумпцияси” конституциявий кафолат сифатида мустаҳкамланиш даври.

Жиноят ишлари юритувининг асосини ташкил этадиган ушбу конституциявий процессуал кафолатлар мажмуига риоя қилиш орқалигина тергов монополияси ва жиноят учун жазолаш ваколатларига эга давлат ҳамда жиноий таъқиб остига олинган шахс ўртасидаги жиноят-ҳуқуқий муносабатлар янада тартибга солинади.

Айбсизлик презумпцияси эса келгусида шахсни ноқонуний айбланишидан, ноқонуний ҳукм ва жазога тортишдан муҳофаза қилувчи конституциявий кафолат бўлиб хизмат қилади.

ORTIQOV ABROR NEMAT O’G’LI
O’zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Axborot-resurs markazi boshlig’i, mustaqil izlanuvchi

ODAM SAVDOSI VA ODAM O’G’IRLASHNING RIVOJLANISH TARIXI VA UMUMIY TAVSIFI

Annotatsiya: Ushbu maqolada inson erkinligiga qarshi odam savdosi va odam o’g’irlash jinoyatlari rivojlanish tarixi va umumiy tavsifi atoflicha yoritilgan, odam savdosining rivojlanishi va unga qarshi kurash yuzasidan respublikamizda amalga oshirilgan ishlar tahlil qilinib, yurtimizda va xorijiy mamlakatlarda qullikka qarshi munosabatlar yoritib berilgan.

Kalit so’zlar: Odam savdosi, odam o’g’irlash, qullik, quldorlik jamiyati, majburiy mehnat, shaxs erkinligi, ekspluatatsiya, konvensiya, deklaratsiya.

Аннотация: В данной статье подробно излагаются история и общая характеристика развития преступлений торговли людьми и похищения людей против свободы человека, анализируется работа, проделанная в нашей республике по развитию торговли людьми и борьбе с ней, а также Освещены антирабовладельческие отношения в нашей стране и зарубежных странах.

Ключевые слова: Торговля людьми, похищение людей, рабство, рабовладельческое общество, принудительный труд, свобода личности, эксплуатация, конвенция, декларация.

Abstract: This article details the history and general characteristics of the development of the crimes of human trafficking and kidnapping against human freedom, analyzes the work done in our republic to develop human trafficking and combat it, and also highlights anti-slavery relations in our country and foreign countries.

Key words: Human trafficking, kidnapping, slavery, slave society, forced labor, individual freedom, exploitation, convention, declaration.

Mamlakatimizda barqarorlik, tinchlik va osoyishtalikni ta’minlash, inson huquq va erkinliklariga rioya etilishini kafolatlash, Yangi O’zbekistonni ilmiy-texnikaviy,

ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan yuksaltirish, suveren, demokratik, huquqiy va dunyoviy davlat qurish bo'yicha keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Zero, Asosiy qomusimizda belgilanganidek, O'zbekiston Respublikasida demokratiya umuminsoniy prinsiplarga asoslanadi, ularga ko'ra inson, uning hayoti, erkinligi, sha'ni, qadr-qimmati va boshqa ajralmas huquqlari oliy qadryat hisoblanadi.[1]

Yurtboshimiz Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qo'mondoni Shavkat Mirziyoyev 2020-yil 24-yanvarda Oliy Majlisga yo'llagan Murojaatnomasida mahalla tizimini o'zgartirish, **"Obod va xavfsiz mahalla"** tamoyilini joriy etish[2] orqali inson huquqlari va erkinliklarini kafolatlashni barcha huquq tartibot organlarining dolzarb vazifasi ekanligini belgilab berdi. "Ko'chalarimiz, mahallalarimiz, hayotimiz tom ma'noda tinch va toza, jinoyatdan holi bo'lishi kerak, Yangi O'zbekistonda qonun ustuvor jinoyatga jazo muqarrar bo'lishi shart"[3] - deya ta'kidlab o'tdi davlatimiz rahbari.

Odam savdosi va odam o'g'irlash jinoyatlari esa, huquqiy-demokratik davlatda qonun ustuvorligining buzilishiga olib keladi. Odam savdosi – inson, uning sha'ni, qadr-qimmati, osuda turmushi hamda kelajagiga tahdid solayotgan transmilliy uyushgan jinoyatchilik ko'rinishlaridan biri bo'lib, o'zining hudud tanlamasligi hamda girdobiga asosan ayollar va yoshlarni tortayotganligi bilan barcha mamlakatlarda katta tashvish va xavotir yuzaga keltirmoqda. Ba'zi insonlarning soddaligi va ishonuvchanligi sababli pul bilan bog'liq muammolarni tezroq hal etish ilinji, boyib ketish orzusi, oson ish topish, huquqiy bilimlarning yetishmasligi, atrofdagilarning e'tiborsizligi va g'ayri shaxslarning noqonuniy harakatlari jinoiy guruhlarning ixtisoslashuviga sabab bo'lmoqda.

Qullik-eksplutatsiyaning o'tmishdagi eng qo'pol shakli, bu jarayonda qulga nisbatan biror buyum yoki xo'jayinini xohishini ikkilanmasdan bajaradigan, huquqlari cheklangan yoxud umuman yo'q bo'lgan jism, predmet tushunilgan. Qul quldorlarning shaxsiy yoki jamoaviy (sulolaviy, oilaviy) mulki hisoblangan. Quldorlikning manbayi sifatida urushlar yoki qaroqchilik orqali asirlikka tushish, jinoyat sodir qilganlarga nisbatan qo'llanilgan jazo, turli qarzlarni to'lay olmaslik oqibatida oila a'zolarining birini qulga aylantirish, shuningdek qullarning tabiiy ko'payishi hisobiga kengayib rivojlanib borganligidir. **Qul — qul emas, qulligini anglamagan — qul,** degan edi faylasuflardan biri. Qullikni anglash esa, Albert Kamyu aytganidek, albatta isyon bilan tugaydi.[4] Darhaqiqat erkini, tengligini, daxlsizligini arzimas bahoga sotayotgan va yoki beixtiyor qullik domiga tushib qolayotganlar oramizda uchrab turmoqda. Mazkur jinoiy qilmishlarning vudjudga kelish va rivojlanish tarixiga nazar tashlash u bilan bog'liq bo'lgan jinoiy-huquqiy muommolarni yanada chuqurroq tahlil qilish imkoniyatini beradi. Insoniyat tarixida juda ko'p quldorlik davlatlari bo'lgan va ular odam savdosini qonuniylashtirgan jamiyatlarga yo'l ochganligi hech birimizga sir emas. Eng qadimiy quldorlik davlatlari (Misr, Shumer) miloddan avvalgi 4-ming yillik oxiri — miloddan avvalgi 3-ming yillik boshida vujudga kelgan. Quldorlik jamiyati Yunoniston (miloddan avvalgi V—IV

[1] O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 13-moddasi. Toshkent: O'zbekiston nashryoti. 2023.-B.6.
[2] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 2020-yil.
[3] https://twitter.com./Sherzod_Asadov O'zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot kotibi, 22.12.2023-yil.
[4] Dilnoza Muratova. Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi. https://insonhuquqlari.uz.

asrlarda) va Qadimgi Rimda (miloddan avvalgi II asr — milodiy II asr) yuksak darajada rivojlangan[1], gullab yashnagan jamiyat sifatida ko'rsatish mumkin.

Mutaxassislar odam o'g'irlash Qadimgi dunyoda keng tarqalgan va bu hodisa Qadimgi Yunoniston va Rim rivoyatlarida aks ettirilganiga e'tiborini qaratadilar.[2] Xususan, Qadimgi Yunonuston afsonalariga ko'ra, odam o'g'irlash bilan hatto xudolar ham shug'ullanganlar. Masalan, Zevs va Aid tegishli ravishda Yevropa va Prozerpinani o'g'irlaganlar.

Qadim zamonlarda odam o'g'irlashdan ko'zlagan maqsad asosan o'g'irlangan odamlarni qul qilib sotish, ya'ni ularni buyum sifatida tasarruf etish bo'lgan. Ilk odam o'g'rilari qaroqchilar bo'lib, ular ba'zan odam ovlash bilan alohida shug'ulanganlar. O'rta yer dengizining ko'p sonli qul bozorlarida minglab qullar sotilgan va ularning mehnatidan turli sohalarda keng foydalanilgan. R.A.Adelxanyan fikriga ko'ra, tovon puli ovlash maqsadida odam o'g'irlash o'sha zamonlarda deyarli uchramagan, o'g'rilangan odamlar odatda qul qilib sotilganlar.[3] Tarixchi olimlar Qadimgi Rimda kelin o'g'irlash odatida mavjud bo'lgani haqida ma'lumot beradilar.[4] Ba'zan odam o'g'irlash keyinchalik asirlarga ayirboshlash maqsadida amalga oshirilgan. Masalan, qadimgi Rimda shu jumladan rimliklarning o'zini asirga olish (ya'ni amalda o'g'irlash) ham qullik manbai hisoblangan.[5] Urushlar va ichki nifoqlar paytida asir olingan dushman askarlari ham qul qilib sotilgan yoki qullikda saqlangan. Yengilgan va asirga tushgan dushman askarlari, tinch aholi vakillari g'oliblar o'rtasida bo'lib olinib, ularning ko'pchiligi qulga aylantiriladi va qul bozorida mo'may foyda uchun sotilgan.

Yurtimiz tarixida odam savdosiga aloqador qilmishlar salbiy ijtimoiy hodisa sifatida keskin qoralangan.[6] XV asrda islom dinining shia va sunniy mazhablari o'rtasida kurash keskin tus olgan vaqtda Shayx Shamsiddin rahbarligidagi Buxoro ulomolari shia musulmonlarini musulmon bo'lmaganlar kabi qul qilish va sotish mumkin, degan fatvo berganlar.[7] Shariatning asosiy manbalari – Qu'ron va sunnada ham odam savdosi, xusasan ozod odamni qul qilib sotish, insonni majburiy mehnatga jalb qilish, ayollarni shahvoniy eksplutatsiya qilish taqiqlangan.[8] 1886-yilda Buxoro amiri Abdul Ahadxon "Qul savdosini bekor qilish hamda qul va cho'rilarni ozod qilish haqida" farmon chiqargan, farmonni buzganlar ming tanga jarima va olti oy qamoq bilan jazolanishi belgilangan.[9] Ushbu farmon oqibatida Buxoro amirligida asrlar davomida rivojlangan quldorlik qonuniy jihatdan yakunlangan.

---

[1] O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi. 11-jild. Toshkent: O'zbekiston. 2005.-B.142.

[2] Казамиров А.И. К Вопросу о системе преступлений против свободы личности // Теоритико-методологические прикладные аспекты борьбы с преступностью: история и совеременность. Мат. Междунар.науч.-практ. конф.17-18 марта 2005 г.В 4-х ч. Ч3/Под. Общ.ред. Ф.Б.Мухаметшина. – УФА: УЮИ МВД РФб 2005.- С.192-197.

[3] Адельханян Р.А. расследование похищения человека.-М.,2003-С.6.

[4] Сергеенко М.Э. Жизнь в древнем Риме-СПб.,2000-С. 189.

[5] Гиро Поль. Быт и нравы древних римлян. - Смоленск, 2001. - С. 85.

[6] Avesto.Tarixiy–adabiy yodgorlik. A.Mahkam tarjimasi.-T.:Sharq, 2001.B.239.

[7] Fayziyev T. Buxoro feodal jamiyatida qullardan foydalanishga doir hujjatlar.T.:Fan, 1990.B.144.

[8] Rustambayev M.X. Odam savdosi: milliy qonunchilik va xorijiy tajriba. Monografiya // ma'sul muharrir: yu.f.d., prof. Abdurasulova Q.R.-T.:O'z.Res.HTI, 2019.-25.

[9] Fayziyev T.Buxoro feodal jamiyatida qullardan foydalanishga doir hujjatlar.T.:Fan, 1990.B.82-86,91.

XIX asr o'rtalarida habashlarni o'g'irlash va ularni qulga aylantirishni anglatgan **"blaskbirding" (qorayaloqlar)** so'zini ishlatish odat tusini olgan edi. Tobora keng tarqalayotgan odamlarni (aksaryat hollarda afrikalik habashlarni) qul qilib sotish maqsadida o'g'irlash hollariga ma'lum darajada chek qo'yish uchun 1841-yil Londonda Anglya, Frasiya, Rossiya, Avstriya va Prussiya o'rtasida habashlar bilan savdo qilishni taqiqlash to'g'risida shartnoma imzolangan. Ammo ayrim kemalarning kapitanlari o'lim jazosi bilan tahdid qilinishiga qaramay afrikalik habashlarni "ovlash" da davom etganlar.[1]

Tirik odamni o'g'irlaganlik uchun og'ir jazo kishilik jamyati rivojlanishining dastlabki bosqichlaridayoq nazarda tutligan. Masalan, Qadimgi Bobilda Hammurapi qonuniga muvofiq birovning voyaga yetmagan o'g'lini o'g'irlaganlik uchun o'lim jazosi nazarda tutilgan[2], Pokistonda ham tovon olish maqsadida odam o'g'irlash bilan bog'liq jinoyatlar uchun ham o'lim jazosi qo'llanilgan".[3] AQSHda 1861-yilda fuqarolar urushi boshanishidan oldin qullar bozori va ular haqidagi e'lonlar oddiy manzara bo'lgan. Jorjiya shtatida, masalan, 1864-yilda sotilgan sog'lom, jismonan kuchga to'la qulning narxi uch ming dollar bo'lgan, o'z zamonining eng qimmat quli bir ona va uning mehnatga qodir ikki bolasi – hammasi birga yetti ming dollar bo'lgan.[4] Yevropa davlatlarida ham odam o'g'irlash va odam savdosi uchun ancha o'g'ir jinoiy javobgarlik nazarda tutilgan. 1789-yil 26-avgustda qabul qilingan Fransiyaning Inson va fuqaro huquqlari deklaratsiyasi inson ozodligiga tajovuz qiluvchi qilmishlarga doir jinoyat qonunchiligining rivojlanish jarayonida yangi bosqich yasadi. 1871-yilgi Germaniya Jinoyat tuzugining 18-bo'limida: a) ayolni o'z nikohiga olish va buzuqlikka majburlash uchun uning xohish-irodasiga zid ravishda o'g'irlash; b) voyaga yetmaganlarni o'g'irlash; v) o'zga shaxslarni qul qilib sotish, chet el harbiy yoki dengiz xizmatiga jo'natish maqsadida o'g'irlash uchun alohida-alohida javobgarlik belgilangan. Odam o'g'irlash (xuddi shuningdek uni garov sifatida tutqunlikka olish) qadim zamonlardayoq iqtisodiy va siyosiy muammolarni hal qilish usullaridan biri bo'lgan. Ayol o'g'irlash esa uzoq asrlar mobaynida uylanish yo'li sifatida amal qilgan.

O'zbeksiton hududida sho'ro davlatining mavjudlik davrida 1922, 1926 va 1959-yilgi Jinoyat kodekslarida g'ayriqonuniy ravishda ozodlikdan mahrum qilish, birovning bolasini o'g'irlash va ayolni u bilan nikoxga kirish maqsadida o'g'irlash uchun jinoiy javobgarlik nazarda tutilgan, balog'at yoshiga yetgan odamni o'g'irlash uchun javobgarlik esa mavjud bo'lmagan. Ushbu javobgarlik 1994-yilda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksida nazarda tutildi.

Insoniyat tarixida odam savdosiga qarshi kurashish XIX asr oxiri XX asr boshlarida xotin-qizlarning Yevropadan Amerika va Shimoliy Afrika qit'alariga keng ko'lamli migratsiya hamda ayollarni Yevropaga sotish hodisasida kuzatilgan. Insonlarni eksplutatsiyasi va transplantatsiyasini tugatish maqsadida Parijda 1902 va

---

[1] Давитадзе М., Бауськов Д. Историко-правовой анализ установления уголовной ответственности за похищение человека // Уголовное право. Москва, 2003. - №4. - С. 22.

[2] Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Древние и Средние века / Под ред. В.А.Томсинова. - М., 2000. - С. 12.

[3] Payzullayev K.P., Salayev N.S., Bobokeldiyev B.A. O'lim jazosi: o'tmishda, hozirda va kelajakda.-Toshkent: Turon-iqbol, 2005.-B.126.

[4] O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi. Toshkent: O'zbekiston. 2001-2005.

1910-yillarda konferensiyalar o'tkazilib, **"Oq qullar savdosiga qarshi kurash"** nomli butunjahon konvensiyasi qabul qilingan. Keyinroq ushbu Konvensiya **"Ayollar va bolalar savdosini yo'qotish"** va **"Voyaga yetmagan ayollar savdosini yo'qotish"** nomli butunjahon konvensiyalari bilan to'ldirilgan,[1] lekin bu urinishlar samarasizligicha qoldi va XX asr boshlarida qog'ozlarda aks ettirildi xolos.

Odam savdosi muammosiga qarshi kurashishning keyingi tarixiy jarayonlari sekin-asta rivojlanib 1948-yil 10-dekabrda "Inson huquqlari Umumjahon Deklaratsiyasi" qabul qilingan. Dunyodagi barcha mamlakatlar odam savdosidan jabrlanishadi. BMT ma'lumotlariga ko'ra, odam savdosi qurbonlarining 71 foizini ayollar va bolalar tashkil etadi.[2] 2010-yil 30-iyulda BMTning Bosh Assambleyasi 64/293-rezolyusiyasi bilan Odam savdosiga qarshi kurashish bo'yicha BMTning Global harakat dasturi qabul qilingan. Mazkur harakatlar dasturida ushbu jinoyatning oldini olish, jabrdiydalarning himoyasi, jinoyatchilarni ta'qib etish va barcha yo'nalishlarda hamkorlikni mustahkamlash bo'yicha chora-tadbirlar ko'zda tutilgan. 2013-yilda BMT tomonidan **"30-iyul – Butun jahon odam savdosiga qarshi kurashish kuni"** deb e'lon qilingan. Ayni paytda uyushgan jinoyatchilikning uzviy tarkibiy qismi bo'lgan bunday jinoyatlar dunyo miqiyosida keng tarqalmoqda.

Odam savdosi va Odam o'g'irlash jinoyatlarining uzviyligi to'g'risidagi tahlilimizda bu jinoyatlarning oqibatlarini kamaytirishga, odam savdosidan jabrlanganlarga yordam ko'rsatishga doir faoliyatni davlatimiz bir qancha qonunlar, qarorlar qabul qilish asosida olib bormoqda. Xususan, Jinoyat kodeksi VI bobida shaxsning ozodligi, sha'ni va qadr-qimmatiga qarshi jinoyatlar uchun javobgarlik belgilangan. O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchiligida Jinoyat kodeksida Odam o'g'irlash atamasi 137-moddadagina emas, balki 135-modda ("Odam savdosi") va 136-modda ("Ayolni erga tegishga majbur qilish yoki uning erga tegishiga to'sqinlik qilish")ning dispozitsiyasida ham ishlatilgan, ya'ni bu jinoyatlarning kelib chiqishi va bir biriga ta'sir etishi jinoyatchining asl maqsadida, jinoyatlarni sodir etish ketma-ketligi va dinamikasiga bog'liq bo'lib, aybdorning qonun bilan murosasizligida, jabrlanuvchilarga qay darajada og'ir ziyon-zahmat yetkazilishida ko'rishimiz mumkin.

Ayrim davlatlar, eng avvalo Markaziy Osiyo davlatlari (Qozog'iston, Qirg'izsiton, Tojikiston va boshqalar) jinoyat qonunchiligining shaxsga qarshi jinoyatlar haqidagi boblarida odamni olish-sotish yoxud odamni undan foydalanish maqsadida yollash uchun ham nazarda tutilgan. Jumladan, Tojikiston Respublikasi JKning shaxs erkinligi, sha'ni va qadr-qimmatiga qarshi jinoyatlarga bag'ishlangan bobida g'ayriqonuniy ravishda mahrum qilish va odam o'g'irlashga doir normalar bilan bir qatorda odamni unda shaxvoniy boshqa maqsadlarda foydalanish uchun yollash haqidagi norma (132-modda) ham o'rin olgan.[3]

[1] Yunesko Xalqaro me'yoriy hujjatlar to'plami.-Toshkent: "Adolat", 2004.
[2] https://sirdaryo.adliya.uz.
[3] Уголовный кодекс Республики Таджикистан. - СПб., 2001.

Odamni undan shaxvoniy va boshqa maqsadlarda aldash yo'li bilan yollash uchun javobgarlik Belarus jinoyat qonunida ham belgilangan (187-modda).[1]

Shuni qayd etish lozimki, O'zbekiston Respublikasida ham odam savdosi bilan bog'liq qabix qilmishlar ancha ko'p uchramoqda.[2]

XX asrning 90-yillarida Inson huquqlari bo'yicha milliy institutlar juda kam davlatlarda tashkil etilgan edi.[3] Odam savdosini oldini olishga, unga qarshi kurashishga, unga chek qo'yishga, uning oqibatlarini kamaytirishga, odam savdosidan jabrlanganlarga yordam ko'rsatishga doir faoliyatni davlatimiz bir qancha qonunlar, qarorlar qabul qilish asosida olib bormoqda Jumladan, O'zbekiston 2000-yil 15-noyabrda BMT Bosh Assambleyasining 55-sessiyasida Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi konvensiyani[4] to'ldiruvchi Odam savdosining, ayniqsa ayollar va bolalar savdosining oldini olish hamda unga chek qo'yish va uning uchun jazolash haqidagi protokolini qabul qildi,[5] 2003-yil 12-dekabrda BMT Bosh Assambleyasi tomonidan 1950-yilda qabul qilingan **"Odam savdosi va foxishalikning uchinchi shaxslar tomonidan ishlatilishiga qarshi kurash to'g'risida"**gi konvensiyaga qo'shildi hamda 2008-yilning 17-aprelida **"Odam savdosiga qarshi kurashish to'g'risida"**gi qonun qabul qilinib, 2020-yil 17-avgust kuni mazkur qonunning yangi tahriri joriy etildi. Shu bilan birga, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil 30-iyuldagi **"Odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"**gi farmoniga asosan Odam savdosiga qarshi kurashish bo'yicha Respublika idoralararo komissiyasi **"Odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish milliy komissiyasi"** etib qayta tashkil qilindi. Yangi tahrirdagi qonuning 6-moddasida odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish bo'yicha milliy komissiya huquqiy maqomi ko'rsatilgan, ya'ni Odam savdosiga va majburiy mehnatga qarshi kurashish bo'yicha milliy komissiya davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining, boshqa tashkilotlarning odam savdosiga qarshi kurashish sohasidagi faoliyatini muvofiqlashtiruvchi kollegial organ ekanligi belgilangan. Milliy komissiyaning qarorlari davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari tomonidan bajarilishi shart, nodavlat notijorat tashkilotlari uchun esa tavsiyaviy xususiyatga ega. Milliy komissiyani shakllantirish va uning faoliyatini tashkil etish tartibi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan belgilanadi.

Odam savdosi va odam o'g'irlash jinoyatlari jabrdiydalari jinoiy holat aniqlanmaganicha aksariyat holatlarda oila a'zolarining ko'rsatmalariga asosan

---

[1] Уголовное право Республики Беларусь. Особенная часть: Учебное пособие / Н.Ф. Ахраменка, Н.А. Бабий, В.В. Борода и другие.; Под ред. Н.А. Бабия, И.О. Грунтова. - Мн.: Новое знание, 2002.


[2] Bu haqda batafsil qarang: Rustambaev M.X. Odam savdosi. - Toshkent: TDYuI, 2009. - B.18.; Insonlar savdosiga qarshi kurashning xukuqiy masalalari. Ilmiy-nazariy anjuman materiallari. - Toshkent: TDYuI, 2006. - 144 b.; Qurbonov N. Odam savdosi jinoyatlarini og'irlashtiruvchi xolatlarda sodir etganlik uchun jinoiy javobgarlik masalalari // TDYuI Axborotnomasi. - Toshkent, 2009. - №1. - B. 75.

[3] Saidov A.X., Tillabayev M.A. Konstitutsiya va inson huquqlari bo'yicha milliy institutlar. –Toshkent. 2023.-B.11.

[4] Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi BMT konvensiyasi / Convention against Transnational Organized crime, 2000 // http: // www.un.org. /russion / document / convets / orgcrime.htm.

[5] Qodirov R., Saidov I. Odam savdosiga qarshi kurash bo'yicha xalqaro shartnomalar va O'zbekiston milliy qonunchiligi xujjatlar to'plami Toshkent: O'zbekiston, 2013.-B.10.

bedarak yo’qolgan shaxslar sifatida huquq-tartibot organlari tomonidan qidiruv ro’yxatlarida turadi. Quyidagi diagrammada so’ngi yillardagi bedarak yo’qolganlar qidiruv natijalari aks ettirilgan.[1]



Oliy Majlis Senatining 17-yalpi majlisida Ichki ishlar vaziri Po’lat Bobojonov 2021-yilning birinchi yarmida 99 ta jinoiy holatda odam savdosiga va majburiy mehnatga doir jinoytchilik qayd etilganligini bildirgan, Xususan Senat raisi Tanzila Norboyeva 34 ta holatda chaqaloqlar savdosi jinoyati aniqlangani, bu muammolarga faqat Ichki ishlar emas, balki Sog’likni saqlash, Mahalla vazirliklari va boshqa mas’ul ko’plab tashkilotlar jonbozlik ko’rsatishini[2] aytib o’tgan, 2022-yil davomida odam savdosi jinoyatlari 165 tani tashkil etgan, 2023-yilning mos davriga ko’ra 144 ta holatda aniqlanib, 21 taga yoki -12,7 % ga kamaygan[3] lekin bu holat respublikamizda ushbu jinoyatlarning salmog’i va ko’lami kengligi, tashvishlanarli ekanligidan dalolat beradi.

Qayd etilishicha, bugungi kungacha o’tkazilgan “**Mehr -1, 2, 3, 4, 5”** operatsiyalari doirasida Suriya, Iroq va Afg’onistonda og’ir ahvolga tushib, chorasiz qolgan 531 nafar ayollar va bolalar O’zbekistonga olib kelindi. Jumladan, “Mehr” insonparvarlik operatsiyasi doirasida 2019-yilda Suriyadan 156 nafar o`zbekistonlik, asosan, ayollar va bolalar, 2019-yilning oktyabrida Iroqdan 64 nafar o’zbekistonlik bola, 2020-yilning dekabrida (“Mehr-3”) Suriyadan 25 nafar ayol va 73 nafar bola, 2021 yildagi “Mehr-4” operatsiyada esa 24 nafar fuqaro Afg’onistondan hamda Suriyadan 93 nafar ayollar va bolalar O’zbekistonga qaytarilgan.[4]

Shu o’rinda, Xulosa sifatida aytish mumkunki yurtimizdagi tubdan o’zgarishlar, huquqiy va iqtisodiy islohatlar fonida ushbu jinoyatlarning Yangi O’zbekistonda bo’y cho’zishiga yo’l qo’ymaslik huquqni muhofaza qiluvchi organlarning kun tartibidagi yechilishi lozim bo’lgan dolzarb masalaligicha qolmoqda, har qanday tashviqot, har

[1] Kadirov D.B. va Bobojonov P.R. Umumiy tahriri ostida o’quv-amaliy qo’llanma. Respublikaning 2023-yildagi jinoyatchilik holatiga ilmiy-tahliliy sharh. O’z.Res.IIV. Toshkent 2024-yil
[2] https://daryo.uz. 31.07.2021-yil.
[3] Kadirov D.B. va Bobojonov P.R. umumiy tahriri ostida o’quv-amaliy qo’llanma. Respublikaning 2023-yildagi jinoyatchilik holatiga ilmiy-tahliliy sharh. O’z.Res.IIV. Toshkent 2024-yil
[4] https://www.gazeta.uz/uz/2021/04/30/mehr.

qanday yomon illatga qarshi kurashish vositasi-insoninning o’zi va uning ongidir. Inson xatarni qanchalik darajada ekanligini, bunday illat qurboni bo’lmaslik uchun ogoh bo’lish lozimligi haqida fikrga, o’z qarashlariga ega bo’lsagina unga qarshi kurasha oladi, Shuning uchun barcha ushbu muammoga jiddiy yondashuv asosida qarab, o’zini o’zi boshqarish organlari bilan hamkorlikda mahallalardagi fuqorolarning yashash va turmush tarzi rejali asosda o’rganilib, jamoatchilik nazorati kengaytirilishi, alohida faoliyat bilan shug’ullanuvchi mahalla tarkibida xodimlar guruhi shakllantirilishi maqsadga muvofiq bo’lar edi.

КАРИМОВА МУАЗЗАМ РАЖАББОЙ ҚИЗИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАРДА ЖАБР КЎРГАН БОЛАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЖИНОИЙ ТРИБУНАЛЛАР ВА ХАЛҚАРО ЖИНОЯТ СУДИДА КЎРИЛИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада қуролли можаро шароитида болаларга нисбатан содир этилган турли хил жиноятлар, жумладан, болаларни аскар сифатида ёллаш, жинсий зўравонлик, мажбурий кўчириш, мактаблар ва касалхоналарга ҳужум қилиш каби жиноятларни тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш масалалари, қуролли тўқнашувларда болаларга қарши жиноятлар содир этилишида самарали жавобгарлик механизмлари таҳлил қилиниб, қуролли можароларда жабр кўрган болалар билан боғлиқ ишларнинг халқаро жиноий трибуналлар ва халқаро жиноят судида кўрилишининг камчиликлари ёритилади.

Калит сўзлар: апартеид, халқаро суд органлари, ad hoc, aut dedere, aut judicare.

Аннотация: В данной статье приведены примеры расследования и судебного преследования различных преступлений, совершенных против детей в вооруженных конфликтах, включая вербовку детей в солдаты, сексуальное насилие, насильственное перемещение, нападения на школы и больницы, а также преступления против детей в вооруженных конфликтах. Анализируются механизмы ответственности. Освещены недостатки рассмотрения дел, касающихся детей, пострадавших в результате вооруженных конфликтов, в международных уголовных трибуналах и Международном уголовном суде.

Ключевые слова: апартеид, международные судебные органы, ad hoc, aut dedere, aut judicare.

Annotation: This article provides examples of the investigation and prosecution of various crimes committed against children in armed conflict, including recruitment of children as soldiers, sexual violence, forced displacement, attacks on schools and hospitals, and crimes against children in armed conflict. accountability mechanisms are analyzed, and the shortcomings of hearing cases related to children affected by armed conflicts in international criminal tribunals and the International Criminal Court are highlighted.

Key words: apartheid, international judicial bodies, ad hoc, aut dedere, aut judicare.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро стандартлар доирасида жаҳон ҳамжамияти, унинг тимсоли сифатидаги органлар – БМТ Бош Ассамблеяси, Хавфсизлик кенгаши ва Халқаро суди, ЕХҲТ, Америка давлатлари ташкилоти, Европа Кенгаши ва бошқалар ҳисобланади. Мазкур органлар маълум бир давлатда бузилаётган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни талаб қилиш бўйича хоҳлаган давлатга мурожаат қиладилар. Айниқса, геноцид, ирқий айирмачилик (апартеид), ирқий камситиш, қийноқ ва бошқа ҳаракатлар каби қўпол ҳамда доимий тарзда инсон ҳуқуқларини бузилиши халқаро жиноят ҳисобланиб, бу давлатларнинг, давлат раҳбарларининг,

ҳукуматнинг, ҳарбий идоранинг, жиноий буйруқларни амалга оширувчи конкрет ижрочиларнинг жавобгарлигини келтириб чиқаради, бунга нисбатан халқаро суд органлари – трибуналлар ad hoc (Нюрнберг, Токио – Иккинчи Жаҳон уруши натижалари, Югославия, Руанда бўйича), шунингдек доимий суд органлари – Халқаро жиноят суди ташкил қилинади.

Халқаро ҳамжамият ва халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши халқаро жиноят судини ташкил этиш заруратини келтириб чиқарди. Халқаро жиноят суди давлатларнинг судларини йўққа чиқармайди ва у давлатларнинг миллий судлари юрисдикциясини тўлдирувчи восита ҳисобланади.

Суд ўз функциясини Рим Статутида иштирок этувчи ҳар қандай давлат ҳудудида, агар махсус битимга эришилган бўлса, бошқа ҳар қандай давлатнинг ҳудудида амалга ошириши мумкин. Суд мустақил халқаро органдир ва суднинг БМТ билан муносабати БМТ битимлари билан тартибга солиб турилади.

Ҳозирги кунда жиддий халқаро ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги учун жавобгар шахсларни таъқиб қилувчи икки турдаги халқаро жиноий суд фаолият кўрсатмоқда. Булар 1993-1994 йилларда ташкил этилган собиқ Югославия ва Руанда учун халқаро трибуналлар ва 1998 йилда Римда қабул қилинган Рим статути орқали тартибга солинадиган Халқаро жиноят суди ҳисобаланади.

2012 йилда Халқаро жиноий суд ва Сьерра-Леоне бўйича Махсус суднинг иккита муҳим қарори қуролли можаролар пайтида болаларга нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик доирасини кенгайтирди ва болаларни ёллаш ҳамда улардан фойдаланиш жинояти бўйича суд амалиёти учун асослар яратди.

2012 йил 14 март куни Халқаро жиноят суди (ХЖС)нинг Гаагадаги штаб-квартирасида Суд палатаси Прокурор Томас Лубанга Дйилога қарши иш бўйича ўз қарорини чиқарди. 2004 йилда Конго Демократик Республикаси (КДР) ҳукумати ўз ҳудудидаги вазиятни (ХЖС юрисдикциясига тегишли бўлган воқеаларни) халқаро жиноят судига ҳавола қилди.

КДРдаги вазият дастлабки таҳлилидан сўнг, ХЖС прокурори жиноий иш қўзғатди. Жиноятларни тергов қилиш жараёнида бу иш бўйича биринчи судгача бўлган палата 2006 йил 10 февралда КДР Шарқий провинциясининг Итури ҳудудида жиноят содир этган деб тахмин қилинган Томас Лубанга Дйилони ҳибсга олиш тўғрисида ордер берди ва унга асосан у ҳибсга олинди.

Томас Лубанга Дйило – Конго ватанпарварларининг ярашув ва тинчлик иттифоқи раҳбари ва “Конгони озод қилиш ватанпарварлик кучлари” қўмондони ҳисобланади. 2002 йил 1 сентябрдан 2003 йил 13 августгача “Конгони озод қилиш ватанпарварлик кучлари” ўз сафларига ёшларни, шу жумладан 15 ёшгача бўлган болаларни мажбурий ёки ихтиёрий асосда кенг миқёсда ёллаш ишларини амалга оширган.

Тергов жараёнида қўлга киритилган далиллар “Конгони озод қилиш ватанпарварлик кучлари” 15 ёшгача бўлган болалардан ҳарбий қўриқчи сифатида ва улардан ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этиш учун

фойдаланганлиги аниқланган, шунингдек асосан 15 ёшгача бўлган болалардан иборат “Кадого” махсус отряди ташкил этилган.

2007 йил 29 январда Биринчи судгача бўлган палата айбловларни тасдиқловчи қарор қабул қилиб, унда қуйидаги далиллар айблаш учун жиддий асослар эканлигини таъкидланди: Томас Лубанга Дйило ўн беш ёшгача бўлган болаларни 2002 йил сентябрь бошидан 2003 йил 2 июнигача “Конгони озод қилиш ватанпарварлик кучлари”га ёллаш ва жалб қилиш, улардан ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этиш учун фойдаланиб, Рим Статутининг 8(2)(б)(XXVI) (ўн беш ёшгача бўлган болаларни миллий қуролли кучлар сафига жалб қилиш, ёллаш ва улардан ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этиш учун фойдаланиш) ва 25(3)(а) моддалари (якка тартибда жиноий жавобгарлик)ни бузган.

2012 йил 10 июлда Биринчи суд палатаси Томас Лубанг Дйилони 14 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Қуролли можаролар пайтида болалар зўравонликнинг кўп шаклларига дуч келишган: уйқудан маҳрум қилинган, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга мажбурланган, зўрлаш, зўрлашга гувоҳ бўлиш, зўрлашга мажбурлаш ва жинсий қуллик кабилар шулар жумласидандир.

Жинсий зўравонлик аскар болалар устидан назорат ва эгаликни намойиш қилишнинг самарали механизми сифатида ишлатилган. Шунингдек, уларга қурол ишлатишни ўргатишган, жанг қилишга ва ўлдиришга мажбур қилинганлар.

Гарчи Халқаро жиноят суди Томас Лубанг Дйилони айбдор деб топиб, унга қамоқ жазоси тайинлаган бўлсада, ушбу судда жинсий зўравонлик масаласи ҳал қилинмасдан қолди, чунки бу борада ҳеч қандай айблов қўйилмаган эди.

Иккинчи муҳим прецидент – Сьерра-Леоне учун Махсус суднинг Прокурор Чарлз Ганкай Тейлорга қарши иши бўйича қарори ҳисобланади.

2006 йил 26 апрелда Сьерра-Леоне бўйича махсус суд Либериянинг собиқ президенти Чарлз Ганкай Тейлорни 1991 йилдан 2002 йилгача Сьерра-Леонедаги фуқаролар уруши даврида Бирлашган Инқилобий Фронт (ИБФ) томонидан содир этилган ўн бир жиноий иш бўйича (ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш), уруш жиноятларини содир этишда айбдор деб топди ва уни Сьерра-Леоне учун Махсус суд низомининг 6-моддаси[1] кўра шахсий жиноий жавобгарликка тортди. Чарлз Тейлорга қўйилган айбловлардан бири: “15 ёшгача бўлган болаларни қуролли кучлар ёки гуруҳларга жалб қилиш ва ёллаш ҳамда улардан ҳарбий ҳаракатларда фаол қатнашиш учун фойдаланиш...”.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Сьерра-Леоне бўйича Махсус суд низомининг 4-моддасининг “в” бандида ушбу жиноят халқаро гуманитар ҳуқуқнинг жиддий бузилиши сифатида баҳолайди. Суд Чарлз Тейлорни 50 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилади.

[1] Муаллифлар жамоаси, Халқаро ҳуқуқ. Дарслик.–Т.: ТДЮУ нашриёти, 2017. – 433 б.

Сьерра-Леоне учун махсус суднинг Чарлз Тейлор иши бўйича қарори собиқ давлат раҳбари қуролли гуруҳ томонидан болаларга нисбатан содир этилган уруш жиноятларида айбдор деб топилган биринчи прецидент бўлиб, суд қарорига кўра, Чарлз Тейлор Либерия Президенти бўлган пайтда Бирлашган Инқилобий Фронт (ИБФ) аъзоларига кўрсатган моддий ёрдами, маънавий қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантиришлари, бевосита унинг ваколатига тааллуқли эмас эди, Либерия президенти сифатида инқилобий кучлар бирлашмасига аъзолик Чарлз Тейлорни Сьерра-Леонедаги фуқаролар урушида ИБФ аъзолари томонидан содир этилган ҳарбий жиноятлар сабабли жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли асос ҳисобланади.

Чарлз Ганкай Тейлор ишидан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, халқаро суд болаларга нисбатан оғир жиноятларни содир қилишда айбдор шахсларни, шу жумладан ушбу жиноятларни содир этишни қўллаб-қувватлаган сиёсий раҳбарларни ҳам жавобгарликка тортиш имкониятига эгадир.

Расмий маълумотларга кўра, Сьерра-Леонедаги ўн йиллик фуқаролар урушида (1991-2002) 10 000 дан ортиқ болалар қатнашган. Маълумки, Сьерра-Леонедаги уруш даврида болалар бошқа тўқнашувларга қараганда кўпроқ жангчилар сифатида фойдаланилган ва жиноят содир этган.

Махсус Суд вояга етмаган жиноятчиларга оид ишларни кўриб чиқишда қуйидаги қарорларни қабул қилган: ғамхўрлик, васийлик ва назорат тўғрисида, жамоат ишлари бўйича, маслаҳат дастурлари, касбий таълим, тасдиқланган мактаблар ва тегишли ҳолларда қуролсизлантириш, демобилизация ва реинтеграция дастурлари бўйича ёки болаларни ҳимоя қилиш бўйича институционал дастурлар.

Эътиборлиси шуки, Хавфсизлик Кенгаши ўзининг 2008 йил 4 августдаги 1829 сонли резолюциясида Сьерра-Леоне бўйича Махсус суд ишини юқори баҳолаган ва унинг Сьерра-Леонеда ярашув, тинчлик ўрнатиш ва қонун устуворлиги ишига қўшган муҳим ҳиссасини эътироф этган.

Болаларга қарши жиноятларга оид яна бир иш Конгодаги исёнчиларнинг собиқ қўмондони Боско Нтаганда устидан бўлган суд жараёни бўлиб, у 18 та моддада (Гаагадаги суд томонидан энг кўп айбланган шахс), шу жумладан 15 ёшгача бўлган болаларни қуролли гуруҳга чақириш ва уларни ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этиш учун ишлатиш, зўрлаш, жинсий қуллик ва бошқаларда айбдор деб топилган.

Таъкидлаш лозимки, Боско Нтаганда иши бўйича Халқаро жиноят суди олдинга қадам қўйди, яъни ўз қуролли гуруҳи аъзолари томонидан зўрланган ёки жинсий қул бўлган жабрланувчиларга, шу жумладан мажбурий ёлланганларга нисбатан халқаро ҳуқуқ ҳимоясини кенгайтиришда муҳим прецидент бўлди.

2019 йил июль ойида судьялар халқаро жиноят ҳуқуқи ва халқаро гуманитар ҳуқуқ тарихида биринчи марта жиноятчилар томонидан ўз қуролли гуруҳи аъзоларига нисбатан болаларга нисбатан содир этилган жинсий зўравонлик учун ҳукм чиқардилар. Бироқ, жабрланувчиларга

етказилган маънавий зарарлар учун бирор бир компенсация назарда тутилмади.

Халқаро жиноят суди томонидан 2021 йил май ойида кўриб чиқилган Прокурор Доминик Онгвенга қарши иши Угандадаги Лорднинг Қаршилик Армияси юқори даражали қўмондонларидан бири бўлган судланувчи Доминик Онгвенга нисбатан 60 дан ортиқ айблов ҳукми, шу жумладан жинсий зўрликка асосланган, болаларга қарши, мажбурий никоҳ ва мажбурий ҳомиладорлик жиноятлари бўйича муҳим айбловларни ўз ичига олди.

Ўз фаолиятини бола аскар сифатида бошлаган Лорднинг Қаршилик Армияси (ЛҚА) собиқ бригада қўмондони Доминик Онгвен 2002-2005 йиллар оралиғида Лорднинг Қаршилик Армияси томонидан уюштирилган қўзғолонлар пайтида Шимолий Угандада содир этилган уруш жиноятлари ва инсониятга қарши жиноятларда, шу жумладан болаларни зўрлаш, жинсий қуллик жиноятлари ҳамда болалардан ҳарбий ҳаракатларда фойдаланишда айбланди.

Лорднинг Қаршилик Армияси ҳарбийлари можаролар пайтида тинч аҳоли, шу жумладан болаларни ўғирлаб кетган ва уларни ҳарбий ҳаракатларда хизмат қилиш, ўз рақибларига қарши ҳужумларда фойдаланиш учун жангчилар сифатида мажбуран ёллашган.

2021 йил 6 майда Халқаро жиноят суди Доминик Онгвенни 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Ушбу қарорлар жуда ҳам муҳим халқаро суд прецидентларини ўрнатди ва улар қуролли кучларга болаларни ёллаш ва жалб қилиш кўринишидаги ҳарбий жиноятларни содир қилган, содир қилмоқчи бўлган ёки содир этишга уринаётган шахсларнинг жиноятлари жазосиз қолмаслиги ҳақида белги вазифасини ўтаб келмоқда.

Мавжуд халқаро ҳуқуқий нормаларга қарамай, мактаблар, қочқинлар ва ички кўчирилганлар учун лагерлардан доимий равишда болаларни ўғирлаш ҳақида хабарлар келади. Халқаро ҳамжамият болалар ҳуқуқларининг бузилиш ва уларнинг ҳарбий ҳаракатларга мажбурий ёки ихтёрий равишда жалб этилиши ҳақидаги хабарларга жим турмаслиги лозим.

Шунингдек, ўз ҳудудида қуролли можаролар содир бўлаётган давлатлар ҳукуматлари болаларнинг айрим қуролли кучлар ёки гуруҳларга ёлланишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишлари керак.

Шуни таъкидлаш керакки, қуролли можаролар пайтида болалар ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаган тинч аҳолига бериладиган умумий ҳимоядан фойдаланадилар. 1949 йил 12 августдаги уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисдаги Женева конвенциялари ва уларнинг 1977 йилдаги Қўшимча протоколлари болаларни алоҳида ҳимоя қилишни таъминлайдиган бир қатор аниқ қоидаларни белгилайди ва ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этган болалар бу ҳимояни йўқотмасликлари керак.

Шунингдек, 1998 йилда Халқаро жиноят суди ташкил қилинганида, БМТ шундай саволни қўйган: инсон ҳуқуқларининг қўпол, тизимли ва кенг

кўламли бузилишини бостириш учун халқаро ҳамжамият мамлакат ишларига аралашиши керакми?

Аралашув концепцияси кенг кўламли ҳаракатларни ўз ичига олади ва улардан бири БМТ Хавфсизлик Кенгашининг зиддиятли ҳудудларда “хавфсизлик йўлаклари” ва “гуманитар йўлаклар”ни яратишга рухсат бериш орқали ички можароларга аралашувидир. Бу жиҳат ҳарбий ҳаракатларда қатнашган болаларга (масалан, қочқин болалар) нисбатан ҳимояни қўллашда ҳам долзарб кўринади.

Халқаро ҳамжамият халқаро ҳуқуқ доирасида тинч аҳолини инсон ҳуқуқларининг оммавий ва мунтазам равишда бузилишидан ҳимоя қилишнинг қонуний ва универсал тамойилларини келишиб олиши керак. Шуни таъкидлаш керакки, аралашув масаласи осон эмас ва мунозараларни келтириб чиқаришда давом этмоқда, чунки аралашмаслик болаларга ўз вақтида инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Шундай қилиб, бугунги кунда халқаро суд органи халқаро адолат мақсадларига эришишнинг самарали воситасига айланиши мумкин ва бўлиши керак.

Шунингдек, у қуролли тўқнашувлар пайтида халқаро гуманитар ҳуқуқ бузилишининг олдини олувчи восита бўлиши лозим. Давлатларнинг халқаро жиноий адлия органларини барча зарур ёрдам билан таъминлаш, шу жумладан қуролли можароларда болаларни ёллаш ва улардан фойдаланиш учун жавобгар шахсларни ҳибсга олиш ордерларини бажариш, яъни aut dedere, aut judicare (экстрадиция қилиш ёки жиноий жавобгарликка тортиш мажбурияти) тамойилига асосланган келишувларни тузиш орқали давлатларнинг мажбуриятларини миллий даражада мустаҳкамлаш зарур.

Шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва бу мақсадда халқаро жиноий судларнинг болаларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қарорларини халқаро ва миллий оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш ва атрофлича ёритиш лозим.

САЪДУЛЛАЕВ ЖАҲОНГИР НУЪМОНОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси сиртқи магистратура тингловчиси

ГУВОҲ ИШТИРОКИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Жиноят процессуал ҳуқуқида одил судловни амалга оширишнинг энг аҳамиятли жиҳати бу адолатли қарор қабул қилиш билан амалга оширилади. Бунда гумон қилинувчи (айбланувчи, судланувчи)нинг айбдорлигини исбот қилиш масаласи дастлабки тергов ва суднинг энг асосий вазифаси сифатида намоён бўлса, ушбу муҳим процессуал вазифани амалга ошириш учун асосий далил – гувоҳнинг кўрсатувлари билан амалга ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида: “Тергов сифатини ошириш бўйича ҳам тизимли чоралар кўрамиз. Тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаши керак”[1]дея таъкидланган.

Шунингдек, Президентимизнинг 14.05.2018 йилдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 3723-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят - процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси”нинг 2-бўлим 3-боби 2-хатбошида **гувоҳ, жабрланувчи ва жиноятдан жабр кўрган шахсларни ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан жиноят-процессуал ҳамда ташкилий чораларни** жорий этиш белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда гувоҳнинг кўрсатувлари – бу жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашда ва жиноятни фош этишда катта аҳамиятга эга бўлган маълумотлар манбаидир.

Дунёнинг барча мамлакатлар жиноят процессларида гувоҳлар одил судловни таъминлашда муҳим процессуал вазифани бажарадилар. Шу сабабдан гувоҳларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин этиш, мажбуриятларини бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш гувоҳларнинг кўрсатувларини тўғри баҳолашнинг муҳим процессуал кафолати бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги йилларда жаҳонда ва малакатимизда суриштирув, дастлабки тергов ҳамда одил судловни амалга оширишда гувоҳ кўрсатмаларини олиш ва улардан самарали фойдаланишда бир қатор муаммолар юзага келмоқда.

Дунёда гувоҳнинг процессуал мақомини такомиллаштириш, ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаб, уларни ҳимоя қилишда халқаро стандартлар асосида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини йўлга қўйиш, ушбу жараёнда гувоҳлар кўрсатувлари ишончлилигини таъминлашга доир илмий изланишлар олиб бориш, бунда қонунчиликни ривожлантиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид Конвенцияси, уни тўлдирувчи протоколларда иштирокчи давлатлар суд процесси иштирокчиларини қўрқитиш, мажбурлаш ва оғдиришга қарши зарур чораларни кўриш ва бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга чақирилган[2] бўлса, халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, ҳар йили жиноят ишларини тергов қилиш ва судда юритиш доирасига тахминан 55 миллионга яқин гувоҳлар жалб қилиниб, ҳар еттинчи гувоҳ ўз

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, https://president.uz/uz/lists/view/5774

[2] Конвенция Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности. https://lex.uz/docs/1304112

кўрсатувларини ўзгартириши ёки ўзгартиришга мажбур бўлишини кўрсатмоқда.[1]

Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни гувоҳ ва жабрланувчи, уларнинг вакиллари сифатида чақиртириш халқаро ҳамкорликнинг алоҳида йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 596-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гувоҳ, жабрланувчи ва уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида процессуал ҳаракатларни бажариш учун жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс томонидан чақирилиши мумкин[2]. Бу шахслар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) томонидан тўғридан-тўғри чақиртирилиши ҳам мумкин.

Аммо турар жойлар, иш ва ўқиш жойлари ёки шахсларни топиш мумкин бўлган жойларнинг ёки манзилларнинг ўзгариши (қайта номланиши, бошқа маъмурий ҳудудий бирликларга бирлаштирилиши ёхуд аксинча) ва шунга ўхшаш тушунмовчилик эҳтимоли мавжудлиги, шунингдек, сўралаётган хорижий давлатдан чиқишга тегишли органлардан розилик талаб қилиниши учун қонунда юқорида санаб ўтилган шахсларни чақиртириш хусусида ҳам хорижий давлат билан процессуал муносабат ўрнатилиши белгиланган.

Хорижий давлатнинг тегишли органи билан процессуал муносабатга киришиб чақиртириш ЖПКнинг 592-моддасида кўрсатилган қоидалари асосида сўров юбориш орқали амалга оширилади.

Сўровда бундай шахсларнинг чақиртирилганлиги хусусида хабарни етказиш, чақиртирилган шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудига кириб келишига ёрдамлашиш, хусусан ўша давлат қонунларидаги улар фаолиятининг кафолатлари таъминланиши ҳам сўралиши мумкин. Уларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари ва иш жойларининг сақланиши, давлат чегарасидан ўтиб, қайтишга рухсат бериш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг айрим икки томонлама шартномаларида Ўзбекистон томонидан хорижда бўлган гувоҳ, жабрланувчи ва уларнинг вакиллари етиб келишлари учун йўл ва кундалик ҳаражатларнинг олдиндан аванс шаклида тўланиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган.

Мисол учун, 1994 йил 23 июнда Анқарада имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти ўртасидаги фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг 12-модда 2-қисми[3]; 2003 йил 24 ноябрда Софияда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасидаги жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаси 12-моддаси учинчи қисмини кўрсатиш мумкин.

---

[1] А.Пўлатов “Жиноят процессида гувоҳ иштирокининг долзарб масалалари” Т-2021 й

[2] Маткаримов Қ.Қ. Гувоҳлик иммунитетининг жиноят-процессуал асослари: юр.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.:ТДЮИ, 2012. -57 б.

[3] Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти ўртасида фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Шартнома. 1994 йил 23 сентябр. №2026X11 // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994 й.,

Фуқаролигидан қатъи назар ҳар қандай шахсни, ҳаттоки Ўзбекистон фуқароси ёки Ўзбекистонда доимий яшайдиган фуқаролиги йўқ шахслар ҳам иш юритилаётган пайтда хорижий давлатда бўлсалар, уларни гувоҳ, жабрланувчи ва уларнинг вакиллари сифатида чақиришда мазкур нормадаги қоидалар қўлланилади.

Бундай шахсларга нисбатан, чақирганда ҳозир бўлмаганлик учун процессуал мажбурлов чораларини қўллаш мумкин эмас. Уларнинг чақирувга кўра ҳозир бўлиши, ўз хоҳишларига биноан амалга оширилади. Ўзбекистоннинг жиноят-процессуал соҳада халқаро муносабатга киришадиган органлари хорижий давлатдан (унинг ҳеч бир органидан) унинг ҳудудида бўлган жабрланувчи, гувоҳ ва уларнинг вакилларининг мажбурий иштирокини таъминлашни сўрашга ҳақли эмаслар.

Чақирув бўйича ҳозир бўлган гувоҳ, жабрланувчи ва уларнинг вакилларига вақтинча дахлсизлик берилади.

Мазкур қоида ушбу шахсларнинг чақирувга кўра етиб келишини, шунингдек, жиноятнинг очилиши ва қонуний ҳал қилиниши учун фаол иштирокини рағбатлантириш, давлатлараро ҳамдўстликка путур етказмаслик, сохта экстрадицияларнинг олдини олиш учун жорий қилинган.

Назарияда хорижда бўлган шахсни чақиришдаги мазкур имтиёз чақираётган давлатлар фуқароларига нисбатан қўлланиши нотўғри, деган фикрлар ҳам мавжуд[1].

Лекин бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра ва бизнинг ЖПК талабларига биноан ҳам хорижий давлатдан чақирувга кўра етиб келган гувоҳ, эксперт ва уларнинг вакиллари қуйидаги ҳолларда вақтинча жавобгарликка тортилишига, қамоққа олинишига ёки шахсий эркинликларининг бошқача чекланишига йўл қўйилмайди:

1) чақирувга кўра ҳозир бўлиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини бузиб ўтгунга қадар содир қилган ва жавобгарликка тортилмаган жиноятлари учун;

2) чақирувга кўра ҳозир бўлиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини бузиб ўтгунга қадар унга нисбатан чиқарилган ҳукмлар асосида ва мазкур ҳукм талабларини бажармаганликлари учун[2].

Ўзбекистонни жиноят ишларини юритиш соҳасидаги хусусан шартномаларининг деярли барчасида, МДҲга аъзо аксарият давлатлар қўшилган 1993 йил 22 январда Минскда имзоланган Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияда, бу тоифадаги шахсларнинг гувоҳлик кўрсатувларига ҳеч қандай маъмурий ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқармаслиги кафолатланган (9-модда). Амалдаги қонун ҳужжатлари мазмунига кўра,

---

[1] Волеводз А.Г. Правовые основы новых направлений международного сотрудничество в сфере уголовного процесса: Автореф дисс.... д.ю.н. -М.: Научно-исследовательском институте проблем укрепления законности и правопорядка при Генеральной прокуратуре Росс. Федерации, 2002. -27 с.

[2] Жиноят ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик/ А.М. Бабаев; З.Ф.Иноғомжонова. –Т.: ТДЮИ, 2012. - 220 бет.

Ўзбекистон Республикасига чақирувга кўра, гувоҳ ва унинг вакиллари худди шундай кафолатлар хусусида шартномалашган давлатдан етиб келсалар, тергов ва суд ҳаракатларини ўтказишдан олдин ёлғон гувоҳлик бериш ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ҳақида огоҳлантирилмайдилар.

Хорижий давлатдан гувоҳ, жабрланувчи ва уларнинг вакиллари сифатида ҳозир бўлган шахслар иштирокидаги процессуал ҳаракатлар ўтказилиб бўлинганидан кейин суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уларнинг бошқа керак бўлмасликларини маълум қилади. Ва шу пайтдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида ўзларига боғлиқ ҳолда дахлсиз шахс мақоми сақланиб қолинади.

Бу шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудини тарк этишларига тўсқинлик қиладиган ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юз берганида муддатнинг ўтиши ҳам тўхтаб туради.

Масалан, тегишли давлатга авиарейснинг жадвали, об-ҳавонинг ноқулайлиги, касаллик ҳолати шулар жумласидан. Бундан ташқари чақирувга кўра ҳозир бўлган мазкур шахсларнинг юқоридаги ўн беш суткалик муддат ўтмасдан туриб, Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб, Ўзбекистон Республикасига қайтиб келганликлари ҳам дахлсизликнинг ечилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 596-моддаси хорижий мамлакатда қамоқда сақланаётган шахсларни ҳам гувоҳ, жабрланувчи ва уларнинг вакиллари сифатида чақирилишини ҳам назарда тутади. Бу шахсларни чақиришда Ўзбекистон Республикаси томонидан сўров юбораётган орган айнан ушбу шахслар иштирокида сўровда фақат кўрсатилган процессуал ҳаракатни ўтказиш шарти мавжуд бўлади.

Сўровда кўрсатилмаган бошқа процессуал ҳаракатларнинг ушбу шахслар иштирокида ўтказилиши қонунга хилоф ҳисобланади. Мазкур шахслар хорижий давлат ваколатли органининг тегишли қарори асосида Ўзбекистонда қамоқда сақланиши ва сўровнинг жавобида хорижий давлат томонидан белгиланган муддатда ўша давлатга қайтарилиши лозим.

Шахсни хорижий давлатдан Ўзбекистон Республикасига ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида, агар муносабатга киришилаётган давлат билан бундай шартнома бўлмаган тақдирда ўзаролик принципи асосида белгиланади.

Хорижий давлатлар билан жиноят ишларини юритиш соҳасидаги ҳамкорликда далиллар тўплаш ва жўнатиш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Шунинг учун, ЖПК 594-моддасида хорижий давлат ҳудудида жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этиш давомида унинг ваколатли органлари томонидан олинган, ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, ёхуд ўзаролик принципи асосида шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровга илова қилиниб, Ўзбекистон Республикасига юборилган, белгиланган тартибда тасдиқланган ва топширилган далиллар ЖПК талабларига

мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган далиллар сингари юридик кучга эга бўлади, дейилган.

Унда, шунингдек, хорижий мамлакатдан жиноят иши бўйича далилларнинг Ўзбекистон Республикасига юборилишининг икки тури кўрсатилган.

Биринчиси, хорижий давлат ҳудудида жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этиш давомида унинг ваколатли органлари томонидан далиллар олиниши ва Ўзбекистон Республикасига юборилиши;

Иккинчиси, далилларнинг хорижий давлатдан Ўзбекистон Республикасига муайян шахсни жавобгарликка тортишни назарда тутувчи сўровга илова қилинган ҳолда етиб келиши.

Хорижий давлат ҳудудида ўша мамлакат қонунлари асосида тўпланган далиллар билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

Чет эл қонунчилигининг жиноят иши бўйича далиллар мақбуллиги, яъни далил манбалари, тўлаш субъектлари, усуллари ва шартлари тўғрисида қоидалари бизнинг қонунчиликдан кескин фарқ қилсада, ўша мамлакат ҳудудида тўпланган далиллардан Ўзбекистон Республикасида жиноят иши бўйича фойдаланиш мумкинлиги таъкидланган.

Хорижий давлат ҳудудида тўпланган маълумотларда фойдаланишнинг яна бир муҳим шарти қонун ва шартномаларда белгиланган тартибда ваколатли шахс томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасига топширилганлиги ҳисобланади.

Мазкур қоидада бир ҳолатга эътибор қаратилиши керак. Қоида мазмунига кўра, чет элда тўплаб Ўзбекистонга юборилган далилларни тўплашда Ўзбекистон томонидан киритилган сўров асосий шарт сифатида келтирилган. Лекин жиноятчиликка қарши фаол курашиш ва жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун хорижий давлатнинг ваколатли органидан сўров келиб тушиши бу қоидада инобатга олинмаган.

Нафақат, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан сўров киритилганда балки, бундай сўров бўлмасдан туриб ҳам тўпланган далилларнинг юридик кучи тан олиниши керак. Ўзбекистон Республикасида ушбу далиллардан жиноят ишида фойдаланиш учун уларни текшириш ва баҳолашда Ўзбекистон Республикаси қонунларига таянилади.

Далиллар процесснинг барча босқичларида текширилади. Фактик маълумотлар ҳам, улар олинадиган манбалар ҳам, ҳар бир далил алоҳида ҳамда бошқа далиллар билан биргаликда ҳам текширилиши лозим. Далилларни процессуал қарорларнинг қабул қилинишига алоқадор бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар текширадилар. Процесснинг бошқа субъектлари далилларни текширишда иштирок этадилар, холос.

Далилларни баҳолаш - далилларга баҳо бериш исбот қилишнинг якунловчи элементи. Бу фаолият эҳтимолга эмас, аниқ ишончга таяниши хусусида жиноят-процессуал қонунда белгиланган: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишидаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар

томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Ҳозирги кунда халқаро жиноятчиликнинг ривожланиб бораётганлиги ҳамда дунёнинг қарийб барча минтақаларини қамраб бораётганлиги, унга қарши курашишда замон талабларига мувофиқ фанда яратилган сўнгги имкониятлардан фойдаланишни тақозо этади. Бу борада видеоконференцалоқанинг алоҳида ўрнини эътироф этиш мумкин.

Жиноят ишларини юритишда халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасига мазкур янгиликнинг киритилиши туфайли жиноятларни очиш ва тергов қилиш муддатларини қисқартириш, шу билан бирга халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий давлатларга бориш билан боғлиқ ҳаражатларни қисқартириш имконини беради.

Жиноят ишларини юритишда видеоконференцалоқадан фойдаланиш мумкинлиги, илк марта 1990 йил БМТ томонидан қабул қилинган жиноят жабрланувчилари ва ҳокимиятни суиистеъмол қилганлик бўйича одил судлов асосий принциплари Декларациясини амалга ошириш бўйича жиноий одил судлов тизими ходимлари учун Қўлланма[1]да белгиланган.

Мазкур ҳужжатнинг 55-бандида “жабрланувчилар гувоҳлик кўрсатувларини беришдан қўрқсалар, … айрим давлатлар қонунчилиги видеотасмага ёзиб олинган гувоҳлик кўрсатувларидан ёки видеоёзувни тўғридан-тўғри узатишдан фойдаланишга йўл қўйиши” белгиланган.

Жиноий ишларни юритишда ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик доирасида видеоалоқа воситаларидан фойдаланишнинг яна бир ижобий жиҳати бу сўзсиз жиноят иши бўйича хорижда бўлган гувоҳларни сўроқ қилиш масаласи билан боғлиқ. “Саккизлик гуруҳи” вазирларининг 1996 йил 12 апрелдаги йиғилишида маъқулланган Трансмиллий уюшган жиноятчилик бўйича гуруҳ етакчи экспертлари Тавсияномаларининг 15-тавсиясида қуйидагилар белгиланган:

“Давлатлар жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли чораларни кўриш мумкинлигига эътибор қаратишлари лозим. Бундай чоралар алоқанинг техник йўллари орқали кўрсатмалар бериш, ёки гувоҳларнинг манзили ёки шахси ҳақидаги маълумотларни ошкор қилишни чеклаш каби методларни ўз ичига олиши лозим.

Қамоқда сақланаётган шахсларни вақтинча гувоҳлар тоифасига ўтказиш, аризаларни ёзма шаклда беришни кенг қўллаш, шунингдек, ҳозирда мавжуд бўлган терговни олиб бораётган давлат ҳудудидан ташқарида бўлган

[1] Резолюция ЭКОСОС 1990.22 от 24.05.1990 г. (Документ A.CONF.144/20, 7 june, 1990).

гувоҳлардан кўрсатмалар олиш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш учун видеоалоқа сингари замонавий технологияларни қўллаш мумкинлиги ўрганилиши лозим”[1].

Шунингдек, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясида хориж давлатида бўлган шахснинг ҳуқуқий ёрдам тўғрисида сўров юборган давлат ҳудудига гувоҳ сифатида келишининг имкони бўлмаса, уни ўзи истиқомат қилаётган давлатида видеоалоқа орқали сўроқ қилиниши мумкинлиги белгиланган[2].

Видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича давлатларнинг муносабатларини батафсил тартибга солишга қаратилган дастлабки халқаро шартнома, бу 2000 йилги Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Европа Иттифоқи Конвенцияси ҳисобланади. Ушбу халқаро ҳужжат уни имзолаган давлатларга 1959 йилги Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Европа Конвенциясида назарда тутилган имкониятларни кенгайтириш мақсадига йўналтирилган.

Ушбу Конвенциянинг 10-моддасида гувоҳ ёки эксперт сифатида сўроқ қилиниши лозим бўлган шахс хорижий давлатда бўлиб, сўроқ олиб бориш жойига етиб келишининг имкони бўлмаса, унинг видеоконференцалоқа воситасида сўроқ қилинишини сўраб ҳуқуқий ёрдам ҳақидаги сўроқ юборилиши мумкинлиги белгиланган. Бунда сўровни қабул қилган давлат агарда унинг қонунчилигининг фундаментал принципларига зид келмаса ва бунинг учун тегишли техник имкониятлар мавжуд бўлса видеоконференцалоқани қўллашга розилик бериши кераклиги, агарда видеоконференцалоқадан фойдаланиш учун сўровни қабул қилган давлатда тегишли техник имкониятлар мавжуд бўлмаса, томонлар келишувига асосан бундай имкониятлар сўровни юборган давлат томонидан тақдим этилиши мумкинлиги қайд этилган[3].

Хулоса қилиб айтганда, жиноят ишларини юритишда, хусусан, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш доирасида, халқаро ҳамкорликни ўз олдига мақсад қилган ҳар бир давлатдан аввалambор бу борадаги ҳуқуқий асосни шакллантириш, жиноятчиликка қарши курашда икки томонлама ва кўп томонлама битим ва шартномалар имзолаш, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилишни тақозо этади.

Ўз ўрнида ҳар бир давлат ўз миллий қонунчилигини ўша шартнома ва битимларга мослаштириши лозим бўлади.

Бу борада миллий қонунчилигимизда Ўзбекистон Республикаси томонидан “ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномалар

---

[1] Senior Expert Group on Trnasnational Organized Crime/ Senior Experts Group Recomendations. Paris. April 12, 1996 // G-8 Information Centre. Information System by the University of Toronto Library and the G8 Research Group at the University of Toronto. - <http:www.g7.utoronto.ca/g7/crime/40pts.htm>.p.5-6.

[2] Милинчук В.В. Институт правовой помощи по уголовным делам. - М., 2001 -С. 131.

[3] Жиноят ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик/ А.М. Бабаев; З.Ф.Иноғомжонова. –Т.: ТДЮИ, 2012. - 220 бет.

ратификация қилиниши” белгилаб қўйилган. Бунда “ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам” тушунчалари бевосита жиноят ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик масалаларини ҳам ўз ичига олади[1].

ХУЖАНОВ ТИЛЛАБЕК КЕЛДИБЕКОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Аннотация: Ушбу мақолада вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича одил судловни амалга оширишнинг хусусиятлари халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик асосида ёритиб берилади. Бунда, вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича одил судловни амалга оширишдаги ўзига хос хусусиятларни, жазо ва уни тайинлаш тартиби ҳамда вояга етмаганларни жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш асослари, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш борасидаги белгиланган тартиб, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштириш борасидаги нормалар миллий ва ҳалқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали ўрганилган.

Калит сўзлар: Вояга етмаганлар, одил судлов, жазо, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш, ҳалқаро стандартлар, конвенция, қонун, ратификация.

Annotation: This article highlights the features of juvenile justice on the basis of international standards and national legislation. In this case, the specific features of the implementation of justice for the crimes of minors, the order of punishment and its appointment, and the grounds for the release of minors from responsibility or punishment, the established procedure for the conduct of cases on the crimes of minors, conditional release from serving the sentence or the imposed sentence Norms on substitution with lighter have been studied by analyzing national and international documents.

Key words: Juveniles, justice, punishment, responsibility and impunity, life imprisonment, international standards, convention, law, ratification.

Аннотация: В данной статье освещаются особенности ювенальной юстиции на основе международных стандартов и национального законодательства. При этом определяются особенности осуществления правосудия по делам о преступлениях несовершеннолетних, порядок наказания и его назначения, а также основания освобождения несовершеннолетних от ответственности или наказания, установленный порядок ведения дел о преступлениях несовершеннолетних, условно-досрочное освобождение от отбывания наказания или назначенного наказания. Нормы о замене зажигалкой изучены путем анализа национальных и международных документов.

Ключевые слова: Несовершеннолетние, правосудие, наказание, ответственность и безнаказанность, пожизненное заключение, международные стандарты, конвенция, закон, ратификация.

[1] Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни 14-моддаси 2-банди. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил., 49-50-сон, 365-модда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон қадри ва унинг манфаати учун хизмат қилиш, шунингдек инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир. Зеро, давлатнинг қудрати, аввало унда барча итоат этадиган тартиб-қоидаларнинг ўрнатилганлиги, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг мавжудлиги ва мавжуд қонунларга амал қилиниши каби қатор мезонлар билан баҳоланади. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлашда алоҳида ёндашиш талаб этадиган вояга етмаганларни ҳуқуқларини химоя қилиш зарурати ҳам борки, бу борада бир қатор миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинган.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс “бола” ёки “вояга етмаган” ҳисобланишлиги қайд этилган[1]. Ҳалқаро ҳуқуқда ҳам вояга етмаганлик ёши чегараси ўн саккиз ёш билан белгиланган бўлиб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция”нинг 1-моддасида “ўн саккиз ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланадиган қонун бўйича у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланишлиги”[2] белгилаб қўйилган.

Ҳалқаро ва миллий қонунчиликда ушбу белгиланган вояга етмаганлик (бола) ёшида, яъни ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар томонидан жиноят содир этилганда уларга нисбатан одил судловни амалга ошириш борасидаги нормалар ва ушбу нормаларда белгиланган қоидаларнинг амалга ошириш механизмлари ҳақида фикр юритамиз.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича одил судловни амалга оширишдаги ўзига хос хусусиятларини миллий қонунчилигимизда акс этганини қуйидагиларда кўришимиз мумкин: вояга етмаганларни жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишда ишни ошкора кўрилиши, ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси қоидасига амал қилиниши, вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолатини инобатга олиниши, унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари ўрганилиши, ишни юритишда қонуний вакил, ҳимоячи, педагог (зарур ҳолларда психолог)нинг қатнашиши шартлиги, юқори инстанцияга апелляция бериш ҳуқуқи, вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси тайинланишида “охирги зарурат” тамойили асосида амалга оширилиши, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланиши “фавқулодда таъсир чораси сифатида” баҳоланиши, умрбод озодликдан

[1]“Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”,Ўзбекистон Республикаси Қонуни 07.01.2008 ЎРҚ-139-сон.

[2]Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. // 1989 йил 20 ноябрда Бош Ассамблеянинг 44/25-сон резолюцияси билан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-XII сонли “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги қарорига мувофиқ қўшилган. https://lex.uz/docs/2595913

маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланиши таъқиқланганлиги, озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаган шахсни шу турдаги жазони ўтаётган вояга етган шахсдан ёки муқаддам жиноят содир этиб судланган бошқа вояга етмаган шахсдан алоҳида сақланиши, жазо тайинлашнинг қатъий белгиланган чегараси мавжудлиги, жазо ва жавобгарликдан озод қилишдаги алоҳида қоидаларнинг мавжудлиги ва бошқа бир қанча жиҳатларни айтишимиз мумкин.

Миллий қонунчилигимизда акс этган ушбу қоида ва эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатлар, бола ҳуқуқларига оид бир қанча ҳалқаро ҳужжатлар нормаларида ўз аксини топган. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1990 йил 14 декабрда 45/110 резолюцияси билан қабул қилинган “Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари” (“Токио қоидалари”)да “балоғатга етмаган болалар ҳуқуқларининг асосий процессуал кафолатлари, хусусан, айбсизлик презумпцияси, айб қўйилганлик ҳақида хабардор этилиш ҳуқуқи, гувоҳлик беришдан бош тортиш ҳуқуқи, адвокат олиш ҳуқуқи, ота-она ёки васийнинг ҳозир бўлиши ҳуқуқи, гувоҳлар билан юзлашиш ва уларнинг икки ёқлама терговида бўлиш ҳуқуқи ва юқори инстанцияга апелляция бериш ҳуқуқи судлов ҳаракатларининг барча босқичларида таъмин этилиши лозимлиги”[1], “Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоя қилишга оид” БМТ қоидалари (Гавана қоидалари)да “вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш чораси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фақат фавқулодда таъсир чораси сифатида ва минимал зарурий вақт давомида қўллаш мумкинлиги белгиланганлиги (2-банд), ушбу қоидаларнинг 17-банди талабларига кўра эса “вояга етмаган шахс қамоққа олинган тақдирда уни қамоқда сақлаш муддатининг имкон қадар қисқароқ бўлиши учун ишнинг максимал даражада тез кўриб чиқилиши ҳамда унинг судланган бошқа вояга етмаган шахслардан алоҳида сақланишини таъминлаш лозимлиги”[2], “Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция”нинг 37-41-моддаларида: “содир этилган жиноятлар учун жазодан озод қилиш имконияти бўлмаса ўлим ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазолари ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланилмаслиги, болаларга нисбатан қийноққа солиш ва қадр-қимматни камситувчи жазо таъқиқланиши, жиноий хатти-ҳаракатлар содир этишда айбланаётган боланинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши шартлиги”[3] ўз аксини топган.

---

[1] БМТнинг “Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари” (“Токио қоидалари”). // Бош Ассамблеянинг 1990 йил 14 декабрдаги 45/110 резолюцияси билан қабул қилинган.

[2] Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. // 1989 йил 20 ноябрда Бош Ассамблеянинг 44/25-сон резолюцияси билан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-XII сонли “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги қарорига мувофиқ қўшилган. https://lex.uz/docs/2595913

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори. https://www.lex.uz/docs/1449720.

Қуйида, вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилганда улар ҳуқуқлари кафолатлари ва одил судловни амалга оширишнинг ўзига хос ҳусусиятлари борасидаги айрим жиҳатларини маълум бир нормалар мисолида кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 17-моддасида, жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортилишлиги, ушбу модданинг 2-қисмида эса жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ЖКнинг 97, 98, 104-106, 118, 119-моддалари,126[1]-моддасининг тўртинчи-саккизинчи қисмларида, 137, 164-166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортилишлиги белгиланган[1]. Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар фақат юқорида кўрсатилган моддаларда назарда тутилган жиноятлар учун умумий қоидаларга мувофиқ, ҳамда ЖКнинг олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда жавобгарликка тортилади.

Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилганда, уларга нисбатан адолатли муносабатда бўлишни, қабул қилинаётган қарор унинг “энг яхши манфаатлари”га хизмат қилишини ҳамда одил судлов амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, Жиноят қонунчилигида (олтинчи бўлим) ва Жиноят процессуал қонунчилигида (ўн учинчи бўлим, олтмишинчи боб)[2] алоҳида бўлим мавжуд бўлиб, унда вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган қатъий белгиланган жазо турлари ва уни тайинлаш тартиби ҳамда вояга етмаганларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш асослари, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига кўра, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга асосий жазо сифатида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш каби жазолар қўлланилишлиги, қўшимча жазолар эса тайинланиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан тайинланадиган ушбу жазоларнинг миқдори ва муддатлари анча қисқартирилган бўлиб, бунда жарима жазоси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда (ушбу жазо умумий тартибда, яъни вояга етганларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан олти юз бараваригача) белгиланган. Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурий жамоат ишлари

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори. https://www.lex.uz/docs/1449720

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2022. – 396 б

фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан олтмиш соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланиши мумкинлиги (ушбу жазо умумий тартибда, яъни вояга етганларга нисбатан бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача), ахлоқ тузатиш ишлари жазоси эса фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан бир ойдан бир йилгача муддатга (ушбу жазо умумий тартибда, яъни вояга етганларга нисбатан олти ойдан уч йилгача муддатга), озодликни чеклаш жазоси вояга етмаган маҳкумларга нисбатан олти ойдан икки йилгача (умумий тартибда, яъни вояга етганларга нисбатан бир ойдан беш йилгача) муддатга тайинланиши мумкинлиги белгиланган[1].

Ўзбекистон Республикаси ЖК 85-моддасига кўра, вояга етмаганлар, яъни ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга (алоҳида ҳоллар бундан мустасно) тайинланиши (умумий тартибда, яъни вояга етганларга нисбатан бир ойдан йигирма йилгача муддатга) мумкинлиги белгиланган[2] бўлиб, ушбу жазо тайинланганда, улар ушбу жазони тарбия колонияларида ўташлик белгиланади. Лекин вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди. ЖКнинг 85-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган ушбу қоида, вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо тайинланиши “охирги зарурат” тамойили ва “фавқулодда таъсир чораси” сифатида қўлланилишлиги мумкинлигидан келиб чиқади. Бу норма ўз навбатида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳужжат ҳисобланган “Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоя қилишга оид” БМТ қоидалари (Гавана қоидалари)нинг 2-банди яъни, “вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш чораси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фақат фавқулодда таъсир чораси сифатида ва минимал зарурий вақт давомида қўллаш мумкин”лиги[3] белгиланган ушбу қоидасига тўла мос келади. Мазкур нормани қўлланилиши борасида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 9-бандида қуйидагича тушунтириш берилган: Суд вояга етмаганларга жазо тайинлаш масаласини ҳал этаётганда, биринчи навбатда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори. https://www.lex.uz/docs/1449720.

[2] Правила Организации Объединённых Наций, касающиеся защиты несовершеннолетних, лишённых свободы (Гаванские правила). Приняты резолюцией 45/113 Генеральной Ассамблеи от 14 декабря 1990 года на сайте: http://hrlibrary.umn.edu/instree/Rj1unrjdl.htm1

[3] Правила Организации Объединённых Наций, касающиеся защиты несовершеннолетних, лишённых свободы (Гаванские правила). Приняты резолюцией 45/113 Генеральной Ассамблеи от 14 декабря 1990 года на сайте: http://hrlibrary.umn.edu/instree/Rj1unrjdl.htm1

даражасини, ана шу шахсларга оид маълумотларни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш имкониятини муҳокама қилиши лозим. Суд айбдорни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялашнинг имконияти бўлмаган ҳоллардагина озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаши мумкин. Айни вақтда ҳукмда суднинг бу тўғрисидаги хулосаси асослантирилиши шарт[1]. Бундан ташқари, ЖКнинг 86-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади ва вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ҳамда тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигида вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича одил судловни амалга оширишдаги ўзига хос хусусиятлардан бири, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилганлигидир. Мазкур норма ҳам ҳалқаро стандарт талабларига тўла жавоб беради, яъни, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция”нинг 37-моддаси талабларига кўра “озодликка чиқариш имкониятини кўзда тутмаган умрбод қамоқ жазоси ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун белгиланмайди”[2].

Бундан ташқари, вояга етмаганларга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш ва унинг энг яхши манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахслар ЖКнинг XVI бобида белгиланган тартибда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиниши ҳам мумкин. Бунда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш болалар масалалари бўйича комиссияда кўришга топширилиши мумкин. Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларни жазодан озод қилиниш тартиби эса қуйидагича, агар беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, суд жазодан озод қилиши ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаши мумкин. Бунда вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин бўлади ва бу мажбурлов чоралари қуйидагилар ҳисобланади яъни,

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори. https://www.lex.uz/docs/1449720.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2022. – 396 б.

суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш; ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш (ушбу чора агар етказилган зарар базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади); вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш[1] кабилардир ва вояга етмаганларга нисбатан юқорида қайд этилганлардан бошқа мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин эмас.

Шунингндек, ўн саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга, озодликни чеклашга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки жазо енгилроғи билан алмаштирилиши мумкин.

Бунда, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахс агар унга нисбатан тайинланган жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган ҳамда меҳнат ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлган бўлса, уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш мумкин бўлади. Лекин жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда юқорида келтирилган ҳолатлар мавжуд бўлиши билан бирга қонунчиликда белгиланган асослар мавжуд бўлиши керак, булар қуйидагилар: яъни, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини; оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини; ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлган бўлиши шарт.

Агар шахс ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этганда ва унга нисбатан озодликдан маҳрум қилишга, озодликни чеклашга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганда, ушбу тайинланган жазо қуйидаги асослар мавжуд бўлганда енгилроғи билан алмаштирилиши мумкин бўлади. Бунда, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахс агар унга нисбатан тайинланган жазо турларида белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнат ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлиб келаётган ҳолда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисмини; оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини; ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлинганидан кейин қўлланилиши мумкин[2].

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2022. – 396 б.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2022. – 396 б.

Шу тариқа, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахслар юқорида қайд этилган қоидаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиниши, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилиши мумкин бўлиб, вояга етмаганларга нисбатан адолатли қарор қабул қилинишига эришилади.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича одил судловни амалга оширилишига миллий қонунчилигимизда белгиланган нормаларга оғишмай амал қилинган ҳолда ва Ўзбекистон ратификация қилган халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларини ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўла амалга оширилишини таъминлаш орқали эришиш мумкин бўлади. Шу билан бир қаторда, мазкур соҳадаги бир қанча халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормаларнинг миллий қонунчилигимизга имплементация қилиниши лозим бўлган жиҳатлари қайта кўриб чиқилиши ҳамда амалдаги нормаларни тўғри татбиқ этилишини таъминлаши лозим бўлади.

КОДИРОВ УМИДЖОН БЕШИМОВИЧ
Правоохранительная академия Республики Узбекистан направление “Международное право прав человека” слушатель магистратуры

ЗАЩИТА ПЕРСОНАЛЬНЫХ ДАННЫХ В ЦИФРОВОМ ПРОСТРАНСТВЕ

Аннотация: Цифровая трансформация государства постепенно затрагивает все сферы общественной жизни. Постепенно государство и технологии совершенствуются. Цифровизация определенно влияет на все вопросы реализации принципов защиты прав и свобод человека, поскольку цифровизация, не смотря на свой спектр положительных аспектов, может быть использована для ограничения вышеупомянутых прав и свобод. Цель статьи – изучение основных угроз, исходящих от цифровизации, для принципов прав и свобод человека в цифровом пространстве, а также найти способы к решению или предотвращения проблемы. Приведены и проанализированы основной принцип и угрозы правам и свободам человека, которые могут исходить от цифровизации. Рассмотрено понятие цифрового пространства и принцип защиты персональных данных и их составляющие. Представляется, что цифровизация имеет двойственный характер, поскольку, несомненно, полезна для общества, делает жизнь удобнее, но при этом может вторгаться в частную жизнь индивида. Все это в свою очередь требует вмешательства государства и обеспечения эффективных мер для защиты персональных данных.

Ключевые слова: Цифровизация, ограничение прав и свобод человека, цифровое пространство, защита персональных данных, государство, общество.

Annotation: The digital transformation of the state is gradually affecting all spheres of public life. Gradually, the state and technology are improving. Digitalization definitely affects all issues of implementing the principles of protecting human rights and freedoms, since digitalization, despite its range of positive aspects, can be used to limit the above-mentioned rights and freedoms. The purpose of the article is to study the main threats posed by digitalization to the principles of human rights and freedoms in the digital space, as well as to find ways to solve or

prevent the problem. The basic principle and threats to human rights and freedoms that may come from digitalization are presented and analyzed. The concept of digital space and the principle of personal data protection and their components are considered. It seems that digitalization has a dual character, since it is undoubtedly useful for society, makes life more convenient, but at the same time, it can invade the privacy of an individual. All this, in turn, requires government intervention and the provision of effective measures to protect personal data.

Key words: Digitalization; restriction of human rights and freedoms, digital space, personal data protection, state, society.

Annotatsiya: Bugungi kunda davlatning raqamli transformatsiyasi jamiyat hayotining barcha jabhalariga ta’sir ko’rsatmoqda. Raqamlashtirish inson huquq va erkinliklarini himoya qilish tamoyillarini amalga oshirishning barcha masalalarini qamrab olishiga qaramay, ularni cheklash uchun ham ishlatilishi mumkin. Maqolaning maqsadi raqamli makonda inson huquq va erkinliklari tamoyillariga raqamlashtirishdan kelib chiqadigan asosiy tahdidlarni o’rganish, shuningdek, muammoni hal qilish yoki oldini olish yo’llarini topishdir. Raqamlashtirishdan kelib chiqadigan inson huquqlari va erkinliklariga tahdidlar tahlil qilingan. Ushbu maqolada raqamlashtirishdan kelib chiqadigan inson huquqlari va erkinliklariga tahdidlar tahlil qilinib, raqamli makon tushunchasi, shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish prinsipi va ularning tarkibiy qismlari ko’rib chiqiladi. Raqamlashtirish ikki tomonlama xususiyatga ega, bir tomondan jamiyat uchun foydali bo’lsa, boshqa tomondan insonning shaxsiy hayotiga tahdid qilishi mumkin. Shu sababli mazkur soha davlat aralashuvini hamda shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish bo’yicha samarali choralar ko’rishni talab qiladi.

Kalit so’zlar: Raqamlashtirish, inson huquqlari va erkinliklarini cheklash, raqamli makon, shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish, davlat, jamiyat.

Цифровое пространство представляет собой место, где располагаются электронные версии документов. Оно не совпадает с физическими носителями информации или сетью интернет, а представляет из себя комплекс инструментов и функций, предназначенных для перехода от использования бумажных документов к электронным. Создание цифровых документов началось одновременно с развитием компьютерных технологий, однако массовая замена бумажных аналогов на электронные форматы стала актуальной недавно, что обусловлено принятием законодательных актов, без которых такой переход был бы невозможен.

Концепция цифрового пространства становится все более значимой в нашем современном мире. Это термин, который описывает виртуальную среду, созданную с использованием информационных технологий и передачи данных. То есть, мы погружаемся в цифровое пространство, когда используем интернет, компьютеры, мобильные устройства и другие средства связи. Цифровое пространство охватывает множество аспектов технологического прогресса, включая информационные системы, интернет, социальные сети, электронную коммерцию и прочее. Это влияет на различные сферы нашей жизни, включая общение, развлечения, образование и работу. Быстрый темп развития цифрового пространства создает новые возможности для коммуникации, доступа к информации и сотрудничества, но также представляет новые вызовы и риски, такие как безопасность данных и конфиденциальность. Понимание цифрового пространства и его роли в нашей современной жизни является ключевой для адаптации к изменениям,

которые оно вносит, и использования его преимуществ во благо индивидиума и общества.

Исходя из вышеизложенного вытекает вопрос, что же такое тогда цифровое право? По мнению **Н.В.Варламовой**, "цифровое право – это права человека, связанные с использованием современных цифровых технологий и функционированием в цифровой среде"[1]. В то время как отмечает **В.Д.Зорькин**, "цифровые права человека – это, по сути, конкретизация (посредством закона и правоприменительных, в том числе судебных, актов) универсальных прав человека, гарантированных международным правом и конституциями государств, применительно к потребностям человека и гражданина в обществе, основанном на информации"[2]. Учитывая мнение двух специалистов не могу не согласиться с их утверждениями, но при этом думаю, что цифровые права все же новая разновидность "традиционных" информационных прав, обеспечение и защита которых в достаточной степени урегулированы положениями и нормами соответствующих статей так называемого Биля о правах, включающего в себя Всеобщую декларацию прав человека (1948) и Международные пакты о правах человека (1966). Стоит отметить, что фундаментальные права человека закреплены во Всеобщей декларации прав человека, и они в свою очередь получают новую трактовку в современных условиях развития информационного общества, что позволяет говорить о такой категории прав, как цифровые права человека. Мир до сих пор не определился с названием новых прав: в российской литературе их, как правило, называют "информационными", "цифровыми", "виртуальными", в англоязычной пишут о цифровых правах (digital rights), интернет правах (Internet rights), праве на коммуникацию (right to communicate), свободе соединения с любым лицом в любое время, в любом месте и для любых целей (freedom to connect – to anyone, anytime, anywhere, for anything). В исследовании М.С.Бурьянова введен термин "глобальные цифровые права человека", к которым отнесены право на доступ к информации, право на доступ к информационно-коммуникационным средствам и технологиям, право на доступ в интернет, право на защиту частной жизни и личных данных (персональных и биометрических), право на уважение персональных данных, права, связанные с защитой генетической информации, имущественные права в цифровом имущественном обороте, возможности реализации личных, социальных, экономических, политических и культурных прав на базе технологических платформ, приоритет сохранения и развития человека в контексте создания искусственного интеллекта[3].

[1] Varlamova NV. Digital rights – the next generation of human rights? Proceeding of the Institute of State and Law of the RAS. 2019; 4:9-46. Russian.

[2] Зорькин В.Д. Право в цифровом мире [Электронный ресурс]. URL: https://alrf.ru/news/pravo-v-tsifrovom-mire-vystuplenie-valeriya-zorkina-na-pmyuf/ (дата обращения: 12.03.2022).

[3] Buryanov MS. Global digital human rights in the context of digitalisation risks. Vek globalizatsii. 2020;3:54–70. Russian. DOI: 10.30884/vglob/2020.03.05.

Думаю, тем самым, Бурьянов стремился подчеркнуть естественный характер и планетарную масштабность нового вида прав.

Принцип защиты персональных данных. Понятие права на неприкосновенность частной и личной жизни включает в себя и возможность пользоваться и распоряжаться своими персональными данными[1]. С переходом к цифровой экономике, расширением сети Интернет, цифровизации общества вопросы охраны и защиты персональных данных, в частности их защита в цифровой среде, становятся все более актуальными, что обусловлено сложностями самой цифровой среды, под которой все чаще понимается информационно-телекоммуникационная сеть Интернет.

Понятие персональных данных закреплено в Законе Республики Узбекистан "О персональных данных" №ЗРУ-547 от 02.07.2019 (далее – Закон о персональных данных): "персональные данные – это зафиксированная на электронном, бумажном или ином материальном носителе информация, относящаяся к определенному физическому лицу или дающая возможность его идентификации"). При этом доктринальные источники определяют персональные данные как особый институт охраны права на неприкосновенность частной жизни, как информационный ресурс ограниченного доступа.

Закон о персональных данных определяет персональные данные как конфиденциальную информацию, что следует из положений о доступе к такой информации, особенностей ее распространения. Закон устанавливает обязанности операторов персональных данных по соблюдению требований к их сбору, обработке и распространению, а также закрепляет необходимость формирования системы защиты персональных данных в Республике Узбекистан.

Цифровая среда представляет собой информационное пространство, в котором информация может распространяться неограниченно, предполагается простота копирования информации, возможность хранения информации без материального носителя. И основная сложность – невозможность наложить какие-либо юрисдикционные границы на цифровую среду. Соответственно, наиболее важным аспектом данной проблемы выступает необходимость согласованного международного подхода к регулированию оборота персональных данных в цифровой среде. Хотелось бы отметить, что по сравнению с Российским законодательством о персональных данных в нашем предусмотрена уголовная ответственность за утечку персональных данных. В Российской Федерации только планируют ввести ответственность за утечку персональных данных. Однако, немаловажно отметить то, что и наша система не идеальна. К примеру, в ЕС был принят регламент GDPR, целью которого является укрепление прав субъектов персональных данных[2]. Данный акт предполагает установление

[1] Сычева М. И. Проблемы правового регулирования защиты персональных данных в сети Интернет // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2022. №10–3 (73). С. 175.
[2] URL: https://gdpr.eu (дата обращения: 20.01.2023).

ответственности за несоблюдение правил хранения и обработки персональных данных, раскрывает терминологическую основу – понятия персональных данных, обработки персональных данных, ограничения персональных данных контроллера, процессора персональных данных. Сравнивая данные положения с национальным законодательством, хочется отметить, что законодательство ЕС более детально раскрывает субъектный состав при обороте персональных данных. Более того, в регламенте GDPR такие основополагающие принципы для сферы обработки персональных данных, как законность, справедливость и прозрачность, сбор и обработка для законных целей, адекватность и релевантность персональных данных целям обработки, хранения персональных данных в соответствующей форме.

Принципы, закрепленные GDPR, не являются абстрактными, а приближены к реальным и практическим условиям. Интересным подходом ЕС является установление такой правовой категории, как “право на забвение”, то есть возможность владения данных пользователя из поисковой выдачи по требованию субъекта персональных данных, в том числе путем отзыва согласия на отработку персональных данных.

В зарубежных странах защита персональных данных в значительной степени реализуется на внутреннем уровне – посредством предоставления пользователям пользовательских соглашений, в которых указываются права и обязанности сторон. Более того, на многих интернет-платформах (в том числе в социальных сетях) реализуются собственные программы по защите пользователей от кражи персональных данных (Facebook, YouTube, различные поисковые системы и браузеры). Представляется, что некоторая степень саморегулирования в контексте защиты персональных данных пользователей имеет место, так как основная задача информационных порталов и платформ – это предоставление защищенной системы, которая функционирует на законодательных стандартах обеспечения безопасности пользовательских данных.

Таким образом, подводя итог, можно сказать, что проблема защиты персональных данных является одной из наиболее актуальных в современных условиях. Для Узбекистана ее актуальность связана с угрозой преступного воздействия на персональные данные, отсутствие необходимого уровня технологической независимости. Узбекистан в отличии от стран СНГ должен быть готов к защите персональных данных, что неплохо получается. Необходимо позаимствовать у зарубежных стран право забвение (право быть забытым) для полного укрепления закона о персональных данных и вводить санкции в отношении социальных сетей в случае несоблюдения этого права.

MAXSITALIYEV SHERZODJON
MIRZOXIDJON O'G'LI
O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

NOQONUNIY MIGRATSIYASIGA QARSHI KURASHISHNING TASHKILIY-HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH

Annotatsiya: Hozirgi dunyoda davlatlarning rivojlanish istiqbollari bevosita migratsiya jarayonlariga bog'liq bo'lganligi sababli, davlatlarning iqtisodiy rivojlanishini migratsiyasiz tasavvur qilish mumkin emas. Shu sababli, ko'plab davlatlar migratsiya sohasidagi munosabatlarni rivojlantirishga, ularni huquqiy tartibga solish masalalarini takomillashtirishga, shuningdek boshqa davlatlar bilan migratsiya sohasida ikki tomonlama va ko'p tomonlama shartnomalar tuzishga hamda noqonuniy migratsiyani oldini olishga katta e'tibor qaratishmoqda. Mazkur maqolada noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashishning tashkiliy-huquqiy asoslari ilmiy asoslantirilgan holda tahlil qilingan. Shu bilan bir qatorda noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashish, migratsiyani huquqiy jihatdan tartibga solish bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: Migratsiya, noqonuniy migratsiya, migratsiyani huquqiy jihatdan tartibga solish, noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashish, migratsiyani tashkiliy-huquqiy asoslarini takomillashtirish.

Аннотация: Поскольку перспективы развития государств в современном мире напрямую зависят от миграционных процессов, экономическое развитие государств невозможно представить без миграции. Поэтому многие государства уделяют большое внимание развитию отношений в сфере миграции, совершенствованию вопросов их правового регулирования, а также заключению двусторонних и многосторонних договоров в сфере миграции с другими государствами и предупреждению нелегальной миграции. В данной статье научно обоснованы организационно-правовые основы борьбы с нелегальной миграцией. Параллельно разрабатываются предложения и рекомендации по борьбе с нелегальной миграцией, правовому регулированию миграции.

Ключевые слова: Миграция, незаконная миграция, правовое регулирование миграции, борьба с нелегальной миграцией, совершенствование организационно-правовых основ миграции.

Annotation: Since the prospects for the development of states in the modern world directly depend on migration processes, the economic development of states cannot be imagined without migration. Therefore, many States pay great attention to the development of relations in the field of migration, the improvement of their legal regulation, as well as the conclusion of bilateral and multilateral treaties in the field of migration with other States and the prevention of illegal migration. This article scientifically substantiates the organizational and legal foundations of the fight against illegal migration. In parallel, proposals and recommendations are being developed to combat illegal migration and legal regulation of migration.

Key words: Migration, illegal migration, legal regulation of migration, combating illegal migration, improving the organizational and legal framework of migration.

Noqonuniy migratsiya tushunchasi ilmiy va maxsus adabiyotlarda turlicha ifodalangani bois, hozirgacha uning yagona ta'rifi mavjud emas. Xususan, M.I.Barannikning fikricha, noqonuniy migratsiya - shaxsning o'zga mamlakatga borishi yoki yashash manzilini tark etishi, o'z hududidagi xorijiy fuqarolarni noqonuniy yo'l bilan kiritish, tranzit qilish va qonunga xilof ravishda boshqa

mamalakatga chiqish bilan bog'liq jarayon sifatida ta'riflaydi[1]. Professor V.N.Sumarokov esa, shaxsni chet elga chiqishi va ikkinchi mamlakat hududida bo'lishi qonuniy asoslarda vujudga kelsa-da, biroq uning mamlakatga qonunga xilof ravishda kirishi ham noqonuniy migratsiya sifatida baholangan[2].

Tadqiqotchi B.I.Egamberdiyevning fikriga ko'ra, noqonuniy migrsatsiya O'zbekiston Respublikasi fuqarosi, chet el fuqarosi yoki fuqaroligi bo'lmagan shaxslarning O'zbekiston Respublikasi qonunlarida belgilangan respublika hududiga kirish, bo'lish va undan chiqish yoxud O'zbekiston Respublikasi hududi orqali tranzit o'tish tartiblarini buzgan holda harakatlanishi sifatida ta'riflash maqsadga muvofiq bo'ladi[3].

Yuqoridagi keltirilgan ta'riflarga qo'shilgan holda aytish mumkinki, noqonuniy migratsiya - O'zbekiston Respublikasi fuqarosi, chet el fuqarosi yoki fuqarolikka ega bo'lmagan shaxsning xalqaro standartlar va milliy qonunchilikda belgilangan davlatdan chiqish, uning hududida bo'lish va undan chiqish, shuningdek uning hududidan tranzit o'tish qoidalarining buzilishi hisoblanadi.

Noqonuniy migratsiyasiga qarshi kurashishning tashkiliy-huquqiy asoslarini takomillashtirish, migratsiya munosabatlarini huquqiy tartibga solish mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy barqarorligini ta'minlashda, jinoyatchilikni oldini olish, terrorizm va ekstremizmga qarshi kurashishda katta ahamiyatga ega.

Zero, hozirda dunyodagi notinch hamda tahlikali vaziyatda mamlakat xavfsizligi, aholining tinchligi hamda jamoat tartibini saqlash eng ustuvor vazifalardan biridir. Sababi, ba'zi bir xorijiy davlatlarda noqonuniy yo'llar orqali o'sha davlat hududiga kirib borgan shaxslar (migrantlar) jinoiy sindikatlar bo'lib chiqmoqda. Ular ko'pincha transchegaraviy bo'lib, xorijiy razvedka xizmatlari hamda xalqaro radikal ekstremistik tuzilmalarning emissarlari bilan hamkorlik qiladi. Shu bilan bir qatorda bunday jinoiy guruhlar odam savdosi va giyohvand moddalari bilan ham shug'ullanadi, shuningdek, moliyaviy jinoyatlar hamda kiberjinoyatlarni sodir etmoqda. Natijada, ushbu vaziyat boshqa davlatlarni migratsiya munosabatlarini tartibga solish, noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashish choralarini kuchaytirishga undamoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasida noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashishni takomillashtirish, migratsiya munosabatlarini tartibga solish asosiy masalaga aylanib bormoqda. Chunki, hozirgi vaqtda O'zbekiston hududiga migrantlarning chegarani buzib o'tib, aylanma yo'llar orqali noqonuniy kirib kelishi yoxud respublika hududidan noqonuniy yo'llar bilan chiqib ketish holatlari ko'payib bormoqda.

---

[1] Баранник М.И. Криминологические и правовые проблемы борьбы с незаконной миграцией. Владивостокский центр по изучению организованной преступности. – Владивосток, 2002. – С.

[2] Сумароков В.Н. Нелегальная миграция как угроза национальной безопасности Российской Федерации: понятие, содержание, причины возникновения, направления противодействия //Transport Business in Russia., №1 2014. – С.

[3] Эгамбердиев Б.И. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш. Автореф. дисс. … юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy). Тошкент, 2021.

Noqonuniy migratsiya mamlakatimizga ijtimoiy, iqtisodiy, demografik, shu bilan bir qatorda jinoiy jihatdan o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatmoqda. Shuningdek, tashqi mehnat migratsiyasi sohasida chet mamlakatlarga ishlash maqsadida borayotgan mehnat migrantlari tomonidan noqonuniy yoki aylanma yo'llar bilan mamlakat hududini tark etgan holda boshqa davlat hududi chegarasini buzib o'tib, davlatning qonunlariga itoat etmaslik holatlari kelib chiqmoqda.

Mazkur holatlarda mamlakatda migratsiya nazorati tizimi samarasiz bo'lib qolmoqda hamda noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashishda qarshilik ko'rsata olmayapti. Migratsiya sohasida yagona davlat siyosatini amalga oshiruvchi davlat organining mavjud emasligi oqibatida davlat organlari noqonuniy migratsiya kelib chiqishining oldini olish va bartaraf etishda vakolatlardan to'liq hajmda foydalana olmayapti. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasida migratsiya tizimi qonun bilan tartibga solinmaganligi ham noqonuniy migratsiyani tashkil etishga imkon yaratib berayotgan omillardan biri bo'lib kelmoqda. Bu esa, o'z navbatida insonlar o'rtasida tanosil yoki OITS kasalligini yuqtirish ehtimolining ortishiga, pornografik mahsulotlarini olib kirish, terrorchilik faoliyatida ishtirok etish, chet elga chiqish, kirish yoxud qonunga xilof ravishda chegaradan o'tish tartibini buzish, diniy ekstremistik, separatistik, fundamentalistik yoki boshqa taqiqlangan tashkilotlar tuzish, rahbarlik qilish va ishtirok etish, diniy mazmundagi materiallalrni qonunga xilof ravishda tayyorlash, saqlash, tarqatish va ularni olib kirish, bojxona nazoratini cheklab yoki yashirib, zaharli, zaharlovchi, radiaktiv, portlovchi moddalar, qurol-yarog', o'q otar qurollar, o'q-dorilar, giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni O'zbekiston Respublikasi hududiga olib kirish kabi jinoyatlarni sodir etilishiga sabab bo'lib kelmoqda[1].

Noqonuniy migratsiya tufayli insonlar chet mamlakatlarda o'sha davlatga noqonuniy ishga borganliklari va noqonuniy mehnat faoliyati bilan shug'ullanganliklari, chegarani aylanma yo'llar orqali buzib o'tganliklari uchun jinoiy javobgarlikka tortiladilar. Sababi, ko'plab xorijiy davlatlarda noqonuniy migratsiya uchun jinoiy javobgarlik belgilangan. O'zbekiston Respublikasida esa noqonuniy migratsiya uchun javobgarlik belgilanmagan. Balki ushbu omillar ham noqonuniy migratsiyaga sharoit yaratib berayotgan omillardan biri bo'lib kelmoqda.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, migratsiya sohasidagi huquqiy munosabatlarni tartibga solish borasida qonun darajasidagi normativ huquqiy-hujjatlarning mavjud emasligi, shuningdek, migratsiya sohasida yagona davlat siyosatini yuritadigan davlat organlarining mavjud emasligi noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashish borasidagi vazifalarni amalga oshirishni murakkablashtirmoqda.

[1] Макаров М.А. Организация незаконной миграция. Магистерская диссертация, Красноярск, 2021.
Sh.A. Jo'rayev. Migratsiya sohasidagi qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazorati va uni takomillashtirsh masalalari. http:// proacademy.uz

NARIMANOVA DURDONA
MAXMUDJON QIZI
O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

UZBEKISTAN'S WTO AMBITION: BRIDGING NATIONAL LAW WITH GLOBAL TRADE NORMS

Annotation: This article explores Uzbekistan's journey towards World Trade Organization (WTO) membership, focusing on the nation's efforts to harmonize its legal framework with WTO norms and the implications for domestic legislation. The article discusses the challenges of aligning national laws with international trade standards and the potential disputes that could arise from this process. Additionally, it examines the strategies Uzbekistan is implementing to enhance investment security and economic development as part of its broader integration into the global trade system. Through a detailed analysis of Uzbekistan's approach, the article provides valuable insights into the complexities of WTO accession and the steps needed to ensure a smooth transition into the international trading community.

Keywords: Uzbekistan, World Trade Organization, WTO membership, international trade, national legislation, economic reform, legal harmonization, investment security, dispute resolution, global trade system, trade liberalization, economic development.

Annotatsiya: Ushbu maqola O'zbekistonning Jahon Savdo Tashkilotiga (JST) a'zo bo'lish yo'liga, mamlakatning huquqiy asoslarini JST normalari bilan uyg'unlashtirishga qaratilgan sa'y-harakatlari va uning ichki qonunchilikka ta'siriga e'tibor qaratadi. Maqolada milliy qonunlarni xalqaro savdo standartlariga moslashtirish muammolari va bu jarayondan kelib chiqishi mumkin bo'lgan nizolar muhokama qilinadi. Bundan tashqari, unda O'zbekistonning global savdo tizimiga kengroq integratsiyalashuvi doirasida investitsion xavfsizlik va iqtisodiy rivojlanishni oshirish bo'yicha amalga oshirilayotgan strategiyalar ko'rib chiqiladi. Maqolada O'zbekistonning yondashuvini batafsil tahlil qilish orqali JSTga a'zo bo'lishning murakkabliklari va xalqaro savdo hamjamiyatiga muammosiz o'tishni ta'minlash uchun zarur bo'lgan qadamlar haqida qimmatli tushunchalar berilgan.

Kalit so'zlar: O'zbekiston, Jahon savdo tashkiloti, JSTga a'zolik, xalqaro savdo, milliy qonunchilik, iqtisodiy islohot, huquqiy uyg'unlashtirish, sarmoya xavfsizligi, nizolarni hal qilish, global savdo tizimi, savdoni erkinlashtirish, iqtisodiy rivojlanish.

Аннотация: В данной статье рассматривается путь Узбекистана к членству во Всемирной торговой организации (ВТО), уделяя особое внимание усилиям страны по гармонизации своей правовой базы с нормами ВТО и последствиям для внутреннего законодательства. В статье обсуждаются проблемы приведения национального законодательства в соответствие со стандартами международной торговли и потенциальные споры, которые могут возникнуть в результате этого процесса. Кроме того, в нем рассматриваются стратегии, реализуемые Узбекистаном для повышения инвестиционной безопасности и экономического развития в рамках более широкой интеграции в мировую торговую систему. Благодаря подробному анализу подхода Узбекистана, статья дает ценную информацию о сложностях вступления в ВТО и шагах, необходимых для обеспечения плавного перехода в международное торговое сообщество.

Ключевые слова: Узбекистан, Всемирная торговая организация, членство в ВТО, международная торговля, национальное законодательство, экономическая реформа, правовая гармонизация, инвестиционная безопасность, разрешение споров, глобальная торговая система, либерализация торговли, экономическое развитие.

Uzbekistan's trajectory towards World Trade Organization (WTO) membership reflects a nuanced interplay between domestic economic imperatives and international trade obligations. Emerging from the dissolution of the Soviet Union, Uzbekistan embarked on a pioneering journey of economic reform, positioning itself as a regional leader in Central Asia. The initial steps towards WTO membership were taken in December 1994, marking the beginning of negotiations aimed at integrating into the global trade architecture. However, progress was impeded by domestic policy shifts, notably the imposition of currency controls on cotton export earnings in 1996, conflicting with the principles espoused by the WTO[1].

A transformative shift occurred following the 2016 presidential elections, heralding a renewed commitment to economic liberalization. The subsequent legislation in 2017, aimed at liberalizing currency exchange, signaled Uzbekistan's resolve to realign its economic policies with international standards. This resurgence in commitment was enshrined in the Action Strategy for the Development of Uzbekistan (2017-2021), which identified the activation of WTO negotiations as a key priority. Leveraging diplomatic ties, Uzbekistan engaged in bilateral negotiations with various countries, culminating in successful negotiations with Georgia, Turkey, and Mongolia, among others. With a working group comprising 47 member states, Uzbekistan navigates the intricate terrain of WTO accession, cognizant of the need to balance domestic imperatives with international obligations.

The integration of WTO norms into national legislation constitutes a pivotal phase in Uzbekistan's journey towards WTO membership. The recent constitutional revisions underscore Uzbekistan's commitment to international legal norms, positioning international treaties as a component of the national legal framework. However, the precise implications of this provision necessitate further elucidation, particularly concerning potential conflicts between domestic legislation and WTO agreements. A model clause serves as a mechanism to reconcile such disparities, ensuring the primacy of WTO obligations in the event of a conflict.

The harmonization process entails a meticulous examination of domestic laws vis-à-vis WTO norms, necessitating amendments to existing legislation to ensure compliance. This entails a delicate balancing act, wherein Uzbekistan seeks to preserve national sovereignty while adhering to international trade standards[2]. The integration of WTO norms heralds a new era of transparency and predictability in Uzbekistan's legal landscape, fostering an environment conducive to foreign investment and economic growth.

Anticipating potential disputes within the WTO framework is imperative as Uzbekistan navigates the complexities of international trade. Analysis of historical dispute trends underscores the significance of areas such as anti-dumping

[1] Pomfret, R. (2020). Uzbekistan and the world trade organization. Silk Road: A Journal of Eurasian Development, 2(1), 54-61.

[2] Ashurov, S. (2023). The role of the World Trade Organization (WTO) in the economy of Uzbekistan: opportunities and challenges. Прикладные науки в современном мире: проблемы и решения, 2(5), 12-13.

measures, subsidies, and intellectual property rights[1]. Uzbekistan's participation in investment disputes sheds light on recurring themes of transparency and investment security, highlighting the need for robust legal frameworks to mitigate potential conflicts.

A proactive approach involves leveraging insights gleaned from historical disputes to inform policy formulation and legal reforms. By bolstering institutional capacity and enhancing transparency measures, Uzbekistan seeks to preemptively address potential sources of conflict, safeguarding its interests within the WTO framework.

Investment security constitutes a linchpin of Uzbekistan's economic development strategy, underpinning efforts to attract foreign capital and foster sustainable growth. Enhancing the domestic investment climate entails a multifaceted approach, encompassing tax reforms, streamlined regulatory processes, and targeted sectoral incentives[2]. The creation of an investment database facilitates strategic decision-making, enabling Uzbekistan to identify priority sectors and attract targeted investments.

Furthermore, promoting export-oriented industries and fostering collaboration between large enterprises and small businesses are essential for bolstering economic resilience and diversifying revenue streams[3]. Uzbekistan's commitment to localizing production and fostering innovation underscores its proactive stance towards economic development and integration into the global economy.

Uzbekistan's odyssey towards WTO membership epitomizes a delicate balancing act between domestic imperatives and international obligations. By aligning national legislation with WTO norms, preemptively addressing potential disputes, and enhancing investment security, Uzbekistan charts a course towards sustainable economic growth and integration into the global trading system. Embracing the principles of transparency, inclusivity, and adherence to international norms, Uzbekistan embarks on a transformative journey, poised to realize its full potential on the world stage.

MUSAEV DJAMALIDDIN KAMALOVICH
Docent at the department of Special-legal
Disciplines of the Customs Institute

COMBATING ILLICIT DRUG TRAFFICKING WITHIN THE FRAMEWORK OF MEMBER STATES OF THE COMMONWEALTH OF INDEPENDENT STATES

Annotation: The article highlights the current state of international legal cooperation between

[1] Muradova, K., & Abdurazakov, A. (2004). Foreign Trade Regime of Uzbekistan and Its Compliance to Norms of Agreements of WTO.
[2] Kholbazarov, T. (2023). Protectionism and WTO. View from Uzbekistan. View from Uzbekistan (December 17, 2023).
[3] ШепенкоР.А. ВТО и урегулирование антидемпинговых споров: общая характеристика/Р.А.Шепенко// Вестник Пермского университета.-2014 г.- выпуск №1(23)Б.

states in combating illicit drug trafficking.

Keywords: crime, transnational crime, drug trafficking, international cooperation, directions international cooperation, control measures, control measures.

Аннотация: В статье освещается современное состояние международно-правового сотрудничества государств по противодействию незаконному обороту наркотических средств.

Ключевые слова: преступление, транснациональное преступление, незаконный оборот наркотиков, международное сотрудничество, направления международного сотрудничества, меры борьбы, меры контроля.

Аннотация: Мақолада гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда давлатлар ўртасидаги халқаро ҳуқуқий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ёритилган.

Калит сўзлар: жиноятчилик, трансмиллий жиноятчилик, гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний айланиши, халқаро ҳамкорлик, назорат чоралари.

An important component of international crime are crimes of an international nature, provided for both by the relevant conventions and by domestic (national) criminal laws.

The most dangerous and common are:

- international terrorism in all its manifestations;
- illegal traffic in narcotic drugs and psychotropic substances; illegal circulation of weapons, ammunition, explosive devices and explosives;
- illegal migration, slave trade, trafficking in women and children;
- crimes in the field of high technologies;
- corruption crimes related to smuggling, illegal movement of capital, their legalization ("laundering"), illegal export-import of strategic raw materials and materials[1].

Groups involved in drug trafficking, often including representatives of several states, carry out joint criminal actions in many areas of the criminal business that poses an international threat, as a result of which substantial economic damage is caused to almost all states.

The bulk of the proceeds from drug trafficking is used not only to expand the economic base of criminal groups within the country, but is also legalized abroad in order to return to circulation under the guise of "legal" money.

Criminal communities seek to transfer the capital obtained as a result of shadow entrepreneurship to various countries, using banks and financial institutions, including those located in offshore zones[2].

At present, the emerging signs of the transition of the drug business from an organization on a «national basis» to the integration of various «national» drug cartels

[1] Zepelev, V.F. Fight against international crime as an object of cooperation between states / V.F. Tsepelev // Crime in Russia: Causes and Prospects: Materials of the International Scientific and Practical Conference. - M .: All-Russian Research Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2004. - P. 34–35.

[2] Maidykov, A.F. On some directions of the fight against crime in modern conditions / A.F. Maidykov // Crime in Russia: Causes and Prospects: Materials of the International Scientific and Practical Conference. - M .: All-Russian Research Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2004. - P. 16-19.

pose a serious threat[1].

The strengthening of the positions of the domestic drug business is also influenced by such an important factor as the internationalization of this criminal activity caused by the integration of financial and commodity markets. The forces of law and order in many states have noted the criminal activity of the electronic drug trade: agreements on drug deals are concluded, appointments are made, etc[2].

In the system of law enforcement agencies, there are still no common approaches that determine the tactics of organizing the fight against drug trafficking on an international scale. And the reason for this is the concentration of efforts mainly on identifying small traffickers of narcotic drugs.

While it is necessary to develop law enforcement tactics to combat the drug mafia, which is much broader than the methodology for investigating crimes of the NON line[3].

Strategic operations carried out in the area of combating drug trafficking and drug smuggling presuppose the organization of work in this area within the entire system of law enforcement agencies. Within the framework of interdepartmental and international cooperation, strategic operations can be of an operational and preventive nature (Channel, Perimeter) or a targeted orientation (counteraction to African, Asian drug structures in the CIS, etc.)[4].

The legal basis for the Operation Channel is the intergovernmental (interagency) agreements concluded with various countries in the field of combating drug crime[5].

At present, agreements have been concluded between the Government of the Republic of Uzbekistan and the Governments of the CIS member states, providing for the exchange of operational-search, reference, forensic and other information of mutual interest regarding the crimes committed, prepared, related to drug trafficking and persons involved in them.

In addition, the planning and implementation of coordinated measures and operations aimed at preventing, detecting, suppressing and solving crimes, including, where necessary, conducting controlled deliveries. These agreements do not address issues of extradition and legal assistance in criminal matters.

The immediate basis for conducting Operation Channel is a joint plan for its

---

[1] Hasanov, K.K. Drug situation: state, problems and prospects (according to the data of the North-West Federal District of the Russian Federation) / K.K. Hasanov, V.Yu. Rybnikov // Crime prevention in the federal districts of Russia: collection of scientific papers. - M .: All-Russian Research Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2003. - P. 24–32.

[2] Zhdanova, E.V. The drug business is a global threat to the security of the Russian Federation / E.V. Zhdanova, T.V. Prokofiev // Problems of Combating Organized Crime, Corruption and Terrorism: Collection of Scientific Papers. - M .: All-Russian Research Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2004. - P. 28–34.

[3] Hasanov, K.K. Drug situation: state, problems and prospects (according to the data of the North-West Federal District of the Russian Federation) / K.K. Hasanov, V.Yu. Rybnikov // Crime prevention in the federal districts of Russia: collection of scientific papers. - M .: All-Russian Research Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2003. - P. 24–32.

[4] Prokhorov, D.A. Use of the term «special operation» in relation to the forms of combating international drug trafficking / D.A. Prokhorov // Problems of combating crime and training personnel for the internal affairs bodies of the Republic of Belarus: abstracts of reports of the international scientific and practical conference. - Minsk: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Belarus, 2008. - P. 100–101.

[5] Galakhov, S.S. The role of the internal affairs bodies in the system of drug addiction prevention and the prevention of offenses related to drug trafficking (especially working with minors): textbook / S.S. Galakhov, G.N. Dragan, L.V. Kondratyuk. - M .:All-Russian Research Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2004 .-56 p.

implementation with foreign countries[1]. This plan should provide for the correct combination of operational-search measures and investigative actions.

For its implementation, joint investigation groups should be created, as provided for by Article 19 of the United Nations Convention against Transnational Organized Crime, Article 63 of the Convention on Legal Assistance and Legal Relations in Civil, Family and Criminal Matters, signed by the CIS member states on October 7, 2002 in Chisinau[2]. The planning of joint operational-search activities and investigative actions should be carried out with the widespread use of the main provisions of the situational approach[3].

An analysis of the judicial and investigative practice of investigating crimes related to drug trafficking shows that in order to effectively combat this type of illegal act, it is necessary to create situations in which the actions of persons committing illegal sale, transportation, shipment of drugs were carried out under the control of law enforcement officers.

To suppress the activities of criminal communities participating in the organization of international drug trafficking and smuggling of drugs into the territory of the Republic of Uzbekistan, it is required:

- carrying out a complex of operational-search measures and investigative actions on the territory of a separate state in order to identify persons selling narcotic drugs (psychotropic substances) in a certain area (region), as well as entities interacting with them involved in the distribution of drugs across the territory of the state;

- Establishing links between distributors and entities that import drugs into the territory of the Republic of Uzbekistan, the latter's roles;

- fixation of their subsequent criminal actions related to the sale of drugs to distributors and the import of drugs into the territory of the state;

- within the framework of international cooperation - the establishment of persons supplying these entities with narcotic drugs subject to smuggling into the territory of the Republic of Uzbekistan;

- identification of the financing system for drugs purchased on the territory of foreign states;

- carrying out a set of measures by law enforcement officers of interacting states in relation to established drug suppliers, in order to identify and expose all members of the criminal community they form, through "undercover operations"[4];

- the establishment of methods of drug smuggling;

---

[1] Galakhov, S.S. The role of the internal affairs bodies in the system of drug addiction prevention and the prevention of offenses related to drug trafficking (especially working with minors): textbook / S.S. Galakhov, G.N. Dragan, L.V. Kondratyuk.- M .: All-Russian Research Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2004 .-56 p.

[2] Matveichev, Yu.A. Joint investigative and operational group as a form of international cooperation in the investigation of crimes: Problems of legal regulation of activities / Yu.A. Matveichev // Problems of combating crime and training personnel for the internal affairs bodies of the Republic of Belarus: abstracts of reports of the international scientific-practical conference. - Minsk: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Belarus, 2008. - pp. 196–198.

[3] Volchetskaya, T.S. Situational approach in practical and research forensic activity: textbook / T.S. Volchetskaya. - Kaliningrad: KSU Publishing House, 2001.

[4] Vereshchagin, V.A. Prevention, detection and investigation of crimes related to drug trafficking committed in the territories of several CIS member states: a training manual / V.A. Vereshchagin, M. Yu. Voronin, G.N. Dragan. - M .: All-Russian Research Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2005 .-P. 157.

-conducting international controlled deliveries in order to track the routes of movement of transported drugs, identify persons involved in their transit;

- detention of members of a criminal formation participating in the organization of the import of drugs into the territory of the state, as well as persons acting as couriers, after the transfer of imported drugs to the last members of this group;

- seizure of narcotic drugs as a result of vehicle inspections, personal searches of detainees;

- search for drugs as a result of searches at the place of residence of the detainees, in other previously established places where drugs are stored;

- establishing the characteristics of the criminal activities of couriers and smugglers as a result of their interrogations;

- conducting repeated (additional) interrogations of these subjects, using the materials of operational-search activity provided to the investigation;

- elimination of contradictions in the testimony of detained persons as a result of confrontation between them;

- to detain the subjects importing narcotic drugs into the country that is their final destination, measures are taken to detain the subjects of the drug business involved in the system of illegal transit of narcotic drugs identified as a result of international controlled delivery, as well as other operational-search activities.

Taking into account the peculiarities of the system of financing international drug supply, the further investigation proves the participation of the identified subjects in the illegal transit of drugs as part of certain types of criminal communities.

The guilt of these persons will be established by obtaining the necessary evidence as a result of their initial interrogations, conducting searches of their homes, their vehicles, withdrawing the necessary information from the mobile communications they use, computer systems, repeated interrogations using the materials of the operational-search activities, attachment to the materials of the investigated cases of information on the movement of funds in bank accounts related to the financing of illegal drug supply, conducting confrontations between members of identified criminal groups.

From the above, the following conclusions follow:

- by identifying the subjects of the illegal drug business involved in the smuggling of drugs into the territory of the state, conditions are created for carrying out a complex of operational-search measures and investigative actions, allowing to identify and expose the members of criminal communities interacting with them involved in the illegal transit of drugs through the territory of foreign states;

- for effective disclosure and investigation of illegal drug trafficking committed on the territory of several states, knowledge of the regularities of the system of this type of unlawful acts is required, as well as strengthening of international cooperation in order to create favorable conditions for the fight against international drug trafficking.

VI. КОРРУПЦИЯ МУАММОЛАРИ

МАВЛОНОВ АКМАЛХЎЖА ЮСУПОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УСУЛЛАРИ, ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги кунда коррупцияни амалга ошириш учун қўлланиладиган усуллар сунъий интеллект, криптография ва ижтимоий тармоқлар манипуляцияси каби технологияларнинг ривожланиши билан сезиларли даражада ўзгариб бормоқда.[1] Муқаддам коррупция порахўрлик ва пул ювиш, норасмий тўланадиган пуллар каби оддий усулларга таянган бўлса, бугунги кунда илғор технологияларнинг кенг тарқалганлиги ҳуқуқбузарликларнинг янада мураккаб, нозик ва аниқлаш қийин бўлган шаклларидан фойдаланишга имкон бермоқда. Хусусан, коррупциянинг айрим турларини автоматлаштириш учун сунъий интеллект ва машинали таълимдан фойдаланиш ҳолатлари шулар жумласидандир. Унга кўра, сунъий интеллектдан мансабдор шахслар томонидан ҳеч қандай очиқ-ойдин коррупциявий хатти-ҳаракатларсиз муайян шахслар фойдасига харид жараёнларини алгоритмик тарзда созлаш учун фойдаланиш мумкин.[2]

Сунъий интеллект тизимлари савдо мезонларини ўзгартириш ёки аудиторлар ва инсон хатти-ҳаракатларига мўлжалланган мавжуд назорат механизмлари учун кўринмайдиган нозик усулларда назоратни четлаб ўтиш учун яширин тарзда дастурлаштирилиши ҳам мумкин. Чунки сунъий интеллект ҳукуматлар томонидан нотўғри фойдаланишга қарши тегишли кафолатларсиз тезда тадбиқ қилинмоқда.[3]

Виртуал хусусий тармоқлар, шубҳали интернет-форумлар ва криптовалюталар каби криптография ва анонимлаштириш технологиялари, шунингдек, коррупционер субъектларга ўзларининг шахсини ошкор қилмасдан, Интернетда жиноий фитналарни хавфсиз мувофиқлаштиришга имкон беради.

Амалдорлар фақат криптографик манзиллар орқали кузатилиши мумкин бўлган криптовалютада пора олишлари, шериклар билан мулоқот қилиш

[1] Abbott, 2021; Transparency International, 2020.
[2] **Батафсил қаранг:** Public procurement of artificial intelligence systems: new risks and future proofing (Сунъий интеллект тизимларини давлат харидлари: янги хавфлар ва келажакда исботлаш) //https://link.springer.com/article/10.1007/s00146-022-01572-2
[3] Rapidan Energy Group, 2021 // https://www.rapidanenergy.com/

учун шифрланган хабарлардан фойдаланишлари ва махфий маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан коррупция учун аниқлаш хавфи камроқ бўлган алмашиш даркнетидан фойдаланишлари мумкин.[1]

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлар коррупционер субъектлар учун жамоатчилик фикрини шакллантириш, маълумот тарқатувчиларни қўрқитиш ва идрокни манипуляция[2] қилиш орқали терговга тўсқинлик қилиш мақсадида дезинформация тарқатиш учун янги каналларни тақдим этади. Бот-тармоқларни ғаразли мақсадларда мувофиқлаштириш ва Facebook, Twitter каби платформаларда алгоритмик кучайтиришдан фойдаланиш орқали коррупцияга қарши курашишни кенг миқёсли равишда сездирмасдан бузиш мумкин, бунда жиноят бевосита коррупционер субъектлар билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин.

Ушбу ва бошқа кўплаб усуллар коррупционер субъектларнинг илғор технологиялардан қандай қилиб анъанавий назорат усуллари аниқлай олмайдиган тарзда суиистеъмол қилишларини кўрсатади. Аудит ва молиявий назорат таомиллари коррупция, аноним ноқонуний криптовалюта транзакциялари ёки ижтимоий тармоқларда дезинформация кампаниялари учун яширин дастурлаштирилган сунъий интеллект тизимларини ишончли тарзда аниқлай олмайди. Юқоридагиларнинг барчаси замонавий технологик ландшафтга мослаштирилган коррупцияга қарши, бинобарин божхона органларида юз бериши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларга қарши замонавий инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш заруратини кўрсатади.

Бинобарин, божхона органларида коррупцияга қарши курашишда замонавий АКТдан фойдаланиш, соҳани рақамлаштириш ҳамда суъий интеллект имкониятларини тўғри йўналтириш ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Бинобарин, божхона органлари фаолиятини рақамлаштирилиши натижасида божхона расмийлаштируви вақти қисқаради ва соддалаштирилади. Биргина мисол: ҳозирги кунда соҳага рақамлаштиришнинг кириб келиши натижасида экспорт йўналишида экспертиза ўтказиш вақти 2017 йилда 5 соат 42 дақиқа бўлган бўлса, 2023 йилда бу вақт 30 дақиқани ташкил этган. Импорт товарларининг 80 %, экс-порт товарларининг 89 % соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилмоқда.[3]

Давлат божхона қўмитасида ташкил этилган Божхона расмийлаштируви марказида маълумотларни қайта ишлаш маркази, масофавий электрон декларациялаш пости, “call-марказ”, таргетлаш ва хавфларни бошқариш бўлимлари ташкил этилган бўлиб, ахборот тизимлари хорижий давлатлар, мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, ташқи иқтисодий фаолият вакиллари,

[1] https://www.abbott.com

[2] Манипуляция - бу инсоннинг ҳис-туйғулари ва эмоцияларига таъсир қилиш орқали уларни ҳиссий ўзини ўзи бошқаришдир. Батафсил қаранг: Алимардонов З. Манипулятор инсонларга нисбатан қарши туриш йўллари // https://uza.uz/uz/posts/manipulyator-insonlarga-nisbatan-qarshi-turish-yollari_389530?q=%2Fposts%2F manipulyator-insonlarga-nisbatan-qarshi-turish-yollari_389530

[3] Ўзбекистондаги божхона постлари фаолияти масофадан бошқарилмоқда // https://aniq.uz/yangiliklar/uzbekistondagi-bojxona-postlari-faoliyati-masofadan-boshqarilmoqda

авиакомпаниялар маълумотлари билан интеграция қилинган. Таргетлаш ва хавфларни бошқариш бўлимида тезкор тузилмалар томонидан божхонанинг 50 та, Жаҳон божхона ташкилотининг 3 та ахборот дастури, 30 дан ортиқ идора ва хорижий божхоналарнинг маълумотлари таҳлил қилиниб, хавф-хатарлар баҳоланади ва барча божхона постлари фаолияти масофадан бошқарилади.

Шу ўринда, божхона юк декларацияларини сунъий интеллект ёрдамида автоматик расмийлаштиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Ҳозирда божхона юк декларацияларини сунъий интеллект ёрдамида автоматик расмийлаштириш ҳажми 15 фоизга етказилиб, бу кўрсаткич экспортда 85 фоизни ташкил қилади. Божхона қўмитаси республикамиз миқёсида рақамлаштириш бўйича идоралараро рейтинг баҳолаш тизимида 1-ўринни эгаллади.

Божхона қўмитаси Ҳуқуқий тарғибот йўналишида 93 балл билан қўмиталар ичида 1-ўринда, божхона тартиботларини шаффофлаштириш, тадбиркорлар учун ҳар томонлама очиқ бўлишини таъминлаш борасида 85 та вазирлик ва идораларни қамраб олган Очиқлик индекси рейтингида эса 2-ўринни эгаллади.[1]

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йирик коррупция ҳолатлари технология билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлашда анъанавий назорат чораларининг кўпинча самарасиз бўлмоқда. Мисол учун, Бразилиянинг Odebrecht қурилиш конгломерати бутун Лотин Америкаси бўйлаб 1000 дан ортиқ сиёсатчилар иштирокидаги йирик 788 миллион долларлик пора олиш схемасини уюштиргани аниқланди. Порахўрлик билан шуғулланишда сохта компаниялар, шифрланган хабарлар, кўп босқичли пул ўтказмалари ва пул ювишга асосланган.[2]

Тарихдаги энг йирик коррупция операцияларидан бирини амалга оширганига қарамай, Odebrecht технологик ва молиявий амалиётларнинг мураккаб бирикмаси туфайли ўн йилдан кўпроқ вақт давомида унинг жиноятини аниқлаш имкони бўлмаган. Бу каби коррупциявий амалиётлар фақат кўзга кўринадиган ҳуқуқбузарликларга қаратилган мунтазам текширувлар ёки молиявий монито-ринглар учун яхшигина сигнал бўлибгина қолмай, бу пул изларини яшириш ва замонавий технологияларни яратадиган коррупциявий коммуникацияларга эътиборсиз бўлишнинг оқибатлари билан боғлиқ муаммоларни кўрсатади.

Шунингдек, Малайзиядаги 1MDB можароси, шунингдек, амалдорларнинг глобал сохта компаниялар орқали пул ювиш ва инвестиция компаниялари учун заиф меъёрий муҳитни суиистеъмол қилиш каби кузатиш қийин бўлган механизмларга қисман таяниб, давлатга тегишли девелопер компаниясидан

[1] https://bojxona.uz/uz/news/zhurnalistlar-matbuot-va-oav-hodimlari-uchun-bozhhona-rasmiylashtiruvi-markaziga-press-tur-uyushtirildi

[2] **Батафсил қаранг:** По словам прокуроров, Odebrecht управлял «масштабной» глобальной схемой взяточничества // https://www.ft.com/content/91c23442-c7ee-11e6-8f29-9445cac8966f

4,5 миллиард долларни ноқонуний ўзлаштиришга олиб келди.[1] Шунга қарамай, стандарт назорат чоралари халқаро чегаралар ва корпоратив тўсиқ орқали пул оқимини етарли даражада назорат қила олмаётир ёки чеклай олмаяпти.

Шубҳали нақд пулли операциялардан қочиш учун давлат амалдорларининг криптовалюта параларини олиши, молиялаштириш манбалари ва манзилларини яширадиган PayPal каби олдиндан тўланадиган дебет карталари ва рақамли ҳамёнлардан фойдаланиш, шунингдек яширин ҳаракатлар учун Signal ёки WhatsApp каби жиддий шифрланган хабар алмашиш иловаларини тадбиқ этиш, коррупцион ҳаракатларни режалаштириш коммуникациялари каби кундалик мисоллар киради.[2]

Бу ҳолатлар биргаликда молиявий аудит, ахборотни ошкор қилиш, мансабдор шахслар коммуникацияси мониторинги ва манфаатлар тўқнашуви декларацияси каби анъанавий воситаларнинг етарли эмаслигини кўрсатади. Бундай чора-тадбирлар оддий порахўрлик ва фирибгарликнинг оқибатларини юмшатишга ёрдам берса-да, ҳозирги кундаги илғор коррупциявий схемалар стандарт назорат таомиллари томонидан эътиборсиз қолдирилмоқда ва аксарият ҳолларда ушбу назоратни четлаб ўтмоқда.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, шаффофлик ва ҳисобдорлик етарли даражада кафолатланмасдан амалга оширилаётган давлат хизматлари ва функцияларини рақамлаштириш ҳам катта коррупциявий хавф-ҳатарларни келтириб чиқаради.[3] Шундай экан, божхона органлари ахборот тизимларига босқичма-босқич сунъий интеллект элементларини жорий этиш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга зарурат мавжуд. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, божхона органлари ахборот тизимларига сунъий интеллект усулларини қўллашдаги бугунги кундаги энг такомиллаштирилган йўналишлардан бири “NLP” (“Natural language processing” – табиий тилни қайта ишлаш) усули ҳисобланади.

“NLP” компьютер илми ва лингвистика соҳаларининг ўзаро кесишган нуқтаси бўлиб, бунда автоматлашган ўрганиш (“machine learning”) алгоритмлари ёрдамида инсон табиий тили натижасида ҳосил бўлган маълумотларни морфологик, лексик, грамматик, синтактик ва семантик жиҳатдан қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш назарда тутилади. Ушбу усулдан фойдаланган ҳолда 3 та босқичда, яъни муаммони ўрганиш, маълумотлар базасини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, моделлаштириш босқичида “ЭБР” ААТда ТИФ ТН кодларни олдиндан аниқлаш модулини амалиётга жорий қилиш имкони яратилади. Бунинг натижасида товарлар таҳлил қилиниб, ТИФ ТН кодлари тўғри эканлиги текширилиши, товарларда модул томонидан

---

[1] Скандал вокруг госфонда в Малайзии: плейбои, политики и махинаторы // https://www.bbc.com/russian/features-47800898

[2] https://www.abbott.com

[3] **Қаранг:** Овчинников А.И. Противодействие коррупции в условиях цифровизации: возможности, перспективы, риски // Журнал российского права. 2019. № 11. -С. 159-170.; Иванова М.В. Системы оценки цифровой трансформации государственного управления: сравнительный анализ российской и зарубежной практики // Государственное управление. Электронный вестник. Выпуск № 79. Апрель 2020 г. -С. 246-270.

10 та рақамнинг барчаси БЮДнинг ТИФ ТН кодларига тўлиқ мос эканлигини аниқлашга эришиш мумкин бўлади.

Бугунги кунда автоматлаштирилган ахборот тизимларида сунъий интеллектни жорий этган хорижий давлатлар (Австралия, Хитой, АҚШ, Япония) тажрибаси ижобий баҳоланмоқда ва ушбу давлатларда божхона органлари томонидан сунъий интеллект самарадорлик ва хавфсизликни яхшилаш учун жадал суръатларда қўлланилмоқда. Хусусан, Австралияда божхона органлари томонидан маълумотлар таҳлилини автоматлаштириш ва шубҳали фаолиятни аниқлаш учун сунъий интеллектдан фойдаланмоқда. Австралия божхона хизмати томонидан яратилган сунъий интеллект тизими наркотик моддалар ва бошқа ноқонуний товарлар контрабандасини аниқлаш учун бир сонияда миллионлаб тасвирларни таҳлил қилиши мумкин.[1]

Россия автоматлаштирилган чегара пунктларини яратиш учун сунъий интеллектдан фойдаланмоқда. Ушбу назорат пунктлари шахсларнинг юзларини ва товарларни сканерлаш учун сунъий интеллект камераларидан фойдаланади, бу эса одамлар ва товарларнинг тез ва самарали ўтишига имкон беради. Масалан, Россия (Приволжск)да биринчи электрон божхона 2018 йилда очилган бўлиб, унда дастлаб 9 та электрон божхона идораси ва 16 та Электрон декларациялаш марказлари (ЕҲМ) мавжуд бўлган. 2020 йил якунлари бўйича декларацияларнинг 97,5 фоизи электрон шаклда, 1 миллиондан ортиқ декларациялар автоматик тарзда расмийлаштирилган.[2]

АҚШ савдо билан боғлиқ молиявий жиноятларни аниқлаш учун катта маълумотларни таҳлил қилиш учун сунъий интеллектдан фойдаланмоқда. Масалан, АҚШ божхона хизмати пул ювиш ва терроризмни молиялаштириш каби шубҳали фаолиятни аниқлаш учун кунига миллионлаб транзаксияларни таҳлил қила оладиган сунъий интеллект тизимидан фойдаланади.[3]

Канада ва АҚШдаги саёҳатчилар яқинда аэропорт хавфсизлигининг стандарт қисми сифатида ёлғон детектори синовидан ўтишга мажбур бўлишлари мумкин. Ҳақиқатни реал вақт режимида баҳолаш учун автоматлаштирилган виртуал агент (AVATAR) ҳозирда Канада чегара хизматлари агентлиги ва АҚШ ички хавфсизлик департаменти томонидан синовдан ўтказилмоқда. Сан-Диего университети тадқиқотчиларининг фикрига кўра, робот - кўзни аниқлаш дастури ва бошқа сенсорлар орқали ёлғон гапирганликни билдирадиган физиологик ўзгаришларни излаш учун

---

[1] Қаранг: Таможенные вопросы: укрепление таможенной службы в меняющемся мире // https://www.elibrary.imf.org/display/book/9798400245206/9798400245206.xml; Вербицкая В.А. Организация таможенного контроля в Австралии // International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol. 11-3 (50), 2020.

[2] Таможня с интеллектом // https://logirus.ru/articles/custom/tamozhnya_s_intellektom.html

[3] **Қаранг:** Малышенко Ю.В. Автоматизация таможенного оформления в США // Таможенная политика России на Дальнем Востоке. 1999. № 2. С. 107–127.; Ерошенко С.С., Малышенко Ю.В., Федоров В.В. Особенности построения и эффективность систем автоматизации таможенного оформления и контроля таможенных служб России и США // Вестник российской таможенной академии, № 2 (3). 2008. -С. 15-24.

дастурлаштирилган бўлиб, чегара агентларига террорчилар ёки гиёҳванд моддалар савдогарларини қўлга олишда ёрдам бериши мумкин.[1]

Хитойда 2016 йилдан эътиборан роботлаштирилган божхона инспекторларини яратиш учун сунъий интеллектдан фойдаланмоқда. Биринчи роботлаштирилган божхона ходимлари Гонгбэй, Хенгквин ва Чонгшан портларида хизмат қила бошлаган. Хіао Наі деб номланган бу робот ходимлар божхона жараёнини автоматлаштириш учун мўлжалланган. Айни пайтда Хитой божхона хизматларининг электрон ходимлари ташриф буюрувчиларнинг саволларига хитой, инглиз, япон ва жами 28 тилда жавоб беришлари мумкин. Бундан ташқари, инновацион "фаол идрок" технологияси орқали юзларни таниб олиш ва ҳатто шубҳали белгиларни аниқлашга ҳам ёрдам бериб келмоқдалар.[2] Ундан ташқари, улар хизмат кўрсатиш роботлари бўлиб, қандай дастурлаштирилганлигига қараб кўп ишларни бажариши мумкин. Робот ходимлар ўтмишда божхона агентлари томонидан берилган минглаб одатий саволларга жавоблар билан дастурлаштирилган. Улар саёҳатчиларга такси топишда ва маҳаллий қонунлар билан танишишда ёрдам беришлари мумкин.[3]

Мамлакатимизда божхона органларида автоматлаштирилган ахборот тизимларга сунъий интеллект элементларини жорий этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаган ҳолда бир вақтнинг ўзида божхона ишининг барча жабҳаларига ҳам сунъий интеллектни қўллаб бўлмайди. Сунъий интеллект самарадорлигини баҳолаш ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш учун бир нечта пилот лойиҳалардан бошлаш керак.

Сунъий интеллект инструментини қуйидаги ахборот тизимларида қўллаш мумкин:

- "Божхона қиймати" ААТда – товарга мақбул божхона қийматини излаб чиқаришда;

- "ЭБР" ва ХБТ ААТда – товарларнинг ТИФ ТН коди, божхона қиймати, миқдори, имтиёз ва ставкалар тўғри белгиланганлигини аниқлашда;

- "Е-тижорат" ААТда – товарларнинг ТИФ ТН коди, божхона қиймати, миқдорини яширмаганлиги каби йўналишларда қўллаш имконини беради.

Сунъий интеллект инструментини қуйидаги ахборот тизимларини такомиллаштиришда қўллаш мумкин:

- барча ахборот тизимларида – сканер ҳужжатларни ҳақиқийлигини аниқлашга, улардаги маълумотларни ахборот тизимидаги маълум бир майдонлардаги рақам ва белгилар билан солиштиришга имкон яратади;

---

[1] Alexandra Klausner. This lie-detecting robot is the customs officer of the future. Published Dec. 29, 2016 // https://nypost.com/2016/12/29/the-lie-detecting-robot-customs-officer-of-the-future/

[2] Robot customs officers debut in South China ports // https://www.chinadaily.com.cn/china/2016-10/02/content_26962029.htm

[3] Can we really trust robot customs agents? // https://pdhacademy.com/2017/02/27/can-really-trust-robot-customs-agents/

- “Авто”, “Темирйўл”, “Е-транзит” ва бошқа рентген тасвирларини қайта ишлайдиган ахборот тизимларида рентген тасвирларини ва сканер қилинган ҳужжатдаги товарлар миқдорини солиштириш, шунингдек контрабанда товарларини аниқлашда қўлланилиши мумкин;

- Чегара божхона постларини махсус камералар ва турникетлар билан жиҳозлаш орқали ҳар бир ҳаракатланувчи фуқаро учун бошқа ахборот тизимларидан олинган маълумотлар таҳлили, шунингдек, фуқаронинг багажи бўйича рентген тасвирлари ҳамда фуқаронинг турникетгача бўлган ҳаракатларини қайта ишлаш орқали аниқ хавфларни аниқлаш ва уларни божхона назоратидан ўтказиш самарадорлигини ошириш орқали чегара божхона постларидан фуқаролар ҳаракати тезлигини бир неча баробарга ошириш.

Логистик регрессия — бу воқеа содир бўлиши ёки бўлмаслиги эҳтимолини башорат қилиш учун ишлатиладиган статистик усул. У эҳтимолликни 0 дан 1 гача бўлган қийматга айлантирадиган логистик функцияга асосланган.

Логистик регрессия турли муаммоларни ҳал қилиш учун ишлатилиши мумкин, жумладан:

Воқеа содир бўлиш эҳтимолини башорат қилиш, масалан, маҳсулотни контрабанда қилиш эҳтимоли.

Объектнинг синфга тегишли бўлиш эҳтимолини башорат қилиш, масалан, тасвирнинг юзнинг тасвири бўлиш эҳтимоли.

Воқеа содир бўлиш эҳтимолига турли омилларнинг таъсирини баҳолаш, масалан, маҳсулот нархининг контрабанда бўлиш эҳтимолига таъсирини баҳолаш.

Божхона органларида логистик регрессия қуйидаги мақсадларда қўлланилиши мумкин:

Контрабандани аниқлаш. Контрабанда бўлиши мумкин бўлган нарсаларни аниқлаш учун божхона декларацияси маълумотларини таҳлил қилиш учун логистик регрессиядан фойдаланиш мумкин. Масалан, логистик регрессиядан буюмнинг нархи, келиб чиқиши ва бошқа омиллар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш, буюмнинг контрабанда бўлиш эҳтимолини башорат қилиш учун фойдаланиш мумкин.

Товарларга бўлган талабни башорат қилиш. Логистик регрессия товарларга бўлган талабни башорат қилиш учун савдо маълумотларини таҳлил қилиш учун ишлатилиши мумкин. Бу божхона органларига товар моддий бойликларни бошқаришни яхшилашга ёрдам беради ва захиралар тугашининг олдини олади.

Божхона операциялари самарадорлигини баҳолаш. Логистик регрессия божхона операциялари самарадорлигини баҳолаш учун маълумотларни таҳлил қилиш учун ишлатилиши мумкин. Бу божхона органларига фаолият самарадорлигини ошириш мумкин бўлган соҳаларни аниқлашга ёрдам беради.

Бутун дунё бўйлаб божхона органлари логистик регрессиядан қандай фойдаланишига мисоллар келтирамиз:

АҚШ божхона хизмати контрабанда бўлиши мумкин бўлган нарсаларни аниқлаш учун божхона декларацияси маълумотларини таҳлил қилиш учун логистик регрессиядан фойдаланади.

Канада божхона хизмати маҳсулот талабини прогноз қилиш учун логистик регрессиядан фойдаланади.

Австралия божхона хизмати божхона операциялари самарадорлигини баҳолаш учун логистик регрессиядан фойдаланади.

Логистик регрессия божхона органларидаги турли муаммоларни ҳал қилишда қўлланилиши мумкин бўлган кучли воситадир.

Ушбу сунъий интеллект инструменти ҳам деярли барча ахборот тизимларида қўлланилиши мумкин.

Ўз навбатида сунъий интеллектни мамлакатимиз божхона органларида жорий этиш божхона ходимларининг диққатини янада мураккаброқ ишларга қаратиш, божхона органлари фаолияти самарадорлиги ва хавфсизлигини сезиларли даражада ошириш имкониятини яратади. Бироқ, сунъий интеллектдан масъулиятли ва ахлоқий фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумотларни ҳимоя қилиш ва махфийлик қоидаларига риоя қилиш ва сунъий интеллектнинг иш жойига мумкин бўлган таъсирини ҳисобга олиш керак.

Давлат хизматларининг онлайн платформаларга кўчиши инсонларнинг ўзаро таъсирини камайтиради ва шу билан бирга фуқароларга кўринмайдиган манипуляция учун кўпроқ имкониятларни очади. Дастурий таъминот алгоритмлари имтиёзлардан фойдаланишни чеклаш учун яширинча ўзгартирилиши, давлат контрактлари порталлари коррупциявий тендерларни яшириш учун ўзгартирилиши ва аҳолининг заиф қатламларидан пора олиш учун иловаларга сунъий тўсиқлар қўшилиши мумкин.

Қарор қабул қилиш тизимларини автоматлаштириш айрим ҳолларда маргиналлашган ҳамжамиятларни хизматлардан маҳрум қилиш орқали тизимли тарафкашлик ва камситиш эҳтимолини оширади. Агар алгоритмларнинг ўзи ирқ, жинс, табақа ва бошқалар каби ахлоқий бўлмаган кўрсаткичлар асосида адолатсиз ишлаб чиқилган бўлса ёки нохолис маълумотлар тўпламида мослаштирилган бўлса, улар ижтимоий таъминот, кредитлар, мактабга қабул қилиш ва бошқа кенг миқёсдаги схемалардан коррупциявий истиснони автоматлаштириши мумкин.[1]

Киберхавфсизликка етарли даражада сармоя киритилмаганлиги ҳам худди шундай заифликларни келтириб чиқаради. Бу орқали коррупционерлар шахсий манфаатлари йўлида рақамли маълумотлар базалари ва оммавий ёзувларни манипуляция қилиш учун ушбу маълумотларга кириш ҳуқуқини қўлга киритишлари мумкин. Бу эса ўз

[1] https://www.rapidanenergy.com

навбатида бутун дунё бўйлаб ҳукумат идораларига нисбатан товламачи-дастурчилар (хакерлар[1]) ҳужумлари сонининг кўпайишига олиб келиши мумкин. Маълумот учун, Slowmist Hacked ва Атлас VPN тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, 2022 йилда хакерлар томонидан турли блокчейн платформаларидан ўғирланган криптовалюта миқдори 3,5 миллиард долларни ташкил этган.[2]

Фуқароларнинг шахсий ва махфий маълумотларини турли рақамли маълумотлар базаларида сақлаш, шунингдек, ноқонуний кузатув, айрим тоифадаги шахсларни таъқиб қилиш, журналистлар ва фаолларнинг профилини тузиш ва ҳоказолар учун маълумотларни суиистеъмол қилиш хавфини ҳам ўз ичига олади.[3]

Шундай қилиб, ҳукуматни рақамлаштириш ҳар доим ҳам коррупциянинг камайиши ёки уни олдини олишга олиб келавермайди. Айрим ҳолларда бу ношаффоф, манипуляция, тарафкашлик, истисно қилиш ва маълумотни суиистеъмол қилиш учун мураккаб бўлган янги имкониятларни очиб беради. Қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, суд тизимлари, ижтимоий таъминот дастурлари ва бошқа давлат хизматларида сунъий интеллект тизимларини жорий этиш, хусусан, маълумотлар тўплашнинг тарафкашлик, ношаффоф ва ахлоқий бўлмаган амалиётлар туфайли коррупция хавфини келтириб чиқаради.[4]

Коррупцияга қарши курашнинг ҳозирги тизимларида алгоритмлар ёки маълумотлар билан ишлаш усулларини баҳолаш механизмлари мавжуд эмас ва улар ўзлари йўл қўядиган янги тизимли нотўғри талқинлар ва манипуляцияларyb кўрмайди. Сунъий интеллект билан боғлиқ ноёб хатарларни бартараф этиш учун янада яхлит назорат ва шаффофлик чоралари зарур.

Блокчейн ва криптовалюта технологиялари дастлаб молиявий очиқликни кенгайтириш ва оммавий реестрларга рухсатсиз киришдан муҳофазаланган шаффоф киришни тақдим этиш учун мўлжалланган эди. Бироқ, амалда улар ўзларининг сохта анонимлиги ва марказсизлаштирилиши туфайли кўпинча коррупционерлар томонидан қўлланиладиган воситаларга айланди.[5]

---

[1] Хакер (инглизча hacker, to hack - қирқмоқ, тирқиш қилмоқ) - ҳисоблаш ва дастурлаш соҳасидаги кўп маънадаги атама. Дастлаб, хакерлар дастурий таъминотдаги хатоларни қандайдир тез ёки оқланган тарзда тузатадиган дастурчилар эди. XX-асрнинг охиридан бошлаб оммавий маданиятда янги маъно пайдо бўлди – “компьютер хакери”, компьютер хавфсизлик тизимларини атайлаб четлаб ўтувчи дастурчи // https://ru.wikipedia.org

[2] Blockchain hackers stole over $3.5 billion in 2022 // William S. | January 11, 2023 // https://atlasvpn.com/blog/blockchain-hackers-stole-over-3-5-billion-in-2022; Хакерлар 2022 йилда 3,5 миллиард долларлик криптовалюталарни ўғирлади. 12.01.2023 // https://daryo.uz/k/2023/01/12/xakerlar-2022-yilda-35-milliard-dollarlik-kriptovalyutalarni-ogirladi

[3] Principled Artificial Intelligence: Mapping Consensus in Ethical and Rights-Based Approaches to Principles for AI // https://www.researchgate.net

[4] The corruption risks of artificial intelligence // https://knowledgehub.transparency.org/assets/uploads/kproducts/The-Corruption-Risks-of-Artificial-Intelligence.pdf

[5] Tan & Weng, 2021; FATF, 2020

Крипто ҳамёнларнинг махфийлиги, реал шахсларга эмас, балки фақат криптографик хешларга асосланган ҳолда, давлат амалдорлари порахўрлигини осонлаштирди, улар алоқани ошкор қилмасдан тўловларни олишлари учун имкон яратди.

Жиноятчилар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига пул оқимини аналитик кузатиш қийин бўлган усуллар билан Coinjoin микс ва сервисларидан ҳамёнлар орқали чалкаштириш учун фойдаланадилар.[1] Марказлаштирилмаган биржалар ҳам KYC қоидаларига риоя қилмайдилар, бу эса ноқонуний даромадларни минимал назорат билан криптовалюталарга айирбошлаш имконини беради.

Бундан ташқари, кўплаб блокчейн тизимлари асосидаги кодга асосланган смарт контрактларнинг ўзига хос мослашувчанлиги ва мураккаблиги ёзувларни мураккаб усулларда манипуляция қилиш имконини беради.[2] Мисол учун, давлат харидлари бўйича смарт контрактлар муайян иштирокчиларга тўловлар тўғрисидаги ёзувларни тўсиш ёки контрактларни адолатсиз тузиш учун текшириш босқичларини четлаб ўтиш имконини берувчи қасддан яширин заифликларга эга бўлиши мумкин.

Бундай имкониятлар, шаффофлик талабларига қарамай, блокчейн тизимларини коррупцияга тайёр ҳолга келтиради. Бу мураккаблик тартибга солувчиларни чалкаштириб юборади ва сохта аноним маблағларнинг ноқонуний оқимини ҳимоя қилади. Шу боис, халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг бу борадаги малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш уларни суиистеъмол қилишни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги ўн йил ичида ижтимоий тармоқларнинг тез ўсиши бутун дунё бўйлаб коррупция ва бошқарувга катта таъсир кўрсатди (Wakabi, 2018). Ижтимоий тармоқлар дезинформацияни тарқатиш, коррупцияга қарши курашувчи фаолларни қўрқитиш, жанжаллар атрофида жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш ва терговларни назорат қилишнинг янги механизмларини тақдим этади.

Мувофиқлаштирилган ва ҳаққоний бўлмаган ҳисоботлар, тизимли дезинформация кампаниялари орқали коррупциялашган амалдорлар мансабдорлик жиноятлари ҳақида жамоатчиликни чалғитиши ҳамда шу орқали самарали бошқарув кўринишини яратиши мумкин (Abbott, 2021). Ушбу стратегияни Жанубий Африка Республикасининг собиқ президенти Жейкоб Зума коррупция бўйича тергов пайтида, танқидчиларга ҳужум қилиш ва эътиборни чалғитиш учун Twitter ботларидан фойдаланганида ҳам кўриш мумкин.

Бундай усуллар коррупцияга қарши муваффақиятли курашиш учун ижтимоий медиа майдони билан боғлиқ бўлган хатарлар мавжудлиги ва унга

[1] Improving Cryptocurrency Crime Detection: CoinJoin Community Detection Approach // https://www.researchgate.net/publication/367300890_Improving_Cryptocurrency_Crime_Detection_CoinJoin_Community_Detection_Approach

[2] Tan & Weng, 2021.

қарши курашиш зарурлиги ҳақидаги янги хулосалар чиқаришга, ижтимоий тармоқлардан бир вақтнинг ўзида дезинформацияни кенг миқёсда тарқатишда ва коррупцияга қарши овозларни бостиришда ҳам фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилишга асос бўлади.

Кибер-тажовузлар, маълумотлар тизимини бузиш ва бадният киберфаолиятнинг турли шакллари ҳам далилларни йўқ қилиш ёки мониторинг жараёнларини тўхтатиш орқали ўта муҳим ахборот тизимларини бузиб, коррупция ҳолатларини текширишни жиддий равишда мураккаблаштиради.[1]

Телефонлардан олинган суҳбат матнлари, электрон почта хабарлари, фотосуратлар ва овозли ёзувларни чиқариб олиши мумкин бўлган Pegasus каби мобил жосуслик дастуридан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган мураккаб зарарли ҳужумлар, айнан коррупцияни фош қилувчилар ва журналистларга нисбатан қўлланилаётганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Шу ўринда, Pegasus ҳар қандай IOS ёки Android қурилмаларини бузиб, зарарланган қурилмадан турли маълумотларни, жумладан матнли хабарлар, электрон почта хабарлари, калит журналлар, аудио ва Facebook ёки Instagram каби ўрнатилган иловалардан маълумотларни ўғирлаши мумкин бўлган жосуслик дастуридир. У суҳбатлар ва видеоларни ёзиб олиши, шунингдек, қурилма камерасидан суратга олиши мумкин. Зарарли дастур 2010 йилда ташкил этилган Исроилнинг киберхавфсизлик фирмаси NSO Group томонидан яратилган ва камида 2016 йилнинг ёзидан бери мавжуд.[2] Шундай қилиб, юқоридаги каби жосуслик дастурлари коррупцияга қарши курашувчи фаоллар ёки журналистлар ўз ҳаракатларини ишончли тарзда мувофиқлаштира олиш ёки манбалар билан мулоқот қила олиш имкониятидан маҳрум қилиши мумкин.

Ундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳукумат маълумотлари базаларининг ўзи ҳам кўпинча эскирган дастурий таъминотдаги заифликлар орқали ҳам бузилиши мумкин. Кибер ҳужумдан сўнг ёзувлар ўзгартирилиши, ўчирилиши ёки товламачи-дастур киришни бутунлай блоклаши мумкин.

Коррупционерлар, ўз навбатида жамоатчиликни коррупцияга қарши курашиш жараёнларидан чалғитиш учун жамоатчиликнинг махфий маълумотларини стратегик равишда ошкор қилиш учун кибер тактикалардан фойдаланадилар. Ички ҳужжатларни манипулятив равишда танлаб, эълон қилишга қаратилган маълумотларни бузиб кириш каби кибер ҳужумлар дезинформация (нотўғри маълумотлар билан чалғитиш)нинг тарқалишига ёрдам беради ва коррупцияга оид жиноят ишларининг тергови жараёнига путур етказиши мумкин.

Рақамли воситалар орқали амалга ошириладиган кибер таҳдидлар коррупцияга қарши курашишда қийин муҳитни яратади. Коррупционер

[1] **Қаранг:** Cyber risk and cybersecurity: a systematic review of data availability // https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC8853293/

[2] Pegasus malware // https://www.techtarget.com/searchsecurity/definition/Pegasus-malware

субъектлар кўпинча тизимга ёмон ниятларда кириш, кузатув, назорат қилиш ва чалғитиш имкониятларидан фойдаланиш борасида илгарилаб кетишган. Шунинг учун давлат органлари томонидан киберхавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қпратиш ва жамоатчиликнинг бу борадаги хабардорлигини барқарор яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Яқинда Буюк Британиянинг “Comparitech” тадқиқот компанияси томонидан киберхавфсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган 60 та давлат рейтинги эълон қилинди. Япония етакчи бўлган ушбу рўйхатда Ўзбекистон 56-ўринни эгаллаган. Рейтингни тузишда зарарланган мобил қурилма ва компьютерлар улуши, хакерлик ҳужумлари сони ва ҳужумларга тайёрланганлик, тегишли қонунчилик мавжудлиги каби асослар эътиборга олинган.[1]

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кибертаҳдидлар сони ва кўламининг ортиб боришига асосан давлат органлари ва ташкилотларининг белгиланган хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган қурилмалардан фойдаланаётгани сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, кибертаҳдидларнинг олдини олиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари мукаммал эмаслигини тан олишимиз керак. Ҳатто бу бўйича ваколатли давлат органи, алоқа операторлари ва тармоқ эгалари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг қонунчилик асослари ҳам таъминланмаган.[2]

Бизнинг фикримизча, божхона органларида рақамлаштириш ва тезкор жараёнларга АКТни жорий этишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1) ноқонуний молиявий оқимларни сезиларли даражада қисқартириш ва ўғирланган активларни қайтариш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш;

2) коррупция даражасини сезиларли даражада қисқартириш;

3) самарали, ҳисоб берувчи ва шаффоф институтларни қўллаб-қувватлаш;

4) бошқарувнинг барча даражаларида тезкорлик, инклюзивликни таъминлаш ва муҳим қарорларни вакиллик (жамоатчилик) асосида қабул қилишни йўлга қўйиш;

5) аҳолининг ахборотдан фойдаланишини таъминлашни кучайтириш.

[1] Киберхавфсизлик даражаси бўйича энг яхши давлатлар рейтинги тузилди. Ўзбекистон охирги бешталикда // https://kun.uz/kr/news/2019/02/07/kiberxavfsizlik-darajasi-boyicha-eng-yaxshi-davlatlar-reytingi-tuzildi-ozbekiston-oxirgi-beshtalikda#!; “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти // https://mitc.uz/media/af376c53-1bdd-9b89-0074-78116195d800.pdf

[2] “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти // https://mitc.uz/media/af376c53-1bdd-9b89-0074-78116195d800.pdf

ТУРСУНБЕКОВ ХУДАЙБЕРДИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази бошлиғи

“TRANSPARENCY INTERNATIONAL” ХАЛҚАРО НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТИНИНГ КОРРУПЦИЯНИ ИДРОК ЭТИШ ИНДЕКСИДА ЎЗБЕКИСТОН ЎРНИНИ ЯХШИЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қабул қилинганлигига ҳам йигирма йилдан ортиқ вақт ўтди.

Ҳозирги кунга келиб мазкур Конвенцияга 190 та мамлакатлар қўшилган[1] ва унинг қоидаларини ўз миллий қонунчилигига татбиқ қилишга интилмоқда. Қайсидир мамлакатда ушбу саъй-ҳаракатлар яхши бўлса, айримларида ушбу масала оғриқли кечмоқда.

Халқаро даражада мамлакатларининг коррупцияга қарши курашишга қаратилган ислоҳотлари, эришилаётган ютуқлари ҳамда аксинча, коррупциянинг “гуллаб яшнаётганлиги” турли хил халқаро ташкилотлар томонидан ўлчаб борилади ва рейтинги тузилади.

Улар қаторига “Transparency International” ХННТнинг Коррупцияни идрок этиш индекси, Жаҳон банкининг Давлат бошқаруви индикаторлари таркибидаги Коррупцияни тийиб туриш индекси, Халқаро одил судлов лойиҳасининг The Rule of Law индексидаги Коррупциянинг мавжуд эмаслиги индикатори ва бошқа кўплаб халқаро даражадаги рейтинг ва индексларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам халқаро рейтинг ва индексларда, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро кўрсаткичларни яхшилаш ва бунинг натижасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий обрўсини шакллантириш мақсадида бир қатор ижобий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни баҳолашнинг яхлит ва мустақил тизимини шакллантириш, шунингдек, республиканинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.02.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сон қарори[2] қабул қилинган.

Шунингдек, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва ташкилотларида

[1] https://www.unodc.org/unodc/en/corruption/ratification-status.html
[2] https://lex.uz/docs/4215422

халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг янги механизмларини жорий қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармони[1] қабул қилинган.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси бошчилигидаги Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши таркиби ҳамда Ўзбекистон учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (KPI) ҳам тасдиқланган.

Юқоридаги қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (кейинги ўринларда – Академия) Transparency International ХННТнинг Коррупцияни қабул қилиш индекси (The Corruption Perceptions Index)да Ўзбекистон ўрнини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун тадқиқот институти сифатида бириктирилган.

Маълумот ўрнида, Transparency International ташкилоти, бу бутун дунёда ҳукуматлар, бизнес, жамият ва фуқароларнинг ҳар кунлик ҳаёт тарзини коррупциядан ҳоли бўлишга қаратилган ягона мақсадни кўзлайдиган глобал даражадаги ҳаракат ҳисобланади. Ташкилот 1995 йилдан бошлаб ҳар йили халқаро миқёсда давлат хизматида коррупция даражаси тарқалганлигини ўрганиб, натижалари бўйича коррупцияни глобал даражада камайтириш юзасидан таклиф ва тавсияларни бериб боради.

Ташкилотнинг Коррупцияни қабул қилиш индексида мамлакатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизимларининг коррупцияга нисбатан сезувчанлик даражаси сифатли ва миқдорий маълумотлар асосида аниқланиб, 0 (энг юқори коррупция) ва 100 (энг паст коррупция) шкала бўйича баҳолайди.

Рейтингнинг услубиёти давлат ва хусусий секторда коррупция даражасини акс эттириб, ундаги маълумотлар экспертлар баҳолари, ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар, ишбилармон доиралар вакиллари ўртасида ўтказилган сўровномалар натижасида тўпланади, ҳамда ҳар йили ёки икки йилда жами 12 та халқаро ташкилотнинг 13 та янгиланиб бориладиган манбаларига асосланади.

Унда порахўрлик, бюджет маблағларини ноқонуний мақсадларда сарфлаш, давлат хизматчилари эгаллаб турган лавозимидан шахсий манфаат кўриш мақсадида фойдаланиши, давлат хизматида уруғ-аймоқчилик, давлат ҳокимиятини моддий манфаатдор бўлган тор доирадаги шахслар томонидан эгаллаб олиниши даражаси баҳоланади.

Президент қарорига асосан Академия томонидан ҳар йили Transparency International ташкилоти томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни идрок этиш индекси таҳлил қилиниб, унда Ўзбекистонга берилган паст кўрсаткичларнинг сабаблари таҳлил қилинади, ҳамда келгусидаги натижаларни янада яхшилашга қаратилган таклиф ишлаб чиқилади.

[1] https://lex.uz/docs/4838762

Масалан, Академияда Transparency International томонидан 2024 йил 30 январь куни 2023 йил учун эълон қилинган Коррупцияни қабул қилиш индекси[1]да Ўзбекистонга қўйилган кўрсаткичларнинг сабаблари таҳлил қилиниб, уларни янада яхшилашга қаратилган натижалар ишлаб чиқилиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа манфаатдор идораларга тақдим этилган.

Бевосита 2024 йилги Коррупцияни қабул қилиш индексида коррупция даражаси аксарият мамлакатларда таназзулга учраётганлиги қайд этилган.

Жумладан, охирги 12 йил ичида 180 мамлакат ва ҳудудлардан фақат 28 тасида коррупция аҳволини яхшилаган бўлсада, 34 тасида бу аҳвол сезиларли даражада ёмонлашгани, дунёда коррупцияни криминализация қилиш ва коррупцияга қарши курашиш учун махсус органлар тузилганлигига қарамасдан коррупция даражаси ўзгаришсиз қолаётгани ташвишли ҳолатни келтириб чиқараётгани маълум қилинган.

Ўзбекистон Коррупцияни қабул қилиш индексида барқарор ўсишни намойиш қилиб, 180 та мамлакатлар орасида 33 балл билан 121-ўринга кўтарилиб олган (2022 йилда 31 балл билан 126-ўрин), яъни олдинги йилга нисбатан + 2 балл тўплаб, рейтингда + 5 ўринга кўтарилган.

Рейтингда 6 йилдан бери 1-ўринни 90 балл билан Дания эгаллаб келмоқда. Кучли Топ-10 таликка Финляндия (87), Янги Зеландия (85 баллдан), Норвегия (84), Сингапур (83), Швеция, Швейцария (82), Нидерландия (79), Германия ва Люксембург (78) киритилган.

Рейтингнинг энг қуйи ўринларида 11 балл билан Сомали, ундан юқорироқда Венесуэла, Сурия ва Жанубий Судан (13) эгаллаган.

Рейтингда Собиқ Иттифоқ давлатлари кўрсаткичлари солиштирилганда, Ўзбекистон 15 та давлатлар орасида ўтган йилги каби 10-ўринда жойлашган. Эстония (76 балл билан 12-ўрин), Литва (61/34), Латвия (60/36) юқори ўринларни, Озарбайжон (23/162), Тожикистон (20/162) ва Туркманистон (18/170) эса қуйи учликни эгаллаган.

Марказий Осиё давлатлари орасида Қозоғистон 39 балл билан + 8 та ўринга, ундан сўнг 33 балл билан Ўзбекистон + 5 та ўринга кўтарилган бўлса, Қирғиз Республикаси 26 балл билан -1 ўринга, Тожикистон 20 балл билан -12 ўринга ва 18 балл билан Туркманистон -3 ўринга пастлаган.

Ҳисоботда Ўзбекистонга берилган қисқача таҳлилга кўра, мамлакат 33 балл билан ўз кўрсаткичларини анча яхшилаб олгани, 2014 йилдаги кўрсаткичдан + 14 баллга кўтарилгани, бунинг сабаби сифатида эса Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тузилгани, қонунчиликнинг такомиллашгани, иқтисодиётнинг либераллашгани, қонунларга риоя этиш бўйича қоидалар ва тартиб-таомиллар белгилангани, кўп сонли коррупциялашган мансабдор шахсларга нисбатан жиноий айбловлар эълон қилингани, ҳамда ҳукумат томонидан вазирлик ва маҳаллий ижро ҳокимияти

[1] https://www.transparency.org/ru/press/cpi2023-corruption-perceptions-index-weakening-justice-systems-leave-corruption-unchecked

органларида қаттиқ ички назорат ва аудит воситалари ҳамда порахўрликни олдини олишга қаратилган механизмлар жорий қилингани қайд этилган.

Коррупцияни идрок қилиш индексини шакллантиришда 13 та халқаро манбадан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичлари рейтинг услубиётида 2021 йилгача 7 та манбалардан фойдаланилган бўлса, 2022 йилги рейтингда халқаро манбалар сони 8 та (PRS Group), 2023 йилдаги ҳисоботда эса 9 та манбадан (World Economic Forum) фойдаланилган.

Ҳисоботда барча 9 та манбалар янгиланган бўлиб, 2022-2024 йиллар оралиғини ўз ичига олган ҳисоботлардан фойдаланган. Ўзбекистон бу йил PRS Group (+7) бўйича кўрсаткичини яхшилаган ва Varieties of Democracy Project (-6) бўйича пастга тушган. Қолган манбалар бўйича Ўзбекистон кўрсаткичлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур 9 та манба мустақил рейтинг/индекс сифатида алоҳида субиндикатор ва қисмларга бўлинади ҳамда ҳар бир манбанинг орасида коррупция даражасини миқдорий ва сифат даражаси ўлчанади.

Юқоридаги салбий ва ижобий кўрсаткичларга қарамасдан, Ўзбекистон бир, беш ва ўн йиллик кўрсаткичлар бўйича яхши натижаларни қайд этиб келаётган кам сонли мамлакатлар орасига киради.

Масалан, ҳозирги 33 балл билан бил йиллик тренд кўрсаткичи + 2 баллни, беш йилликда + 8 баллни ҳамда ўн йилликда +16 баллни ташкил этган. Бу ўз навбатида Ўзбекистон 2012 йилдан бошлаб кўрсаткичларни энг яхши томонга ўзгартирган 2 та мамлакатдан бири ҳисобланади (1-ўринда +19 балл билан Сейшел ороллари).

Қуйида Ўзбекистонни баҳолашда фойдаланилган манбаларни кўриб чиқиш мумкин.

Bertelsmann Foundation (Бертельсман жамғармаси) ташкилоти томонидан 2024 йил учун эълон қилинган **Bertelsmann Transformation Index** (Бертельсман Трансформация индекси) доирасида Хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлик учун суд таъқиби ҳамда Коррупцияга қарши сиёсат кўрсаткичлари баҳоланади.

Жумладан, экспертларга “Ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилаётган давлат органларининг мансабдор шахслари суд таъқибига ёки жазога қай даражада тортилади” ҳамда “Ҳукумат коррупцияни қай даражада муваффақиятли тийиб туради” деган саволларга 1 (ёмон) дан 10 (яхши) гача бўлган шкалада баҳоланади.

Ҳар 2 йилда эълон қилинадиган мазкур рйетингда Ўзбекистон олиниши мумкин бўлган 10 баллдан фақат 4 ва 3 балл билан қолиб кетмоқда.

The Economist Intelligence Unit (EIU) томонидан 2023 йил сентябрда янгиланган **Country Risk Service** (Давлат хатарлари рейтинги) ҳисоботида корррупцияни баҳолашда фойдаланиладиган Коррупция ва Банк секторидаги коррупция субиндикатори ўлчанади.

Рейтинг доирасида 0 дан 4 баллгача бюджет маблағларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи аниқ тартиблар ва ҳисобдорлик, давлат маблағлари шахсий ёки сиёсий партия мақсадларида талон-торож

қилиш, давлат хизматчиларини ўз ваколатларини суиистеъмол қилганликлари учун жавобгарликка тортиш ваколатига эга мустақил суд ҳокимияти мавжудлиги каби ўнга яқин саволлар баҳоланади.

Freedom House томонидан 2023 йил учун **Nations in Transit** (NIT) (Ўтиш давридаги мамлакатлар рейтинги) эълон қилинган рейтингида ҳам Ўзбекистон кўрсаткичлари ўзгаришсиз қолган.

Рейтингда коррупция масаласига доир Ҳукумат коррупцияга қарши бирор-бир самарали ташаббус жорий қилганлиги, мамлакат иқтисодиёти давлат томонидан ортиқча аралашувидан ҳоли эканлиги, Ҳукумат коррупция эҳтимолини оширувчи бюрократик қоидалар, рўйхатга олиш талаблари ва бошқа назорат воситаларидан ҳоли эканлиги, молиявий маълумотларни ошкор қилиш ва манфаатлар тўқнашувини тақиқловчи зарур даражадаги қонунчилик мавжудлиги каби 10 га яқин саволлар баҳолаб борилади.

IHS Global Insight (S&P Global) томонидан 2023 йилда янгиланган **Country Risk Ratings** (Давлат хатарлари рейтинги) (ёки Business Conditions and Risk Indicators – Хатарлар кўрсаткичи ва иқтисод ҳолати) рейтингида Ўзбекистон кўрсаткичлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур рейтингнинг Коррупцияни назорат қилиш индикатори доирасида маиший порадан, то юқори сиёсий даражадаги коррупциягача баҳоланади.

PRS Group томонидан 2023 йил учун эълон қилинган **International Country Risk Guide -** ICRG (Давлат хатарлари халқаро баҳоси) бизнес вакиллари бевосита дуч келадиган коррупциянинг кенг тарқалган шакли: импорт ва экспорт лицензиялари, валюта чекловлари, солиқларни ҳисоблаш, полиция ҳимояси ёки кредитлар билан боғлиқ махсус тўловлар ва пора талаб қилиш шаклидаги молиявий коррупция ўлчанади.

Унда ҳаддан ташқари ҳимояланиш, непотизм, иш жойини сақлаб қолиш, қарз мажбуриятларини алмашиб туриш, сиёсий партияларни яширин молиялаштириш ҳамда сиёсат ва бизнес ўртасидаги шубҳали яқин алоқалар кўринишида юзага келадиган мавжуд ёки эҳтимолий коррупция даражаси 0 (энг юқори потенциал хатар) дан 6 (энг паст потенциал хатар) баллгача баҳолаб борилади.

Жаҳон банки томонидан 2023 йилда эълон қилинган **Country Policy and Institutional Assessment** – CPIA (Давлат институтлари ва сиёсати баҳоси) рейтингида Ўзбекистонга қўйилган баҳо ўзгаришсиз қолган.

Мазкур рейтингнинг Давлат секторида шаффофлик, ҳисобдорлик ва коррупция индикатори доирасида ижро ҳокимияти вакилларининг сайловчилар, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти органлари олдида маблағлардан фойдаланиш ва ҳаракатларининг натижалари бўйича потенциал ҳисобдорлик даражасини, шунингдек ижро ҳокимиятидаги давлат хизматчиларидан ресурслардан фойдаланиш, маъмурий қарорлар ва олинган натижалар учун зарур даражадаги ҳисобдорлик даражасини баҳоланади.

World Justice Project (Бутунжаҳон одил судлов лойиҳаси) томонидан 2023 йил учун янгиланган **Rule of Law Index** (Қонун устуворлиги индекси) да

Коррупциянинг мавжуд эмаслиги (Absence of corruption) индикатори бўйича ижро этувчи ҳокимият органлари, суд ҳокимияти, полиция ва ҳарбий соҳа, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг давлат хизматчилари лавозимидан шахсий фойда олиш учун фойдаланиш даражаси баҳоланади.

2023 йилги Rule of Law Index шарҳида охирги беш йил ичида 5 та давлатда – Молдова ва Ўзбекистон (7,7%), Малайзия (6,1%), Зимбабве (5,9%) ва Доминика Республикаси (4,4%) ҳар йили ижобий ўсишлар кузатилган[1].

Шунингдек, ташкилот томонидан қайд этилишича 2016 йилдан бошлаб кўплаб давлатларда қонун устуворлиги тушиб кетган бир вақтда, 2016-2023 йиллар давомида қонун устуворлиги соҳасидаги энг яхши натижани 8.9 фоиз билан Ўзбекистон кўрсата олган[2].

World Economic Forum (Жаҳон иқтисодий форуми) томонидан 2023 йил учун янгиланган Executive Opinion Survey (EOS) (Менеджерларни фикри сўрови) рейтингида Ўзбекистон биринчи маротаба иштирок этишни бошлаган.

Рейтинг бўйича сўровда респондентларга коррупцияга оид қуйидагича саволлар: мамлакатда импорт ва экспорт (коммунал ҳаражатлар, ҳар йиллик солиқ тўловлари, давлат шартномалари ва лицензияларини тузиш, манфаатли суд қарорларини чиқартириш) билан боғлиқ ҳолатларда ҳужжатлаштирилмаган тўловлар ёки пора берадиган фирмалар қай даражада тарқалган? Шунингдек, мамлакатда коррупция натижасида давлат маблағларини кампаниялар, алоҳида шахслар ёки гуруҳларга йўналтириш қай даражада тарқалган?

Ўзбекистон ушбу рейтингда биринчи иштирокининг ўзида яхши баҳоланиб, 91 та мамлакат ичида 40-ўринни эгаллаб, ўз қўшнилари Қирғиз Республикаси (57-ўрин) ва Қозоғистон (75)ни ортда қолдирган.

Varieties of Democracy Project (Демократиянинг хилма-хиллиги лойиҳаси) бўйича 2023 йил учун янгиланган **Democracy Project** (V-Dem v. 13) ҳисоботида Ўзбекистон кўрсаткичлари бироз пасайган.

Лойиҳа доирасида коррупцияга оид “Сиёсий коррупция қай даражада тарқалган?” савол 6 та турдаги коррупцияни ўз ичига олади ва сиёсий соҳадаги турли ҳудуд ва даражаларни ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд тизимидан ажратиб қамраб олади.

Қайд этилганларга кўра, Ўзбекистон мунтазам равишда Коррупцияни идрок қилиш индексида ўз ўрни ва кўрсаткичларини яхшилаб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бунга асосан мамлакатда коррупцияга қарши курашиш, шаффофлик ва очиқлик соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар сабаб бўлсада, бу борадаги ишларни янада жадал суръатлар билан давом эттириш зарурати мавжуд.

Рейтинг бўйича баҳолаб бориладиган 180 та мамлакатлар орасида салбий бўлсада топ-100 ликка кириш учун мамалакатда коррупцияга қарши

[1] https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/downloads/WJPInsights2023.pdf
[2] https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/insights

курашиш, давлат хизматчилари орасида ҳалоллик муҳитини яратиш учун кўплаб ва чуқур ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этади.

Хусусан, юқорида қайд этилган Ўзбекистонни баҳолаб борадиган 9 та халқаро ташкилотнинг маълумотларида ислоҳот сифатида қайд этилган лекин амалга оширилмасдан қолиб кетаётган масалаларни кун тартибига чиқариш мумкин.

Буларга, давлат хизматчиларининг даромадлари ва ҳаражатларини декларация қилиш, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қабул қилиш, бюджет маблағларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишда аниқ тартиб-таомиллар ва ҳисобдорлик тизимини йўлга қўйиш, коррупцияга қарши курашувчи ва суд органларининг мустақиллигини кафолатлаш орқали ҳар қандай даражадаги айдор шахсларнинг жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ҳамда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга йўналтирилган бошқа ислоҳотларни қатъиятлик билан амалга ошириш зарур.

КАБИЛОВ ШАРИФ РАҲИМОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси профессори

МИРЗАЕВ РАХМАТИЛЛА
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат университети доценти

АКАДЕМИК ҲАЛОЛЛИК – КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Аннотация: Мақолада академик ҳалоллик – коррупциянинг олдини олишнинг муҳим воситаси эканлиги асослантирилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупциянинг олдини олиш, академик ҳалоллик, коррупцияга қарши курашиш, таълим, тарбия, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият.

Аннотация: В статье научно обосновано, что академическая честность является фактором противодействие коррупции.

Ключевые слова: коррупция, предотвращение коррупции, академическая честность, борьба с коррупцией, образование, правосознание, правовая культура.

Abstract: The article argues that academic honesty is an important means of preventing corruption.

Key words: corruption, prevention of corruption, academic integrity, fight against corruption, education, training, legal awareness, legal culture.

Бугунги кунда Олий таълим соҳасида коррупциянинг мавжудлиги биринчидан, таълим соҳасидаги бошқарув тизимининг яхши ишлаб чиқилмаганлиги, ҳамда унинг қатъийлик даражаси пастлигида бўлса, иккинчидан, талабалар ҳамда таълим муассасаси ходимлари ўртасидаги ахлоқ меъёрларидан четга чиқиш (ахлоқдан оғиш)га йўл қўйилаётганлиги,

учинчидан, эса инсонларнинг ўз муаммоларини турли хил моддий йўллар билан ҳал қилишга мойилликларидадир.

ЮНЕСКОнинг Таълимни режалаштириш халқаро институтига тегишли сайти (etico.iiep.unesco.org) фаолиятини 2001 йилда бошлаган. ETICO дастури ахлоқ маданиятини юксалтириш, коррупцион амалиётларни камайтириш ҳамда сиёсий даражада шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларини интеграциялаш орқали таълимни режалаштириш ва бошқариш стратегияларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ушбу сайтда "Таълимдаги ахлоқ ва коррупцияга оид кўплаб манбаларни" топиш мумкин. Ушбу веб саҳифа яратувчилари олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳолатлар, содир бўлаётган воқеалар бўйича барча вазиятларни бирлаштириб ёритиб борадилар.

Ушбу платформа орқали таълим соҳасидаги қуйидагича ҳолатлар содир бўлаётганлигини билиб олиш мумкин: таълим муассаларида давлат бюджетидан ноқонуний йўлларда фойдаланиш, талабаларнинг имтиҳон топшириш жараёнида содир этиладиган қоидабузарликлар, жумладан, малакавий ишлар, магистр даражасини олиш учун ёзилаётган диссертациялар, фалсафа доктори (Doctor of Philosophy PhD), ҳамда фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланаётган диссертациялар ёзиш ва ёқлашдаги кўзбўямачиликлар кабилар.

Жаҳонда таълимни режалаштириш халқаро институти (ТРХИ – ЮНЕСКО) таълим тизимида коррупцияга қарши йўналтирилган ноёб ETICO[1] порталини яратди. Мазкур порталда дунё ҳамжамияти томонидан таълимдаги коррупциявий ҳолатларга қарши курашиш тажрибаси умумлаштирилган.

Глобал тусдаги муаммога қарши курашишнинг долзарблигини англаш ва БМТнинг коррупцияга қарши кураш конвенцияси талабларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз тарихида илк бор Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси боис, 2017 йил 3 январь куни Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни[2] қабул қилинган.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар, ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга, шунингдек, коррупцияни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан тўлиқ бартараф этишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратишга қаратилган бўлиб, мамлакатимизда коррупцияга қарши

[1] ETICO портали: таълимда коррупцияга қарши курашиш // ЮНЕСКО расмий сайти. [Электронный ресурс]. URL: https://ru.unesco.org/news (мурожаат қилинган сана: 26.06.2022).
[2] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда.

тизим яратиш, жазо ва профилактика ишларига оид давлат стратегиясини яратишга замин ҳозирлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг “Коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар”, деб номланган 2-боби 6-моддасининг b-бандида “коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича билимларни кенгайтириш ва тарқатиш” вазифаси юклатилган. 2018 йилнинг декабрь ойида мамлакатимизда 4 раунд мониторинг ўтказилган бўлиб, унинг натижаси бўйича бир қатор янги тавсиялар берилди. Уларнинг 23-тавсиясида, жумладан, “Коррупцияни бартараф этиш ва прокурорларда ахлоқан поклик, ҳалоллик фазилатларини шакллантириш масалалари бўйича доимий ўқитиш ва малакасини оширишни таъминлаш, шунингдек, бу борада амалий йўналишга эга бўлган тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” борасида тавсиялар берилганлиги ҳам масаланинг нақадар долзарблигидан далолат беради.

Коррупцияга қарши курашишда коррупцияга қарши таълимни кенг кўламда қўллаш зарурияти ҳақида қонунлар, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг юридик таълим сифатини ошириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган фармонларида алоҳида эътибор қаратилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 ноябрда ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида “Фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва амал қилиш ҳиссини шакллантириш – боғча ва мактабдан тортиб олийгоҳгача, барча таълим муассасаларининг, ҳар бир оиланинг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиши керак”[1], – дея таъкидлади.

Худди шунингдек, давлатимиз раҳбари коррупция ҳодисаси ҳақида гапирар экан: “Сўнгги йилларда туб ислоҳотлар даврига қадам қўйган Ўзбекистонда ҳам тараққиёт кушандаси бўлган иллат – коррупцияга қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Ушбу кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилди”[2], – дея қайд этди.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат юридик университетида 70420126 – “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат” мутахассислиги бўйича янги магистратура йўналиши очилиб, махсус ўқув дастури ишлаб чиқилди ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланди. Мазкур магистратура йўналиши республикада янги бўлиб, давлат ташкилотларида фаолияти йўлга қўйилган ички назорат тузилмалари учун малакали мутахассисларни тайёрлаш

[1] Шавкат Мирзиёевнинг инаугурация маросимида сўзлаган нутқи // Daryo.uz. 06.11.2021. // [Электрон ресурс]. URL: https://daryo.uz/k/2021/11/06/shavkat-mirziyoyevning-inauguratsiya-marosimida-sozlagan-nutqi (мурожаат қилинган сана: 10.11.2021).

[2] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O’zbekiston, 2021. – Б. 427.

имконини беради.

ИИВ Академиясининг кундузги ва сиртқи таълим курсант ва тингловчилари учун 2019 йилдан бошлаб, “Ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш”, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб эса ИИВ Академияси Магистратурасининг 70420401 – Ташкилий-тактик бошқарув йўналиши тингловчиларига “Коррупцияга қарши курашишни ташкил этиш”, 70420402 – Ташкилий-стратегик бошқарув йўналишлари бўйича таҳсил олаётган тингловчилар учун “Коррупцияга қарши курашиш ва комплеанс назорати” ўқув фанларидан махсус ўқув дастури асосида ўқитиш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони мамлакатни ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, аҳоли қатламларининг ҳокимият органлари билан самарали алоқаларини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш учун зарур чора-тадбирлар кўришга замин яратмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг “**Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш**” номли 83-мақсадида белгиланганидек, давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, ҳамда давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш олиб бораётган саъй-ҳаракатларимизнинг самарасини оширишга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг: “Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш” номли 84-мақсадида вазифалар белгиланган[1]лиги ҳам нақадар долзарб, кечиктириб бўлмас вазифа эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати раиси, Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши раиси Т.Нарбаеванинг эътироф этишича: “Олий таълимни коррупциядан халос қилиш ҳозирги асосий масалалардан биридир.

Таҳлилларга кўра, Мактабгача ва мактаб, олий таълимнинг деярли барча босқичларида коррупция иллатлари мавжуд. Айниқса, талабаликка қабул қилиш, таълим давридаги синовлар, ўқиш жойини кўчириш босқичларида коррупцион ҳолатлар кенг тарқалган”[2]. Унинг фикрига кўра, коррупция

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ–60-сон Фармонига 1-илова // www.lex.uz

[2] “Коррупция олий таълимнинг барча босқичларида мавжуд” - Танзила Норбоева // Газета.uz. 07.08.2020. [Электрон ресурс]. URL: https://www.gazeta.uz/ru/2020/08/07/corruption-edu/ (мурожаат қилинган сана: 06.04.2021).

фақатгина таълимнинг сифатига салбий таъсир кўрсатиб қолмасдан, балки олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинглардаги нуфузини ҳам туширмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги бирорта олий ўқув юрти жаҳон университетларининг Топ-1000 талигига кирмаган. Ўзбекистон Миллий университети ҳозирги пайтда дунёнинг турли давлатларидан 30 мингга яқин олий ўқув юртларини қамраб олган “Webometrics” глобал рейтингида 3971-ўринда турибди.

Хорижда кўплаб илмий марказ, университет ва халқаро ташкилотлар таълим соҳасида коррупция муаммоларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар олиб бормоқда. Хусусан, Transparency International (TI) ҳар йили соҳага оид ҳисоботларни чоп этади. 2021 йилнинг октябрь ойида “Дунё миқёсида коррупция ҳақида ҳисобот” эълон қилинди[1]. Унда нафақат мактабларда болаларнинг ўқиши ва муносиб таълим олиши, балки келгуси авлодларга коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида, таълимда коррупцияга қарши курашиш лозимлигига эътибор қаратилган. Ҳисоботда бутун дунёда таълим муассасалари фаолиятига доғ туширувчи суиистеъмолчиликлар, порахўрлик ва ғайримеъёрий муносабатларнинг олдини олишга йўналтирилган амалий қадамлар баён қилинган.

ЮНЕСКО томонидан 1963 йилда асос солинган Таълимни режалаштириш халқаро институти (ТРХИ) таълимдаги коррупцияни, таълимда шаффофлик, сифат ва адолатни ўрнатишга салбий таъсир кўрсатадиган давлат лавозимларини шахсий манфаатларда суиистеъмол қилиш воситаси сифатида таърифлаган[2]. ТРХИ таълимда коррупциянинг намоён бўлиш хусусиятлари ва уларга қарши курашиш механизмларини ўрганувчи дунёнинг турли мамлакатлари университетлари билан ҳамкорликда олий таълимда коррупциянинг таркибий тузилишини очиб берган. Бу таркиб коррупция воситалари, шакл ва турларини иштирокчиларнинг ўзаро алоқасини ўз ичига олади.

Дунё, хусусан, АҚШ, Европа давлатлари таълим тажрибасида академик ҳалоллик тушунчаси энг муҳим принциплардан ҳисобланади. Ушбу тамойилнинг замонавий академик соҳадаги етакчи роли университетнинг учинчи (таълим ва илмий тадқиқотлардан сўнг) мақсади — давлат хизматини бажариш ва уни амалга оширишда юзага келган олий таълимни оммалаштириш жараёнида намоён бўлади.

---

[1] Global Corruption Report 2021 // Transparency International. October 1, 2021. [Электрон ресурс]. URL: https://transparency.org.ru/research/drugie-issledovaniya/v-korrumpirovannoy-shkole-khoroshemu-ne-nauchat (мурожаат қилинган сана: 19.06. 2022).

[2] Planning education, Building the future // International Institute for Educational Planning. UNESCO. [Электрон ресурс]. URL: http://www.iiep.unesco.org/en (мурожаат қилинган сана: 19.06. 2022).

Академик ҳалоллик тушунчаси 1990-йиллардан бери “academic integrity” (академик ҳалоллик) ғоясини фаол муҳокама қилиб келаётган АҚШлик олимлар томонидан муомалага киритилган.

Шунингдек, халқаро академик ҳалоллик маркази ICAI (academicintegrity.org) 1992 йилда Рутгерс университети профессори Дон Маккейб томонидан олий таълимда фирибгарлик, плагиат ва инсофсизликка қарши курашиш мақсадида ташкил этилган. Халқаро академик ҳалоллик маркази, академик ҳалолликни, ишонч, адолат, ҳурмат, масъулият ва жасорат каби олтита асосий қадриятларга содиқлик сифатида белгилайди.

АҚШнинг Нью-Йорк университети Академик кодекси талабалар интизомий тартиб-қоидаларида ҳар бир талаба академик ҳалол бўлиши ва бошқаларнинг ноҳақлигига тоқат қилмаслиги лозимлиги келтирилган.

Коррупция унинг мафкураси бўлган худбинлик очкўзлик, молпарастлик, пулпарастлик, шуҳратпарастликдан озиқланади. Агар жамиятда пул фетишизми ҳукмронлик қилиб, ғоявий бўшлиқ содир бўлса, коррупция ривожланади, жамият инқирозга юз тутади. Демак, коррупцияга қарши курашишнинг биринчи шарти – инсон дунёқарашини ўзгартиришдир[1] .

Бунинг учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарур. Халқимизда “таълим ва тарбия бешикдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим”**[2].

Қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси айнан таълимдаги ислоҳотлардан бошланди. Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, аввалги давлат дастурларида дастлаб давлат бошқарувидаги сиёсий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, иқтисодиётни ривожлантириш бирламчи вазифалар сифатида қайд қилинган бўлса, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида, биринчи навбатда, таълим тизимидаги ислоҳотлар қайд қилинди. Хусусан, мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш, ҳамда болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш, умумий ўрта таълим тизимида “Таълим учун қулай муҳит” дастурини амалга ошириш, умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш, педагог кадрлар мақомини ошириш, билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш каби муҳим ва аниқ мақсадлар илгари сурилдики, буларнинг барчаси таълим тизимида коррупциянинг олдини олишга олиб келади.

---

[1] Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси// “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 7 декабрь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2019. – 30-б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси[1]да ҳам, биринчи навбатда, Янги Ўзбекистоннинг тамал тоши ҳисобланган таълимни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини янада ривожлантириш, айниқса, барча йўналишларда инновацион фаолиятни кенг жорий этиш, илмий тадқиқотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсад-вазифалар, ҳамда уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш бўйича аниқ марралар белгиланди.

Пировард мақсад ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш ҳисобланади. Шунингдек, узлуксиз таълимнинг яна бир муҳим босқичи – ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими ёшларнинг касб-корга эга бўлишида, ўзларининг ноёб қирралари юзага чиқишида муҳим роль ўйнамоқда. Бошланғич (касб-ҳунар мактаблари), ўрта (коллежлар) ҳамда ўрта махсус (техникумлар) босқичлардан иборат бўлган профессионал таълим олувчиларнинг ўзи танлаган касбга ва мутахассисликка эга бўлишини таъминлайди. Бу эса мактаб таълими ва олий таълим ўртасида кўприк бўлиш билан бирга шахснинг ҳаётда ўз йўлини топишига хизмат қиладики, бу восита орқали коррупцияга қарши тўсиқ – билим юксалади.

Узлуксиз таълимни олий таълимсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳақиқатан, қилинган ишлар узоқни ўйлаган ҳолда аниқ мақсадга йўналтирилгани билан эътиборга лойиқ. Тараққиёт стратегиямизда белгиланган ишларнинг асосий қисмини амалга оширишга эришилгани ҳам қувонарли ҳолат.

Яна таъкидлашни истардикки, 2023 йилда янги таҳрирдаги Конституциямизда илк бор устоз – ўқитувчи мақоми алоҳида белгиланиб, таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг бош вазифалари қаторига киритилгани бежиз эмас. Чунки жамият ҳаётида ўқитувчи-мураббийларимизнинг ўрни ва таъсири ошса – мактабнинг обрўси ошади, илм-фан, таълим ва тарбия соҳасининг қадри кўтарилади. Муаллимнинг обрў-эътибори эса бу миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир.

Илгари ёшларнинг реал орзу-истаклари билан кўп ҳам қизиқилмаган. Таълим соҳаси эътибордан четда қолгани учун ёшлар мактабни тамомлаши билан олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш ўрнига хорижга кетишга мажбур бўларди. Сабаби, квоталар кам, қабул имтиҳонларида коррупция муаммолари бор эди.

Охирги етти йилда энг аввало таълим соҳасида коррупциянинг олдин олиш мақсадида, мактабгача таълим бўйича қамров даражасини 27 фоиздан 72 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 42 фоизга, олийгоҳларимиз сонини 77 тадан 212 тага етказишга эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, энг муҳим ютуғимиздир.[2]

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон –2030 стратегияси” тўғрисидаги ПФ-158 фармони. www.uza.uz.

[2] Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган табриги. (2023 йил 1 октябрь)www.uza.uz.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 20 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида “...очиқ ва сифатли таълим камбағалликка барҳам бериш, халқ фаровонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали омили” эканини таъкидлагани ҳам мамлакатимиздаги ислоҳотлардан кўзланган бош мақсадни яққол ифодалаб турибди.

Таълимнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожида ўрни беқиёс.

Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегияси 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингида дунёнинг 50 та етакчи давлати қаторига кириш ва бу улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришни назарда тутади.

Шу боис, таълим ва илм-фан соҳасига ҳаёт-мамот масаласи сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Айнан 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном берилгани, “**Янги Ўзбекистонни барпо этиш мактаб остонасидан бошланади**”, деб илгари сурилган ззгу ғояга асосланган сифатли таълим юртимизнинг келгуси минг йилликлардаги тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга устувор вазифа бўлиб қолишини англатади.

Биргина мисол. Айниқса, ғоят оғир шароитда йирик давлат таркибидан ажралиб чиққан Сингапурнинг қисқа вақтда иқтисодиёти бақувват, коррупциядан холи, бугун ҳам шитоб билан ривожланаётган мамлакатга айланишида айнан таълимга йўналтирилган сармоя ягона омил сифатида эътироф этилади. Ушбу мамлакатга узоқ йиллар бошчилик қилган машҳур давлат арбоби Ли Куан Юдан қисқа вақтда Сингапур қандай қилиб дунёнинг ривожланган мамлакатига айлангани ҳақида сўралганда, “**Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ, мўъжиза яратганим ҳам йўқ. Шунчаки Ватаним олдидаги бурчимни бажардим, холос. Ишни шундай ташкил қилдимки, давлат бюджетининг катта қисмини таълим соҳасига йўналтирдим.**

Муаллимлар мавқеини жамиятнинг қуйи табақасидан юқори мартабага кўтардим. Бизда мўъжиза яратган кишилар, шубҳасиз, муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнатни севадиган, ҳақиқатни қадрлайдиган янги ватанпарвар, айни чоғда камтарин авлодни тарбиялаб етиштирдилар”[1], деб жавоб берган эди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг 52-моддасида ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, нуфузини ошириш, ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши борасида қатор ҳуқуқий асослар мустаҳкамланган.

52-модда. Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., “Ozbekiston” 2023. – 27-б.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади[1].

Коррупциянинг педагогик омиллари коррупциянинг муҳим жиҳатларини ифодалашини қайд этиш керак. Бинобарин, коррупцияга мойил хулқ-атворнинг шаклланиши қонуниятлари ва унинг олдини олишнинг тарбиявий-педагогик воситалари педагогик фанлар доирасида ўрганилади[2]. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, шахсда коррупцияга мойил хулқ-атвор мактаб ёшидан шаклланишни бошлар ва олий ўқув юрти даврида тугалланар экан. Шу сабабли шахсда коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантиришда педагогик таълим- тарбия муҳим ўрин тутади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунида таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилиши, давлат таълимни бошқариш органлари таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши назарда тутилган[3].

Коррупциянинг педагогик омиллари шахсга коррупцияга қарши таълим-тарбия воситасида таъсир кўрсатиш орқали коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш билан ўз ифодасини топади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатни ўрта истиқболда тараққий эттиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича бош дастури – "Ўзбекистон–2030" стратегияси[4] тақдим этилар экан, бу ҳужжатда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, оммавий ахборот воситаларини ролини ошириш, нодавлат ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, барча соҳаларда жамоатчилик назорати тизимини амалга оширишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш масалалари асосий вазифа сифатида қайд этилган.

Мамлакатимизда тармоқ, ташкилот ва вазирликлар кўп. Биргина таълим тизимида 2022 йилда 2021 йилга нисбатан коррупциявий жиноятлар сони

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., "Ozbekiston" 2023. – 4-б.

[2] Рыбалкин Д.А. Формирование антикоррупционной позиции курсантов вузов МВД России средствами социально-культурной деятельности: Автореф. дис. … канд. педагог. наук. – Казань, 2015. – 23 с., Сергеева Ю.С. Формирование у студентов - будущих бакалавров юриспруденции компетентности в сфере противодействия коррупции: Автореф. дис. … канд. педагог. наук. – Москва, 2018. – 28 с., Шарапова Е.А. Формирование антикоррупционной направленности личности в профессиональном воспитании студента вуза: Автореф. дис. … канд. педагог. наук. – Краснодар, 2017. – 23 с.

[3] Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни // https://lex.uz/docs/3088008

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги "Ўзбекистон 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ–158-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/mobileact/3107036.

ўсганлиги ачинарли ҳолат. Мактаб таълими 356 (403), мактабгача таълим 270 (125), олий ва ўрта махсус таълим 187 (224).[1]

Шу боис, таълим тизимида коррупцияга қарши хулқ-атвор ва иммунитетини шакллантириш куннинг долзарб муаммосидир**.** Ахлоқий қадриятлар ва ахлоқий фазилатлар талаба-ёшлар ўртасида коррупцияга қарши хулқ-атвор ва иммунитетини шакллантиришнинг асоси саналади. Бўлажак ёш мутахассислар касби ўз давлатига, маънавиятига муҳаббатининг намоён бўлиши, хайрихоҳлик, ҳалоллик, одоблилик, юксак инсоний фазилатларининг намоён бўлиши билан тавсифланади. Таълим масканларида тарбиявий ишларнинг асосий негизини ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий тарбия ташкил этади, шунинг учун ахлоқий қадриятлар талаба-ёшлар ўртасида коррупцияга қарши хулқ-атвор ва иммунитетини шакллантиришда уларнинг ахлоқий табиатининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Афсус билан таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёш авлоднинг хулқ-атвори, юриш-туришида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Маънавий тарбия ва ахлоқий фаровонлик моддий эҳтиёжга айланди.

Ким-ким, узлуксиз таълим муассаларида ёшларга таълим-тарбия берувчи бўлажак педагоглар шахсий ҳаётда ҳам, профессионал ҳаёт тарзидагидек қонун ва тартиб, одоб ва ҳалоллик намунаси бўлиши керак. Таълим муассасаларида хизмат қилаётган педагогнинг ахлоқий қадриятлари маънавиятнинг асосини ташкил қилиши керак: унинг касбий бурчи, шаъни ва қадр-қиммати, маънавий етуклиги, унинг хизмат вазифаларини бажаришга сидқидилдан тайёрлиги энг муҳим мезон бўлмоғи даркор.

Дарҳақиқат, олимларнинг таъкидлашича, “ҳар бир инсон ҳаётида таълим ва тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Таълим ва тарбия келажакда ижтимоий муносабатларнинг комил инсон сифатида шаклланадиган шахсни яратади. Агар, хулқ-атворнинг коррупциялашган модели болалар боғчасидан (мактабгача таълим), мактаб муҳитидан шаклланса, болалар коррупцияни иллат сифатида эмас, балки ҳаётнинг меъёри сифатида қабул қила бошлайди. Ўқувчиларнинг мактабдан бошлаб олган кўникмалари муҳим масалаларни коррупция йўли билан ҳал қилиш мумкинлиги нуқтаи назарини шакллантиради ва ҳаттоки коррупцияга ижобий муносабат, коррупцион фикрлаш ва хулқ атворни мустаҳкамлайди”.[2]

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, 2023 йилнинг 27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги фармони эълон қилинди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази” маълумотлари.

[2] Батафсил қаранг: Қобилов Ш. Р. Коррупциянинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уларнинг олдини олиш чоралари. Илмий-оммабоп нашр. / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Қ. Р. Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 224 б

ПФ-200 фармони билан “**Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури”** тасдиқланди.

Мазкур фармон билан қуйидаги жараёнларни интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатиш тартибини жорий этилди. Булар:

а) фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун илмий кенгаш томонидан ўтказиладиган диссертация ҳимояси (ёпиқ илмий ишлар бундан мустасно);

б) ўрта-махсус ва профессионал таълим муассасаларининг, (шу жумладан, “Темурбеклар мактаблари” ҳарбий-академик лицейларининг) тест синовлари ҳамда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга кириш имтиҳонлари;

в) олий таълим муассасалари базасидаги ҳарбий таълим факультетларига (ҳарбий кафедра) қабул қилишдаги саралаш танловларининг қуйидаги босқичлари:

умумжисмоний тайёргарликни баҳолаш;

чақириққача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш.

ЕХҲТ (OECD) Коррупцияни олдини олишда ҳалолликнинг 3 та йўналишини белгилаган.

1. Тизим - коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши хавфини камайтирадиган тизимнинг мавжудлиги;

2. Маданият - коррупциянинг ижтимоий жиҳатдан номақбуллигини етказиб, жамиятнинг маданиятини ўзгартириш;

3. Назорат - шахсларни қилмиши учун жавобгарликка тортиш.

Ҳалоллик стандартини жорий этишда қуйидагилар тавсия этилади:

1. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талабларига;

2. Ҳалоллик индикаторлари (Public Integrity Indicators) ва ҳаллоллик инструментлари (Public Integrity)га;

3. UNODC методологиялари.

Демак, коррупциянинг олдини олишда халқаро ҳуқуқий асослар БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига кўра: “ҳар бир иштирокчи-давлат, ҳалоллик ва содиқлик, ошкоралик ва масъулиятлилик тамойилларини акс эттирадиган самарали ва мувофиқлашган сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади”.[1]

ЕХҲТ (OECD)нинг тавсиясига кўра: “Давлат хизматида ҳалоллик (public integrity) умумэътироф этилган ахлоқий қадриятларга, принциплар ва нормаларга содиқлик ва уларга изчил риоя қилиш, давлат секторида хусусий манфаатлар устидан жамият манфаатлари устуворлигини таъминлаш”. Ҳатто қийинчиликларга дуч келганда ёки бошқа мураккаб шароитларда ҳам давлат хизматида фаолиятни ҳалол ва тўғри ташкил этишга эришиш.

[1] Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml.

Узлуксиз таълим хизматида ҳалоллик масалалари қуйидагиларни тақозо этади:

- узлуксиз таълим хизматчиларидан юқори даражадаги профессионаллик ва жамият манфаатларига содиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик талаб этилади;

- қарор қабул қилишда 3 та энг муҳим мажбурият - қонунларга риоя қилиш, давлат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ахлоқий меъёрларга риоя этиш;

- тўғри ҳаракат қилиш ва ваъдаларни ҳурмат қилишни ҳалоллик мезони деб билиш;

- адолат - шахсий манфаат, тарафкашлик ва фаворитизмдан қочишни адолат деб англаш;

- яхшиликни тарғиб қилишга ва шахсларга ёки гуруҳларга зарар етказмасликка интилишни хайрихоҳлик деб идрок этиш.

Таклифлар.

1. Академик ҳалоллик ўқиш ва ёзма ишлар (тест, эссе, битирув-малакавий иши ва диссертация)ни бажариш, оралиқ ва якуний назорат, имтиҳон саволларига жавоб бериш, тадқиқот ўтказиш, билимни намоён этиш, педагоглар ва бошқа ходимлар, ҳамда талабалар билан муносабатларда ҳалолликни ифода этадиган қадрият ва тамойиллар мажмуидир. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида маълумот, илмий натижа, усул ва илмий нашрнинг ҳолатини ҳаққоний ва холисона кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, кўчирмачилик, маълумотларни сохталаштириш ва қалбаки маълумотларни яратишга йўл қўймаслик лозим.

Шу боис Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим муассасаларида Академик ҳалоллик кенгашини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

2. Академик ҳалоллик кенгаши таълим масканларида педагогик жараёнга инновацион, илғор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, ўқитиш ва тарбиялаш сифатини таъминлаш талабларига риоя этилишини назорат қилади.

Хусусан, Олий таълим тизимида эса ўқув давомида кредит-модуль тизими, замонавий ўқитиш технологиялари ҳамда интерактив услубларни кенг жорий этиш, таълим жараёнида академик ҳалолликни таъминлаш ва унга қатъий риоя этилишини мувофиқлаштирувчи коллегиал орган ҳисобланишини таълим тизими иштирокчиларига идрок эттириш.

3. Таълим сифатини ошириш ва академик ҳалолликни таъминлаш осон иш эмас. Шу боис, бу борада кенгаш бир қатор стратегик вазифаларни бажаришини ойдинлаштирамиз:

Жумладан, университет ва институтларнинг академик ҳалоллик сиёсатини белгилайди. Ўқув адабиётлари, хусусан, дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар сифатига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш, эълон қилиш ва ўқув адабиётларини сифат талаблари бўйича қайта нашрга тавсия этишда иштирок этади.

Дарсликлар, жумладан, хорижий адабиётлар фондини мунтазам янгилаб бориш юзасидан тавсиялар беради. Чет эллик мутахассисларнинг ўқув-илмий адабиётларини таржима ва таҳрир қилиш ҳамда экспертизадан ўтказишда ҳам кенгашнинг ҳиссаси катта бўлиши керак.

4. Академик ҳалоллик кенгаши мамлакатимиз ОТМ да урчиб кетган бюрократик жадвал ва ҳисоботларни тўлдиришга чек қўйиши, юклама ва ҳисоботларни оптималлаштириш чораларини коллегиал ҳал этиши керак. Масалан, ўқув ва илмий-тадқиқот юкламасидаги нисбат илмий-тадқиқот – 60 фоиз, ўқув юкламаси– 40 фоиз. Шундагина ўқув жараёнидаги илмийлик кучаяди. Профессор-ўқитувчилар илмий-тадқиқот билан шуғулланишлари учун шароит яратилади. Бироқ бу академик инсофсизликни келтириб чиқармаслиги керак.

5. ОТМ ларнинг олий таълимдан кейинги шаклида малакавий имтиҳонларга чек қўйиш керак. Хорижий давлатларда бундайин амалиёт йўқ, малакавий имтиҳонлар бюрократиянинг шакли бўлиб, коррупцияни озиқлантиради.

6. Олий таълимдаги мавжуд муаммолардан бири грант масаласи. Илмий унвонлар олишда битта талаблардан бири талабгорнинг грантдаги иштироки.

Академик доираларда грант олиш масаласи кенг муҳокамаларга сабаб бўлиши грант беришдаги коррупциявий омиллар эди. Бу масала адолатли ҳал этилмас экан сифатли илмий-тадқиқот натижасини кутиш қийин.

7. Олий таълимда Комплаенс (ички) назорат тузилмалари ҳануз мустақил эмас. Шу боис олий таълимда Комплаенс (ички) назорат тузилмаларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш зарур.

Тизимдаги манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бартараф этиш механизмларини жорий этишда фаолликни ошириш. ОТМ фаолиятида ҳалоллик стандартлари, ҳалолликни баҳолаш мезонларини жорий этиш.

Хулоса. Демак академик ҳалоллик коррупциянинг олдини олишдаги энг мақбул превентив чоралардан биридир. “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури”да белгиланган вазифалар, уларнинг ўз вақтида ва сифатли ижроси Янги Ўзбекистоннинг коррупция устидан ғалаба қозониш ва “академик ҳалоллик”, “тоза қўллар” сиёсати борасидаги фаолиятимизнинг асосий мақсади бўлиб, узлуксиз таълимда қонунийлик, адолат, ҳалоллик, қонун устуворлиги, меритократия, жазонинг муқаррарлиги ва эзгу бошқарув (коррупциясиз бошқарув) принципларини амалда таъминланишига эришишга хизмат қилиши керак.

Таълим тизимида коррупция иллатидан халос бўлиш, мамлакатимизнинг коррупцияни рад этадиган ва жамиятда унга нисбатан мутлақо тоқатсизлик, “ноль” даражадаги муросасизлик муҳитини вужудга келтириш борасида академик ҳалолликнинг ўрнини қайд этиш лозим.

Галдаги вазифа ҳалоллик мезонлари индикаторларини ишлаб чиқиш масаласи бўлиб, нафақат илмий фаолиятда, ОТМнинг барча шаклларида

бюрократияни камайтириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш. Муҳими, олий таълимда коррупцияга қарши муросасиз маданиятни шакллантириш, раҳбар, профессор-ўқитувчиларнинг шахсий намунасини таъминланишига эришиш.

ИСМОИЛОВ БАҲОДИР ИСЛАМОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти шўъба мудири, ю.ф.д., профессор

САМАНДАРОВА НОДИРА КЕРИМБАЕВНА
Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими, Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ПРЕВЕНТИВ ЧОРА-ТАДБИРЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА ҲАЛОЛЛИК СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда коррупцияга қарши превентив чора-тадбирлар самарадорлигини оширишда давлат хизматида (оммавий) ҳалоллик (public integrity) стандартларини жорий этишнинг аҳамияти ва роли, хусусан, БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенциясида ҳалолликка оид талаблар, ИҲТТ стандартлари ва индикаторлари, БМТнинг НЖҚКБнинг методологиялари, ИҲТТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари Коррупцияга қарши курашиш тармоғи томонидан Коррупцияга қарши Истанбул Ҳаракатлар режаси 5-раунд мониторинги доирасида берилган тавсияларида ҳалоллик масалалари қисман ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Давлат хизмати, давлат хизматчиси, оммавий сектор, коррупциявий хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви, превентив чора-тадбирлар, “ҳалоллик вакцинаси”, ҳалоллик индикаторлари, ҳалоллик стратегияси, миллий ҳалоллик тизими, коррупцияга қарши маданият.

Аннотация: В этой статье рассматриваются важность и роль внедрения стандартов публичной добропорядочности (неподкупности) (public integrity) в государственной службе в повышении эффективности превентивных мер по противодействию коррупции в нашей стране, в частности, основные требования по публичной добропорядочности в Конвенции ООН против коррупции, стандарты и индикаторы ОЭСР, методологии УНП ООН, Рекомендации по публичной добропорядочности Антикоррупционной сети для стран Восточной Европы и Центральной Азии (АКС) ОЭСР, подготовленные в рамках мониторинга 5-го раунда Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией.

Ключевые слова: Государственная служба, государственный служащий, государственный сектор, коррупционные риски, конфликт интересов, профилактические меры, “вакцина честности”, индикаторы добропорядочности, стратегия добропорядочности, национальная система добропорядочности, антикоррупционная культура.

Annotation: This article examines the importance and role of the introduction of public integrity standards in the public service in improving the effectiveness of preventive measures to combat corruption in our country, in particular, the basic requirements for public integrity in the UN Convention against Corruption, OECD standards and indicators, UNODC methodologies, Recommendations on Public Integrity The OECD Anti-Corruption Network for Eastern Europe and Central Asia (ACN), prepared as part of the monitoring of the 5th round of the Istanbul Anti-Corruption Action Plan.

Keywords: Civil service, civil servant, public sector, corruption risks, conflict of interest, preventive measures, “integrity vaccine”, integrity indicators, integrity strategy, national integrity system, anti-corruption culture.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон фармони 2-бандида давлат хизматига ҳалоллик стандарти (“ҳалоллик вакцинаси”) ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғриси”да ПФ-158-сон Фармони 78-мақсади давлат бошқаруви органлари фаолиятини “Халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида ташкил этиш, бунда 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичларидан бири сифатида давлат органлари раҳбарларининг ўзи раҳбарлик қилаётган идора ёки тизим фаолиятида йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар учун сиёсий жавобгарлиги институтини жорий қилиш белгиланган.

Шунга кўра, ушбу мақолада халқаро стандарт ва механизмлар асосида давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш, бунда давлат хизматчилари фаолиятини коррупцияга қарши курашиш ва ҳалоллик мезонлари асосида баҳолаш, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ўзи раҳбарлик қилаётган идора ёки тизим фаолиятида йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар, хусусан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун сиёсий жавобгарлигини белгилашга оид масалалар кўриб чиқилади.

Маълумки, коррупция хавфли ўсма каби жамиятни ич-ичидан емиради, демократия, адолат, ишонч ва тенглик принципларини бузади, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимини издан чиқаради. Коррупция ҳох катта ёки кичик, ривожланган ёки ривожланаётган ҳар қандай давлат ва жамият учун хатарли, аммо ривожланаётган мамлакатларда унинг оқибати ҳалокатлироқдир.

Маълумки, жаҳон амалиётида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича “идеал” деб тан олинган модель мавжуд эмас ва қайсидир давлат шундай намунавий моделни яратган деб бўлмайди. Ҳар бир давлат ёки минтақанинг тарихи ва маданияти, сиёсий тизими ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўзига хос, аммо ўхшаш жиҳатлар мавжуд.

Шунга кўра, бошқа давлатларнинг тажрибаси ва сабоқларидан хулосалар чиқарган ҳолда, хатоларни такрорламаслик учун илғор хорижий давлатлар тажрибасини тадқиқ этиш зарур.

Коррупцияга қарши курашиш фаолиятида превентив чора-тадбирлар, ўз навбатида превентив чора-тадбирлар тизимида эса ҳалоллик масалалари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, давлат хизматчиларида ҳалоллик қадриятларини шакллантирмасдан, давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигига эришиб бўлмайди.

Ҳалоллик масаласи коррупциянинг олдини олишда жуда долзарб йўналиш бўлиб, Давлат раҳбари Ш.Мирзиёев “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”, дея таъкидлаганлар[1].

Коррупцияга қарши самарали курашишга хизмат қиладиган кучли қурол ва восита – бу айнан ҳалолликдир. Ҳалоллик шунчаки тушунча эмас, бизнинг хатти-ҳаракатларимизни тўғрилик, очиқлик ва шаффофлик ҳамда ҳисобдорликка йўналтирадиган етакчи тамойил, аҳлоқий компасдир, ҳалоллик ишонч ва адолатнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади, ҳалолликсиз жамият таназзулга учрайди.

Коррупцияга қарши курашишда ҳалоллик – бу мутлақ заруратдир ва бу энг юқори хулқ-атвор қоидаларига риоя этишни талаб қилади ҳамда очкўзликка қарши, шахсий манфаатлардан жамият манфаатлари устуворлигига, адолатсизликка қарши гапиришга, ҳуқуқбузарликларга қарши туришга ва ҳар қадамда очиқлик ва шаффофликни қўллаб-қувватлашга чақиради. Аммо, ҳалоллик нафақат шахсларнинг масъулияти, балки у бизнинг қонунларимиз, сиёсатимиз ва институтларимизда ҳам мустаҳкамланиши керак. Ҳукумат коррупциянинг ривожланиши учун имкон қолдирмайдиган кучли жавобгарлик тизимларини яратиши, очиқлик ва шаффофлик ҳамда ҳисобдорлик маданиятини тарғиб қилиши лозим.

“Миллий ҳалоллик тизими” коррупцияга қарши курашишнинг кенг қамровли усули бўлиб, у қуйидаги 8 та мустақил таркибдан иборат: жамиятнинг хабардорлиги, ҳукуматнинг коррупцияга қарши стратегияси, жамоатчилик иштироки, назорат органлари, суд тизими, оммавий ахборот воситалари, хусусий сектор ва халқаро ҳамкорлик. Бундай ҳалоллик тизимини яратиш ушбу устунларнинг ҳар бирини мустаҳкамлаш ва уларнинг имкониятларидан фойдаланишни талаб қилади. Ўзбекистон ҳам миллий ҳалоллик тизимини яратиш йўлидан изчил бормоқда.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил йил 24 январь кунги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/3324

Давлат хизматчиларидан юқори даражадаги профессионаллик ва жамият манфаатларига содиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик талаб этилади. Давлат хизматчилари қарор қабул қилишда 3 та энг муҳим мажбуриятлари - давлат ресурсларидан самарали фойдаланиш, қонунларга ва ахлоқий меъёрларга риоя қилишдир.

Ҳалолликка бўлган хавфлар сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш жараёнининг барча босқичларида - давлат ва хусусий сектор, фуқаролик жамияти ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларда мавжуд, жамиятда барчанинг манфаатларини ифодалайдиган оммавий ҳалолликни ошириш комплекс ёндашувни талаб қилади. Бунда ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий-институционал ва маданий жиҳатлари ҳамда улардаги хавф-хатарларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, чора-тадбирлар амалга оширилади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD, Organisation for Economic Co-operation and Development) таърифига кўра, давлат хизматида ҳалоллик ёки оммавий ҳалоллик (public integrity) деганда, умумэътироф этилган ахлоқий қадриятларга, принциплар ва нормаларга содиқлик ва уларга изчил риоя қилиш, давлат секторида шахсий манфаатлардан жамият манфаатлари устуворлиги талабларига риоя қилишдир. Бу ҳатто қийинчиликлар ёки бошқа мураккаб шароитларда ҳам давлат хизматида ҳалол ва тўғри ҳаракат қилишни ўз ичига олади[1].

Давлат (оммавий) секторига тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳақ тўланадиган ёки тўланмайдиган, доимий ёки вақтинча, марказий ёки ҳудудий даражада фаолият юритишидан қатъи назар, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ва суд органлари ҳамда уларнинг давлат хизматчилари киради. Ушбу соҳага давлат корпорациялари, давлат корхоналари ва давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек давлат (оммавий) хизматини кўрсатиш (масалан таълим, тиббий, жамоат транспорти хизмати ва б.) ҳуқуқи берилган хусусий ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари кириши мумкин[2].

Давлат секторида ҳалоллик талаблари - бу давлат хизматчиларига ишониб топширилган ваколат ва ресурслардан жамият мақсадларида самарали, тўғри ва ҳалол фойдаланишни, шунингдек, шаффофлик, ҳисобдорлик, самарадорлик ва юқори малакалилик (компетентлик)ни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда турли халқаро ташкилотларнинг ҳалолликка оид қоида, стандарт ва методологиялари, шунингдек турли хорижий давлатларнинг ўз тажрибалари мавжуд. Хусусан:

БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси (кейинги ўринларда – Конвенция) “Иштирокчи-давлатларга коррупцияга қарши самарали ва мувофиқлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

[1] https://www.oecd.org/gov/ethics/integrity-recommendation-ru.pdf
[2] Ўша манба.

(5-модда), ихтисослашган давлат органларига сиёсатни мувофиқлаштириш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш мажбуриятини юклайди (6-модда)[1].

ИҲТТ Кенгаши томонидан 2017 йилда давлат хизматида (оммавий) ҳалоллик бўйича тавсиялар берилган, унда ҳалоллик индикаторлари (Public Integrity Indicators) ва ҳаллоллик инструментлари (Public Integrity Toolkit) ишлаб чиқилган. Оммавий ҳалоллик бўйича тавсиялар 3 та устун (тизим, маданият ва назорат тизими)га қурилган бўлиб, у сиёсатчиларга оммавий ҳалоллик стратегиясини белгилаш учун асос яратади. Бунда ҳалоллик махсус сиёсатидан жамиятда оммавий ҳалоллик маданиятини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги 13 та тавсияни ўз ичига олган комплекс ёндашувга асосий эътиборни қаратади[2]:

Биринчи йўналиш – тизим, яъни коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши хавфини камайтирадиган тизимнинг мавжудлиги: **тайёрлик** – давлат бошқарувининг энг юқори сиёсий ва ижро этувчи ҳокимият бўғинида ҳалолликни таъминлаш ва коррупцияни камайтиришга бўлган ироданинг мавжудлиги;

жавобгарлик – оммавий ҳалоллик тизимининг самарадорлигини ошириш учун давлат сектори ташкилотларининг институционал жавобгарлигини аниқ белгилаш;

стратегик ёндашув – оммавий сектор учун таҳлилларга асосланган оммавий ҳалолликни таъминлаш мақсадида хавф-хатарларни камайтиришга йўналтирилган стратегик ёндашувни ишлаб чиқиш; **стандартлар** – давлат хизматчилари учун хулқ-атвор қоидаларининг юқори стандартларини белгилаш.

Иккинчи йўналиш – маданият, яъни коррупцияни ижтимоий жиҳатдан номақбуллигини етказиб, жамиятнинг маданиятини ўзгартириш;

жамиятнинг барча қатламлари - хусусий сектор, фуқаролик жамияти институтлари ва алоҳида фуқаролар билан ҳамкорликда, жамиятнинг барча соҳаларида оммавий ҳалоллик маданиятини тарғиб қилиш;

етакчилик - давлат сектори ташкилотлари томонидан ҳалолликда етакчиликни қўллаб қувватлаш ва молиялаштириш;

шахсий ва касбий фазилатлар - оммавий секторда жамият манфаатлари учун хизмат қилиш ва самарали бошқарувга оид қадриятлар, тамойилларга содиқ бўлган профессионал, шахсий фазилатлар ва кўрсатган хизматларига асосланган, давлат хизматини ташкил этишга кўмаклашиш;

салоҳиятни ривожлантириш - давлат хизматчилари ўз фаолиятларида оммавий ҳалоллик стандартларини қўллай олишлари учун етарли бўлган маълумотлар билан таъминлаш, уларни ўқитишни ташкил қилиш, услубий ёрдам ва ўз вақтида маслаҳат бериш;

очиқлик - давлат секторида ҳалоллик билан боғлиқ бўлган муаммоларга очиқ мулоқот маданиятини қўллаб-қувватлаш.

---

[1] БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси. Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлда қўшилган. https://lex.uz/docs/1461329.

[2] https://www.oecd.org/gov/ethics/integrity-recommendation-ru.pdf

Учинчи йўналиш – назорат тизими (ҳисобдорлик), яъни шахсларни қилмиши учун жавобгарликка тортиш: **хавф-хатарларни бошқариш** – давлат хизматида ҳалолликни таъминлаш мақсадида ички назорат ва хавф-хатарларни бошқариш тизимини жорий этиш;

ҳуқуқни қўллаш – давлат хизматчилари ва бошқа шахслар томонидан оммавий ҳалоллик стандартлари қоидалари бузилиши ҳолатлари бўйича барча зарур чораларни кўриш;

назорат – оммавий ҳалоллик тизимида ташқи назорат ролини кучайтириш;

иштирок - ҳисобдорлик ва жамият манфаатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида сиёсий жараёнларнинг барча босқичларида, сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш жараёнида шаффофлик ва манфаатдор томонларнинг иштирокини рағбатлантириш.

Бундан ташқари, **ИҲТТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари коррупцияга қарши курашиш тармоғи** томонидан **Коррупцияга қарши Истанбул Ҳаракатлар режаси 5-раунд мониторинги** доирасида иштирокчи-давлатларга берилган қуйидаги **9 та йўналиш**даги методик тавсияларнинг **8 та**сида **ҳалоллик масаласи** алоҳида қайд этилган. Хусусан:

1-йўналиш - Коррупцияга қарши курашиш сиёсати. Ҳукумат давлат ташкилотлари бошқарув тузилмаларининг тўғри ва қонуний фаолият юритишини таъминлаши, давлат хизматида ҳалоллик сиёсатини коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва аниқ фактларга асосланган хавф-хатарларга йўналтирилган ёндашув асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

2-йўналиш - Манфаатлар тўқнашуви ва активларни декларациялаш. Давлат хизматида ҳалолликни жорий этиш учун манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш, активлар ва манфаатлар тўғрисидаги маълумотларни декларациялаш тизими;

3-йўналиш - Хабар берганларни ҳимоя қилиш. Коррупцияга оид аниқ фактлар тўғрисида ваколатли органлар ва шахсларга виждонан хабар бериш тизими;

4-йўналиш - Бизнесда ҳалоллик. Бизнес тузилмалар ўз фаолиятида коррупцияга қарши ҳалоллик доирасида қабул қилинган ҳуқуқий ва аҳлоқий меъёрларга риоя қилиши, коррупцияга қарши курашиш тизимини яратиши;

5-йўналиш - Давлат харидларида ҳалоллик. Давлат харидлари жараёнида давлат харидларига оид қонунчилик асосидаги ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш;

6-йўналиш - Суд ҳокимиятининг мустақиллиги. Суд ҳокимияти демократия ва ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Уларнинг ҳисобдорлиги ва мустақиллиги ўртасидаги балансни таъминлаган ҳолда, судьяларнинг ҳисобдорлиги, ҳалоллиги ва мустақиллигининг ишончли кафолатини яратиш;

7-йўналиш - Прокуратура органларининг мустақиллиги. Прокуратура органлари жиноий адлия ва ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Улар етарли салоҳият, мустақиллик ва ҳалоллик асосида фаолият юритиши лозим;

8-йўналиш - Коррупцияга қарши ихтисослашган институтлар. Коррупцияга қарши ихтисослашган тергов ва прокуратура органларига номзодларни ишга қабул қилиш ва лавозим бўйича кўтаришда 3 та компетенция - тажриба, малака ва ҳалоллик каби шахсий фазилатларни баҳолаш асосида амалга оширилиши;

9-йўналиш - Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортиш[1].

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC, United Nations Office on Drugs and Crime) методологиясига кўра, давлат хизматида ҳалоллик жамоатчилик ишончини сақлаш ва самарали бошқарувни таъминлаш учун жуда муҳимдир[2].

Ахлоқий қадриятлар ва нормалар:

ҳалоллик - тўғри ҳаракат қилиш ва ваъдаларни ҳурмат қилиш;

адолат - шахсий манфаат, тарафкашлик ва фаворитизмдан қочиш; **хайрихоҳлик** - яхшиликни тарғиб қилишга ва шахсларга ёки гуруҳларга зарар етказмасликка интилиш.

Ушбу қадриятлар ишончли муносабатлар учун асос яратади.

Ҳар қандай давлатда давлат ташкилотлари бюджет маблағлари, аниқроғи фуқаролардан ундирилган солиқ ва йиғимлар ҳисобига молиялаштирилади. Хусусий сектордан фарқли равишда, давлат сектори хизматларидан фойдаланишда фуқароларда эркин танлов имконияти бўлмаганлиги сабабли, фуқароларнинг давлат ташкилотига бўлган ишончи жуда муҳимдир.

Фуқароларнинг ишончини қозониш учун давлат хизмати адолатли, ҳалол, шаффоф, фуқароларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган ва тегишли қонун-қоидалар ва сифат стандартларига жавоб бериши, бунга холислик, қонунийлик ва ҳисобдорлик орқали эришилиши керак. Булар бошқарув тизими самарадорлигининг асоси ҳисобланган давлат хизмати қадриятларидир.

Бундан ташқари, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий мақсадларини амалга оширадиган, лекин тижорат фаолиятини олиб борадиган ташкилотлар (энергетика, телекоммуникация ва б.) ҳам давлат мулки ҳисобланиб, давлат томонидан молиялаштирилиши сабабли, улар ҳам одоб-аҳлоқ ва ҳалоллик принципларига риоя этишлари керак. Хусусий клиника ёки таълим муассасалари давлат мулки ҳисобланмайди ва давлат томонидан молиялаштирилмайди, аммо, давлат сектори ва хусусий сектор ўртасида

[1] ИҲТТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари коррупцияга қарши курашиш тармоғи томонидан Коррупцияга қарши Истанбул Ҳаракатлар режаси 5-раунд мониторинги доирасида берилган методик тавсиялар.

[2] https://www.unodc.org/e4j/en/integrity-ethics/module-13/key-issues.html

мавжуд фарқлардан қатъи назар, барча ташкилотлар ўзларининг фаолиятига оид қонун-қоидаларга, масалан, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик стандартлари, маълумотларни ҳимоя қилиш, экология қоидаларига, шунингдек, давлат ёки хусусий ташкилотларнинг барча ходимлари ахлоқий меъёрларга риоя қилишлари керак.

Тадқиқотларга кўра, "самарали бошқарув" (good governance) принципи ёки яхши маъмурчиликка асосланган давлатда, аввалambор, бошқарув коррупцияга қарши юқори хулқ-атвор, ҳалоллик тамойиллари ва қадриятларига асосланади. Ташкилотлар ўз жамоасида ахлоқий маданиятни ривожлантирганда, ходимлар иш фаолиятидан қониқишни ҳис қилади ва юқори маҳсулдорликни намойиш этадилар, фаровонлик даражаси ҳам ошиб боради.

Ҳозирги кунда коррупцияга қарши тадқиқотлар олиб борадиган мустақил ташкилотлардан **"Transparency International" халқаро нодавлат ташкилоти** тадқиқотлари алоҳида эътиборга молик. Аксарият, айниқса ривожланаётган давлатларда давлат харидлари жараёни коррупция хавф-хатарларига мойил бўлган соҳа ҳисобланиб, йирик давлат харид (шартнома)ларини қўлга киритиш учун халқаро тан олинган компания (фирма) бўлиши керак, бунда мансабдорлар пора эвазига йирик давлат харид (шартнома)ларини сохталаштириш эҳтимоли катта бўлиб, суиистеъмолчилик ҳолатлари лойиҳани ишлаб чиқишдан тортиб, уни амалга оширишгача бўлган харидлар занжирининг исталган босқичида содир бўлиши мумкин.

"Transparency International" халқаро нодавлат ташкилотининг Ҳалоллик пакти (Integrity pact). Агар томонлар ноқонуний фаолият билан шуғулланишдан тийилишга ишончли рози бўлмасалар, коррупцияни чеклаш жуда қийин бўлиши мумкин. Шунинг учун "Transparency International" халқаро нодавлат ташкилоти ушбу ижтимоий пандемия, яъни коррупцияга қарши курашиш мажбурият механизми сифатида Ҳалоллик пактини ишлаб чиққан. Бунда коррупциянинг олдини олиш учун ҳукумат ёки унинг бўғинлари (федерал, миллий ёки маҳаллий даражадаги) шартномалар тузишда ҳалолликка оид мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб, унга кўра, ҳеч бир томон пора бермайди, таклиф қилмайди, талаб қилмайди ва қабул қилмайди;

давлат шартномаларини қўлга киритиш учун рақобатчилар билан тил бириктирмайди;

ёки шартномани бажаришда суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларда иштирок этмайди, шунингдек, мустақил назорат ва ҳисоботни ўз ичига олган мониторинг тизимини жорий этади, мажбуриятларга риоя қилмаган томон санкцияларга учрайди[1].

[1] http://www.transparency.org/global_priorities /

Масалан, Жанубий Кореянинг Харидлар хизмати 2001 йилдан барча шартномаларга нисбатан Ҳалоллик пактини самарали жорий этган бўлиб, Ҳалоллик пакти хусусий секторга ишбилармонлик аҳлоқ қоидалари ва бизнесда ҳалоллик тамойилларига риоя этишни талаб этади, ҳалоллик талаблари бузилса, шартнома бекор қилинади[1].

Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий ҳалоллик тизимини яратиш мақсадида давлат хизматига "ҳалоллик вакцинаси"ни жорий этиш тамойили амалиётга татбиқ этилмоқда. 2022 йилда қабул қилинган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонуннинг 4-бобида (15-20-моддалар) коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, хусусан, давлат фуқаролик хизматчисининг коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши, хизмат фаолияти билан боғлиқ совғаларни қабул қилиш ва тасарруф этиш шартлари, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, ўз даромадлари ва мол-мулкини декларациялаш, каби коррупциянинг олдини олиш чоралари белгиланган[2].

2022 йилда Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 595-сон қарори қабул қилиниб, намунавий Одоб-аҳлоқ қоидалари тасдиқланди, ташкилотларда Одоб-аҳлоқ комиссиялари ташкил этилди. Одоб-аҳлоқ қоидалари ва Одоб-аҳлоқ комиссиялари ижро этувчи ҳокимият тизимидан ташқари, парламент (Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси), суд тизими, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ички ҳужжатларида ҳам белгиланган.

Давлат фуқаролик хизматида профессионализм ва меритократияга асосланган давлат фуқаролик хизмати тизими жорий этилмоқда. Хусусан, давлат фуқаролик хизмати тизимида коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, давлат фуқаролик хизматчисини рағбатлантириш, холисона ва адолатли мезонлар асосида хизматда лавозим бўйича кўтарилишини таъминлаш мақсадида 2022 йилда "Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубияти" тасдиқланди.

Президент қарори билан Агентлик, Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан 2022 йил 1 январдан бошлаб "ҳалоллик вакцинаси" тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқитиш тизими жорий этилган.

Мазкур ўқув курсларда 2023 йилда умумий ҳисобда 29.923 нафар давлат хизматчилари ўқитилган, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат ва

[1] The Many Faces of Corruption Tracking Vulnerabilities at the Sector Level EDITED BY J. Edgardo Campos Sanjay Pradhan

[2] Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги ЎРҚ-788-сон Қонуни.

маданиятни шакллантириш мақсадида семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларда жами 20 мингга яқин давлат хизматчилари иштирок этган.

Шунингдек, 2023 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан “Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги”ги низом тасдиқланди.

Бундан ташқари, БМТ ва унинг тармоқ ташкилотлари, ИҲТТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳалолликни тарғиб қилиш бўйича халқаро даражадаги ташаббуслари Ўзбекистон томонидан доимий қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Хусусан, 2023 йил 19-20 декабрда Тошкент шаҳрида Қатар Амири томонидан таъсис этилган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот” билан ғолибларни тақдирлаш маросими ва Ҳалоллик чемпионлари Форуми ўтказилди.

Тантанали маросимда дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатидан етакчи экспертлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Шунингдек, 2016 йилдан буён 5 номинация бўйича “ғолиб” деб топилган 51 нафар мукофот соҳиблари илк бор Ўзбекистонда жам бўлди ва “Ҳалоллик чемпионлари форуми”да иштирок этиб, коррупцияга қарши курашиш ва ҳалолликни мустаҳкамлаш бўйича ўз билим ва тажрибалари билан ўртоқлашишди[1].

2024 йилнинг март ойида Агентлик директори А.Бурханов ҳамда ИҲТТнинг Давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашиш ва ҳалоллик бўлими раҳбари Еспер Ёнсен ўртасидаги учрашувда ИҲТТ томонидан ишга туширилган “Давлат хизматида ҳалолликни таъминлаш индикаторлари” халқаро ташаббусига Ўзбекистоннинг қўшилиши масаласи муҳокама қилинди.

2020 йилда ишга туширилган мазкур ташаббусга ҳозирги кунда ИҲТТга аъзо давлатларнинг барчаси қўшилган бўлиб, асосий мақсади - миллий даражада давлат хизматида ҳалоллик даражасини оширишга кўмаклашиш, давлат хизматида турли хил коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва олдини олиш бўлиб, Ўзбекистоннинг ушбу ташаббусга қўшилиши соҳадаги масалаларни тартибга солишда экспертлик ҳамда методологик кўмак кўрсатилишига асос бўлади, шунингдек давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этишда илғор тажрибаларни татбиқ этиш имконияти пайдо бўлади[2].

Соҳада коррупцияга қарши превентив чора-тадбирлар тизимида давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича қуйидаги таклифлар билдирилади:

---

[1] https://www.aca.uz/oz/article/toskentda-korrupciiaga-qarsi-kurasis-soasida-iuksak-xalqaro-mukofotning-2023-iilgi-soiblari-taqdirlandi

[2] https://t.me/antikor_uzb/2703

ИҲТТ стандартлари ва тавсиялари асосида давлат хизматида ҳалоллик миллий стандартларини жорий этиш, миллий қонунчиликда “ҳалоллик” тушунчасини белгилаш, ҳалоллик ўлчов (мезон)ларини ишлаб чиқиш ва улар асосида давлат хизматчиларини баҳолаш (integrity checking) тизимини жорий этиш;

давлат хизматчилари, айниқса, юқори даражадаги раҳбарларда “раҳбар шахсий намунаси” (Tone at the Top) ва ҳалоллик қадриятларини ошириш;

ҳалолликка оид илмий-фалсафий, миллий ва диний қадриятлар, халқаро стандартлар ҳамда хорижий давлатларнинг тажрибаларини таҳлил қилиш ҳамда амалиётга жорий этиш.

НИЁЗОВА САЛОМАТ САПАРОВНА
Тошкент давлат юридик унверситети Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси профессори, ю.ф.д.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Бизга маълумки, ҳар бир давлат учун олий таълимда юзага келаётган коррупциянинг олдини олиш масаласи узоқ йиллардан буён глобал муаммо ҳисобланиб келинган. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунга келиб, коррупцияга қарши кураш халқаро миқёсда кўриб чиқиладиган асосий муаммоли вазият сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Коррупция давлатнинг мақоми, унинг тузилиши, урф-одат, анъаналари, қонунчилигидан қатъи назар ҳар қандай давлатда кузатиладиган ҳолатдир. Шу жумладан, ҳар бир давлат ўз мамлакати доирасида коррупцияга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уни муваффақиятли тарзда амалиётга татбиқ этмоқда. Ушбу тажрибалар турли давлатлар халқаро ҳамкорлик доирасида, бир-бирлари билан тажрибалар алмашиш орқали коррупцияга қарши халқаро нормаларни имплементация қилишлари учун ўзаро кўприк вазифасини бажармоқда.

Хусусан, 2011 йил 1-ноябрдаги Европа Кенгашининг “Коррупция учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик бўйича” конвенциясида коррупция халқаро муаммога айланганлигини биринчи марта эълон қилинди ва унга қарши курашда халқаро ҳамжамият кучларининг биргаликдаги ҳаракати билан коррупцияни аниқлаш ва бартараф этишлари зарур эканлигини белгилаб берган.

Бироқ коррупцияга қарши курашиш механизмларини кўриб чиқиш имкони нафақат Европа мамлакатларидан, балки Сингапур, Хитой ва Миср каби Осиё мамлакатларидан кўриш мумкин. Шарм-эль-Шэйхда 2019 йил 12 июнь куни очилган Биринчи Африка Коррупцияга қарши Форуми (ААСФ)да Африканинг нуфузли 48 мамлакатидан 200 дан ортиқ юқори лавозимли амалдорлар ва тўққизта халқаро ташкилотлар иштирок этди. Ушбу

форумнинг асосий мақсади — Африка давлатларида коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш ва бу борада турли дастурлар ишлаб чиқиш бўлган.

Таълим сифатини янада такомиллаштириш орқали, етук кадрларни етиштириш мақсадида, коррупцияга қарши турли йўналишларда кураш олиб бориш масаласи Африкадаги 4-континентал сессияда кўриб чиқилган. Бундан ташқари, талабаларга етарли даражада билим бериш баробарида коррупцияга қарши курашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш таълим муассасаси ходимларига тушунтириб берилиши лозимлиги борасида сўз боради[1].

Шунингдек, яна бир самарали чора бу ўз навбатида қонунларда жавобгарликни янада кучайтириш, жумладан, янги санкцияларни жорий қилиш, бундан ташқари, зарурат бўлса, ҳатто муассаса ходимларини ишдан бўшатиш каби чораларни ҳам қўллаш лозимдир.

Яна бир давлат мисолида кўрадиган бўлсак, Хитойнинг коррупцияга қарши курашдаги стратегияси бошқа мамлакатларга қараганда жиддий кўринишга эга бўлиб, ушбу курашда аёвсиз чоралар қўлланилиши билан характерланади. 2003 йил Хитойда Коррупцияга қарши кураш коммитети тузилган бўлиб, ушбу комитет коррупциявий ҳолатлар бўйича фактларни аниқлаш билан шуғулланади ҳамда коррупциявий ҳолатлар ҳақиқатда аниқланган тақдирда эса ўлим жазосига маҳкум қилинади.

Таълим муассасаси ходимларининг иш ҳаққини ошириш орқали нафақат етук кадрлар тайёрлаш балки таълим соҳасидаги коррупциявий ҳолатларнинг ҳам олдини олиш имкони яратилишини ўз навбатида Сингапур давлати тажрибасида кўришимиз мумкин.

Мисрда эса, коррупцияга қарши кураш нафақат қонунчиликда белгиланган нормалар ёрдамида балки таълим соҳасини назорат қилиш тизими орқали ҳам амалга оширилади. Бунда талабалар онлайн таълимдан фойдаланишади. 2019 йилда Мисрда 60 мингга яқин давлат таълим муассасаларининг 22 миллионга яқин таълим олувчилари ўз фаолиятини янги ўқув дастури билан бошладилар. Таълим вазирлиги раҳбарияти мактабларда интенсив текширувларни амалга ошириб боради. Ушбу текширувлар таълим соҳасидаги коррупцияга қарши қаратилган бўлиб, ўқув юртларида имтиҳонлар ўтказиш, маъмурият ва талабаларни қонунга риоя қилишларини назорат қилиш, коррупция ривожланишига таъсир этувчи субъектив коррупциявий омиллари сонини камайтириш каби ишларни амалга оширадилар. Миср Таълим вазирлигининг таъкидлашича, янги ўқув дастури талабалар ҳамда ўқитувчилар орасида коррупцияни камайтиришга қаратилганлиги билан характерланади. Ушбу дастурнинг асосий вазифаси “барчани ягона бошқарув остида бирлаштириш”дан иборат. Янги ўқув дастурида давлат ва турли хусусий таълим муассасаларининг тажрибаси унификация қилинган.

[1] Куликов В. Рейтинг взяточников / В.Куликов // Российская газета. - №13 (4837) от 29.01.2009. — С. 7.

Коррупция ижтимоий ва ҳуқуқий ҳодиса сифатида жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олади. Ушбу ҳодисанинг инсонлар руҳиятида мавжудлиги ва ривожланиши алоҳида эҳтиёткорликни келтириб чиқаради. Фан ва олий таълим ижтимоий субъектлар ўртасидаги барқарор муносабатлардан ҳисобланади. Коррупциявий омилларнинг бундай мавзуга йўналтирилганлиги ҳақида узоқ ўйлаш шарт эмас. Ушбу шароитда эндигина касбий ҳамда малакавий кўникмаларни ўзида шакллантириб, дунёқарашини кенгайтириб келаётган ёш авлод энг ҳимоясиз қатлам сифатида эътироф этилади[1].

Шуни ҳам англаб етиш лозимки, эндигина мактабни тугатган бола олий таълим муассасидаги раҳбарият ҳамда ўқитувчи-профессорларнинг ўзаро алоқасини ва уларнинг ушбу муассасадаги ролини аниқ ажратиб олишида юзага келадиган дастлабки муаммоларни, жумладан атрофда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни оқилона баҳолай олиши учун маълум бир вақт талаб этилишини, бундан ташқари янги пайдо бўлаётган тенденциялар ҳамда қонунчиликдаги ўзгаришларни қай даражада қабул қилиб, таҳлил қила олишини ҳам, қўшимча равишда ўз билим ҳамда салоҳиятини юксалтиришдаги ҳаракатларини оқилона баҳолаш зарур. Ушбу вазиятда муаммо ҳар бир олий таълим муассасасидаги талабанинг қандайдир ҳолатда коррупцияга дуч келганлигини айтишда ҳам эмас, балки ушбу талаба ҳам келажакда айнан шундай коррупциявий вазиятга оқилона баҳо бериши учун салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигида бормоқда.

Таълим соҳасида талабаларнинг коррупциявий ҳолатларга дуч келиши бу нафақат уларнинг бугунги кунларига балки уларнинг келажакдаги ҳаёт тарзларига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши шубҳасиз. Бу эса ўз навбатида маълум бир давлатнинг ривожланишини ҳам орқага тортиши табиий. Айниқса, сўнгги йилларда коррупция глобал аҳамият касб этмоқда. Шу аснода, бутун дунё олимлари ўзларининг илмий изланишларини айнан олий таълим соҳасида коррупциянинг пайдо бўлиши, унинг таъсир доирасини ҳамда бошқа мамлакатлар тажрибаларини ўрганишга бағишлаётганлари фикримиз исботидир[2].

Мисол тариқасида, америка олими Лиз Райсбергнинг фикрича, олий таълим соҳасида коррупциянинг мавжудлиги биринчидан, таълим соҳасидаги бошқарув тизимининг яхши ишлаб чиқилмаганлиги, ҳамда унинг қатъийлик даражаси пастлигида бўлса, иккинчидан, талабалар ҳамда таълим муассасаси ходимлари ўртасидаги ахлоқ меъёрларидан четга чиқишга йўл қўйилаётганлиги, учинчидан, эса инсонларнинг ўз муаммоларини турли хил моддий йўллар билан ҳал қилишга мойилликлари борлигида деб айтган.

Бундан ташқари, нидерланд олими О.Гус ҳамда немис олими А.Кейделнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, халқаро амалиётда “очиқ ҳокимият” концепциясидан фойдаланиш лозим. Улар ўз тадқиқотларидан

[1] “РБК Дайл” от 25.04.2008.

[2] Карташова Л. Приемная комиссия — $ 30.000. Размеры взяток за поступление в престижные вузы выросли / Л.Карташова, М. Шиц, М. Бровкина, М. Кларисс // Российская газета.- №3552 от 18.08.2004.

шундай хулосага келишганки, коррупция кам учрайдиган давлатларда ушбу концепция орқали тарафларнинг таълим соҳасида ўз қизиқишлари орқали бирлашганликлари сифатли ҳамда адолатли таълим тизими жорий этишларига олиб келган ва бу ўз самарасини берганлигини кўришган.

Янада кўпроқ натижага эришиш учун ўзаро ҳамкорлик механизмида давлат ҳамда халқ ўртасида шаффофлик, адолатлилик ҳамда ўзаро ишонч принципи ҳам ишлаши керак бўлади. Россия тадқиқотчилари В.М.Алиева ҳамда Н.Н.Соловихларнинг фикрича, олий таълим муассасаларида учраётган коррупциявий ҳолатлар ҳақида огоҳлантириш мақсадида, ОАВдан фойдаланган ҳолда "жамиятнинг бу борада қарашларини шакллантириш" назариясини қўллаб, агарда шу каби ҳолатлар кузатилган тақдирда ушбу жиноятлар хусусида тегишли давлат органларига хабар беришлари мумкинлиги ҳақида амалий кўникма ҳосил қилиш лозим. Бундан ташқари, олий таълим соҳасида коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ташкилотлар ҳамда баъзи миллий ташкилотлар ўзларининг сезиларли хиссаларини қўшганлар. Масалан, ЮНЕСКОнинг Таълимни режалаштириш халқаро институтига тегишли сайти (etico.iiep.unesco.org) фаолиятини 2001 йилда бошлаган. Этико дастури ахлоқ маданиятини юксалтириш, коррупцион амалиётларни камайтириш, ҳамда сиёсий даражада шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларини интеграциялаш орқали таълимни режалаштириш ва бошқариш стратегияларини мустаҳкамлашга қаратилган. Ушбу сайтда "Таълимдаги ахлоқ ва коррупцияга оид кўплаб манбаларни" топиш мумкин. Ушбу веб саҳифа яратувчилари олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳолатлар, содир бўлаётган воқеалар бўйича барча вазиятларни бирлаштириб ёритиб борадилар. Ушбу платформа орқали таълим соҳасидаги қуйидагича ҳолатлар содир бўлаётганлигини билиб олиш мумкин: таълим муассасаларида давлат бюджетидан ноқонуний йўлларда фойдаланиш, талабаларнинг имтиҳон топшириш жараёнида содир этиладиган қоидабузарликлар, жумладан, фан номзоди ҳамда докторлик дессертациялари ёқлашдаги ноҳақликлар кабилар[1].

Энди эса, миллий ташкилотлар хусусида фикр юритадиган бўлсак, Покистонда тузилган Олий таълим бўйича комиссияни алоҳида таъкидласак ўринли бўлади. Ушбу ташкилот таълим соҳасидаги ҳар қандай коррупциявий ҳолатлар устидан кучли назорат ўрнатганлиги билан эътиборлидир. Покистонда олий таълим соҳасидаги ҳолатлар назорат қилинади, ҳаттоки талабаларнинг ёзма ишларида аниқланган плагиат ҳам жазо тайинлаш учун асос бўлади, ҳамда бу борада ушбу ташкилот томонидан норматив тусга эга бўлган маълум бир ҳужжат ҳамда актлар ишлаб чиқилган. Ушбу мамлакатда плагиат бу алдов, интеллектуал жиноятнинг бир кўриниши сифатида баҳолайдилар.

Плагиатга йўл қўйган шахсларга нисбатан, улар қандай оғирликдаги жиноят содир этганликлари, рецидив ёки қандай унвонга эга ходим

[1] Комков С. Фальшивое образование / С. Комков // "Природа и человек / XXИ век".- №1, 2008.

томонидан йўл қўйилганлигига қараб жарималар белгилаб қўйилган. Шунингдек, агарда ушбу ҳолат бирор бир олим ёки илмий ходим томонидан содир этилганлиги аниқланадиган бўлса, ушбу шахс “Қора рўйхат”га киритилиб, таълимнинг ҳеч бир соҳасида ишлашига йўл қўйилмайди.

Масалан, АҚШдаги Монтгомерийнинг Аубурн, Колорадонинг Денвер университетлари, Харпер ва Лумен коллежлари, Чикагонинг Иллинойс университети, Миср давлат университети, Россия давлат университети, Халқаро академик ҳалоллик маркази – ICAI (academicintegrity.org), ЮНЕСКОнинг Таълимни режалаштириш халқаро институтига тегишли сайти (etico.iiep.unesco.org) ва 10 дан ортиқ машҳур олимларнинг мақолалари (Рутгерс университети профессори Дон Маккейб, Мр Тревинё, Линдси Крамер ва бошқалар), нуфузли университетларнинг расмий веб-сайтлари, онлайн платформалари, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Жанубий Корея, Миср, Россия, Швеция, Финляндия, Қозоғистон давлатларидаги университетлар ва хорижда таҳсил олаётган 30 дан ортиқ талабаларнинг фикрлари ўрганилган[1].

Дастлаб нуфузли хорижий университетлар тажрибаси асосида Олий таълим тизимида академик инсофсизлик (академик коррупция)нинг келиб чиқиш сабаблари, бартараф этиш йўллари ва уни олдини олиш мумкин.

Жанубий Корея ва Францияда (100 га яқин тилдаги плагиатни аниқлай оладиган дастур–Ouriginal.som) курс иши, амалиёт ҳисоботи, оралиқ, якуний, БМИ ва диссертацияларни, текширувдан ўтказиш жараёнини белгиланган сайтга юклайди (сайтга юклашдан олдин ўзлари текширишлари учун бир қанча дастурлар ҳам бор), агар плагиат миқдори 40% дан юқори бўлса сайт қабул қилмайди[2].

Ҳозирги кунда коррупция даражасининг пастлиги бўйича юқори ўринларда турувчи Финляндия олий таълим тизимида ҳам баъзан коррупциявий ҳолатлар учраб туради. Лекин жамият бу коррупция билан муросасиз қарши курашади ва жиноятчиларга жазо муқаррарлиги таъминланади. Финляндияда коррупцияга қарши курашадиган алоҳида орган ёки қўмита мавжуд эмас. Бундай функцияларни Финляндия Адлия вазирлиги бажаради. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Финляндияда нафақат давлат балки фуқаролик жамияти коррупцияга қарши курашади. Бу эса анча самаралироқ ҳисобланади.

Финляндия Corruption perceptions indexda коррупциясизлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатлари ичида биринчи ўринда эгаллаши кўрсатадики, Финляндияда коррупция қарши курашиш яхши ва самарали йўлга қўйилган. Финляндияда коррупция билан курашишда одоб-аҳлоқ қоидалари асосий вазифани бажаришади. Бунда келажак авлод ёшликдан коррупцияни ёмон ва унга қарши курашиш ҳис-туйғулари билан тарбияланади.

---

[1] https://devedu.uz/korrupsiya-mavzusidagi-tahliliy-malumotlar/

[2] Муродуллаев, Шоҳруҳ. Коррупция: олий таълим учун яширин таҳдид [Матн]: методик қўлланма / Ш.Муродуллаев, Т.Маматалиев, Д.Аликулов. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024 й. – 7 б.

Швецияда коррупцияга қарши курашиш учун алоҳида давлат органи мавжуд эмас. Лекин бу давлатда коррупцияга нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали коррупцияга қарши курашишади. Жумладан "Демократик аудит" муассасасини айтишимиз мумкин. Ушбу ташкилот жамиятдаги коррупция ва қонун устуворлигини шаффоф тарзда мониторинг қилиб боради. Швецияда коррупция бутунлай йўқ бўлмаган, лекин жамият бу иллатга мутлақо қарши курашади. Ҳар бир ҳолат жамиятда ва оммавий ахборот воситаларида кучли овоза бўлади. Швециянинг коррупцияга қарши курашиш асосий тамойили шундаки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шаффоф ва матбуот учун очиқ фаолият олиб боришади. Бу ўз-ўзидан халқнинг коррупцияга қарши курашувчи органларга бўлган ишончини оширади.

Бу коррупцияни ўқишга киришда имтиёзларни белгилашда ҳам кўришимиз мумкин. Белгиланган имтиёзларни яшириш ёки жамиятга кам тарғиб қилишда бу коррупция тури кўзга ташланади.

Буюк Британия университетларида коррупция бир мунча кам ва кўзга ташланмайди (кўчириш, бошқарувдаги камчиликлар, техник муаммоларни ҳисобга олмаганда) бунга абитуриентларнинг ўқишга кириш имконияти юқорилиги билан боғлаш мумкин.

Америка Қўшма Штатларидаги Монтгомерийнинг Аубурн, Колорадонинг Денвер университетлари академик ҳалоллик кодекслари мавжуд бўлиб, кодексда ўқитувчи-профессор ва талабаларнинг академик инсофсизлиги юзасидан хабар бериш билан боғлиқ бўлим киритилган бўлиб, мазкур бўлимда, бакалавриат босқич талабалари бакалавриат профессорига, магистратура ва ундан юқори босқич талаба ва номзодлар проректорга электрон почта орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Мисрда академик инсофсизликнинг олдини олиш мақсадида имтиҳон саволларини мум билан муҳрланган қутиларга солиб, қўриқлаш учун полицияга юборади. Ҳаттоки, имтиҳон саволларини олдиндан ноқонуний ошкор қилганларга жиноий жавобгарлик мавжуд.

Халқаро академик ҳалоллик маркази - ICAI (academic integrity.org) 1992 йилда Рутгерс университети профессори Дон Маккейб томонидан олий таълимда фирибгарлик, плагиат ва инсофсизликка қарши курашиш мақсадида ташкил этилган. Халқаро академик ҳалоллик маркази, академик ҳалолликни ҳалоллик, ишонч, адолат, ҳурмат, масъулият ва жасорат каби олтита асосий қадриятларга содиқлик сифатида белгилайди[1].

Хусусан, АҚШдаги Нью-Йорк университети Академик кодексида: талабалар интизомий тартиб-қоидаларида (Academic code: student disciplinary procedures) шундай дейилган: ҳар бир талаба академик ҳалол бўлиши ва бошқаларнинг ноҳақлигига тоқат қилмаслиги лозимлиги

[1]Муродуллаев, Шоҳруҳ. Коррупция: олий таълим учун яширин таҳдид [Матн]: методик қўлланма / Ш.Муродуллаев, Т.Маматалиев, Д.Аликулов. – Т.: "Yetakchi nashriyoti", 2024 й. – 6 б.

келтирилган. 2022 йилнинг охирида Америкада ишга туширилган Chat GPT суъний интеллекти плагиатни аниқлашни қийинлаштирди. Сунъий интеллект ёрдамида ёзма ишлар ўзига хослиги 80-90% ни ташкил қиляпти. Бу талаба ва илмий ходимларнинг илмий салоҳиятини пасайтириши мумкинлиги бўйича хавотирлар бор.

Ваҳоланки, кўпчилик мутахассислар АҚШнинг илм-фандаги ютуқларининг асосий сабаби плагиатга қарши муросасиз курашганлигида деб ҳисоблайди. Жумладан, айрим Америка университетларида плагиатдан фойдаланилган учун ўқишдан четлаштириш чораси қўлланилади.

Бу борада, бизнинг ОТМларда ҳам ҳаракатлар бошланган, хусусан Тошкент давлат юридик университетида Академик ҳалоллик ва тадқиқот этикаси кодексини ишлаб чиқилган. Унда талабалар ва университет ҳаёти тўлиқ тартибга солинган бўлиб, ўқув жараёнини ва самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, академик инсофсизликни аниқлаш ва уни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Шу билан бир қаторда, республика ОТМларида плагиатни аниқлаш ва уни олдини олиш учун аниқ чора-тадбирлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Кўпчилик ОТМлар бу ишни кўп ҳам эътиборга олавермайди, ваҳоланки бу илм-фан келажагини барбод қиладиган қилмиш ҳисобланади.

ОТМларда плагиатни аниқлайдиган дастурларнинг (Turnitin, Dupli Checker, Paperrater, Plagium каби) имкониятларидан кенг фойдаланиш чораларини кўриб чиқиш зарур.

Ривожланган Европа мамлакатларининг коррупцияга қарши курашишда бир неча ўзига хос усуллари мавжуд. Ривожланган давлатларда академик инсофсизликка қарши курашиш бўйича қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқилган:

Талабалар биринчи курсга келиши билан академик ҳалоллик тушунчасини уларнинг онгига сингдириш, синовлар пайтида:

талабалар ўринларини алмаштириши лозим (ўқишдаги дўстлар ёнма-ён ўтирмасликлари учун);

ўқитувчи-профессор атрофда юриши, ҳаммага кўриниб туриши ва ҳаммани кузатиши;

тасодифий тартибда саволлар билан тестларнинг бир нечта вариантини яратиш;

ҳар семестрда янги тестлар тузиш лозим.

Ёзма топшириқлар пайтида: талабаларнинг ёзиш қобилияти учун асос сифатида фойдаланиш учун семестр бошида талабанинг ёзув намунасини (ҳуснихат кўриниши) олиш; талабалар аввал тайёрланган мавзуларни топмасликлари учун янги мавзулар бериш каби.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши кураш давлатлар томонидан ўрганилиб, йилдан-йилга ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Коррупциявий ҳолатлар устидан давлатни назорат қилиш мақсадида тузилган “Transparency International” ноҳукумат ташкилоти, ҳар йили коррупциявий ҳолатлар бўйича энг кўп коррупция

учрайдиган ҳамда энг кам коррупциявий ҳолатлар учрайдиган давлатлар рейтингини аниқлаб борадилар. Шунга кўра, энг кам коррупциявий ҳолатлар учрайдиган давлат деб Дания топилган (2019 йил ҳисобига 87 балл). Ушбу давлатнинг бундай ҳолатга эришганининг асосий омили бу албатта ушбу давлат фуқароларининг коррупцияга нисбатан нафрати сабаб бўлади. Шу билан бир қаторда, ҳукуматнинг ҳар бир аъзоси 2002 йилда қабул қилинган "Коррупция тўғрисида"ги Қонунга биноан ўзларининг мол-мулклари ҳамда даромадлари ҳақида ҳисобот бериб боришлари лозим. Ҳар қандай жараёнлар бўйича маълумотлар баъзаси очиқ бўлиб, Қирролликнинг ҳар бир фуқароси коррупциявий ҳолатлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳеч қандай муаммоларсиз мурожаат қилишлари мумкин. Мамлакатда коррупцияга қарши кураш учун турли ташкилотлар тузилган улардан бири DANIDA ташкилоти ҳисобланади. "Коррупцияга нисбатан тоқат қилмаслик" тамойили асосида нафақат жамиятнинг ижтимоий муаммолари балки, таълим соҳасидаги коррупцияга ҳам қарши кураш учун ёрдам бермоқда. Фуқароларнинг ушбу позицияси орқали шуни ҳам айтиш жоизки, агарда бирор бир шахс коррупцияга аралашиб қолгудек бўлса, ушбу шахс нафақат эгаллаб турган лавозимидан маҳрум бўлади, балки атрофидаги барча одамлардан умуман жамиятдан ажралиб қолиши мумкин.[1]

Яна бир коррупциявий ҳолатлар кам учрайдиган мамлакат бу Сингапурдир (2019 йил 85 балл). Ушбу мамлакатда коррупциянинг ўсиш даражаси жудаям паст бўлиб, ҳар бир амалдорнинг ҳаракатлари назорат остида, ҳамда бюрократия билан боғлиқ ишлар ҳам анчайин соддалаштирилган. Ушбу мамлакатда коррупциявий ҳолатларни аниқлаш бўйича Бюро ташкил қилинган бўлиб, ушбу ташкилот мансабдор шахслар томонидан содир этилган коррупциявий ҳолатлар бўйича фуқароларнинг шикоятларини ўрганиш билан шуғулланадилар. Мамлакат тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Ли Куан Ю ҳукумронлиги даврида Сингапур Осиёдаги коррупция энг кенг тарқалган мамлакатга айланган эди. Лекин бугунги кунга келиб, Сингапурнинг ҳар бир фуқароси болалигиданоқ белгилаб қўйилган қоидаларни четлаб ўтмаслик, четлаб ўтган тақдирда эса қандай жазолар кутаётганлигини онгли равишда англаб етган ҳолда қоидаларга амал қилишга ҳаракат қиладилар.

Яна бир шундай мамлакатлардан бири Швеция (85 балл) бўлиб, ушбу мамлакатда ҳам барчага болалигидан ҳаққонийлик, меҳнатсеварлик, масъулиятлилик каби сифат қай даражада муҳим эканлиги сингдириб борилади. Шу сабабдан ҳам пора бериш ҳамда коррупциянинг бошқа кўринишлари мамлакатда учрамайди. Коррупцияга қарши кураш бўйича чақирувларни энг кўп олиб борувчи ташкилотлар ОАВ, черков ҳамда "Порахўрликка қарши институт" ҳисобланади. Шуни ҳам айтиш жоизки, бошқа мамлакатларга қараганда бу турдаги жиноятлар учун жудаям қаттиқ жазо тайинланмаган бўлиб, энг кўп миқдорда 6 йил озодликдан маҳрум

[1] Газета "Ведомости".- № 489 от 21.03.2009 й.

қилиш жазоси қўлланилади. Лекин ушбу жиноятни содир этган шахс тўғридан-тўғри ОАВда ёритилиб, у жамиятнинг нафратига дучор бўлиши ҳамда иш жойида обрўсизланишига олиб келади.

Америка Қўшма Штатларида (69 балл) ҳам коррупцияга қарши курашнинг турли йўлларидан фойдаланиб келади. Ушбу мамлакатда ҳам коррупцияга қарши курашнинг энг самарали йўли бу коррупцияга қарши жамиятнинг қарашларидир, яъни ҳар қандай коррупциявий ҳолатлар бўйича ҳукуматга хабар бериш саналади.

Хитой Халқ Республикасидаги коррупциявий ҳолатлар айниқса, олий таълим соҳасида кенг илдиз отишига қарши кураш талабалар, ўқитувчилар ҳамда партия комитети ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқий меъёрларига мос равишда олиб борилаётганлигига бориб тақалади.

Юқоридаги барча таҳлиллар, мамлакатларнинг тажрибалари орқали шуни билиб олишимиз мумкинки, коррупцияга қарши курашнинг энг самарали йўли бу жамиятнинг унга қарши фикр-мулоҳазага эга эканлиги, унга қарши онгнинг шаклланганлиги ва коррупциянинг ҳеч бир ҳолатига бефарқ эмасликлари билан баҳоланади.

Бундан ташқари, МДҲ давлатларидан бири Россия Федерацияси бўлиб, 2018 йилга келиб, коррупцион ҳолатлар кузатилиши бўйича 138-ўринни эгаллаган. Россия Федерациясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари таълим соҳасидаги коррупция шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига ҳақиқатда таҳдид солишини ифодалайди. Бундан ташқари, Россия социологларининг маълумотларига кўра, Россия таълим сифати бўйича дунёда 27-ўринни эгаллаган. Таълим сифатини яхшилаш учун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим қадам қўйиш керак эканлиги ва бу борада қатор муаммоларни ҳал этиши зарурлиги, шу жумладан энг катта муаммолардан бири бўлган коррупция ҳал қилиниши кераклигини кўрсатади.[1]

Рус илмий адабиётларида коррупцияга қарши кураш масаласида алоҳида дастур ишлаб чиқилишига эътибор қаратилади. Россияда ҳам олий таълим соҳасида коррупцияга қарши кураш мақсадида, 2009 йили Ягона давлат имтиҳони (ЕГЭ) ташкил этилган. Лекин илк ташкил қилинган пайтларида ушбу имтиҳон саволларига жавобларни Интернет сайтларидан сотиб олиш имкони мавжуд эди. Аммо бугунги кунга келиб ушбу имтиҳонни топшириш жараёни анча мураккаблаштирилган бўлиб, бу эса ўз навбатида олий ўқув юртларига кириш жараёнида содир бўладиган коррупциявий ҳолатларнинг анчайин пасайишига олиб келди. Бундан ташқари, мамлакатда алоҳида кириш имтиҳонлари ҳам мавжуд. Лекин бу имтиҳонлар Ягона давлат имтиҳонига қараганда назоратга олиш имконининг камлиги сабабли ҳам бу

[1]Апресян Р.Г. Этика в высшем образовании / Р.Г. Апресян // Ведомости Научно-исследовательского института прикладной этики. Вып. 26: Этика образования / под ред. В.И. Бакштановского и Н.Н. Карнаухова.- Тюмень: НИИПЭ, 2005.

турдаги кириш имтиҳонларида коррупциявий ҳолатларни олдини олиш бироз мушкул бўлади[1].

Шу билан бирга, мамлакатда энг нуфузли университетлар рейтингининг эълон қилиниши яна бир таълим сифатини яхшилаш учун имконият яратди. Шу орқали ҳар бир рақобатлашаётган олий ўқув юрти ўзини юқори рейтинглар қайд этиши учун сифатли таълим беришга интилишни бошлади. Буларнинг барчаси таълим сифатини ўсишига ёрдам берса, у билан бир қаторда коррупциянинг ҳам ўсишига олиб келади.

Бугунги кунга келиб, баъзи олий таълим муассасалари “Black Box” дастурини ишга туширган бўлиб, ушбу дастур орқали талабалар бемалол коррупциявий ҳолатларга дуч келганликлари ҳақида хабар беришлари мумкин. Албатта бу ҳолат ўз навбатида коррупцияга йўл қўядиган ходимларнинг аниқланишига, ҳамда ушбу олий таълим муассасасида коррупциявий ҳолатларнинг камайишига ёрдам беради.

Юқоридагилардан шуни англашимиз мумкинки, коррупцияга қарши курашнинг энг самарали йўли бу албатта фуқароларнинг онгига таъсир этиш билан амалга оширилишидир. Ушбу тажрибани албатта эҳтиёж сезадиган ҳар бир давлат ўз амалиётида қўллаб кўриши зарур. Агарда ҳар бир жамиятда юқоридаги коррупциявий ҳолатлар даражаси паст кўрсаткичга эга давлатлар фуқаролари сингари қабул қилинадиган бўлса, фуқаролар нафақат жавобгарликдан, балки жамиятда ўз ўрни йўқолишидан қўрқса, шунингдек, бу каби ҳолатларга ҳеч бир фуқаро бефарқ бўлмаса, бу ўз навбатида ҳар бир давлат коррупциядан ҳоли ҳудудга айланиши аниқ[2].

Олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва шу билан коррупциявий хавф-хатарни олдини олиш мақсадида коррупцияга қарши курашнинг асосий чоралари сифатида қуйидагилар таклиф этилади:

давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича ишларни амалга ошириш зарур;

Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз

[1] Димитриева, Е.Н. Оценка теневого бизнеса / Актуальные проблемы социально-экономических сборник материалов ХИВ-й международной научно-практической конференции. НИЦ «АПРОБАЦИЯ». 2017. С. 55-57.

[2] Донецкая, С.С. Состояние и структура коррупции в российских вузах (анализ мнений студентов) [Электронный документ] // Высшее образование в России. – 2015. № 8-9. URL: htpp://киберленинка.ру /артикл/н/состояние-и-структура-коррупции-в-российских-вузах-анализ-мнений-студентов (дата обращения: 25.10.2017).

муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўришни изчиллигини таъминлаш талаб этилади;

коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги олий таълим муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўришни асосий вазифа этиб белгилаш лозим;

Жумладан, Олий таълим муассасаларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш, ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали, Олий таълим муассасалари бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиш зарур.

Рақамли технологиялар имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда Олий таълим муассасаларидаги қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш каби кўплаб соҳаларда коррупция ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилган самарали механизмлар жорий этилиши лозим.

ХАТАМОВ ЖАХОНГИР ЖУРАЕВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, аҳолининг фаровонлигини ошириш, ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6098-сонли Фармони, шу каби ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида қабул қилиниши бежиз эмас.

Мазкур ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик кенг ривожланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва мамлакат иқтисодиёти ривожланиши баробарида аҳоли даромадини ўсишини таъминламоқда.

Шунга қарамай иқтисодиётда яширин ишлаб чиқариш ва айланмаларни сақланиб қолиниши тадбиркорлик ривожига ва соғлом рақобатни таъминлашга тўсиқ бўлмоқда.

Муҳтарам Президентимиз томонидан 2024 йилнинг 16 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам “Бугунги кундаги энг долзарб масала, бу –яширин иқтисодиёт” деб бежиз айтилмади.

Яширин иқтисодиётга қарши курашиш орқали бюджетга қўшимча тушумни таъминлаш билан бир қаторда, соғлом рақобат, адолатли бизнес муҳити яратилади. Бу эса инвестициялар ҳамда аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади[1].

Имзоланган янги Фармон билан яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Хусусан, яширин иқтисодиёт кўламини кескин қисқартириш орқали мамлакатда соғлом рақобат ва хусусий бизнесни ривожлантириш, яширин иқтисодиёт шаклланишининг турли схемалари, хуфиёна ишлаб чиқариш ва ноқонуний молиявий оқимларга барҳам бериш орқали иқтисодий барқарорликни ва аҳоли фаравонлигини таъминлаш асосий йўналишлар этиб белгиланган.

Мазкур Фармонга кўра, яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан қуйидагилар Махсус комиссиянинг асосий вазифаси этиб белгиланди:

бизнеснинг “соядан” чиқишини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, солиқ режимини соддалаштириш ҳамда нақдсиз тўловларни кенгайтириш чораларини кўриш;

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шаклланган бизнес юритиш амалиётига мослаштириш;

солиқ ва божхона маъмуриятчилиги воситалари ҳисоб ва тушумларнинг тўлиқлигига, шу жумладан солиқлардан бўйин товлаган жисмоний ва юридик шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга қаратилишини таъминлаш;

яширин иқтисодиётга қарши курашиш фаолиятини “пулни ювиш”га қарши курашиш соҳасидаги ташкилотлар фаолияти билан мувофиқлаштириш;

очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашишга кенг жамоатчиликни, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, жамиятда яширин иқтисодиётга муросасизлик ҳиссини шакллантириш, легал бизнес юритишнинг нуфузини ошириш[2].

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида кечаётган беқарор вазият, мамлакатлар ўртасида бир-бирига нисбатан қўллаётган иқтисодий санкциялар билан боғлиқ хатарлар, ҳар хил молиявий ва бошқа чекловлар нафақат шу мамлакатлар, балки қўшни давлатлар иқтисодига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

---

[1] Яширин иқтисодиётга қарши кураш инвестициялар ҳамда аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади – Фарҳод Очилов// ЖАМИЯТ 19.01.2024

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 30.10.2020 йилдаги ПФ-6098-сонли Фармони. // https://lex.uz/uz/docs/5073459

Бундай ўта мураккаб айни вазиятда, иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда, аввало, мамлакат ички имкониятларидан кенг фойдаланиш, иқтисодий ривожланишга салмоқли салбий таъсир кўрсатаётган хуфёна иқтисодиётга қарши муросасиз курашиш, улар фаолиятини қонунийлаштириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Хуфёна иқтисодиёт тараққиёт йўлимиздаги тўсиқ эканлиги, тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан қонунларга зид равишда шуғулланиш ҳолатлари кўпайиши ҳам тараққиёт учун жиддий хавф туғдириши мумкинлиги, айни ҳақиқат бўлиб қолмоқда.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда хизматлар, қурилиш, саноат соҳаларида ўнлаб триллион сўмлик маҳсулот “соя”да қолаётганини кўрсатмоқда. Бу орқали ялпи ички маҳсулотга **135 триллион сўм**, бюджетга **30 триллион сўм** тушум йўқотилмоқда. Жумладан, биргина қурилиш корхоналарининг **41 фоизи** ҳисоботида фақат **1 нафар** ишчисини кўрсатган. Ваҳоланки, бу корхоналар ўтган йилнинг ўзида **4 триллион сўмлик** қурилиш ишларини бажарган. Ёки камида **25 гектардан** ери бор **5 мингта** мева-сабзавотчилик фермер хўжалигида **1 тадан** расмий ишчи рўйхатдан ўтгани маълумотларда келтирилган.

Президентимизнинг “Яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида айнан яширин иқтисодиётга қарши курашиш, хусусан, давлат назоратини кучайтиришга қаратилган бир қатор вазифалар белгилаб берилди[1].

Бугунги кунда мамлакатимизда яширин иқтисодиёт ва иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш билан 14 та орган тарқоқ ҳолда шуғулланиб келмоқда. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирадиган яхлит тизим йўқлиги яширин иқтисодиёт улушини юқорилигича қолишига олиб келаётир.

Мазкур ҳужжатда яширин иқтисодиётга қарши курашиш давлатнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланиб, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолияти кучайтирилмоқда. Хусусан, унинг асосий фаолияти сифатида яширин иқтисодиётга қарши курашиш ҳамда бюджет маблағлари ҳаракати занжири устидан тўлиқ назоратни ўрнатиш белгиланди.

Шуларни ҳисобга олиб, **Департамент чуқур таҳлил, тезкор-қидирув, тафтиш ва ўзи тергов қиладиган идорага** айланади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ваколатлари эса тўлиқ Департаментга ўтказилмоқда. Бу жуда оқилона қарор бўлиб, яширин иқтисодиётга барҳам бериш ва коррупцияни бартараф этишга хизмат қилади[2].

[1] https://new-department.uz/uz/press/news/3635/
[2] https://parliament.gov.uz/oz/articles/1970

Эндиликда Департамент ва **Ҳисоб палатаси** биргаликда ишлаб, **яширин иқтисодиётни жиловлаш ва бюджет маблағларининг тўғри сарфланиши учун жавобгар бўлади. Ушбу** вазифаларни амалга ошириш учун Департамент **энг замонавий ахборот тизимлари, махсус воситалар** билан таъминланади.

Бундан ташқари, яширин иқтисодиётга сабаб бўлаётган омилларни аниқлаб, илғор хорижий тажриба асосида **таклифлар ишлаб чиқадиган**, тизим ходимларини и**қтисодий жиноятларни аниқлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича ўқитадиган** Департамент ҳузурида **Илмий-таҳлилий ва ўқув маркази** ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Фармонни қабул қилишдан **Асосий мақсад**:

– қонунга итоаткор тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, яширин иқтисодиётни репрессив йўл билан эмас, балки уларни рағбатлантириш механизмлари ва амалий кўмак бериш орқали кўламини камайтириш;

– жазолов чораларини кучайтиришдан воз кечган ҳолда инсофли тадбиркорни ҳимоя қилиш, уларга ҳақиқий кўмакчи бўлиш ҳамда бизнес ривожига тўсиқ бўлувчи коррупцион омилларга барҳам бериш ҳисобланади[1].

Бундан ташқари иқтисодиётдаги хуфиёна айланмаларга қарши курашувчи давлат органлари фаолиятининг аниқ йўналишларини белгилаш орқали масъулияти ва жавобгарлигини ошириш ҳамда яхлит тизим яратиш бўйича мавжуд муаммолар бартараф этилди.

Эндиликда ушбу йўналишдаги давлат органлари фаолияти яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган якдил сиёсатни юритиш тизими ташкил этилди.

Жумладан, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ваколат ва вазифалари кенгайтирилиб, асосий фаолиятини яширин иқтисодиётга қарши курашиш ҳамда бюджет маблағлари ҳаракати занжири устидан тўлиқ назорат ўрнатиш юклатилди. Шу билан бирга, яширин иқтисодиёт кўламини қисқартириш бўйича белгиланган устувор йўналишларга эришишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Унга мувофиқ, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, бизнесни “соядан” чиқишини рағбатлантириш ҳамда нақдсиз пул тўловларини оммалаштириш, 2030 йилгача мўлжалланган яширин иқтисодиёт кўламини қисқартириш стратегияси ва мақсадли кўрсаткичлар дастурини тасдиқлаш, электрон тижорат тизимини рағбатлантириш ва бошқа зарурий масалалар бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Департамент органларига келгуси 3 йилда яширин иқтисодиёт кўлами юқори бўлган қурилиш, фармацевтика, алкоголь ва тамаки соҳаларида яширин иқтисодиёт улушига барҳам бериш, капитални четга ноқонуний

[1] https://kun.uz/kr/news/2024/01/18/yashirin-iqtisodiyotga-qarshi-kurashish-boyicha-davlat-siyosatining-ustuvor-yonalishlari-belgilandi

чиқиб кетиши, қонунга хилоф равишда импорт ва нақдлаштиришга муросасиз курашиш устувор йўналиш этиб белгиланди.

САМАНДАРОВА НОДИРА КЕРИМБАЕВНА
Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими, Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби мустақил изланувчиси

КОРРУПЦИЯНИНГ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ПРЕВЕНТИВ ЧОРА-ТАДБИРЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, давлат стратегиялари ва дастурларида қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида ПФ-158-сон Фармони 89-мақсади коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш, бунда 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичларидан бири сифатида “Transparency International” халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни қабул қилиш индексида камида 50 поғонага кўтарилишга эришиш назарда тутилган[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон Фармони билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури тасдиқланган. Унда давлат бошқаруви, давлат хизмати, маъмурий тартиб-таомиллар, давлат харидларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик, суд-ҳуқуқ тизими соҳаларида коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашишнинг институционал асосларини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди[2].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида ПФ-158-сон Фармони.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-200-сон Фармони.

Коррупция – бу нафақат юридик фанлар, балки ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа бир қатор фанлар муаммоси ҳисобланади. Коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳуқуқ устуворлиги, сиёсий ва ижтимоий тенглик каби қадриятларнинг қадрсизланишига олиб келади, давлат ва жамият манфаатлари устуворлигига, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ривожига тўсқинлик қилади.

Коррупция аҳолининг турмуши ва фаровонлигига таъсир кўрсатиб, айрим тоифаларнинг ноқонуний бойлик орттиришига, ижтимоий тенгсизлик ва қашшоқликнинг кучайишига олиб келади, фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда тенг ҳуқуқлар асосида иштирок этишига тўсқинлик қилади ва ҳукуматга бўлган ишончининг сусайишига олиб келиб, давлатнинг ижтимоий хавфсизлигига таҳдид солади.

Таниқли олим Р.Аккерман таъкидлаганидек, “Коррупция бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бузилишига, яширин иқтисодиётнинг ривожланишига замин яратади, табиий ресурслар, яратилган неъматлар суиистеъмол қилинишига, бюджет маблағларининг ўзлаштирилиши ва ноқонуний йўллар орқали хорижга чиқиб кетишига, инвесторларнинг ишончи йўқолишига, мамлакатнинг халқаро нуфузи ва имиджи, инвестициявий жозибадорлигининг пасайишига олиб келиб, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига зарар етказади”[1].

Коррупция, пировард натижада давлат суверенитети, конституциявий тузуми, ҳудудий яхлитлиги, замонавий геосиёсий ва геомафкуравий жараёнларда сиёсий беқарорлик, ҳамда бошқа давлатларга иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тобеликка олиб келиши билан давлатнинг сиёсий хавфсизлигига путур етказади.

Давлат секторидаги коррупциянинг сабаблари ва оқибатлари бўйича илмий тадқиқотларга тўхталадиган бўлсак, Скоттнинг рисоласида сиёсий коррупция кўринишларининг бугунги кунда маълум бўлган қуйидаги бир нечта шакллари ёритиб берилган: бюрократик коррупция, непотизм[2], патронаж[3] ва ҳокимиятни эгаллаб олиш; бюрократик ёки маъмурий коррупция “ҳукуматдаги ва/ёки ундан ташқаридаги шахсларга ноқонуний, ношаффоф йўллар билан турли афзалликларни тақдим этиш учун амалдаги қонун-қоидаларнинг қўлланилишини қасддан нотўғри талқин қилиш”ни англатади. Солиқ мажбуриятларини “камайтириш” учун солиқ йиғувчиларга пора бериш коррупциянинг классик турларидан биридир, непотизм ва патронаж фавортизмнинг кўринишлари бўлиб, алоҳида имтиёзлар бериш, “ягона манбадан” шартномаларни имзолашга эришиш ва лавозимларга

[1] Susan Rose-Ackerman, Yale University, Connecticut Publisher: Cambridge University Press Online publication date:June 2012Print publication year:1999 //DOI: https://doi.org/10.1017/CBO9781139175098.

[2] Непотизм (лотинча “непотис" набира, жиян) — қариндош-уруғчилик, яъни касбий фазилатларига эмас, балки қариндош-уруғ, қуда-анда, дўстлик алоқаларига кўра устуворликлар беришдан иборат фаворитизмнинг бир тури.

[3] Патронаж — француз тилидан patronage “ҳомийлик”, “васийлик”, “қўллаб-қувватлаш”.

тайинлаш билан хусусиятланади, ҳокимиятни эгаллаб олиш эса, алоҳида шахслар, гуруҳлар томонидан ҳам давлат, ҳам хусусий секторга оид қонунлар ва қонуности ҳужжатларидан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши билан ифодаланади (Жаҳон банки, 2000 йил). Бунда энг юқори нархларни таклиф қилган томон учун монополияга имтиёзлар тақдим этиш ва оқибатда бенефициар фирмани рақобатдан ҳимоя қилиш коррупциянинг яққол намунасидир[1].

Давлат бошқарувида энг муҳим масала давлат молиявий маблағларини бошқариш бўлиб, айнан бюджет даромадлари ва ҳаражатлари жараёнида, даромадларни бошқаришда, жумладан солиқ ва божхона маъмурчилигида коррупция, хусусан, откат, порахўрлик, фирибгарлик ва ўғирлик қилиш учун кенг имкониятлар мавжуд. Коррупцияга қарши курашиш сиёсий жиҳатдан мураккаб жараён, лекин самарали бошқарув, очиқлик ва шаффофлик ва рақамлаштириш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Бугунги кунда коррупция халқаро терроризм ва экстремизм, фундаментализм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси каби глобал муаммолар қаторида туради. ИҲТТ (OECD, Organization for Economic Co-operation and Development) ижтимоий тадқиқотлар натижалари респондентлар коррупцияни “биринчи даражадаги муаммо” деб ҳисоблашларини ва уларни глобаллашув ёки миграция муаммоларидан кўра кўпроқ ташвишга солаётганлигини кўрсатмоқда.

Коррупция муаммоси ва унинг давлатлар хавфсизлиги ва жамият барқарорлигига таҳдиди масаласи халқаро миқёсда БМТ минбарларида кўтарилмоқда, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талаблари эслатилмоқда, ИҲТТ тавсиялари, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (UNODC, United Nations Office on Drugs and Crime) методологиялари ишлаб чиқилган.

Хусусан, **БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (UNCAC, United Nations Convention against Corruption) преамбуласида коррупцияни жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига таҳдид эканлиги, демократик институтлар, ахлоқий ва бошқа қадриятлар, барқарор ривожланиш ва қонун устуворлигига путур етказиши, бутун жамият ва мамлакатлар иқтисодиётига дахл қилиб, катта ҳажмдаги давлат активларини ноқонуний легаллаштириш билан боғлиқ уюшган иқтисодий жиноятчилик кўринишидаги трансмиллий ҳодисага айланганлиги, унга қарши курашиш учун барча - оммавий сектор, фуқаролик жамияти институтлари, ноҳукумат ташкилотларнинг халқаро ҳамкорликдаги фаолияти зарурлиги баён қилинган[2]**.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, “Коррупцияга қарши курашиш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва демократик жавобгарликни тарғиб

[1] The Many Faces of Corruption Tracking Vulnerabilities at the Sector Level EDITED BY J. Edgardo Campos Sanjay Pradhan.

[2] БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси. Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлда қўшилган. https://lex.uz/docs/1461329

қилиш учун зарурдир. Бу инклюзив барқарор ривожланиш йўлидаги муҳим қадамдир" дея, БМТнинг НЖҚКБ (UNODC) ижрочи директори эса, дунёда коррупция туфайли солиқ тўловчиларнинг чўнтакларидан триллионлаб доллар қийматдаги маблағлар мактаб ва касалхоналарга етиб бормасдан, мансабдор шахслар ҳисоб рақамларига тушаётганлигини, бунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда коррупцияга қарши курашишнинг муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаганлар[1].

2024 йил 18 январь куни Ўғирланган активларни қайтариш ташаббуси (StAR, Stolen Asset Recovery Initiative) "Музлатилган ва мусодара қилинган активларни бошқариш: амалиётчилар учун қўлланма" (Managing Seized and Confiscated Assets: A Guide for Practitioners) таҳлилий нашрини тақдим этди. Ҳужжатда таъкидланганидек, сўнгги 14 йил ичида турли мамлакатларда қарийб 10 млрд АҚШ долларига тенг ноқонуний сотиб олинган мол-мулк ички қонунчиликка мувофиқ ва бошқа юрисдикциялар ташаббусига кўра, жиноий айблов ҳукми натижасида ёки фуқаролик процессининг бир қисми сифатида, хусусий даъволар асосида, шунингдек, маъмурий иш юритув доирасида мусодара қилинган. Ташкилот мутахассислари, мусодара қилинган активларни кейинчалик бошқаришда самарадорликнинг паст эканлигини ва жамиятга етказилган зарарни етарли даражада қоплашга имкон бермаётганлигини, шунинг учун музлатилган ва мусодара қилинган активларни тасарруф этиш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсияларини беришган[2].

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-институционал механизмлар такомиллаштирилди. 2020 йилда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашиш сиёсати тенденцияси коррупциянинг оқибатлари билан эмас, балки унинг олдини олишга қаратилган превентив чора-тадбирлар устуворлигига қаратилмоқда. Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини шакллантиришда давлат бошқарувида бюрократияни камайтириш, электрон ҳукумат тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматларини кўрсатишда "инсон омилини" қисқартириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида коррупция омилларини бартараф этиш, давлат органларининг очиқ ва шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

[1] UN anti-corruption conference begins with call to restore trust to tackle pandemic challenges, achieve sustainable development https://www.unodc.org/unodc/en/press/releases/2021/December/un-anti-corruption-conference-begins-with-call-to-restore-trust-to-tackle-pandemic-challenges--achieve-sustainable-development.html

[2] https://anticor.hse.ru/main/news_page/opublikovan_doklad_ob_upravlenii_izyatymi_aktivami

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги ПҚ-5177-сон қарорига асосан, ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими” халқаро стандарти талаблари асосида, республикамизнинг 100 дан ортиқ давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди, 200 дан ортиқ ташкилотларда коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс-назорат) тизими жорий этилиб, бугунги кунда 41 та ташкилот коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификатига эга бўлди.

Бундан ташқари, коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган соғлиқни сақлаш, олий таълим, капитал қурилиш ва давлат харидлари соҳаларида “Коррупциясиз соҳа”, ҳудудларда “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши миллий рейтинг ва индекслар жорий этилди. Хусусан, 2022 йилдан буён давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлиги махсус электрон платформа (“e-anticor.uz”) орқали баҳоланиб, натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб келинмоқда.

Коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича “E-Antikorrupsiya” лойиҳаси ишга туширилган, электрон платформа орқали вазирлик ва идораларнинг функцияларидаги коррупциявий хавф-хатарлар даражаси баҳоланиб, уларни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон 2023 йил 19-20 декабрда, Қатар амири томонидан таъсис этилган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот” билан ғолибларни тақдирлаш маросимига мезбонлик қилди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Қатар давлати амири шайх Тамим бин Ҳамад Ал-Тани, шунингдек, бошқа бир қатор хорижий олий мартабали меҳмонлар, дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатидан етакчи экспертлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди. Мазкур тадбирда Давлат раҳбари Ш.Мирзиёев ўз нутқида “Таҳлилларга кўра, ҳозирда коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 трлн. АҚШ долларига яқин миқдорни ташкил қилмоқда. Аммо, мен бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилаётган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайди, деб ҳисоблайман. Энг ёмони – жамият кўрадиган маънавий зарар кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди”, дея коррупция натижасида инсониятга етказилаётган зарар кўлами ниҳоятда юқори эканлигини алоҳида таъкидладилар[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимидаги нутқи https://president.uz/uz/lists/view/6934

2024 йил январда Олий Мажлис Сенатининг 49-ялпи мажлисида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Бурхановнинг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузаси эшитилиб, унга кўра, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар натижасида, Ўзбекистон "Transparency International" халқаро ноҳукумат ташкилотининг "Коррупцияни қабул қилиш индекси" (CPI)да 14 поғона, "Жаҳон одил судлов лойиҳаси" ҳуқуқ устуворлиги индексининг "Коррупциянинг мавжуд эмаслиги" индикаторида 4 поғона, Жаҳон Бошқарув сифати индикаторлари (WGI)нинг "Коррупцияни тийиб туриш" индикаторида 15 поғона, "Trace Matrix" порахўрлик матрицасида 16 поғона, Ҳукумат очиқлиги бўйича "Open data inventory" рейтингида 5 поғона кўтарилишига эришилганлигини маълум қилинди[1].

Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан соҳада бир қатор муаммолар мавжуд:

Биринчидан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар таҳлили ва статистик маълумотларга кўра, республикада коррупцияга оид жиноятлар ва жиноят иштирокчилари сони юқорилигича қолмоқда (2023 йилда 2022 йилга нисбатан бироз камайган). Ушбу ҳолатда коррупцияга оид жиноятларни аниқлаш ва фош этиш, шунингдек, очиқлик сиёсати туфайли маълумотларнинг кенг жамоатчиликка очиқланиши билан боғлиқ ижобий томонларини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим;

Иккинчидан, ўтказилаётган ижтимоий сўровлар, шу жумладан коррупцияни қабул қилиш индекси натижалари фуқароларнинг мамлакатимизда коррупция даражасини "юқори", деб ҳисоблашларини кўрсатмоқда. Аммо, респондентлар соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ижобий ўзгаришлар кузатилаётганини ҳам эътироф этишган;

Учинчидан, бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишида жамоатчилик назорати ва мониторинги тизими яхши йўлга қўйилмаган, асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан ўтказиладиган ўрганиш ва мониторинг ишлари давомида турли коррупцион схемалар орқали бюджет маблағларини талон-торож қилиш ва ўзлаштириш, давлат харидлари жараёнида манфаатлар тўқнашуви ва бошқа қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмоқда;

Тўртинчидан, соҳада илмий ва социологик тадқиқотлар етарли эмас, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш сиёсати самарадорлигини баҳолайдиган нодавлат мустақил институтлар ташкил этилмаган. 2021 йилда коррупция ва очиқликни ўрганувчи биринчи нодавлат нотижорат ташкилот — "Ўзбекистонда очиқлик ва шаффофлик" ("Transparency Uzbekistan") таҳлил маркази давлат рўйхатидан ўтган, шунингдек, "Юксалиш"

[1] Олий Мажлис Сенатининг 49-ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Бурханов ахбороти. https://aca.uz/oz/article/korrupsiyaga-qarshi-kurashish-togrisidagi-ikkinchi-milliy-maruza-senatga-taqdim-qilindi

умуммилий ҳаракати ННТ томонидан “Аксилкоррупция лабораториялари” доирасида мактабгача таълим, мактаб таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда;

Бешинчидан, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича норматив-ҳуқуқий асослар етарли эмас, яъни миллий қонунчиликда айрим ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд. Хусусан, давлат хизматчиларининг мол-мулклари ва даромадларини декларациялаш, давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини бартараф этиш, хабар берганларни ҳимоя қилиш каби муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаган ва амалиётга жорий этилмаган;

Олтинчидан, коррупциянинг олдини олиш инструментларидан бири бўлган давлат хизмати тизимида ҳалоллик стандартлари, давлат хизматчиларига қўйиладиган ҳалоллик талаблари ва ҳалолликни баҳолаш ўлчов (мезон)лари мавжуд эмас;

Еттинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилиб, ҳуқуқий экспертизага киритилаётган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омиллар сақланиб қолмоқда, шунингдек, лойиҳа ишлаб чиқувчисининг манфаатларини ифодалайдиган, қонунчиликка зид бўлган нормалар мавжуд ҳужжатлар тасдиқланган ҳолатлар учрамоқда (лоббизм);

Саккизинчидан, “Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубияти” тасдиқланган, аммо, ташкилот раҳбари ва ўринбосарларидан иборат сиёсий лавозимдаги раҳбарлар фаолиятини баҳолаш тизими мавжуд эмас, шунингдек, миллий қонунчиликда фақат интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, сиёсий жавобгарлик белгиланмаган.

Юқоридагиларга кўра, соҳада қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган давлат органлари раҳбарларининг ўзи раҳбарлик қилаётган идора ёки тизим фаолиятида йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар учун ишончсизлик вотумини билдириш орқали сиёсий жавобгарлигини назарда тутадиган “вотум институти”ни жорий қилиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қилишнинг турли усуллари ёрдамида уларни бартараф этишга, коррупцион схемаларни фош қилишга қаратилган аниқ механизмларни жорий этиш;

фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, шу жумладан, ташкилотлар ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини кучайтириш, мамлакатда коррупция даражасини, фуқароларнинг давлат ҳокимияти институтларига ишончини ва коррупцияга қарши чоралар таъсирини баҳолаш ва мониторингини амалга оширадиган мустақил нодавлат ташкилотларни ташкил этиш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини мустақил экспертлар томонидан амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш;

ташкилотлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, бунда ижтимоий аҳамиятга молик бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти самарадорлигини уларнинг мустақиллигини таъминлаш, шунингдек, ташкилотнинг вазифа ва функциялари, ташкилотдаги жами штат бирликлари сони ва коррупция хавф-хатарлар даражасидан келиб чиқиб, ушбу тузилмалар штат бирликлари сонини аниқ белгилаш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш;

коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, жумладан давлат хизматчиларининг мол-мулклари ва даромадларини декларациялаш, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш, хабар берганларни ҳимоя қилиш бўйича қонунларни қабул қилиш;

ИҲТТнинг ҳалоллик (public integrity) стандартларини жорий этиш, ҳалолликни баҳолаш ўлчов (мезон)ларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бунда, сиёсий лавозимдаги раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолашда ташкилот раҳбарларининг коррупцияга қарши курашишда шахсий намунаси, ташкилотда одоб-аҳлоқ қоидалари, коррупция ва манфаатлар тўқнашувига оид қонунчиликка риоя этилиши, коррупцияга оид жиноятчилик кўрсаткичларини ҳисобга олиш;

сиёсий лавозимдаги раҳбар ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлари учун, агар бюджетга зарар етказилганлиги аниқланган ҳолатларда, давлат хизмати тизимидан четлаштириш, муайян даврда уларга тўланган ойлик маошларини бюджетга қайтартириш, мол-мулкини мусодара қилиш каби қатъий жазо чораларини белгилаш, дахлсизлик ҳуқуқи ва махсус иммунитетга эга бўлган тоифалар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ва бундай субъектлар тоифасини камайтириш;

мансабдор шахсларнинг қабул қилган ноқонуний қарорлари учун, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган, коррупциявий омиллар мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизага киритганлик учун жавобгарлик белгилаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг мустақил экспертизасини амалга оширишни ривожлантириш;

юқори малака ва амалий тажрибага эга бўлган халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, давлат хизматчиларини коррупцияга қарши маданият ва ҳалоллик бўйича ўқитиш, жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган истиқболли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш каби чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашишда превентив чора-тадбирларга қаратилган ислоҳотларни давом эттириш, коррупцияга қарши халқаро стандарт ва механизмларни миллий қонунчиликка имплементация

қилган ҳолда, миллий қонунчилик асосларини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш — коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати самарадорлиги ва натижадорлигининг кафолати ҳисобланади.

МУСАШАЙХОВ КАРИМЖОН ХУСАНХАНОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратуранинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

СПОРТ СОҲАСИДА КЕЛИШИЛГАН ЎЙИНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАР ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ

Спортнинг ривожланиши ва у билан боғлиқ ҳолда спорт мусобақаларининг оммавийлиги ошиши орқали спортчилар ва спорт ташкилотлари катта даромад олишлари натижасида спорт соҳасида коррупцияга қарши курашиш долзарб масалага айланмоқда.

Зеро, спорт мусобақалари билан боғлиқ коррупциянинг хавфи давлат ва жамият учун етказилган моддий зарар ва иштирокчилар учун тенг имкониятларга асосланган спорт мусобақаларининг нуфузига путур етказиш билан белгиланади[1].

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили спортга ноқонуний пул тикиш, келишилган ўйинлар ва уюшган жиноятчилик орқали спорт оламига 1,7 триллион доллар зарар етказилади[2].

Шу боис, бугунги кунда спорт соҳасида келишилган ўйинларга қарши курашиш муаммолари жаҳон ҳамжамияти томонидан фаол муҳокама қилиб келинмоқда.

Бир қатор олимлар таъкидлаганидек, энг аввало, “келишилган ўйинлар”ни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ жиноятларга қарши қаратилган қонунчилик чораларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади[3].

Дарҳақиқат, ушбу фикрларга қўшилган ҳолда бу борада тегишли қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш мазкур

---

[1] Грицаев С.А., Трубицына О.Ю. Основные международно-правовые проблемы борьбы с правонарушениями в спорте // Вестник Московского университета МВД России. - 2015. - №12. С.72.

[2] https://www.occrp.org/en/daily/18321-un-corruption-in-sport-worth-1-7-trillion-annually

[3] Изаак С.И., Аристова Л.В. Совершенствование правового обеспечения предотвращения противоправного влияния на результаты официальных спортивных соревнований. // Спорт: Экономика, право, управление. – 2013. – № 2. – С. 14–16.

мураккаб ва трансмиллий муаммога қарши самарали кураш йўли ҳисобланади.

БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси таҳлилларига кўра, 2021 йил ҳолатига спорт мусобақалари натижаларига турли шаклларда қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатганлик учун 45 та мамлакат юрисдикцияси (жумладан, АҚШ, Аргентина, Арманистон, Австралия, Бразилия, Озарбайжон, Хитой, Франция, Грузия, Германия, Италия, Япония, Қирғизистон, Латвия, Литва, Жанубий Корея, Молдова, Португалия, Россия, Туркия, Беларусь, Тожикистон ва Украина) қонунчилигида жиноий жавобгарлик чоралари белгиланган[1].

Шу билан бирга, мазкур салбий ҳодисага қарши курашиш бўйича ягона халқаро кўп томонлама аҳамиятга эга бўлган ҳужжат 2014 йилда Маглинген шаҳрида (Швейцария) Европа Кенгашининг Спорт мусобақаларини манипуляция қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Маглинген конвенцияси)[2] қабул қилинган.

Спорт мусобақаларини манипуляция қилиш спортнинг яхлитлигига мураккаб ва кўп қиррали таҳдид солади ва баъзи юрисдикцияларда “давлат аҳамиятига эга жиддий масала” деб номланади[3].

Афсуски, мамлакатимизда бу борада аниқ ҳуқуқий асослар яратилмаганлиги сабабли спортнинг турли йўналишларида спортчилар, тренерлар, спорт ҳакамлари ёки спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчилари томонидан спорт мусобақалари натижаларини ёки унинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатиш ҳолатлари кўплаб кўрсатилмоқда.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, спорт соҳасидаги ушбу муносабатлар халқаро спорт федерацияларининг низом ва кўрсатмалари асосида республикамиздаги спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ ҳал қилиниб келинмоқда.

Масалан, Ўзбекистон футбол ассоциацияси Ижроия қўмитаси бюросининг 2019 йил 4 мартдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган Интизом кодексининг 5.26-бандида клублар (жамоалар)га ҳакамлар, инспекторлар, мусобақа иштирокчиларини пора бериб сотиб олишга уринган ёки сотиб олган, шунингдек, учрашув натижасига таъсир кўрсатиш мақсадида уларга тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўтказгани учун:

- учрашув натижасини бекор қилиш;
- техник мағлубият (уч очкодан қўшимча маҳрум қилиш);
- пул жаримаси;
- мусобақа иштирокчилари таркибидан четлатиш каби интизомий таъсир чоралар қўлланилиши белгиланган.

Ёки, ушбу Кодекснинг 5.35-бандида клублар (жамоалар)га нисбатан келишилган ўйинда ёки учрашувлар натижасига қонунга хилоф тарзда, спорт

[1] УНП ООН Правовые подходы к борьбе с манипуляциями на спортивных соревнованиях, 2021.–125с.

[2] Конвенция Совета Европы против манипулирования спортивными соревнованиями (Маглиген / Маколин, 18 ноября 2014). – URL: https://rm.coe.int/russian-cets-2015/16809ed41b

[3] Индия, Высокий суд штата Андхра-Прадеш, Мохаммед Азхаруддин против Совета по контролю за крикетом в Индии, дело № С.С.С.А. № 408 от 2003 года, решение, 8 ноября 2012 года.

этикасига зид бўлган таъсир кўрсатишда қатнашгани учун:

• очколардан маҳрум қилиш;

• қуйи лигага ўтказиш;

• мусобақалардан четлатиш каби интизомий чоралар қайд этилган.

Мазкур Кодекснинг 5.44-бандида клубнинг расмий шахслари, раҳбарлари ва бошқа ходимлари учрашувга ёки унинг натижасига таъсир ўтказиш мақсадида келишув (келишилган ўйин) ташкил қилгани учун:

• жарима;

• лицензия амал қилишини вақтинча тўхтатиш ёки умуман бекор қилиш;

• мукофот ва спорт унвонларидан маҳрум қилиш;

• футбол билан боғлиқ фаолиятнинг барча турларидан номуайян муддатга четлатиш каби интизомий чоралар қўлланилиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 5.52-бандида футболчи “келишилган” ўйинда қатнашиб, учрашув натижасига таъсир қилувчи ҳаракатларда иштирок этгани фош қилинган бўлса – унвонлардан маҳрум қилиш ва футбол фаолиятидан муайян муддатга четлатиш мумкинлиги қайд этилган.

Мазкур Кодекснинг 5.56-бандида келишилган ўйинлар ташкил этилганда ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛ ўзаро интизомий санкцияларни қўллаши кўрсатилган.

Таҳлилларга кўра, 2019-2023 йилларда 30 нафардан футболчи ва ҳакамлар, 8 нафар мураббий, 7 нафар футбол клублари раҳбари ва 2 нафар футбол клуби маъмурияти ходими – жами 77 нафар спортчи келишилган ўйинларда иштирок этганлиги аниқланган.

ЎФА Этика қўмитаси томонидан уларнинг 32 нафарига нисбатан футболга алоқадор фаолиятдан ёки ҳакамлик қилишдан четлатиш (3 ойдан то умрбод муддатга), 26 нафарига жарима (1 млн. сўмдан 50 млн. сўмгача), 11 нафарига футболга алоқадор фаолиятдан ёки ҳакамлик қилишдан четлатиш ва жарима жазолари тайинланган.

Қайд этиш жоизки, келишилган ўйинлар билан боғлиқ коррупциявий ҳолатлар бўйича миллий қонунчилигимизда аниқ жавобгарлик чоралари белгиланмаганлиги, спорт ташкилотлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилмаганлиги сабабли бу борадаги тегишли материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига келиб тушмасдан ҳамда мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликларни фош этишда тергов-тезкор тадбирларидан фойдаланилмасдан қолмоқда.

Ўз навбатида, бу борада тергов ва суд амалиёти ҳам мавжуд бўлмаганлиги сабабли сўнгги 5 йилда фақатгина бир маротаба келишилган ўйинда иштирок этганлик бўйича жиноят иши қўзғатилиб, натижаси бўйича шахснинг айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай, жиноят иши тугатилган.

Олимлардан Т.Шмид тўғри таъкидлаганидек, “Футбол коррупцияга, енгил

атлетико допингга, теннис келишилган ўйинларга ботган”[1].

Афсуски, ушбу фикрларга қўшилган ҳолда Ўзбекистонда теннис спорт турида ҳам коррупциявий ҳолатлар аниқланганлиги ачинарли холдир.

Хусусан, 2020-2023 йилларда 4 нафар Ўзбекистонлик теннисчи келишилган ўйинларда иштирок этганлиги Теннисда ҳалоллик бўйича халқаро агентлиги (ITIA) томонидан аниқланиб, уларга нисбатан (5 йилдан то умрбод муддатга) дисквалификация қилиш ва (8 мингдан 150 минг АҚШ долларигача миқдорда) жарима жазолари тайинланган.

Масалан, С.Файзиев бешта келишилган ўйинда иштирок этганликда айбдор деб топилиб, 3,5 йилга дисквалификация қилинган ва 15 минг доллар жаримага тортилган[2].

Юқоридагилардан кўринадики, мамлакатимиз доирасида спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишда айбдор шахслар фақатгина халқаро ва миллий спорт низомларига асосан интизомий жазоларга тортилиб келинмоқда.

Бу эса, соҳадаги спортчи, тренер, спорт ҳаками ёки спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларида қонунга итоаткорлик ва жавобгарлик ҳисси тўлақонли равишда шаклланишига имкон бермаяпти.

Шу сабабли, миллий қонунчилигимизда келишилган ўйинларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш, бу борадаги аниқ ҳуқуқий механизмларни жорий этиш лозим бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари сифатида қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:

спорт соҳасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширмаган спорт федерацияларини (уюшмаларини) давлат томонидан тўлиқ ёки қисман молиялаштиришни ушбу чора-тадбирлар амалга оширилмагунга қадар тўхтатиш;

спорт мусобақалари тўғрисидаги низомларда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф этиш чораларини белгилаш;

спорт тадбирлари ташкилотчилари томонидан ўтказиладиган спорт мусобақалари тўғрисидаги низомга мусобақалар натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишни тақиқлаш бўйича талабларни киритиш;

спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида жисмоний тарбия ҳамда спорт субъектларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган тарғибот тадбирларини олиб бориш;

---

[1] Шмидт Т. Спорт в болоте: коррупция, допинг, договорные матчи и жажда наживы // URL: https://inosmi.ru/social/20160120/235119659.html

[2] https://kun.uz/kr/news/2023/11/03/ozbekiston-tennischisi-kelishilgan-oyinlarda-qatnashgani-uchun-diskvalifika-tsiya-qilindi#!

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият юритувчи таълим муассасаларининг қўшимча таълим дастурларига спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш ва бундай ноқонуний таъсир учун жавобгарлик тўғрисидаги дарсларни киритиш;

спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда ушбу ҳолатларни аниқлашга қаратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш;

спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига спорт мусобақалари натижаларини ёки унинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши ҳамда спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш учун жиноий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Илмий изланишларим доирасида юқоридаги таклифларимни акс эттирилган ҳолда “Спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини тайёрлаб, Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилди.

ОДИЛОВ МУҲАММАДРАШОДХОН САРВАРЖОН ЎҒЛИ
Фарғона шаҳар прокуратураси катта терговчиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси мустақил изланувчиси

ТАЪЛИМ ВА ФАН СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Коррупция мавзуси, унинг моҳияти ва ривожланиши ҳамда сабаб ва шарт-шароитлари иқтисод, ҳуқуқшунослик, фалсафа, психология, педагогика каби фанларнинг тарихий ва доимий ҳамда мунозарали ва долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади. Айниқса, коррупцияни вужудга келтирувчи омиллар бениҳоя баҳсли масала бўлиб, ушбу омилларни аниқлаш ва тадқиқ этишнинг устувор амалий жиҳати шундаки, коррупцияга қарши кураш, хусусан, унинг олдини олишда, биринчи галда, уни вужудга келтирувчи

омиллар аниқланиши ҳамда уларни бартараф этувчи чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Зеро, коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларни бартараф этиш йўли билан камайтириш ёки даражасини пасайтириш мумкин. Собиқ иттифоқ парчалангач, унинг ўрнида вужудга келган давлатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан бу давлатларда янги коррупцион омиллар вужудга келди.

М.Ш. Шедий коррупциянинг сабабларини комплекс таҳлил қилган ҳолда унинг сабаблари сифатида қуйидагиларни назарда тутади: иқтисодиётга ҳаддан ортиқ аралашиш, тугалланмаган иқтисодий ислоҳотлар, ортиқча солиқ ва йиғимлар, давлат ҳокимиятининг заифлиги, келишиш ва рухсат олиш массасининг зарурлиги, давлат назорати фаолиятининг тартибга солинмаганлиги, қонунларнинг номукаммаллиги[1].

В.Г.Попов ва В.Н.Умниковлар иқтисодий, институционал ва ижтимоий сабабларини таҳлил қилар экан унинг сабаблари сифатида давлат идораларида ёпиқликнинг юқори даражаси, ноқулай ҳисобот тизими, қонун ижодкорлиги тизимида шаффофликнинг йўқлиги, давлатнинг кадрлар сиёсатининг заифлигини кўрсатади[2].

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида ҳам ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очиқ ва шаффоф эмаслиги коррупциянинг турли кўринишларига олиб келаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Ш.Р.Қобилов наздида, давлатнинг рухсат бериш функцияларининг ҳаддан ташқари кенг доирада сақланиб қолиши ҳам коррупциянинг илдизларидан бири ҳисобланади[3]. Р.Клитгаарднинг таъкидлашича, эса мансабдор шахснинг бирор субъектга зарур бўлган хизматни кўрсатиш ёки маълум имтиёзни яратиб беришдаги “якка ҳокимлиги” устидан назоратнинг йўқлиги коррупцион келишувга олиб келиши мумкин[4].

Шунингдек, Ш.Р.Қобилов қонунларнинг номукаммаллиги, жамоат ҳаётининг бюрократлашуви, амалдорларнинг кўпайиб кетиши, тадбиркорликнинг ташкилий жиҳатдан қийинлашуви, воситачиларнинг кўпайиши кабиларни коррупциянинг ривожланишига шароит яратувчи сабаблар сифатида келтиради[5].

К.И.Головшинскийнинг айтишича эса, давлат бошқарув органларида “қонун ости актлари”ни ишлаб чиқиш жараёнининг тўлиқ назорат қилинмаслиги натижасида амалдаги қонунчиликда коррупциоген, яъни коррупцияга шароит яратувчи ҳуқуқий нормалар шаклланади. Натижада қонунчиликда ноаниқ ва тушуниш қийин бўлган ҳуқуқий нормалар ва

---

[1] Шедий М.В. Коррупция как социальное явление: социологический анализ: Дисс. ... докт. соц. наук. – Москва, 2014. – 273 с.

[2] Попов В.Г., Умников В.Н. Коррупция: основные угрозы и меры противодействия. М., 2012. – С.12.

[3] Қобилов Ш.Р. Коррупцияга қарши кураш: иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари: Монография. – Т., Б. 26–22-б.

[4] Klitgaard R. (1988). Controlling Corruption. Oakland: University of California Press.

[5] Қобилов Ш.Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т., 2013. – Б. 633

кўрсатмалар юзага келиши мумкин, бу эса мансабдор шахслар учун фуқароларни қўрқитиш ва пора олишга шароит яратади[1].

А.В.Ваҳобов таъкидлашича эса, коррупциянинг тарқалиш шиддати ва қамрови турли омилларга боғлиқ. Булардан энг муҳими, эркинликнинг чекланиши, тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг аралашуви ва ниҳоят, табиий ресурсларнинг давлат монополиясида бўлишидир[2].

Гарчи ушбу омилларниг аксарияти иқтисодий соҳага тегишли бўлса ҳам, хеч бир иккиланишсиз, уларнинг барчаси таълим ва илм-фан соҳасидаги коррупциявий жараёнларга бевосита тегишли дейишимиз мумкин.

Бугунги кунда амалга оширилаётган кенг кўламли модернизация шароитида Ўзбекистон 2035 йилга бориб дунёнинг энг рақобатли 50 мамлакатлари қаторига киришига эришиш учун энг муҳим шарт бўлмиш инсон капиталини ривожлантириш масаласи биринчи ўринга чиқади. Сўнгги икки йил ичида таълим соҳаси учун ажратилаётган маблағлар ошди. Бу даврда Ўзбекистонни халқаро таълим тизимига интеграция қилиш фаол олиб борилди.

Таҳлиллар таълим соҳасида коррупция кўлами жуда юқори эканлигини, улар устидан етарлича назорати йўқлигини кўрсатади. Талабалар таълим жараёнида ҳуқуқлари поймол қилинганлиги ҳақида кўп арз қилади. Оралиқ сессияда имтиҳонлар, амалиётни ўтиш учун пул тўлаш керак, баҳоларни улгуржи, яъни талабаларнинг бутун гуруҳи, ҳатто курс учун сотиб олиш ҳодисаси кенг тарқалган. Бундай хизмат ҳақи 30–50 шартли бирликдан бир неча юз, ҳатто минг шартли бирликларга тенг бўлиши мумкин: бу олий ўқув юртининг қайси шаҳарда жойлашганлиги ёки мавқеси, ҳамда фаннинг кўлами, жиддийлигига боғлиқ.

Қуйи даражада коррупциянинг бўлиши ва ривожланиши учун бир қатор сабаблар мавжуд.

Коррупциянинг иқтисодий сабабларидан бири давлат ходимлари маошларнинг кам экани ҳамда тақиқловчи меъёрлар сонининг ҳаддан ортиқлигидир. Амалдорларга етишмай турган маблағни тасарруф қилиш учун кенг ваколат берилган жойларнинг барчасида коррупция гуллаб-яшнайди.

Давлат идоралари ишининг яширин-ёпиқлиги, ҳисоботдорликнинг чалкаш оғир тизими, қонунчилик тизимида шаффофликнинг йўқлиги институционал сабаблар қаторига киради. Жамиятнинг бундай аҳволи, етарлича ахборотнинг берилмаслиги ва фуқароларнинг уюшқоқ эмаслиги, “кучни қўлларида ушлаб турганларнинг” ўзбошимчалигига нисбатан ижтимоий фаолликнинг йўқлиги ижтимоий-маданий сабаблардир.

Умумтаълим тизимидаги коррупцияда асосан ота-оналар ҳамда ўқитувчилар ва мактаб директорлари қатнашади. Болалар бунда

[1] Головщинский К.И. Диагностика коррупциогенности законодательства / Под ред. А. Сатарова и А. Краснова. – М., 2002. – С.25

[2] Воҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп уклади иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши: Монография. – Т., 2002. – Б.23.

қатнашмайди. Университетларда талаба, айтайлик, имтиҳон учун пул тўлаганда ҳаётидаги энг муҳим дарсни ўрганади.

Биринчидан, баъзи масалаларни осон ҳал қилса бўлади.

Иккинчидан, тизим порахўрликка асосланган бўлса, демак, у ҳам университетни тугатгач, худди шундай иш тутса бўлади, шу йўсинда бу нарса бошқа соҳаларга илдиз отиб кетаверади.

Шунинг учун таълим соҳасидаги коррупция жуда жиддий тизимли муаммо ҳисобланади. Шунингдек, биз уни янги бошқарув тизимни жорий қилиб, кузатув кенгашининг университет бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш фаолиятига кенг очиқлик бериб ва жамоатчилик назорати ўрнатиб тизимли ҳал қилишимиз лозим.

Олий таълимда қуйидаги асосий муаммоларни ажратиб кўрсатса бўлади:

Биринчидан, университетлар учун имкони борича кўпроқ сонли талабаларга таълим бериш фойдали. Талабани фанларни ўзлаштирмаганлиги учун ўқишдан хайдаш — тижорат нуқтаи назаридан зарарли қарор. Талаба ўқув материалининг 5 фоизини ўзлаштирмаган бўлса ҳам, 90 фоиз фанлардан “чиройли қилиб ўтган” бўлса ҳам майли, аммо у ўз вақтида пул тўлаб келмоқда.

Университет ўқитувчиларининг мантиғи битта: “эртага ректор, кафедра мудири буйруғи билан шундай баҳо қўйиб беришнинг ўрнига, яхшиси мен талабани пул билан жазолаганим маъқул”. Бу нимага олиб боради? Таълим даражасининг пасайиб кетишига, университетларда коррупция кўламининг ошишига.

Иккинчидан, университетлар талабалар сонини ошириш билан бирга университет мавқесини ошириш ва ҳоказоларга эришишга ҳам кўпроқ ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам таълим сифатининг ҳақиқий натижаларини эълон қилишни хоҳламайди. Талабаларни фақат ҳеч иложи қолмаган вазиятларда ўқишдан ҳайдайди.

Бизнингча, давлат университетларида таълим даражасини ошириш нафақат талабаларни давлат томонидан молиялаштириш тизими билан чекланибгина қолмайди. Қуйидаги асосий сабабларни кўрсатиш мумкин:

- ўқитувчи кадрларнинг тайёргарлик даражаси пастлиги;
- ўқитувчилар илмий фаолият олиб боришлари учун давлат кўмагининг озлиги;
- давлат университет ўқитувчилари ижтимоий ҳимояланмаганлиги;
- ўқитувчиларга психологик ёрдам кўрсатиш тизимининг йўқлиги;
- ўқитувчи кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимининг самарасизлиги (бу соҳа ҳам коррупцияга юз тутган дейиш мумкин).

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимидаги коррупция таълим соҳасидаги коррупциядан бутунлай фарқ қилади ва ўз анаъанавий тушунчаси бўйича давлат бюрократик аппарати коррупциясидан эса жиддий фарқ қилади.

Жумладан, илмий даража расмий таълимда эришиш мумкин бўлган энг юқори поғона ҳисобланади. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олиш индивидуал фаолиятнинг нафақат шунчаки билимлар олиш, балки янги билим яратишни назарда тутадиган даражасига ўтишини белгилайди.

Илмий даражалари бор инсонлар ўзларига тегишли соҳаларда кўпроқ квалификация/малакага эга мутахассислар ва ҳурмат қилиб тан олинадиган экспертлар деб ҳисобланади. Кўп ҳолларда уларнинг билимлари ва чоп қиладиган илмий ишлари одатда ижтимоий-йўналтирилган иқтисодда талаб қилинадиганга кўра жуда тор соҳада, махсус ва юқори сифатли бўлади.

Қолаверса, илмий даражага эга бўлган инсонларда юксак маънавий-ахлоқий сифатлари бор деб ҳисобланади. Аксарияти олий ўқув юртларида дарс берадиган ва илмий тадқиқотлар билан шуғулланадиган PhD даражаси соҳиблари, фан докторлари одатда интеллектуал бирлик ҳиссини қўллаб туради.

Улар бир вақтнинг ўзида янги PhD даражаси соҳиблари ва фан докторларини тайёрлаб бориш билан бирга университет талабаларига дарс беришади. Шунингдек, улар академик яхлитлик стандартларига риоя қилинишини ҳам кузатиб бориб, академик муҳитда ахлоқий этика меъёрларини белгилайди ва талабаларнинг нопрофессионал хулқ-атворининг олдини олади.

Аммо, илмий жамоатчилик орасида диссертациялар академик муҳитга умуман алоқаси бўлмаган инсонлар томонидан сотиб олинаётгани ва баъзи ҳимоя қилинган диссертациялар буюртма асосида мутахассислар томонидан пул учун бажарилган деган хавотир бор. Ижтимоий ва гуманитар фанлар, жумладан, иқтисодиёт, юриспруденция, молиявий ишлар, сиёсатшунослик, тарих ва жамиятшунослик соҳаларида илмий даражаларга бўлган талабнинг юқорилиги “диссертация бизнеси” ривожланишига сабаб бўлади[1].

Бугунги кунда, ушбу бизнес жуда яхши ривожланган. Илмий даражаларни сотиб олиш “модаси” пулга ёлланадиган ва диссертация ҳимоясидан олдин ва кейин талаб қилинадиган барча ҳужжатларни тайёрлашда ва тегишли процедуралардан ўтишда ёрдам берадиган олимлар томонидан ёзиладиган пули тўланган диссертацияларга бўлган талабнинг ўсиб боришини таъминлайди.

Келинг, энди бу омилларга қарши нима чора кўриш мумкинлиги борасида фикр юритамиз.

Энг аввало, **академик эркинлик** – бу олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг талабалари, илмий ходимлари ва профессор-ўқитувчилари ўз миссияларини бажаришлари учун зарур бўлган тадқиқот эркинлиги тамойилларидир.

Таълим муассасалари ахборот оқимини назорат қила олиши сабабли улар кўпинча ташқаридан, масалан, давлат томонидан босимга дучор бўлишади. Олимлар ҳокимият ёки маълум сиёсий гуруҳлар учун ноқулай бўлган фактлар

[1] А.Акбаров. Таълим соҳасида коррупцияни қандай йўқ қилса бўлади? ttps://advokatnews.uz/xabar/1317.html

ҳақида ғоялар ёки маълумотларни тарқатишга ҳаракат қилганда, улар оммавий қоралаш, ишдан бўшатиш, ёки бошқа турдаги жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин[1].

Миллий илм-фанимиз ривожига ғов бўлаётган турли бюрократик омилларни буткул йўқ қилиш зарур. Дунёнинг нормал, демократик тараққиёт йўлига кирган давлатларининг ҳеч бирида учрамайдиган Олий аттестация комиссияси каби ташкилотни тугатиш ва диссертацияларни тайёрлаш борасидаги ягона “қолиплар” тизимидан воз кечиш вақти келди. Бу борада диссертациянинг маълум қолиплар ва стандартларга жавоб бериши эмас, балки унинг илмий-назарий ва амалий-татбиқий қиймати бўйича баҳолашнинг шаффоф тизимини яратиш керак.

Давлат томонидан таълим, илм ва фанга қаратилган инвестицияни кучайтириш лозим. Ўзимизга савол бериб кўрайлик: бир ой давомида университетда 400-500 АҚШ доллари маош олиб ишлайдиган профессор-ўқитувчи талабаларга қандай қилиб сифатли билим бериши мумкин!? Ёки тадқиқотчилар учун ажратиладиган стипендиялар унинг илмий изланишларини қоплай оладими?

Бу борада давлат ва жамиятнинг якдил ҳаракати талаб этилади. Илм-фан ва таълим соҳасига қаратилган fundraising стратегияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Агар биз олий таълим тизимидаги жуда катта муаммо - коррупциядан қутила олмасак, юқорида қайд этиб ўтилган ривожланиш тенденцияларига бардош бера олмаймиз. На сифатли кадр, на сифатли таълим бера оламиз. Бу айни ҳақиқат.

Агар биз бугунги ёш авлодни коррупция ботқоғига ботган таълим тизимида улғайтирсак, келажак авлод вакилларига қандай мутахассислар етказиб беришимиз кундек равшан.

Давлатимизга коррупция “луқма”сини таътиб кўрган олий маълумотли мутахассислар етказиб берадиган бўлсак, мамлакатимиз келажаги, жамият ривожи таназзулга юз тутмайдими?!

Биз келгуси авлодга бировнинг ҳаққидан қўрқмайдиган, харом ва ҳалолни фарқига бормайдиган, мамлакат ривожи, халк равнақи учун ёниб – куймайдиган “мутахассис”лар етказиб берамизми? Асло, йўқ.

Қачон давлат, жамият, халқ ривожланишга юз тутади. Қачонки, нафақат, таълим тизимидан, балки, жамиятнинг барча бўғинларидан коррупция илдизларини буткул чопиб ташласак.

Биз, олий таълим тизимида фаолият юритадиган мутахассислар ўзимизда коррупцияга қарши иммунитетни ривожлантиришимиз даркордир. Бундай иммунитетни ривожлантириш учун нафақат давлат органлари, балки таълим соҳасида фаолият юритадиган ҳар бир ҳамкасбимиз астойидил коррупцияга қарши турмоғимиз шарт ва зарур.

[1] https://www.gazeta.uz/ru/2022/02/10/scopus/

БОРСИЕВА
ЗАМИРАТ ХАСАНБЕКОВНА
Прокурор Научно-образовательного центра противодействия коррупции Правоохранительной Академии Республики Узбекистан

ПОДХОДЫ К РАЗРАБОТКЕ И РЕАЛИЗАЦИИ АНТИКОРРУПЦИОННОЙ ПОЛИТКИ

Статья 5 Конвенции ООН против коррупции обязывает страны-участницы проводить “эффективную, скоординированную антикоррупционную политику”.

Политика по борьбе с коррупцией варьируется от единой национальной стратегии по борьбе с коррупцией до набора мер по обеспечению прозрачности и подотчетности.

Подходы к пониманию антикоррупционной политики определяют ее основные цели, задачи, дизайн, пределы реализации и воздействия, круг участников.

Традиционно, деятельность по противодействию коррупции включает в себя три взаимозависимых действия, т. е. понимание проблемы коррупции, создание антикоррупционных институтов и разработку стратегий по противодействию коррупции.[1]

Понимание того, что движет коррупцией? То есть – поиск лучших теоретических и практических объяснений коррупции остается серьезной исследовательской проблемой.

Определение пригодной для использования конкретной теоретической основы коррупции, понимание того, как она происходит, поможет, по мнению исследователей, создать и реализовать эффективные антикоррупционные стратегии и инициативы.

В современной науке нет единого определения Антикоррупционной государственной политики, изучены лишь отдельные ее элементы.

Международными организациями разработаны различные технические, практические руководства и рекомендации относительно разработки политики.

Посредством анализа современной зарубежной и отечественной литературы, применение концептуального анализа позволило прийти к следующему пониманию Антикоррупционной государственной политики.

Антикоррупционная государственная политика – многоуровневый последовательный (не линейная модель), целенаправленный процесс решения проблемы управления коррупцией, движимый фактической

[1] Måns Svensson, Thomas Labik, Amanquandor Andreas. MattssonMulti-Level Perspectives on Anti-Corruption: A Systematic Literature Review. ICLD 2022.

политической волей и реализуемый мотивированными формальными и неформальными субъектами.

Государственная политика как процесс и первоочередная задача правительства сформулирована в работе Марка Турнера и Девида Хулме.

Вопросы антикоррупционной политики с точки зрения широкого подхода к пониманию государственного управления в целях развития рассмотрены в работе Муштак Хана.

Положения Конвенции ООН против коррупции имплементируются через ряд сквозных политик (например, законодательная, административная, судебно-правовая реформа, бюджетная, налоговая политики, политика добропорядочности в государственной службе) под эгидой различных министерств, ведомств и других государственных органов.

В течение политического цикла правительства его политический курс может меняться в зависимости от приоритетов международной или национальной политической повестки дня, смены руководства ответственного учреждения и других факторов политической среды.[1]

Например, хотя Конвенция ООН против коррупции была ратифицирована в 2008 году, фактическая ее имплементация как часть курса национальной антикоррупционной политики в Узбекистане началась с приходом в 2016 г. к власти президента Ш.М. Мирзиеева.

До этого момента антикоррупционная политика продвигалась посредством неявных, косвенных мер, планов и программ противодействия (судебно-правовая реформа, административная реформа). Процесс институционализации политики продолжается.

Таким образом, цикл антикоррупционной политики — это не линейное мероприятие, а скорее динамический процесс между множеством участников и различными этапами политики.

Политическая воля, определяемая как “продемонстрированные заслуживающие доверия намерения политических субъектов”[2], является важной предпосылкой инициирования и успешной реализации антикоррупционных реформ.

Концепция политической воли включает в себя множество аспектов и компонентов, таких как инициатива правительства и уровень аналитической точности, мобилизация усилий (заинтересованных сторон), долгосрочные обязательства и ресурсы (финансовые и человеческие), применение заслуживающих доверия санкций, изучение/отслеживание и мониторинга прогресса и результатов политики, адаптация стратегии к возникающим обстоятельствам.

---

[1] Anti-corruption policy making in practice: What can we learn for the implementation of Article 5 of UNCAC? Synthesis report of six country case studies: Georgia, Indonesia, Nicaragua, Pakistan, Tanzania and Zambia. Karen Hussmann.U4 Report 2007:1 (1st part).

[2] Malena, C. 2009. From political wont to political will: building support for participatory governance. https://styluspub.presswarehouse.com/resrcs/chapters/1565493117_excerpt.pdf

Политика как решения публичной власти/общества проблемы управления коррупцией основаны на концепции этического универсализма, который однако не прижился в некоторых развивающихся странах или в обществах с системной коррупцией.

Единая национальная стратегия противодействия коррупции является не единственным вариантом формулирования политического курса в стране. В этом смысле Статья 5 Конвенции ООН против коррупции призывает к созданию не одной общей политики, а "согласованных политических документов по противодействию коррупции". Страны внедряют стратегии противодействия коррупции на региональном и местном, а также на отраслевом и секторальном уровне.[1]

Правительства расширяют свои стратегии, включая в них инициативы на международном уровне, внедряют пути развития международных центров экспертизы и дальнейшего сотрудничества в рамках двусторонних и многосторонних инициатив коллективных действий. Анализ антикоррупционных стратегий 26 стран с самым высоким рейтингом, проведенный Институтом государственного управления обнаружил, что акцент на международных усилиях по борьбе с коррупцией, отражает, насколько продвинулась международная борьба с коррупцией за последние пять лет[2].

В международной практике, политика противодействия коррупции в течение последних двух десятилетий, в том числе и в Республике Узбекистан, находилась и продолжает находиться под влиянием подхода "государственной модернизации"[3].

С этой целью, Узбекистан предпринял ряд ключевых реформ в сфере антикоррупционной политики. Принят Закон "О противодействии коррупции", реализуется институциональный подход к разработке, координации и внедрению антикоррупционной политики, образовано Агентство по противодействию коррупции, реализуется Концепция административной реформы и т.д.

Исследователи отмечают, что пакет антикоррупционных мер за последние три десятилетия оставался широко стандартизированным, но все-таки, в рамках подхода "государственной модернизации" произошла определенная эволюция, которая повлияла и на практически стандартный пакет антикоррупционных мер, реализуемых в Узбекистане.

В стране сделан акцент на отраслевые проблемы, усилена институциональная специализация и усовершенствованы правовые инструменты, приняты меры, направленные на усиление социальной ответственности, начато внедрение технологий и инструментов

[1] Разработка и реализация политики противодействия коррупции. Практическое пособие. Совет Европы, первое издание, апрель 2013 г.

[2] Analysing the anti-corruption approaches of the 26 top-ranked countries. An opportunity for a new generation of strategies. Countries curbing corruption. Institute for Statecraft. March 2018.

[3] Клитгард Р. Борьба с коррупцией. Калифорнийский университет. 1988.

электронного управления. Была разработана национальная методика оценки реализации государственной антикоррупционной программы, развивается соответствующая научно-исследовательская база для оценки результатов проведенных антикоррупционных реформ.

Примерами успешных антикоррупционных реформ, основанных на парадигме модернизации государства, являются реформы, осуществленные в Сингапуре, Гонконге, Грузии.

Однако, необходимо отметить, что Сингапур и Гонконг – это страны, унаследовавшие британскую политико-административную и правовую систему, географически и демографически небольшие государства, что существенно обеспечило успех антикоррупционных реформ.

Ключевая цель их реформ заключалась в укреплении потенциала важных государственных институтов, таких как полиция, судебная система, надзорные учреждения, парламент, местные органы власти, но с уделением должного внимания поддержке институтов гражданского общества для их вовлечения в реализацию государственных антикоррупционных программ[1].

Применение подхода “государственной модернизации” в различных странах достигло некоторых успехов, но, как свидетельствуют результаты исследований[2] и реформ, данный подход сегодня считается недостаточным, обременительным и страдает проблемами реализации.

Как отмечают эксперты, в странах Стамбульского плана действий улучшилось планирование антикоррупционной политики. Однако в большинстве стран политика все еще не основана на анализе рисков и других данных.

Добившись прогресса в мониторинге осуществления политики по борьбе с коррупцией, страны не смогли оценить воздействие этих реформ. Главной проблемой при оценке прогресса в этой области было отсутствие эффективного и регулярного измерения воздействия антикоррупционных мер, реформ систем добропорядочности и государственной службы[3].

Современные исследования выделяют следующие концептуальные подходы/модели к реализации политики противодействия коррупции: Влияние социальных норм и неформальных институтов на коррупцию, Косвенный подход в противодействии коррупции, Локализация, Транснациональный подход (межгосударственный подход), Большой взрыв/большая волна.

С учетом вышеизложенного, представленный обзор концепций и подходов антикоррупционных стратегий свидетельствует, о том, что, критикуя доминирующий подход “государственной модернизации”, исследователи выделяют следующие объяснения его неэффективности и неустойчивости реформ:

---

[1] Mungiu-Pippidi 2015., Taylor 2018.

[2] Johnsøn, Taxell, and Zaum 2012; Mungiu-Pippidi 2015; Poate and Vaillant 2011; Disch, Vigeland, and Sundet 2009.

[3] Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии: достижения и проблемы, 2016-2019 гг. ОЭСР.2020.

• наличие недостатков в теории коллективных действий и теории принципал-агент, вокруг которых по большей части строится разработка государственных антикоррупционных реформ во многих странах;

• пренебрежение влиянием социальных норм, неформальных институтов и альтернативных “правовых порядков” и механизмов, регулирующих общественную жизнь, лежащих в основе коррупции;

• слабая жизнеспособность механизмов подотчетности или стимулирования, которые могли бы заставить местные органы власти действовать в соответствии с политикой и законами, разработанными централизованно[1];

• реализация антикоррупционных проектов содействия без понимания и учета местного /локального/ эндогенного потенциала /капитала государства и права, нации, общины, лидерства, гендера как естественного источника/ мотива развития, сознательного сопротивления коррупции на различных социальных уровнях.

Со своей стороны, можем ли мы согласиться, с тезисом о том, что реализация подхода “государственной модернизации” в Республике Узбекистан также сталкивается с проблемами реализации, уделяем ли мы должное внимание недостаткам теорий изменений, лежащих в основе парадигмы государственной модернизации? Сегодня это один из самых актуальных вопросов для исследователей в области противодействия коррупции.

ҚЎЧҚАРОВ ЗАФАРЖОН ҚАЮМЖОН ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси мустақил изланувчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Олий таълим соҳасидаги коррупциянинг мавжудлиги ушбу салбий иллатининг бошқа соҳа ва йўналишларга кенг тарқалиши учун шарт-шароит яратиб беради.

Соҳада мавжуд коррупциявий омиллар таҳлил қилинганда уларнинг кўпчилиги олий таълим соҳасидаги бошқарув билан боғлиқ эканлиги, тўғри ва замонавий бошқарувни йўлга қўйиш коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олишда бирламчи самарали восита бўлиб хизмат қилиши маъулм бўлди.

Мазкур мақолада соҳадаги бошқарувнинг ҳуқуқий асосларини кодификациялаш, коллегиал органлар ваколатларини кучайтириш, биринчи даражали раҳбарларни сайлаш,

[1] Urinboyev, R., Polese, A., Svensson, M., Adams, L. L., & Kerikmae, T. (2018). Political vs Everyday Forms of Governance in Uzbekistan: the Illegal, Immoral and Illegitimate Politics and Legitimacy in Post-Soviet Eurasia. Studies of Transition States and Societies, 10(1), 50-64. http://publications.tlu.ee/index.php/stss/article/view/347/52

ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши каби муҳим коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишга қаратилган масалалар муҳокама қилинди.

Калит сўзлар: “Таълим кодекси”, “коллегиал органлар”, “биринчи даражали раҳбарлар”, “маблағларни мақсадли сарфлаш”, “меҳнат муносабатларида чекловлар”.

Аннотация: Наличие коррупции в сфере высшего образования создает условия для распространения этого негативного зла на другие области и направления.

При анализе существующих коррупционных факторов в сфере установлено, что большинство из них связаны с менеджментом в сфере высшего образования, а создание правильного и современного менеджмента служит основным эффективным инструментом предотвращения коррупционных рисков.

В данной статье рассмотрены вопросы, связанные с предотвращением важных коррупционных рисков, таких как кодификация правовых основ управления в сфере, усиление полномочий коллегиальных органов, избрание руководителей первого уровня, целевое расходование выделенных средств.

Ключевые слова: “Образовательный кодекс”, “коллегиальные органы”, “руководители первого уровня”, “целевое расходование средств”, “ограничения трудовых отношений”.

Abstract: The presence of corruption in the field of higher education creates conditions for the spread of this negative evil to other areas and areas.

When analyzing existing corruption factors in the field, it was found that most of them are related to management in the field of higher education, and the creation of correct and modern management serves as the main effective tool for preventing corruption risks.

This article discusses issues related to the prevention of important corruption risks, such as codification of the legal framework of management in the field, strengthening the powers of collegial bodies, election of first-level managers, and targeted spending of allocated funds.

Key words: “Education Code”, “collegial bodies”, “first-level managers”, “targeted spending of funds”, “restrictions on labor relations”.

Ўзбекистонда таълим соҳасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш орқали мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, рақобатбардош кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси 51-моддасида фуқароларнинг олий таълим олиш ҳуқуқи кафолатлангани ушбу соҳадаги тарихий янгилик бўлса,[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармонига асосан эксперимент тариқасида олий таълим соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш янгича ёндашув бўлди[2].

QS World University Rankings: EECA (Emerging Europe and Central Asia) рейтинги 2022 йил натижаларига кўра, Ўзбекистон миллий университети ўрнини 100 поғонага (351-251) яхшилаган бўлса, THE World University Rankings 2023 халқаро рейтингида республикадаги 48 та олий таълим муассасаси “репортер” (даъвогар) мақомига эга бўлди.

[1] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

[2] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон. // https://lex.uz/docs/4355387

Бироқ, коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан соҳада ҳамон коррупциявий омиллар ва хавф-хатарлар сақланиб қолмоқда, хусусан, 2019-2022 йилларда давомида 336 нафар шахслар томонидан 249 та (42,1 фоизи 2022 йилда содир этилган) коррупциявий жиноятлар содир этилган ва мазкур коррупциявий жиноятлар натижасида жамият ва давлат манфаатларига 31,6 млрд. сўм зарар етказилган[1]. “Юксалиш” ҳаракати томонидан 2022 йилда ўтказилган тадқиқотда қатнашган 700 нафар ота-она, 346 нафар ўқитувчи ва 20 нафар директорлар олий таълим тизимидаги коррупция хавфларини ўрганишни таклиф қилган[2].

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш, соҳада мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишда илмий тадқиқотлар ҳамда уларнинг ижобий натижалари муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз доирасида коррупцияга қарши курашиш, хусусан, олий таълим соҳасида коррупцияни олдини олиш янги ва ўрганилмаган йўналишлардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, соҳадаги коррупциявий ҳолатларнинг кўпчилиги коррупциявий хавф-хатарлардан ҳоли бошқарув механизми яратилмаганлиги билан боғлиқ.

Юқоридаги асосларга таянган ҳолда олий таълим соҳасида бошқарувни амалга ошириш жараёнида мавжуд коррупциявий омилларни назарий жиҳатдан ўрганиб, ушбу омилларни бартараф этиш масалаларига алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқ этилаётган мавзуни мақолада ёритишда қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, тизимли-тузилмавий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Мақолада олий таълим соҳасида бошқарувни амалга ошириш жараёнида коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи бошқарув институтлари, раҳбарлар корпусини шакллантириш, ваколатларни тақсимлаш, маблағларнинг мақсадли сарфланиши каби муҳим йўналишлар тадқиқот объекти сифатида ўрганилди.

Таълим соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни умумлашмагани ва уларни тизимли равишда кодификация қилинмагани олий таълим соҳасидаги бошқарув жараёни билан боғлиқ **коррупциявий омиллардан бири ҳисобланади.**

Бугунги кунда соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони кўплиги ва соҳадаги айрим ижтимоий муносабатлар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турлича тартибга солинганлиги уларни қўллашда қийинчиликлар туғдирмоқда. Жумладан, соҳада 330 дан ортиқ норматив-

[1] https://old.anticorruption.uz/uzc/item/2023/05/19/2022-yil-va-joriy-yilning-otgan-davrida-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-hamda-uning-oldini-olish-boyicha-oliy-talim-sohasida-amalga-oshirilgan-ishlar-yuzasidan

[2] Коррупция: олий таълим учун яширин таҳдид [Матн]: методик қўлланма / Ш.Муродуллаев, Т.Маматалиев, Д.Аликулов. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024 й. – 17 б.

ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларнинг 3 таси Қонун, 96 таси Президентнинг фармон ва қарорлари, 231 таси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳисобланади[1].

Кўриш мумкинки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг 70 фоизи қонуности ҳужжатлари бўлиб, бундан ташқари, кўплаб вазирлик буйруқлари, йўриқномалари, низомлари ва бошқа соҳавий ҳужжатлари мавжуд.

Фикримизча, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони тартибсиз кўпайиб кетиши ҳуқуқий коллизияларга ва бу ўз навбатида коррупциявий ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Хорижий давлатларнинг кўпчилигида ушбу кодекс мавжуд, жумладан, Франция Таълим кодекси 2000 йил 22 июнда қабул қилинган бўлиб, ушбу кодекс 9 том, 953 та моддадан иборат ва 7- ва 6-томлари олий таълим соҳасига бағишланган[2].

Беларуссия Таълим кодекси 2011 йил 13 январда қабул қилинган бўлиб, 16 бўлим, 63 боб, 295 та моддадан иборат[3]. Молдавия Таълим кодекси 2014 йил 17 июлда қабул қилинган бўлиб, 13 та бўлим, 157 та моддадан иборат[4].

Олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда – ОТМ) биринчи даражали раҳбарлари давлат органлари томонидан тайинланиши олий таълим соҳасида бошқарувни амалга ошириш жараёнидаги бошланғич **коррупциявий омиллардан бири ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сон Қарори 7-бандида турли давлат органларининг ОТМларининг биринчи даражали раҳбарларини лавозимга тайинлашдаги ваколат ва иштироклари белгиланган[5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-60-сон Қарори билан молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМларида Кузатув кенгаши ташкил этилиши, таълим муассасаси ректори ва проректорлари Кузатув кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилиши белгиланган[6].

Бироқ, бугунги кунда молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМларида ректори ва проректорлари лавозимига номзодларни танлаш ва

---

[1] Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг йиғилиш баёни, “Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш аҳволи ва қонунийликни таъминлашга доир масалалар” – 2019 йил 18 январь.

[2] http://www.lexed.ru.

[3] http://kodeksy.by.

[4] http://lex.justice.md/ru.

[5] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.07.2023 й., 06/23/107/0441-сон // https://lex.uz/docs/4415478

[6] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.07.2023 й., 06/23/107/0441-сон // https://lex.uz/uz/docs/5793261

саралашнинг очиқ шаффоф механизми мавжуд эмаслиги оқибатида юқоридаги тартиб амалиётда самарали ишламаяпти.

Олий таълим соҳасидаги бошқарув жараёни бўйича хорижий давлатлар тажрибасини кўриб чиқилганда уларнинг деярли барчасида (Грузия, Украина, Германия, АҚШ, Буюк Британия) биринчи даражали раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишда тўлиқ ОТМлари ваколатига киритилган.

Таъкидлаш лозимки, ривожланган хорижий давлатларда ОТМларининг раҳбарлик лавозимлари учун тавсия этиладиган номзодларга қонун ҳужжатлари билан махсус талаблар белгиланган.

Мисол учун, Украина қонунчилигига асосан раҳбарликка номзод давлат тилини мукаммал билиши, илмий даражага эга бўлиши, камида 10 йил илмий ва академик фаолият билан шуғулланган бўлиши лозим[1].

Шунингдек, ушбу давлатларда раҳбарликка номзодларни коррупциядан ҳоли бўлган очиқ танлов асосида шакллантириш ва сайлаш тартиби жорий этилганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, Гарвард университети президенти биринчи даражали раҳбар ҳисобланган ҳолда университет корпорацияси томонидан сайланади, номзодни раҳбарлик лавозимига сайлашда Кузатув кенгаши розилиги олинади[2].

Бундан ташқари, уларда ОТМлари раҳбарларининг ваколат муддатлари аниқ белгиланган ва уларнинг лавозимга такроран тайинланиши бўйича чекловлар мавжуд.

Масалан, Грузия Республикасида ОТМ раҳбари ректор ваколат муддатлари аниқ белгиланган бўлиб, у икки муддатдан ортиқ ректор лавозимида ишлай олмайди[3].

ОТМларининг бошқарув тузилмаларида коллегиал органларнинг мавжуд эмаслиги ва коррупциявий хавф-хатарга мойил бўлган ваколатлар раҳбарлар қўлида марказлашганлиги, соҳадаги бошқарув жараёни билан боғлиқ **яна бир коррупциявий омил ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-60-сон Қарори билан молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМларида Кузатув кенгаши ташкил этилган[4].

Бироқ, бугунги кунда молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМларида Кузатув кенгаши ташкил этилгани ҳолда ушбу тузилмага муҳим ваколатлар берилгани олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни

---

[1] Ukraine “Law of Ukraine on higher education” July 1, 2014, [Электрон манба]. URL: https://dduvs.in.ua/wp-content/uploads/files/ENG/2020/la.pdf

[2] [Электрон манба]. URL: https://www.harvard.edu/presidential-search-process/

[3] Georgia “Law of Georgia on higher education” December 21, 2004, [Электрон манба]. URL: http://www.mes.gov.ge

[4] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.07.2023 й., 06/23/107/0441-сон // https://lex.uz/uz/docs/5793261

олдини олишдаги муҳим ислоҳотлардан бири бўлган бўлсада, бугунги кунда Кузатув кенгашлари фаолияти самарали йўлга қўйилмаган ва муҳим масалалар ҳалигача давлат органлари томонидан ҳал этилмоқда.

Хорижий давлатларда ОТМлари бошқарув тизимида коллегиал органлар шаклланган ва коррупциявий хавф-хатарларга мойил ваколатларни амалга ошириш ушбу органларга юклатилган.

Жумладан, **Грузия Республикасининг** 2004 йил 21 декабрдаги “Олий таълим тўғрисида”ги қонунига асосан ОТМлари бошқарув тизимида Сенат, Илмий Кенгаш, факультет Илмий кенгаши, Талабларнинг ўзини-ўзи бошкариш органи каби коллегиал тузилмалар бўлиши лозим[1].

Массачусетс технология институти хусусий ОТМ ҳисобланган ҳолда корпоратив тизим асосида бошқарилади ва **корпорация (васийлик кенгаши)** институтнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминловчи, ўзида муҳим ваколатларни жамлаган вакиллик орган ҳисобланади[2].

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида ОТМлари бошқарув тизимидаги коллегиал органларга академик (профессор-ўқитувчилар) доира вакиллари ва талабалар киритилган.

Хусусан, Украинада ОТМ раҳбарини сайлашда педагогик, академик ва тадқиқот ходимлари камида 75 фоиз, бошқа ходимлар 10 фоиз, талабалар 15 фоиздан кам бўлмаслиги керак[3].

Ёки, 2018 йил май ойида чоп этилган ISO 21001:2018 “Таълим ташкилотлари – Таълим ташкилотларини бошқариш тизимлари – фойдаланиш бўйича йўриқномага эга талаблар” халқаро стандартлари тузилишида таълим муассасаларидаги бошқарув тизимларининг **таъсир доирасини** белгилаш, тамойилларида бошқарувда одамлар иштирокини ошириш назарда тутилган.[4]

Фикримизча, ОТМлар бошқарув жараёнига таълим муассасасининг барча алоқадор вакилларини жалб қилиш самарали ва коррупциядан ҳоли бошқарувни йўлга қўйишга хизмат қилади.

Давлат бюджети маблағлари ва маблағларни талон-торож қилиш бошқа соҳаларда бўлгани каби олий таълим соҳасидаги бошқарув жараёнидаги **долзарб коррупциявий омил ҳисобланади.**

Соҳага бюджетдан ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга ортиб, 2021 йилда 2 трлн. 724 млрд. сўм, 2022 йилда 3 трлн. 771 млрд. сўм, 2023 йилда 5 трлн. 468 млрд. сўм маблағлар ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 5 трлн. 72 млрд. сўмни ташкил этмоқда[5].

---

[1] Georgia “Law of Georgia on higher education” December 21, 2004, [Электрон манба]. URL: http://www.mes.gov.ge

[2] [Электрон манба]. URL: https://corporation.mit.edu/bylaws/bylaws-section-l

[3] Ukraine “Law of Ukraine on higher education” July 1, 2014, [Электрон манба]. URL: https://dduvs.in.ua/wp-content/uploads/files/ENG/2020/la.pdf

[4] ISO 21001:2018 — Educational organizations — Management systems for educational organizations — Requirements with guidance for use. [Online]. Available: https://www.iso.org/standard/66266.html.

[5] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2023 й., 07/23/149/0267-сон // https://lex.uz/docs/6333357

Олий таълим соҳасида 2019-2022 йиллар давомида 35 нафар шахс мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан мол-мулкни талон-торож қилиш жиноятларини содир этган бўлиб, мазкур жиноят сони сўнгги икки йилда кескин ортган ва уларнинг аксарияти олий таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан содир этилган[1].

Биргина Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан 2023 йилда Андижон давлат университетида 39,3 млрд. сўм нақд пул талон-торож қилинганлиги ҳолати аниқланган[2].

Олий таълим соҳасида бюджет маблағларини талон-торож қилинишининг сабаб ва омилларига алоҳида тўхталган ҳолда уларни келтириб ўтамиз:

Биринчидан, қуйи тизимда ишлаётган раҳбарларни бухгалтерия соҳасида етарли билим ва малакага эга эмаслиги, молиявий масалаларга етарлича эътибор қаратилмаслиги;

Иккинчидан, иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш инсон омилига боғлиқ бўлиб, дастурга ҳисобчи томонидан маълумотлар киритиш имконияти чекланмагани, доимий назоратга олинмагани сабабли молиявий маълумотлар тўғрилигини фақат даврий текширувда аниқлаш мумкин;

Учинчидан, бюджет маблағлари ва моддий ресурсларни тасарруф этишда, давлат харидларини амалга оширишда мутлақ ваколат раҳбар ва ҳисобчилар қўлида бўлиб, мазкур фаолият устидан жамоатчилик назорати, очиқлик ва шаффофликни таъминловчи манфаатдор шахслардан шакллантирилган институционал тузилмалар мавжуд эмас.

Меҳнат муносабатларида коррупцияни олдини олишга хизмат қилувчи чекловлар ва зарур механизмларнинг ўрнатилмагани олий таълим соҳасидаги бошқарув жараёни билан боғлиқ **навбатдаги долзарб коррупциявий омиллардан бири ҳисобланади.**

Қонунчиликдаги бўшлиқлар ва зарур талабларнинг мавжуд эмаслиги таниш-билишчилик ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўлимлари томонидан 2021-2022 йилларда олий таълим муассасаларида аниқланган 73 та коррупциявий ҳолат бўйича 58 маротаба хизмат текширувлари ўтказилган. Текшириш якунлари бўйича яқин қариндошларнинг ўзаро бир-бирига бўйсуниб ишлаши кўринишидаги манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлик билан боғлиқ 130 та ҳолат аниқланган (73 таси 2022 йилда аниқланган)[3].

ОТМда бир шахсни кафедра мудири, факультет декани, проректор, ректор ва бошқа моддий жавобгарлик лавозимларида узоқ йиллар ишлаб

[1]https://old.anticorruption.uz/uzc/item/2023/05/19/2022-yil-va-joriy-yilning-otgan-davrida-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-hamda-uning-oldini-olish-boyicha-oliy-talim-sohasida-amalga-oshirilgan-ishlar-yuzasidan

[2]https://kun.uz/news/2023/10/11/andijon-davlat-universitetida-qariyb-40-mlrd-som-talon-toroj-qilingan

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, 15.04.2023 йил, 02/23-383-сонли хати.

келаётганлиги таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик ва бошқа коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқармоқда, ушбу йўналишда норматив-ҳуқуқий тўсиқлар мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида Низомининг 2-бандига мувофиқ кафедра мудири педагог ходим ҳисобланади[1]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан яқин қариндош бўлган педагог ходимларни бўйсинув асосида ишлашига рухсат берилган[2].

ОТМда кафедра мудири муҳим ваколатларга эга лавозим бўлиб, унинг бўйсинувида унинг қариндош-уруғларининг ишлаши коррупциявий ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, ОТМларига ишга қабул қилиш жараёнлари етарли даражада очиқланмаган бўлиб, фақатгина бўш лавозимларни расмий сайтлар ва тегишли ахборот порталларида эълон жойлаштириш билан чекланилган, ушбу ҳолат лавозим талабларига лойиқ бўлмаган ходимларни ишга қабул қилишга олиб келмоқда[3].

Шу билан биргаликда, ОТМнинг “комплаенс-назорат” ва аудит фаолияти бўйича масъул ходимлари таълим муассасасининг раҳбарига бўйсунгани сабабли ўз фаолиятини мустақил олиб бориш имкониятига эга эмас.

Таклиф ва тавсиялар:

Олий таълим соҳасида бошқарувни амалга ошириш жараёнида мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта коррупцияга қарши экспертизадан ўтказган ҳолда ягона Ўзбекистон Республикасининг **“Таълим кодекси”ни** ишлаб чиқиш;

иккинчидан, ОТМлари биринчи даражали раҳбар лавозимга номзодларни очиқ танловлар асосида шакллантириш ва уларнинг лавозим талаблари, ваколат муддатлари, ротация қилиш тартибларини белгилаш, раҳбарларни таълим муассасаларининг коллегиал тузилмалари томонидан лавозимга сайланиш ва лавозимдан озод қилиш тартибини ишлаб чиқиш;

учинчидан, коррупциявий хавф-хатарлар ҳоли бўлган, манфаатдор шахслар бир-бирини тийиб турувчи, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида фаолият кўрсатувчи ОТМлар намунавий бошқарув тузилишини белгилаш, ушбу бошқарув тузилмаларини барча турдаги ОТМларида мажбурий шакллантиришни қонун билан мустаҳкамлаш;

тўртинчидан, “UZASBO” тизимига маълумотларни киритиш бўйича инсон омилини чеклаш ва мазкур тизимда замонавий ахборот технологияларини

[1] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон // https://lex.uz/docs/973497
[2] https://lex.uz/docs/517034
[3] Олий таълим муассасаларида педагог ходимларни танлаш мезонлари [Матн]: методик қўлланма / Т.Ахмедов, Ж.Бобобеков. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024 й. – 12 б.

кенг жорий этган ҳолда самарали масофавий назорат қилиш имкониятларини яратиш, коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” ва ички аудит хизмати ҳамкорликда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, контракт ва стипендиялар тўланиши, давлат харидлари ва бошқа маблағларни режавий ҳар чоракда ўрганиш тартибини жорий этиш;

бешинчидан, олий таълим соҳасидаги бошқарув органлари ва ОТМлар коррупцияга мойил бўлган бошқарув лавозимлари рўйхатини шакллантириш ва ушбу лавозимда ишловчи шахсларни ҳар уч йилда ротация қилиш тартибини жорий этиш, кафедра мудирининг педагог ходим сифатида белгиланишини бекор қилиш;

профессор-ўқитувчиларни ишга олиш имтиҳонлари (суҳбат, тест ва бошқалар) ва даврий малака имтиҳонларини онлайн режимда трансляция қилиш вазифаларини ОТМлари учун мажбурий талаб сифатида белгилаш;

коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини бошқариш ва “аудит” бўлимлари мустақиллигини таъминлаш ва таъсирчан назоратни жорий этиш мақсадида ушбу бўлимларни ОТМ ректорлари бўйсинувидан чиқариб, вазирлик таркибига ўтказиш.

Хулоса. “Таълим кодекси”ни ишлаб чиқиш, раҳбарларнинг сайлаш тизимини жорий этиш, коллегиал бошқарув органлари ваколатларини кенгайтириш, маблағларни мақсадли сарфланишини таъминлаш, меҳнат муносабатларида коррупцияни олдини олувчи чекловларни ўрнатиш мамлакатимиз олий таълим соҳасининг бошқарув жараёнида мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишга хизмат қилувчи долзарб ислоҳотлар ҳисобланади.

РАСУЛОВА ГУЛБАҲОР АБИДЖАНОВНА
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси таянч докторанти

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН ВА ФИНЛЯНДИЯ МИСОЛИДА)

> “Таълим ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи бўлиб, у катта аҳамиятга ва салоҳиятга эга. Эркинлик, демократия ва барқарор ривожланиш тамойиллари таълимга асосланган... ҳамма учун таълимдан ташқари бундан муҳимроқ нарса йўқ, бошқа ҳеч қандай миссия йўқ...”
>
> БМТ Бош котиби Кофи Аннан
> 1998 йил

Бугунги кунда мамлакатимиз демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлидан собитқадамлик билан бормоқда. Барча соҳалардаги ислоҳотлар каби олий таълим тизимини ислоҳ қилиш масалалари ҳам доимо давлатимиз раҳбарининг эътиборида бўлиб келмоқда. Ҳозирги замонавий

тенденциялар талабидан келиб чиқиб, Президент Шавкат Мирзиёев янгича фикрлайдиган, маъсулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилишини кечиктириб бўлмас вазифа этиб белгилади.

Ҳозирги вақтда Президентимиз томонидан қонунлар қоғозда эмас, амалда қатъий бажарилиши, ислоҳотлар ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳаллага кириб бориши, юртдошларимиз уларнинг самарасини ҳаётида доимо ҳис қилиши зарурлигига муҳим эътибор қаратилмоқда[1].

Албатта, ҳаётимизда **коррупция ҳолатлари борлиги барчамизни қаттиқ ташвишга солади.** Жамиятимизда **бу иллатга қарши муросасизлик муҳитини шакллантириш ва қатъий кураш олиб бориш** келгусида ҳам прокуратура органларининг биринчи навбатдаги иши бўлиб қолади.

Бу борада давлат идораларида коррупциянинг барвақт олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун вазирлик ва идораларнинг ички назорат тузилмалари иши кучайтирилади, соҳа ва тармоқлар фаолиятини рақамлаштиришга доир вазифалар ижроси қатъий назоратга олинади. Энг муҳими, бу йўналишдаги ҳар бир хабар ва маълумот тез ўрганилиб, кескин чоралар кўриб борилади.

Коррупция билан боғлиқ ҳар бир жиноятни ўз вақтида аниқлашда биз маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар ва нуронийлар ташкилотлари фаолларига, турли меҳнат жамоаларидаги жонкуяр ва ватанпарвар инсонларга, уларнинг ёрдами ва ҳамкорлигига таянамиз.

Биз ҳаётимизни жиноятчилик ва коррупциядан ҳоли қилишда катта билим ва тажрибага эга бўлган прокуратура фахрийларининг салоҳиятидан ҳам кенг фойдаланамиз.

Бу борада нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан яқин ҳамкорликни кучайтирамиз[2].

Янги Ўзбекистон ўз стратегияларида коррупция оқибатларини чуқур англаган ҳолда БМТ, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қилаётгани фикримиз далилидир.

Олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш тушунчасини ёритишдан аввал “коррупция” тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Коррупция атамаси лотинча “corruption” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “пора эвазига оғдириш” деган маънони англатади. Кейинги қарашларга кўра, коррупция атамаси лотинча “corrumpere” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “бузилиш, айниш, таназзул” деган маъноларни англатади.

---

[1] Йўлдошев Н.Т. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг мамлакатмиз аҳолисига мурожаати. Ҳуқуқ газетаси./ № 3 (1408). 18.01.2024 йил. 2-бет.

[2] Йўлдошев Н.Т. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг мамлакатмиз аҳолисига мурожаати. Ҳуқуқ газетаси./ № 3 (1408). 18.01.2024 йил. 2-бет.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган даврда Ўзбекистон турли синовларда тобланиб, тажриба орттириб, ўзининг аниқ мақсади ва йўли, позициясига эга бўлган катта давлат сифатида шаклланганини, мамлакатимиз интилаётган тараққиётнинг асоси таълим экани алоҳида таъкидланиб, бу соҳада қилинаётган ишлар қайд этилди[1].

“Агар 3 минг йиллик тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ота-боболаримиз асрлар мобайнида дунё тамаддунига нафақат жисмоний, балки **интеллектуал меҳнати** билан улкан ҳисса қўшганига гувоҳ бўламиз.

Биз жаҳонга фақат хомашё эмас, аввало **илм-маърифат, маънавий бойлик** етказиб берган не-не улуғ зотларнинг авлодимиз. Ҳеч шубҳасиз, уларга хос бўлган буюк фазилатлар, улар яратган шонли анъаналар бугун ҳам бизнинг қалбимизда, онгимизда, ҳаётимизда яшамоқда.

Мен ишонаман, биз бу тарихий йўлни муносиб давом эттиришга ҳар томонлама қодирмиз”- дея ўз маърузаларида Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтдилар[2].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик таъминланиши йўлга қўйилди.

Мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Очиқлик ва шаффофлик борасида дунёда Финляндияга тенг келадиган давлатлар бармоқ билан санарли. Хельсинки университетининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунё бўйича олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ривожланаётган давлатларнинг олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. **Transparency International** коррупцияга қарши халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 12 та мустақил ташкилотнинг 13 турдаги манбаларидан фойдаланиб эълон қиладиган **“Коррупцияни қабул қилиш индекси”** халқаро рейтингида олий таълим соҳаси билан боғлиқ давлатга қарашли секторда бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш индикатори ҳам алоҳида қайд этиб ўтилган[3].

Ўзбекистон олий таълим соҳасида очиқлик ва шаффофликни таъминлашда, профессор И.Б.Джураевнинг “Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертация ишига алоҳида тўхталиб ўтишни лозим

[1] Мирзиёев Ш.М. 31.08.2023 йилдаги “Вақтни – имкониятга, имкониятни – ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ – буюк халқдир” маърузасидан. https://president.uz/uz/lists/view/6638

[2] Мирзиёев Ш.М. 31.08.2023 йилдаги “Вақтни – имкониятга, имкониятни – ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ – буюк халқдир” маърузасидан. https://president.uz/uz/lists/view/6638

[3] https://www.helsinki.fi/en/about-us/responsibility-and-sustainability/ethical-guidelines/anti-corruption-policy

топдик. Ушбу диссертация ишида таъкидланишича[1], олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий-бошқарув бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилди. Бу эса, уларда бюрократия ва коррупция хавфи кўплиги, бунга чек қўйиш учун ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги белгилаб қўйилди.

Олий таълим муассаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштиришни тақозо этиши ҳозирги давр талабидир. Жаҳонда олий таълим муассасалари фаолиятида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш айни муддаодир. Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида таълимнинг сифати ва рақобатбардошлилигини таъминлашни тадқиқ қилишга ҳозирги даврда алоҳида эътибор қаратилмоқда[2].

Жаҳон миқёсида турли соҳа ва тизимдаги олимлар, ҳамда тадқиқотчилар томонидан ҳар йили ижтимоий ҳодиса сифатида олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилади. Коррупцияга қарши курашиш усуллари ишлаб чиқилади, ижобий амалиётларни жорий этишга интиладилар[3].

Бироқ, дунё экспертлар ҳамжамияти бу ҳодисага қарши муваффақиятли курашнинг асосий омили сифатида яхши шаклланган ва самарали фаолият кўрсатаётган қонунчилик базасини маъқуллайдилар. Шунингдек коррупциянинг юқори яширинлигидан келиб чиқиб, ҳақиқий ҳажми, даражаси ва ривожланиш динамикаси тўғрисида ишончли маълумотларга эга бўлади, деб хулоса[4] қилмоқдалар. Ҳақиқатдан ҳам, бу муаммони жамиятдаги салбий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўрганиш, айниқса, ҳозирги кунда долзарб муаммолардан биридир.

Ўзбекистонда олий таълим соҳасида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш борасида илмий тадқиқот олиб борган Б.Исмаилов., Г.Маликова., Ш.Кабилов., И.Насриев., И.Исмаилов., В.Каримов., Х.Каримов., А.Бурханов., У.Тухташева., И.Б.Жўраев., Х.Турсунбеков каби етук мутахассисларнинг илмий ишларидан фойдаланиш ўринлидир.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 16 июнь куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳадаги устувор вазифалар қаторида профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш, **соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия**

---

[1] Джураев И.Б. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш. //Диссертация ю.ф.д. (Doctor of Science) *УДК 347.963(043.5)(575.).*//Т.:ТДЮУ. 2021 й. – 279 б., 4-6-б.

[2] Джураев И.Б. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш. //Диссертация ю.ф.д. (Doctor of Science) *УДК 347.963(043.5)(575.).*//Т.:ТДЮУ. 2021 й. – 279 б., 6-7-б.

[7] Osipian, A. “Higher Education Corruption in the World Media: Prevalence, Patterns, and Forms”. 32nd Annual Conference of the Association for the Study of Higher Education, Louisville, KY, November 2007.

[4] Principles for responsible investment activities university of Helsinki and university of Helsinki funds

ва коррупцияни кескин қисқартириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди[1].

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида, таълим сифатини яхшилаш, таълим олувчиларнинг имкониятларини кенгайтириш мақсадида, Финляндия билан ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилди. Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида, хорижий давлатлар ичида Финляндия[2] тажрибасининг беқиёслиги, унинг ўзига хос хусусиятлари, шаффофлиги бошқа давлатлар ичида ажралиб туриши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Финляндия профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда малака ошириш курслари ва қайта тайёрлаш тизими йўлга қўйилиши белгилаб қўйилди[3].

Олий таълим соҳасидаги коррупциянинг олдини олиш борасида, биз Финляндия тажрибасини ўрганиш билан бирга, бир қатор хорижий давлатлар тажрибасига ҳам назар солдик. Биз қуйида **VOSviewer дастури** орқали дунё харитасида коррупция ҳолатларининг таҳлилини ўргандик. Бунда АҚШ олий таълим соҳасида коррупция, таълимнинг очиқлик ва шаффофлиги бўйича 71 дан зиёд олимлар томонидан турли манбалар асосида илмий тадқиқот ишлари олиб борилганини кўриш мумкин. Худди шунингдек, Россия Федерациясида - 19 та, Украинада - 17 та, Хитойда - 15 та, Австралияда - 11 та, Германияда - 12 та, Малайзияда - 9 та, **Финляндия бўйича эса 1 дона илмий тадқиқот иши** олиб борилганини кўриш мумкин. (1-расмга қаранг). Бу эса айнан Финляндияда, тенглик тамойили юқори ўринда туриши, ҳамда бунинг асносида олий таълим соҳасида коррупция тушунчасига ўрин йўқлигини гувоҳи бўлиш мумкин.



1-расм. Тадқиқот натижаларига кўра давлатлар таҳлили.

[1] Джураев И.Б. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш. //Диссертация ю.ф.д. (Doctor of Science) *УДК 347.963(043.5)(575.).*//Т.:ТДЮУ. 2021 й. – 279 б., 6-7-б.

[2] https://www.helsinki.fi/en/innovations-and-cooperation/decision-makers/university-helsinkis-vision-next-finnish-government-term-2023-2027


[3] Давлатимиз раҳбари таълимга Финляндия тажрибасининг жорий этилиши ҳақида. https://www.facebook.com/watch/?v=1174071883483654

Профессор Б.И.Исмаиловнинг баён этишларича, Финляндия тажрибасига кўра, Ўзбекистон олий таълим тизимида коррупциянинг олдини олиш масалаларини Финляндия эришган ютуқлар асосида изчил ўрганиб, уни давлатимизга имплементация[1] қилиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир дейилади.

Финляндия Жиноят кодекси(1889 йил қабул қилинган, 2021 йилда ўзгартириш киритилган)да “коррупция” атамаси умуман қўлланилмаган. Бунинг ўрнига, бу сўз мансабдор шахсларнинг порахўрлиги деб белгилаб қўйилган. Мазкур жараён, яъни пора олиш иши жиноят ҳажмига қараб, жарима туридан тортиб то тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилишгача тегишли жазо берилади.

Финляндияда коррупциянинг энг кенг тарқалган тури бу мансабдор шахслар томонидан хизмат кўрсатиш учун пул ёки алкогол шаклида пора беришдир[2]. Шунингдек, полиция ва божхона ходимларига пора беришга уриниш ҳолатларини қайд этиш одатий ҳол эмас. Финляндия ҳуқуқ-тартибот идоралари сайловчиларнинг порахўрлигини коррупциянинг хавфли тури деб ҳисоблашади.

Аслида, Финляндияда[3] коррупцияга қарши курашиш тўғрисида қонун йўқ ва уни назорат қиладиган алоҳида давлат органлари ҳам йўқ. Олий таълимда “коррупция” ёки “порахўрлик” тушунчаси мавжуд эмас. Порахўрлик жиноий жиноятчиликнинг бир қисми сифатида қаралади ва барча даражадаги қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва бошқа назорат тизимларида тартибга солинади. Ахлоқий меъёрлар эса алоҳида рол ўйнайди.



2-расм. Олий таълимда коррупция бўйича илмий тадқиқот олиб борган хорижий олимлар

[1] Исмаилов Б.И. Институционализация национальных систем противодействия коррупции. //Учебное пособие. -Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2019. -233с. 16-17-бетлар.
[2] Larkina E.A. Experience in fighting corruption in Finland. // Bulletin of magistracy. 2018. No. 4-2(79).
[3] https://www.transparency.org/en/cpi/2022/index/fin//

И.Б.Джураевнинг фикрларига кўра,[1] бугунги кунда Европа ҳамжамияти давлатларида прокурорларнинг ягона ташкилот ва фаолият модели мавжуд эмаслиги асосланган. Хусусан, таълимга оид қонунчилик ижросини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўрнига махсус ваколатли органлар томонидан амалга оширилиши қайд этиб ўтилган.

Жумладан, Буюк Британияда Quality Assurance Agency (Сифатни кафолатлаш бўйича давлат агентлиги), таълим муассасаси ва таълим дастурларини тасдиқлаш (ратификация қилиш) мақсадида The Open University Validation Services (OUVS), Финляндияда Таълим соҳасида сифат ва назорат қўмитаси, Японияда Ихтисослашган қўмиталар фикримизга мисол бўлиши мумкин. Бундан ташқари, THE (Times Higher Education), QS (Quacquarelli Symonds), BGU (Ben-Gurion University), U-Multi rank рейтинг баҳолаш тизими ва индикаторлари ҳам бу борада таҳлил этилган.

Бизнинг фикримизча, ўтказилган тадқиқотлар, сўровномалар ва ўрганишлар давомида, Олий таълим тизимида коррупцияга сабаб бўлаётган қуйидаги омиллар ва шарт-шароитлар ҳамон долзарб муаммолигича қолмоқда, 3-расмга қаранг[2].



3-расм. Олий таълим соҳасида ўтказилган сўровномадан лавҳа

Таҳлиллар, коррупция[3] ҳолатларининг асл сабаби – бу жараёнларнинг очиқ ва шаффоф ташкил этилмаётганлигини кўрсатмоқда. Бюджет маблағларининг сарфлаш жараёнидаги талон-торожликлар соҳадаги

[1] Джураев И.Б. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш. //Диссертация автореф. ю.ф.д. (Doctor of Science) 12.00.07- Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура.//Т.:ТДЮУ. 2021 й. – 71 б., 22-б.

[2] https://docs.google.com/forms/d/18RgiJhmJ__smUv1J_GQZZ60iNUoAB0sqhyVxMGMNZto/edit#responses

[3] Информационно-аналитический журнал “Антикоррупционный дайджест Узбекистана”. Том 1 № 1 (2021). https://uacd.uz/index.php/journal/article/view/9; https://opendatawatch.com.

коррупциявий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолатларга йўл қўйганлиги учун тизимдаги мансабдорлар ва масъул ходимлар жиноий жавобгарликка тортилган[1].

Олий таълим тизимида қонунийликни таъминлашда ҳам қатор муаммолар мавжуд. Таълим билан боғлиқ, таъкидлаб ўтилган камчилик ва нуқсонлар, коррупциявий омиллар битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Талабаларнинг ихтисосликлари бўйича ишга жойлашмаётганлиги ҳам асосий муаммо[2]лардан бири бўлиб қолаётганлиги ачинарли ҳолатдир.

Коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигига салбий таъсир ўтказаётган муҳим омиллардан яна бири аксарият олий таълим муассасаларининг (шу жумладан, молиявий ва академик мустақил мақомига эга бўлган муассасаларда) ички назорат тузилмаларида ишлаётган ходимларнинг ойлик маошлари сезиларли даражада пастлигидир[3].

Хулоса ўрнида, олий таълим соҳасидаги коррупциянинг олдини олиш, унинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган бир қанча хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганилди.

Хорижий давлатларнинг амалиёти ва тажрибаси[4]га кўра, Финляндия Республикаси коррупциянинг олдини олиш сиёсати, унинг очиқлиги ва шаффофлиги борасидаги илғор тажрибаси алоҳида аҳамиятга эгадир. Ошкоралик ва шаффофлик, ҳалоллик, тенглик тамойили Финляндиянинг[5] сиёсий ҳаётида ҳам бир қатор вазифаларни бажаради. У ҳар бир инсонга ахборотлашган жамият шарт-шароитларида, фуқароларнинг тенглигини таъминлашга элтувчи маълумот олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Ошкоралик тамойили эса, эркин фикр шаклланишини қўллаб-қувватлайди ва демократияни таъминлашда бевосита ёрдам беради.

Барча илмий тадқиқотларда асосан амалий таклифлар кўп ишини инобатга олиб, биз ўз илмий тадқиқот ишимизда илмий таклифларни илгари суришга ҳаракат қилдик.

Таклиф ва тавсиялар:

1. Хорижий давлатлар тажрибасига кўра, профессионал таълим, олий таълим, малака ошириш ва илмий тадқиқот муассасаларининг 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб ўқув дастурларига қўшиш учун GRACE дастури материалларини таржима қилиш ва ўрганиш чораларини кўриш.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 19 декабрдаги № 10.1/5-110729-22 - сонли хати. Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасининг таҳлилий материаллари.

[2] Джураев И.Б. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш. //Диссертация ю.ф.д. (Doctor of Science) 12.00.07- Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура.//Т.:ТДЮУ. 2021 й.

[3] https://edu.uz/uz/pages/kqq

[4] Europian Comission. EU Anti-Corruption Report: Brussels, 3.2.2014: Annex 26. Finland [Электронный ресурс]. URL: https://ec.europa.eu/home-affairs/sites/homeaffairs/files/what-we-do/policies/organized-crime-and-human-trafficking/corruption/anti-corruption-report/docs/2014_acr_finland_chapter_en.pdf

[5] https://legalns.com/download/books/cons/finland.pdf

2. GRACE дастури материалларидан фойдаланган ҳолда олий ва профессионал таълим муассасаларида коррупциянинг олдини олиш ва ҳалолликни тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни тизимли ташкил этиб бориш.

3. Ёшлар клублари ва “Аксилкоррупция коворкинг” марказлари аъзоларини жалб қилган ҳолда, GRACE дастури материаллари асосида олий ва профессионал таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш мавзусида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш амалиётини жорий этиш.

4. Соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда, БМТнинг “Адолат учун таълим” (E4J) лойиҳаси бўйича вазирлик, тизим ташкилотлари ходимлари, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари орасида ҳалолликни тарғиб этувчи тадбирларини (интервью, флеш-моблар, турли акциялар) ташкил этиш чораларини кўриш.

5. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабалари учун “**Аксилкоррупция коворкинг маркази Низоми”** лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этилди.

6. Олий таълим муассасаларининг **Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини бошқариш бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш**, мазкур бўлимларни олий таълим муассасалари ректорлари бўйсунувидан чиқариб, **вазирликнинг таркибий тузилмаси** сифатида алоҳида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси “Асосий тушунчалар”га: **“академик ҳалоллик**” каби тушунчалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

ABDURASULOV MUHAMMADQODIR ABDURASULOVICH
Andijon viloyat yuridik texnikumi katta o’qituvchisi

ABDURASULOV XOLMUHAMMAD MUHAMMADQODIR O’G’LI
Inson huquqlari bo’yicha O’zbekiston Respublikasi Milliy markazi tayanch doktoranti

KORRUPSIYA JINOYATINI OLDINI OLISHDA HUQUQIY SAVODXONLIK OMILI

Tarixdan ma’lumki, xalqimiz uzoq o`tmishlardan beri o`z erki va buyuk kelajak uchun, milliy qadriyatlariga sodiqligi asnosida mardonavor kurashib keldi. Mustaqillikning ilk choragi davomida mamlakatimiz bu borada katta yo’lni bosib

o’tdi. Prezident Shavkat Mirziyoyev ta’kidlaganlaridek, endi islohotlarimiz yo’lidan hech qachon ortga qaytmaymiz, “inson – jamiyat – davlat”, degan yangi tizim asosida faqat va faqat oldinga qarab boramiz. Har bir fuqaroning huquq va erkinliklari qonun yo`li bilan himoya qilinishi va kafolatlanishi, so`z erkinligi, davlat boshqaruvida o`zi bevosita yoki bilvosita ishtirok etish huquqiga ega ekanligi huquqiy davlatning muhim belgilaridandir.

2023-yil 30-aprelda umumxalq ovozi bilan yangi tahrirda qabul qilingan O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasning 1-moddasida O’zbekiston — boshqaruvning respublika shakliga ega bo’lgan suveren, demokratik, huquqiy, ijtimoiy va dunyoviy davlat ekanligi mustahkamlab qo’yildi.

Huquqiy davlat qurish uchun esa, shu davlat poydevorini yaratuvchilar, ya’ni yosh avlod huquqiy jihatdan bilimli, tarbiyali bo`lishlari kerak. Qonunlarni biladigan, ularga rioya etadigan, davlat va jamiyat manfaatlarini o`z manfaatlaridan yuqori qo`yib, ularni bajarishda yuksak saviyaga ega bo`lgan shaxslarni tarbiyalash huquqiy davlatning eng muhim talablaridandir.

Bugungi kunda insoniyatning aksariyati jahon urushlari, butun boshli xalqlar hayotiga xavf soluvchi epidemiyalar, ibtidoiy davrga xos qoloqlik kabi mudhish xatarlardan ma’lum ma’noda uzoqlashgan bo’lsa-da, hanuzgacha o’z ko’lami va miqyosi jihatidan bu xatarlardan kam bo’lmagan illatlardan xalos bo’lgani yo’q. Ana shunday illatlardan biri esa korrupsiyadir.

Korrupsiya – lotincha “corruptio” aynish, poraga sotilish so’zidan olingan. Korrupsiya mansab mavqeidan shaxsiy maqsadlarda foydalanish bilan bog’liq bo’lgan ijtimoiy-huquqiy hodisadir. Ma’lumki, mazkur illat har qanday jamiyatning siyosiy va iqtisodiy asoslariga bevosita zarba berib uni yemiradi. Jamiyatning ma’naviy axloqini zararlaydi, qonun ustuvorligini kuchsizlantiradi, fuqarolarning huquq va erkinliklarining jiddiy tarzda buzilishiga olib keladi. Shu bilan birgalikda uyushgan jinoyatchilik, terrorizm va insoniyat xavfsizligiga qarshi qaratilgan boshqa tahdidlarning o’sishiga yordam beradi. Uning domiga ilingan amaldor, shaxsiy boylik orttirish maqsadlarini va urug’ aymoqlarining manfaatlarini davlat manfaatidan ustun qo’yishi natijasida, mamlakatning siyosiy va iqtisodiy yo’liga, hamda aholining aksariyat qismiga tuzatib bo’lmaydigan zarar yetkazadi, chet ellik sheriklarda ham ishonchsizlik uyg’otadi va ularni hamkorlikdan qaytaradi. Jamiyatni har tomonlama rivojlantirish har bir mamlakat oldida turgan asosiy vazifalardan biri hisoblanadi. Shunday davlatlar borki, ularning har birida korrupsiyaga qarshi kurash bo’yicha tegishli chora-tadbirlar va unga qarshi kurashish to’g’risida normativ hujjatlar qabul qilingan. Haqiqatan, korrupsiya muammosi bugungi kunda dunyo miqyosida o’z yechimini talab etayotgan birinchi masalalardan biri hisoblanadi. Shu bois ham jahon hamjamiyati bu illatga qarshi keskin kurashmoqda.

BMT ma’lumotlariga ko’ra, har yili dunyo iqtisodiyoti korrupsiyadan 2,6 trln dollar zarar ko’rmoqda. Bu jahon yalpi mahsulotining taxminan 5 foizini tashkil etadi. Pora miqyosi 1 trln dollarni tashkil etmoqda. Bu esa, ehtiyojmand xalqlarga berilayotgan gumanitar yordamdan 10 baravar ziyod ekan jirkanch illat ko’lami naqadar kengligiga yaqqol isbotdir.

Jahon tajribasidan shu ma’lumki, korrupsiya illati jamiyatning barcha sohalariga teng zarba berib, baravar holatda inqirozga yuz tutishiga sabab bo’ladi. Raqamlardan shuni anglash mumkinki, mazkur muammo ayni bir millat yoki xalqning emas balki xalqaro hamjamiyat manfaatlariga jiddiy xavf tug’dirib, uning zararli oqibatlarini oldini olish maqsadida global ko’lamda keskin choralar ko’rishni taqozo etmoqda.

Bu yo’nalishda bir qator xalqaro hujjatlar qabul qilingan. Xususan, BMT homiyligida qabul qilingan korrupsiyaga qarshi kurashish rezolyutsiyasi (1995-y.), Davlat mansabdor shaxslarining xalqaro axloq kodeksi (1996-y.), Xalqaro tijorat tashkilotlarida korrupsiya va poraxo’rlikka qarshi kurashish deklaratsiyasi (1997-y.), Millatlararo uyushgan jinoyatchilikka qarshi konvensiyasi (2000-y.), Korrupsiyaga qarshi konvensiya (2003-y.) va boshqalar shular jumlasidandir. Shuningdek, har yili Toshkentda an’anaviy Xalqaro aksilkorrupsiya forumi o’tkazib kelinmoqda.

Mamlakatimizda ham korrupsiyaga qarshi kurashish izchillik bilan olib borilmoqda. Bu borada so’z yuritar ekanmiz avvalo, mamlakatimiz 2008-yilda Korrupsiyaga qarshi konvensiyaga, 2010-yilda Iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish tashkiloti doirasida qabul qilingan Korrupsiyaga qarshi kurashning Istanbul rejasiga qo’shilganligini, Oliy Majlis tomonidan 2011-yilda Jinoiy daromadlarni legallashtirishga va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo’yicha Yevroosiyo guruhi to’g’risidagi bitimni ratifikatsiya qilinganligini ko’rsatib o’tish lozim. Xususan, O’zbekiston Respublikasining 2017-yil 4-yanvarda “Korrupsiyaga qarshi kurashish to’g’risida”gi Qonunining qabul qilinishi, shuningdek, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “O’zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini takomillashtirish bo’yicha qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida”gi Farmoniga muvofiq, 2020-yilning 29-iyunida Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi tashkil etilishi, Korrupsiyaga qarshi kurashish bo’yicha Respublika idoralararo komissiyasining tashkil etilishi va korrupsiyaga qarshi kurashish bo’yicha Davlat dasturlarining qabul qilinganligi yurtimizda korrupsiya bilan bog’liq huquqbuzarliklarning oldini olishga qaratilgan qator chora-tadbirlar samaradorligini oshirishga xizmat qilmoqda.

So’nggi yillarda mamlakatimiz “Transparency International” indeksida 42 pog’onaga ko’tarildi va bu borada mintaqamizda eng yuqori o’rinni egallamoqda. 2030 yilga qadar mazkur reytingdagi o’rnimizni yana 50 pog’onaga yaxshilash maqsadi ko’zlangan. “Open Data Inventory” reytingida esa 30-o’ringa ko’tarildik. Ochiq ma’lumotlar manbalari bo’yicha O’zbekiston dunyoda 4-o’rindan joy olgan.

Korrupsiya barcha jamiyatlarda uchraydigan universal jinoyatdir. Jinoiy elementlarning ishtiroki, joylashgan makoni va oqibatlaridan kelib chiqib turli shakllarda va darajalarda namoyon bo’ladi. Shundan kelib chiqib, korrupsiyaviy holatlarning kelib chiqishiga qarshi choralar qo’llashda bir qancha yechimlar taklif etilgan. Qaysidir davlatda korrupsiya jinoyati uchun jazoni kuchaytirish, boshqasida keng vakolatlarga ega bo’lgan davlat xizmatchilarini moddiy jihatdan bekamu-ko’st ta’minlash, yana birida vakolatli organlar faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini yo’lga qo’yishga e’tibor qaratiladi.

“Transparency International” xalqaro tashkilotining 2021-yil uchun chiqargan Korrupsiya indeksida korrupsiya eng kam deb topilgan davlatlar ro’yxatini boshqarayotgan Daniya, Finlyandiya va Yangi Zelandiya kabi davlatlar, parallel ravishda ta’lim darajasi bo’yicha dunyo reytingida ham peshqadam hisoblanadi. Yoki mazkur reytingda 76-o’rinni qayd etgan Xitoyning ichki qonunchiligiga ko’ra, 100 ming yuandan ortiq miqdordagi yakka tartibdagi korrupsiya uchun o’n yildan ortiq muddatga ozodlikdan mahrum qilish jazosi tayinlanishi, agar mol-mulki musodara qilingan holda yoki muddatsiz ozodlikdan mahrum qilish, jazoni o’ta og’irlashtiruvchi holatlarda – o’lim jazosi va mol-mulkini musodara qilish kabi choralar qo’llanishi ko’rsatilgan.

Jinoyatga nisbatan qanchalik og’ir sanksiyalar qo’llanmasin, ijtimoiy munosabat qatnashchilari ongida unga nisbatan shaxsiy nafrat shakllanmas ekan, jinoyatni oldini olishga qaratilgan sa’y-harakatlar samarasiz qolaveradi. Korrupsiyaga qarshi murosasizlik, uning milliy qadriyatga qanchalik og’ir zarar keltirishi ma’naviy yo’llar bilan omma madaniyatiga singishi zarur. Huquqiy madaniyati yuqori jamiyatda inson nafaqat o’z huquq va burchlarini anglaydi, balki jamiyatning boshqa a’zolari huquqlari va erkinliklarini hurmat qiladi, ularning qonun oldidagi burchlarini ta’minlashga xayrixohlik qiladi. Shu sababdan, jamiyatning huquqiy darajasi, uning huquqiy savodxonligi qancha yuqori bo’lsa, uning aksi o’laroq, ushbu jamiyatda turli jinoyatlarning sodir etilishi eng xavfsiz darajada bo’ladi.

Tahlillar shuni ko’rsatadiki, korrupsiya jinoyatiga qarshi kurashishda profilaktik munosabat va jamoatchilikning o’tkir nigohi orqaligina davlat va jamiyat manfaatlarini samarali himoyalash mumkin. Shavkat Mirziyoyev ta’kidlaganidek, …korrupsiya yo’q desak yolg’on bo’ladi, korrupsiya ichimizda yuribdi. Korrupsiyaga qarshi butun jamoatchilik bilan kurashishimiz zarur.

ASLONOV NAVRO’ZBEK RUSTAMOVICH
Inson huquqlari bo’yicha O’zbekiston Respublikasi Milliy markazi tayanch doktaranti

ILM – FAN VA ILMIY FAOLIYATDA KORRUPSIYANI OLDINI OLISHDA AXBOROT OLISH HUQUQINING AHAMIYATI

Insonni boshqa tirik jonzotlardan ajratib turadigan eng muhim jihat shundaki, u o’z atrof – muhitga ongli ravishda yondashadi va olgan axborotlaridan foydalanib harakat qiladi. Insoniyat bugungi kungacha tabiat, jamiyat, ijtimoiy – siyosiy har bir sohada g’oyalar ishlab chiqadi va bu g’oyalarni bilim bilan rivojlantiradi.

Shuning uchun ham ilm – fan insoniyat uchun muhim ahamiyatga ega. Korrupsiya taraqqiyot va farovonlik kushandasi, jamiyatda adolat, tenglik, sog’lom raqobat va halollik tamoyillari ustun bo’lishiga to’sqinlik qiladigan ijtimoiy illatladan biri sifatida baholanib asrlar davomida unga qarshi kurashib kelinmoqda.

Mamlakatimiz prezidenti Sh.Mirziyoyev takidlaganidek, “Korrupsiya demokratik institutlar va qadryatlar, ijtimoiy – siyosiy adolat, qonun ustuvorligiga putur yetkazib, izchil barqaror rivojlanish, iqtisodiy o’sishga, jamiyat va davlat barqarorligi va xavfsizligiga jiddiy tahdid tug’dirmoqda”[1]. Demokratiyaning asosiy talablaridan biri bu axborot olish huquqi hisoblanadi. Chunki boshqaruvda jamoatchilik ishtiroki, hukumat faoliyati bilan tanishib borish va shaffoflikni ta’minlashdan tashqari fuqarolarning davlat boshqaruv sohasida ishonch hissini shakllanishida ham muhim ahamiyat kasb etadi.

“Birlashgan millatlar tashkilotining korrupsiyaga qarshi” konvensiyasining 10-moddasida Ommaviy hisobdorlik, ikkinchi qismida “aholiga, tegishli hollarda, ommaviy ma’muriyatni tashkil qilish, uning faoliyat yuritishi va qaror qabul qilishi jarayonlari to’g’risidagi, hamda xususiy hayot va shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish zaruratini anglagan holda, aholi manfaatlariga daxldor qarorlar va yuridik amallar yuzasidan axborotga ega bo’lishga imkon beradigan taomil yoki qoidalarni qabul qilish”[2].

Bugungi kunda dunyo shiddat bilan rivojlanmoqda va bu o’z navbatida davlatlar o’rtasidagi turli sohalarda raqobat yuzaga kelmoqda. Bu raqobatga faqat zamonaviy ilm – fan, yuqori texnologiyalar va innovatsiya yutuqlari orqali munosib javob bera olishimiz mumkin. Ilm – fanda korrupsiyani oldini olishning eng muhim usullaridan biri ochiq axborot tizimini shakllantirish va sohada raqamlashtirish jarayonini jadallashtirish lozim.

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 27 maydagi “O’zbekiston Respublikasida korruptsiyaga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PF-5729-sonli Farmonida “davlat organlari va tashkilotlarining hisobdorligi va faoliyatining shaffofligini oshirish, fuqarolik jamiyati institutlari, ommaviy axborot vositalari faoliyatining chinakam erkinligini ta’minlash va ularni korrupsiyaga qarshi choralarni tayyorlash, o’tkazishda va ijrosini monitoring qilishda ishtirok etishga jalb qilish”[3] kerakligi belgilangan.

Umuman olganda korrupsiyaga qarshi kurashishda eng samarali yo’nalishlardan biri bu axborot olish erkinligini ta’minlashdan iborat. Ilm - fanda ochiqlik va shaffoflikni ta’minlash maqsadida ommaviy axborot vositalari va jamoatchilik vakillari ishtirokida ta’lim muassasalarida yilida kamida bir marotaba “Ochiq eshiklar kuni” tadbirlarini o’tkazishni joriy etish va korrupsiyani oldini olish yuzasidan amalga oshirilgan ishlar haqida axborot taqdim etishsa maqsadga muvofiq bo’ladi. Amerikalik olim P.Stiven ilm –fanni eng katta biznes deb atagan va o’z fikrini quyidagicha statistika bilan asoslagan.

“Shimoliy Amerikada ilm – fan YAIMning o’n foizini tashkil qiladi. Ilm –fanda sifatli kadrlarni tayyorlash iqtisodiyotni tez suratda o’sishini ta’minlaydi”[4]. Ta’lim muassasalari korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida olib borilayotgan ishlar davomida aniqlangan holatlar bo’yicha ko’rilgan choralarni o’z rasmiy veb-

[1] Шавкат Мирзиёев. “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ”. – Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 2021
[2] Birlashgan millatlar tashkiloti korrupsiyaga qarshi konvensiyasi. // URL: https://lex.uz/docs/-1461329
[3] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 27.05.2019 yildagi PF-5729-son,// URL: //https://lex.uz/docs
[4] Heyneman, S. P. (2004). Education and corruption. *International Journal of Educational Development*, *24*(6), 637-648.

saytlarida hamda ommaviy axborot vositalari va ijtimoiy tarmoqlarda keng yoritib borish kerak.

Har yili O'zbekiston Respublikasi Davlat budjetining salmoqli qismi ijtimoiy xarajatlarga, shu jumladan, ta'lim va ilm-fanga sarflanadi. Bu davlat budjeti xarajatlarining salmoqli foizini tashkil etadi. Har bir budjet tashkilotidan ajaratilgan mablag'larni ta'lim muassasalar sarf xarjatlarini ommaviy axborot vositalari orqali, yoki rasmiy veb saytlari orqali e'lon qilib borishi lozim deb o'ylaymiz. Ko'pgina iqtisodchilarning fikricha, korrupsiya ta'limning kengayishiga to'sqinlik qilishi va mamlakatning yuqori sifatli inson kapitalini shakllantirish qobiliyatini kamaytirishi mumkin[1]. Ilm- fanda korrupsiyani olidini olishda axborot olish huquqining o'rni muhim hisoblanadi. Rus olimi M.Shediy fikricha, "Ilm- fanda korrupsiyaning oldini olish uchun hujjatlarni o'rganish va tegishli ma'lumotlarni olish va tahlil qilish kerak. Davlat hokimyati va mahalliy o'zini o'zi boshqarish organlarining hujjatlari, boshqaruv tuzilmalari, ommaviy axborot vositalarining, foto video va audio yozuvlarini tahlilini o'tkazib borish lozim"[2].

Ilmiy kengash faoliyatida manfaatlar to'qnashuvining oldini olish eng muhim vazifa sanaladi. Ayniqsa, taqrizchi yoki rasmiy opponentlarni belgilash, ilmiy tadqiqot ishini muhokama qilish va himoyaning keyingi bosqichlariga tavsiya qilish masalalarida axborot texnologiyalarini joriy etish orqali manfaatlar to'qnashuvining oldini olish maqsadga muvofiqdir. Ilm -fanda korrupsiyaviy holatlarning oldini olish, ilmiy xodimlarning huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yana-da yuksaltirish hamda korrupsiyaga nisbatan toqatsizlik munosabatini shakllantirishga qaratilgan tadbirlarni amalga oshirishda keng jamoatchilik nazoratini kuchaytirish lozim.

Har bir ilmiy muassasalarda ijtimoiy axborot orqali barcha xodimlarni huquqiy savodxonligini rivojlantirish lozim. Bu uchun ijtimoiy axborot yordamida korrupsiya qarshi qo'llaniladigan normativ huquqiy hujjatlar va o'zi faoliyat olib borayotgan sohaga doir qonunchilik bilan tanishtirib borish lozim. Ilmiy faoliyat olib borayotgan tadqiqotchilarning nashrlari sifatini oshirish yuzasidan Oliy attestatsiya komissiyasi talablariga javob bermaydigan jurnallar faoliyatini tartibga solish lozim.

2019 va 2020-yillar uchun Scopus tizimidan chiqarib tashlangan maqolalarning yuqori ulushi (mos ravishda 32,5 foiz va 59,7 foiz) o'zbekistonlik mualliflarga tegishli ekanligi tufayli O'zbekiston dunyoda sifatsiz ilmiy maqolalar chop etuvchi "yetakchi" davlatga aylanib bormoqda.

Meyoriy talablarga javob bermaydigan jurnallarda maqolalar nashr etilishining oldini olish uchun Scopus, Science va boshqa nufuzli ma'lumotlar bazasiga kiritilgan jurnallar sifatini kuzatish va baholashning aniq va ravshan mexanizmlarini ishlab chiqish va bu haqida tadqiqotchilarga ishonchli ma'lumotlar taqdim etish lozim.

[1] Heyneman, S. P., Anderson, K. H., & Nuraliyeva, N. (2008). The cost of corruption in higher education. Comparative Education Review, 52(1), 1-25.

[2] Шедий, М. В. (2018). Методы научного анализа коррупционных отношений. Управленческое консультирование, (2 (110)), 15-23.

МАНСУРОВА НИЛУФАР
МУХСИНЖОН ҚИЗИ
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази таянч докторанти

ИСЛОМ ҲУҚУҚШУНОСЛАРИ АСАРЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ: “ФАТАВОИ ҚОЗИХОН” АСАРИ МИСОЛИДА

Коррупция масаласи ҳар бир даврнинг энг катта муаммоларидан бири ҳисобланади. Инсоният тарихи қанчалик қадимий бўлса, коррупция ҳам мана шундай қадимги тарихга эга. Манбаларда уруғ-қабила даврида одамлар ўзаро юқорироқ лавозимни эгаллаш учун махсус ҳадялар берганлари ва бу оддий ҳол бўлгани айтилади. Кейинчалик, давлатчиликнинг такомиллашуви натижасида мазкур одатлар жиноятга тенглаштирилган. Илк бора Қадимги Мисрнинг биринчи сулоласи (мил.авв. 3100-3700 йиллар) ўз суд тизимидаги коррупцияни жиноят сифатида қайд этгани таъкидланади.

Коррупция – мансабдор шахснинг ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларни шахсий бойиш мақсадларида бевосита суиистеъмол қилишидан иборат амалиёт ҳисобланади. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам коррупция дейилади.

Мазкур мавзуни ёритишда асосан тарихийлик, қиёсийлик методларидан фойдаланилди. Сабаби, ўзбек давлатчилигининг салкам 14 асрлик манбаи бўлган ислом ҳуқуқида ҳам мазкур масалага алоҳида ўрин ажратилган. Ислом нафақат дин балки, ҳуқуқий тизим сифатида ҳам коррупция – порахўрликни қаттиқ қоралайди.

Ислом ҳуқуқининг асосий манбаи бўлган Қуръони карим оятлари орқали тақиқланган мазкур амалиёт борасида бир қанча ҳадислар ҳам мавжуд. Хусусан, қуйидаги оят ва ҳадислар фикримизнинг яққол далили бўла олади:

“Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини гуноҳ ила ейишингиз учун уни ҳокимларга ташламанг.” (Бақара сураси, 188).

“(Улар) ёлғон (тўқиш учун Сиз)га қулоқ соладиган ва ҳаромни (порани) ейдиганлардир...” (Моида сураси 42-оят).

Муфассир, тобеъин Саъид ибн Жубайр раҳимаҳуллоҳ: “Оятдаги “ҳаром”дан мурод порадир”, деганлар.

Шунингдек, қуйидаги ҳадисларда коррупцион ҳаракатлар қаттиқ қораланади:

Абдуллоҳ ибн Умар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Аллоҳ пора берганни ҳам, пора олганни ҳам лаънатлагандир” (Имом ибн Можа ривояти). Бошқа бир ривоятда ҳар иккисининг дўзахий экани айтилади.

Абу Хумайда ас-Саидия розияллоҳу анҳу ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бошлиқларнинг ҳадя ва совғалар олишлари ҳаромдир”.

Али ибн Абу Толибдан ривоят қилинади: “Амирнинг ҳадя (совға) олиши ҳаром, қозининг пора олиши куфрдир” (Имом Суютий ривояти).

Ушбу масала, Қуръон ва ҳадис билан чекланибгина қолмай ислом ҳуқуқшунослари асарларида ўз аксини топган.

Ислом уламолари порани ифодалаш учун “ришва”, “фасод”, “суҳт” каби сўзларни ишлатганлар. Уларнинг ҳар бири алоҳида маънога эга бўлиб, улар қуйидагилар:

“Ришва” – ҳақиқатни ёлғонга чиқариш ёки ёлғонни ҳақиқат қилиб кўрсатиш учун бериладиган нарса”[1], яъни биз бугунги кунда ишлатиладиган пора билан ўзаро маънодош. Яна бир таърифда “ бирор шахс томонидан, ҳукм қилувчи ёки бошқаларга унинг фойдасига ҳукм чиқариши ёки у истаган нарсага етказиши учун бериладиган нарса” экани таъкидланади. Фиқҳ энциклопедиясида ришва-пора сўзи билан боғлиқ бўлган: пора олишга киноя қилиш, умумий пора амалиётлари каби тушунчалар келтирилган.

Абу Ҳанифанинг фикрига кўра, пора олган ҳоким ўша ондаёқ ишдан четлатилади, модомики четлатилмаган тақдирда, пора олганидан кейинги барча ҳукмлари бекор қилинади.

Таъкидлаш жоизки, пора олиш билан боғлиқ ҳолат жамиятнинг деярли барча соҳаларида, соғлиқни сақлашдан тортиб, ҳуқуқни муҳофаза қилишгача учрайди. Шу боис, юртимиз уламолари ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратганлар. Хусусан, қорахонийлар даврида яшаб ўтган етук ҳуқуқшунос олим Фахруддин Ўзгандий “Фатавои Қозихон” асарининг “Даъво ва далиллар” бўлимида пора ҳақида тўхталиб, уни келиб чиқишига кўра тўрт турга бўлади:

Поранинг 4 тури мавжуд бўлиб, уларнинг **биринчиси** қуйидаги масаладир Киши қозиликни пора билан қўлга киритса, қозига айланиб қолмайди.(Қозилиги қабул қилинмайди) Қозига пора ва турли нарсаларни олиш ҳаром саналади... .

Иккинчиси, Қозига бирор масалани ўзи томонга ҳукм қилиб бериши учун пора берилса, бу ҳар иккала томонга ҳаром ҳисобланади. Қози чиқарган ҳукм тўғри ёки хато бўлишига қарамай рад этилади.

Учинчиси, агар порани ўзига ёки молига хавф етишидан қўрқиб берса, бу олувчига ҳаром, берувчига ҳалол ҳисобланади. (бир кишини молини сақлаб турган одам, мулкдорнинг) молидан таъма қилса ва мол эгаси унинг бир қисмини берса ҳам шундай бўлади.

Тўртинчиси, киши ўз ишини султон олдида тўғрилаб олиш учун пора берса, у берувчига ҳалол бўлиб, олувчига ҳалол бўлмайди.[2] Яъни охирги ҳолатда кўпчилик уламоларимиз: “Ўзининг ҳаққига етиша олмаётган ёки

[1] Мавсуатул фиққия ал-Кувайтия (Қувайт фиқҳ энциклопедияси). Қувайт, 1983 й. 22-жилд, С.220

[2] Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. “فتاوى القضيخان” (Қозихон фатвоси), 2-жилд. Ливан: “Дарул кутуб”, 2009. – С. 286.

ўзидан зулм ё зарарни даф қилмоқчи бўлган кишигина пора бериши мумкин, бундай ҳолатда гуноҳ пора олувчининг бўйнига тушади", – дейдилар.

Қозига пора олиш ҳалол бўлмаганидек, қозилик ишидан олдин ҳеч ҳадя олмаган одамдан ҳадялар олиш ҳам ҳалол бўлмайди, айниқса совға берган одамнинг иши қозилик маҳкамасида кўрилаётган бўлса. Қарз олиш ва ижарага бирор нимани олиш ҳам ҳудди шундай. [1]

Ислом ҳуқуқшунослигида қозилик одоби масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унда қозиликка лаёқатли шахслар, уларнинг сифатлари, қозилик маҳкамасида ишни кўриш жараёнлари, ҳаттоки даъвогарларга қандай муносабатда бўлиш масалалари ҳам кўрилган. Ушбу бўлимда қозининг адолатли ҳукм чиқаришига ҳалал берувчи масалалар ҳақида ҳам маълумот берилиб, улардан баъзиларини келтиришни жоиз, деб топдик.

Қози олди-сотди ишлари билан шуғулланиши мумкин эмас, балки бирор одамни ёллаб савдо-сотиқ ишларини унга топшириши мумкин. Қозининг ўзи тўғридан-тўғри савдо-сотиқ қилмаслигининг асосий сабаби шуки, инсонлар унинг қозилиги сабаб унга марҳамат кўрсатадилар.

— Шунингдек, қозилик маҳкамасига кирган даъвогарлар қозига салом бериши мумкин эмас, салом берган тақдирда ҳам қозининг алик олиши тақиқланган. Модомики, қози саломга алик оларкан, "ва алайкум" сўзидан кўп сўз айтмаслиги керак бўлади.

— Агар даъвогарлардан бири подшоҳ, бири оддий инсон бўлса ва подшоҳ қозининг ёнига келиб ўтириб, оддий инсон ерга ўтирган бўлса, бу ҳолда қози ўз ўрнини бўшатиб у ерга оддий одамни ўтиргизиши жоиз. Сабаби, ҳаттоки ўтирганда ҳам даъвогарлардан бири устун бири пастроқ ўринда бўлиши жоиз эмас.

— Қозининг боласи, ҳузуридаги котиб ёки ёрдамчиларидан бири бир инсоннинг даъвосини қозидан ижобий томонга ҳал қилиб бериш учун пора олса, қози эса бундан бехабар чиндан ҳам ўша инсоннинг фойдасига ҳукм қиладиган бўлса, унинг ҳукми бажарилади. Пора берувчи эса, ўзи берган нарсани қайтариб олиши керак бўлади. Агар қози буни билиб қолса, унинг ҳукми рад этилади.

Таклиф ва тавсиялар. Ислом ҳуқуқи нормаларига кўра, пора олиш ва бериш, воситачилик қилиш қатъий қораланган амалиёт ҳисобланади. Шу боис, коррупцияга қарши курашишнинг тарихий илдизларини ўрганиш, суд ҳуқуқ тизимида мавжуд коррупцион муаммоларни бартараф этишда юқоридаги каби тарихий адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Қолаверса, пора олгани ошкор бўлган судьяларни нафақат ўз ишидан четлатиш балки, улар томонидан мазкур фаолиятда кўриб чиқилган ишларни қайта ўрганиш таклиф этилади. Албатта бу, ўз ўрнида адолатни юзага чиқариш ва фуқароларнинг давлат органларига ишончини оширишда ўз аҳамиятига эга.

---

[1] Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. "فتاوى القضيخان" (Қозихон фатвоси), 2-жилд. Ливан: "Дарул кутуб", 2009. – С. 287

Хулоса. Юқоридагилардан умумий хулоса қилиш мумкинки:

- Ислом ҳуқуқида пора олиш, бериш ва воситачилик қилиш қатъий қораланади.
- Пора олган тақдирда, дарҳол уни берган одамга қайтариш зарур бўлади;
- Пора олиб ҳукм чиқарган қози-судьянинг ҳукми бекор қилинади, ўзи лавозимидан озод этилади.
- Пора олган шахсга нисбатан таъзир жазоси қўлланилади.

Сўнгсўз ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда юртимизда коррупцияга қарши кураш кун тартибидаги асосий масала бўлиб келмоқда. Хусусан, ушбу кунларда коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача Миллий стратегия қабул қилиниши кутилмоқда. Бу борада стратегия билан ҳамоҳанг тарзда, ёш авлодга ўзбек халқининг қадриятлари, ушбу иллат ота-боболаримиз томонидан аввалдан қораланиб келиши ва бу ўзбек менталитетига мутлақо зид ҳаракат экани ҳақида тушунча беришимиз, ҳамда бу борада юқоридаги каби манбалардан фойдаланиш, бизнинг фикримизча, ёш авлодни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланишида ўз аҳамиятига эга.

ҲАСАНОВ МУҲРИДДИН ЎРОҚБОЙ ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси таянч докторанти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИ

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатимизда меҳнат соҳасида давлат сиётсатини амалга оширишда махсус ваколатли бўлган давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида коррупцияга қарши курашиш тизимининг шаклланиши масалалари ўрганилган бўлиб, шунингдек вазирликнинг аҳоли бандлиги соҳасида ваколатлари, ҳамда тизимда содир қилинаётган коррупцивий қилмишлар ёритилган.

Калит сўзлар: меҳнат органлари, аҳоли бандлиги, коррупция, коррупцияга қарши курашиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар.

Annotation: This article discusses the issues of forming an anti-corruption system in the Ministry of Poverty Reduction and Employment of the Republic of Uzbekistan, which is specifically authorized to implement state policy in the field of labor and employment in our country, and also highlights the powers of the ministry in the field of employment and corrupt acts committed in system.

Key words: labor authorities, employment, corruption, fight against corruption, corruption offenses.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы формирования системы противодействия коррупции в Министерстве Сокращения бедности и занятости Республики Узбекистан, являющееся специально уполномоченным органом по реализации государственной политики в сфере труда и обеспечения занятости населения

в нашей стране, а также выявлены полномочия министерства в сфере противодействия коррупционным проявлениям в системе.

Ключевые слова: органы по труду, занятость населения, коррупция, борьба с коррупцией, коррупционные правонарушения.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгунча, республикадаги меҳнат соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон ССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича Давлат қўмитаси томонидан тартибга солинар эди.

1991 йил 10 октябрда собиқ Ўзбекистон ССР Давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига айлантирилди. 1992-йил — Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти аъзолигига қабул қилинди.

Миграция соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида, 1993 йил 14 июнда Меҳнат муҳожирлари ишлари бўйича республика агентлиги ташкил этилди. 2001 йил 13 февралда Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги тузилди.

Вазирликнинг асосий вазифаси сифатида: аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни назорат қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида ягона умумдавлат сиёсатини юритиш, ишсизлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш, ёш Республика тараққиётида ишчи кучидан фойдаланиш бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти, бошқа давлатларнинг меҳнат органлари билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш белгиланди.

2001 йил 6 апрелда Меҳнат муҳожирлари ишлари бўйича Республика агентлиги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига айлантирилган бўлсада, 2016 йил 4 декабрда меҳнат соҳаси ва бандликни таъминлашда жадал ислоҳотлар, шунингдек, Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича амалий чора-тадбирлар бошланди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди ва унинг тўртинчи — “Ижтимоий соҳани ривожлантириш“ йўналишида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, профессионал таълим ва олий ўқув юртлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш назарда тутилган эди. Мутахассис олимлар таъкидлаганидек, коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг турли кўринишларига дунёнинг деярли ҳар бир мамлакатида дуч келинмоқда. Сўнгги йилларда коррупция ва унинг

оқибатлари нафақат халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида балки барча давлатлар учун энг мураккаб муаммо эканлиги кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир.

Тадқиқотчи Култураев Ш. асосли таъкидлаганидек, коррупция келтирадиган зарар барча давлатлар учун тенг саналиб, мазкур иллат давлатнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, "Жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди"[2].

Бу борада нафақат давлат миқёсида балки барча идораларда коррупцияга қарши курашиш тизимларини такомиллаштириш зарур ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, мехнат органларида ҳам тегишли чоралар қабул қилиниши долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасига биноан, **"меҳнат органлари"** – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари[3] эканлиги белгилаб ўтилган.

Ўзбекистонлик олимлар Г.Қ.Абдураҳманова ва С.Б.Ғойипназаров таъкидлаганидек, "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги "**Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг** 6-моддасига биноан, Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчиликка мувофиқ, айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади[4]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари қонуннинг 7-моддасида белгиланган.

---

[1] Култураев Ш. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштиртиш масалалари// https://ombudsman.uz/uz/docs/ozbekistonda-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-sohasida-davlat-siyosatini-takomillashtirtish-masalalari

[2] https://president.uz/ru

[3] https://lex.uz/docs/5055690

[4] Абдураҳманова Г.Қ., Ғойипназаров С.Б. Кичик бизнес субъектларида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари ҳолатини баҳолаш //"Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2019 yil

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви юқоридаги қонуннинг 28-моддасида белгиланган:

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари томонидан амалга оширилади[1].

Н.Нодирхонова асосли таъкидлаганидек, “Давлатимизда коррупцияга қарши курашнинг сифат ва сон жиҳатдан мутлақо янги даражага кўтарилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси маҳсулидир. Жумладан, давлат раҳбарининг жамиятни “ҳалоллик вакцинаси билан эмлаш” зарурияти ҳақидаги фикрлари бу борадаги ишларга қўйилган тамал тоши десак, асло муболаға бўлмайди”[2].

2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Корруцпияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, коррупцияга қарши курашишга ваколатли органлар, уларнинг вазифалари, фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ушбу фаолиятдаги иштироки белгилаб берилди[3].

Қонуннинг алоҳида бобида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир қаратилган чора-тадбирлар йўналишлари белгиланган[4].

Бу борадаги ишлар, аввалambор, халқаро ҳужжатларда белгиланган талаб ва қоидаларга асосланади. 2003 йил 31 октябрда Нью-Йорк да БМТ томонидан қабул қилинган “Коррупцияга қарши конвенция” коррупциянинг олдини олиш, тергов қилиш ва коррупция учун жиноий таъқиб қилиш, ҳамда мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят йўли билан орттирилган, деб эътироф этилган даромадлар билан амалиётларни тўхтатиб қўйиш (ишга солмай туриш), хатлаш, мусодара қилиш ва қайтариш учун қўлланилади[5].

Осиё Ривожланиш Банкининг экспертлари асосли таъкидлаганидек, Конвенция коррупциянинг олдини олиш чораларини белгилайди[6]. Конвенциянинг 5-моддасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши ҳаракат қилиш сиёсати ва амалиёти баён этилган бўлиб иштирокчи давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, коррупцияга қарши ҳаракат қилиш борасида, жамият иштирокига ёрдам берадиган ҳамда ҳуқуқ-тартибот, оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни керакли даражада

[1]ttps://kadrovik.uz/publish/doc/text188811_bir_hodim_kadrlar_ishi_va_mehnat_muhofazasi_buyicha_mutahassis_bulishi_mumkinmi

[2] Нодирхонова Н. Коррупцияга қарши кураш – давлат ва жамият янгиланишида муҳим омил. https://strategy.uz/index.php?news=1397

[3] https://lex.uz/docs/3088008

[4] https://lex.uz/docs/5841063

[5] https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

[6] Борьба с коррупцией: наши рамочные политики и стратегии. Азиатский банк развития.// https://www.adb.org/sites/default/files/institutional-document/32026/anticorruption-ru.pdf

бошқариш, ҳалоллик ва содиқлик, ошкоралик ва масъулиятлилик тамойилларини акс эттирадиган самарали ва мувофиқлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқади, ҳамда амалга оширади ёки олиб бориши белгиланган.

Халқаро ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, давлатлар коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш нуқтаи назаридан тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар ва маъмурий чораларнинг мувофиқлигини аниқлаш мақсадида уларни вақти-вақти билан баҳолашга ҳаракат қилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга 2008 йил 7 июлдаги "БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилиш тўғрисида" ги Қонуни[1] билан қўшилди.

Ўзбекистонлик тадқиқотчи Б.Абдурахмонов асосли таъкидлаганидек, "Конвенцияга биноан ҳар бир иштирокчи давлат коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш нуқтаи назаридан тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар ва маъмурий чораларнинг мувофиқлигини аниқлаш мақсадида уларни вақти-вақти билан баҳолашга ҳаракат қилади"[2].

Конвенция ва қонун талабларини тўлақонли бажариш мақсадида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси[3] ўзининг туб моҳияти билан айнан коррупцияни таг-томири билан йўқ қилишга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди.

Унда барча соҳаларда коррупцияга барҳам бериш, унинг илдиз отишига шарт-шароит яратаётган сабабларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигини ошириш, муҳим ижтимоий масалаларга оид очиқ маълумотлар кўламини янада кенгайтириш, улардан тўсиқларсиз фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Президентнинг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон фармони билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023 – 2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури тасдиқланди[4].

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида навбатдаги ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди, 2020 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши[5] ташкил этилганлигини алоҳида эътироф этиш зарур.

Ўтган йиллар мобайнида умумэътироф этилган халқаро стандартлар талабларини ҳамда энг илғор хорижий давлатлар тажрибасини инобатга

---

[1] https://lex.uz/docs/1369505

[2] Абдурахмонов Б. Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси тавсияларининг Ўзбекистонда бажарилиши: эришилган ютуқлар ва муаммолар. https//Scientific progress 2021://cyberleninka.ru/article/n/korruptsiyaga-arshi-kurashish-tarmo-ining-istanbul-arakatlar-rezhasi-tavsiyalarining-zbekistonda-bazharilishi-erishilgan-yutu-lar

[3] https://lex.uz/acts/3107036

[4] https://lex.uz/docs/6676585

[5] https://lex.uz/docs/4875784

олган ҳолда, Республикада аниқ стратегик мақсадларга мўлжалланган, тизимли, кенг қамровли, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланиб, бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан: давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифалари тубдан такомиллаштирилди, давлат органлари ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилиниши, моддий таъминоти ва рағбатлантирилишини кучайтиришга қаратилган чоралар кўрилди. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг Одоб-ахлоқ намунавий қоидалари тасдиқланди[1].

Ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги[2] ташкил этилиб, давлат хизматига меритократия принципига асосланган “карьера модели”ни ва хизматга қабул қилишда очиқ танловлар жорий этиш ишлари бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5052-сон Фармонига асосан, вазирлик бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирилган самарали ишларни амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг масъулиятини тубдан кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги этиб қайта ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрида “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига биноан меҳнат органининг асосий вазифаси сифатида янги иш ўринлари ташкил этиш учун давлат буюртмасини ишлаб чиқиш, аҳоли бандлигини таъминлашга доир ҳудудий ва тармоқ дастурларни амалга ошириш, олий ва ўрта махсус, касбий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, кам таъминланган оилаларга нафақаларни ўз вақтида тўлаш ва моддий ёрдам беришни мониторинг қилиш ҳамда бошқалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг бир қатор нормалари мехнат органларида коррупциявий ҳолатлар юз беришини олдини олишга қаратилган.

[1] https://lex.uz/ru/docs/6236838
[2] https://lex.uz/docs/4552053

Жумладан 8-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги аҳоли бандлиги соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланган.

2021 йил 28 августда Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори[1] қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси меҳнат органларида ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарорига кўра, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун масъул қилиб белгилаб ўтилган.

“Ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқитиш тизимини жорий этиш белгиланган.

2022 йил 8 августда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун тасдиқланган[2] бўлиб, ушбу қонун билан давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсад қилиб белгиланган, меҳнат органларида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 10 августдаги 190-ИЧ-сон буйруғи[3] билан тизимдаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш учун танлов асосида саралаб олиш бўйича тартиб, ҳамда тартиб комиссияси тасдиқланган, 2022 йил 25 январда тизимга ишга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома тасдиқланган бўлиб, меҳнат органларига ишга қабул қилинадиган номзоднинг профессионал фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шаҳслар билан қариндошлик ва тижорат алоқалари ҳақидаги маълумотларни текшириш мақсад қилинган.

2023 йил 25 январда “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон Президент фармони билан Вазирлик ва идоралар тизимида штат бирликлари қисқартирилиб, шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

[1] https://lex.uz/docs/5608431
[2] https://lex.uz/uz/docs/6145972
[3] https://mehnat.uz/uz/employees

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига ўзгартирилди. Ва унга Ўзбекистон Республикасида меҳнат ва бандлик соҳасида, меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, касб ва меҳнат стандартлари, гендер бўйича тенгликка риоя этишни таъминлаш, банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Мазкур вазифаларни бажариш вазирлик тизимидаги фаолият кўрсатувчи бўлинмаларнинг самарали фаолияти билан боғлиқ ҳисобланади. Айнан шунинг учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимига таркибий бўлинмалар киради. Уларни нисбий равишда коррупцияга қарши бевосита ва билвосита курашувчи бўлинмаларга таснифлашимиз мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар ҳамда ислоҳотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилиниб келинмоқда[1].

Бугунги кунда вазирлик тизимига Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, унга бўйсунадиган фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш бўйича ҳудудий филиаллар, хорижга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдин мослаштириш марказлари ва Агентликнинг хориждаги ваколатхоналари, Республика бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази, Республика меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш курслари, Тошкент шаҳрида ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази, Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ҳудудий марказлари, Малакани баҳолаш марказлари, “Меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази” МЧЖ, Тошкент ходимларни бошқариш ва меҳнатни муҳофаза қилиш коллежи, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси, Банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи “Ишга марҳамат” мономарказлари, Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш марказлари, олдиндан кўниктириш ва касбга тайёрлаш марказлари[2] киради.

Вазирликнинг 14 та ҳудуд ва 208 та туманда бўлинмалари ташкил этилган. 2024 йил ҳолатига кўра, вазирлик ҳамда унинг тасарруфидаги ташкилотларида жами 6.205 нафар ходим фаолият олиб бормоқда[3].

---

[1] https://president.uz/uz/lists/view/2724

[2] https://lex.uz/docs/4143044#4143517

[3] Rahmonov E. (2023). O’zbekistonda amalga oshirilayotgan ijtimoiy himoya siyosatida jahon tajribalarining o’rni. // Talqin va tadqiqotlar, 1(33). //https://talqinvatadqiqotlar.uz/index.php/tvt/article/view/1368

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 31.12.2018 йилдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тўғрисидаги Низомга биноан вазирлик аҳоли бандлиги, меҳнат миграцияси ва меҳнат муносабатлари соҳасида ягона сиёсат олиб борувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланиши ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб бериши белгиланган.[1]

Низомнинг 18-бандига биноан “Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун бир қатор ҳуқуқлари билан бирга коррупция ва бошқа суиистеъмолликларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик, ходимнинг шахсий ва ишчанлик хусусиятларини, унинг фаолияти самарадорлигини мунтазам ўрганиш, шунингдек малакага ва вазирликнинг Давлат меҳнат инспекцияси фаолиятининг турли йўналишларида ишлаш тажрибасига эга кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ходимлар ротациясини амалга ошириш ҳуқуқига эга”.

Мазкур ҳужжатнинг 14 бандига биноан Давлат меҳнат Инспекциясининг ташкилий тузилмаси Вазирликнинг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат техник инспекторлари, меҳнат шароитлари бўйича бош давлат эксперти, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари инспекциялари, туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларидан иборат[2].

“Ўзбекистон Республикаси вазирликнинг Давлат меҳнат инспекцияси тўғрисидаги Низомнинг 8-боби Инспекция ходимларига нисбатан интизомий жазолар қўллаш тартибини белгилайди. Мазкур низомнинг 56 бандига биноан ходимларга нисбатан интизомий жазолар хизмат мажбуриятларини бажармаганлик ёки зарур даражада бажармаганлик ёки Инспекция ходими унвонига иснод келтирадиган хатти-ҳаракатлари учун қўлланилади.

Интизомий жазо қўлланганда, зарур ҳолларда, хизмат текшируви тайинланиши мумкин.

Интизомий жазо ходимга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланилади.

Хизмат текшируви вақтида ходим вақтинча, бироқ бир ойдан кўп бўлмаган муддатга хизмат мажбуриятларини бажаришдан, жумладан назорат функцияларини бажаришдан буйруқ билан четлатилиши мумкин.

Интизомий жазо борлиги ходимнинг лавозимини оширишга ёки навбатдаги мартаба даражасини (тоифаси) беришга, шунингдек, уни раҳбар

[1] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 09/21/258/0400-сон, 24.06.2021 й., 09/21/391/0590-сон, 26.10.2021 й., 09/21/656/0996-сон; 22.02.2022 й., 09/22/80/0154-сон, 02.03.2022 й., 07/22/149/0186-сон, 19.04.2022 й., 09/22/195/0319-сон

[2] https://samviib.uz/uz/menu/ishga-abul-ilish-

лавозимларга захирасига киритишга (унинг захирада бўлишига) тўсқинлик қиладиган ҳолат ҳисобланади.

Ўз ўрнида ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига ёки Инспекция бошлиғига шикоят қилиниши мумкин.

Шикоят келиб тушгандан кейин ўн беш кун муддатда кўриб чиқилади, қўшимча текшириш ўтказиш зарур бўлса, шикоят келиб тушган кундан бошлаб бир ойдан кечикмай кўриб чиқилади.

Шикоят билан мурожаат қилиш интизомий жазо ижросини тўхтатиб турмайди.

2017 йилдан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида коррупцияга қарши курашиш бўйича марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида татбиқ этилган коррупцияга қарши соҳасига тааллуқли 20 дан ошиқ ички-идоравий ҳужжатлар қабул қилинган[1].

Уларни ичида:

•Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатини тасдиқлаш бўйича 91-ИЧ-сон (26.05.2023 й.),

•тизим ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш бўйича 13-ИЧ-сон (23.02.2023-й.),

•Вазирликнинг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш бўйича 23-ИЧ-сон (23.02.2023-й.),

•Вазирликнинг Давлат харидларини амалга ошириш бўйича харид комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш бўйича 47-ИЧ-сон (10.04.2023-й.),

•Вазирликнинг Хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш бўйича 91-ИЧ-сон,(26.05.2023-й.),

•Вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш бўйича 91-ИЧ-сон (26.05.2023-й.),

•Вазирликда Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низомни тасдиқлаш бўйича 89-ИЧ-сон (26.05. 2023-й.),

•Вазирликка ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш бўйича 89-ИЧ-сон (26.05.2023-й.), вазирликда Хизмат текширувлари ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш бўйича 89-ИЧ-сон (26.05.2023-й.),

•Вазирлик ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш юзасидан услубиётни тасдиқлаш бўйича 89-ИЧ-сон (26.05.2023-й.),

[1] Иловага қаранг

•Вазирликнинг Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштирок учун рағбатлантириш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш бўйича 89-ИЧ-сон (26.05.2023-й.),

•Вазирликнинг Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиётини тасдиқлаш бўйича 90-ИЧ-сон (26.05.2023-й.),

•Вазирлик тизимида Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича 121-ИЧ-сон (20.07.2023-й.) буйруқлари билан тасдиқланган ҳужжатларнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоят муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида ҳам коррупцияни олдини олиш, у билан курашишга қаратилган бир қатор идоравий ҳужжатлар қабул қилинган.

Уларнинг тоифасига 2023 йил 7 майда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Коррупцияга қарши сиёсати киради[1].

Сиёсат вазирликнинг марказий аппарати, ҳудудий ва тасарруфий ташкилотларда коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари сифатида:

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш;

аҳолининг бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш ҳисобланишини белгилайди.

Вазирнинг 2020 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида давлат харидларини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш тўғрисида”ги 200-ИЧ-сон буйруғи[2] билан “Танлов (тендер) ўтказиш бўйича харид комиссияси таркиби”, “Ташкил этиладиган танлов (тендер)лар ўтказиш бўйича харид комиссиялари тўғрисидаги низом”, “Давлат харидларини амалга ошириш доирасида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини текшириш жараёни бўйича йўриқнома”лар тасдиқланган.

[1] https://mehnat.uz/uz/documents/uzbekiston-respublikasi-prezidentining-farmon-va-qarorlari
[2] https://mehnat.uz/uz/documents/korrupciyaga-qarshi-kurashish

Мазкур ҳужжатлар вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари, ваколатли бўлинмаларининг вазифалари, тегишли усул ва воситалар, қўлланиладиган чораларни, давлат харидларини амалга ошириш жараёнларини тартибга солишни белгилайди.

Кўрганимиздек, меҳнат органлари фаолиятидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар бошқа соҳадаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлардан ижтимоий муносабатлар объекти, муносабат субъектлари, ҳуқуқбузарлик мотиви ва мақсадига қараб фарқ қилади. Энг асосийси, улар фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлашга ўта салбий таъсир кўрсатишади ҳамда аҳолининг турли қатламларида давлат ва унинг мансабдор шахсларига ишончсизлик, кайфиятини кучайтиради, ижтимоий соҳада бошбошдоқлик норозилик, табақалашув, турли хил суиистеъмолликлар даражаси кескин ошишига замин яратади.

Фикримизча, меҳнат органлари фаолиятидаги коррупция – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида фаолият юритувчи мансабдор шахсларнинг аҳоли бандлиги, меҳнат миграцияси ва меҳнат муносабатлари соҳасида ягона сиёсат олиб боришда ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), мансаб лавозимини суиистеъмол қилиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 20.01.2024 йилдаги Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза ҳақида”ги Қарорида асосли таъкидланганидек, қилинган ислоҳотларга қарамасдан вазирликлар таркибига кирувчи органларда ҳамон айрим турдаги жиноятлар содир этилмоқда[1]. Фақат охирги 5 йил ҳолатини таҳлил қилсак, меҳнат органлари тизимида 400 дан ортиқ ходим коррупциявий жиноятлар содир этган. Ушбу жиноятлар мол-мулкни талон-торож қилиш, ишга жойлаштириш, текширишда енгиллик яратиш, нафақа тайинлаш, кредит ва субсидия ажратиб бериш, ташқи меҳнат миграция орқали ишга жўнатиш каби кўринишларда содир этилган.

Кўриниб турибдики, меҳнат органларида коррупциявий омилларни бартараф этиш, тизимда шаффофлик, адолат, хизмат сифатини ошириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш нуқтаи назаридан бир қатор амалий чоралар кўриш Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Вазирлик раҳбарияти томонидан мехнат органларида коррупцияга қарши

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатининг 20.01.2024 йилдаги Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза ҳақида”ги СҚ-861-IV-сон Қарори

курашиш борасида бир қатор амалий ва ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Шу билан бирга, вазирлик томонидан мазкур йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, тизимда жиноятчилик ҳолати ҳамон юқорилигича бўлиши соҳада қилиниши керак бўлган ишлар ҳали кўплигини кўрсатмоқда.

АБДУРАХМАТОВА КАМОЛА МУРОДЖОН ҚИЗИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси таянч докторанти

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ РАҚАМЛАШТИРИШ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Президентимиз Ш.Мирзиёев мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларига йўллаган байрам табригида ҳозирги кунда мамлакатимиз том маънода улкан қурилиш майдонига айлангани, бошқа жабҳалар қаторида қурилиш тармоғи ҳам жадал ривожланиб, соҳага янги технология ва инновациялар, энг замонавий меъморий ечимлар фаол кириб келаётганини таъкидлаб ўтди.

Хусусан, ўтган етти йил давомида юртимизда қурилиш ишлари ҳажми бир неча баробар ортиб, 2016 йилдаги 30 триллион сўм ўрнига 2022 йилда 131 триллион сўмга, 2023 йилнинг биринчи ярмида эса 68 триллион сўмга етган.

Сўнгги йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 1 минг 500 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда йўл ва транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий соҳа объектларида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилган.

Қурилиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичларида жамоатчилик назоратини кучайтириш, сифат ва самарадорликни ошириш масалалари доимий эътибор марказида эканлиги таъкидланди.

Бугунги кунда мамлакатимиз қурилиш соҳасида ҳам янги давр бошланди. Аввало, соҳанинг ҳуқуқий ва моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, республикамизнинг барча ҳудудларида илғор технология ва ёндашувлар асосида фаолият юритадиган янги-янги қурилиш ташкилотлари пайдо бўлаётгани, қурилиш материаллари индустрияси юқори суръатлар билан ривожланаётгани, малакали етук кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани шундай деб айтишга асос бўлади[1].

[1] https://president.uz/uz/lists/view/6552

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2020 йилдаги ПФ-6119-сон “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисда”ги Фармони[1]да шаҳарсозлик фаолиятини рақамлаштириш, тармоққа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналиш сифатида белгилаб берилди.

Шунингдек, 2025 йилга бориб “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими доирасида қўшимча тўртта электрон платформа яратилишини, шунингдек, уларнинг идоралараро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминлаш мазкур стратегияни амалга ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичларнинг бири сифатида қайд этилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бугунги кунга келиб мамлакатимизда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг рақамлаштириш йўналишидаги ишлари такомиллаштирилган. Хусусан, соҳага 15 та электрон ахборот тизими ишлаб чиқилиб, жорий этилган.

Жумладан, “Шаффоф қурилиш”, “Рейтинг”, “Тендер”, “Қурилиш сифати назорати”, “Огоҳ фуқаро” ва “Менинг уйим” каби электрон ахборот тизимларидан юридик ва жисмоний шахслар кенг фойдаланиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, глобаллашув барча соҳалар каби қурилиш саноатига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Кўплаб муҳим қурилиш ва инфратузилма лойиҳалари амалга оширилаётган бугунги даврда порахўрлик ва коррупцияни назорат қилиш учун ҳуқуқий тизим ва жараёнларни такомиллаштириш ўз долзарблигини кўрсатмоқда.

Масалан, RICS (the Royal Institution of Chartered Surveyors) ташкилотига кўра, “2030 йилга келиб, муҳим аралашувларсиз бутун дунё бўйлаб қурилишдаги коррупция учун ҳар йили 5 триллион АҚШ долларигача йўқотилиши мумкин[2]”.

Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу борада Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 29 январь куни уй-жой ва коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт ва экология соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, қурилиш, транспорт ва экология соҳаларидаги ишлар таҳлил қилиниб, муҳим вазифалар белгиланди[3].

Хусусан, қурилишни коррупциядан холи соҳага айлантириш мақсадида 1 июлдан бошлаб қуйидагилар:

• қурилишда тузиладиган барча шартномалар рақамлаштирилиши;

[1] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.08.2023 й., 06/23/151/0661-сон

[2] https://www.rics.org/news-insights/wbef/the-cost-of-corruption-in-construction (Мурожаат санаси 14.02.2024 йил.)

[3] https://president.uz/uz/lists/view/7002

- пудратчи ташкилотлар бажарган қурилиш ишлари фақат солиқ органига тақдим этилган электрон ҳисоб-фактурадан келиб чиқиб молиялаштирилиши;
- объектни фойдаланишга қабул қилиш жараёни рақамлаштирилиб, далолатномалар “Шаффоф қурилиш” орқали тасдиқланиши;
- 10 млрд сўмдан ортиқ лойиҳалар бўйича субпудратчиларни фақат ва фақат “Шаффоф қурилиш” тизими орқали танлаш тартиби йўлга қўйилиши (халқаро молия ташкилотлари билан амалга оширилаётган лойиҳаларга ҳам);
- ишлаб чиқарувчи ҳам, қурувчи ҳам, назорат қилувчи ҳам қаерда қайси қурилиш материали қанча пул туришини онлайн кузатиб борадиган тизим бўлиши қайд этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан 2024 йилда қурилиш соҳасида белгилаб берилган устувор вазифалар, яъни, қурилишни коррупциядан холи соҳага айлантириш бўйича амалга ошириш лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолияти билан танишилиб, унда давлат қурилиш назорати автоматлаштирилиб, “Қурилиш назорати” электрон платформаси орқали 36,2 мингта объект назоратга олиниб, 111,4 мингта мониторинг ўтказилгани, қурилиш нормаларини бузган мутасадди ташкилотларга 7,6 мингта таъсирчан чоралар кўрилганлиги, “Қурилиш назорати” ахборот тизими хусусида ҳам маълумот берилди.

Таъкидланишича, назорат инспекторлари 300 та замонавий планшетлар билан, объектларда қурилиш-синов лаборатория ишларини ўз вақтида олиб бориш мақсадида ҳудудий инспекциялар 16 та замонавий мобил кўчма лабораториялар билан таъминланган. Бугунги кунда ушбу тизим орқали 36 245 та объект назоратга олиниб, ҳудудий инспекциялар томонидан объектларда 111 413 маротаба мониторинг тадбирлари ўтказилиб, натижада қоидабузарларга 78 129 та ёзма кўрсатма берилган[1].

Бундан ташқари, Бош прокуратура томонидан қурилиш соҳасида қонунийликни таъминлаш борасида олиб борилган назорат тадбирларида объектларни ўрганишда юклатилган вазифа ва топшириқлар ижросида камчиликлар ва қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган, ўз вазифасини лозим даражада бажармаган 782 нафар масъул шахс интизомий ва 2 минг 353 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланиб, 2,5 мингдан зиёд мансабдор шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик юзасидан расман огоҳлантирилган.

Жумладан, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан эса 673 жиноят иши қўзғатилиб, 5,5 мингга яқин жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган[2].

---

[1] https://anticorruption.uz/uz/article/qurilish-sohasidagi-raqamlashtirish-jarayonlari-bilan-tanishildi

[2] Батафсил қаранг: https://uza.uz/uz/posts/bosh-prokuratura-qurilish-sohasidagi-qopol-qonun-buzilishi-yuzasidan-673-zhinoyat-ishi-qozgatildi_567661

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, жараённи бошқариш ва назорат қилиш учун қурилишда рақамли технологияларни етарли даражада ривожланган деб бўлмайди. Бу эса турли қонун бузилиши ва коррупциявий ҳолатларга имкон бериши мумкин.

Мисол учун, қурилиш компанияси томонидан қоғозда тақдим этилган маълумотлар ҳақиқий вазиятга мос келмаслиги мумкин. Бу қурилиш сифати учун қўшимча хавф туғдиради.

Яна бир кенг тарқалган қоидабузарлик лойиҳалаш ва лойиҳалаш-қурилиш ҳужжатлари лойиҳасидан четга чиқиш билан қурилишдир.

Рухсатсиз қурилиш олиб бориш эса мазкур объектларнинг хавфсизлигини ва уларнинг қурилиш меъёрлари ва стандартларига мувофиқлигини хавф остига қўяди.

Айтиш жоизки, қурилишдаги рақамли технологиялар шаффофликка ёрдам беради.

Қурилиш соҳасида рақамлаштиришнинг афзалликлари қуйидагилар:

Бу қарама-қаршиликларни аниқлаш, хатолар, нуқсонлар ва лойиҳа хавфсизлигига таҳдидларни тезда бартараф этиш имконини беради.

Бу қурилиш майдонларида қурилиш стандартларига тўлиқ риоя этилишини таъминлайди ва лойиҳаларнинг ишончлилигини оширади.

Ишларнинг боришини доимий мониторинг қилиш ва қурилиш ишларининг сифатини назорат қилишга хизмат қилади.

Қурилиш жараёнининг барча иштирокчилари ўртасидаги самарали алоқа, тезкор ўзаро таъсир ва маълумот алмашинишига замин яратади.

Қурилишда рақамли технологиялар қурилишнинг барча иштирокчиларини, шу жумладан буюртмачиларни, пудратчиларни, техник назорат, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, фавқулодда вазиятлар, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва бошқа назорат органларини бирлаштирадиган восита бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қурилишдаги рақамли технологиялар келажак қурилишининг ажралмас қисми бўлиб, қурилиш устидан самарали давлат назоратини олиб бориш ва соҳада коррупция ҳолатларини олдини олиш учун қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- назорат инспекторлари томонидан объектларда қурилиш-синов лаборатория ишлари олиб борилганлиги натижаларини, шунингдек, ўтказилган мониторинг тадбирлари ва аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан кўрилган чораларни электрон тарзда қайд этиш;
- техник назорат ва муаллифлик назорати журналини онлайн тарзда электрон ахборот тизимида фото ва видеоёзувлар орқали юритишни ташкил этиш ва махсус планшетлар билан таъминлаш;
- техник назоратни амалга оширувчи мутахассисларнинг мажбуриятларини қайта кўриб чиқиш;

•шаҳарсозлик кодексининг 4-моддасига шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тамойилини киритиш;

•қурилиш назоратининг барча турларини онлайн кузатиб бориш имкониятини яратиш;

•лойиҳа ҳужжатларидан четга чиққан ҳолда объектларни қуришда иштирок этган шахслар учун қонуний жавобгарликни белгилаш;

•қурилиш материалларининг мажбурий лаборатория синовларини ўтказиш талабларини такомиллаштириш орқали паст сифатли аналоглардан фойдаланишни олдини олиш.

МАЖИДОВ ШАХЗОД АБДИХАЛИЛ ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси таянч докторанти

КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН ЁКИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА БОШҚА ТАРЗДА КЎМАКЛАШГАН ШАХСЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация: Мазкур мақолада коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган чет эл фуқароларини рағбатлантириш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: коррупция, чет эл фуқаролари, коррупцияга қарши курашиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, хабар берган шахслар.

Аннотация: В данной статье анализируются вопросы поощрения иностранных граждан, сообщающих о коррупционных правонарушениях.

Ключевые слова: коррупция, иностранные граждане, противодействие коррупции, коррупционные правонарушения, информаторы.

Annotation: This article analyzes the issues of encouraging foreign citizens who report corruption offenses.

Key words: corruption, foreign citizens, anti-corruption, corruption offenses, whistleblowers.

Transparency International (TI) ташкилоти томонидан 2023 йилда эълон қилинган коррупцияни қабул қилиш индексига кўра, Ўзбекистон 180 давлатлар орасидан 33 балл билан 121-ўринни (2022 йилда 31 балл билан 126-ўринни эгаллаган) банд қилди[1]. Эътиборли жиҳати Ўзбекистон Республикаси ушбу рейтингда йилдан-йилга ўз ўрнини ошириб бораётганлиги Transparency International (TI) ташкилоти томонидан алоҳида эътироф этилди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат раҳбарининг сиёсий иродаси ўлароқ тан олиниши натижасида коррупцияга қарши курашиш жамият ва давлат олдида турган

[1] Annual report of Transparency international (TI) regarding the Corruption Perceptions Index (CPI). https://www.transparency.org/en/cpi/2023

долзарб масалага айланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида “коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир” деб, таъкидлаган эди[1]. Шунингдек, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2024 йил 16 январдаги мамлакатимиз аҳолисига қилган мурожаатида “коррупция билан боғлиқ ҳар бир жиноятни ўз вақтида аниқлашда биз маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар ва нуроний ташкилотлари фаолларига, турли меҳнат жамоаларидаги жонкуяр ва ватанпарвар инсонларга, уларнинг тезкор хабари, амалий ёрдами ва ҳамкорлигига таянамиз” деб, таъкидлаган эди[2]. Шу сабабли, бугунги кунда коррупциявий жиноятларга қарши курашишда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ахборотни ошкор қилган шахслар тоифасини таҳлил қилиш ва қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқотларга кўра, **PricewaterhouseCoopers** (PwC) халқаро ташкилоти моддий ва иқтисодий зарар келтириб чиқарувчи жиноятлар статистикасига эътибор қаратган ҳолда, бугунги кунда дунёда **19%** коррупцияга оид жиноятлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мустақил аудиторлик ташкилотларининг текширувлари орқали аниқланаётган бўлса, **43%** ҳолатда эса жиноятлар хабар берувчи шахслар, фаол фуқаролар орқали фош этилаётганлиги аниқланган[3]. Шунингдек, **АҚШнинг фирибгарликка қарши текширув ўтказувчи махсус мутахассислар уюшмасининг** (ACFE) таҳлилларига кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар учун қулай хабар бериш каналлари ташкил қилинган ҳамда уларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилган ташкилотлар бундай механизмларга эга бўлмаган ташкилотларга қараганда коррупцияни олдини олиш билан боғлиқ икки баробар кўпроқ ижобий натижаларга эришганлиги аниқланган. Бундан ташқари, ушбу ташкилот томонидан олиб борилган таҳлилларга кўра, бугунги кунда дунёда содир этилаётган жиноятларнинг тахминан **40%** га яқин қисми кўнгилли тарзда ахборот бераётган шахсларнинг хабарлари асосида фош этилган[4].

Фикримизча, Ўзбекистонда фуқароларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга қўшаётган ҳиссалари учун муносиб тақдирлаш, фуқароларнинг жиноятчиликка қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш, ҳамда жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва коррупцияга қарши курашиш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида нутқи.//Халқ сўзи газетаси 2023 йил 20 декабрь № 271 (8614). Б-1.

[2] Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг мамлакатимиз аҳолисига мурожаати.//Халқ сўзи газетаси 2024 йил 16 январь № 11 (8634). Б-1.

[3] Economic crime: people, culture and controls. The 4th biennial Global Economic Crime Survey. https://www.whistleblowers.org/wp-content/uploads/2018/11/pwc_survey.pdf

[4] Reports & Statistics. Building a best-in-class whistblower hotline programm. https://www.acfe.com/Fraud-Resources/Whistleblower-Hotline-Report

самарадорлигини янада ошириш мақсадида амалдаги қонунчиликда белгиланган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар (субъектлар) тоифасини қайта кўриб чиқиш лозим. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 3-бандига кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар — фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи хизматчиси сифатида таъриф берилган[1]. Жумладан, мазкур нормада фуқаролар тушунчаси умумий тарзда ифодаланиб, ушбу тушунча Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет эл фуқаролари сифатида алоҳида тартибда қайд этилмаганлиги келгусида амалиётда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантиришда ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан нормани турлича талқин қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 16-моддасига кўра, фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилиши қайд этилган[2]. Шунга кўра, ушбу тушунчада коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларнинг тоифаси сифатида чет эл фуқароси тўғридан- тўғри кўрсатиб ўтилмаган. Бу эса ўз навбатида, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган чет эл фуқаролари ушбу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган низомга асосан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар сифатида уларга нисбатан рағбатлантириш асослари ва тартиби нормаларини татбиқ этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тақдим этилган статистика маълумотларига кўра, **2021 йилнинг** дастлабки уч ойи давомида **46 нафар** шахслар, **2022 йилда 68 нафар** шахс, **2023 йил** давомида **30 нафар** шахслар (фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берганлиги сабабли

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. ВМҚ-829-сон. 31.12.2020. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5193571

[2] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 21.12.1995 й. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/111189

рағбатлантирилган[1]. Рағбатлантирилган шахсларнинг берган хабарларига кўра, **89 та** ҳолатда пора олиш ва **9 та** ҳолатда бюджет маблағларини жуда кўп миқдордаги қийматда талон-торож қилиш жиноятлари фош этилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган. Ушбу статистик маълумотларга мувофиқ, хабар берган шахслар фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришда нормаларнинг матнига бўлган умумий талаблар доирасида норманинг турлича шарҳлаш ва талқин қилинишларга олиб келмаслиги керак. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар бир нормасида сўзларни нотўғри қўлланилиши қўлланилаётган сўзлар, тушунчалар ва атамалар ҳар хил маъноларни англатиши ёки аниқ бўлмаган талқин қилишга имконият яратиши мумкин. Тушунча ва атамалар нафақат бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзида, балки бутун қонунчиликда бир хил қўлланилиши лозим. Агар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тушунча ва атамаларни бир хил қўллаш имкони бўлмаса, уларни фарқлаш аниқ ва осон бўлиши керак.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги 3924-сон Қарорининг 5-бандида фуқаролар (шахслар) сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар[2], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг 2-бандида, ариза берувчи шахслар тоифаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс сифатида фуқаролар тоифаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва чет эл фуқароси сифатида аниқ тарзда белгиланган[3]. Хусусан, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар (жисмоний шахслар) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари сифатида аниқ тарзда белгиланган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг 3-бандида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар тоифасида сифатида фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар кўрсатилган. Юқоридаги низомда белгиланган фуқаролар сўзи аниқ тарзда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет эл фуқаролари сифатида кўрсатиб ўтилмаган.

Бизнингча, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нормасидаги ҳар бир сўз ҳуқуқни қўлловчи субъектлар учун тушунарли маънони англатиши ёки аниқ

---

[1] (Электрон манба) Бугунги кунда коррупцияга қарши муросасиз муҳитни яратиш жамоатчиликни кенг иштирокида амалга оширилмоқда. https://prokuratura.uz/#/newsview?id=8904

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. ПҚ-3924-сон. 28.08.2018. https://lex.uz/ru/docs/3887355

[3] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. ВМҚ-654-сон. https://lex.uz/docs/5688101

ҳуқуқий тавсифга эга бўлиши лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 8 августдаги ЎРҚ-860-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормасида сўзларнинг нотўғри қўлланилиши нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омил ҳисобланади[1]. Шунинг учун коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар тоифаси нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам бўлиши мумкин. Чунки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам муайян бир давлатда ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида эътироф этилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши ва улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этишлари[2], Конституциянинг 19-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгиланган.[3] Шунингдек, “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 16-моддасига кўра, ҳар бир инсон қаерда туришидан қатъи назар унинг субъектлик мақоми тан олиниши ҳуқуқига эга эканлиги, 19-моддасида ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган[4].

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 июндаги ЎРҚ-692-сон “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги Қонунининг мақсади, Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Қонунга кўра, чет эл фуқароси — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс ҳисобланса, фуқаролиги бўлмаган шахс бу — Ўзбекистон Республикасининг фуқароси

[1] Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни. 08.08.2023 й. ЎРҚ-860-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6561894

[2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023 й. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6445145#6445662

[3] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023 й. https://lex.uz/docs/6445145

[4] “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт. 1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк. https://lex.uz/docs/2640479

бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахслар ҳисобланади[1].

Мазкур Қонуннинг 5-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг қонуни олдида тенг эканлиги белгилаб қўйилди ва бу орқали қонун билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари деярли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқли этиб белгиланган. Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 22-моддасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг давлат органларига, ташкилотларига, ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган[2].

Хориж тажрибасига кўра, Қозоғистон ҳукуматининг “Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашда бошқа йўл билан ёрдам берган шахсларни рағбатлантириш қоидалари” тўғрисидаги қарорига кўра, рағбатлантириш субъектлари сифатида Қозоғистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар белгиланган[3]. Шунингдек, АҚШда 1977 йилда қабул қилинган “Хорижий коррупция амалиёти тўғрисида”ги (FCPA) Қонунга кўра, порахўрлик жиноятлари ҳақида хабар берган шахсларни молиявий рағбатлантириш тоифасига чет эл фуқаролари ҳам киритилган[4].

Фикримизча, Ўзбекистонда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар тушунчасини юқорида келтирилган таҳлилларга асосан такомиллаштириш юзасидан хабар берган шахсларнинг субъект доирасида белгиланган фуқаролар тушунчаси янада аниқлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет эл фуқаролари сифатида қайд этиш лозим. Бу эса ўза навбатида, ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан ушбу нормани амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилиши ва турли талқин этилишига барҳам беради.

Юқорида олиб борилган таҳлилларга кўра, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлар илгари сурилди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-692-сон. 04.06.2021. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5443899

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисиди”ги Қонуни. ЎРҚ-692-сон. 04.06.2021. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5443899

[3] Постановление Правительства Республики Казахстан “Об утверждении Правил поощрения лиц, сообщивших о факте коррупционного правонарушения или иным образом оказывающих содействие в противодействии коррупции”. 30 декабря 2015 года № 1131.

[4] The Foreign Corrupt Practices Act of 1977, as amended, 15 U.S.C. §§ 78dd-1, et seq. ("FCPA"). https://www.justice.gov/sites/default/files/criminal-fraud/legacy/2012/11/14/frgncrpt.pdf

оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 3-банди қуйидаги таҳрирда “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, **чет эл фуқаролари** ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси”;

иккинчидан, ушбу қарор билан тасдиқланган низомнинг 8-банди иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, **чет эл фуқаролари** ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ўзларига нисбатан пора талаб қилган шахс ҳақида ёки ўзларига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органларга берган хабари асосида бундай ҳуқуқбузарлик фош этилиши” деган тарзда қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ.

НУРАЛИЕВ ФАРРУХ БАХРОМ ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси таянч докторанти

КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОДИМЛАРНИ ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ БИЛАН ЭМЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳалоллик – коррупцияни олдини олишнинг энг мақбул йўли. Бугун жамиятни порахўрликдан тозалаш, бу иллатнинг мамлакат тараққиётига қай даражада салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида кўп гапиряпмиз. “Коррупция” деган истилоҳ тилимиздан тушмай қолди. Оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда кунда-кунора қайсидир давлат органи ходимининг катта миқдорда пора билан қўлга тушгани ҳақида хабар тарқалмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозирги кунда аҳоли орасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат қарор топмоқда. Коррупция билан боғлиқ ҳолатлар тез-тез фош этилаётгани ва айбдорлар жазога тортилаётгани шунинг натижасидир.

Демак, бу ҳаракат янада кенг қулоч ёйса, яъни ҳар бир шахс таъмагирлик ҳолатига дуч келганда, бу ҳақда тегишли органларга хабар қилса, пора беришдан тийилса, бировнинг ҳақидан ҳазар қилса, янада самаралироқ натижага эришишимиз муқаррар. Зеро, коррупциядан қутулиш — емирилишдан қутулиш эканини барчамиз англашимиз шарт.

Ҳақиқат шуки, коррупциянинг олдини олишнинг энг мақбул йўли — ҳалоллик. Ҳалоллик бор жойда файзу-барака бўлади. Бу фазилат эса оилада шаклланиб, жамиятда ўзини кўрсатади.

Коррупциянинг давлатимиз иқтисодиётига етказаётган зарари.

Президентимиз раислигида шу йил 16 январ куни иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ҳукумат олдидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўтган йили бюджетдан **1,2 трлн. сўмлик** ноқонуний ҳаражат, ҳамда **200 млрд. сўмлик** камомад ва ўғирликларга йўл қўйилгани аниқлангани айтилди.

Эътибор беринг, шунча маблағ халқимизнинг эзгу мақсадлари йўлида сарфланиши белгиланган бўлса-да, айрим давлат хизматчилари томонидан ушбу маблағларлар ўзининг билимсизлиги, тажрибасизлиги ҳамда коррупция ботқоғига ботганлиги сабабли давлат бюджетидан “ўмарилган” ёки “хўжасизларча” сарфланган. Шундай экан, нафсининг қулига айланган ва эл-юрт тараққиётидан ўз манфаатини устун қўйган бундай кишиларни ким деб аташ мумкин? Наҳотки, уларнинг мақсад-муддаоси фақат қорин қайғуси ва мол-дунёга ҳирс қўйиш бўлса?

Ходимларни ҳалоллик руҳида тарбиялаш оиладан бошланади.

Бу ҳақда гап кетганда, Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” спектакли эсга тушади. Гап шундаки, сатира ва юморга бой бу асарда ўта жиддий, томошабинни ўйга чўмдирадиган саҳналар ҳам бор. Масалан, давлат мулкини талон-торож қилгани учун қамоққа олинган фарзандини 15 минг сўм (ўша вақтда катта пул) пора эвазига чиқариб олмоқчи бўлган аёл Фармонбибига мурожаат қилиб, ундан бу масалада милиционер ўғли ёрдам беришида воситачи бўлишни сўрайди. Шунда Фармонбиби ўғилларини чақириб бундай дейди:

— Болажонларим, мен сизларга ҳаром томоқ едирганманми? Ўғирлик қил деб ўргатганманми?

— Йўқ, — дейди бир овоздан етти ўғил.

—Бир гапимни икки қилганмисизлар, ўртага тушсам пора оласизларми?

— Ойижон, сизни ҳурмат қиламиз, лекин бу илтимосингизга йўқ деймиз.

— Ҳаммаларингга минг раҳмат! Минг марта қуллуқ, — деб Фармонбиби фарзандларига таъзим қилади. Бу таъзим замирида болаларига ҳалолликдан берган сабоқлари бесамар кетмагани, уларнинг диёнатли ва тўғри сўз бўлиб улғайганига шукроналик туйғуси бор эди. Ва Фармонбиби пора таклиф қилаётган аёлга юзланиб:

— Энди хафа бўлмайсиз, менинг ўғилларим шунақа, гапга кўнмайдиганлар хилидан, — дея кесатиқ қилади.

Фармонбиби образи ўта қаттиққўл, ҳаммага ўз ҳукмини ўтказадиган аёл сифатида тасвирланганига қарамасдан халқимиз меҳрига сазовор бўлганининг боиси ҳам унинг юраги тозалиги, фарзандларини ҳалол луқма билан боққани, уларни ўғирлик, ҳаром-харишдан йироқ бўлишга ундаганидадир, аслида. Бугун дунёда энг глобал муаммо бўлиб турган коррупциянинг олдини олишда оналарнинг ўрни ниҳоятда катта экани шу асарда ёрқин бўёқларда акс эттирилган. Бинобарин, онанинг ҳалоллиги, ҳаром луқмадан ҳазар қилиши фарзандларга ҳам юқади. Ана шунинг ўзи Фармонбибининг она сути орқали ўтган “ҳалоллик вакцинаси”дир.

Коррупция илдизи оиладаги тарбияга бориб тақалишини ўғли қамалиб, Фармонбибидан нажот сўраб келган аёлнинг гапларидан ҳам англаса бўлади. У “Ўзи емай, еганни кўра олмайдиган инсофсизлар кўпайиб кетди, биттагина арзанда ўғлимни қамаб қўйишди” дейди. Кўряпсизми, аёл “эганни кўра олмайдиган” деганда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини назарда тутяпти. Давлат мулкини талон-торож қилган ўғлини оқлаб, уни ҳибсга олганларни айблаяпти. Демак, у ўғли ноқонуний иш билан шуғулланаётганидан хабардор бўлган ва буни нотўғри деб ҳисобламаган.

Ҳалоллик вакцинаси - коррупцияга қарши курашишда муҳим омил. “Ҳалоллик вакцинаси” – коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари мажмуасидир. Бу атама илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида тилга олинган. Коррупцияга қарши курашда адолат бош мезон ҳисобланади. Бунга эришишнинг ягона йўли “ҳалоллик вакцинаси”дир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”, деб таъкидлаб ўтган эди.

Ҳалоллик вакцинаси билан эмланган ёш авлодни шакллантириш устувор вазифамиздир. 2023 йилнинг 19 декабр куни президент Шавкат Мирзиёев Қатар амири ташаббуси билан таъсис этилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича мукофотнинг Тошкент шаҳрида ўтказилган тақдирлаш маросимида нутқ сўзлади.

Президентимиз нутқи аввалида ушбу мукофот орқали коррупцияга қарши курашишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган жаҳондаги фаол шахсларнинг эътироф этилиши 20 йил аввал қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси талабларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилишини айтиб ўтди.

Таҳлилларга кўра, ҳозирда коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 триллион долларга яқин миқдорни ташкил қилмоқда.

“Аммо, мен бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилаётган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайди, деб ҳисоблайман. Энг ёмони — жамият кўрадиган маънавий зарар кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди”, — деди у.

“Онги ва қалби болаликдан “ҳалоллик вакцинаси“ билан эмланган янги авлодни камолга етказиш устувор вазифамиздир. Бу борада БМТнинг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этишдан манфаатдормиз”, — деди давлат раҳбари.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу йўлда “ҳалоллик вакцинаси“ билан эмланган янги авлодни камолга етказиш, давлат органлари ходимларини ҳалоллик руҳида тарбиялаш ҳамда уларни ўқитиш муҳим қадамлардан бири бўлиб ҳисобланади.

ЮМАТОВ БОГДАН ОЛЕГОВИЧ
Докторант Правоохранительной академии Республики Узбекистан

АНТИКОРРУПЦИОННЫЙ МОНИТОРИНГ КАК НАПРАВЛЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В ОБЛАСТИ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ: СЛЕДУЮЩИЙ ЭТАП РАЗВИТИЯ

Существуя с давних времен, видоизменяясь и принимая новые формы, а также адаптируясь к появляющимся мерам противодействия почти во всех исторических периодах, коррупция продолжает сопровождать общественное и государственное развитие.

Без необходимых, а также своевременных мер противодействия коррупция все чаще и активнее посягает на эффективное функционирование политических, экономических и других важнейших государственных механизмов, а также оказывает пагубное влияние на авторитет государственной власти. Это, в свою очередь, снижает доверие общества к государственным и правоохранительным структурам, судебной системе, разрушает веру людей в правосудие, верховенство закона, беспристрастность, честность и справедливость. Коррупция порождает в обществе социальное неравенство и другие деструктивные и негативные факторы, отрицательно влияющие на общественное и государственное развитие.

На сегодняшний день становится очевидно, что коррупция представляет из себя одну из наиболее насущных и опасных проблем для стабильного и эффективного государственного строительства и поэтапного развития общества. Эта угроза давно перестала быть вопросом лишь национального характера, поиск наиболее эффективных механизмов противодействия этой угрозе стал задачей международного масштаба. В качестве одного из таких механизмов следует рассматривать реализацию государствами антикоррупционной политики на систематической основе.

Государственную антикоррупционную политику следует рассматривать в качестве целенаправленной и системной деятельности институтов государства и гражданского общества, направленной на защиту прав и законных интересов граждан, общества и государства от потенциальных угроз, связанных с коррупцией, а также разработку и постоянную реализацию разносторонних и последовательных мер для того, чтобы устранить причины и условия, которые порождают и питают коррупцию в разных сферах жизнедеятельности.

С момента провозглашения независимости Республики Узбекистан наше государство поэтапно выстраивает и осуществляет стратегию эффективной и скоординированной политики противодействия коррупции, которая способствует активному участию общества и отражает принципы правопорядка и верховенства права, честности, беспристрастности, справедливости, ответственности, неподкупности, добропорядочности и прозрачности деятельности государственных органов, их служащих и должностных лиц. Предлагается следующий авторский подход, в рамках которого на сегодняшний день были выделены 4 этапа становления, формирования и развития антикоррупционной политики Республики Узбекистан с момента обретения независимости: **I этап**: 1991 г. – 2008 г.; **II этап**: 2008 г. – 2015 г.; **III этап**: 2015 г. – 2017 г.; **IV этап:** 2017 г. – наши дни[1].

О чрезвычайной важности противодействия коррупции как направления государственной политики Республики Узбекистан неоднократно говорил и сам Президент нашей страны, в частности на церемонии инаугурации в 2021 году Ш.М. Мирзиеев отметил: “за последние пять лет борьба с коррупцией была поднята на уровень государственной политики”[2].

Для понимания, успешно ли наша страна противодействует коррупции, следует обратиться к международным антикоррупционным рейтингам и индексам, для более объективного и наиболее достоверного результата следует принимать во внимание сразу несколько источников. Рассмотрим **Индекс верховенства права** (World Justice Project: Rule of Law Index[3]), в рамках данного индекса нас интересует показатель отсутствия коррупции, в 2015 году данный показатель для Узбекистана составил 0,35 (81 место из 102 стран), в 2023 году показатель составил 0,47 (66 место из 142 стран).

В **Индексе восприятия коррупции** организации Transparency International[4] в 2012 году показатель для Узбекистана составил 17 баллов (170 место из 176 стран), в 2023 году – 33 балла (121 место из 180 стран). Также мы бы хотели обратить внимание на **показатели качества государственного управления** в рамках исследования Группы Всемирного банка[5], в рамках данного исследования ключевым для нас является показатель сдерживания коррупции, который в 2011 году составил -1.39, в 2022 году показатель составил -0.76. Обратим также внимание на **TRACE Bribery Risk Matrix**[6], в рамках которой нас интересует показатель риска, в 2016 году данный показатель составил 78 (177 место из 199 стран), в 2023 года показатель составил 58 (130 место из 194 стран). Учитывая

---

[1] Юматов Б.О., Периодизация становления и развития антикоррупционной политики Республики Узбекистан. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. 3, 6 (июнь 2023), С. 105.

[2] https://review.uz/post/vstuplenie-vnov-izbrannogo-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-na-ceremonii-inauguracii - Выступление вновь избранного Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева на церемонии инаугурации

[3] https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/ - World Justice Project: Rule of Law Index

[4] https://www.transparency.org/en/cpi/2023 - Corruption perceptions index

[5] info.worldbank.org/governance/wgi/Home/Reports - Показатели качества государственного управления

[6] https://www.traceinternational.org/trace-matrix? - TRACE Bribery Risk Matrix

высокий уровень латентности большинства коррупционных проявлений, а также субъективность и политизированность оценок и результатов в рамках некоторых антикоррупционных индексов и рейтингов, установление реального уровня коррупции у нас в стране является задачей чрезвычайно сложной, но тем не менее указанные выше данные позволяют нам понять, что антикоррупционная деятельность Узбекистана приносит свои плоды, год за годом наша страна демонстрирует стабильный рост показателей, а значит нужно продолжать идти по намеченному курсу, развивая существующие антикоррупционные механизмы и внедряя новые.

Последовательное, системное, рациональное, а главное эффективное противодействие коррупции невозможно без надлежащего измерения, диагностики уровня и состояния коррупции в стране, анализа причин, способствующих распространению этой угрозы, а также оценки результативности реализуемых, а также уже реализованных антикоррупционных мер.

В качестве подобного измерительного инструмента мы рассматриваем **антикоррупционный мониторинг**, который представляет собой деятельность уполномоченных субъектов антикоррупционной политики по сбору, обобщению, анализу, оценке и интерпретации информации, касающейся реального состояния коррупции, уровня ее распространения в стране, отдельных форм ее проявления, причин коррупции (коррупциогенных факторов и коррупционных рисков), результатов реализации антикоррупционной политики, антикоррупционных стратегий, программ и планов, которая осуществляется на основе установленной единой методики.

Данный инструмент позволит получить более объективные и достоверные сведения, которые в дальнейшем смогут стать основой не только для корректировки действующего антикоррупционного законодательства, но и для принятия Национальной антикоррупционной стратегии на долгосрочную перспективу, что, в свою очередь, может ознаменовать очередной, пятый этап развития антикоррупционной политики нашей страны.

RASULOV SALIMBEK BAXTIYOR O'G'LI
O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi magistratura tinglovchisi

KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISHDA YEVROPA KENGASHINING KORRUPSIYA UCHUN JINOIY JAVOBGARLIK BO'YICHA KONVENSIYASINING AHAMIYATI

Annotatsiya: Ushbu maqolada Yevropa Kengashining Korrupsiya uchun jinoiy javobgarlik bo'yicha konvensiyasining global miqyosda korrupsiyaga qarshi kurashdagi o'rni va ahamiyati

chuqur tahlil qilinib, a’zo davlatlarda korrupsiyaga oid huquqbuzarliklar uchun jinoiy javobgarlikning umumiy standartlarini belgilash, konvensiya normalarini milliy qonunchilikka muvofiqlashtirish hamda taraflarning konvensiyaga rioya etilishini ta’minlashda monitoring mexanizmi masalalari muhokama qilingan.

Kalit so’zlar: GRECO, korrupsiya, Yevropa Kengashi, konvensiya, GMK, GMC, transmilliy jinoyat, xalqaro hamkorlik, uyushgan jinoyatchilik.

Аннотация: В данной статье подробно анализируется роль и значение Конвенции об уголовной ответственности за коррупцию Совета Европы в борьбе с коррупцией на глобальном уровне, определяя общие стандарты уголовной ответственности за преступления коррупционной направленности в государствах-членах, обсуждаются вопросы гармонизации норм конвенции с национальным законодательством, а также вопросы механизмов контроля за соблюдением сторонами положений конвенции.

Ключевые слова: ГРЕКО, коррупция, Совет Европы, конвенция, ГМК, ГМС, транснациональная преступность, международное сотрудничество, организованная преступность.

Abstract: In this article, the role and importance of the Criminal Law Convention on Corruption of the Council of Europe in the fight against corruption at the global level is analyzed in depth, detarmining the general standards of criminal responsibility for corruption-related offenses in the member states, harmonizing the norms of the convention with the national legislation, and issues of monitoring mechanisms to ensure compliance of the parties with the convention are discussed.

Key words: GRECO, corruption, Council of Europe, convention, GMK, GMC, transnational crime, international cooperation, organized crime.

Bugungi kunda korrupsiya muammosiga dunyoning har bir davlatida u yoki bu ko’rinishda duch kelish mumkin. So’nggi yillarda korrupsiya o’zining ichki hodisa ekanligi xususiyatini yo’qotib, globallashuv jarayonlari orqali xalqaro miqyosda transmilliy jinoyat sifatida keng muhokama qilinayotgan mavzulardan biriga aylandi. Chunki transmilliy uyushgan jinoyatchilikning rivojlanishi, mahalliy va xalqaro mansabdor shaxslarga pora berish, uyushgan jinoyatchilikning kirib kelishi faqat davlatlarning ichki emas, balki ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishning xalqaro mexanizmiga ham o’zining ta’sirini ko’rsatdi.

Korrupsiya olib keladigan zarar barcha davlatlar uchun teng sanalib, mazkur jinoyat har bir mamlakatning turli sohalariga, jumladan siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy jabhalarida amalga oshirilayotgan islohotlarga hamda uning xalqaro maydondagi imiji va investitsiyaviy jozibadorligiga salbiy ta’sir ko’rsatmasdan qolmaydi.

Korrupsiyaga qarshi kurashishda turli mamlakatlar milliy qonunchiligining umumiy yondashuvlarini birlashtirishda xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar doirasida qabul qilingan xalqaro hujjatlar muhim ahamiyat kasb etadi.

Yevropa Kengashining korrupsiyaga qarshi kurashishga qaratilgan keng qamrovli xalqaro huquqiy hujjatlaridan biri bo’lgan “Korrupsiya uchun jinoiy javobgarlik bo’yicha konvensiyasi” korrupsiyaga qarshi kurashda hal qiluvchi vazifalardan birini bajaradi. Misol uchun, 2007-yil fevral holatiga ko’ra, konvensiyani 48 ta davlat imzolagan va 37 ta davlatda kuchga kirgan[1].

[1] https://www.coe.int/en/web/greco

Mazkur konvensiyaning 24-moddasiga ko'ra, Yevropa Kengashining Korrupsiya uchun jinoiy javobgarlik bo'yicha konvensiyasining taraflar tomonidan bajarilishini **Korrupsiyaga qarshi davlatlar guruhi (GRECO)** nazorat qiladi[1].

Avvalo, GRECO ning tashkil etilishiga qanday omillar turtki bo'lgan? Yevropa Kengashiga a'zo davlatlar o'rtasidagi kuchli siyosiy iroda tashkilotning korrupsiyaga qarshi faoliyatini o'n yildan ortiq vaqt davomida shakllantirib, standartlarni o'rnatish bo'yicha keng qamrovli vositalar to'plamining qabul qilinishiga va samarali monitoring organining tashkil etilishiga olib kelgan.

Yevropa Kengashi Vazirlar Qo'mitasi iqtisodiy jinoyatlarga (shu jumladan, korrupsiyaga) qarshi choralar ko'rishni tavsiya qilgan 1981-yildan beri bu ishning rivojlanishida bir qancha muhim bosqichlar amalga oshirilgan.

1994-yilda Yevropa Kengashiga a'zo davlatlar adliya vazirlari mazkur illat demokratik institutlar barqarorligiga jiddiy tahdid solishi mumkinligini anglagan holda (19-konferensiya, Valetta) korrupsiyaga Yevropa darajasida e'tibor qaratish zarurligi to'g'risida kelishib oldilar. Natijada demokratiya, qonun ustuvorligi va inson huquqlarini himoya qiluvchi Yevropaning nufuzli instituti sifatida Yevropa Kengashi tahdidga javob berishga chaqirildi[2].

Vazirlar korrupsiyaga qarshi samarali kurashga keng yondashish zarurligiga ishonch hosil qilib, ulardagi majburiyatlarni amalga oshirish uchun navbatdagi mexanizmni ishlab chiqish kerakligiga ishora qilib, korrupsiyaga qarshi kompleks chora-tadbirlar dasturini tayyorlash va bu sohada huquqiy hujjatlarni ishlab chiqish imkoniyatlarini o'rganish uchun Korrupsiya bo'yicha ko'p tarmoqli guruh (GMK) tuzishni tavsiya qildilar. Jinoyatchilik muammolari bo'yicha Yevropa qo'mitasi (CDPC) va Yevropa huquqiy hamkorlik qo'mitasi (CDCJ) mas'uliyati ostida 1994-yil sentyabr oyida Korrupsiya bo'yicha ko'p tarmoqli guruh (GMC) tashkil etilishi bilan korrupsiyaga qarshi kurash Yevropa Kengashining ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida mustahkam o'rnatildi[3].

Keyingi bosqich sifatida 1996-yil noyabr oyida Vazirlar qo'mitasi tomonidan GMC tomonidan tayyorlangan Korrupsiyaga qarshi harakat dasturi qabul qilindi va uni amalga oshirish muddati 2000-yil 31-dekabr etib belgilandi. Vazirlar qo'mitasi korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha bir yoki bir nechta xalqaro konvensiyalarning ishlab chiqilishini va ularda mavjud bo'lgan tashabbuslarni amalga oshirishning keyingi mexanizmini ishlab chiqishni zarur deb hisoblashdi.

1997-yil iyun oyida Yevropa Kengashiga a'zo davlatlar Adliya vazirlari (21-konferensiya, Praga) zamonaviy jinoyatchilikning yangi tendensiyalari, xususan, ayrim jinoiy faoliyatning uyushgan, murakkab va transmilliy xarakteridan kelib chiqib, uyushgan jinoyatchilikka qarshi kurash bo'yicha munosib mexanizmini ishlab chiqishga kirishildi.

---

[1] Criminal Law Convention on Corruption. Strasbourg, 27.I.1999

[2] Institutions against Corruption. A Comparative Study of the National Anti-Corruption Strategies reflected by GRECO's First Evaluation Round. Prof. Dr. Dr. h.c. Albin Eser, M.CJ. Dr. Michael Kubiciel

[3] Institutions against Corruption. A Comparative Study of the National Anti-Corruption Strategies reflected by GRECO's First Evaluation Round. Prof. Dr. Dr. h.c. Albin Eser, M.CJ. Dr. Michael Kubiciel

Bundan tashqari, ular Vazirlar qo'mitasiga Yevropa Kengashiga a'zo davlatlar va a'zo bo'lmagan davlatlar uchun teng asosda ochiq bo'lgan samarali kuzatuv mexanizmini ishlab chiqishni ham tavsiya qildilar.

Nihoyat, 1998-yil mart oyida GMC CDCJ va CDPC fikrlarini inobatga olib, "Korrupsiyaga qarshi davlatlar guruhi – GRECO" ni tashkil etish to'g'risidagi Bitim loyihasini ma'qulladi. 1998-yil may oyida Vazirlar qo'mitasi (102-sessiya, Strasburg) kengaytirilgan qisman kelishuv shaklida "Korrupsiyaga qarshi davlatlar guruhi – GRECO" ni tashkil etishga ruxsat berdi va 1999-yil 1-mayda GRECO 17 ta ta'sischi davlatlar tomonidan tashkil etildi. Darhaqiqat, tashkilotning asosiy maqsadi o'zaro baholash va davlatlarning dinamik jarayoni orqali Yevropa Kengashining korrupsiyaga qarshi standartlariga muvofiqligini nazorat qilish yo'li bilan o'z a'zolarining korrupsiyaga qarshi kurashish imkoniyatlarini oshirishdan iborat sanaladi[1].

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, kengaytirilgan kelishuv sanaladigan GRECOga a'zolik faqat Yevropa Kengashiga a'zo davlatlar bilangina cheklanmaydi. Kengaytirilgan qisman kelishuvlarda ishtirok etgan har qanday davlat Yevropa Kengashi Bosh kotibiga xabar berish orqali tashkilotga qo'shilishi mumkin. Bundan tashqari, Korrupsiya uchun Jinoiy yoki Fuqarolik-huquqiy javobgarlik bo'yicha konvensiyalarning ishtirokchisi bo'lgan har qanday davlat to'g'ridan-to'g'ri GRECO va uni baholash tartib-qoidalariga qo'shila oladi. Shu sababli GRECO Yevropa Kengashiga a'zo va a'zo bo'lmagan davlatlar uchun ochiqdir[2].

Yevropa Kengashining mazkur Konvensiyasi korrupsiyaga qarshi kurashishda GRECOga a'zo va unga a'zo bo'lmagan davlatlar uchun muhim o'rin egallaydi.

Birinchidan, konvensiya korrupsiyaga qarshi kurashning mustahkam huquqiy asosini ta'minlab a'zo davlatlar amal qilishi kutilayotgan umumiy standartlar va tamoyillarni taklif etadi. Konvensiya korrupsiya amaliyotining aniq metodini o'rnatish va muayyan huquqbuzarliklar uchun jinoiy javobgarlik belgilash orqali korrupsiyaga qarshi milliy va xalqaro qonunchilikni uyg'unlashtirishga yordam beradi.

Ikkinchidan, konvensiya korrupsiyaga qarshi samarali kurashish uchun profilaktika choralariga alohida urg'u beradi. U a'zo davlatlarni davlat xaridlarida shaffoflik, davlat mansabdor shaxslarining mol-mulkini deklaratsiya qilish va korrupsiyaga qarshi mustaqil idoralar tashkil etish kabi choralarni amalga oshirishni nazarda tutadi. Ushbu profilaktik chora-tadbirlar davlat va xususiy sektorda halollik, shaffoflik va hisobdorlikni shakllantirishga yordam beradi.

Uchinchidan, konvensiya a'zo davlatlarni korrupsiyaning turli shakllari, jumladan, poraxo'rlik, mansab vazifasini suiiste'mol qilish, korrupsiyaga oid jinoyatlardan olingan pullarni yuvish kabi huquqbuzarliklar uchun jinoiy javobgarlikka tortish majburiyatini yuklaydi. Shuningdek, unda korrupsiyaga oid huquqbuzarliklarni tergov qilish, jinoiy javobgarlikka tortish va hukm qilish,

[1] https://www.coe.int/en/web/greco
[2] https://www.coe.int/en/web/greco

aybdorlarning qilmishlari uchun javobgarlikka tortilishini ta’minlash, shuningdek yuridik shaxslar javobgarligi kabi qoidalar belgilab berilgan.

To’rtinchidan, korrupsiya ko’pincha milliy chegaralardan oshib ketishini e’tirof etgan holda, Konvensiya korrupsiyaga qarshi kurashda xalqaro hamkorlikning muhimligini ta’kidlaydi. Jumladan, unda o‘zaro huquqiy yordam ko‘rsatish, ekstraditsiya qilish va korrupsiya yo‘li bilan qo‘lga kiritilgan aktivlarni qaytarishga doir samarali mexanizmlar nazarda tutilgan.

Beshinchidan, konvensiya Korrupsiyaga qarshi davlatlar guruhi (GRECO) tomonidan amalga oshiriladigan monitoring mexanizmini o’rnatadi, u a’zo davlatlar tomonidan uning qoidalarining bajarilishini nazorat qiladi. Bundan tashqari GRECO muntazam ravishda baholash va mamlakatlarda korrupsiyaga qarshi chora-tadbirlarni kuchaytirish, hisobdorlik va shaffoflikni ta’minlashda o’zining tavsiyalarini berib boradi.

Shuni alohida ta’kidlash lozimki, GRECO monitoring mexanizmi orqali korrupsiyaga qarshi milliy siyosatdagi kamchiliklarni aniqlashga yordam beradi, natijada a’zo davlatlarda bevosita zarur qonunchilik, institutsional va amaliy islohotlarni ishlab chiqishni talab qiladi. Shuningdek, GRECO korrupsiyaning oldini olish va aniqlashda ilg’or tajriba almashish uchun platforma ham taqdim etgan. Bundan tashqari, Yevropa Kengashi a’zo davlatlarga Konvensiya qoidalarini samarali amalga oshirishda yordam berish uchun ularga texnik ko’mak beradi va korrupsiyaga qarshi kurashda davlatlarning salohiyatlarini oshirishga qaratilgan harakatlarni rag’batlantiradi. Ushbu huquqiy yordam huquqni muhofaza qilish, sud-huquq sohasidagi hamkorlik va davlat boshqaruvi kabi sohalarda o’quv dasturlari, seminarlar hamda ilg’or tajriba almashishni o’z ichiga oladi.

Darhaqiqat, GRECOning korrupsiyani oldini olish va markaziy hukumatlar (yuqori ijroiya funksiyalari) hamda huquqni muhofaza qilish organlarida halollikni ta’minlashga qaratilgan joriy 5-baholash monitoringgi 2017-yil 20-martda boshlangan. Mazkur Roundda a’zo davlatlar 6 ta ko’rsatkich, ya’ni axloqiy tamoyillar va xulq-atvor qoidalari, manfaatlar to’qnashuvi, muayyan faoliyatni taqiqlash yoki cheklash, aktivlar, daromadlar, majburiyatlar va manfaatlar bo’yicha deklaratsiyasi, manfaatlar to’qnashuvini oldini olish, xabardorlik ko’rsatkichlari bo’yicha baholanadi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Yevropa Kengashining Korrupsiya uchun jinoiy javobgarlik bo’yicha konvensiyasi mintaqaviy va xalqaro darajada korrupsiyaga qarshi kurashni kuchaytirish va korrupsiyani oldini olishda muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki konvensiya korrupsiyaga oid jinoyatlardan olingan pullarni yuvish, mahalliy davlat mansabdor shaxslarining aktiv va passiv poraxo’rligi bilan bir qatorda xorijiy ommaviy mansabdor shaxslarning poraxo’rligi, ularga qarshi kurashish usullari, sodir etilgan jinoiy huquqbuzarliklarining og’irligini hisobga olgan holda qo’llaniladigan jazo choralari va sanksiyalar hamda ushbu sohada xalqaro hamkorlik qilishni rag’batlantiradi.

ХАТАМОВ ЖАХОНГИР ЖУРАЕВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2024 йилнинг 16 январь куни бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт муаммоси бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири эканлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Хизматлар, қурилиш, саноат соҳаларида ўнлаб триллион сўмлик маҳсулот “соя”да қолаётганини кўрсатмоқда. Кези келганда айтиш лозимки, “яширин иқтисодиёт” атамаси адабиётларда “норасмий иқтисодиёт”, “хуфиёна иқтисодиёт”, “соядаги иқтисодиёт” ва бошқа турли атамалар билан ҳам юритилади.

Давлат раҳбари яширин иқтисодиёт ҳақида фикр билдирар экан, эълон қилинган маълумотларга кўра, хизматларда 140 триллион сўм, қурилишда 50 трлн сўм, саноатда 40 трлн сўм маҳсулот “сояда” қолмоқда. Агар улар жойида бўлса, бу орқали **ялпи ички маҳсулотга 135 трлн сўм, давлат бюджетига эса 30 триллион сўм миқдорида тушум қилиш мумкинлигини кўрсатиб ўтди.**

Бундан ташқари, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь ойида Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида ҳам айнан яширин иқтисодиётнинг улуши ортиб бораётганлигини, 2019 йилда яширин иқтисодиётнинг улуши ЯИМнинг деярли 50 фоизига тенг эканлигини таъкидланиши, албатта ачинарли ҳолдир.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари ва бевосита раҳнамолигида иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон Қарори, “Алоҳида турдаги товарларни маркировкалашнинг замонавий усулларини жорий этишга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4042-сон Қарори, “Рақамли иқтисодиёт ва “электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4321-сон Қарори, “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5621-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5276-сон Фармони, “Валюта бозорини либераллаштириш шароитида иқтисодиётнинг базавий

тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг биринчи галдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3253-сон Қарори, “Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5276-сон Фармонининг имзоланиши билан яширин иқтисодиёт улушини камайтириш мақсад қилинганлигини назардан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Хуфёна иқтисодиётни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар сирасига 2018 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4042-сонли “Алоҳида турдаги товарларни маркировкалашнинг замонавий усулларини жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 12 июлда қабул қилинган 534-сонли Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан нуфузли халқаро экспертларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори қабул қилинди.

Бундан кўзланган мақсад:

- мамлакатимиздаги носоғлом рақобатга барҳам бериш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини пассивлашувини олдини олиш;

- коррупцияга шароит яратиб бераётган факторларга барҳам бериш;

- алоҳида турдаги товарларнинг республикага ноқонуний олиб кирилиши, ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2020 йилдаги ПФ-6098-сон Фармони мамлакатда пул-кредит, валюта, солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий исботи бўлиб хизмат қилди. Мазкур фармон билан яширин иқтисодиётга қарши кураш ҳамда солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг турли хил схемаларига чек қўйиш бўйича мутасадди вазирлик ва идораларга аниқ вазифалар белгилаб берилди ҳамда яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича махсус комиссия ташкил этилди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони билан тасдиқланган 2021 - 2027 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “яширин иқтисодиёт”нинг улушини қисқартириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Шу билан биргаликда, “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармонининг 34-мақсадида сервис соҳасида яширин иқтисодиёт улушини 3 бараварга қисқартириш, хизматлар соҳасининг жозибадорлигини ошириш

мақсадида соҳадаги тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар тақдим этиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясида иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий барқарорлигини, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини, инвестиция ва экспорт салоҳиятини оширишни, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишни, меҳнат бозорида тангликни пасайтиришни, даромадларни ошириш ва қашшоқликни камайтириш мақсад қилиб белгиланган давлатимизда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг изчил давоми бўлди.

Хулоса ўрнида, жамият ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи яширин иқтисодиётнинг улушини камайтириш борасида ҳуқуқий чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтириш, яширин иқтисодиётга қарши курашда миллий қонунчиликдаги муаммолар атрофлича ўрганиш, коррупцияга қарши курашишнинг бир усули сифатида яширин иқтисодиётни бартараф қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш заруриятини белгилайди.

Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2020 йилнинг 24 январь санасида Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, ислоҳотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га қарши курашилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди.

НОРОВА ОЙДИН АЗАМАТ ҚИЗИ
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

“КОРРУПЦИЯ” ТУШУНЧАСИ: ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР ВА ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

Аннотация. Мақолада коррупциянинг тавсифи ва унга оид тадқиқотлар таҳлили келтирилган, коррупцияни таърифлашдаги ёндашувлар ва коррупция тушунчасининг халқаро-ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар. коррупция, мансабдор шахс, мансаб мавқеи, шахсий манфаат, пора эвазига оғдириш

Аннотация. В статье представлена характеристика коррупции и анализ исследований в данной области, рассмотрены подходы к определению коррупции и международно-правовые основы понятия коррупции.

Ключевые слова. коррупция, должностное лицо, служебное положение, личный интерес, подкуп.

Abstract. The article presents the characteristics of corruption, analysis of research in this field, considers approaches to the definition of corruption and the international legal basis of the concept of corruption.
The key words. corruption, official, public office, private gain, bribery.

Коррупция демократия, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, ҳокимият бошқарувининг нуфузи ва барқарорлигига ҳамда жамиятнинг маънавият пойдеворига таҳдид солади. Бундан ташқари, коорупция ҳар йили дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига улкан зарар етказади ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида тўсиқлар пайдо қилади.

Коррупцияга оид тадқиқотлар қадимги цивилизацияларга бориб тақаладиган узоқ тарихга эга. Асрлар давомида ҳукмдорлар коррупцияга қарши курашишга ва унинг сабабларини тушунишга ҳаракат қилиб келишган.

XV асрнинг ёрқин намоёндаларидан бири, италиялик сиёсий арбоб ва файласуф Никколо Макиавелли (1469-1527 йй.) ўзининг “Ҳукмдор” асарида доно ҳукмдорлар ҳақида мулоҳаза қилар экан, давлат бошқарувидаги муаммоларни, шу жумладан коррупцияни сил кассалиги билан таққослайди. Унинг фикрича, касаллик аломатларини дастлаб аниқлаш қийин бўлса-да, уни осонликча даволаса бўлади, агар уни барча учун аён бўладиган даражага, оммавий авж олишига йўл қўйилса, уни аниқлаш осон бўлса-да, йўқ қилишнинг деярли имкони қолмайди[1]. Макиавелли томонидан олти аср олдин келтирилган мазкур фикрлар, ҳозирги давр учун ҳам долзарб ҳисобланади.

Коррупцияга оид изланишлар узоқ тарихга бориб тақалса-да, мазкур соҳадаги тизимли тадқиқотлар анча кейин, XIX асрнинг охирларида бошланган. Ушбу даврда олимлар ва тадқиқотчилар томонидан қатор мамлакатларда ривожланишнинг паст даражаси ва юқори даражадаги коррупция ўртасидаги боғлиқлик кузатила бошланган. Ушбу кузатишлар соҳада янада тизимли тадқиқотларни олиб бориш ва ривожлантириш учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилган.

Умуман олганда, коррупция дунёнинг барча мамлакатларига салбий таъсир қилувчи иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳодиса ҳисобланади.

Коррупцияга оид замонавий тадқиқотлар турли мавзулар ва методологияларни қамраб олади. Унинг айнан иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳодиса сифатида долзарблиги ва мураккаблиги сабабли, тадқиқотчилар томонидан уни ўрганишга бўлган қизиқиш ва иштиёқ кун сайин ошиб бормоқда. Иқтисодий тадқиқотлар коррупция оқибатидаги иқтисодий йўқотишлар ҳамда унга қарши курашиш чоралари самарадорлигини баҳолашга қаратилади. Сиёсий тадқиқотлар коррупциянинг сиёсий жараёнларга ва мамлакат барқарорлигига таъсирини

[1] Макиавелли Н. Государь. Пер. с ит. Курочкина Н. Россия: типография Тиблена и К. (Неклюдова) В.О. 8 л. д. но. 25. Санкт Петербург. 1869 г. стр. 13.

ўрганади. Ижтимоий тадқиқотлар эса коррупцияга олиб келадиган ижтимоий ва маданий омилларни тушунтиради.

Ҳозирда коррупция иллати тадқиқотчилар томонидан ҳуқуқ, иқтисодиёт, социология, тарих ва бошқа бир қанча ижтимоий ва гуманитар фанлари нуқтаи назаридан чуқур изланишлар олиб борилмоқда, юзлаб мақолалар чоп этилмоқда.

Хўш, коррупция ўзи нима, коррупция тушунчасини ўзи қандай таърифлаш мумкин? Халқаро ҳамжамиятда, шунингдек ҳуқуқ, ижтимоий ва гуманитар фанларда тадқиқотчилар томонидан коррупциянинг умумэътироф этилган таърифини ишлаб чиқишга кўплаб уринишлар бўлганлиги, бунинг учун турли хил ёндашувлар ва вариантлар ишлаб чиқилганлигига қарамасдан, коррупциянинг умумэътироф этилган якдил таърифи мавжуд эмас.

Жиноят ҳуқуқи фани доирасида коррупциянинг таърифи тадқиқотчилар томонидан тор ёки кенг ёндашув нуқтаи назаридан ўрганилади.

Колин Най тор ёндашувдан фойдаланган ҳолда, коррупцияни “шахсий (ўзи, яқин қариндошлари, тор доирадаги гуруҳлар), моддий манфаатлар ёки мансабга эга бўлиш мақсадида давлат ролининг расмий вазифаларидан четга чиқадиган хатти-ҳаракат”[1] дея таърифлайди.

Ўхшаш элементларни Муштак Хоннинг таърифида ҳам кўришимиз мумкин. У коррупцияга “давлат ҳокимияти мансабдор шахсининг бойлик, куч-қудрат ёки мансаб каби шахсий манфаатлар туфайли расмий хулқ-атвор қоидаларидан четга чиқувчи хатти-ҳаракат”[2] дея таъриф беради.

Робин Теобальд ҳуқуқий ёндашувдан фойдаланган ҳолда, коррупцияни “мансаб мавқеидан шахсий манфаатлар учун ноқонуний фойдаланиш[3]” деб таърифлайди.

Роберт Клитгард коррупцияни мансаб мавқеини норасмий мақсадларда суиистеъмол қилиш эканлигини таъкидлайди[4].

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам коррупцияни таърифлашда ягона ёндашув мавжуд эмас. Халқаро ташкилотлар, шу жумладан Жаҳон банки[5] ва “Transparency International”[6] ташкилотлари томонидан тан олинган ва коррупцияга нисбатан кенг қўлланиладиган таъриф бу “мансаб ваколатларини шахсий манфаат учун суиистеъмол қилиш” ҳисобланади. Кўриб турганимиздек, мазкур таъриф тор ёндашувни ўзида мужассам этади.

---

[1] Nye, J.S., “Corruption and political development: A cost-benefit analysis”, (1967) American Political Science Review, vol. 61, no. 2, pp.: 417-427., p.: 419.

[2] Khan M., “A typology of corrupt transactions in developing countries”, (1996) IDS Bulletin, vol. 8, no. 5, 2

[3] Theobald R., “Corruption, Development and Underdevelopment”, (1990) Durham, North Carolina: Duke University Press, 16.

[4] Klitgaard R., “Addressing corruption together”, (OECD 2015), 7.

[5] World Bank, “Helping countries combat corruption: The role of the World Bank”, (World Bank Group 1997), Washington, D.C. http://documents.worldbank.org/curated/en/799831538245192753/Helping-countries-combat-corruption-the-role-of-the-World-Bank

[6] Transparency International, “How to stop corruption: 5 key ingredients”, (2016), https://www.transparency.org/news/feature/how_to_stop_corruption_5_key_ingredients

Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодексида[1] (1979 йил 17 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 106-ялпи мажлисида 34/169-сонли резолюцияси билан қабул қилинган) коррупциянинг таърифи берилган бўлиб, унга кўра, коррупция бу талаб қилинган ёки қабул қилинган совғалар, ваъдалар ёки рағбатлантиришлар натижасида мажбуриятларни бажариш ёки ушбу мажбуриятлар сабабли бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш ёҳуд амалга оширмаслик ёки ҳар сафар бундай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир бўлганда совғалар, ваъдалар ёки рағбатлантиришларни ноқонуний қабул қилиш тушунилади. Ушбу таъриф коррупциянинг тор ёндашувдаги талқинини ифодалайди ва асосан пора эвазига оғдиришни назарда тутади.

Европа Кенгашининг Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияда эса, коррупция деганда пора, номақбул устунликлар ёҳуд уларнинг ваъдасини олувчидан талаб қилинадиган ҳар қандай мажбурият ёки хатти-ҳаракатни нормал бажаришдан оғдиришга қаратилган порани ёки ҳар қандай бошқа номақбул устунликларни ёхуд уларнинг ваъдасини тўғридан-тўғри ёки билвосита сўраб олиш, таклиф қилиш, бериш ёки қабул қилиш тушунилади[2]. Мазкур таърифда коррупциянинг субъекти этиб ҳар қандай шахс кўрсатилган бўлса-да, коррупциявий хатти-ҳаракатлар сифатида порахўрлик назарда тутилмоқда.

Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, коррупция деганда асосан порахўрлик ҳолатларини назарда тутилаётганини кўришимиз мумкин. Назаримизда, бугун жамият ҳаётининг турли жабҳаларида коррупцияга оид жиноятларнинг ошиб бораётган ва коррупциянинг янги шакллари пайдо бўлаётган бир даврда ушбу иллатни фақат порахўрлик билан чеклаш нотўғри ёндашув.

Кенг ёндашув тарафдорларидан бири бўлмиш Инге Амундсен қуйидаги фикрни билдиради: “Коррупция давлат амалдорларининг порахўрлиги ва давлат маблағларининг оддий ўғрилигидан тортиб, тадбиркорлар, сиёсатчилар ва бюрократларнинг бойишига олиб келувчи шубҳали иқтисодий ва сиёсий амалиётларнинг кенг доирасини ўз ичига қамраб олади”[3]. Дарҳақиқат, коррупция доимо ҳам фақат давлат амалдорлари томонидан эмас, балки ўз манфаатини кўзлаган ва бойиш мақсадини қўйган бошқа шахслар томонидан ҳам амалга оширилади.

Ю.М. Смирнова ва К.М. Лобзовлар кенг ёндашувни қўллаган ҳолда, коррупцияни ижтимоий ҳодиса сифатида мансабдор шахслар, шу жумладан давлат хизматчилари ва жамиятнинг алоҳида аъзолари ўртасида ўзи эгаллаган мансаб имкониятларидан шахсий манфаат олиш мақсадида учинчи

[1] Code of Conduct for Law Enforcement Officials (adopted by the United Nations General Assembly resolution 34/169 of 17 December 1979), https://www.ohchr.org/sites/default/files/codeofconduct.pdf

[2] Civil law convention on corruption (the Council of Europe, Strasbourg, November 4, 1999) https://eurasiangroup.org/files/documents/conventions_eng/CE%20Civil%20law%20Convention%20on%20corruption.pdf

[3] Amundsen I., “Corruption: Definitions and concepts” (2000) Chr. Michelsen Institute Development Studies and Human Rights, p.: 2.

тараф (давлат, жамият, корхона, истеъмолчилар, шериклар, рақиблар ва бошқалар) манфаатларига зарар етказиш учун фойдаланиш бўйича юзага келадиган муносабатларни криминализация қилиш[1] деб таърифлашади.

Коррупциянинг кенг ёндашувдаги талқини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларнининг Парламентлараро Ассамблеяси томонидан келтирилган. "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги намунавий қонунга кўра, "Коррупция, ушбу қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан ўз мансаб мавқеи ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланишга қаратилган ижтимоий хавфли хусусиятга эга бўлган қонунга хилоф қилмишни содир этиши, хизмат кўрсатиш, ҳомийлик қилиш, ўзи ёки учинчи шахслар учун имтиёзларни таклиф қилиш ёки тақдим этиш шаклида моддий ёки бошқа манфаатларни олишга қаратилган қилмишни содир этиш" деб белгиланган[2].

Тор ёндашув тарафдорларининг таъкидлашича, коррупцияни таърифлашда кенг ёндашувни қўллаш мазкур жиноят тушунчасининг "хиралашувига" олиб келади. Масалан, А.И. Долгова мазкур нуқтаи назарни асослар экан, "коррупцияни ҳаддан ташқари кенг талқин қилиш ўз криминалистик хусусиятларига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилувчи ҳодисаларни, ҳам талон-тарож қилиш, ҳам пора эвазига оғдириб олиш, ҳам мансабдорлик жиноятларини деярли бир атама остида бирлаштиришни англатади"[3], дейди.

Йенс Кристофер Андвигнинг таъкидлашича, коррупцияга нисбатан уни муайян агентлар, секторлар ёки битимлар билан чеклайдиган қатъий ва тор ёндашувдаги таърифларни қўлланилиши, муаммо чекланган бўлсагина қулай бўлиши мумкин. Бироқ, тор (ҳуқуқий) ёндашувдаги таърифлар муаммонинг муҳим жиҳатларини эътибордан четда қолдириши мумкинлиги сабабли, кенг тарқалган ва оммавий коррупция ҳолатларида кенгроқ ва очиқроқ ёндашувдаги таърифларни қўллаш, масалан, коррупцияни ҳокимиятни суиистеъмол қилиш нуқтаи назаридан ифодалаш зарур[4].

Баъзи халқаро ҳужжатларда коррупция тушунчасига таъриф берилмаган, бироқ уларда коррупция деб ҳисобланиши лозим бўлган ҳаракатлар рўйхати кўрсатилган. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияси[5] ёки Европа Кенгашининг

---

[1] Смирнова Ю.М., Лобзов К.М. Коррупция как угроза национальным интересам // Вестник Поволжского института управления. 2016. №1(52). С.10.

[2] Модельный Закон «О противодействии коррупции» (принят постановлением №31-20 от 25.11.2008 Межпарламентской Ассамблеей государств участников Содружества Независимых Государств) https://zakonrb.com/npa/o-novoy-redakcii-modelnogo-zakona-o-protivodeystvii#%D0%97%D0%B0%D0%B3_%D0%9F%D1%80%D0%B8%D0%BB_0

[3] Криминология: Учебник для вузов/Под общ. ред. А.И. Долговой. (2001), стр.559.

[4] Andvig J.C. and Fjeldstad O.H., "Corruption: A Review of Contemporary Research" (2001) Chr. Michelsen Institute Development Studies and Human Rights, 5.

[5] United Nations Convention against Corruption (Adopted by the UN General Assembly: 31 October 2003, by resolution 58/4) https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention/08-50026_E.pdf

Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенциясида[1] жиноят деб топилиши керак бўлган коррупцияга оид ҳаракатларнинг кенг рўйхати келтирилган. Бундай ёндашувдан фойдаланиш жиноят ҳуқуқи доирасида шубҳасиз тўғри, бироқ ушбу ёндашув унинг кўламини чегаралаб қўяди, чунки коррупциянинг моҳияти коррупцион хатти-ҳаракатларни ўз ичига олган жиноятлар рўйхатидан кенгроқдир.

Бизнингча, бугунги кунда коррупциянинг долзарблигини, унинг аллақачон трансмиллий характерга эга муаммога айланганлигини инобатга олиб, уни таърифини белгилашда тор ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу билан бирга, коррупцияни таърифлашда кенг ёндашувни қўллаш, юқорида таъкидланганидек, унинг “хиралашувига” олиб келмаслиги лозим. Фикримизча, коррупция тушунчасига таъриф беришда унинг субъекти, предмети ҳамда унинг қўллаш соҳасини аниқ белгилаб олиш зарур.

[1] Criminal Law Convention on Corruption (the Council of Europe, Strasbourg, 27.1.1999) https://rm.coe.int/168007f3f5

Илм-фан ва илмий фаолиятда коррупция ва бюрократия: муаммо ва унинг ечимлари мавзусидаги республика илмий-амалий давра суҳбати

Д А С Т У Р И

09:30 – 09:55	**Иштирокчиларни рўйхатга олиш**
10:00 – 10:10	**Кириш сўзи** **Самадов Салом Исматович –** Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлиғи в.в.б. 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси
Модератор: Шайзаков Шодиёр Ибрагимович – Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси марказ бошлиғи, ю.ф.ф.д., доцент	
10:10 – 10:20	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациялашда коррупция ҳолатини олдини олиш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш **Шермуҳамедов Абдулазиз Адилхакович –** Олий аттестация комиссияси бош илмий котиби, тех.ф.д., профессор
10:20 – 10:30	Илмий даражали кадрларни тайёрлаш бўйича долзарб масалалар **Норов Асрор Эгамбердиевич –** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги, Илм-фан ва таълим интеграцияси бошқармаси бошлиғи, иқт.ф.д.
10:30 – 10:40	Республикада олий таълимдан кейинги таълим тизимида илмий кадрлар тайёрлаш жараёнидаги муаммолар **Турсунметов Муродулла Махмуджонович -** Бош прокуратура Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси катта прокурори
10:40 – 10:50	Юридик фанни ривожлантириш истиқболлари **Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович –** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлиғининг ўринбосари, ю.ф.д., профессор
10:50 – 11:00	Олий таълимда коррупцияга қарши кураш бўйича хорижий тажриба **Ниёзова Саломат Сапаровна –** Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси профессори, ю.ф.д.
11:00 – 11:10	Академик ҳалоллик – коррупциянинг олдини олишнинг муҳим омили сифатида **Кабилов Шариф Раҳимович –** Ички ишлар вазирлиги Академияси магистратураси бошқарув фанлари кафедраси, иқт.ф.д., профессори

11:10 – 11:20	Олий таълим тизимида коррупциявий ҳолатлар ва уларнинг таҳлили **Ачилов Иззат Тулкинович –** Бош прокуратура Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси прокурори, ю.ф.ф.д. (PhD)
11:20 – 11:30	Ўзбекистонда коррупцияга қарши превентив чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ва ҳалоллик стандартларини жорий этиш масалалари **Самандарова Нодира Керимбаевна –** Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси мутахассиси
11:30 – 11:40	Современные подходы к разработке и реализации антикоррупционной политики **Борсиева Замират Хасанбековна** – Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази прокурори, доцент
11:40 – 11:50	Олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш масалалари (Ўзбекистон ва Финляндия мисолида) **Расулова Гулбаҳор Абиджановна** – Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти
11:50 – 12:00	Ислом ҳуқуқшунослари асарларида коррупцияга қарши кураш масаласининг ёритилиши: “Фатвои Қозихон” асари мисолида **Мансурова Нилуфар Мухсинжон қизи –** Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази докторанти
12:00 – 12:10	Меҳнат органларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш масалалари **Хасанов Мухриддин Ўроқбой ўғли –** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти
12:10 – 12:20	Қурилиш соҳасида рақамлаштириш коррупцияга қарши муваффақиятли фаолиятнинг омили сифатида **Абдурахматова Камола Муроджон қизи –** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти
12:20 – 12:30	Антикоррупционный мониторинг как направление государственной политики в области противодействия коррупции: следующий этап развития **Юматов Богдан Олегович –** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти
12:30 – 12:40	Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масалалари: муаммо ва ечимлар **Мажидов Шахзод Абдихалил ўғли –** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти

12:40 – 12:50	Коррупциянинг олдини олишда ходимларни ҳалоллик вакцинаси бўйича “эмлаш”нинг аҳамияти **Нуралиев Фаррух Бахром ўғли –** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти
12:50 – 13:10	**Муҳокама учун савол-жавоблар**
13:10	**Давра суҳбатини якунлаш**

ТАДБИРДАН ЛАВҲАЛАР






PROKURATURASI






VISSONIC









МУНДАРИЖА

I. ЮРИДИК ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ, ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

М.М.Мамасиддиқов. Юридик фанни ривожлантириш истиқболлари.....3-6
Ш.И.Шайзаков Юридик фан ва таълим: илмий-амалий мулоҳазалар.....7-11
А.Е.Ибраймов. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари малакасини ошириш жараёнини масофавий ва аралаш шакллар асосида такомиллаштириш.....11-15
С.Х.Авлияқулов. Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари курсант(тингловчи)ларига қўлланилаётган интизомий жазолар хусусида айрим мулоҳазалар 15-20

II. ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

М.А.Аминжонова. Хотин-қизлар ижтимоий ҳуқуқлари кафолатлари.....21-29
Б.К.Худойбердиев. Прокуратуранинг шаклланиши ва ривожланиши, унинг фаолиятига бир назар.....29-39
Ҳ.Х.Болтаев. Янги Ўзбекистон шароитида қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан давлат назоратини такомиллаштириш масалалари.....40-46
С.Я.Тошқувватов. Диний ташкилотлар тушунчаси ва моҳияти.....46-50
Б.Н.Султанов. Ўзбекистон Республикасида археология мероси объектларини муҳофаза қилишга оид фаолиятни тартибга солиш бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили.....50-54
М.М.Уринбоева. Сущность определения понятий “гендер” и “гендерное равенство” в праве 54-59
А.Х.Усманов. Yoshlarni harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning ahamiyati.....59-62
Ш.А.Жўраев. Миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, асосий мақсад ва вазифалари.....63-72
О.А.Шокиров. Маҳаллий вакиллик ва ижро органлари қарорларида қонунийлигини таъминлашда прокурор назорати предмети.....73-77
Sh.B.Jumayev. Qonunlar ijrosi ustidan prokuror tekshiruvlarini o‘tkazishda prokuror nazorati hujjatlarining ahamiyati.....77-80
С.У.Алимов. Аёллар меҳнатини ҳуқуқий жихатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари.....80-85
Sh.A.Jurayev Migratsiya sohasidagi qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazorati bo‘yicha xorij tajribasi.....85-94

III. ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ш.И.Шайзаков. Кассация инстанция суди ҳақида айрим мулоҳазалар (фуқаролик судлари мисолида).....95-98
Х.А.Қучқаров. Меҳнатга оид низоларни судда кўришда адлия органларининг иштирокини такомиллаштириш.....98-104
Э.К.Сабиров. Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкораликни таъминлашнинг назарий ва амалий масалалари.....104-113
Д.Б.Раджапов. Фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштириш тушунчаси ва унинг воситалари.....113-116
Б.А.Отажанов. Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор ваколатларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....116-120
Ў.М.Давлетов Фуқаролик низоларни ҳал қилишнинг муқобил шакллари: халқаро амалиёт.....120-132
J.M.Vosiyev. Insonning biomexanik o'zgarishlarini amalga oshirish subyektlarining huquqiy maqomini tartibga solish.....132-135
В.М.Усмонов. Интернет-трансляцияда муаллифлик ҳуқуқининг ҳуқуқий табиати 135-140
С.Ў.Хасанова. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда йиғилиш қарорларининг муҳим аҳамияти.....140-144
А.К.Исоқов. Фуқаролик ва иқтисодий процессда шаффофлик муаммолари.....144-157
М.М.Уринбоева. Правовые механизмы гендерной защиты: исторический контекст и современные тенденции.....157-161
Н.Х.Бегимова. Фарзандликка олиш ҳақидаги фуқаролик ишларида суд процесси иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....161-171
М.А.Ахмедов. Разрешение экономических споров путем медиации.....171-176
Ф.А.Эргашев. Судларга электрон шаклда мурожаат қилиш бўйича хорижий тажриба 177-181
Х.Н.Мансурова. Фуқаролик ишларини судда кўриш муддатларига амал қилиш кафолатлари.....181-187
О.Ў.Маруфов. Ерга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик ишларини судда қўзғатиш масалалари.....187-194
К.Х.Давлетова. Иқтисодий суд ишларини юритишда ахборот-технологияларини қўллашнинг айрим масалалари.....194-198
Д.Б.Ахмедов. Маъмурий суд ишларини юритиш принциплари ҳақида айрим мулоҳазалар.....199-203

IV. ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

В.Каримов, О.Ю.Исмоилов. Экология соҳадаги латент жиноятларни аниқлаш усулларини такомиллаштириш.....204-208

Н.А.Норова. Мутахассиснинг жиноят процессидаги иштирокини такомиллаштириш.....208-214
А.Й.Абдуллаев. Ёлғон кўрсатувларни шаклланиш механизми.....214-223
У.А.Ахунов. Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....224-232
Д.А.Бабамурадов. Ўзбекистон Республикасида пробациянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари 232-239
Ш.Р.Рашидов. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш тушунчаси ва унинг ижтимоий хавфлилиги.....239-242
Д.О.Облакулов. Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг субъекти: муаммо ва ечимлар.....242-249
Б.Н.Элмурзаев. Жиноят процессида терговчининг процессуал мустақиллигини таъминлаш масалалари.....249-254
М.С.Нарзуллаева. Биринчи инстанция судларида жиноят ишлари юритилишида ҳимоя функцияси, хорижий амалиёт билан уйғунлиги.....254-257
А.А.Хайруллаев. Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг криминалистик тавсифи.....257-264
D.A.Xidirov. Shartli hukm qilishda sinov muddati va uning davomiyligi to`grisida.....264-270
I.G‘.Davronov. Lavozimdan chetlashtirish majburlov chorasini qo`llash qonuniyligi va dolzarb muammolari.....270-275
Sh.X.Mirzaliyev, S.Ya.Toshquvvatov. Jinoyat protsessi ishtirokchilari xavfsizligini ta’minlashning o’ziga xos xususiyatlari.....275-278
О.Ю.Исмоилов. Экология соҳасидаги жиноятларни юқори латентлик сабаблари ва ўзига хос хусусиятлари 278-282
У.И.Бобоназаров. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалалари.....282-287
D.G‘.Sattorov. Jinoyat protsessida munosib xulq-atvorda bo‘lish haqidagi tilxat ehtiyot chorasining o‘rni va o‘ziga xos jihatlari.....287-292
M.F.Sharifbayeva. Voyaga yetmaganlarga nisbatan jinsiy zo’ravonlik jinoyatlari uchun javobgarlik borasida qonunchilik tahlili.....292-298
O.G.Xaitbayev. Jinoyat protsessida himoya institutining nazariy asoslari.....298-302
Z.B.Isaboyeva. Mahbuslar bilan muomala qilishning minimal standart qoidalari.....302-305
А.Б.Билолов. Ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини амалиётда қўлланилиши.....305-310
Ф.Р.Қўшаев. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жиноятининг ҳуқуқий белгилари.....311-314
А.М.Бозоров. Айбсизлик презумпцияси тамойилининг назарий ва ҳуқуқий аспектлари.....315-322

А.А.Нормуродова. Понятие и правовая характеристика сексуального насилия.....322-324
X.A.Saidov. Valyuta qimmatliklari bilan bog'liq jinoyatlarni aniqlash va kvalifikatsiya qilishdagi ayrim muammolar.....324-329
В.Р.Самандаров. Оилавий (маиший) зўравонлик тушунчаси: миллий ва халқаро тажриба.....329-337
M.A.Anvarov. Ko'rsatuvlarni hodisa sodir bo'lgan joyda tekshirish tergov harakatini videoyozuv orqali o'tkazishning o'ziga xos hususiyatlari.....337-340
S.U.Asatov. Bojxona to'g'risidagi qonunchilikni buzish jinoyatlari bo'yicha tergovga qadar tekshiruv o'tkazishning ahamiyati.....340-343
M.A.Atanazarova. Shaxsga doir ma'lumotlarni himoya qilishning huquqiy ahamiyati.....343-346
А.М.Бозоров. Жиноят процессида айбсизлик презумпциясининг тарихий ривожланиш босқичлари.....346-352
A.N.Ortiqov Odam savdosi va odam o'g'irlashning rivojlanish tarixi va umumiy tavsifi.....352-359

V. ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

М.Р.Каримова. Қуролли можароларда жабр кўрган болалар билан боғлиқ ишларнинг халқаро жиноий трибуналлар ва халқаро жиноят судида кўрилишининг хусусиятлари.....360-365
Ж.Н.Саъдуллаев. Гувоҳ иштирокига оид халқаро стандартлар.....365-373
Т.К.Хужанов. Вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича одил судловни амалга оширишнинг хусусиятлари: халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик.....373-380
У.Б.Кодиров. Защита персональных данных в цифровом пространстве.....380-384
Sh.M.Maxsitaliyev. Noqonuniy migratsiyasiga qarshi kurashishning tashkiliy-huquqiy asoslarini takomillashtirish.....385-387
D.M.Narimanova. Uzbekistan's wto ambition: bridging national law with global trade norms.....388-390
D.K.Musaev. Combating illicit drug trafficking within the framework of member states of the commonwealth of independent states.....390-394

VI. КОРРУПЦИЯ МУАММОЛАРИ

А.Ю.Мавлонов. Коррупцияга қарши курашишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг усуллари, эволюцияси ва ўзига хос хусусиятлари..... 395-406
Х.Турсунбеков. "Transparency International" халқаро нодавлат ташкилотининг коррупцияни идрок этиш индексида Ўзбекистон ўрнини яхшилаш истиқболлари.....407-413

Ш.Р.Кабилов., Р.Мирзаев. Академик ҳалоллик – коррупциянинг олдини олишнинг муҳим воситаси 413-426
Б.И.Исмаилов., Н.К.Самандарова. Ўзбекистонда коррупцияга қарши превентив чора-тадбирлар самарадорлигини оширишда давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этишнинг аҳамияти.....426-436
С.С.Ниёзова. Олий таълимда коррупцияга қарши кураш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси.....436-446
Ж.Ж.Хатамов. Яширин иқтисодиётни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмлари ҳақида мулоҳазалар.....446-450
Н.К.Самандарова. Коррупциянинг миллий хавфсизликка таҳдиди ва ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда превентив чора-тадбирлар самарадорлигини оширишнинг долзарблиги.....450-458
К.Х.Мусашайхов. Спорт соҳасида келишилган ўйинлар билан боғлиқ коррупциявий ҳолатлар ва унга қарши курашиш чоралари.....458-462
М.С.Одилов. Таълим ва фан соҳасида коррупциявий омиллар ва уларни бартараф этиш муаммолари 462-467
З.Х.Борсиева. Подходы к разработке и реализации антикоррупционной политки.....468-472
З.Қ.Қўчқаров. Олий таълим соҳасида бошқарувни амалга ошириш жараёнида коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқиш омиллари ва уларни бартараф этиш масалалари.....472-480
Г.А.Расулова. Олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олиш масалалари (Ўзбекистон ва Финляндия мисолида) 480-488
M.A.Abdurasulov., X.M.Abdurasulov. Korrupsiya jinoyatini oldini olishda huquqiy savodxonlik omili.....488-491
H.P. Aslonov. Ilm – fan va ilmiy faoliyatda korrupsiyani oldini olishda axborot olish huquqining ahamiyati.....491-493
Н.М.Мансурова. Ислом ҳуқуқшунослари асарларида коррупцияга қарши кураш масаласининг ёритилиши:“Фатавои Қозихон” асари мисолида.....494-497
М.Ў.Хасанов. Ўзбекистон Республикасида меҳнат органларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг шаклланиши.....497-509
К.М.Абдурахматова. Қурилиш соҳасидаги рақамлаштириш коррупцияга қарши муваффақиятли фаолиятнинг омили сифатида.....509-513
Ш.А.Мажидов. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масалалари: муаммо ва ечимлар.....513-519
Ф.Б.Нуралиев. Коррупцияни олдини олишда ходимларни ҳалоллик вакцинаси билан эмлашнинг аҳамияти.....519-522
Б.О.Юматов. Антикоррупционный мониторинг как направление государственной политики в области противодействия коррупции: следующий этап развития.....522-524
S.B.Rasulov. Korrupsiyaga qarshi kurashishda yevropa kengashining korrupsiya uchun jinoiy javobgarlik bo’yicha konvensiyasining ahamiyati.....524-528

Ж.Ж.Хатамов. Яширин иқтисодиётга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари.....529-531
О.А.Норова. “Коррупция” тушунчаси: илмий қарашлар ва халқаро-ҳуқуқий асослар.....531-536
Илмий-амалий давра суҳбатининг Дастури.....537-539
Тадбирдан лавҳалар 540-544
Мундарижа.....545-550

Илм-фан ва илмий фаолиятда коррупция ва бюрократия: муаммо ва унинг ечимлари” мавзусидаги республика илмий-амалий давра суҳбати материаллари
ТЎПЛАМИ

СБОРНИК
Материалов научно-практического круглого стола “Коррупция и бюрократия в науке и научной деятельности: проблема и пути ее решения”

Техник муҳаррир: Г.Абдурасулова
Компьютерда саҳифаловчи: О.Қличев
Дизайнер: О.Қличев
Босишга рухсат этилди: 26.04.2024 й.
Бичими 60x44 1/8, “Cambria”
гарнитурада рақамли босма усулида босилди.
Босма табоғи: 27,7. Адади: 100 нусха. Буюртма: № 1278
Нархи шартнома асосида
100060, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 42 уй.
“Lesson press” босмахонасида чоп этилди.

Тўплам қуйидаги сайтга жойлаштирилган:
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси сайти: www.proacademy.uz